

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

6' 1992

61-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)

**Мурод МАНСУР**  
(Наср бўлими мудири)

**Омон МУХТОРОВ**  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

**Икром ОТАМУРОД**  
(Назм бўлими мудири)

**Носир ФОЗИЛОВ**  
(Масъул котиб)

**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ**  
(Мақодалановислик бўлими мудири)

**Асқар ҲАЙДАРОВ**  
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ХАМДА  
ФАҲУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

*Мен вафо бўстонида севгучи жон эдим, дўстлар,  
Бир нурли рухсора, деб жигари қон эдим, дўстлар,  
Дилда ўт, қайноқ юрак, тоза иймон эдим, дўстлар,  
Миллатимга, тилимга, шеъри қалқон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».*

Ўзбек шеъриятининг порлоқ юлдузларидан бири — Чўлпоннинг фоживий ҳаёт йўлига бағишлаб шоир Тўлан Низом ёзган дostonни ойноманинг 83—91 саҳифаларида ўқийсиз.




Эшикка қараб юрди. Йўлакка чиққанида нимадир қарсиллаб, оҳақ тўкилди. Сарғайиброк ёниб турган чироқлар липпиллаб чайқаларди. Холхўжа бош устида бетон плитанинг дарз кетганини кўриб, оғзини очиб ҳам улгурмай, олдинроқда шифт тўсинлари қарсиллаб, назарида девор ағанади. Қарс-қарс тебранаётган зинапоядан ўзини пастга отди...

Таниқли адиб Асқад Мухторнинг янги ҳикояси билан ойноманинг 92—105 саҳифаларида танишасиз.

---

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуриш ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Жуманазар САЛАЕВ, Муҳаммад СОЛИХ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Абдураим ТУРСУНМАТОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Шукр ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.

---



# Ҳикмат, Boketlar, ҳужжатлар

Анорбой Қуронбоев

## ТАВБА ВА ТАЗАРРУ

ОДАМ НИМАГА ИНТИЛАДИ?

Эссе

Кечаги машъал ва машхур бир одамнинг сидқидил тазаррусига муаллифнинг бугунги изоҳ ва шарҳлари.

Дунёнинг ишларини карангки, ҳамал кириб, бутун борлиқ яшнаб кетган маҳалда буйрагим безовта қилиб, касалхонага тушиб қолдим. Ҳамшира мўъжаз хонага бошлаб кирди-да, секин шипшиди:

— Шеригингиз машхур одам. Ташқари чиқибдилар. Балки танирсиз. Мадёров, — деди ғалати оҳангда. Эсладим. Бир гуруллаб, сўнг қамалган одам.

— Нахотки, — дедим ишонқирамай, — иши судда шекилли?

— Олий судда кўрилгунча очикда қолдириб, даволашяпти...

— Э, шунақами?..

Курсининг бир четига ўтириб қолдим. Мана инсоннинг ҳоли. Кеча ким эди-ю, бугун ким? Чинданам Андижонда кейинги 25 йилда унданам гуруллаган ким бор эди? Марказкомнинг ҳамма котиблари — Шароф Рашидов ҳам, Иномжон Усмонхўжаев ҳам, ҳатто Москвадан ташриф буюрадиган олийнасаб меҳмонлар, министрлар ҳам унинг боғига тушишар, вагон-вагон мевалар ўша ёқларга жўнатилад, ўзи бир адирдаги тайёр боғни бошқаларга топшириб, янги адирга ҳужумга ўтар эди. У боғ жинниси эди. Шухратни ҳам шунинг орқасидан топган эди. Олдин орденлар билан сийлашди. Кейин Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришди. Сўнг эса, дунё чаппа кетди. «Сут иши» бўйича бошига иш тушиб, икки йиллик терговдан кейин, мана ўн йилги кесилиб турибди. Ҳамширанинг гапларини эсладим: «Олий судда кўрилгунча очикда қолдириб туришганмиш.»

Эй, хом сут эмган инсон! Нимага интилувдинг — ўзингдан боғ қолдиришгами ё шон-шухратга? Е у ҳаммас, бу ҳаммас, бу — бугунни кўрабилмаганимиз касримиз? Қалта ўйлаганимиз, социализмга сеҳрланиб қолганимизми?..

Нихоят, у кириб келди. Жуссаси чўкиб, ўзи бир бурда тортиб қопти. Илгариги виқордан асар ҳам йўқ. Бу савдолар одам ёшлигида унча билинмас-у, лекин манавиндай қариганда бошга тушса, ёмон чўкиб кетаркан. Таниб сўрашди. Дил ёрар бир ҳамсухбат келганиданми, юзи жиндек ёришди.

— Қалай, Масодик ака?

— Кўрмайсизми, шуюм пешонада бор экан шекилли, — деди у синиқ жилмайиб. Сўнг узун кечалардан бирида... ёрилди. Ҳамма-ҳаммасини бир бошдан айтиб берди.

Мен ўшанда лентага ёзилиб қолган тазарруномани орадан бир неча йил ўтгач, шундайлигича қоғозга туширдим-у, ора-орада ўз қарашларим, назарим, изоҳларимни

кўшмай тура олмадим. Бу нима, ҳужжатли қиссами, биз босиб ўтган йўлга шарҳми, бу ёни ўзингизга ҳавола.

Лента оҳиста айланиб, ғамгин, хокисор, эртага сал тузалгач, қамокка кетишини ҳам, мўъжиза юз бериб қутулиб қолишини ҳам билмаган одамнинг ўқинчу армонларга тўла ҳикояси бошланади...

## I

Ким ўйлабди бу кунларни...

Кеча армон нима, ғам нима билмай ғоз юрган одам бугун ёшим бир қорага — етмиш бешга борганда бошимда бундай тақдирлар ҳам борлигини билиб туришим қанчалик оғирлигини сиз тасаввур қила олмайсиз.

Олднда бирон-бир ёруғлик кўра олсам ҳам майли эди. Таскин-тасалли бўладиган нарсаниң ўзи йўқ. Ахир биз нимани деб яшаган эдиг-у, нимага, қандай кунга рўбарў бўлиб турибмиз?

Ўн йил беришди. Айтишга осон. Лекин ўшангача ким бору ким йўқ. Замон ҳам неча айланиб келар. Аммо қутулиб чиққач, нимага ҳам улгуриш мумкин? Биз ўзи ниманинг қурбони бўлдик, қандай шайтон йўлдан оздирган эди ўзи? Айб биздами, ўша шайтонлардами? Балки сиз эркинликдаги сўнги ҳамномам бўлиб қоларсиз... Эҳтимол, бунақа шифохоналарда охирги марта ётишимдир. Эътибор берманг. Мен шунақа умидсизликка тушиб қолган одамман. Лекин баъзан кимдир деразамни чертгандай бўлиб кетадию ичимга нур ёғилади. Шундай кунда мени йўклаган ким экан, қайси дўстим экан, деб типирчилаб қоламан. Энтикиб кимнидир кута бошлайман. Ҳозир жўрларим бостириб қирадигандай, мени қутқариб оладигандай туюлаверади.

Аммо... ҳеч ким сўраб келмайди. Менга шундай туюлган бўлиб чиқади. Рост, илгари «ота», «отагинам» деб атрофимда гиргиртон бўлган, яхши кунимда дастурхонимдан нари кетмаган жўраларим энди йўқ, мендан юз ўгирганлар.

Ох, у ўзим йўқдан бор қилган боғларимда айланган кезларим қани? Энди у кунлар мен учун бир эртақ бўлиб қолган. Ким эдим, ким бўлгандим-у, энди нима деган одам бўлиб ўтирибман. Орқа-ўнгимизга қарамаган эканмиз-да бундай... Етти ухлаб тушимизга қирмаган кунларга қолиб ўтирибмиз-а, тавба. Отамиз ким эди-ю, биз ким бўлдик? Яхши эслайман, отам қотмадан келган, жонсарақ киши эди. Ўзи Қонибодомда машҳур боғбон эди. Шунинг учун онам ирим қилиб отасидай соҳибқор бўлсин деб, чақалоқлигимда узум сўрдиришган экан. Отам айниқса пайвандчиликка уста эди. У ўрқининг қантак, хурмойи навларини кўпайтиргани-кўпайтирган эди. Таниш-билишларини кўрганда ҳам «зардолинг борми?» деб сўрарди. Бу, олтининг борми, дегани эди. У ўрқини олтинга тенг кўрарди ва шу қадар эъзозлардики, бунақа одамни кўрмаганман. Ҳали-ҳали кўз олдимда турибди, бизнинг катта ўрқизоримиз бўлиб, атрофи тут билан ўралган эди.

Мен жуда ёшлик чоғимдан, ялангоёқ юрган пайтларимданок отамнинг ёнига қирганман.

— Боғда ҳикмат кўп, ўғлим, — дер эди отам ишдан бошини кўтармай, — боғи борнинг боли бор, деганлар. Зардолини кўпайтиравериш керак. У ҳаммага керак, юракни бақувват қиладиган шу ўрик.

У киши бизга ўрик шарбати ичиб юришни маслаҳат берардилар.

— Боғнинг бошқа хосияти ҳам бор, — дерди у бошқа гал, — одамдан бу дунёда нимадир қолиши керак. Боғ ярат, ўғлим, кам бўлмайсан...

Отамнинг уқалари Қувасойда яшашарди. Ғофур амаким қазо қилгач, қариндошуруғлар: «Сизлар ҳам Қувасойга кўчиб келинглар, ҳаммамиз бир жойда бўлайлик», деб қўйишмади. Ўшанда мен ўн олти ёшда эдим шекилли. Қувасойнинг ҳавоси, суви зўр. Табиати гўзал, ўзи мисоли жаннат эди.

Назир амаким мени боғдорчилик совхозига ишга жойлаб қўйди. Семён Михайлович Ганин деган боғбонга шогирд тушдим.

**Муаллиф:** тавба, нега энди худди шу кишига? Мўянда шунча ерлик уста боғбонлар турганда нега Ганинни танлашди? Келажагини ўйлашди? Ўқисин, билсин, дунёни кўрсин, от босмаган жойларни той боссин, дейишди? Яна ким билади...

Кейин бир йиллик боғбонлар тайёрлаш курсини битириб келдим. Шунда совхоз директори Владимир Иванович Оскин:

— Мана энди сени чинакам боғ бригадири деса бўлади, деб табриклади.

Бу таклифдан довдираб қолдим. Ҳеч қутмагандим.

— Боғларимиз қаровсиз, ука, — деб давом этди директор. — Мевалар қамайиб кетди. Бригадада одамларнинг бошини қовуштириб кетадиган одам йўқ. Энди ўзинг...

Кўз олдимга сувсизликдан қуриб хароб бўлаётган боғлар келди. Аммо бирданига хўп дейишга юрагим дов бермади.

— Ўйлаб кўрай, — дедим.

— Ўйлашга фурсат борми, — деди директор ўз фикрида катъий туриб, — эртадан иш бошлайверасан.

— Ундай бўлса, битта илтимосим бор.

— Хўш?

— Устозим... Семён Михайловичга тайинлаб қўйсангиз, қарашиб турсалар.

— Оббо, муғомбир-эй! Майли. Сен айтгандай бўлақолсин, — кулди у. Лекин бу ўзига ҳам ёкиб тушди.

**Муаллиф:** Бошланиши ёмон бўлмаган эканми?..

Кеч куз эди ўшанда. Семён Михайлович билан боғ айлангани чикдик. Елғизоёк йўлдан боряймиз. Чакалакзорда баъзан олма, баъзан эса ўрик, шафтоли дарахтлари учраб қолади. Қаровсиз боғ ҳувуллиб ётибди. Сўқмоқнинг охири эса кўринмайди. Анчадан кейин кўримсиз уйларга етиб бордик. Семён Михайлович олди айвонли бир кулба олдида тўхтади.

— Келдик, Масодик.

— Қаерга? — дедим хайрон бўлиб.

— Мана шу бригаданг шийпони.

Шийпондан юпун кийинган озгин чол тушиб келди. Оппок соколи ўзига яришган-у, кийими жуда уринган. Эгнида қора чопон, оёғида эски махси-ковуш. Лекин истараси иссиққина эди. У ўзини боғ қоровули деб таништирди. Кейин бизни шийпонга бошлади. Шийпонга шафтоли қоқи ёйилган экан, ётавериб қорайиб кетибди. Бинонинг ичкарасида ҳам олма қоқи уюлиб ётар, оёқ босгани жой йўқ эди.

— Нега топширмадингизлар?

— Бир йилдан бери бригадиримиз йўқ. Қаерга, кимга топширардик.

Шу куни ишни қуриган дарахтларни кестиришдан бошладик. Соғломларига шакл бердик, тагини юмшатиб, сув қуйдик. Шийпонни оклатиб, сал эпакага келтирган бўлдик. Директор келиб кўриб, елкамга қокди:

— Баракалла, Масодик, хўб яхши қилибсизлар.

Одамларимдан ҳам яхши сўзини аямади. Биз билан тушлик қилди. Бирга ишлаган боғбонларни ҳали-ҳануз эслайман. Ғулом ота ўзи етмишда бўлса-да, тишлари садафдай, ҳаммаси бут эди. Камгап-у, жуда ғайрат билан ишларди. Зокир тоғанинг юзидан қон томарди. Икки гапнинг бирида «яъни-масалан»лаб қўярди. Юсуфжон доим кулиб турар, мактанчоқларни хуш кўрмасди. Ана шундай кишиларга таяниб ишлаганман. Улар менга ёкарди, андишали, нима иш буюрсам жон-дилдан бажаришарди. Мен ҳам ҳеч биридан илик сўзимни аямасдим. Бокка ҳаммадан олдин келардим. Боғбонлар ҳам мендан андоза олиша бошлашди. Худди ўз боғимизга қараётгандек ишлардик. Охири куз, қиш ўтиб, совуқнинг қаҳри ташлади. Тарновларга осилган музлар эриб, аёз сўнги дақиқаларини санаб қолди. Кейин ердан ҳовур кўтарилиб, майсалар ниш урди. Баҳор шивирюю нафасини атрофда туя бошладик. Қарахт новдалар пўстига офтоб тегиб, куртаклар кўз укалашга тушди. Хурпайган мусичалар, чиллада дилдираган чумчуқлар ўзларини офтобга солиб, патларини тарай бошлашди.

Шулар қатори бизнинг боғ ҳам уйғона бошлаган эди. Бунга сари тўлқинлар, дўппини ерга олиб қўйиб, режалар тузар, орзуларимнинг чеки йўқ эди.

Аммо ҳолава деган билан оғиз чучий қолмас экан. Аввалги йил планни тўлдиролмай қолдик. Анчагача хижолатда бош кўтараолмай юрдим. Уч йил деганда ўз меҳнатимиз самарасини кўрсатди. Янги ўтказган кўчатларимиз мевага кириб, юзимизни хийла ёруғ қилди.

Шундай кунлардан бирида водийга йўли тушган республика озик-овқат халқ комиссари совхозимизга кириб, атай боғимизни айланди. Мактаб-мактаб шафтолиларимиздан еди-еди-да, кишлоғимизга қараб туриб:

— Эсиз, боғдан қачонгача зарар кўрарканмиз? — деди ачиниб, кейин бирдан жонланиб: — Айтмоқчи, сизни Ленинградга юборсак-чи? Ана уларнинг тажрибасини бир кўриб келинг. Биз ҳалиям боғнинг кадрига ета билмаймиз. Сиз Петр I яратган Пушкино кишлоғини бир кўринг, — тайинлади у.

**Муаллиф:** комиссар яхши ниятда таклид қилгандир, ҳавас қилгандир, маданият кирсин, дегандир. Қолаверса, сиёсат ўзи шунақа эди ўшанда. Лекин бу ҳавас кўр-қўрона таклидга, хайратга, сўнг қуллуққа айланиб кетган бўлса-чи? Ўшаларсиз ҳеч ким эмассан, деган тушунча шундай туғилгандир балки?..

Мен беқасам тўн, тулки телпак, этик кийиб, ҳаётимда биринчи марта олис сафарга отландим. Отам, Назир амаким, Семён Михайлович поездгача кузатиб қўйишди. Москвада Ленин мавзолейига кирдик.

Ундан Ленинградга ўтиб, комиссар айтган Пушкино шаҳарчасига бордик. Шаҳарча комиссар мактагача бор эди. Ўшанда миямдан биз ҳам «Мўян»да шундай шаҳар-

ча барпо этсак-чи, деган фикр ўтди. Ростовдан Тамбовга бориб, Мичурин боғини, уйини кўрдик.

— Бир одам совук ўлкадаки шунчалик иш қилибди, биз ҳам юрган эканмиз-да, — дедим мен.

**Муаллиф:** Аввалига қиссадан ҳисса чиқарилган экан-ку, кейин қачон чалғиб-адашилган экан?.. Эшитаверайлик-чи ҳикояни...

2.

Ўша йили айни жўпазаклар фарқ пишган паллада Қонибодомдан уйлайдиган бўлишди мени. Жўраларим билан олис йўлга отланиб етиб борганимизда тўйхона гавжум, болалар у ёқдан-бу ёққа чопишиб, «куёв келяпти», «куёв тўра келяпти!» деб қичкиришар эди. Биз ҳам карнай-сурнай билан кириб бордик. Сочкилар сочилиб, дастурхонлар ёзилди. Эркаклар, аёллар, сарвкомат қизлар ҳовлини тўлдириб ўтиришди. Кейин уйинкулги бошланди. Шўх йигитлар алёр айтиб, қизик ўйинлар кўрсатишди. Сўнг бир томонда қизлар мен билан келин бўлмиш Зулфияхон шаънига «ёр-ёр»ни бошлаб юборишди. Бу айтишув, базм ярим тунгача борди. Кейин тожиклар одатига кўра биз куёв тўрани жўраларим келиннинг уйидаги гўшангага киритиб юборишди. Биз шу ерда уч кун меҳмон бўлиб туришимиз керак эди. Лекин эрталаб йиғи-сиғи овозидан уйғониб кетдим. Ҳовлига чиқмоқчи эдим, гўшангани ўраб ўтирган аёллар кўнишмади:

— Шошманг, куёв бола, ота-боболаримиздан қолган удумни бузиб, қаллиғингизни ёлғиз қолдирасизми?

— Ўзи нима гап?.. — дедим ҳеч нарсага тушуна олмай.

— Урушмиш, уруш... — деди чекқароқдаги бир аёл ич-этини еб. Гўшангада бир ҳол бўлиб ўтирган келинга қараб... жунжиқиб кетдим.

Уч кундан кейин кузатиш маросими бўлди. Қиз ота-она бағридан бир умрга чиқиб кетаётгани учун ўқиниб-ўқиниб йиғлар, ҳаммаёққа бир-бир жовдирар эди. Ниҳоят, унинг сепи араваларга юкланди. Ясатилган от келтирилди. Келин ота-онаси, қариндош-уруғлари, дугоналари билан кучоқлашиб, йиғи-сиғи билан хайрлашишга тушди. Сўнг мен ок ҳарир рўмолини келинни даст кўтариб, отга миндирдим-да, ўзим ҳам бошқасига миниб ок фотиҳа кутдик.

Тўй қарвони Қувасойга қараб йўл олди. Юз элик чақирим масофани шундай босиб ўтиб, Мўянга кириб бордик. Бизни қишлоқ оқсоқоллари, йигитлар, қиз-жувонлар кутиб олишди. Мен Зулфияхонни яна ўзим отдан тушириб олдим. Сўнг уни қуршаб олган қизлар қатта гулхан атрофига бориб, доира ҳосил қилиб турдилар-да, «ёр-ёр»ни бошлаб юбордилар. Базм авжига чиққанда мен удумимизга кўра қаллиғимни кўтариб, уйга олиб кириб кетдим. Кўп ўтмай зиёфат бошланди... \*

Эртасига чақирик қоғози келди. Фарғона ҳарбий комиссариати мени ўзбек дивизиясига ёзди. Бу дивизия ёнгинамизда ҳарбий машқ ўтқазарди. Олти ойча Арсиф ён бағрида бўлиб, ниҳоят жангга жўнайидиган бўлдик. Олти ойлик келин Зулфияхон, онам, бошқалар кузатиб чиқишди.

— Қаллиғингдан ховотир олма, ўғлим, — деди онам, — уни ҳафа қилиб қўймаймиз, биз нима бўлсак у ҳам шу. Отанг хали бардам. Ҳаммамиз ишлаймиз. Бахтимизга ой бориб, омон келгин.

— Душман билан олишганингда ҳазрати Алининг ўзи мадақкор бўлсин, илойим! Ўзингга эҳтиёт бўл, хат ёзиб тур, ўғлим, — деди отам.

Зулфия билан ҳаммадан кейин, алоҳида хайрлашдим. У ўзини тутаолмай йиғлаб юборди. Мен ҳам ўзимни базўр тутиб, уни бағримга тортдим:

— Мендан хавотир олма, азизим, — дедим овозим қалтираб...

Қариндош-уруғлар, ок йўл тилаб чиққан ҳамқишлоқларим кўзларини четга олишди. Биз кўзда ёш билан хайрлашдик.

Лекин қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деганлари рост экан. Икки марта ўққа учиб, жанг майдонида қолиб кетдим. Иккаласида ҳам дала госпиталида ўзимга келдим. Умр узун экан, чап қўлимни билагидан ажраб, қирқ учинчи йилнинг кузида уйга қайтдим. Жароҳатлар битиб кетган бўлса-да, ногирон қўлим билан ўк теккан оёғимнинг тиззаси туни билан зирқираб, азоб бериб чиқар, келин бечора мижжа қокмай устимда термулиб ўтирарди.

— Шукр қилинг, — дерди у, — бир қўлингиздан айрилсангиз ҳам бағримизга қайтингиз. Хали бу кунларам кўрмагандай бўлиб кетади...

**Муаллиф:** Хўб замон, хўб одамлар ўтдими! Уруш деса, чақирик қоғози келди деса, бир оғиз нега демабди. Қайси юртни химоя этаман, демабди. Она-Ватан туйғуси шунчалар ўсиб кетган, кучли эканми? Аллақандай 24 йилда, бир йигит умрича вақтда арслон ёлли харитага зўрға сиғмиш СССР аталган мамлакатни ватаним деб таниб, севиб, жондан азиз билиб улгурган эканларми?! Балким мутеларча жўнаб кетгандирлар. Ҳарқалай уларнинг азиз туйғуларига бирон-бир доғ чапламаган ҳолда шу кун назари билан ўзимга ўзим саволлар бериб кўраман. Ҳозирги ўша тенги йигитлар гўшангадан чиқибог мағрибдан келган ёвга қарши бора олармидилар, она-юрт, ватан, миллат ту-

шунчалари мустақиллик мезонидан келиб чиқиб, асл мазмуни, асл киёфасини топаётган бир кезде ўзларини қандай тутардилар ва нима қилсалар тўғри бўларди, деб ўйлайман. Сиз ҳам ўйланглар, азизлар...

### 3.

Кунлар ўтиб бекор ётиш ҳам жонга тегди. Яна бир ёқда рухан эзиламан. Бир қўл билан нимагаям ярадим, дейман. Охири оксокланиб, «Мўян» совхозининг идорасига бордим. Олдинги директор бўшаб, ўрнига Одилжон Қаюмов бўлибди. У мени илик қаршилади.

— Иш сўраб келдим, — дедим сиполик билан.

Директор менга бошдан-оёқ разм солиб:

— Аввал куч йиғинг, ука, иш бўлса қочмайди, — деди ётиги билан. — Кейин гап-лашармиз. Майлими?

Ғашим келдими, аччиғим чиқдими, билмайман:

— Сезиб турибман, бир қўл билан тоғни қўпориб берармидинг, демокчисиз-да. Урушдан олдин саккиз йил шу совхозда бригадирлик қилганман, — дедим кўрс-лик билан.

Узоқ жимликдан кейин директор бўшашди.

— Майли, бўлимга агрономлик қилиб кўринг-чи.

Боғларни айланиб кўнглим баттар чўкди. Улар аллақандай хувиллаб ётар, совхоз боғдан фойда ўрнига зарар кўраётган экан. Айланиб юрсам, боғнинг шундоқ ёнида Оқтош дашти ястаниб ётибди. Бекордан бекор... -

«Озгина тер тўксак-чи? — дедим ўзимга ўзим, — жилла курса бугдой сепиш мум-кин-ку». Отамга маслаҳат солдим.

— Яхши гап-у, иши оғир-да, — деди у юраги дов бермай.

— Ҳашар қилсак-чи. Қўплашиб дегандай?

— Унда директорни кўндиришинг керак...

Директор ҳам, хўжаликнинг катта-кичиги ҳам бу таклифга қўшилди. Қаршилар эса:

— Бўлмағур ишни қўйсанг-чи, — дейишди, — беҳисоб тошни ким териб туга-таркан?

— Бордию катта тошларни териб ташласак, маҳаллий ўғит, тупрок солсак-чи?

— Мен эллик йилдан буён деҳқончилик қиламан. Ҳали тош устида экин битганини кўрмаганман, — деди шартаки қариялардан бири.

— Йигитнинг шахдини ўлдирманг. Бир уриниб кўрайлик-чи, битмаса йўлимизни берар... — деди директор ўртага тушиб.

Шу гап билан бутун қишлоқ оёққа қалқди. Биров кетмон, биров белкурак, биров керки кўтариб даштга чикди. Катта-кичик тошлар териб бир жойга уюлаверди. Замбар кўтарганларнинг эса саноғи йўқ эди. Тошлар бир сидра териб олингач, омончлар ишга солинди. Ердан ажраб чиққани яна терилди. Қарабсизки, бинойи ер бўла бошлади. Икки ойнинг нари-берисига даштга қатнадик. Кейин ўлчаб кўрсак, Оқтош даштидан тўрт юз гектар ер очибмиз.

Эллик гектар-эллик гектардан қилиб анорзор, беҳизор, олмазор, гилбсзор, токзор, шафтолизор барпо этдик. Ниҳолларни тартиб билан ўтказиб, кўчатлар орасига бугдой, арпа, мош сепдик.

Бир куни янги боғда катта йиғин бўлди. Тепадан меҳмонлар келишди. Обком коти-би ишимизни мақтаб, менга раҳматлар айтди. Қирои бошчи деган шундай бўлса, деди. Одамлар қарсақлар билан олқишлашди. Бу менга қанот бағишлади гўё.

**Муаллиф:** Яхши гапни десамми, мақтовни десамми жуда ҳам, гадосимиз-да. Бир иш-ни яхши ният билан қилиб қўямиз-да, одамлар билса-билар, билмаса халлоқ билар-ку, деб кетавермаймиз. Балки ўртага обком котиби тушмаса, ҳеч гап йўқ эдимиз? Мақтовси-раш, бир ишни қилиб қўйиб мукофот кутиб туриш, бир нарсанинг илинжида бир ишга қўл уриш — қўйинг-чи, ҳамма бузулишлар шундан бошлангандир?...

Кунлар ўтиб Оқтошда олтин бошоқлар чайқалди. Сўнг, биринчи хирмон кўтарил-ди. Юз тоннага яқин бугдой, мош йиғиб олибмиз. Деҳқоннинг кўли пул кўрди, оғзи ошга тегди.

Сўнг ниҳоллар мевага кирди, Оқтош узуми, Оқтош олмаси овоза бўлди. Москов томонларга мева юбора бошладик.

Мени совхозга бош агроном қилиб кўтаришди...

**Муаллиф:** Фахр яхши нарса, одамни қушдай енгил, руҳини тетик қилади. Ўзини ботир, паҳлавон этади. Лекин биз нималардан фахрланганимизни энди ўйлаб кўрсак, маҳзун хаёлларга борасан одам... Она-Ватанга, Москов томонларга, давлат омонларига пландан ошириб унча нарса жўнатибмиз, мунча нарса берибмиз. Мукофотини олиб-

миз. Нишонини тақибмиз. Делегат этиб сайлашибди... Депутат қилиб кўрсатишибди. Бош агроном қилиб кўтаришибди... Э-ҳе, нималарга маҳлиё бўлмабмиз. Балки шундай қилишмаса, бу кун, бу тақдир йўқмиди?.. Чинданам Мадиев фожиясининг илдизлари шу ёқларга бориб тақалмаётirmi?

#### 4.

Кечки овқатдан кейин Мадиев хонасига кирганимда у тушкун бир ҳолатда ўтирар эди.

— Баҳай, сизга нима бўлди? — дедим шошиб. У ҳафсаласизлик билан қўл силкиди:

— Эшитишимча, устимдан чиқарилган ҳукм ҳали ҳам кўрилмаган эмиш, — деди Мадиев хафа бўлиб, — нега чўзишяпти, ўзим хайронман. Ҳали шунча хизматларим ҳам инобатга олинмайди шекилли.

— У даражага бормас, — дедим мен кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

Мадиев оғир хўрсинди. Бошини икки қўли орасига олиб ўтирди-ўтирди-да, узок сукутдан кейин илтижоли қаради. Кўзларида ёш йилтиради.

— Сиз менга айтинг-чи, ишимиз нега бундай чаппасига кетмоқда? Кеча биз шак келтира олмайдиган нарсалар пуч, тесқари, хато бўлиб чиқмоқда? Биз ахир шу давлатни, халқни деб топширикни бажарганмиз-ку. Айбимиз қулоқ осганимиз, лаббай деб адо этганимизми? — деди у қуйиб-ёниб.

— Қайдам, — деб қўя қолдим, қани эди бир оғиз гап билан тушунтириб бўлса.

Ўзи ўтмишию кечмишларини, босиб ўтган шонли йўлини ўйлаб кўтараверсин-чи, балки ҳақиқатни англаб етар...

...Мени бир кун министрликка чақириб қолишди. Минг хил хаёллар билан Тошкент томон йўл олдим. Уч кундан бери ёғаётган ёмғир тинган, ҳаво тоза эди. Эрталаб минстрликка кириб бордим.

— Андижон областида Хўжаобод боғдорчилик совхози бор, — дея гап бошлади министр, — яхши жой. Шу хўжаликка сизни директор қилиб юборишни лозим кўрдик.

«Мўян»дан ҳеч қаёқка жилгим йўқ эди. Ногирон одамман, мени қийнаманг, дедим министрға.

— Қизик экансиз-ку, — деди министр, — фронт кўрган одамсиз, устига боғдорчиликда тажрибангиз катта. Нимадан чўчийсиз. Ярашмайди сизга. Биз Андижон область партия комитети билан келишиб қўйганмиз, қутишяпти...

**Муаллиф:** Ана шунақа-да. Биз лозим кўрдик. Келишиб қўйганмиз. Қутишяпти. Партия йўллаяпти сизни... Ишқилиб эътирозга ўрин қолдиришмайди. Қарабсизки, бу ишончни оқлашга бошингиз билан шўнғиб кетасиз...

Бу гапни эшитиб отам хурсанд бўлди: «Киши эл суйган жойда азиз, боравер, ўғлим», деди. «Ўшаларнинг назаридан қолма», деди онам. Назир амакимнинг гапи ҳам ёдимда: «Хизр назар қилибди, ҳали кўп униб-ўсасан».

Шунаққиб эллингичи йили кўкламда кўч-кўронини олиб, Хўжаободга кўчдик. Совхоз марказида маъмурий биною беш-ўнта уйдан бўлак ҳеч вако йўқ экан. Марказдаги олмасордан нарёғи бўм-бўш дашт.

— Жаннатдай ерни ташлаб, шу овлоққа келиш зарилмиди Сизга? — деди хотиним.

Унинг ўпкалаганича бор эди: сал зарб билан ағаниб тушадиган каталакда тўрт бола билан ўтиришга тўғри кеди.

— Шошма, хотин. Бу ерларни ҳам жаннат қилмасдан қўймаймиз ҳали! — дедим сир бой бермай.

Менгача совхозга ўнта директор келиб-кетган экан. Яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, боғдорчиликни биладиганлари ҳам, билмайдиганлари ҳам бўлган, дейишади. Бири совхозни сал кўтарса, бошқаси чўктириб, ташлаб қочган.

Мен ишни Максимов деган одамдан қабул қилиб олдим. У совхозни бир неча йил бошқарган бўлса-да, кўзга кўринарли иш қилмабди. Кўпчилик ундан хафа эди. Йўқ, иш билмаганидан эмас, маишатбозликда одамларнинг назаридан қолган экан. Бу ҳам бир сабоқ-да. Совхоз салкам ярим миллион сўмлик зарарга ботган экан. Халқнинг турмуши ҳам шунга яраша эди. Кўпчилик ертўлаларда истикомат қилар, балчик ҳиди анкиган ҳовуздан сув ичишар экан. Атрофда оқар сув йўқ, боғлар қаровсиз, дарахтлар буталмаган. Ҳатто қуриганларини олиб ташлашга қўл топилмаган. Йўллар хароб. Қаёққа қарама — юрагинг сиқилади.

Ишни қишлоқни айланиб, одамларнинг уйи, рўзғори билан танишишдан бошладим. Мик этмай дарду ҳасратларини тингладим. Ҳаммасини эшитиб, кўриб бўлгач, барчани идорага йиғдим.



Жами тўрт юз ўттиз ишчи бор экан. Қўй сўйдириб, дош қозонларни остирдим. Эл олдига дастурхон ёзиб, бир пиёла чойга таклиф этдим. Хамма ҳайрон: «бу қанақаси?», «қанақа одам ўзи», «қандай қаромат кўрсатмоқчи?» деб бир-бирларига маъноли қарашади. «Ақли жойидами? Юртга ош берадиган пайтми?» дейишади, ўзимга эшитдириб.

Зиёфатдан сўнг муддаога кўчдим:

— Ўртоқлар, ҳаётингиз билан танишиб чиқдим. Аҳвол оғир, ниҳоятда оғир. Боғбон одамсиз, ота-боболарингиз дехқон ўтган. Шунақкиб ҳам яшаб бўладими? Ўзингизга ачинмасангиз...

**Муаллиф:** Боғ нималигинигина эмас, ишнинг кўзини билган одам ҳам экан-ку. Шундай одам қанақиб кўзбўямачиликка қўл уриб, иши судга тушиб юрибди? Ақл бовар қилмайди, тавба...

## 5.

Бир ҳафта ўтиб, совхозга Хўжаобод райкомининг котиби Турсуноя Каримова йўқлаб келиб қолди. Худди жигарим ҳол сўраб келгандай суюниб кетдим.

— Районда дув-дув гап: нима дейсиз, Мадиев у қилаётганмиш, Мадиев бу қилаётганмиш... Эшитиб, келавердим. Айбга буюрмайсиз.

— Айб нимаси! Бошимиз кўкка етди, — дедим хурсандлигимни яширмай, — сизларнинг бир оғиз илик сўзингиз бизни нималарга руҳлантирмайди...

**Муаллиф:** Ана гап қаерда! Ўзи меҳнаткаш, заҳматкаш, ишнинг кўзини обдан билди-ю, жиндек катталарга яхши кўринишга уринишими-ей, интилишими-ей бордай. Аслини олганда бу ҳаммамизга теккан касал-ку. Лекин оқибати судга олиб боришини билмаймиз-да аввал.

Каримованинг доврўғини эшитгандим-у, ўзини кўрмагандим. Унинг чўрткесарлигини, ишчан одамларни кадрлай билишими, одамгарчилигимни, хуллас нимаси биландир менга ёқиб қолди. Очилиб кетиб, унга Тошота, Майарикда бошлаган ишларимизни кўрсатиб чиқдим. Мақтаниш ниятида эмас, йўқ, шунчаки, кўрсатгим келди. Опа бу ердаги кўтаринкиликни кўриб: «хувуллаб ётган даштни жонлантириб юборибсиз-ку. Сиз узокқа борасиз бу кетишда», деди беихтиёр. Шу гапи менга етарли бўлди. Умримда бунақа мойдай ёққан гап эшитмагандим.

Котиба билан энди очик гаплаша бошладим.

— Совхоз бухгалтерга ёлчимас экан, келгани ўғирликнинг пайида экан. Кўпчилик билан маслаҳатлашиб, шу ишга Фатхуллин деган ҳисоб-китобга уста, ҳалол-пок одамни кўймоқчиман. Бўлим бошқарувчиларини ҳам ўзларидан чиқарсам, нима дейсиз?

— Рости, Мадиев, менга ёқа бошляпсиз, — деди котиба қулиб.

Давом этдим.

— Бокка сув бермай қийнашаркан. Мухторарикни кенгайтира бошладик. Абжир кишилардан миروبлар белгиладик. Бизга ўз ҳақимизни ажратиб берсангиз, опа.

— Яна?..

— Яна одамлар ўн қақирим наридаги Булокбоши тегирмонига пиёда қатнайди. Ўз тегирмонимиз бўлса...

— Яхши. Ердам берамиз. Фақат бўшашманг, — деди у хайрлашаётиб.

Сўнг орадан бир кун ўтиб райкомнинг навбатсиз бюросига чақиртириб қолишди. Бюро жуда қисқа бўлди.

— Боғдорчилик совхозда катта иш бошланибди, — деди опа тўлқинланиб, — янги директор илгари ҳеч ким журъат этмаган ишга қўл урибди. Совхоз атрофида бир умр бўш ётган тошлокни боғ қилишга киришибди. Бу ташаббусни қувватлаб, бюро қарорига киритилсин ва амалий ёрдам кўрсатиш тегишли ташкилотларга топширилсин, деган таклиф бор.

Ана ундан кейин ҳар тарафдан ёрдамчилар келишини кўрсангиз. Бир ёқдан Жўраполвон Ғойибовнинг йигитлари, бир ёқдан Тоштемир Раҳимовнинг азаматлари, яна бир тарафдан булокбошлиқлар келиб ёнимизга кирдилар. Бамисоли сайил бўлиб кетди. Катта Фарғона ҳашари руҳида боғ қилишга киришдик. Эсласам, ҳали-ҳали ҳўб даврлар эканми, дейман. Ана сизга бюро қарорининг қудрати!..

**Муаллиф:** Чинданам шундаймикан? Биз бошқа нарсанинг куч-қудратини бошқа нарсага менгаб юрган бўлмайлик? Ахир ўша партия, ўша бюро бўлмасдан бурун ҳам ўзбекнинг ҳашари, кўплашиб бир-бирини қўллаб юбориши бор эди-ку. Демак биз ўйлагандек бюро эмас, халқ ўзи қудратдир, халқ кучдир, у бир денгиздир, истаса даштни боғ этадиган, дарёларга жилов ташлайдиган; фақат биз унинг қудратини бошқаларга ёзиб юрамиз. Партия бўлмаса, бюро бўлмаса, деймиз. Ҳамсўхбатимнинг хатоси ҳам

шунда, ўшаларга кўп ишониб кетганида эмасмикан? Яна эшитаверайлик-чи хикоясини. Балким гап бошқа ёкдадир...

Албатта, ҳамма нарсага бирданига эришиб бўлмайди. Тез оқадиган дарёда сузиш осон эмас. Лекин муҳими — одамларнинг рухиятида ўзгариш бўлсин экан. Ишонмагунча ким жонини жабборга бериб ишлайди? Ишониши учун эса, совхоз марказига электр, ичимлик сув келтирдик. Янги тракторлар, машиналар сотиб олдик. Ок уйлар қуришини бошлаб юбордик.

Бу орада олтин куз келди. Мева йиғим-терими бошланди. Ишга яроқли одамларни жалб этиб, эртадан кечгача тиним билмай ишладик. Ўша йили давлатга тўрт минг тонна мева топширибмиз. Уч миллион сўм соф фойда кўрдик. Биринчи хирмондан ҳамманинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Ана шундан кейин боғнинг мазасига тушуниб, боғ учун Жанубий Фарғона канали бўйларидан Имомотагача чўзилган ташландик, тошлоқ ерларни очишга тушдик. Одамлар чодирларга кўчиб чиқиб ишлашар эдилар.

Чодирларнинг шундоқ рўпарасида ғиштин уйлар кад кўтара бошлади. Ҳадемай кечаги даштда янги бўлим ташкил топди. Биз шу ерда бир тажриба орттирдик. Янги бир ерда боғ яратиб, бир бўлим очдикми, уни ўша очган одамларга қолдириб, яна бошқа тўп билан янги даштга хужумга ўтардик. Шунаққиб боғ жинниси, деган ном орттирганмиз вилоятда.

**Муаллиф:** Қахрамонимизнинг самимийлиги, меҳнатқашлигига тасанно айтмай илож йўқ. Нима дедингиз?..

## 6.

Аммо эллик тўртинчи йилнинг ўн олтинчи ўктабри ҳеч эсимдан чикмайди. Мева йиғиштириш айни қизгин паллага кирганда қутилмаган офат юз берди. Ҳавои жаҳон бирдан айниб, тўсатдан қалин қор ташлаб юборди. Пиёда юришнинг иложи бўлмай қолди. От миниб бўлимларни айланаб чикдим. Уч. минг тонна олманинг ярмигина бостирма остида, қолгани очикда эди. Катта-кичик билан маслаҳат қилдим: дарахтлар омон қолармикан? Нима қилсак экан?

— Боғларга дарҳол сув боғлаш керак. Шунда совук унча таъсир қилмайди, — деди кекса боғбонлардан биттаси.

Кўпчилик уни маъқул топди. Териб қўйилган олмаарни дарҳол консерва заводига топшириб, боғларга сув очдик.

Қиш ўтиб, баҳор келди. Сув қўйилмаган жойларда дарахтлар бирдан қорайиб кетди. Кўп хўжалиқларнинг боғбонлари саросимага тушиб қолишди. Бизда эса дарахтлар қийғос бўрта бошлади. Шунда фавқулодда қоралар кўриш учун республика соҳибкорларининг кенгаши чакирилди. Кенгашга мен ҳам бордим. Нотиклар: «Боғлардан умид йўқ, дарахтларни кўчириб, экин экиш керак», деган фикр ташлай бошлашди. Мен эса бу таклифга қўшилмай сўзга ёзилдим.

— Боғни бузиш осон, ўртоқлар, яратиш қийин, — дедим. — Халқимизда шундай гап бор: «Агар оғир касал саратонда узилмаса, тузалиб кетади». Ёзгача сабр қилайлик, саратонда маъқул бўлади. Шунгача дарахтлар тагига сабзавот экинлар экиб, тез-тез суғораверган маъқул.

Бу фикрим кенгаш катнашчиларига маъқул тушиб, зал қарсақдан янграб кетди. Кенгашда СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Булганин катнашаётган эди. У киши ҳам: «Бу одамнинг гапида жон бор, бузмай туринглар», дебди.

**Муаллиф:** Сўз келганда айтяптими ё бизга шундай одамлар ҳам тан берганди, демокчимми? Балки уяммас, буяммас, ҳаммамиз ҳам катталарнинг фикри билан ҳисоблашадиган бўлиб кетмаганмидик?..

Кетма-кет сув ичган дарахтлар аксарияти ёзга бориб яшнаб кетди. Келаси йили совхозимиз республикадаги боғдорчилик хўжалиқлари орасида энг кўп олма топширди.

Сўнг экин битмайди, дейилган тошлоқ ерларда ҳам боғлар яшнаб, оғборларимизга узум, шафтоли, беҳилар сиғмай кетди. Даромад ҳам, иш ҳақи ҳам шунга яраша денг. «Бунақа чиранчик директорни кўп кўрганмиз», деб пичинг қилганлар уялиб қолишди.

Ҳар тарафдан бизнинг совхозга одамлар оқиб кела бошлади. Олма терим пайти эди. Бир кун ич кеч кириб, ғира-шира қоронғилик тўшди, идордан чиқиб катта йўлга бурилгандик, ялангоёқ шошиб келаётган кишини кўриб тўхтадим. Нотаниш киши яқин келиб, саломлашди.

— Киров совхозининг идораси шу ёкдами?

— Ҳа, нима эди?

— Бироз кеч қолдим, директор кетиб қолмадилармикан?

— Нима ишингиз бор эди? Менман.

Йигит хижолатланди:

- Кечирасиз, танимабман, сизларни қора тортиб келаётувдим, — деди сўнг йма-ниб, — ёшликда етим қолиб, бировларнинг эшигида... мен тортмаган азоб қолмади, ака.
- Қаердансиз?
- Чустдан.
- Исмингиз?
- Абдулхай Абдуллаевман. Жон ака, раҳмингиз келсин, борадиган жойим ҳам йўқ. Холини кўриб турган бўлсам-да, сўрадим:
- Қочиб кетмайсизми?
- Йўқ, амаки, бошпана бўлса, умр бўйи шу ерда қоламан.
- Яхши, юринг.

Бўлим бошқарувчиси Шокарим Саидшоевни топиб:

— Шу йигитни канотингиз остига олинг, уй топилгунча сизникида турсин, — деб тайинладим.

Ўша йили кузда тобим қочиб, ётиб қолдим. Дўхтирлар кимираб қўйишди.

— Чала ишларим кўп эди-ку, доктор.

— Бўлмайти, юриш хавфли.

Бош агроном Шомансур кўргани келиб, ҳисобот докладини қўлтиқлаб олибди. Етган жойимда варақлаб, ўзимча қувондим.

Унда «Совхоз ҳудудидаги ерларнинг барчаси ўзлаштириб бўлинди», «Мева етишти-риш эллигинчи йилдагидан беш марта кўпайди, янгидан учта бўлим, битта посёлка очилди... Совхозда ишлаш истагини билдириб кўчиб келганлар бир ярим мингга етди. Ертўла, чодирдагилар бари оқ уйларга кўчиб кирди...» деган жумлалар бор эди.

Мийиғимда қолиб, агрономга юзландим:

— Сизлар ёнимда туриб, оғиримни енгил қилмаганларингизда, булар қаёқда эди, — дедим дилим ёришиб.

Сўнг секин агрономга шипшидим:

— Дардок томонда, Қорадарё бўйида бир ерни кўриб қўйганман. Тузалиб олай. Боғмисан, боғ қиламиз.

— У ерлар Қўрғонтепа районида қарайди-ку!

— Биламан. Сўраб оламиз.

— Хай, тузалаверинг-чи...

Шомансур норозидай бош ирғади. Орқасидан қараб қолдим.

Шомансурнинг жудаси кичик бўлса ҳам зуваласи пишиқ йигит. Ўзи боғ шайдоси. Эсни танибдики, боғ ичида. Отаси шу совхознинг бешигини тебратганлардан. Шоман-сур қўл урган иш битмай қолган эмас.

...Шомансур мен айтган жойни кўриб келибди.

— Қорадарё билан совхоз ораси роппа-роса олтмиш чакирим экан. Соҳилда тахми-нан уч минг гектар тошлок ер боров.

Буни эшитиб, кўзларим чакнаб кетди.

— Боғ қилса бўларканми?

— Гичча тош. Четдан гупроқ келтириб тўкмаса бўлмас. Қўрғонтепа районидаги «Ойим» совхозига яқин экан. Совхоз директори билан гаплашдик. Эҳ-хе, бу ерларни ўзлаштиришга бизга йўл бўлсин, деди.

— Яхши, жуда яхши, Шомансур! — дедим энтикиб. — Агар ўша ерларни ҳам ололсак бу ёғи зўр бўларди-да! Обком буванинг қабулига кириб, авраб кўрсаммикан? Рози бўлса, баҳордаёқ ишни бошлаб юборардик.

Агрономнинг сукутидан иккиланаётгани кўриниб турарди.

— Жуда ғалати иш бўларди-да, ўзиям Шомансур, — дедим уни ҳам авраб.

— Шунақа-ку, — деди Шомансур, — жуда олис экан-да. Бориши олтмиш чакирим, келиш олтмиш чакирим. Одамларни қийнаб қўямизов!

— Соҳилга чодир тикамиз, Шомансур. Ўзлаштириб олгач, у ерда ҳам шинам ша-харча қурамиз. Нима дединг?..

Соғайганимдан кейин фаолларимни ёнимга олиб, Қорадарё соҳилига ер кўргани бордим.

Йўл йўқ эди. Машиналарни қолдириб, пиёда кетдик. Сўқмоқдан юриб, Қорадарё бўйига чиқдик. Дарё суви иккига бўлиниб, ёйилиб оқар, ўртада жуда катта орол пайдо бўлган эди. Атроф кўз илғамас жойгача тошлок. Устидан бир вақтлар сув оққан. Ҳозир қакшаб ётибди.

— Бу ерлар бекор ётмаслиги керак, укалар, — дедим.

— Ўх-хў, бу ерни боғ қилиш учун тоғдек юрак керак, — дейишди йигитлар.

— Кўз кўрқок, кўл ботир, деганлар. Тошота, Бешқовок кўриғи, Окбурасой тошло-ғи бу ердан яхшироқмиди?

Шу пайт олисда бир уйни кўриб қолдик.

— Юринглар, ўша томонга борамиз.

Яқин борсак, оролда Нишонбой Қамчиев деган бир дехқон одам яшаркан. Дилкаш экан, бизни илик кутиб олди.

— Хуш кўрдик, азизлар. Қани, ичкарига марҳамат!  
У оролдан беш гектар ер очиб, узумзор қилибди. Лекин токнинг ҳаммаси тагидан кесилган.

— Нега бундай қилдингиз? — дея ажабландим.

— Шунда ток яхши ҳосил беради, — деди Нишонбой.

Мен кулиб кўйдим.

— Қандай шамол учирди? — деди у ўз навбатида.

— Шу ерни боғ қилмоқчимиз.

— Яхши ўйлабсизлар, — деди Нишонбой суюниб...

Биз Нишонбой билан хайрлашиб, Қўрғонтепа райкомига ўтдик. Райком котиби Кўчкор Авазматов мақсадни тушуниб кулди: «Гилам сотсанг кўшнингга сот, бир четида ўзинг ҳам ўтирасан, деганлар. Сиз ташландик жойни боғ қиламан дейсиз-у, биз ноз қилдикми?»

Совхозга қайтиб, катта-кичikka маслаҳат солдик. Сўнг гапни бир ерга қўйиб, Анжанга — обқўм буванинг қабулига отландим... У кишининг оқ фотиҳаси билан бошланган иш ерда қолмас дер эдим...

## 7.

Олтмиш тўртинчи йил кўклами. Куртақлар бўртиб, майсалар ниш урди. Бойчечаклар юз очди. Идорага келганимда ҳамма автобусларга чиқиб улгирган экан. Шомансур пешвоз чиқиб ахборот берди:

— Ҳамма нарса тахт. Уч юз киши отланиб бўлди.

— Жуда соз! Кетдикми?

— Сиз энгил машинада борсангиз бўларди, қийналиб қоласизми, — деди Шомансур.

Кўнмадим. Йўлга чиқдик. Димоғим чоғ, ўзимни йигитлардек бардам ҳис этардим. «Уч юз одам кўтарилди. Ҳазилақамми! Тоғни урса талкон қилар булар». Юрагимда улғу мақсадлар ётарди.

Автобуслар Қорадарё соҳилига келиб тўхтади. Орол боғбони Нишонбой Қамчиев эски кадрдонлардек кучок очиб кўришди.

Қорадарё иккига бўлинган жойдаги оролда юздан ортиқ чодир тикдик. Самоварлар қўйиб, дош қозонлар осилди. Савдо дўкони очилиб, камёб нарсалар сотишга тушди. Мудрок уйқуда ётган тошлок жонланиб кетди. Сўнг одамлар энг шимариб ишга киришдилар. Мен орзу қилган байрам бошланган эди...

**Муаллиф:** Хўб дали-ғули, фидойи одамларимиз бор-да, канал дейдиларми, дашт очиш дейдиларми, қурилиш-ҳашар дейдиларми — сайилга боргандек жўнайверадилар. Тепадан битта катта одам оқ фотиҳа бериб турса, бас. Орқа-кетини, қийинчилигини ўйламайдилар. Бу ким учун бўляпти-ю, бизга нима зарур-у, демайдилар. Улар меҳнатни биладилар. Шоң-шавкати эса кимга бўлгани билан нима ишлари бор. Бизнинг қаҳрамон ҳам халқимизнинг шу гантилигидан... Балки бу шаккок бир фикрдир халос. Лекин нимагадир миямга ўралашгани-ўралашган. Ҳай, хикояга қулоқ осаверайлик-чи...

Одамлар қишлоққа қайтмай чодирларда ётиб қолиб эрта-кеч ишлашар, оқшомлари балик тутиб, гулхан ёқиб ўйин-қулги қилишар, алламаҳалгача гаплашиб ётишар эди. Иш олға босиб турганди. Бир оёғим Хўжаободда, бир оёғим Қорадарё соҳилида денг. Чарчаш нималигини билмасдим. Қутилмаганда табиий офат рўй берди. Сел келиб Қорадарё қирғоқларини ювиб, даҳшат солиб оқабошлади. Кечагина ўзлаштирилган ерлар сув остида қолиб кетди. Одамлар оролдаги чодирлар олдида тик туришарди. Оролга бу ёқдан ўтиб бўлмас, улар бу томонга йўл топиша олмасди. Нима қилиш керак? Сув бугун-эрта камаядиганга ўхшамайди. Одамларнинг озиқ-овқати оз қолган. Нонуштага арабг етади. Агар бирор қорхон юз берсами... бошим балога қолиши тайин.

Уш гарнизондан вертолёт сўраб келдим. Қўнишнинг иложи бўлмагач, оролга вертолётдан озиқ-овқат ташлаб турдик. Тошқин бир неча кун давом этди. Шу кунлар ичида на уйқу бўлди, на тиним. Ич-этимни еб бўлдим. Бу орада райкомдан, обкомдан одамлар келиб турибди. Ростини айтсам, бу бизга бир сабоқ бўлди. Даставвал дарёни бир изга солмайизми, орол қирғоқларини-мустаҳкамламайизми?! Сел — тилсиз ёвлигини билмасмидик?!

**Муаллиф:** Қаҳрамоним мана урра-уррачилик оқибати деб юборади, пушмон бўладими деб шунча унинг оғзини пойладим, йўқ, яқинига ҳам йўламади...

Охири сув пасайиб, ҳамма энгил тортидю зудлик билан Қорадарёни жиловлашга киришдик, сувни битта ўзандан оқадиган килдигу кўнглимиз жойига тушиб, оролни ўзлаштириш ишига киришдик.

Лекин селдан кейин марказга имзосиз хатлар йўрғалаб қолди. СССР Озиқ-овқат

саноати министрлиги бундай деб ёзишди: Хўжаобод боғдорчилик совхозининг директори Масодик Маднёров мансабга ишқибоз, шуҳратпараст одам. У катталарга яхши кўринадан деб мехнаткашларни қийнапти. Ундан кўпчилик норози бўлса-да, менинг айтганим-айтган, деб тош устида дарахт ўстиришга беҳуда чиранияпти. Хей ўртоклар, у шуҳрат гадоси, ўз шуҳратини ўйлаб давлатнинг қанча пулини кўкка со-  
вуряпти. Унинг буйруғи билан уч юз ишчи олтмиш чақирим олисга — Қорадарё бўйига кўчирма қилинди. Бир вақтлар дарё оккан тошлоқда боғ яратармиш. Яқинда келган сел унинг режаларини бир пул қилай деди. Одамларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Шундаям бўлди демайди. Уч юз киши шип-шийдан бола-чака меҳрга зор бўлиб ётибди. Улар уйларига кетолмайдилар, оилаларидан хабар ололмайдилар. Чунки, Маднёровдан рухсат йўқ... Ва ҳоказо.

Москвадан комиссия келиб денг, текшир-текшир бошланиб кетди.

Қорадарё бўйидаги одамлар билан гаплашиб келишгач, қабулимга киришди. Анчагина саволлари бор экан.

— Бу иш план асосида қилиняптими? — дейишди аввал.

— Ҳа, ўзимиз тузган план бор, — дедим мен бўшашмай.

— Уни қонуний деб ҳисоблаш мумкинми?

Ўйланиб қолдим.

— Лойиҳачилар лойиҳа-смета ҳужжатни тайёрлаб беришгунча... ишни бошлаб юборган эдик.

— Нера?

— Лойиҳани кутсақ иш чўзилиб кетарди.

— Ҳамма иллат мана шунда, — дейишди улар. — Аввало иш лойиҳасиз, сметасиз бошланган. Қолаверса, бу кўзбўямачилик, кўшиб ёзишга йўл очади.

Кўп ўтмай, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги коллегиясига чақиринди.

— Доимо ўзингизга ташвиш орттириб юрасиз, — деди хотиним. — Шу ердаги боғ етмаётганмиди? Тинчгина аравангизни тортиб юраверсангиз-ку... Ҳеч гап йўғ-а!

— Эҳ, хотин, — дедим мен вазминлик билан, — сен нимани билардинг...

Москвага жўнадим. Йўл-йўлакай ўйлаб бордим: «Ҳотинимнинг гапида ҳам жон бор. Мени биров мажбур қилаётганмиди? Планни бажариб турувдик. Совхоз оғизга тушиб қолувди. Обру ҳам етарли эди. Нимага учдим ўзи? Агар коллегияда қоралашса энди бас қиламан. Тамом.»

Эртаси куни коллегия экан. Йиғилиш комиссия хулосасини тўғри деб топди. Мени давлатнинг пулини қонунсиз сарфлашда айблашди. Шунда хатойимни тан олиб турган бўлсам-да, титраб ўрнимдан турдим:

— Ҳурматли коллегия аъзолари, — дедим куйиб-пишиб, — мен бу ишни ўз манфаатимни кўзлаб эмас, халқ манфаатини кўзлаб қилдим-ку. Ахир, минглаб гектар тошлоқ ерлар бекор ётибди. Уни ўзлаштиришсақ, нимаси ёмон? Уч йил муҳлат беринглар. Мен ўшандай тошлоқда ҳам боғ яратиш мумкинлигини амалда исбот қилай. Агар сўзимнинг урдасидан чиқмасам, қандай жазо берсаларингиз розиман. Мен хатойимни тушундим. Смета-лойиҳасиз иш бошлаб чакки қилибмиз. Бундан кейин...

Яна алланималар демоқчи эдим-у, айтолмадим. Коллегия аъзолари узок тортишишди. Лекин уларнинг гаплари қулоғимга кирмас, ҳаёл олиб қочгани-қочган эди. Мўяндан Хўжаободга жўнаганимда онам айтган гап ёнимга тушди: «Ҳаётда адашмагин, болам. Адашган одамни биров қўламайди». Наҳотки, адашган бўлсам?

Коллегияда қаттиқ хайфсан беришди. Бу мен учун жуда оғир жазо эди. Шунча йил ишлаб тоганим шуми, дердим. Москвадан Андижонга келгунча ҳам ўйимнинг охирига ета олмадим. Обкомга таъбим тиррик ҳолда кириб бордим. Лекин область партия комитетининг биринчи котиби бутунлай бошқача қабул қилди:

— Э, ака, хафа бўлманг. Иш бор жойда хато бўлади. Бу ишда бизнинг ҳам айбимиз бор. Хатони бирга тузатамиз...

Шу бир оғиз сўз етарли бўлди, худди елкамдан тоғ қулади.

**Муаллиф:** шу гап бўлмаса, аризага тўғри баҳо бера олса, шу бало йўқ эдими?! Хом сут эмган инсон эса, котибни дўст деб билмаса-ку, олам гулистон эди-я...

Ишни келган жойидан бошлаб юбордик, ўша йили дарё ўзанидан «тирноқлаб» юз эллик гектар ер очдик...

**Муаллиф:** Қаҳрамонимнинг Қорадарёдаги ишлари энди қулоғимга кирмас, имзосиз хат ёзишга мажбур бўлган тоза дилли одамларнинг изтиробларини ўйлардим... Маднёров шу ерда тўғри йўлга қайтиши мумкин эдими, деб ўз-ўзимдан сўрайман, ҳа, қайтиши мумкин эди. Афсус, тузум, жамият ўзи яратган қаҳрамонини яна жиловлаб олган эди, ўз измига солган эди.

У эса буни сезмай хикоясида давом этарди...

Уч йилдан кейин мен Андижон область партия комитетининг биринчи котиби Бек-

тош Раҳимов билан СССР Озиқ-овқат саноати министрининг биринчи ўринбосари Коломейцев ва республика мева-сабзавот хўжалиги министри Ориф Алимовларни ўша оролдаги боғларда кутиб олдим. Коломейцев мени таниди. Олди мевага кириб қолган дов-дарактларни кўриб хайратда қолди. Ипга тизилган маржондек саф тортган ни-холлар яшнаб турарди. Фёдор Степанович мени кучоқлаб ўпди.

— Очигини айтсам,— деди министр ўринбосари қувончини яширолмай.— Тошда гул унишини эртақларда ўқигандим, бугун эса амалда кўриб турибман. Мехнатингиз зое кетмабди. Мен олтин тош ҳақидаги бу «эртақ»ни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидовга, министримишга айтаман, мамлакатимиз боғбонларига етказаман. Раҳмат Сизга, отахон!

Кўп ўтмай совхозимизга СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилди. Бу ҳақда республика газеталарига котириб ёзишди, телевизорда кўрсатишди.

Орадан йиллар ўтиб, оролга сарфланган ҳамма ҳаражатлар ўзини қоплади. Боғлар фойда келтира бошлагандан сўнг мустақил совхоз тузилиб, Кўрғонтепа райони ихтиёрига берилди. Янги совхоз «Прогресс» номида қолди. Унга шогирдим Қобилжон Нишонов директор бўлди.

Энди ўша боғлардан Иттифок марказига ҳар йили вагон-вагон мева-чева жўна-тилади.

**Муаллиф:** Афсус, қаҳрамоним бу сўзлар замирида ётган (бугун баралла айтила-ётган) маънони англамас, билмас эди. Бу билан у ўзини бахтиёр санар эди. Унда нима айб деб ўйлайман яна...

## 8.

Қунлардан бирида совхозимизга Шароф Рашидов билан обком котиби Бектош Раҳимов йўлакай кириб қолишди. Гапнинг очиги, улар билан алоқа яхши эди. Шароф ака боғдорчиликка алоҳида эътибор берар, бу соҳанинг жонқуярларини кадрларди. У Андижонга келса хўжалигимизга кириб, бир пиёла чой ичмай кетмасди.

— Оролдаги боғингизни кўриб келяпмиз,— дедилар Шароф ака.— Катта иш қилган экансизлар. Қани энди ҳар воҳада беш-ўнтадан сизга ўхшаган бош боғбонларимиз бўлса, Ўзбекистонни жаннатга айлантириб юборардик.

У совхозда амалга оширилаётган ишларни кўриб, мамнун бўлди. Бектош ака йў-йўлакай Марказком котибига «Емонадир» тўғрисида гапириб борди:

— Масодиқ ака яна бир хайрли ишга қўл уряптилар. Қўшни Жалолқудук райони-да «Емонадир» деган жой бор. Экин битмагани учун «Емонадир» аташган. Мадийров ана шу салкам икки минг гектарли адри боғ қилсак, деяптилар. Қорағунон ариғидан насос орқали сув чиқарса бўлармиш. Шунга Шароф Рашидович ўзингиз ок фотиҳа берсангиз, дегандик...

— Яхши ўйлабсиз, оксоқол,— деди Марказком котиби хурсанд бўлиб.— Фарғона водийсини гўзал қилган нарса шу боғ-роғлари-да. Уни Қуванинг анорзорларисиз, Олти-арик ва Шохимардоннинг сўлим ўрикзорларисиз тасаввур этиб бўлмас-а! Энди манави худо қарғаган адирлар ҳам боғга айлансами, тенги йўқ водийга айланади. Ана ундан чиқадиган мева-чевани айтинг. Кўп улуғ ишга қўл урибсиз оксоқол...

Улар бир пиёла чой устида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, сўнг туришди. Жўнай-диган пайтда эса Шароф ака яқин келиб елкамга қўл ташладилар.

— Оксоқол, бизга қандай талабларингиз бор?

Марказком котибининг салобати босдими ё унинг самимиятдан ёлқинланган қара-ши лол қолдирдими, ҳаяжонланиб кетдим.

— Шу, имкони бўлса, совхозимизни ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантириб берсангиз. Ўзининг заводлари ҳам бўлса,— деб юбордим дангал.

— Завод қургани маблағларингиз борми?— деди у кутилмаганда.— Унга анча-мунча маблағ кетади.

— Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Агар руҳсат бўлса қурбимиз етади.

— Балли,— деди у қувониб,— биз кенгашиб кўрайлик-чи.

Шундан бир ой ўтмай Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори чиқди. Совхозимиз деҳқончилик-саноат бирлаш-масига айлантирилди. Мен бош директор этиб тайинланиб, турли соҳалар билан шу-гулланувчи тўртта ўринбосар ўрни берилди.

Энди «Емонадир»ни қандай қилиб бўлмасин рўёбга чиқаришим керак эди.

Лекин Госпландаги ўртоқлар бу ишни ҳазилакам деманг, 4 миллион сўм маблағ зарур десалар, мелиораторлар: «Лойиҳасиз иш бошламаймиз», деб оёқ тираб туриб олишди.

Нима қилиш керак? Бошим қотди. Қорадарё соҳилида-ку лойиҳасиз иш бошлаб, муҳокамага тушганман. Охири ўйлаб-ўйлаб обком котиби қабулига бордим. У киши сиз бошлайверинг, деб фатво бердилар...

**Муаллиф:** Қаҳрамонимга хайрон қоламан, яхши зўр ғоялар билан чиқади-да, ўз билгисича иш тутмай катталарнинг ҳузурига чопиб қолади, уларнинг оғзига қараб

туради, хатолигини билса-да, уларнинг айтганини қилади. Бу нима? Ўзини масъулиятдан олиб қочиши ё яхши кўринишга, эътиборда туришга интилиши? Балки давр нуксидир, ўша вақтда ҳаммамизга теккан касалдир. У ҳам бундан қочиб қутулолмагандир. Ҳарқалай ўзи минг уста ташкилотчи бўлмасин, ўшаларнинг иродасига қарши бораолмагандир...

Хуллас, ўша кишининг рухсати билан «Емонадир»га техника олиб бориб, насос станцияси қурилишини бошлаб юбордик. Қимдир Андижонда Вершинка деган тажрибали лойиҳачи-инженер бор, узоқ йиллар Андижон область сув хўжалиги бошқармасида ишлаган, насосларнинг «тили»ни ўша билсин-да, ҳозир пенсияда, деб қолди.

Вершинкани топтириб келдик. У бош механигимиз билан насос станциясини қуриб берадиган бўлди. Бу орада қурувчиларимиз биринчи оқ уйнинг пойдеворига бетон ётқиздилар.

«Емонадир»га одам тўлиб кетди. Ота-боболаримизнинг «Яхши иш бошлангунча, у ёғи юришиб кетади» деганлари тўғри экан. Атрофдаги кишлоқлардан ҳам одамлар кела бошлашди. Адирга қурилиш материаллари олиб келаётган машиналарнинг эса кети узилмасди. Андижон нефть ва газ ишлаб чиқариш бошқармаси билан Хўжаобод нефть кони мутасаддилари «Яхши иш бошлабсизлар, бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилиб қолсин» деб, ишлатиб бўлинган пўлат қувурларини келтириб ташладилар. Қарабсизки, «Емонадир» расмана қурилиш майдонига айланиб кетди.

Ўзим қўлимга хивич олиб, бульдозернинг олдига тушдим-да, бўлажак сув йўлини белгилай бошладим. Ана шунақа қилиб сув иншоотлари тез орада қуриб битказилди. Кучли насослар Қорағунон ариғидан олинган сувни пўлат қувурлар орқали бир юз йнгирма метр баландликка кўтариб, адир бағридаги бетон ариқларга қўйди. Шунда Вершинканинг хурсандчилигини кўрсангиз: кийим-пийими билан ўзини сувга отди. Бўлди қийкирик, бўлди кулги! Бу бир вақтлар Катта Фарғона каналига сув очилган кундаги тантананага ўхшаб кетарди.

Олтмиш тўққизинчи йилнинг кўкламида «Емонадир» тарихида биринчи дехқончиликни бошладик. Беш гектар ерга ток навдаси қадаб, боғга асос солдик, орасига эса қовун-тарвуз, пиёз, қулупнай экдик. Мироб Маҳмуд Собиржонов тоқларга биринчи сувни таради.

Шундай қилиб, «Емонадир»да янги бўлим ташкил этилди. Сўнг йўллар очилиб, идора қурилди. Икки-уч йилда «Емонадир» кўпчиликнинг оғзига тушиб, ҳамма у ерни бир кўрсам дейдиган бўлиб қолди. Ўзлаштирилган адир ерлар бир минг саккиз юз гектарга етди. Токзору олмazorлар барпо этдик. Адирнинг киёфаси ўзгариб, айни қовун пишиғида обком котиби Бектош Раҳимовни «Емонадир»га таклиф этдик.

Котиб ўрикзору олмazorу беҳизору шафтолизорларни, тоқзорларни кўриб баҳридили очилиб кетди. Энди денг йўллар, хиёбонлар четларида оқ, сарик, қизил атир гуллар очилиб ётибди. Райхон, жамбилларнинг хиди анқийди. Еш ниҳоллар тагида қўм-қўқ беда, қулупнай, ерёнғок. Бир пайкалда тарвуз, бир пайкалда қовун пишиб ётибди, булар «Емонадир»нинг биринчи неъматлари эди.

— Ростини айтсам, сиз Ҳизр назар қилган одам экансиз,— деди котиб,— минг раҳмат сизга! Область фаолларини олиб келаман, қовун сайли ўтказамиз. Сайил бахона — кўпчиликнинг дилига чўғ ташлаймиз. Улар ҳам кўриб қўйишсин бу ердаги ажойиб ишларингизни. Нима дедингиз?

— Сизга ҳам раҳмат, Бектош Раҳимович,— дедим яйраб,— ёрдамингизни аямингиз. Ҳар қадамда обкомнинг мададини сезиб турдик.

«Емонадир»да бошланган сайил уч кун давом этди. Жуда кўп одам келди. Райком котибларидан тортиб, ижроком раисларигача, хўжалик бошлиқларидан тортиб идораларнинг раҳбарларигача, журналистлардан тортиб ёзувчиларгача келишди бу ерга. «Қаловини топсанг, қорни ҳам ёндириш мумкин», деганлари шудир-да дейишди меҳмонлар. Бу бизнинг меҳнатимизга берилган катта баҳо эди.

Ҳозир «Емонадир»да бирлашмамизга қарашли боғдорчилик совхози бор. Унга «Болгария» номини берганмиз.

**Муаллиф:** «Емонадир» ёки бўлмаса бирон ўзбекча ном топиш ҳеч кимнинг хаёлига келмабди-да. Ундай деса, ҳар нарсада ўз даврининг бир муҳри қолади, деб бекорга айтмасалар керак...

Совхозни тағин комиссия босди. Устимдан Марказкомга ёзишибди. Хатда айтилишича, салкам беш юз совхоз ишчисининг умри «Емонадир» йўлида ўтаётганмиш. Улар икки йилдирки, тонг сахарда ишга бориб, тунда қайтишармиш. Меҳнат конуни бузилаётганмиш.

— Бу гаплар асосан тўғри,— дедим комиссия аъзоларига,— лекин биз бу ишни

ўзбошимчалик билан қилаётганимиз йўқ. Қўлимизда «Емонадир»ни ўзлаштириш ҳақида Андижон область ижроия комитетининг махсус қарори бор.

— Хатда «Емонадир»да лойиҳасиз иш бажарилаётганлиги, зўр машаққат билан яратилаётган бу боғ бошқа район территориясида эканлиги, у бугун бўлмаса, эртага Жалолқудук районунига ўтиб кетиши, ундан бирлашма наф кўрмаслиги, Мадидёров бунин билатуриб ишчиларни қийнаётганлиги айтилган. Яна «Болгария» совхозининг директори Пўлатбек Мамадалиевга эрк бермаётганингиз ёзилган. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Мен комиссияга «Емонадир»ни ўзлаштириш бўйича ўзимиз тузган «қўлбола» лойиҳа-смета ҳужжатини кўрсатиб:

— Марҳамат, текшириб кўраверинглар,— дедим.

Комиссия бу ҳужжатни норасмий деб топди.

— Асосий ишни ўз кучимиз билан бажаряпмиз,— дедим мен,— Давлатнинг бир тийинини ҳам ноўрин сарфлаганимизча йўқ. Тўғри, совхоз кейинчалик Жалолқудук районунига ўтади. Лекин унганча қилинган харажатни коплаб, фойда ҳам кўрамиз. Халқ орасида кўйиндан тўкилса кўнжигга деган гаплар бор. Жалолқудук ҳам шу Андижон вилоятига қарайди-ку?! Пўлатбек Мамадалиев масаласига келсак у ҳали ёш, тажрибасиз. Унга иш ўргатяпмиз, холос. Норизо бўлса, ишига аралашмаймиз.

Комиссия ер ўзлаштириш учун қилинган харажатга қўшиб ёзилмадикан, деган маънода бирлашманинг молиявий фаолиятини ҳам кўриб чикди. Лекин пичокка илинадиган ҳеч нарса топилмади. Шундан кейин комиссия раиси шикоятнинг охирини очди ва ўқиди:

«Мадидёров катталарга яхши кўринаман, деб биз етиштирган мевани Екутистон, Сибирь, Сахалин, Владивосток, БАМ, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга жўнатгани-жўнатган. Қўпчилик қилган ишларни мен қилдим, деб керилади.

Зулунбой Худойбердиев».

— Зулунбой... Наҳотки шу йигитдан шу гап чиққан бўлса? Тўғри, шартнома бўйича Россиянинг кўп шаҳарларига мева жўнатяпмиз. Бунинг нимаси ёмон?

— Билмасак... Демак тўғри ёзган, тан оласиз бунин?

Комиссия олдидан кайфиятим бузилиб чикдим. Зулунбойни қачон ранжитганимни эслай олмадим. Кўнглида шунча гапи бор экан, нега илгарирок ўзимга айтмадийкин? Ўйлаб ўйинга етолмасдим. Шунча ишлаб топган обрўйини шу бўлдимиз? Ахир ҳамма ҳам, бутун олам шу катта мамлакат учун ишлаб ётибди-ку. Бунинг нимаси ёмон экан?..

Комиссия «Емонадир»да ишлаган кишилар билан суҳбатлашиб кўп нарсани аниқлади. Минг шукрки, хатни Зулунбой ёзмаган бўлиб чикди.

Текшириш якуни очик партия йиғилишида кўрилиб, янги ер ўзлаштиришда ўз розилигим билан ишлайман, деган кишилар қайта рўйхатдан ўтадиган бўлди.

**Муаллиф:** Минг шукрки... ўз розилигим билан ишлайман деганлар... Бундан кўра ҳақиқат тан олинганда, шу гаплар, кейинги юзи қораликлар йўқ эмасмиди? Бунинг ўрнига, ёзишмадан кейин Мадидёров билан «Болгария» совхозининг директори Пўлатбек Мамадалиевнинг ўртасида гап қочиб оралари бузилди. Кўп ўтмай П. Мамадалиев директорликдан олиб ташланди...

## 10.

Етмиш биринчи йилнинг кузи, мева териш қизғин тус олган кезлар эди. Идордан чиқиб, «Нива»га ўтириб эшикни ёпганимни биламан, биз жилаётганда узокдан қора «Чайка» машинаси кўринди.

— Четга ол, кимдир келяпти,— дедим шофёрга.

«Чайка» олдимиизга келиб тўхтади. Орқа ўриндикда обком котиби Бектош Раҳимов билан нотаниш бир киши ўтирган экан. Улар жилмайиб машинадан тушдилар.

— Саломатмисиз, Масодик ота,— деди Раҳимов. Сўнг меҳмон билан юзлаштирди: Танишинг, СССР Озиқ-овқат саноати министри Владимир Петрович Леин.

— Жуда яхши. Қани, ичкарига марҳамат, бир пиёла чойимиз бор.

— Вақт зик. Ҳозир меҳмонхонангизга тушмаймиз. Боғларингизни кўрсатсангиз. Бирров «Емонадир»га ўтиб келсак.

Шофёримга «Болгария»га бориб туришни тайинлаб, «Чайка»га чикдим. Машина катта йўлдан ўннга бурилди. Ҳаво очик, қуёш паға-паға булутлар орасидан нур сочиб турибди. Йўлнинг икки томони олмасор. Леин боғдан кўзини узмай роҳатланиб борарди. Тоғдай уюб кўйилган олма хирмонидан ўтаётганда димоғига ёкимли ҳид урилди шекилли:

— Шу ерда тўхтайлик,— дея илтимос қилди.

Хирмонга бурилдик. Леин тушиб олма тераётган қизлар томон юрди. Мен иккита қирмизи олмани олиб, меҳмонга узатдим. Леин уни ҳидлаб туриб сўради:

— Қаерга юборяпсизлар?

— Сибирга.



— Хар гектар боғдан канча даромад оляпсиз?

— Уч ярим минг устида.

— Бундан кўпайтирса бўладими?

— Парваришга боғлиқ.

Улар яна машинага ўтиришди.

— Вино заводига ҳайданг,— дедим шофёрга.

Машина олмазор ўртасидан ўтган йўлдан жилиб кетди. Меҳмон вино заводи цехларига кириб ишчилар билан суҳбатлашди.

— Бирлашма жамоаси заводни ўз кучи билан қурган,— деди Раҳимов,— йилига ўн миллион декалитр вино ишлаб чиқаряпти.

— Жуда соз. Қандай яхши,— деди хурсанд бўлиб меҳмон.

Кейин мен уларни Емонадирдаги «Болгария» совхозига бошлаб бордим. Илгари баҳри-дилимини очадиган, кўнглимини қувончларга тўлдирадиган бу боғ «Зулунбой»нинг хатидан кейин кўзимга жуда совук кўриниб қолган эди. Ўша воқеадан кейин бу ерга кадам босмасдим. Ленин паст-баланд адир бағрида яшнаб турган олмазор, тоқзор, гилосзорни, оқ уйларни кўрди. Ёш дарахтлар орасидаги полизни оралади. «Обиновот» қовунлардан татиди. Одамларнинг фикрини сўради.

— Бу адирнинг поёни йўкка ўхшайди-ку. Уни ўзлаштириш хисобига боғни яна кенгайтириш мумкинми?

— Бу боғлар насос билан сув ичади. Насослар эса етишмайди,— дедим,— кўшимча насос топсак адирдан истаганча ер ўзлаштиришимиз мумкин.

Меҳмонлар «Емонадир»дан кеч, лекин димоғлари чоғ бўлиб қайтишди.

— Ростини айтсам, кишлоқларга борганимда баъзи ишлардан кўнглим тўлмасди,— деди Министр,— бир ерда катта ишлар қилинганининг гувоҳи бўлдим. Бошқача айтсам, мен бу ерда иккинчи Кримни кўргандайман. Раҳмат, сизларга!

Министрнинг шу гапидан сўнг кўнглимдаги ғашлик ҳам тамомила тарқаб кетгандек бўлди...

Кўп ўтмай СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига чақиришди. Министр мени илик қарши олди.

— Ишлар қалай, оқсоқол! «Емонадир» боғлари қуригани йўкми?

Енгил тортдим: «Хайрият, яхшиликка чақиришибди». Кейин министр коллегия аъзоларига таништирди.

— Бу одам бир юз йигирма метр баландликка сув чиқариб, қирда боғ яратибди, мактовга лойик иш. Ўрток Мадиев яна бир катта ишни бошлаяпти. Ўз коллективининг кучи билан консерва заводи қўрмоқчи. Мадиев бирлашмасига етмишта трактор, иккита экскаватор, битта «Газ-24» енгил машинаси берсак. Консерва заводи қурилиши учун уч миллион сўм ажратиш керак бўлади...

**Муаллиф:** Министр анойи эканми? Шунча нарсани бекорга бермаётганини у жуда яхши билади. Эртага «Емонадир» боғларида битадиган мевалар вагонлаб шу ёкка жўнатилади, қаёкка жўнатилсин. Аммо соддадил қахрамонимиз шунча техника, маблағ ундирганидан боши осмонда эди. Шунча нарса, қайтиб борадиган мевалар олдида урвоқ ҳам эмаслигини эса ўйлаб ҳам кўрмасди. У кўзга кўринмас тўрга тушиб қолганини қайдан билсин... Сиёсат ўзи шундай бўлса, туриш-турмушимиз шундан иборат бўлса, у боякишда нима айб?..

## 11

Мен янги қураш майдонларини излардим. Бирлашмада узум етиштириш йил сайин кўпайиб борар, уни қаерга сиғдиришни билолмасдик. Охири узум шарбатидан вино тайёрлаб, уни шишаларга қуйиш учун Наманган вино заводига топширдик. Ўзимча ўйланиб қолдим: «Тайёр маҳсулотни бегона қилгунча, шу заводни ўзимизда курсак-чи? Тепадагилар ёрдам қилишиб, қурган консерва заводидан зарар кўрганимиз йўк-ку. Янги завод қурамыз десак, қараб туришмас.»

Чинданам қараб туришмади. Тез орада йилига ўн минг тонна узумни қайта ишлайдиган вино заводи қуриб олдик. Бу боғлар бағридаги иккинчи корхона эди. Сўнг заводда бир кеча-кундузда олтмиш минг шишага вино қуядиган цех, мева сақлайдиган йирик музхоналар қурдик.

Шундай қилиб денг, етмиш учинчи йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори билан Хўжабод дехқончилик ишлаб чиқариш бирлашмаси агросаноат бирлашмасига айлангирлиди. Қўрғонтепа районидаги «Прогресс», Жалолқудук районидаги «Болгария» боғдорчилик совхозлари яна бирлашма ихтиёрига қайтарилди. Водийда биздан қудратлироқ хўжалик йўк эди.

Шу йили баҳорда андижонлик боғбонларни бир жойга тўпладилар, боғдорчиликни янада ривожлантириш режаларини ўртага ташлай бошладилар. Мен президиумда ўтирардим-у, лекин ҳаёлимдан бошқа бир нарса кетмас эди. Шунда бирдан менга сўз бериб қолишди.

— Мен бу гал боғ ҳақида эмас, мехнаткашларнинг дам олиши, фароғати ҳақида гапирмоқчиман,— дедим қутилмаганда,— ростини айтсам, Андижондек шаҳри азимда тузукрок бир оромгоҳ йўқ. Шаҳарликлар ёзда соя-салқин жой излаб, Шохимардону Арслонбобга борадилар. Шаҳарнинг шундоқкина биқинида эса Завроқ адири офтобда куйиб ётибди. Шу ерга сув чиқариб обод қилсак, қайси Арслонбоб ёки Шохимардондан кам бўлади? Биз шу адирда шаҳар халқи учун қулинг ўргулсин дам олиш зонаси яратиб беришга қодирмиз.

Зал қарсақдан гўё қалқиб кетди. Обком котиби Бектош Раҳимов тўлқинланиб ўрнидан турди:

— Масодиқ ота етти ўлчаб бир кесадиған одам. У киши қаерни обод қиламиз? деса, сўзининг устидан чиқяпти. Бу ташаббуси ҳам ажойиб. Сизлар нима дейсизлар, ўртоқлар?!

— Яхши таклиф, қувватлаймиз!

— Химматингизга балли, Масодиқ ота,— деди котиб юзларидан нур ёғилиб.— Бу гал ҳам улўқ сизда кетди.

Орадан бир кун ўтиб, ўттиз чақирим наридан биз бир гуруҳ мутахассислар, боғбонлар, бульдозерчи-скрейперчилар, тракторчилар билан етиб келсак, адирни ҳашарга чиққан одам тутиб кетибди. Шаҳар идоралари, корхоналари отланиб чиқишибди.

Адирининг энг баланд жойига бош штаб қурдик. У ердан ҳар бир нуқта кўзга яққол ташланар эди. Андижон шаҳаркоми котиби Саттор Обидов штаб бошлиғи, мен эса унга ўринбосар этиб тайинландим. Штабга архитекторлар, лойиҳачилар, ирригаторлар келдилару иш кизиб кетди. Ер текислайдиган машиналар бирин-кетин адир бағирлаб ўрмалашга тушиди. Мен эса, қўлимга хивчин олиб, уларга йўл кўрсатиб борардим.

Биринчи бўлиб адирга чиқадиған айланма йўллар очилди, шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди. Қирга чиқадиған бетон пиллаоялар қурилди. Ариқлар қазилиб, қирғоғига тартиб билан кўчатлар ўтқазилди. Қисқа муддатда насослар келтириб ўрнатилди. Улар тўксон метр баландлиқка сув чиқариб бердилар. Қир устида пахта чаноғи шаклида фонтан қурилиб, атрофи обод қилинди. Ресторан, ошхона, чойхоналар, савдо дўконлари очилди. Икки ой деганда ажойиб сайилгоҳ барпо этилди. Бу ерда саратон жазирамасида ҳам шабада тинимсиз ғир-ғир эсиб туради. Шунинг учун оромгоҳга «Боғишамол» деб ном берилди.

Эндилдиқа адирни ям-яшил боғ қоплаган. У ўн, юз эмас, минглаб гектарни ташкил этади. Бу ерга қанча дарахт экилмадиқан? Боғлари қанча ҳосил бермадиқан? Унда қанча одам салқинлаб, хордиқ чиқармадиқан?

Бу масқанда биз яратган йиғирма тўрт гектарли ўрикзор ҳам шовуллаб турибди. Бугун Андижонга келган меҳмон Боғишамолга бормасдан, боғлар орасида қурилган чойхоналарда бир пиёла чой ичмасдан, бир лўкма ош емасдан, бунёдкорлари шаънига илиқ сўзлар айтмасдан кетмайди. Боғбон одамга бундан ортиқ нима керак?! Мен ҳаётимда фақат боғ яратганим йўқ. Қўлимдан келганича одамларнинг бошини силашга, уларни қовуштиришга, меҳр-мурувват қилишга ҳаракат қилдим. Адашганга йўл кўрсатдим, қоқилганнинг қўлтиғидан суядим. Етим-есирларнинг бошини силаб, бева-бечораларга гамхўрлик қилдим. Нимаики қилсам, одам боласининг бахти очилсин, деб қилдим. Қариялар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари, эри фронтда ҳалок бўлган бевалар, қарайдиган ҳеч кими йўқ кишиларни йўқлатиб турдим. Ҳолидан хабар олдим. Юртни тепазидамани, шу менинг вазифам деб билдим. Ҳеч кимнинг дилини оғритмадим, кўз ёшини оқизмадим, деб ўйлардим. Билмадим, қайси гуноҳларимга мана бу жазолар турган экан. Билолмадим. Билолмадим...

**Муаллиф:** У шу топда самимий, чин дилдан сўзлар, ич-ичидан ўзи билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган гуноҳларига тавба қилар, тазарру айтар эди-ю, лекин бу тавба кечикканини ўзи ҳам сезиб турарди. Уни энди барибир қамасалар керак. Қўп айбларини топган эмишлар. Энди уни қутқариб оладиган куч ҳам йўқ. Ахир не-не манман деган чинорларни бу терговчилар олиб бориб тикиб қўйишганида Мадидёров омон қолармиди? Улар ҳам нақ Мадидёровга ўхшаган машхурларни, халқ тепасида юрганларни, тилга тушган, миллат рамзи, қахрамони бўлиб ном чиқарганларни қамокка тикмоқдалар. Ақл-фаросатлиларни, забондиларни, халқни ўз орқасидан эргаштириб кета оладиганларни териб-териб олмоқдалар. Бунда бир гап йўқмикан ўзи? Атайин эмасмикан, деган ҳаёлларга борасан, баъзан. Ишқилиб буларга худо тўзим берсин-да, ўзи асрасин-да. Айни иш берадиган одамларни қамашни нима деб атамоқ керак экан?..

Мени, ҳамширалар профессор хонасига чақариб кетишиб, суҳбатимиз бўлиниб қолди. Қайтганимда Мадидёровни кўргани уйдан келишган, ўғли унинг озғин қўлларини укалаб ўтирарди. Ўзи эса баттарроқ асабийлашган ва рухан эзилгандай кўринди. Шунда бехос кўрдим, баданига яра тошиб, оёқлари шишиб кетибди. Мадидёров менга маънос қараб қўйди ва мен чидаб туролмай ташқари чиқдим. Ана, инсоннинг аҳволи. Кеча гуриллаб юрган одам бугун маънан ва жисмонан чўкиб, мана бундай ётса. Худо кўрсатаётган яна қандай гуноҳлари бор экан? Е ишинг бир чаппасига кетса, ҳаммаси

ёпирилиб келадерадимикан? Бало ҳам, касал ҳам? Балки кейинги тазарру. хикояларида бу бошига тушган ташвишлар сабабини очар...

12.

Саксон учинчи йилнинг айни саратон кезлари эди. Хўжаобод ижрокўмидан кўнги-рок қилиб, «йигирма тўртинчи формани олиб келинг», деб қолишди. Юрагим «жиг» этди. «24-форма»да гўшт, сут, сариеғ, тухум, жун ва бошқа чорвачиликнинг соҳалари бўйича қилинган ишлар ракам этиб борилади. Ижроком раиси хўжалик раҳбарлари билан «24-форма» бўйича гаплашади. Чорвадор фақат ўз плани учунгина жавобгар бўлганда майли эди! Ўз плани тўлса, район, вилоят планлари турибди, кейин жумхурият планини кўндаланг қилишади. Бордию тўлиб кетса, кўшимча мажбуриятлар учун жон бериб, жон олинади.

Чорва зарбдор фронт, деган ярамас шиорни ким чиқарган билмайман-у, бизнинг водийда бошга битган бало эди. Нега десангиз на яйлов бор, на хашак. Ер эса ҳисоблоглик. Богдан чиққани нима бўларди?

Хўжалигимизда сут плани чаток эди. Шунинг учун ижроком раиси Гулчехра Эрматова 24-формани қабул қилмади: «Сотиб оласизми, ер тагидан топасизми, мен билмайман, менга план тўлиши керак», деб туриб олди.

— Биздан сут эмас, мева сўранг, — дедим хунобим ошиб, — ўзи комбинатимизнинг болалар боғчасию касалхонага зўрға сут етказиб беряпмиз-ку.

— Мен сиздан сут сўраяпман, боринг, планни бажариб келинг.

— Иложи йўқ, яхши қиз, — дедим мен ҳам қайсарлик билан. Баъзи раҳбарларга ўхшаб, бажарамиз деб ваъда бериб ўтирмадим. Тўғрисиш айтдим-қўйдим.

Кўп ўтмай идорага Гулчехра Эрматова билан область ижроия комитетининг раиси Шокир Муродов кириб келишди. Муродовнинг ковоғидан қор ёғарди. Мен билан қўл учида кўришди: «Опани нега хафа қилдингиз? Қорнингиз тўйиб қолдими? Биз билан план тўлдирганлар ишлайди. Қўш-қўш орденлар, медаллар бердик, кўкрагингизга Олтин юлдуз тақиб қўйдик. Депутат қилиб сайладик. Хурматни билиш керак-да». Мен унга гап тушунтирмакчи эдим, силтаб ташлади: «Э, қўйинг! Сиз чорва душмани экансиз. Бошқаларда бўлган сут нега Сизда бўлмасин? Ез бўйи нима қилдингиз? Гап битта! Планни бажарасиз. Бажармасангиз партиядан ўчириб, Олтин юлдузни қайтариб олиш масаласини кўямиз. Тамом». Қани шу билан кета қолса. Хонани бетокат айланди-айланди-да, келиб телефон дастасини кўтарди.

— Алло, Андижон сут заводими? Менга директорни беринг. — Улашди. У билан қиска сўрашиб буюрди: — Сизга Хўжаобод агросаноат комбинатидан одам боради. Гап шу. Сут топиб берадиз.

Ижроком раиси дастакни тарақлатиб жойига ташлади. Сўнг ғайритабиий вазоҳат билан ўрнидан турди-да, Гулчехра иккаласи эшикни зарб билан ёпиб, хонамдан чиқиб кетди. Мен билан на хайрлашди, на бирон нарса деди. Недурки ўзинг тушуниб ол, тушунмасанг ўзингдан кўр, дегандек қилди. Қўлларимни икки чаккамга тираб, узок ўтириб қолдим. Нахотки, ўғлим тенги, қизим тенги одамлар шунчалик тергаса! Кейин тун бўйи ухлай олмай тўлғониб чикдим.

Эрталаб эса бош агрономга ёрилдим. Сут заводига одам боради деб кетди, дедим. У яхши деб чиқиб кетди. Кейин заводга бориб, бош инженер Ашот Петросянга Шокир Муродовнинг тошшириғи билан келдим, дебди.

— Қанча сут керак? — сўрабди у.

— Юз тонна.

— Элик беш минг сўм олиб келинг, — дебди у.

— Шунча пулни қаердан топаман?

— Пул бўлмаса, сут ҳам бўлмайди.

Икки ўртада ўтган бу гапни менга Шомансур айтди. Мен унга ўзимга ишонгандай ишонардим. Бошим қотди, нима қилишга ақлим етмай қолди. Ниҳоят Шомансурга: «бир иложини қила қолинглар!» дедим. Эртаси қуни у: «Иложини қилдик», деб қўйди. Энас қотганидан қандай деб, суриштириб ўтирмадим.

Шу орада Шаҳрихонда «қирол» лақаби билан танилган. Москва район матлубот жамиятига қарашли аҳолидан шиша идиш сотиб олиш дўкони мудури қўлга тушиб қолибди. Тафтишчи унинг гирибонидан ушлабди. «Қирол» эса комбинатимизга қарашли арок-вино заводининг шиша идиш сақланадиган омбори мудури билан алоқада экан. Мен буни кейин эшитаман-ку. Унгача «қирол» комбинатдан 944 минг сўмлик шиша идиш қабул қилганман деб қанақадир ҳужжат рўпара қилибди. Тафтишчи бундан шубҳаланиб хайдовчиларни суриштирса, улар бундан беҳабар, қарабсизки, тўлдирил-

ган йўл varaқалари калбаки бўлиб чиқди. Уша йўл varaқасига ишонса, ҳар битта трактор прицепа Хўжаободдан Шаҳрихонга кунига йигирма марта катнаган.

Шунаққиб денг ОБХСС комбинатга карашли арок-вино ва консерва заводлари, уларнинг шиша идиш, яшик сақланадиган омборларини муҳрлаб қўйди. Текшир-текшир бошланди. Аввал ўндан ортиқ одам терговга чақирилиб турган эди, охирида мен билан ўн саккиз киши сўроқ берабошладик. Айтишларича, мен бош агроном Шомансур Шокаримов, зоотехник Мадамин Абдурахмонов, бош кассир Одил Нишонов, арок-вино заводи директори Абдурахмон Маҳмудов, шиша идиш омбори мудири Йўлдош Кўчқоровларни ўз хонамга чақириб, қандай қилиб бўлмасин сўт сотиб олиш ҳақида топширик берган эмишман. Улар кассадан пул олиб, Андижон сўт заводи инженери Петросянга олиб боришганмиш. Қўйинг-чи, иш чалкашгандан чалкашиб кетаверди. Вей, инсон унакамас... десанг қани эшитса терговчиси...

**Муаллиф:** Мен индамадим-у, лекин кўнглимдан бир олам гаплар кечар эди. Бировдан гина қилиш осон. Лекин ўзингиз-чи? Айб ўзингизда-ку. Ха, деса катталарга орқа қилавериб, нима топдингиз, демоқчи бўлдим-у, айтолмадим. Гап ҳам сизмасди шу топда!

Охири обком котиби Мамарасуловга киришга мажбур бўлдим. У киши: «эшитди-эшитди-да, қўяверинг, текшириш якунини менга олиб келишади. Хотиржам ишингизни қилаверинг», деб чиқариб юборди. Бахтга қарши денг тафтиш-сўроқ икки йилга қўзилди. Бу орада Мамарасулов Андижондан Сурхондарёга ишга кетиб қолди. Унинг ўрнига келган Орифжонов мени совуқ қабул қилди: «Мен янгиман, бундай ишларга аралашмайман», деди гапни калта қилиб. Нонлож нажот истаб Марказий Комитетга борган эдим, Иномжон қабул қилмади. Ўзимиз билган ўша Иномжон ўзини четга олди-я... Жуда таъсир қилди.

Кўп ўтмай мени ишдан четлатиб, фирка аъзолигидан чиқаришди, депутатликдан чақариб олишди. Ўн саккиз кишининг тергови тугаб ишимиз судга ошди.

Суд мажлисида бизга қўйилган айбнома ўқиб эшиттирилди. У жуда ваҳимали эди. Мен бу ишлардан хабарим йўқлигини айтиб, қўйнимдаги каломуллони олиб, онт ичдим. Одамлар буни кутмаган экан, зал қалқиб кетди. Шундай қилсам ўзимга ва бошқаларга енгиллик бўлармикан, деб ўйлагандим. Янглишибман. Катталарнинг буйруғини бажариш учун кинғир йўлга юрганамни дангал айтаверсам бўларкан...

**Муаллиф:** Ана шу ерда бир дақиқа тўхтасак. Мадиевров шу сўзи билан ким деган одам бўлди? Мана бир умр катталарга сизгиниб келишнинг оқибати!

Яна шундай қилсам бошқаларга енгиллик бўлармикан, девдим дейди.

Шу онтимдан кейинок мен билан бирга қора курсида ўтирган дўстларим — ёвга айландилар. Суд залида алам ўтида ёниб ўтирган бола-чақалари, қариндош-уруғлари энди менга нафрат билан қарадилар. Шовқин-сурон кўтарилди. Улар «қўрқок», «номард», «имонсиз!» деб атадилар. Мен бир дақиқада бошу кўзим чир айланиб, ўзимни нуутдим...

Шундан кейин қора курсида ўтирган ўн етти кишининг ҳаммаси бир овоздан «Биз Мадиевров топшириғини бажарганмиш», деб туриб олишди. На қилай, нима дей? Осмон узоқ, ер каттик эди. Қолаверса, ўзимдан ўтди. Адашдимки, у ёқ — бу ёғи йўқ. Ҳақиқатни айтаверсам-ку олам гулистон эди. Лекин ҳамма бало шундаки, айтолмадим. Катталарга доғ туширмай қўя қолай деб... Мана қандай кунга қолиб ўтирибман. Энди холинг қалай дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Биров кимсан демайди. Аләм қиладиган жойи шунда, шунда...


**Муаллиф:** У хўнграб йиғлаб юборди. Нима дейсиз? Ўқиб йиғлаганда ҳам, юракбағрини тилка-пора қилганда ҳам ким унга ёрдам беради? Энди фойдасиз.

Лекин бир нарса одамни қийнайди. Ахир у ҳам бир инсон, инсон бўлганда ҳам қўли гул боғбон, ризқ-рўз яратувчи одам эди-ку. У нимага интилди-ю, нимага эришди? Қаерда адашди? Шунча тошлок-адирларни боғ қилган одам ўн йилга кесилиб, бир умр қилган тоат-ибодати бир пул бўлиб турса, бу қандай бедодлик ўзи? Бир қарашда бедодлик бўлиб кўринади. Бир қарашда эса, интилишларининг меваси бўлиб. Ахир унинг ҳамма интилишлари, захматлари, чоп-чоп, югур-югурлари нима учун эди, ўзидан қолаётган шу боғлар ва озгина обрў-эътибор учун эмасмиди?.. Кечаги жамият уни шу руҳда ўстирган, мутеларча ишлатган, ёғини олган эмасмиди?

Энди қариб, хизматини ўтаб бўлганда, кераксиз бир нарсадек улоқтириб ташласа не ажаб?! Қамалса, кесилиб кетса унга нима?! Ундан оладиганини олиб бўлди-ку бу жамият. Етмиш йиллик тарихда бунга мисоллар озми? Мадиевров ҳам ўша адодатсизлик қурбонларининг биттаси-да, биттаси.

Инсон шуни тушуниб етмас экан, эркини ўз қўлига олмас экан, Ватанини, миллатини танимас экан, бу фожияни четлаб ўта олишига қафолат борми?

Масодик Мадиев дунедан ўтганига ҳам уч йилдан ошяпти. Лекин ундан колган боғлар, кир-адирлардаги чаманлар хануз яшнаб турибди. Корадарё бўйларида, «Емон-адир», «Боғишамол» кирларида у кўқартган жаннатмонанд боғларда баҳор кезиб юрибди. Шу баҳорий насимлар ва уфолар ичра армонда кетган боғбоннинг бедор рухи ҳам бормикан? Хаётимизга эрк, мустикаллик кириб келган бир кезде бу рух зиғирдек бўлса-да, таскин топиб, шод бўлаётганмикан? У билан ишлаб-яшаган, ҳамсухбат-хамкадам бўлганлар уни унутмагандирлар, ахир!



## Мақбуллар

### Миннатдорчилик мактублари

Ойномамизда Қуръони карим маъно таржимасини эълон қилиш тугалланганидан кейин, жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва туманларида, қўшни ўлкаларда яшовчи ўқувчиларимиздан, мухлисларимиздан, муштарийларимиздан самимий, ҳаяжонга тўла мактублар, раҳматномалар тўхтовсиз кела бошлади. Чўпону ишчи, боғбону хизматчи, ўқитувчилар, фахрийлар, ходимлару раҳбарлар — ҳуллас, халқимизнинг барча соҳаларда меҳнат қилаётган азиз фарзандлари юборган бундай мактубларда Қуръон мутолаасидан баҳрамандлик ҳисси, дил қувончлари изҳор қилинади. Қуйида ана шундай мактублардан намуналар билан танишасиз.

*Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм.*

Мен «Шарқ юлдузи» ойномасининг садоқатли мухлисларидан бириман. Қўп йиллардан буён обуна бўлиб, қизиқиб ўқиб келаман. Айниқса, кейинги икки йилда мен бу ойномани қўлимдан қўймай ўқийдиган бўлдим. Бунинг учун мен Қуръони карим таржимони Алоуддин Мансурга, Омон Мухтор, Анвар Турсун ва бош муҳаррир Ўткир Ҳошимов укаларимизга миннатдорчилик билдираман. Сабаби, Ўзбекистонимизда яшовчи неча минглаб кишиларни Қуръони карим таржимасидан хабардор қилганингиздан миннатдоримиз. Албатта, бу осон иш эмас. Шундай савоб ишни халқимизга етказганингиз учун сизларга минг-миг раҳматлар бўлсин, деб омин қилдим.

**Боли ХОЛМУМИНОВ,**

Самарқанд вилояти, Хатирчи тумани

\* \* \*

Хурматли таҳририят аъзолари! Сизларнинг хизматингиз туфайли тарих ҳақиқатлари, ўтмишдаги улуг адибларимизнинг асарлари, ота-боболаримизнинг панд-насиҳатлари халқимизга етиб келаётир. Ойнома халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиб, ҳақиқатни англашига ёрдам бермоқда. Айниқса, Қуръони каримнинг маънолари таржимасини ҳамма одам, шулар жумласидан мен ҳам, оила аъзоларим ҳам ўқиб, чуқур миннатдор бўлдик. Ойноманинг ҳар бир сони учун заҳмат чекаётган ходимларга сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар тилаймиз.

**Низомхўжа НУРИДДИН АСОМ ўғли.**

Тошкент, Чилонзор ноҳияси, Машираб кўчаси



Қутлибека

## СОҒИНЧНИНГ ЎТЛИ ТИЛИ



### Ўкинч

Тонг. Хоразм осмони қонар,  
Қондан кўрқиб бекинар юлдуз.  
Ё раб, ўғай қиз бўлдим, Она  
Жудоликдир сизга туққан қиз.

Шом. Қорайиб қузатар само,  
Судраб борар қуёшни абр.  
Мен-чи узоқ қизингиз ҳамон,  
Сизнинг яқин қизингиз Сабр,

Тун. Юлдузлар қайтадан сачраб,  
Кўк кулимсир, ҳура бошлар ит.  
Боролмайман, ёмонман, ё раб,  
Сизнинг яхши қизингиз Умид.

### Булар

Кўзи юмуқ ғурурнинг, орнинг,  
Бурқсир ёнган ғоя тутуни.  
... Булар ҳамон қари қулдорнинг  
Ялашади мушук, итини.

Булар ҳамон йириги — машшоқ,  
Майдаси рақс этар эшилиб.  
Бир-бирига ишқи кетган чоқ  
Қари қулдор кўпчиди, шилиб.

Дарё, денгиз бўлолмас ҳамон,  
Тор ирмоқдир, жилғадир булар.  
Бир-бирига чулдирашган он  
Қари қулдор гулдираб қулар.

Хижолатда қони бир юртлар  
Қарай олмас дунёга тикка.  
Суяқлари қотган манқуртлар —  
Булар ҳали чидар қулликка.

### У шундай аёл

Соғинчнинг ўтли тили  
Ялайди юрагимни.  
Башорат-топқир билик,  
Топиб бер керагимни.

У шундай аёл — сочи  
Бир эркакнинг титроғи.  
Йўқ, шундай аёл — сочи  
Миллатнинг бир байроғи.

У шундай аёл — кўзи  
Бир эркакнинг чироғи.  
Йўқ, шундай аёл — кўзи  
Миллатнинг қўш маёғи.

У шундай аёл — юзи  
Бир эркакнинг моҳтоби.  
Йўқ, шундай аёл — юзи  
Миллатнинг бир меҳроби.

У шундай аёл — ўзи  
Бир эркакнинг ўнг илки.  
Йўқ, шундай аёл — ўзи  
Бир миллатнинг бор мулки.

Шу аёлни излайман  
Танигандан тузумни.  
Асли ўзим излайман  
Йўқотилган ўзимни.

## Биз

Айтар сўзимизнинг илдизи  
Бир муҳтарам зотнинг оғзиди.  
Лабимизга оласвх тизиб  
Униб чиққан лаҳза бўғзидан.

Ўз сўзимиз борми? Бор, туткун —  
Миямизда ётар ул банди.  
Тилимизга тошмасин учун  
Ақл билан қўйганмиз чандиб.

\* \* \*

Қуёшнинг нурига навбатда турган —  
Тераклар, тиркаманг мени рўйхатга.

Шамол, ҳуштак чалиб овора бўлма,  
Сен менсиз борасан энди бозорга.

«Фалон мол баҳоси фалонча ошди...»  
Ҳакка, эълонингни бошқа жойда айт.

Изғирин қамчиси тилган япроқлар,  
Узр, бўлолмаيمان сизга ҳасратдош.

Мен севган кишимни қайтадан севдим,  
Чарақлаб кўрингим келади унга.

\* \* \*

Тонг, осмонга сўйладинг не сўз,  
Рангига қон югурди бирдан?

Емғир, нима дединг гвёҳга,  
Эгик бошин тиклади ердан?

Шамол, боғда сўйладинг не сўз,  
Лол баргларинг тили очилди?

Қалдиروق, не дединг кечага,  
Кўр кўзидан учкун сочилди?

Ўзгартишга қодир бу сўзни  
Айт, табиат, эшиттир ҳақни.


Турғиз, йиртиқ сабр қўйлагин  
Қайта ямаб ўтирган халқни!

## Сенга ишонмайман

Сенга ишонмайман бу Эрки, эй тан,  
Қўрқаман кўркинч бир қафас деб сани.  
Қора кишанларни кийганда Ватан,  
Утранг либосларда юрдинг ясашиб.

Ҳануз оромингнинг суврати — ёстиқ,  
Тонгги тушларингдан анқир ёғ иси.  
Бошинг хитоб эмас, нуқтадир — тасдик,  
Сўқмоғинг сўқмоқмас — чизиқнинг изи.

Сенга ишонмайман бу Эрки, жисм,  
Рухимга ваъдалар этма — салмоқдор.  
Тириклик қўлинда хизматкорсан — жим,  
Сен қаттиқ қўрқасан ўлиб қолмоқдан.



Жамол Сирожиддин

## АРМОНЛАРА МАҒЛУБ

### БЎЛГАН ОРЗУИМ...

\* \* \*

Кул лаблари мулойим,  
Юрак йиғла шашқатор.  
Бу дунёда зўр ғаним  
Бўлган азиз дўстим бор.

Ва бошимда қон йиғлаб  
Турар юлиб юз мотам.  
Бундай аза тутмаган  
Сухроб ўлганда Рустам.

Аста-аста бўғар у,  
Пўлатдан ҳар панжаси.  
Ҳам ҳаётбахш лаҳзалар  
Баҳи этар исканжаси.

Ким билади балки у —  
Қуримай кўзда нами,  
Бевафодай бўлғайму  
Номаҳрамнинг маҳрами?!

У шундайин ғанимки —  
Ўзга ғанимлар бекор.  
У шундай дўст — дунёда  
Йўқ ундайин вафодор.

Неки бўлса у ғаним,  
Нега, ахир, қадрдон?!  
Неки бўлса энг лазиз  
Ўлим топдим сўнги он.

Бир кун унинг панжаси  
Баҳоримни сўлдирар.  
Сўнги йўқ исканжаси  
Мени шаксиз ўлдирар

Ҳозир эса кул лабим,  
Юрак йиғла шашқатор.  
Бу дунёда зўр ғаним  
Бўлган азиз дўстим бор.

### Намоз ботир ҳасрати

Дарё эдинг, оқа-оқа сой бўлдинг-а, сой бўлдинг,  
Куюш эдинг, боқа-боқа ой бўлдинг-а, ой бўлдинг,  
Сўнгсиз эдинг, кўзга сиғар жой бўлдинг-а, жой бўлдинг,  
Тушкунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-о, орзуим.

Булутларга отган тошим етмади-ҳо, етмади,  
Ватан, сен деб тўккан ёшим етмади-ҳо, етмади,  
Ёлғиз эдим, ёлғиз бошим етмади-ҳо, етмади,  
Тушкунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-о, орзуим.



Сени дедим, ҳаловатим тийдим ман-о, тийдим ман,  
Куч-қудратим рўзгоримдан қийдим ман-о, қийдим ман,  
Шоҳ сийратга гадо суврат кийдим ман-о, кийдим ман,  
Тушкунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-о, орзуим.

Орзу эдинг менинг қора кўзлигим-эй, кўзлигим,  
Закийлигим, эркин-ўктам сўзлигим-эй, сўзлигим,  
Букун энди сен-да бўлдинг ўзлигим-эй, ўзлигим,  
Тушкунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-о, орзуим.

Ноҳақ — қилич бўлса, бир кун сингуси-ё, сингуси,  
Юрак дардим бағирларга ингуси-ё, ингуси,  
Шунда қувноқ бўлур ёким тингуси-ё, тингуси,  
Тушкунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-о, орзуим.

### Сулаймондан сўраганим

Эй сен илоҳийдан дониш сўрагон,  
Маҳлуқот лиссонин борин англагон,  
Тахтин шамол узра қуриб давр сургон,  
Саркаш инс-жинсларни хумға қамагон,  
Хумларда неларни кўмдинг, Сулаймон?

Ул ёвуз дев надур, маккор жин надур?  
Аларнинг кўнглида бўлган кин надур?  
Афсона нимадур, ҳамда чин надур?  
Ёвузлик бўйсунган ул нигин надур?  
Хумларда неларни кўмдинг, Сулаймон?

Ул саркаш девларнинг чоғирму, бода?  
Банг, кўкнор, афюнму ушбу мавода?  
Улатму, вабому учган ҳавода?  
Қирғин қуролиму қадим дунёда?  
Хумларда неларни кўмдинг, Сулаймон?

Ул маккор жин надур — хиёнат кули  
Ва ёки энг бадкор жиноят қўли?  
Миллий низоларму — зобитлик йўли?  
Ғайридин асарми, Қоруннинг пули?  
Хумларда неларни кўмдинг, Сулаймон?

Агар шулар эрса, хумларинг синмиш,  
Деву жин эл аро тарқамиш, сингмиш,  
Йўқ энди то маҳшар фанода тинчиш,  
Шеър ёзиб хум ичра жойлаш маним иш,  
Сен эса неларни кўмдинг, Сулаймон?



ЎТКИР ҲОШИМОВ

# Тўшда кезган ушлар



РОМАН

Куз — ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди... Эрта баҳордан бўтана бўлиб, шоша-пиша қирғоғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади. Шунча уринишлари зое кетганини тушуниб, оламга маънос боқади... Энди сув тубида шодон чайқалган майсалар эмас, хазон кўмилиб ётади... Еру кўкни кафандек оппоқ туман чулғайди. Оқ зулмат орасидан қарғаларнинг хосиятсиз фиғони эшитилади.

...Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узоқ чарх уради-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади. Сим-сим ёмғир ёғади: тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиатга аза очиб, унсиз йиғлайди...

Мен неча ёшга чиқдим ўзи? Йигирма иккига?! Йўғ-э, ахир мен етмиш иккидаман-ку! Балки саксон иккидадир? Нима фарқи бор?! «Донолар ҳаётни кузатурлар жим...»

## ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ҲАР КУНГИ ТАШВИШЛАРИ

Биқини ачишиб уйғонди. «Худойим, ўзингни раҳминг келсин», деди пичирлаб. Эски дарди яна кўзғади шекилли... Тўрт йилдирки, аҳвол шу. Сал оғирроқ иш қилса, ёмонроқ овқат еса тамом: ўнг кўкрагининг таги сирқиллаб оғрийди. Бодрингдек бир нарса биқинига ботиб, тўсатдан санчик киради. Охири оғзи тахирланиб, кўнгли беҳузур бўлади. Қайт қилади. Кўкимтир, аччиқ нарса тушадию энгил тортади.

Умида уч-тўрт марта кўлидан судрагудек бўлиб, дўхтирхонага олиб чиқди. Дўхтир хотин «меъдангиз айниган, хола, гастрит бўлгансиз», деб кўяқолди. Баннисага ётқизишга ордер керак экан. Ордер йўқ эмиш... Ёзда касали зўриқиб кетди. Шунангиз азоб бердики, худоё тавба, бундан кўра ўнта туққан афзал. Умида у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб ордер топди. Ун олтинчи баннисага, олти кишили палатага жойлаштирди.

Дўхтирлар ҳам ўлмасин! Хўп антиқа асбоблар ўйлаб чиқарибдими, барака топгурлар! Чалқанча ётқизиб қўйди-да, қорнига мой суриб, кўлидаги асбобини у ёққа юргизди, бу ёққа юргизди. Икки кўзи телевизорда. «Ошқозонингизда касал йўқ, хола,— деди ниҳоят.— Ут қопчангизда тош бор. Ғиж-ғиж тош.» Худойимдан ўргилай! Бандасига атаган дардиям кўп экан-да! Тош қаёқдан келади? Атайлаб тош емагандир ахир! «Операция қилиш керак, хола,— деди дўхтир.— Бошқа иложи йўқ».

Апарайса қилармиш! Айтишга осон. Аслида-ку, ҳар кимнинг жони Худонинг омонати. Эртами-кечми олади омонатини. Боринг, ана тиғнинг тагидан омон-эсон қутулиб чиқди ҳам... Бир йилгача яримжон бўлиб юрадими? Кўчани ким супуради? Бир эмас, иккита тўрт қаватли «дўм»нинг зинасини ким ювади? Тағин нима дейди, денг? «Сизга энгашиш мумкин эмас, хола, ишингизни ўзгартиринг», эмиш. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи биларкан-да.

Қурбоний хола бўйнидан ачом қилиб ётган неварасини уйғотиб юбормаслик учун секин қаддини ростлади. Уй ичи шам ҳидига тўлган эди. Кеча чироқ ўчиб қолгани, янги кўшни — Шаҳнозадан шам олиб чиққани эсига тушди. Ним қоронғида пайпаслаб, бола-нинг бутига қўл борди: қўп-қуруқ. Мана, сийиб қўймабди-ку! Шу... Умидаям хў-ўп тепса тебранмас чиқди-да. Кап-катта бола ҳар куни сийиб қўяди, деб нолигандан кўра ётар чоғи қовуғини жиндай ёғлаб қўйса-ку, олам гулистон!

Нариги каравот ғирчиллади. Қизчасини қучоқлаб ётган Умида овоз берди.

— Чой қўйиб кетинг, ойи.— Шундай дедию бошига кўрпани тортди.

Қурбоний хола индамай ошхонага чиқди. Улсин! Чироқ ҳалиям келмабди. Ваннахонага ўтиб, шошилмай таҳорат олди. Газга чой қўйиб, уйга қайтиб кирди. Бомдодни ўқиди. Утганларга Оллоҳнинг раҳматини, қолганларга имон тилади. Ут балоси, сув балоси, тухмат балосидан асрашни сўраб, юзига фотиҳа тортди.

Қоронғи ошхонада бир бурда нон кавшаб, чой ичган бўлди. Йўлакдаги илғакда осийлиқ турган пахтали чопонини кийиб, бошига пахмоқ рўмол ўради. Биқини тағин ачишиб оғриди. Бирпас иккиланиб турди-да, чопонини ечди. Тағин уйга кирди. Тимирскиланиб сандиқ очди.

Қитир-қитирдан Умида қайта уйғониб кетди шекилли, норози тўнғиллади.

— Ҳеч тинчимас экансиз-да!

— Болаларни вақтида олиб бормасанг, боғча опаси киргизмайди,— деди Қурбоний хола ўзини оқлаган оҳанда.

Сандиқнинг бир бурчидан эски шарф топди. Тўркўйлаги устидан кўкрагига танғиди. Йўлакка чиқиб тағин чопонини кийди. Рўмол ўради. Ваннахонада турган пақирни тарақлатиб юбормаслик учун ҳалқасидан оҳиста кўтарди. Бандига узун таёқ тиқилган супургини қўлтиққа қистириб, қоронғи зиналардан пастга тушди.

Ойнаси синган ташқари эшикни очини билан юзига муздек ҳаво урилди. Қор ёғяпти шекилли! Йўқ, туман тушибди. Қуюқ туман. Еру осмон оқиш хира пардага ўраб ташлангандек. Қизиқ, ҳамма нарса телба-тесқари кўринади. Ун қадам наридаги бақатеракдан кўра икки четидаги симёғочларда чироқлар ёниб турган кўча яқинроқ туюлади.

Кўчадан ўтаётган сийрак машиналар нур елпигичи билан туманни ёриб имиллайди. Қурбоной хола бир кўлида пақир, қўлтиғида супурги билан уйни айланиб ўтаётганида «дўм» чеккасидаги бақатерак тагида шарпа кўрингандек бўлди. Тўхтаб, ўша томонга қараган эди, шарпа терак орқасидан силжиб ажралди-да, шатир-шутир хазон босиб, туманлик қўйнига сингиб кетди. Қурбоной хола шарпа бошига ёш болаларни кига ўхшаган чўққисимон телпак кийганини ғира-шира илғади-ю, йўлида давом этди. Аввал магазин томондаги йўлкани супуриш керак. Жекдаги хўжайин қаттиқ тайинлаган: «Бу — катта гастроном, хола, ҳар хил одам келади, тағин битта-яримта катталар бу «дўм» кимга қарашли, деса, бизга гап тегиб қолмасин, тушундингизми?»

Тушунади. Нега тушунмасин!

Пастак нон дўконининг деразасида чироқ бор. Қизғиш нур тушиб турибди. Аммо нон машинаси кўринмайди. Бундан чиқди ҳали соат етти бўлмабди. Дўкон ёнбошида дарвоза. У ёғи гастроном. Унинг ҳам деразаларида чироқ ёниқ. Лекин гастроном соат саккизда очилади. Эшиги тепасидаги қизил чироқ кулга тушган чўғдек хира йилтирайди.

Қурбоной хола пақирини бақатерак тагига қўйди-да, «бисмилло», деб йўлкани супуришга тушди. Худойлигини айтганда, иши оғирмас. Аввал иккита «дўм»нинг атрофини супуриб чиқади. Кейин зиналарни ювади. Пешингача ишини битириб келади-да, уйидаги юмушларга қарайди. Овқат қилади. Невараларининг кийимини чаяди.

Биринчи кунлари аввал зиналарни ювиб, кейин кўча супураётган эди. Бўлмади: «дўм»дагилар жекка шикоят ёзишибди. «Эрталабдан тарақ-туруқ қилиб, уйқумизни бузади», дейишибди. Қурбоной хола қўшилари билан безовта қилмасликка сўз берди. Ишни супуришдан бошлайдиган бўлди. Нима қипти: хаёл суре-еб, супураверади. Супурги «шиғ-шиғ» қилади. Бир йўлкани бошидан охиригача супуриб бўлгач, ахлатни тўдалайди. Шунақа-ку, манави бақатерак дегани ўлгур ёмон. Баҳорда гуллайдими, нима бало, ҳаммаёқни попилтириқ босиб кетади. Осмондан қордек ёғади-я, барака топкур! Сув сепсанг, ерга ёпишиб қолади. Сепмасанг, супурги уришинг билан тўзғиб, бетингга сапчийди... Кузда ундан баттар. Хазонни тўдалаб ёқсанг, балога қоласан. Ҳавони заҳарляяпсан дейди. Ахлат машина — олмайди... Ким ўйлаб топганин кин бу бақатерак жониворни!..

Бир замонлар Қатортол қандоқ жойлар эди! Урикзорлар, узумзорлар, нокзорлар... Ҳар наштавилар бўлардики, шираси чак-чак томиб ётарди.

Қурбоной хола энгил қадам товушини эшитиб, супуришдан тўхтади. Ортига бурилиб қаради. Эгнига «олимпийка», бошига чўққисимон тўқима қалпоқча кийган икки киши шитоб билан югуриб, ёнидан шарпадек ўтиб кетди. Аввал ихчамроғи, кетидан қорин қўйган, ҳансираб нафас олаётгани...

Қурбоной хола икковиниям танийди. Қори қўйгани — праписир. Униси — ўғли. Эслади: ҳали дарахт панасида турган одам шу йигит бўлиши керак... Ота-бола қишин-ёзин қанда қилмай, ҳар куни эрталаб югуришади. Кўчанинг нариги бетидеги катта дарвозали участка праписирники. Праписир отасига йил оши берганида Қурбоной хола бориб, хизмат қилган... Ота-бола ҳар сафар унинг ёнидан югуриб ўтишади. Саломлашмайди, гаплашмайди... Майли, ҳар бандани мўмин ўзидан тинсин...

Яна шигиллатиб супуришга тушди. Биқинида оғриқ кучайганига парво қилмади. Бибиблаб нон машина келди. Ичкаридан дўкончи чиқди. Машинанинг орқа кажавасини очишди. Туман тарқамади-ю, кун бир қадар ёришгандек бўлди.

Бир маҳал орқа томондан йўғон овоз келди.

— Супурапсанми?

Қурбоной хола овоз эгасини таниди: Комиссар.

«Ўйнапман!» — деб ўйлади энсаси қотиб. Ҳар куни «супурапсанми?» деб сўрайди.

Ишдан тўхтаб, бурилиб қаради. Салом берди.

Комиссар беш-олти қадам нарида турар, бошида қора шляпа, эгнида қора плаш, кўлида сут бидон бор эди.

— Невараларинг омонми? — деди Комиссар ёшига ярашмаган ўктам товушда.

— Худога шукр, юришибди. Юмалаб-сумалаб.

— Узинг аҳмоқсан! — деди Комиссар зарда билан. — Неча марта айтдим: куёвингни судга бер! Моягини бир бураса, қизингга дом олиб беради. Ё участкасининг ярмини кесиб беради.

«Бир камим қизимнинг кундош билан бир ҳовлида туриши қолувди, болаларини ўкситиб», — деб ўйлади Қурбоной хола дили оғриб.

— Майли, — деди секин. — Худога солдим.

Комиссар кулди. Кулиши ғалати. Худди одамни майна қилгандек «хэх-хэх-хэх», дейди.

— Худонинг сендан бошқа иши йўқ! Фалончи бандамнинг арзи-қолини эшитаман, деб кўзи учиб турибди.

«Э-э! Тезроқ даф бўлсанг-чи! Сен билан гаплашиб юракни қон қилгандан кўра...»

Қурбоной хола атай гапни бошқа ёққа бурди:

— Сутга кетяпсизми?

— Бориб келдим. Бугун сут келмас экан. Дўкон кеча байрам ишлагани учун бугун оддих қипти.

Қурбоной хола супургисини чангаллаб, ишини давом эттирмоқчи эди. Комиссар маъноли йўталиб қўйди. Чамаси яна гаплашгиси бор эди.

— Эрталаб каша пишириб емасам, меъдам оғрийди.

— Кексалик-да!— деди Қурбоной хола.

— Мени қари деяпсанми, хэх!

Қурбоной хола жавоб бермади. Шахд билан супуришни давом эттираётган эди, қулоғига яна Комиссарнинг овози кирди.

— Анави ким?

Қурбоной хола Комиссар қўлини бигиз қилиб, кўрсатган томонга қаради. Уй ертўласининг зинасида бир одам ғужанак бўлиб ётарди.

— Қаёқдан билай,— деди Қурбоной хола бепарволик билан.— Анавиёқдан келганлардан биттасидир-да. Биласиз-ку, қиш келса қаланғи-қасанғилар кўпаяди. Кеча байрам қилиб бўкиб ичган бўлса...

— Йўқ, унақага ўхшамайди.— Комиссар шахдам қадамлар билан ўша томон юрди.— Ётиши бежо-ку!

Қурбоной холанинг кўнглига мубҳам хавотир тушди. Супургисини судраб, Комиссарга эргашди.

— Хой, кимсан?— Комиссар энгашиб, елкасига туртган эди, гавда қимирламади.

Қурбоной хола яқин бориб гавда устига эгилди-ю, даҳшат ичида ўзини орқага ташлади.

— Вой! Вой ўлмасам!— деди оёқ-кўлидан мадор кетиб.— Рустамжон-ку! Куёв-ку! Кечагина йўнаб-кулиб ўтирувди-я!

Рустам ертўланинг семон зинаси устида ғайритабиий ёнбошлаб ётар, бошидан оққан қон ҳалқоб бўлиб қолган, ич кийимда, бир оёғида латта шиппак, иккинчи шиппаги пастки зинада тўнкарилиб ётар эди. Унг қўли тагида қолган, негадир мушт бўлиб тугилган чап қўли зинага осилиб турар, гўё ўша ердан бир нарса олмоқчи бўлган-у, шу ал-позда қотиб қолганга ўхшар эди. Комиссар сут бидонини ерга қўйиб чўккалади. Елкасидан тортиб секин ағдарган эди, Рустамнинг оғзидан қон сизиб чиқиб, бўйнига оқди. Шунда, Қурбоной хола унинг билаги ҳам тилиниб кетганини, тирсагидан кафтининг орқасигача қора қонга беланганини кўрди.

— Войдод! Ким бор!!!— деб жонҳолатда дод сола бошлади.— Ёрдам беринглар! Хотинини чақиринглар! Шаҳнозани чақиринглар!

Бир зумда одам тўпланди.

— Қаранглар, дераза синибди!— деди кимдир ҳаяжонли қичқириб.

Қурбоной хола аланг-жаланг бўлиб тепага қаради. Тўртинчи қаватдаги деразанинг бир тавақаси очиқ турар, ерда, Рустамдан нарироқда катта-кичик ойна парчалари сочилиб ётарди.

— Дўхтир чақирсаларинг-чи!— деди Қурбоной хола изиллаб.— Хотини қаёқда, хотини?

— Шунақа бўлишини билардим,— деди кимдир беписанд оҳангда...

Қурбоной хола бу совуқ гап кимдан чиққанини англамай аланглаган эди, праписир ўғлининг елкасига мушт туширди.

— Учир овозингни, аҳмоқ!

Ота-бола ҳамон ўша кийимда эди: бошида чўққисимон қалпоқ, эгнида олимпийка.

— Дўхтир қани, дўхтир?— деди Қурбоной хола илтижо билан.— Инсофларинг борми, чақиринглар ахир!

Комиссар Рустамнинг билагини ушлаб, томирини текширди.\*

— Докторнинг кераги йўқ,— деди совуққонлик билан.— Милицияга қўнғироқ қилиш керак.

## ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

**Шоматова Шаҳноза. Йигирма бир ёшда. Олийгоҳнинг тўртинчи курс толибаси. Миллати — ўзбек. Турмуш қурган. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи, 9-ўй, 23-хонадонда истиқомат қилади. Комсомол аъзоси.**

— Сиз — марҳум Шоматов Рустамнинг хотини эканлигингизни тасдиқлайсизми?

— Ҳа.

— Тўйинглар қачон бўлган?

— Шу йил ёзда.

— Аниқроғи?

— Саккизинчи август куни.

— Ҳозир турган уйингларга қачон кўчиб келгансизлар?

— Сентябрнинг охирида.

— Унгача қаерда тургансизлар?

— Қайнонамникида. Пискентда.

- Ҳовлинглар каттамиди?
  - Нима десама экан... Эл қатори ҳовли...
  - Гражданка Шоматова, айтинг-чи, нима учун Пискентдаги ҳовлида турмай, Тошкентга кўчиб келдингизлар? Қайнонани билан орангиз бузилдими?
  - Ойимлар билан аҳил эдик.
  - Овсинингиз билан-чи?
  - У киши билан ҳам.
  - Бўлмасам нега...
  - Ҳар куни олтмиш чақиримга қатнашимиз керакмиди?
  - Бир нарсага келишиб олсак, гражданка Шоматова... Саволни мен бераман!
- Олтмиш чақиримга қатнаш оғирлик қилган бўлса, нега студентлар ётоғидай жой олмадинглар?
- Рустам акам хоҳламадилар. Алоҳида уй олиш учун ҳаракат қилдилар.
  - Шоматов бир вақтлар судда ишлаганидан хабарингиз борми?..
  - Айтгандек бўлдилар.
  - Ишдан нега кетган экан?
  - Анигини билмайман.
  - Сиз тўртинчи курсда ўқийсиз. Эрингиз иккинчи курсда бўлган...
  - Агар Афғонистонга олиб бориб, урушга солишмаса, Рустам акам ҳам тўртинчи курсда бўлардилар.
  - Тушунарли... Эрингиз Афғонистонда хизмат қилган, интернационалист жангчи сифатида ўзига берилган имтиёзлардан фойдаланган... Навбатсиз уй олган...
  - Рустам акам у ёққа борганларини дастак қилганларидан менинг хабарим йўқ.
  - Бўлиши мумкин... Айтинг-чи, эрингизнинг асаби жойидами? Контузия бўлган, яраланган экан... Йиғлашнинг ҳожаги йўқ.
  - Жаҳллари ёмон эди... Аммо «у ёқ»даги гапларни ҳеч гапирмасдилар! Ярадор бўлганлариниям тасодифан билганман. Белларига ўқ теккан экан. «Ойимга айтма, шунчаки, дайди ўқ ялаб ўтди», деганлар.
  - Йиғламанг... Марҳум эрингиз билан кўпдан танишмидингиз?
  - Биринчи курсдан бери...

#### «СОВУҚНИ ЁМОН КЎРАДИЛАР»

Шаҳноза мелисахонанинг файзсиз йўлақларидан ўтиб бораркан, ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди. Гувоҳ сифатида «повуска» олганидан бери аяси нўқул қўлоғига қуяди. «Гапингни билиб гапир, жон болам, тагин сениям оёғингдан тортиб юрмасин!» Дадаси хавотирда. Кеча «начальникка» кўнгироқ қилмоқчи эди, аяси бобиллаб берди. «Нима қиласиз подадан олдин чанг кўтариб! Мелиса «гуноҳи бўйнида эканки, типирчилаб қопти», демайдим! Нима, Шаҳноза эрини бўғиб ўлдирибдими?!»

Шаҳноза зиналардан тушиб бораркан, вужудида аллақандай лоқайдлик, қарахтлик сезди. Дунёларингга ўт тушиб кетмайдими, Рустам ака бўлмаганидан кейин!

Эшик олдида турган мелисага рухсат қоғозини топшириб, ташқарига чиқдию, бир лаҳза туриб қолди.

Қор ёғяпти. Биринчи қор... Эрталабдан бери эзиб ёққан ёмғир охири қорга айланибди. Еру кўкни кафанга ўраб ташлашга қасд қилгандек, шунақанги шиддат билан ёғяптики, кўча четидаги дарахтлар табиатнинг муқаррар ҳукми олдида ночор таъзим бажо қилгандек энкайиб қолибди. Юпун кийинган одамлар сирпана-сирпана жонсарак югургилайди. Машиналар ғилдираги остидан лой аралаш қор сачрайди...

Рустам акаси қорни ёмон кўрарди. Девдек гавдали, Алпомишдек бакувват одам совуқ тушар-тушмас, бўйнига шарф ўраб олар, Шаҳноза «вой-бў, қорбобо бўп кетинг-э!» деса, «Ҳайронман, Шаҳноз, шу қор деган нарса ёғмаса, кимнинг кўнгли қоларкин?» деб гапни ҳазилга бурарди. «Мозори устини бир қарич қор босгандир? Қандоқ ётганикин Рустам акам? Бечора Рустам акам! Нега кетдим? Нега кетдим, ўша куни?!» Шаҳноза тойғона-тойғона шошқин юриб кетди. Унсиз йиғлаб борар, оёғидан зах ўтиб кетганини, муздек қамчиси билан аёвсиз савалаётган қор орасидан лабларига шўртанг кўз ёши сизиб кираётганини ҳис этиб турар, бироқ ҳеч нимани ўйлагиси келмас, хаёлида қатий бир аҳд қасамдек чарх урарди. Боради! Пиёда боради, Қозиробод мазорига! Рустам акасининг бошига ёққан қорни сидириб ташлайди. Мана шу қўллари билан! Бу дунёда роҳат кўрмади, ақалли у ёқда тинч ётсин шўрлик! Ушанда, биринчи курсда ўзининг бошига қор ёққанида кураб ташлаган, жонини асраб қолган Рустам акаси эди-ку!

\* \* \*

Шаҳноза шахар мактабида ўқигани учун умрида пахтага бормаган эди. Институтда «Эртага пахтага кетилади», деган эълонни эшитиб, шошиб қолди. Барвақт бормаса, қолиб кетадигандек, кечаси билан ивир-фавир бўлиб чиқди. Талабаларнинг пахта ҳаша-

ридаги романтик саргузаштларини кўп ўқиган, телевизорда мунтазам кўрсатиладиган манзаралар кўз ўнгида намоён бўлар, тезроқ далага боргиси, пахта тергиси келар эди.

Аяси бўғирсоқ, печенье пиширди, худди Шаҳноза оч қоладигандай каттакон сумкага қуюлтирилган сут, консервалар тиқиштирди.

Кўрпа-тўшагини буклама каравот орасига тикиб, адасининг машинасида институт олдига келишса, ҳали одам тўпланмаган экан. Ҳатто икки қадам наридаги ётоқда турадиган талабалар ҳам тушишмабди. Шаҳноза кўча четидаги чинор тагида турган Диля — Дилфузани кўриб, югуриб борди. Миттигина гавдали Дилфуза ҳам шаҳарлик эди. У ҳам биринчи марта пахтага бораётгани учунми, саҳарлаб келиб олибди...

Автобуслар карвони тушга яқин йўлга тушди. Имиллаб, узоқ юрдилар. Рақам билан номланадиган совхозлардан бирининг марказида тақсирот бўлди. Шаҳнозаларнинг автобуси яна анча юрди. Ниҳоят чўл-биёбоннинг қоқ ўртасида, бостирмага ўхшаган аллақандай пастак, узун бино олдида тўхташди. Бинонинг бетон деворлари шўралаб кетган, деразаларнинг ойнаси синган эди. Сал нарироқда атрофи қора қоғоз билан ўралган ҳожатхона кўнқайиб турарди. Юз қадамча олисда эса оппоқ попилтириклари шамолда силкинаётган қамишзор шовуллар эди.

Юкларни туширишди. Шаҳноза кўрқа-пуса ичкарига бош суқди-ю, дарров қайтиб чиқди. Бостирманинг қорайиб кетган пастак шифтида олмадеккина лампочка осилиб турарди. Бор-йўқ жиҳоз шу.

Юзлари офтобда қорайган, норғил гавдали, қошлари қалин Рустам ака (курсдагилар ёши каттароқ бўлгани учунми, уни шундай деб чақириварди) дарров болаларни ишга солди.

— Бор, бурган узиб кел! — деди йигитлардан бирига. — Қизлар, баракни супуриб чиқасизлар!

Бирпасда иш қизиб кетди. Диля баракни супурди. Шаҳноза пақир кўтариб, сувга кетаётган эди, Рустам йигитлардан бирига буюрди.

— Сувга сен бор! Эҳтиёт бўл, қудуққа энгашма...

Қудуқ дегани семон қувурни тик қилиб ерга кўмилган нарса экан. Машинада сув олиб келиб, хлор аралаштириб, шу «қудуқ»қа қуйишаркан.

Рустам, эҳтиёт бўл, деб бежиз айтмаган экан. Бултур қайсидир совхозда талабалардан бири сирғаниб, қудуққа тушиб кетибди. Уртоқлари тортиб олгунча тамом бўпти... Баракнинг ўртасига брезент парда осиб, иккига бўлдилар. Бир томонга болалар жойлашди, бир томонга — қизлар.

Уша оқшом нон-чоё қилиб, ётиб қолишди. Кечқурун Шаҳноза Диля билан ташқари чиққан эди, қамишзор томондан чақалоқ йиғиси эшитилди.

— Нима бу, Диля? — деди кўрқиб.

— Чақалоқ йиғлаяпти, шекилли...

Икковлари баракка югуриб кирдилар.

— Қизлар, анави қамишзор ичида чақалоқ йиғлаяпти! — деди Диля овози титраб.

Парда — тўсиқнинг нариги томонидан Рустамнинг овози келди.

— Чақалоқмас, шоқол! — деди вазминлик билан. — Чиябўри... Кўрқманглар. — Бирпас жим турди-да, кўшиб кўйди. — Ташқарига ёлғиз чиқманглар...

Шаҳноза анчагача ухлолмай ётди. Парданинг нариги томонида чироқ ёниқ турар, болалар, чамаси қарта ўйнар эдилар... Бир маҳал кўзи илинган экан, бўйнидан аллақандай юмшоқ нарса ўрмалаб ўтаётганини ҳис қилди. Жонҳолатда чинқириб юборди. Қўли билан силтаб ташлаган эди, бояги нарса ерга тушганини идрок этди. Қизлар уйғониб, ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Кимдир чироқни ёқди. Шаҳноза кўркувдан кўзлари олайганча йиғма каравотда ўтирар, нуқул бир гапни такрорлар эди.

— Аннақа... нарса... юмшоқ...

Нариги томондан Рустам чиқиб келди. Эгнида эски жинси шим, кўйлакчан.

— Сичқон-ку! — деди кулиб. (Кулганда чеҳрасида нур порлаб кетгандек бўлди). — Кўрқманг. Ҳадемай ўрганиб кетасиз...

Тўғри айтган экан. Бир ҳафта-ўн кун ўтиб, қизлар тўшаги устида ўрмалаб юрган сичқонни тутиб олса, бемалол думидан чимчилаб, ташқарига олиб чиқиб ташлайдиган бўлишди.

...Учинчи куни куллийет комсорги — оппоқ, думалоқ юзли, мўйлови ўзига ярашган Санжар ака мажлис қилди. Айтишига қараганда, норма қатъий экан. Пахта — етмиш кило, подбор — юз эллик кило. Ким нормани бажармаса — ўқишдан ҳайдалади!

«Санжар ака» гапиряпти-ю, Диля нуқул тирсаги билан Шаҳнозанинг биқинига туртади. «Ҳа?» деб жеркиб берган эди, Диля кулумсиради: «Чиройли йигит-а?»

Шаҳноза энсаси қотиб, юзини ўғирди. Чиройлими, баломи, етмиш кило пахтани қандай теради? Кун бўйи бели сингудек бўлиб зўрға ўттиз килога олиб боряпти-ку!

Вилоятлардан келган қизлар-ку нормани бемалол бажаради. Аввал ҳам қилиб юрган иши. Шаҳноза билан Диляга қийин. Бир этакни тўлдиргунча пешин бўлади. Йўқ! Ғайрат қилмаса бўлмайди... Бир куни жон-жаҳди билан ишлашга қасд қилди. Биринчи этак анча тез тўлди. Иккинчисига келганда бели қақшаб оғрий бошлади. Теради. Барибир теради! Нилла, бошқалардан кам жойи борми? Тушга яқин иккинчи этак ҳам тўлди.

Юк оғирлик қилгандан икки букилиб қолди. Этакни бўйнидан тушириб, бирпас дам олди. Осмонда қат-қат булутлар оҳиста сузиб борар, баланд-баланддан турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилар, аммо ўзи кўринмас эди.

Орқа томондан гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Шиббалаб пахта босилган этакни орқалаганча згат оралаб Рустам келар эди. Кўйлакчан бўлиб, енгини шимариб олган, оёғидэ этик...

— Ҳорманг! — деди кулумсираб.

Шаҳноза ҳорғин жавоб қилди.

— Саломат...

— Беринг, пахтангизни топшириб келаман.

Шаҳноза иккиланиб қолди. Нима қилади, бировни койитиб. Ўзи камида эллик килоча орқалаб кетяпти-ку...

— Бераверинг, — Рустам Шаҳнозанинг пахта тўла этагига қўл чўзди. — Бирпас дамингизни олинг.

— Анали ёқда яна бор, — деди Шаҳноза ийманиб.

Рустам елкасидаги этакни ерга қўйди. Икковлари Шаҳноза териб, марзага тўкиб қўйган пахта уюми тепасига боришди. Рустам чаққон ҳаракатлар билан пахтани Шаҳнозанинг этагига зичлаб жойлади. Қайтиб келиб, ўзининг пахтасини ҳам енгилгина кўтарди-да, йўл четида турган тележка томон тез-тез юриб кетди.

— Зўрсиз-ку! — деди қайтиб келиб. — Эллик икки кило чиқди.

Шаҳноза терган пахтаси қандай қилиб «Эллик икки» кило чиққанини тушунди. Рустам ўзиникидан қўшган...

Бир ойга деб олиб келишган эди. Икки ой ўтди. Шаҳнозанинг адаси билан аяси тўрт марта келиб кетишди. Иссиқ тўр кўйлак, кирза этик олиб келишди.

Одамни қон қилиб юборадиган куз ёмғирлари бошланди. Баракнинг шифер томидан чакка ўтиб, ҳаммаёқ захлаб кетди. Пахта тугул подбор ҳам қолмаган, аммо ёмғир тиниши билан уларни далага ҳайдашар, талабалар бийдек пахтазорда тентираб юришар, ҳар қадамда этикка ботмон-ботмон лой ёпишиб, марзаларнинг у ер-бу ерида тўкилиб қолган кўрак аралаш кир пахтани лойдан ажратиб, этакка тиқишар эди.

Аллақаердан чўян печка, занглаб кетган тунука карнайлар топиб келишди.

Рустам печкани қизларнинг «бўлма»сига ўрнатди. Кўмир йўқлиги учун ўтин ёқишар, ёмғирда қолган ўтин то ёнгунча баракни аччиқ тутунга тўлдириб юборарди.

Домлалар икки ҳафтада аллашиб турар эди. Энг кейин келган Мухтабар опа деган ёш домла талабаларнинг аҳволини кўриб, йиғламоқдан бери бўлар, қайтишга рухсат йўқ эди. Республика олти миллион тоннали планни бажаргунча пахтазор фронт майдони, деб зълон қилинибди...

...Қор ёғди. Шаҳноза биринчи қорнинг шу қадар шиддат билан ёғишини энди кўриши эди. Қандайдир бирон соат ичида барак томини бир қарич қор босди. Ҳамма мунғайиб қолди. Пахтазор ҳам, барак ҳам, талабалар ҳам...

Уша кеча болалар ётган томонда аллаким туни билан қув-қув йўталиб чиқди. Шаҳноза эрталаб қараса, Рустам бўйнига қалин шарф ўраб олибди. Нукул йўталади. Юзлари бўғриқиб кетган.

— Шу...қор деган нарсани ким ўйлаб топганийкин? — деди ҳазилга олиб. — Со-вукни ёмон кўраман, Шаҳноза...

Шаҳноза аяси олиб келган бир банка қуюлтирилган сутни берди.

— Иссиқ чойга қўшиб ичсангиз ўтиб кетади.

Шунақа деди-ю, ўзининг ҳам оёқ-қўллари қақшаб оғриётганини, боши ғувиллаб бораётганини сезиб турарди... Кечга бориб, иситмаси кўтарилиб кетди. Диля олиб келган макарон шўрвани кўриб кўнгли ағдарилди. Кечаси билан алаҳлаб чиқди. Худди осмонда учиб юрганга ўхшар, тўсатдан чуқурга тушиб кетаётгандек бўлар, чўчиб уйғонар, «ая, аяжон!» деб инграр эди.

Бир маҳал кўзини очса, тепасида Мухтабар опа, Диля, Рустам туришибди.

— Ма, ичгин, асал чой! — деди Диля унинг бошига эгилиб.

Шаҳноза кўзларини ҳорғин юмиб, юзини ўғирди. Қуруқ йўтал тутди. Энтикиб, нафас ола бошлади. Ташқарида трактор тариллади. Шаҳнозанинг қулоғи шанғиллар, биров унинг миясига кириб олиб, муттасил тўқмоқ билан ураётганга ўхшар эди.

Уша томондан шовқин-сурон эшитилди.

— Туш! — деди кимдир бақириб. — Туш бу ёққа!

Бирпасдан кейин Мухтабар опа баракка қайтиб кирди.

— Рустам трактор миниб совхоз марказига кетди, — деди ўйланиб. — Қайсар йигит экан, бир балони бошламас гўрғайди...

...Шаҳноза кимнингдир муздек кафти пешонасига текканини сезиб, сесканиб кўзини очди. Шифтдаги лампочка ўлимтик нур сочар, ёнида оқ халат кийган семиз хотин ўтирар, оёқ томонида Мухтабар опа, қизлар тўдалашиб туришар, яланғош сочи, елкаларига қор қўнган Рустам эшикка яқинроқ жойда турганча Шаҳнозадан кўз узмас эди.

Дўхтир Шаҳнозанинг ўпкасини эшитаётганда Рустам чиқиб кетди. Кейин тағин қайтиб кирди.



— Пневмония! — деди дўхтир негадир Рустамга юзланиб. — Унг ўпкаси шамоллаган. Касалхонага олиб бориш керак. — Шундай деб ўрнидан тураётган эди, Рустам қатъий бош чайқади.

— Йўқ, опа! Сиз кетмайсиз!

— Қизиқ йигит экан-ку, бу! — Дўхтир нажот кутгандек атрофига аланглади. — Ярим кеча бўлди... Ун беш чақиримга тракторга босиб опкелгани етмагандек... Бу нимаси? Мен ҳам бола-чақали одамман!

— Кетмайсиз! — деди Рустам кўзлари ёниб. — Машина топиб келаман. Шаҳноза-ни касалхонага ўзингиз олиб борасиз...

Дўхтир жавоб қилиб улгурмасдан шитоб билан чиқиб кетди. Ташқарида трактор гуриллади.

...Шаҳнозани «Нива»га ўтқазишаётганида тонг ёришиб қолган эди. Бир ёнига дўхтир ўтирди, бир ёнига Рустам... Иситмаси саккиз кундан кейин тушди... Шу орада Диля билан Рустам район касалхонасига икки марта келиб-кетишди. Шаҳноза Рустамнинг соқоли ўсиб кетганини, кўзлари киртайиб, ранги бир ҳолатга тушиб қолганини кўрди.

Уша воқеадан кейин баракда мажлис бўлганини, Рустамни ўқишдан ҳайдашларига бир баҳя қолганини Дилядан эшитди. У учинчи марта кўргани келганида қўлини узоқ вақт ушлаб турди-да, пичирлади.

— Раҳмат, Рустам ака...

## ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

— Гражданка Шоматова, еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

— Мана шу... ўзимизнинг уйда.

— Кечаси биланми?

— Ҳа...

— Эрингиз мабодо кечаси ташқарига чиқмадимиз?

— Йўқ.

— Уйингизга бирон шубҳали одам келмадимиз?

— Йўқ.

— Уша ҳодиса рўй берганида сиз қаерда эдингиз?

— Эрталаб сутга чиқдим. Узоқ кутиб қолдим. Сут етмади. Қайтиб келсам...

— Йиғламанг... Йиғидан наф йўқ.

— Келсам... бу аҳвол. Рустам акамни олиб кетишган экан. Уй тўла одам. Мели-салар...

— Уйлаб кўринг-чи, гражданка Шоматова, эрингиз билан қасдлашган одамлар бормиди?

— Билмайман...

— «Эримнинг жаҳли ёмон эди», дедингиз. Айтинг-чи, масалан, қанақа пайтда жаҳли ёмонлиги билинарди?

— ...

— Қулоғим сизда!

— Рустам акам ноҳақликни кўрсалар, чидаб туrolмасдилар.

— Масалан...

— Умуман-да...

— Бизга умумий гап эмас, аниқ далил керак. Айтинг-чи, қўшнилар билан муносабатингиз қандай эди? Хусусан, эрингизнинг?

— Янги одаммиз. Қўни-қўшнилар билан кириш-чиқишимиз йўқ ҳисоб. Фақат Қурбоной холани танирдик.

— Ким у, Қурбоной хола?

— Бир уйда тураимиз. Фаррош хотин. Яхши аёл.

— Биронта қўшни билан сан-манга бормаганмисизлар?

— Йўқ.

— Яхшилаб эслаб кўринг?

— Йўқ, дедим-ку!

— Менга қаранг, гражданка Шоматова! Биз ҳақиқатни аниқлашимиз, эрингизнинг қотилларини топишимиз керак. Тушунарлими?

— ...

— Қўни-қўшнилар орасида марҳум Шоматов Рустамга қасд қилганлар йўқ, деб тасдиқлайсизми?

— ...

— Бўлмаса, манави протоколни эшитинг.

Шу йил йигирма иккинчи октябрь куни кеч соат 23 дан 40 минут ўтганида Шоматов Рустам ўнинчи уй 35-чи квартирада яшовчи гражданин Васильев Григорий Степановичнинг эшигини тақиллатган. Васильев эшикни очиши билан каратэ усулини қўллаб, уни ерга ағдарган ва бундан кейин жим юрмасанг, сўйиб ташлайман деб дағдаға қилган.

Васильев милицияга шикоят ёзган. Аммо эртасига даъвосидан кечиб аризасини қайтариб олган. Бу ҳангомадан хабарингиз йўқмиди?

— Нега хабарим бўлмасин! Ўз кўзим билан кўрганман! Васильев дедингизми? Уша кундаги қилиғи учун тошбўрон қилса арзийди. Ишонмасангиз ўзини чақириб сўраб кўринг.

— Буёғи сизнинг ишингиз эмас, гражданка Шоматова... Айтингчи, мабодо эрингиз кейинги кунларда Васильев билан тўқнашмаганмиди?

— Йўқ... Менимча йўқ.

— Марҳум Шоматов кўп ичармиди?

— Йўқ... Баъзан ичардилар...

### «ҲОЗИР КЕЧИРИМ СЎРАЙСАН!»

Рустам билан Шаҳноза ўша куни рўпарадаги уйда тўй бўлаётганидан беҳабар эдилар. Домда ит эгасини танимайди. Улар-ку, янги кўшни. Эскилари ҳам бир-бири билан ҳушига келса саломлашади, бўлмаса серрайиб ўтиб кетаверади. Ростини, тўйга чиққилари ҳам йўқ эди. Қурбоний хола қўймади. «Вой, худо урди-кетди! Кўздек кўшнинг тўйга чиқмасанглар, уят бўлмайди!» Эрта-индин сизлар ҳам фарзанд кўрасизлар. Тўй қила-сизлар», деб дашном берди.

Тўй ширингина бўлди. Икки уй ўртасидаги майдончага дастурхон ёзилган. Тўрда келин-куёв... Ортига илиб қўйилган гиламга қўшалок никоҳ ҳалқасининг тасвирини солиб, пахта билан «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» деб ёзилган. Ҳамма ёқда гул... Хурсандчилик... Шаҳноза Рустам акаси билан этакроқ томонда, кўшни уй девори тагида ўтиришарди... Шаҳноза ўзларининг тўйи бошқачароқ, файзлироқ бўлганини, ашуланилар янаям шўхроқ кўшиқ айтганини, ёшлар янаям шодонроқ рақсга тушганини эслар, Рустам акасига дамба-дам жилмайиб қараб кўярди. Фақат бир нарсадан кўнгли ғаш эди. Рустам акаси бугун негадир кўп ичяпти...

Навбатдаги кўшиқ тугаб, бир лаҳза жимлик чўкди. Кайвони микрофони пуф-пуфлаб, «Энди табрик учун сўз келинимиз Зебохоннинг дугонаси...» деб гап бошлаган эди, юқорида, худди Шаҳноза билан Рустам акасининг боши устида дераза шарақлаб, ғазабнок ҳайқириқ эшитилди.

— Эй! Шовқин-суронингни тўхтатасанми-йўқми?

Тўйхона сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Келиннинг дугонасига тантанавор алпозда сўз бераётган тўйбошининг дами ичига тушиб кетди.

Шаҳноза бошини кўтариб қарадию шундоқ тепасида, тўртинчи қаватнинг очиқ деразасидан энгашиб турган майкачан барзангини кўрди.

— Ухлашга қўясанларми-йўқми? — деди барзанги қаҳр билан.

Шаҳноза Рустам акаси ўрнидан туриб кетганини, ўша томонга қараб, кўзларида ғазаб тўла ўт ёнаётганини кўрди.

— Утиринг! — деди билагига ёпишиб. — Илтимос, ўтиринг, Рустам ака!

Дераза тарақлаб ёпилгани қулоғига чалинди. Рустам жойига ўтирди. Шаҳноза эрининг қўллари асабий қалтираётганини сезиб турарди.

Тўйдан файз кетди. Ҳамма мунғайиб қолган, оппоқ рўмол остидаги келин бошини қуйи солиб ўтирар, эгнига зарбоф тўн, бошига дўппи кийган куёв унинг қулоғига шивирлаб, алланимани тушунтирар эди.

— Вой онангни!.. — Рустам рўпарасида ўтирган ингичка мўйловли йигитга пиёла узатди. — Қуй! — деди бақириб. — Тўлатиб қуй!

Дам олмай сипқорди-да, отилиб даврага чиқди. Торини ғилофга тика бошлаган созанданинг олдига югуриб борди.

— Чал! — деди ғайритабиий тантана билан. — Чал дейман! «Лазги»ни чал!

Микрофон яна гумбурлай бошлади. Шаҳноза Рустам акасининг рақс тушишини биринчи кўриши эди. Бутун вужуди ўйнаяпти! Шиддат билан, ғайрат билан... Давра ёшларга тўлиб кетди. Шаҳноза яна... шуни сездики... Рустам акаси рақс тушаётгани йўқ... Нола чекапти... Аламли, изтиробли нола! Фақат ўзию Шаҳноза тушунадиган нола...

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Шаҳноза бошига, елкасига ёғилган муздек сувдан сесканиб, ўрнидан сапчиб турди. «Вой!» деб қичқириб юборди. Нима бўлганини тушунолмай аланг-жалаң қараса, атрофида ўтирганлар ҳам ўрнидан туриб кетибди. Биров жиққа сув бўлган сочини силайди, биров баданига ёпишган кўйлагини сийпалайди. Оппоқ дастурхон устида парча-парча сув доғлари ялтираб кўринар, лаганлардаги газаклар ҳам ҳўл эди.

Шаҳноза Рустам акасининг адл қомати тўйхона чироғи ёритиб турган нур остидан отилиб чиқиб бораётганини кўрдию жонҳолатда қичқирди.

— Рустам ака! Қайтинг, Рустам ака!

Уша заҳоти эрининг кетидан қоронғиликка шўнғиди.

Юраги қинидек чиққудек бўлиб зинадан кўтарилди. Тўртинчи қаватда, зина рўпарасидаги очиқ эшик олдида Рустам акаси майкачан барзанги билан рўпарама-рўпара турар эди.

— Сен сув сепдингми?

— Мен! — деди барзанги хотиржам оҳангда. — Ярим кеча бўлди. Тўхтат шовкин-суронингни!

Шундай деб эшикни ёпмоқчи эди, Рустам оёғини тираб қолди.

— Йўқол! — деди барзанги таҳдид билан. — Ҳозир милиция чақираман!

— Чақир!

— Рустам ака, олишманг! — Шаҳноза эрининг елкасига осилди.

— Нарӣ тур! Чақир ўша милициянгни!

Барзанги эшик ортига бир энгашдио қўлида ароқми, виноми шишаси пайдо бўлди. Шишани Рустамнинг боши устида кўтарди. Шаҳноза нима бўлганини пайқамай қолди. Бир маҳал қараса, барзанги ерда чўзилиб ётибди. Шиша бир четга учиб кетган. Рустам акаси унинг кўкрагига тиззасини ботирганча, бўйнидан бўғяпти. Бир зумда барзангининг оғзидан кўпик кела бошлади.

— Рустам ака! Нима қиялсиз? Улдириб қўясиз! — Шаҳноза чирқиллаб эрининг елкасидан тортқилашга тушди. Қани кучи етса! — Рустам ака! Қамаб қўяди! — деди йиғлаб.

Рустам ҳушини йиғиб олди чоғи, қўлини бўшатди. Барзанги хириллаб нафас ола бошлади. Ўзини ўнгламоқчи эди, Рустам оёғи билан елкасидан босди.

— Менга қара! — деди ҳар сўзини таъкидлаб. — Мен сенинг хуторингга бориб тўй қиялманми?

Барзанги типирчилаб Рустамнинг оёғини суриб ташлашга уринган эди, Рустам қаттиқроқ босди.

— Гапир! — деди таҳдид билан. — Тўй қаерда бўляпти?

Барзанги кўзини олайтириб сўкинди.

— Шунақами? — Рустам қўлини тағин бўғзига тақаша билан барзанги ювош тортиб қолди.

— Билиб қўй! — деди Рустам тишлари ғижирлаб. — Одамлар хоҳлаганча тўй қилади. Хоҳласа эрталабгача карнай чалади. Тушундингми?

Шаҳноза шундагина йўлакка одам тўлиб кетганини пайқади. Ҳеч кимдан садо чиқмас, ҳамма у ёғи нима бўлишини кутиб турганга ўхшар эди.

— Кечирим сўра! — деди Рустам таҳдид билан.

Барзанги қаддини ростламоқчи бўлганида Рустам елкасидан қаттиқроқ босди.

— Кечирим сўра!

— Кечирасан... — Барзанги хириллаб, юзини ўгирди.

Шаҳнозанинг қулоғи остида гулдиракдек қўрқинчли овоз янгради.

— Нега миллатчилик қиласан, ўв?! —

Йўқ, бу овоз баланд, асабий эмас эди. Жуда осойишта, ишончли ва шунинг учун ҳам хатарли эди. Ким ўзи бу одам?

Зинадагилар орасидан арвоҳдек озғин, заҳил юзли чол ажралиб чиқди. Бошида қора шляпа, эгнида қора плаш, оёғида яп-янги, ялтироқ туфли.

— Миллатчилик қилма! — деди чол тошбақаникига ўхшаш ингичка бўйнини чўзиб.

Рустам калтакесакни кўриб жиркангандек юзини бурди.

Барзанги қаддини ростлаб, майка-иштонининг чангини қоқди.

— Барибир сени қаматаман!

— Қамата қол! — Рустам негадир кулди. — Эшитиб қўй, — деди таъкидлаб. — Ҳамманинг олдида айтяпман. Ернинг тагидан бўлсаям топаман-да, сўйиб кетаман!

— Оғзингга қараб гапир, бола! — Бояги «арвоҳ» қўлини пахса қилди. — Умринг турмада чирийдӣ, аҳмоқ!

## ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

**Ғаниев Соат Ғаниевич. Етмиш беш ёшда. Иттифок миқёсидаги пенсионер. Миллати — йўқ. Сўққабош. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи, 10 уй, 41 хонадонда истиқомат қилади. 1941 йилдан бери партия аъзоси. Қизил Юлдуз, Жанговар Қизил Байроқ орденлари, олтита медал нишондори.**

— Гражданин Ғаниев! Еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

— Биринчидан, ўртоқ терговчи, мен «гражданин Ғаниев» эмас, отставкадаги полковник, ўртоқ Ғаниевман! Марҳамат қилиб, ўртоқ полковник деб мурожаат этишингизни сўрайман. Ўртоқ Комиссар, десангиз ҳам розиман. Мени таниганлар «ўртоқ Комиссар» дейишади.

— Биз сизни гувоҳ сифатида повестка билан...

— Повесткангизни пишириб енг! Хоҳласам, генералнинг ўзи билан гаплашиб қўя қоламан!

— Марҳум Шоматовни биринчи бўлиб сиз...

— Ҳа, мен кўрганман! Такрор айтаман. Мени сўроққа чақирган бўлсангиз, адашасиз. Шунчаки коллега сифатида маслаҳат сўрасангиз бошқа гап.

- Сиз кўргангизда Шоматов ўлганмиди?
- Бадани совуб бўлганди. Замонавий экспертзангиз Шоматов қачон ўлганини аниқлай олмадимми?
- Саволни мен...
- Йиғиштиринг демагогияни! Сўроқ қилишни билмас экансиз. Умуман системангиз айниб кетган. Тартиб йўқ. Тартиб бўлса, Шоматовни органга ишга олмас эдинглар.
- Кечирасиз, гражданин... ўртоқ Комиссар... Бу гапларни сиз қаяқдан биласиз?
- Мен ҳамма нарсани биламан. Бу соҳада иш бошлаганимда сизнинг отангиз ҳам туғилмаган эди.
- Шоматов милицияда эмас, судда ишлаган. Оддий куръер бўлиб.
- Фарқи йўқ! Милиция ҳам, суд ҳам — орган! Пайти келиб ҳайдаладиган одамни органга ишга олмаслик керак.
- Шоматов ҳайдалган эмас, ўз ихтиёри билан бўшаган.
- Аҳамияти йўқ.
- Айтинг-чи, гражданин... ўртоқ Комиссар... Сизнинг фикрингизча марҳум Шоматов билан рўй берган ҳодисада қайси тахмин ҳақиқатга яқинроқ туради: қотилликми? Бахтсиз ҳодисама, ё ўз жонига қасд қилишми?
- Гапни шундан бошлаш керак эди!.. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Менга қолса биронтаси аввал ўлдириб, кейин деразадан ташлаб юборган.
- Экспертзангизнинг аниқлашича, марҳумга биров пичоқ урлаган. Боши ёрилган, бўйин умуртқалари синган. Марҳум, баланд жойдан боши билан тушсагина, бўйин умуртқалари шу қадар эзғиланиб кетиши мумкин.
- Демак, Шоматов ўз жонига қасд қилган, демоқчими, экспертзангиз?
- Бу — аниқ хулоса эмас.
- Унақа бўлса, марҳамат қилиб, битта саволга жавоб берсангиз. Шоматовнинг атрофида ойна синиқлари сочилиб ётган эди. Экспертзангиз ойна бўлаклари тўртинчи қаватдаги, Шоматов квартирасининг деразасидаги ойнага мос келиш-келмаслигини аниқладими, ё шунга ақли етмадими?
- Бизни камситяпсиз, ўртоқ Комиссар! Ерда сочилиб ётган ойна синиқлари ўша деразадан тушган. Марҳумнинг билагини ҳам ойна синиғи тилиб юборган.
- Хэ! Бўлмаса айтинг-чи, Шоматов жонига қасд қилиб, ўзини ерга ташлаган бўлса, уйдаги жиҳозларни ким синдириди? Қайси аҳмоқ ўлишидан олдин ойнани синдириб, ўз билагини ўзи кесиб ўтиради? Шунчаки, деразани очиб ерга сакраб қўя қолмайдими?
- Демак, сиз қотиллик рўй берган, деб тасдиқлайсиз.
- Мен ҳеч нима деганим йўқ, коллега! Илтиришга уринмай қўя қолинг.
- Йўқ, мен бошқа маънода... Яъни... биронтасидан гумонингиз бўлса...
- Гумонми? Гумоним — ҳаммадан! Эшитдингизми? Ҳаммадан! Сизга ҳам шуни маслаҳат бераман! Юз фоиз ҳаммадан, ҳатто ўзининг хотинидан, боласидан гумон қилмайдиган одамдан ҳақиқий чекист чиқмайди! Аввало Шоматовнинг ўзидан гумон қилиш керак!
- Яъни... Қайси маънода?
- Балояним билмайсанлар! Ҳайронман, институтларингизда нимани ўргатади сенларга? Уша боланинг тили бир қарич эди! Тушунарлими?
- Кечирасиз-ку, қандай қилиб марҳумнинг ўзидан...
- Ўртоқ Сталин билан тиш дўхтир ҳангомасини эшитганмисан? Дарвоқе, нечанчи йилда туғилгансан? Тушунарли... Сенлар ўртоқ Сталинни ёмонлаб ўрганиб қолгансан! Агар ўша замон бўлса... Хэ! Бир ойдан бери арзимаган ишни очолмай тимирскиланиб юрибсанлар. Хафа бўлдингми? Хафа бўлсангиз ундан нари! Кейинги ишингизда фойдаси тегади. Шундай қилиб, ўртоқ Сталиннинг тиши оғриб қолибди... Дўхтир чақирибди. Дўхтир доҳийнинг тишини кавлаштириб даволашга киришибди. Бир кун ўтибди, икки кун ўтибди... Дўхтир нуқул тишининг тузилиши, неча қатлам бўлиши, илдизи нечта бўлишини айтиб, вайсармиш. Охири доҳий дўхтирдан сўрабди. «Тиш қаттиқми, тил қаттиқми?» «Ҳазиллашяпсизми, ўртоқ Сталин, — дебди дўхтир. — Тишининг эмал қатлами шунақанга қаттиқки, пўлатни кесиб ташлайди. Тил нима? Бир парча юмшоқ мускул-да», — дебди. «Шунақами?» дебди ўртоқ Сталин. Уша куни ўртоқ Берияга буюрибди. «Лаврентий Павлович, — дебди, — манави дўхтирнинг тили жуда юмшоқ экан. Эртага мен Сталиннинг тишини даволадим, деб вайсаб юради, жавобини беринглар», дебди. Ярим соатдан кейин дўхтирнинг «жавобини» беришибди. Чаккасидан отишаётганда ҳам дўхтир тўхтовсиз вайсармиш. «Ўртоқ Сталиннинг тишини даволашга улгармадим-да, номим тарихда қоларди», дермиш.
- Бу гапни марҳум Шоматовга нима дахли бор?
- Хэ! Боядан бери танбур чертяпман экан-да! Шоматов ҳам тарихда қолгиси келадиганлардан эди! Қачон қараса масала талашади. Узича ҳақиқат ўрнатмоқчи бўлади. Кўрганмиз, бунақаларни! Мен — ўн беш ёшимдан комиссар бўлганман!
- Ўн беш ёшдан?
- Ҳа, ўн беш ёшдан! Сенлар нима? Амаллаб ўқишга кирасан... Амаллаб битирасан. Биламан, коллега, ҳаммасини биламан! Гапингиз ёлғон деб кўр-чи! Хэ! Чекист —

чекист бўлиб туғилиши керак! Вот масала қаерда! Хай, майли, Шоматовнинг хотинини тергов қилдингми?

— Албатта!

— Гумони кимданмиш?

— Унисини айтмади-ку, қўшнинг тўйи куни бўлган воқеани гапириб берди.

— Хабарим бор! Менга қолса, айб Шоматовнинг ўзида эди. Айтяпман-ку, бурнини суқмаган жойи йўқ эди, бу боланинг! Сен, коллега, Шоматовнинг хотинини сиқувга ол, уқдингми? Нима бало, елкасига қоқиб чиқариб юбордингми?

— Қизиқ одам экансиз. Қамоққа тиқишим керакмиди, сизнингча!

— Бўлмаса-чи! Эзиш керак буларни. Эзиш! Шунақанги бурагинки, дунёни бошига кўтариб дод солсин!

— Айби исботланмаган одамни-я?!

— Хэх! Шу кетишинг бўлса, икки дунёда ҳеч кимнинг айбини бўйнига кўёлмайсан!

— Жудаям унчалик эмас, ўртоқ Комиссар... Бизнинг ҳам усулларимиз кўп...

— Кўрамиз, қаёққача бораркансан ўша усулларинг билан!

## ОҚИМГА ҚАРШИ СУЗГАНИМ БЎЛСИН!

Сўтаг-эй! Жўжахўроз-эй! Қўйиб берса мени сўроқ қилмоқчи! Мени-я? Жанговар Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари кавалери, кимсан Комиссарни-я! Аввал бурнингни артиб ол, мишиқи! Совет органининг куни шуларга қолдими энди? Қаёққа қараб кетяпмиз ўзи? Хўп замонлар ўтган экан-да? Эгнингда чарм пальто. Бошингда шапка. Енингда наган. Қайси эшикни тақиллатсанг, кўрадио тахта бўлади-қолади. «Гражданин фалончи сизми?» десанг, тили калимага келмайди унсурнинг!..

Хрущев дегани чиқиб, ўртоқ Сталинга ёпишиб кўрди. Жасадини мавзолейдан чиқариб ташлади! Узи нима бўлди? Хор-зор бўлиб ўлди-ку! Уз кўнгилларида халққа озодлик бердилар. Озодлик эмиш! Ким қўйибди тизгинсиз оломонга озодликини! Кейин бошқаси келди... Қоғозга қарамасдан гапирса, отини айтолмайди-ю, тагин бу киши маршал эмиш! «Генералиссимус» деган сўзни айтишга тили келишса, оларди шу юксак унвониям! Нуқул орден улашиш билан овора! Охири нима бўлди? Ҳаммасида орден. Ҳаммаси порахўр!

Амбарцумян — маладес! Қаллаварам ўзбекнинг нозик жойидан маҳкам ушлади! Мана-ман деган обкомлару райкомларни, раислару буғалтирларни ғиппа ёқасидан олди! Марҳамат қилиб, тўплаган миллионларни чўзиб қўй! Очиғини айт! Кимдан олдин-гу кимга чўздинг? Қачон? Қанча? Мана бунини ҳақиқий сталинча метод деса бўлади! Отанга раҳмат-э, шоввоз!

Қани шунақалардан ўн мингги, боринг, ана мингтаси бўлса! Ҳаммаёқда тартиб қарор топарди!

Замон айниб кетди, замон! Ҳамма «демократия» деб чинқиради. «Перестройка» дейди! Ошкоралик дейди!

Ҳамма озод. Ҳамманинг тили бир қарич! Оғзига келганини вайсайди. Кўрамиз, ҳали нима бўларкин...

Эртага демократия диктатураси бошланади. Ҳаммаси анархияга айланиб кетади. Халқ нима? Подаяк, мол-ку! Қамчингни қарсиллатса-г-чи!

Нима деди нави гўдак терговчи? «Биздаям яхши усуллар бор» эмиш. Биламиз, усулингни! Тергов бераётган жиноятчига нари борса саратонда бир ҳафта сув ичирмасан. Ёки аксинча совуқ хонага олиб кириб, миясидан муздек сув томизиб қўярсан. Камерага қамаб, рецидивистларга дўппослатарсан, «қани йигитлар, манави сенларга совға, хоҳлаган ишингни қил», деб шипшитиб қўярсан. Шуми? Ҳаммаси алмисоқдан қолган методлар! Мендан сўрамайсанми? Айтиб бермайманми, бир чеккадан! Энг жўнидан энг антиқасигача!

Дўхтирлар нима учун қон олганда тўртинчи бармоқни тешади? Биласанми шуми? Билмайсан! Нега деганда тўртинчи бармоқнинг нерв толалари нозик бўлмайди. Энг ёмон оғрийдигани қайси бармоқ? Биласанми? Билмайсан! Бош бармоқ, нодон. Бош бармоқ! Маҳбуснинг бош бармоғини эшик тирқишига тикасан-да, секи-ин, ҳафсала билан қисаверасан. Дод демагунча. Кейин қўйиб юборасан. Ундан кейин қайтадан бошлайсан. Майли, тирноғи кўчиб, майдаланиб кетсин! Суяги қисирлаб синаётганини ўзи эшитсин! Шикоят қиладими? Кимга? Ўзига ўзи тан жароҳати етказган, деб протокол тузиб қўясан. Гуноҳи янаям оғирлашади. Тамом!

Буниси энг оддий усул. Йўғ-э, бундан ҳам осони бор. Жўнгина. Маҳбуснинг бирон жойи тирналмайдиам. Прокурорга шикоят ҳам қилолмайди. Қирқ саккизинчи йилда бир адабиётшунос олим қўлга олинган эди. Қизизғарнинг иккита китоби чиқибди-ю, ўртоқ Сталин ҳақида бир оғиз сўз йўқ. Нуқул Навоий... Нуқул Бобур... Пошшолар. Ва-зирлар.

Бобур деган пошшо ёзганмиш. «Жамолинг ишқида ёрим бир ойдирки, бедорман!» Қаранг-а, Ҳиндистонни босиб олган золим пошшонинг гаплари ихтиро эмиш! Пошшойинг-ку, ўлиб кетган! Сен-чи? Профессор деган унвони бор аҳмоқ! Елғон-яшиқ

шиғирларни мақташинг шартми? Утмишни идеаллаштириш эмасми, бу! Кўрайлик-чи, ўша Бобур деганингни ёзганлари ростми-ёлғонми? Қани, бурчакка тур! Бир ой эмас, ақалли уч кун ухламай кўр-чи?

Чироқни кўзига тўғрилаб, саволингни бераверасан. Оч қўйиш, сув бермаслик шарт эмас. Сувиниям ичади. Мискадаги ювиндиниям вақтида бериб турасан. Фақат ухлатмайсан. Шеригинг билан алмашиб турасан, холос. Бир кеча-кундуз мижжа қоқмай тик оёқда турсинчи, ҳоли нима кечаркин? Тағидан арра солинган теракдек гуп этиб ағдарилади. Сувга ҳам қарамай қўяди, иблис! Икки кўзи қизариб, милки осилиб кетади. Йиқилдими, бошидан сув қўйиб, уйғотасан-да, тагин сўроқ қилаверасан. Керак бўлса, гугурт чўпидан тиргович ясаб, милкига тиқиб қўясан. Икки кечада сулайиб қолади! Яхши! Бизнинг шошадиган жойимиз йўқ. Ҳушига келтириб, ҳаммасини қайтадан бошлайверамиз. Уртоқ Ленин топиб айтган: «интеллигентлар бориб турган вайсаки бўлади». Профессор дегани шу бўлса, хэх! Бўйи бир қарич. Лилипутнинг ўзгинаси. Аммо чидамли экан, унсур! Оёқлари ипдек, пуф десанг учиб кетадиган ҳоли бори-ку, миқ этмайди, эшшак! Начора, бошқа усулни қўллашга тўғри келди. Иккита каллакесар ётган камерага тиқиб қўйган эди, бир соат ўтмасдан эшикни муштраб дод солиб қолди-ку! Боласи тушмагурлар-эй! Парашадаги нажасни ейсан деб бошини пакиргга тиқишибди. Уша заҳоти ўз қўли билан ёзиб берди. «Мен профессор фалончи пистончиев, Совет жамиятига ичдан зарба беришни режалаштирган яширин ташкилот аъзосиман. Шунинг учун ўтмишни улуглаганман. Мен Туркистоннинг мустақил бўлишини хоҳлаганман. Англия разведкасининг агенти бўлганимни тан оламан. Туркияга қочиб ўтиб, ундан Лондонга бормоқчи эдим... Гуноҳимни тўлиқ бўйнимга оламан».

Албатта, баъзи муҳим нуқталарни эслатиб туришга тўғри келди. Қизиғи бу эмас. Қизиғи шундаки, тўрт кун уйқусизликка чидаган одам нажас ейшдан ор қилибдилар. Хэх! Кўнглингиинг кўчасидан! Узинг бориб турган нажассан-ку, палид! Пантуркист! Шпион! Сени деб тўрт кун уйга боролмадим. Кетдинг энди қия бўлиб! Йигирма беш йилга! Музлаб ётган ўрмонда қарағай кессанг, эс-ҳушингни йиғиб оласан.

Ўйлаб туриб тутқиб кетасан-да, чорт возьми! Анави сўтак терговчига қўйиб берса, бир ҳафтада ҳал бўладиган терговни йиллаб чўзади. Горшокка ўтқазмайсанми Шоматовнинг хотинини! Сайрамайдимми, булбулигўё бўлиб!

Тўғри «горшок операцияси» хотинлардан кўра эркак кишида яхши эффект беради. Лекин бу усулни хотин кишига ҳам бемалол қўлласса бўлаверади.

Бунисиям оддий метод. Яқинда қулоғига чалинди: интернационалист жангчилар асирга тушиб қолса, афгонлар ҳам ишлатаётганмиш бу усулни. Ажаб қилади. Яхши жангчи асир тушмайди!

Хуллас, «горшок» операцияси жуда қулай. Сўроқ бераётган жиноятчини қипланғоч қилиб ечинтирасан. Ердамчиларинг усти берк горшокни олиб киради. Жиноятчини ўшанга ўтқазасан. Ердамчиларинг горшок ичидаги каламушга кўз-қулоқ бўлиб турса — бас. Бундан ташқари, горшокни жиноятчининг орқасига шундай ёпиштириш керакки, мояги горшок ичига кирсин. Беш минутдан кейин каламуш нафас ололмай димиқиб қолади. Ташқарига чиқси учун сакрайверади. Ҳар сакраганда моякни тишлайди. Дунёда каламушнинг тишидан ўткир нарса йўқ. Эркак кишининг энг нозик жойи — мояк. Каламуш ҳар тишлаганда жиноятчи ҳайвондек ўкиради. Мана-ман дегани ҳам ярим соатда ҳушидан кетади. Қарасанг, горшок тўла қон... Каламушлар ҳам одам қонини ичишга ўрганиб қоларкан. Бора-бора горшок ичида «зиёфат»ни пойлаб жимгина ётадиган бўлиб қолади...

Ана шунақа усуллар бор, коллега! Сен бола, нима билардинг! Ҳалиям бўлса қўйиб бер бизларга! Любой жиноятчининг айбини уч кунда бўйнига қўйиб бермасак, туф дел

\* \* \*

...Ҳаво совуқ, осмонда заҳардек аччиқ қор учқунлари эринчоқ кезади. Кўчаларни ойнадек муз босган, машиналар эмаклагудек кўрқа-пуса имиллайди. Нафас олсанг, оғзингга совуқ олов кираётгандек бўғзингни ачиштиради. Одамлар тойғоноқда йиқилиб майиб бўлмаслик учун эҳтиётлаб қадам босади. Жуда соз-да! Қадамнингни билиб бос! Қанча кўрқсанг, шунча яхши! Тартиб бўлади, интизом бўлади...

Комиссарнинг ёнидан қуён телпакли киши шитоб билан ўтиб кетди. Икки қўлини пальтосининг чўнтагига суқиб олган... Қўлтиғида — арча... Ҳовлиққина-ҳовлиқ! Битта йиқилсанг, арчанг беш қулоч нарига отилиб кетади. Янги йилни баннисада кутиб оласан. Хотининг байрамга «передача» олиб боради.

Анави терговчи гапимга ишонмади. Хэх! Ун беш ёшимдан комиссарман десам ростданми, дейди. Албатта ишонмайди-да! Буларда на касбига меҳр бор, на эътиқод!

...Тепакўрғон катта қишлоқ эди... Чор-атроф боғ-роғлар, узумзорлар... Соат баҳор палласи Ҳирмонтепага чиқиб варрак учирай, бутун қишлоқ кафта тургандек кўринар, еру кўк ўриқлару шафтолилар гулига кўмилиб кетганга ўхшар эди. Ҳар йили сомонсувоқ қилинавериби қалин тортиб кетган томлар устида қип-қизил лолакизғолдаклар, мунис чучмўмалар очилар, қишлоқ этагида ёйилиб оқаётган Қонқус олисдан жигар-

ранг илондек тўлғанаётгани кўзга ташланарди. Қишлоқ ўртасидаги мезанали мачит. Обидхон эшоннинг тўрт пахса деворли кўрғони билан Юнусбойнинг тунука томли қадди баланд уйи алоҳида ажралиб турарди. Соатларнинг жинкўча ичидаги уйи булар олдида бостирмадек ғариб кўринарди. Ҳолбуки, Соатнинг дадаси унча-мунча одам эмас, комиссар Ғаниев эди! Эгнига чарм тужурка, бошига айвонли шапка кийиб, биқинига наган тақиб юрар, кўча-кўйда дуч келиб қолса, Юнусбой ҳам, қозондек саллали Эшон ҳам икки букилиб таъзим қилишарди.

Шунақа-ку... Соат бир нарсага ҳеч тушунмасди. Ҳайит арафасида, Наврўз байрамида Эшоннинг кўрғони олдида от-аравалар қаторлашиб кетар, юзлаб одамлар «пирининг дуосини олиб қолишга ошиқар эди.

Ҳеч ёдидан чиқмайди. Бир куни Соат наганини мойлаб ўтирган дадасидан сўради.  
— Нега Эшоннинг девори бизникдан баланд?

Дадаси кулди.

— Эшон ўзининг қора қилмишларини элдан яшириш учун кўрғонини баланд девор билан ўраб олган, ўғлим! Яқинда ҳаммасига қирон келтирамиз. Эшон ҳам бўлмайди, бой ҳам... Умуман, девор деганнинг ўзи бўлмайди. Бутун дунёда пролетариат ғалаба қозонади.

Соат отасининг гапига яхши тушунмаса ҳам бир нарсани англади. Яқинда Эшоннинг девори бузилади. Юнусбойнинг тунука томли уйи кўпориб ташланади. Кейин ҳамма тенг бўлади.

Дадаси орзусига етолмади... Куз кунларининг бирида ўлигини аравага ортиб келишди. Тепакўрғонда қиёмат кўпди. Қизил чойхонада катта митинг бўлди. Шаҳардан «катталар» келди. Милтиқ кўтарган саллотлар ҳаммаёқни ўраб олди. «Инқилоб душманларига ўлим!», «Йўқолсин, техинхўр бой ва эшонлар!» деган хитоблар янгради.

Соат дадасининг катта одам эканини ўшанда аниқ ҳис этди. Отасини кўмишаётганида саллотлар гумбурлатиб ўқ узди.

Эртасига қама-қама бошланди. Тепакўрғонда бир-биридан ваҳимали миш-мишлар тарқалди. «Комиссарни Юнусбойнинг одамлари пичоқлаган экан. Бойни отиб ташлашибди». Комиссарни ўлдиршида Обидхон эшон фатво берган экан. Эшон совет халқининг душмани экан. Аввал ҳам мачитда «советский влас очиздан ўлас» деб қаромат қилганини эшитганлар бормиш... Эшонни йигирма беш йилга кесишибди. Уйдан олиб чиқиб кетишаётганида Эшон Қуръонни кўзига суртиб қасам ичибди. «Қаломулло урсин, мен бир бандани мўъминнинг жонига қасд қилишдан кўрқаман, яратган Тангримининг ўзи гувоҳ», деб йиғлабди.

Бир ҳафтада Тепакўрғон ўлат оралагандек ҳувиллаб қолди. Йигирмага яқин одам қамалди. Мачит бузиб ташланди...

Тўғри, отасини Тепакўрғонда эмас, Бешёғоч яқинида, сиймонкўприкда пичоқлашган экан... Нима фарқи бор? Комиссар Ғаниев йигирма беш мингчилардан эди. Демак уни шу ерлик ички душманлар ўлдирган!

Соат бир нарсани тушунмас, тушунишни хоҳлагиси ҳам келмасди. Қизиқ, ўша воқеалардан кейин онаси... тўсатдан намозхон бўлиб қолди. Жойнамоз устида юзига фотиҳа тортаётди, баралла тавалло қилади.

— Эй поко парвардигор!.. Яккаю-ягона болам ҳаққи, илтижо қиламан. Отасининг гуноҳидан ўт. Маҳшар кунида дўзах азобидан ўзинг халос эт! Эшон ота! Биланман, сизда гуноҳ йўқ. Қаерда бўлсангиз ҳам умр-жонингизга баракот ато этсин!

Охири Соат чидолмади. Жойнамоз устида ўтирган онасининг бошига ўдағайлаб борди.

— Учиринг-э! Унсурлар дадамни ўлдирсин-да, сиз уларни дуо қилинг?!

Онаси илтижоларини айтиб бўлиб, юзига фотиҳа тортиди-да, ўрнидан турди.

— Мени онам десанг, — деди қатъият билан. — Отангни йўлдан бормайсан! Борсанг, оқ сутимни кўкка совураман. Ўлсам гўримда тик тураман!

Соат бирпас серрайиб турди-да, уйдан чиқиб кетди. Жинни бўлиб қолганими, онаси!!

У тенгқур болаларнинг муносабати ўзгариб қолганини аввал пайқамасди. Бора-бора тушундики, ўртоқлари ундан кўрқар экан. Тўрттаси гаплашиб турган бўлса, Соат яқин бориши билан келишиб олгандек жиммиб қолади. Йўқ, гаплашишда у билан. Гаплашадими-ю, беғоналиги сезилиб туради. Ҳалати ҳолат. Соат ҳам ғурурланади, ҳам кўнгли ўқсийди.

Ҳеч эсидан чиқмайди. Қиш офтоби чарақлаб турар эди. Аллақанча болалар ёнғоқзор четидаги майдонда қорбўрон ўйнаётган экан. Соат ҳам келиб кўшилди. Кафтада қор зичлаб бир отган эди, бахмал камзул кийган қизалоқ юзини чангаллаган кўйи чирқиллаб қолди. Тўғриси, Соат уни урмоқчи эмасди. Шунчаки, қорни дуч келган томонга отганди.

Соат югуриб борди. Қараса, қизалоқ кафти билан юзини беркитиб, қорда чўккалаб ўтирибди. Қизалоқнинг билагидан тортган эди, бир кўзи шишиб кетганини кўрди.

— Йиғлама, — деди раҳми келиб. — Атайлаб қилмадим-ку, жинни! Отинг нима?

— Отимни айтсам нима қилардинг! — деди қизалоқ ҳамон йиғлаб. — Мениям қаматмоқчимисан? — Тагин ўкиниб-ўкиниб йиғлашга тушди.

— Ув, зўравон! Нега урдинг, Потмани?

Соат қулоғи остида янграган чийилдоқ овозни эшитиб, бурилиб қаради. Ёнида ўзида беш-олти ёш кичик Ҳусан чақчайиб турарди. Соат шундагина тушунди. Булар — Эшоннинг арзанда эгизаклари: Фотима-Ҳусанлар.

Индамай бурилиб кетаётган эди, Ҳусан кутилмаганда унинг ёқасига ёпишди.

— Нима ёмонлик қилди, сенга? — деди биғиллаб.

Соатнинг гаши келди.

— Ут-э, Эшонвачча! — деди Соат Ҳусаннинг қўлини ёқасидан олиб ташлашга уриниб. Ҳусан чиллакдек қўллари билан маҳкам тирмашиб олган, кўзлари мушукдек ёнарди.

Соат бир мушт солган эди, Ҳусан қорга чалқанча йиқилди. Лаби қонаб, қорга туфлади. Шундагина Соат қий-чув тинчиб қолганини, атрофини катта-кичик болалару қизлар ҳалқадек ўраб, ўшшайиб турганини кўрди. Дадил бориб, ҳалқанча ёриб ўтди. Қулоғига раста бўлган йигитчаларга хос гўлдираган овоз кирди.

— Менга қара, ўв Комиссар! Агар Ҳусанни яна бир марта урсанг...

Соат ортига бурилиб қаради. Ҳаким тегирмончининг ўғли — ўзи билан тенгдош Тўлаган, кўзини олайтириб турибди. Бунинг ҳам отаси сургун бўлган! Тўлаган бояги гапини яна қайтарди.

— Бир марта урсанг...

Соат бир зум иккиланиб турди-да, нари кетди.

\* \* \*

Ёзда яна бир воқеа бўлди. Айни саратон эди. Соат Қонқусга чўмилишга борди. Анҳор четида тупроққа беланиб ётган қора-қура болалар орасида тўрт-бешта тенгқурлари ҳам борлигини узоқдан кўрди. Тупроққа дум тушиб ётган болалар бир нималарни гаплашиб, қийқириб кулишар, ҳар кулганида завқланиб, товонини уриштириб қўярди. Бир чеккада, ўрик тагида ётган Ҳусанхўжанинг ингичка кулгиси айниқса жаранглаб чиқар эди.

Соат яқин келиши билан ҳаммаси жимиб қолди.

— Чўмиляпсанларми? — деди Соат бошқа гап тополмай.

Болалар орасидан кимдир тўнғиллади.

— Қайиш уқалаяпмиз!..

Қийқирик, кулги кўтарилди. Соат Ҳусанхўжанинг айрича завқланиб кулганини эшитди.

— Сув қанақа? — деди бепарво гапиришга уриниб.

— Тушсанг биласан.

Соат жаҳл билан кўйлагини ечиб, ўрик шохига илди-да, Қонқусга калла ташлади. Сув совуқ эди. Шўнғиб чиқиб, оқимга қарши суза бошлади. Ҳов анави мажнунтолга етмагунча қўймайди! Сузишга уста эди. Қизик, уввало уринадики, қани ақалли бир қулоқ сурилса! Илгари оқимга қарши ҳеч сузмаган экан. Қанақа анҳор ўзи бу лаънати? Юзаси қилт этмайди. Ҳовузга ўхшаб жимирлаб турибди-ю, таги шиддат билан оқади. У олдинга интилади, сув орқага тортади! Оёқ-қўлини тапиллатиб жон-жаҳли билан сузаверди. Етади! Мажнунтолга етмагунча қўймайди. Охири ҳансираб кетди. Бир маҳал қараса, анҳор соҳилида болалар қалдирғочдек тизилиб ўтирибди. Қорни, тиззаси тупроққа беланган.

— Ҳа-а, Комиссар! Қани, бир ғайрат қил-чи, кўрамыз сувга тескари сузиш қанақа бўларкан? Бунинг отини Қонқус деб қўйибди, ўв!

Соат Тўлаганнинг овозини таниди. Шу гапинг учун ҳам сузади, ўлиб қолгунча сузаверади!

Бўлмади... Ҳолдан тойди. Қараса, оқим орқага — ўрамага суриб кетяпти. Қўрқув ичида қирғоққа талпинди. Ғумакларни чангаллаб сирпана-сирпана юқори чиқиб олди. Ҳансираб нафас олар, оёқ-қўли титрарди. Соҳилга чиқиши билан болалар бараварига қийқириб кулишди.

«Душман! Ҳаммаси душман! Илоннинг боласи — илон, чаённинг боласи — чаён!..» Соат дафъатан хаёлига келган гапдан кўнглида алам ва айни пайтда алланечук енгиллик туйди. Офтобнинг бинафшаранг ҳалқачаларидан қамашган кўзларини юмиб, узоқ ётди. Бир маҳал қараса, кўйлаги осифлиқ ўрик шохиди сап-сарик мевалар ялтираб турибди. Пастда эмас, қир учида. Хаёлига ғалати ўй келди.

— Ҳусанхўжа! — деди ётган жойида. — Ҳусанхўжа!

— Нима? — деган ингичка овоз келди.

— Ўрик олиб туш. Ҳов, юқори шохдан. Тез бўл!

— Йиқилиб тушаман-да.

— Йиқилмайсан.

Ҳусанхўжа узун иштонини шалолатиб яқин келди.

— Кесак ота қолай?

— Майли, — деди Соат лоқайдлик билан.



Ўрик баландда эди. Ҳусанхўжа мўлжаллаб нуқул кесак отар, кесаги тепа шохга етмас эди. Терлаб кетди. Бошқа болалар индамай томоша қилиб ётибди. Охири, битта кесак ўрикли шохга тегди. Учта ўрик тўпиллаб тупроққа тушди. Ҳусанхўжа югургилаб олиб келди.

— Манг, Соат ака!

— Ювмайсанми, аҳмоқ!— Соат кўзини ола-кула қилди.— Тупроққа қўшиб емайман-ку!

Ҳусанхўжа анҳор соҳилига қорни билан ётиб, ўрикни чайиб келди.

— Манг, ака!

— Ерилибди-ку, эшшак! Менга бутуни керак! — Соат ўрикларни анҳорга улоқтирди. — Чик шохга! — деди ўдағайлаб. — Бутунидан узиб туш!

Ҳусанхўжа бирпас анграйиб турди-да, алам билан чийиллади.

— Э, бор! Мен сенинг малайингманми?

— Нима? — Соат сапчиб ўрнидан турди. — Нима дединг? — тарсакилаб юборган эди, Ҳусанхўжа ағдарилиб тушди.

Шунда... кутилмаган ҳодиса рўй берди. Овози дўриллаб қолган тенгдошлари куюндек ёпирилиб келди. Тўрттаси баравар ёпишди. Бири қўлтиғидан олди, бири оёғидан... Сувга улоқтириб юборишди. Соат Қонқуснинг қоқ ўртасига шалопплаб тушди. Худди қурбақадек. Соҳилга сузай деса, рақиблари тизилиб турибди. Ҳаммаси завқланиб кулади. Ҳусанхўжа тупроқ чангитиб, маймундек ирғишлайди. Нариги қирғоқ — тик. Анҳор четида ўсган маймунжонлар, найзасини қайраб турган наъматаклар сувга эгилиб ётибди. Соат тағин оқимга қарши сузишга тушди. Мажнунтолга етса, нариги бетга чиқиб олади... Бора-бора қўлларидан мадор кетганини, оёқлари увишиб қолганини сезди. Оғзига сув кириб ўқчий бошлади. Қонқус билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, ўз йўлига оқиб ётган сувга тесқари сузиш яхши эмаслигини идрок этди. Аммо бошқа чораси йўқ эди. Сув яна озгина оқизиб борса бас. Қонқус кескин бурилади-да, ўрамага тортиб кетади.

Бир лаҳза тин олди. Шунда соҳилдаги болалар ҳам жимиб қолганини ҳис қилди. Қулоғига Ҳусанхўжанинг чинқироқ овози кирди.

— Тўлаган ака! Чўкиб кетади, шох синдириш керак, Тўлаган ака!

Соат бутун кучини тўплаб, тағин оқимга қарши сузди. Бироқ энди мадори қуриб битган, қўллари ожиз шалопплар эди. Дафъатан тумшуғи тагида турган шохга кўзи тушди.

— Соат! — деди соҳилда ўрик шохининг бир учидан тутиб турган Тўлаган. — Ушла! Чўкиб кетасан, жинни!

Соат ҳолдан тойган қўлларини ожиз типирлатаркан, қирғоқ томонига нафрат билан қаради.

— Йўқол! — деди нафаси қайтиб. — Менга сенинг ёрдаминг керак эмас!

Бурилиб, нариги соҳил томон сузди... Ниҳоят, наъматак шохига чанг солди. Кафтига тикан кирганини ҳам, оғриқни ҳам сезмади.

Энтикиб-энтикиб нафас ростлади. Наъматаклар чангалзори оралаб тик соҳилга чиққунча тиканлар аъзойи-баданини қонатиб ташлади. Қараса, болалар нариги қирғоқда қаторлашиб турибди.

— Эшитиб қўйларинг! — деди Соат алам аралаш ғазаб билан. — Мен Комиссар бўламан! Албатта бўламан! Ҳаммангни отаман! Битта-биттадан отаман!

## ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

**Васильев Григорий Степанович. Йигирма саккиз ёшда. Макарон заводининг ишчиси. Миллати — рус. Сўққабош. Аввал судланмаган. Қатортол мавзеи 10-уй, 35-хонада истиқомат қилади. Партиясиз.**

— Тошкентга қачон кўчиб келгансиз?

— Бултур. Май ойида.

— Қаердан?

— Смоленскдан.

— Бир ўзингиз яшайсизми?

— Бўлмаса ким билан туришим керак?

— Саволга жавоб беринг!

— Бир ўзим.

— Нима мақсадда келгансиз?

— Нима мақсадда бўларди. Яшаш, ишлаш учун. Камёб мутахассис сифатида таклиф қилишган.

— Заводда нима иш қиласиз?

— Автопогрузчик ҳайдайман. Умуман мени Алгоритм заводига таклиф этишган. Яқинда ўша ёққа ўтаман.

— Программаловчи инженермисиз?

— У нима деганингиз?

- Касбингизни сўраяпман?
- Айтдим-ку, автопогрузчик ҳайдайман.
- Шу камёб касбми?
- Демак, камёб экан-да.
- Смоленскда нима иш қилардингиз?
- Заводда ишлардим.
- Оилангиз бормиди?
- Бор эди.
- Ким билан турар эдингиз?
- Хотиним, қайнонам, мен...
- Яна?
- Ҳа-а, гап бу ёқда денг?
- Яна ким?
- Лариса шикоят ёзбидими? Овора бўлади! Қизи аввалги эридан бўлган. Мендан алимент олишга ҳаққи йўқ.
- Хотинингиз билан расман ажрашмаган экансиз-ку.
- Тўғри, ажрашган эмасмиз. Аммо у билан турмайман. Ажрашишга тайёрман.
- Йигирма иккинчи октябрдан йигирма учинчи октябрга ўтар кечаси нима воқеа бўлганди?
- Эсимда йўқ.
- Эслатишим мумкин. Уша оқшом тўй бўлган. Домнинг пастиди.
- Э, уми? Шунга мени айбдор санаяпсизми?
- Саволга жавоб беринг! Нима бўлувди?
- Тинчлик бермаса нима қилай? Ярим кечагача ғат-ғут! Қулоқни қоматга келтиради. Қийқиради, ёввойига ўхшаб!
- Кейин-чи?
- Нима «кейин»?..
- Сиз нима қилдингиз?
- Уч-тўрт марта огоҳлангирдим. Кейин, деразани очиб, сув сепдим. Сал боши совусин, дедим.
- Қилган ишингиз жиноят эканини биласизми?
- Нега жиноят бўларкан? Рабочий класс дам олиши керакми ахир? Горисполкомнинг қарори бор. Соат 23 дан кейин шовқин солиш мумкин эмас.
- Горисполкомнинг тўй қилинмасин, деган қарори йўқ. Нега одамларнинг бошидан сув сепасиз?
- Ҳўп, ана, ҳазиллашди, деб ҳисоблай қолинг. Нега мени тергов қиласиз-да, уйимга бостириб кирган безорига индамайсиз? Тепиб, оёғимни синдирай деди. Оз бўлса, бўғиб ўлдириб қўярди. Бу ҳақда милицияга хабар берганман. Суриштириб кўришингиз мумкин.
- Бўлмаса нега аризангизни қайтариб олдингиз? Нима учун экспертизага бормадингиз?
- Клавдия Сергеевна айтди. «Бекор қиялсан шу ишни, ундан кўра тўйда меҳмон бўлсанг, ҳеч ким сени ҳайдамасди», деди.
- Ким у Клавдия Сергеевна?
- Пензионер. Биринчи қаватда туради. Тошкентга уруш пайтида келган экан.
- Шунинг учун қайтиб олдингизми аризангизни?
- Шу...
- Уша куни ўзингиз қанча ичгандингиз?
- Менми? Тўхмат! Нега ичарканман?
- Эшигингизни тақиллатган гражданин Шоматовнинг бошига ароқ шишаси билан урмоқчи бўлгансизми ахир?
- Гражданин терговчи, миллатчилик қиялсиз. Устингиздан арз қиламан!
- Марҳамат! Бу — сизнинг ҳуқуқингиз. Уша куни ғирт маст бўлгансиз. Эртасига милицияга ариза олиб борганингизда ҳам кайфингиз тарқаманган. Экспертизага боришдан қочгансиз. Кечқурун даъвойингиздан воз кечиш тўғрисида бошқа ариза ёзиб келгансиз.
- Тўғри, ёзиб келганман. Нима бўпти, шу билан? Ҳаққим бор.
- Гражданин Шоматовни ҳозир кўрсангиз, танийсизми?
- Мени аҳмоқ деб ўйлаясиз шекилли, гражданин терговчи? Уни ўлдириб кетишгани мендан яхши биласиз.
- Нега энди айнан «ўлдириб кетишган» деяпсиз? Ўлдириб кетилганини сиз қаёқдан биласиз?
- Қўшни домда бировни ўлдириб кетади-ю, қулоққа чалинмайдими?
- Еттинчидан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз?
- Ҳ-ҳ-ҳа! Бу ишни менга ёпиштирмоқчимисиз? Овора бўласиз, гражданин терговчи! Худди ўша кеча мен жонажон милиция паноҳида эдим! Ҳушёрхонада! Октябрь район ҳушёрхонасига телефон қилсангиз, ҳамма справкани оласиз!

Руснинг ажойиб мақоли бор: «Бахтинг чопмас эди-ку, бахтсизлик жонингга оро кирди-да». Уша кун яхшиям ҳушёрхонага тушгани. Бўлмаса тинч қўймасди булар!

Гриша байрам кун боши ғум бўлиб уйғонди. Кеча анчагина «олган» эди. Пастга тушса, нариги подьездда яшайдиган дўстлари турган экан. Лёва билан Миша. Эсида йўқ, қайси биридан яши тақлиф чиқди. «Юринглар, аччиқ лағмон еймиз, Эски шаҳарнинг лағмони зўр бўлади. Анавиндан ҳам топилади». Чорсуми-Морсуми, деган жойга боришди. Лёва бу ердаги жинкўчаларни яхши биларкан. Искиртгина ҳовлига киришди. Дастурхон ўрнига газета ёзилган, кўполдан-кўпол стол ёнига келиб ўтиришди. Овқати чиндан ҳам мазали экан. Аччиққина. «Русская водка»дан ҳам топилди. Қимматроқ экан-ку, чидаса бўлади.

Жинкўчаларни айланиб бозорга тувишди. Тарвуз егилари келди. Тўн устидан белбоғ боғлаган сийрак соқолли чолнинг тарвузига харидор бўлишди.

— Уч сўм бераман, бобой! — деди Лёва каттакон тарвузни танлаб.

— Тарозига қўй, болам, — деди чол русчани чайнаб гапириб. — Килоси етмиш тийин.

— Етмиш тийин? — Лёва ажабланди. — Калланг ишлайдими, бобой! Уялмайсанми? Чол индамасдан тарвузни Лёванинг қўлидан олди-да, тарозига қўйди.

— Ун икки кило, — деди оғзидаги кўкимтар нарсани туфлаб. — Саккиз сўм қирқ тийин... Майли, саккиз сўм берақол.

— Гапини қара, Гриша! — деди Лёва аччиқланиб. — Битта тарвузни саккиз сўм дейди, спекулянт!

Разм солиб қараса, тарвузлар тоғдек уйилиб ётибди. Ҳар биттасини саккиз сўмдан сотса, миллионер бўлиб кетмайдими бу?

— Эй, бобой! — деди Гриша энаси қотиб. — Спекуляция учун статья бор. Биласан-а?

— Мен испикулон эмасман! — деди чол тагин русчани расво қилиб. — Сам, сам экканман! Сладкий арбуз... Хоҳламасанг, ана, бошқа жойдан олавер.

Эҳтимол, шу билан гап-сўз тугаса — олам гулистон эди. Боядан бери нарироқда турган бошланг, плаш кийган йигитча кутилмаганда савдога аралашди.

— Бу оқсоқол спекулянт эмас, — деди қандайдир асабий оҳангда. — Меҳнат қилганидан кейин сотади-да, молини! Яхшироқ қара, спекулянтга ўхшайдими шу одам? Аллақандай бир студентнинг гапга қўшилиши Гришанинг ғашини келтирди.

— Қулоқ сол, — деди ғижиниб. — Нега мени сенлайсан?

Студент пинагини бузмади.

— Бўлмаса, нега сен отанг тенги одамни сенлайсан?! Сенинг юртингда тарвузнинг бир тишлами саккиз сўм. Уқиганман ўша ёқларда! Ҳаммасини биламан.

Боядан бери индамай турган Миша гапга энди қўшилди.

— Жуда ақлли бўпкетибсанми? Бултур тарвузнинг килоси йигирма тийин эди!

— Униси бултур эди, — деди «Студент». — Бу йил бошқача. Уша томондан келадиган тракторнинг запчасти тўрт баравар ошди. Нима қилсин деҳқон!

Гришанинг қони қайнаб кетди.

— Нарн тур... Сендақа «академикни»!

Бир тепган эди, тарвуз паққа ёрилиб, шимининг почасига қип-қизил шарбат сачради. Бирпасда ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди.

— Қоч! — деди Лёва. — Ўлдиради булар!

Чуриллаган ҳуштак товуши ҳавони титратди. Қомати нимаси биландир тарвузга ўхшаб кетадиган милиционер пайдо бўлди.

Камида ўн беш сутка нақд эди-ку, эртасига Гриша дежур йигитга ялиниб-ёлбориб «бир жойга» телефон қилишга рухсат олди.

Яхшиям Дима ишда экан. Аввалига қалаштириб сўқди. «Сен чўчқа қачон ичишни ташлайсан, шу ниятда Тошкентга олиб келганмидим?» деб бақирди. Барибир, горисполком, горисполком-да! Кечга томон учовидан тилхат олиб, қўйиб юборишди.

Худди ўша кун ҳушёрхонага тушгани хўп иш бўлган экан-да. Йўқса, терговчи «хўл иш»ни шилқ этиб бўйнига илмоқчи эди.

Тўй кун сув селганини гапиради! Тўғри, сепди, сепадиям! Сенларнинг шовқин-суронингга кўзи учиб турибдими! Пулинг кўп-да, сенларни! Миллионерлар! Заводда эртадан кечгача ҳўкиздек ишлаб, уч юз маош олиб кўр-чи, минг кишини тўплаб тўй қила олармикансан!

Буларнинг тўйи ғалати бўларкан. Бир кун олдиндан домнинг тагида кечаси билан ғовур-ғувир. Шовир-шувир... Терак шохига мингинчи лампочка осилган. Бирови гўшт чопяти. Бирови сабзи тозалаяпти. Яна биттаси кетмон билан ер кавлаб ётибди. Нарироқда қозон! Шунақанг каттаки, борш пиширсанг, бутун бошли полка етади. Кечаси билан димоғига аллақандай нотаниш ҳидлар кириб мижжа қоқмай чиқди.

Энди кўзи илинган экан, даҳшатли товушдан уйғониб кетди. Фарт-фурт! Зум ўтмай, Африка қабилаларининг там-тамига ўхшаган товуш ҳам қўшилди. Нуқул банғиллайди!

Гриша юраги гупиллаб, дераза олдига борди. Очиб қараса, чироқлар машъала. Устига оппоқ дастурхон ёзилган узун-узун столлар қўйилган. Шундоқ дераза тагида биттаси икки қулоч келадиған мис трубаи ғартиллатяпти. Дўппи кийган тагин бири думалоқ патнисга ўхшаган барабанни боши устида кўтарганча қарсиллатиб уриб ётибди. Кечаги қозон ўрнатилган чуқур атрофида уч киши. Повар бўлса керак, биттаси оқ халат кийиб олибди. Ёнидаги пастак столда чинни лаганлар тахлаб қўйилган. Оқ халатлиси қозон устидаги лаганларни олган эди, осмонга қуюқ буғ кўтарилди. Қозон тўла сап-сариқ палов кўринди. Оқ халатлиси катта-катта гўштарни узун бандли лапатка учига илиб, ёнидаги тоғорага ташлай бошлади.

Ҳали дераза шарақлаб очилганида кўзи тушган эканми, қозон тепасида турганлардан биттаси қўл силкиб, шанғиллади.

— Тушавер, сосед! Палов тайёр!

Сахар-мардонлаб кўзи учиб турибди-да, паловингга!

Гриша бошини секин ичкари тортиди. Уйқусизликдан ачишган кўзларини ишқалаб, энди ваннахонага кирмоқчи эди, пастдан машинанинғ кучаниб гуриллагани эшитилди. Кўнглида қизиқиш уйғониб, дераза олдига қайтиб келди. Қараса, кўча четида бир эмас, иккита ЛАЗ турибди. Автобусларнинг эшиги вошиллаб очилди-да, узун тўн кийган, бошига салла ўраганлар туша бошлади. Мункиллаб қолган, ҳасса таянган чоллар айниқса кўп... Ораларида Будённый қиличидан бир амаллаб жон сақлаб қолгани қанчайкин? Дастурхон бирпасда ноз-неъматларга тўлиб кетибди. Олма-анорлар. Каҳрабодек узумлар...

Столда ўтиришини томоша қилсанг буларнинг! Худо ҳаққи, қошиқ ушлашни билмайди! Ошни қўлда ейди. Қўлда! Чоллар-ку, майли, бошқалари-чи? Бошларида шляпа, бўйинларида галстук, ошни қўли билан ейдилар. Эрталабдан бир лаган паловни уриб, қорни ёрилиб кетмагани! Ош еб бўлиб, юзига фотоҳаям тортади. Нақ кинонинг ўзи. Худо ҳаққи: декорация керакмас!

...Кун бўйи Гришанинғ боши гаранг бўлиб юрди. Тушлик овқат ҳам татимади. Кечқурун ҳориб-чарчаб уйига келса, яна ўша шовқин!

Ҳой инсон! Эрталаб-ку, уйқуни ҳаром қилишга қилдинг! Мис карнайинг билан тамингни чалиб, бутун квартални уйғотдинг! Паловингни ейишга — единг! Бўлди-да, энди! Бу азоб ҳам бормиди ҳали?

Кун ботмасидан ҳаммаси қайтадан бошланди. Столлар безатилган. У ёқда коньяк, бу ёқда ароқ. Шампан... Ичкиликка қарши кураш деган қонун йўқ экан-да, буларга! Гастрономга кирсанг бир шиша ароқ учун икки соат очередь турасан. Булар бўлса, қаторлаштириб ташлабди.

Яна бошланди. Ғарт-ғурт. Айниқса, бир асбоби бор экан. Вой-вой, овозининг ху-нуклиги! Ғийт-ғийт қилади. Худди йиғлаётган хотиндек. Асабини пармалаб юборади.

Бир маҳал қий-чув бўлиб қолди. Ялтир-юлтир кўйлак кийган хотинлар, қора-қура, ирkit болалар кўча томон югургилади. Шунчаси қаёқдан пайдо бўлди? «Местнийлар» кам эди-ку, бу уйда? Маҳалласи кўчиб келдими, нима бало? Ҳа-а! Келинни олиб келишибди. Бир эмас, бешта енгил машина. Иккита автобус! Қаранг, «Чайка»ям бор! Миллионер бўлмаса, «Чайка»ни қаердан олади булар! Ана, куёв йигит кутиб олдилар келинни. Бошидан танга сочишдими-ей! Комедия! Куёвнинг бошида салла, эғнида ялтироқ чопон (Камида икки минг турар?) Келин оқ либосда. Бошида фата. Ҳақиқий комедия! Бири — Европа, бири — Осиё. Нима қилипти анави кампир? Олов ёқаптими? Бир нарсани тутатиб юборди-ку! Бошланди яна! Ғийт-ғийт. Данғир-дунғир. Қийқириқни қаранг, қийқириқни!

Гриша деразани ёпдиямки, қулоғи тинчиса қани? Холодильникда «Чашма» бор эди шекилли? Чёрт! Қурибди буям, янгисини очишга тўғри келади. Ул-а, консерва ҳам тамом бўлган экан-ку. Майли, тузланган бодринг ҳам тешиб чиқмайди!

Кечаси деярли ухламагани учунми, бир зумда боши ғувиллаб кетди. Иккинчи қадаҳдан кейин пастдан келаётган шовқин-сурон баттар асабини қақшата бошлади. Микрофони бунча баланд! Чинқириқ ашула авжига чиқди.

Бўлмади! Гриша деразани шаҳд билан очиб қаради. Келин-куёв тўрда ўтирибди. Орқа томонида гилам. Ёнбошида артистлар. Ашулани ванг қўйяпти. Уртада йигирма-ўттиз чоғлиси ўйин тушяпти. Нуқул сакрайди...

Гриша шовқин-сурон босилишини кутиб турди. Ашула тугаши билан овози борича ҳайқирди.

— Эй, тинчлик борми-йўқми? Ярим кеча бўляпти. Эрталаб одамлар ишга боради. Тўйхонага жимлик чўкди. Ун-ўн бештаси баравар бошини кўтариб, дераза томонга қаради. Рақс тушаётганлар пилдирпис бўлиб, жой-жойига тарқала бошлади.

«Қўрқмас экансан-а! — деб ўйлади Гриша мамнун бўлиб. — Қани, айт гапинг бўлса», дегандек очиқ дераза олдига пойлаб турди. Шунда, худди дераза тагида ўтирган бир йигит шошилмай ўрнидан турди-да, давра ўртасига чиқди. Бошланг, гавдали. Худди кинодаги ҳиндулар саркардасига ўхшайди. Телага — Гришанинғ деразасига бир зум қараб турди-да, ҳокимона овозда бир нима деб қичқирди. Артистлар аллақандай шўх куй чала бошлади. Бояги «хинду» ёввойилардек сакраб ўйинга туша кетди. Қийқи-

рик, қарсақ авжига чиқди. Бир зумда давра тўлиб кетди. Музыка боягидан баттар гум-бурлашга тушди.

— Шунақами! — деди Гриша таҳдид билан. — Кўрамиз ҳали! Ҳушингни жойига келтириб қўймасам, юрган эканман! Муздеккина душ олсанг, ўзингга келасан ҳамманг! Қадахни тўлатиб ичди. Ғарчиллатиб бодринг чайнарган, хаёлига аламли ўй келди. Мен заводда саккиз соат ҳўкиздек ишлаб, бодринг ғажиб ўтирай-да, сен — текинхўрлар, шашлик еб, коньякни урларинг!

Югуриб ваннахонага кирди. Пақирга лиммо-лим сув тўлатди. Дераза олдига бориб, пастга энгашди-да, сепаиб юборди. Яхши-и! Девор яқинида ўтирган беш-ўнтаси қий-чув солганча сапчиб ўрнидан туриб кетди. Хах-ха-а! Қанақа бўларкан! Овозинг ўчмас экан-а!..

Зум ўтмай эшик жиринглади. Э-ҳа, тепишга тушди-ку! Бутилка қаерда эди, бўшаган бутилка? Қани, бир гаплашиб қўйялик-чи! «Менинг уйим — менинг қалъам!» Остонамдан қадам босиб кўр-чи? Ҳа, сенмисан, ҳиндулар сардори?

— Қани, туёғингни шиқиллат-чи! — деди Гриша тишини ғижирлатиб. — Ҳозир милиция чақираман!

Парво қилмайди, сурбет! Шунақами? Мана бўлмаса! Каратэчи шекилли, сволочь. Оёқни синдирдинг, аблаҳ! Қўйвор!

Бир маҳал ҳушига келиб қараса, ёш аёл «ҳинду»нинг билагидан тортқилаб алланималар деб чирқиллапти. Йўлак тўла одам.

— Хўп, узр сўрайман, — деди Гриша нафаси бўғзига тиқилиб.

Хайрият, битта одамбашараси ҳам бор экан. «Ҳинду»га дашном берди.

— Миллатчилик қилма! — деди.

Ниҳоят, ҳаммаси даф бўлди.

— Адабингни бериб қўймасам, — деди Гриша аламдан титраб.

Анчадан кейин эшик яна жиринглади. Яқин боришга юраги дов бермай индамай ўтираверди. Эшик эса тўхтовсиз жиринглар эди.

— Нима керак сенга? — деди ўтирган жойидан.

Уша томондан журъатсиз овоз келди.

— Ташвиш қилманг, қўшни... Мен Аҳмадалиевман. Учинчи квартирада турадиган.

— Ҳеч кимни танимайман! — деди Гриша. — Гапингиз бўлса, эртага келинг.

— Қўрқманг! — деди эшик ортидаги одам. — Сизга ёмонлигим йўқ. Узр, бир минутли маслаҳат бор эди.

Гриша иккиланиброқ ўрнидан турди. Ёмон тепибди, аблаҳ! Чўлоқланиб эшик томон юраркан, хаёлига интиқомли ўй келди. Бўйним ҳам кўкариб кетгандир? Яхши! Эрталаб албатта милицияга бораман.

Эшик олдига келганида иккиланиб қолди. Оқсоқланганча, ошхонага кирди-да, газ плита тагида ётган болтани қўлига олди. «Ғинг деса чопиб ташлайман!»

Эҳтиёткорлик билан калитни буради. Остонада бошига дўппи, эгнига кўк тўн кийган қария турар эди. Қўлида қаппайган целлофан пакет. Қизик, Гришанинг қўлидаги болтага қайрилиб ҳам қараман.

— Хўш? — деди Гриша «гапни чўзма!» деган маънода.

— Гап бундай, қўшни... — Қария вазминлик билан муқаддимани узоқдан бошлади. — Мен Аҳмадалиевман. Бугунги тўйнинг эгаси. Уғлимни уйлантирдим.

Гриша зинада биронтаси турмаганмикин, деган хавотирда ярим очиқ эшикдан бўйнини чўзиб, пастга қаради. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, истеҳзоли жилмайди.

— Табриклайман!

— Тўйхонага тушиб, табрикласангиз ҳам бўларди, — деди қария соф рус тилида. — Уч кун аввал тўйга айтиб чиқсам, йўқ экансиз.

— Мақсад?

— Бошимда биттаю битта ўғлим бор. — Қария гапни яна бурди. — Уқитувчиман. Рус мактабида ўзбек тилидан дарс бераман.

Гришанинг хаёлидан истеҳзоли ўй кечди. «Сенинг тилингда кўзим учиб турувди!» Дафъатан кайфи бутунлай тарқаб кетганини ҳис этди.

— Шу боламнинг тўйини ўтказай, деб йигирма беш йил йиғиб-тердим.

— Қисқароқ! — деди Гриша жеркиб.

— Яхши... — Қария негадир хўрсинди. — Ёмон иш қилдингиз, қўшни. Мен болаларни интернационализм руҳида тарбиялашга умримни бағишладим. Сиз бўлсангиз...

Гришанинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Мен сизнинг ўқувчингиз эмасман! — деди эзма-чуруқ қариянинг гапини кесиб. Қария хафа бўлмади.

— Сиз — янги одамсиз, — деди вазминлик билан.

— Мақсад? — деди Гриша таҳдид билан.

— Мақсад шуки, халқнинг миллий удумларини ҳақорат қилманг! — Қария қўлидаги целлофан қопчасини узатди. — Бу — сизнинг насибангиз!

Гриша эсанкираб қолди.

— Пора, денг! — деди ҳушини тўплаб. — Нима, мени сотиб олмақчимисиз? Қария алланечук осойишта кулди.

— Узбекда, қўшни ҳақи деган гап бор. Сиз тўйда қатнашмадингиз.

Гришанинг иккиланиб турганини кўриб, қопчиқни остонага қўйди.

— Ҳоҳласангиз, олинг, хоҳламангиз ташлаб юборинг, — деди-да, секин-секин юриб, зиналардан тушиб кетди.

— Мени сотиб ололмайсан! — деди Гриша қўлини паҳса қилиб. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, диванга бориб ётди.

«Дима тўғри айтган экан, — деб ўйлади ижирғаниб. — Биз — жанг қилгани бо-ряпмиз. Ўзбекистон — иккинчи Афғонистон! Ҳаммаёқни порахўрлар эгаллаб олган!» «Қаранг-а, итдек савалашади-да, кетидан пора бериб оғзингни мойламоқчи бўлади! Топибсан аҳмоқни! Милицияга бунисини ҳам ёзаман!»

У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди. Қани уйку келса! Хаёлан дунёнинг у бурчидан кириб, бу бурчидан чиқди. Кўзини юмган эди, шовуллаб турган ўрмонзорга бориб қолгандек бўлди.

\* \* \*

Болалик субҳидамга ўхшайди. Тонгдек тиниқ, эртақдек гўзал. Ҳамма нарса сеҳрли эди. Ёз палласи чўмиладиган турнанинг кўзидек кўллар ҳам. Ўрмонда кўзиқорин териб юришганида тўсатдан гумбурлаб қоладиган момақалдироқлару азамат эманлар япроғини шатирлатиб қўйиб берадиган жалалар ҳам... Худо қарғаган бу юртларда ойлаб бир томчи ёмғирга зор бўласан. У ёқларда эса ёз бўйи ёмғир ёғади. Шовв этадию бир зумда оламни яшнатиб юборади. Кетидан қуёш чарақлаб чиқади. Ёмғир томчилари марвариддек ялтираб турган ям-яшил ўрмонларда югургинг, ўмбалоқ ошиб, яйрагинг келади. Куз ёмғири эса бошқача бўлади. Худди шу паллада, октябрнинг ўрталаридан бошлаб ўрмон четида жойлашган Берёзовка хутори мунғайиб қолади. Йўлларнинг аталаси чиқиб кетади. На машина юради, на бричка. Хутор бутун дунёдан ажралгандек, жунжуккан кўйи рўпарасидаги зах босган ўрмонга хавотир аралаш маънос термулади. Кечалари хаталар деразасида хира милтиллаган нур тун зулматиға ҳадиксираб мўралайди. Итингни кўчага чиқаришни раво кўрмайдиган ҳаво деб шуни айтадилар. Берёзовканинг итлари ҳам бунақа матални эшитгандек ин-инига кириб кетади. Ҳар бир хатадан моғор исига аралаш тузланган карам ҳиди анқиб турганга ўхшайди. Одамлар тезроқ қор ёғишини, одам тезроқ ёришиб кетишини худодан илтижо қилади.

Ниҳоят қор ёғади. Аввал ёмғир аралаш яккам-дуккам учқунлаб туради-да, тўсатдан заптига олади. Олам оппоқ нурга беланади. Қор остида ўйчан мудроққа кетган ўрмон сирли ва жозибали кўринади. Ҳақиқий рус қиши бошланади. Совуқ ва жозибали рус қиши!

Нари-бериси билан бир кеча-кундузда харилардан қурилган хаталарнинг ярми белигача қор остида қолади. (Яхшиям, ёмғир бошланишидан олдин теварагига зичлаб похол босилган. Бўлмаса ичигача муз уриб кетади.) Албатта, совуқ заптига олган кезлари ўзига яраша ноқулайликлар пайдо бўлади. Шундоқ ётоқхонанинг ўзига олиб кирилган мегажин «хурқ-хурқ» қилиб, кечаси билан уйку бермайди. Печ устида ётсанг, ачимсиқ хид димоғингни ёради. Зиёни йўқ: ўрганиб кетади, одам. Ўрмонда бир соат чанғи учсанг, муздек, мусаффо ҳаво ўпкангдаги бор ғуборни сўғуриб олади!

Акаси чанғи учишга уста эди. Ҳар сафар Дима ўрмонга отланса, Гриша ҳам, албатта кетидан эргашарди. Чанғи остида қор ғирчиллайди. Ҳаво очиқ кунлари қуёш кўзни қамаштириб чарақлайди. Ер оппоқ, совуқ. Осмон зангори, ундан ҳам совуқ. Гўё шишадан ясалган чанғи таёғи бехосдан тегиб кетса, синиб қоладигандек... Бошига оқ телпак кийган қарағайлар устидан дув этиб қор тўкилдими, билинги, жонсарақ олмахон шохдан-шоҳга сакради... Ҳали Рождествога анча бор. Бироқ хаталардан гармоннинг шодон товуши, мастона кийқириқлар эшитилади.

Колхоз-ку, бўларича бўлган. Номига хўжалик. Хуторнинг ярми ҳувиллаб қолган. Ёшлар «бахт излаб», ўзини шаҳарга урган. Эркаклар йўқ ҳисоби. Борлариям кўзини ишқалаб уйғонадию қишлоқ марказидаги дўконга йўл олади. Ҳаммаси келишиб олгандек, саҳармардондан дўкон олдида тўпланишади. Қишин-ёзин — шу! Соқоллар ўсган, асабий... Тушдан кейин дўконга келадиган «борматуха»га «очередь» кутишади. Нарироқдаги харракнинг қорини сидириб ташлайдилар-да, тизилиб ўтириб, домино ўйнашга тушадилар. Ютқазгани «така» қилиб, харрак тагидан ўтказадилар. («Вақтни ўлдириш» керакми ахир?) На раис инсофга келтиради, на милиция йўлга солади. (Аслида ҳаммаси — улфат, ҳаммаси ҳамшиша!) Тушдан кейин маст-аласт қўшиқлар яна авжига чиқади. Ора-чора муштлашувлар ҳам бўлиб туради. Лекин бугун муштлашганлар эртага эрталаб апоқ-чапоқ бўлиб кетаверади. Бағри кенг одамлар-да!

Гришанинг онаси тадбирли хотин эди. Бошқаларнинг карами муштдек бўлгунча, буларники чойнақдек бўлиб «қайнаб кетади». «Бабье лето» бошланмасидан туриб, уларнинг хатаси ёнида тоғдек пичан уюми пайдо бўлади. Қишлик ўтинни ҳаммадан аввал ғамлаб қўйишади.

Гришанинг эсида. Бир йили ярмаркага бориб, сигир сотиб олишди. Янги туғилган бузоғи билан.

— Эшитиб қўйинглар! — деди онаси ака-укага. — Мана шу сигир оғир кунларда сенга асқотади... Яйлов тўла ўт бўлса. Қишлоқда яшаб туриб, мол боқмаслик — гуноҳ-ку!

Сигирни етаклаб, ўтиб кетишаётганида дўкон олдида домино қарсиллатиб ўтирган мужиклардан бири гап отди.

— Табриклайман, Марья, сигир олибсан-да!

Индамай кетаверишди. Бошқаси хириллаб қулди.

— Қаранглар, мужиклар! Марья сигирли бўпти! Ҳар куни қаймоқ билан сийларкан-да, бизни!

Сигир етаклаб кетаётган онаси таққа тўхтади.

— Қаймоқни нима кераги бор сенга! Борматуха ичиб ётавер!

Мужиклар «томоқни хўллаб олишга» улгурган шекилли, қийқириқ кулги эшитилди.

— Сигиринг ўзинга буюрсин!

— Қаймоғингга кўзимиз учиб тургани йўқ!

— Заҳарсан-да, Марья, заҳарсан! Чақиб-чақиб эрингни ўлдирдинг!

Дима йигитча бўлиб қолганди. Уша томонга ғазаб билан чақчайиб қараган эди, онаси юпатди:

— Парво қилма, ўғлим! Булар — тамом бўлган одамлар.

Соқол-мўйлови тиканак бўлиб кетган тагин бир мужик муросоомуз насиҳат қилди:

— Яхшиямас, Марья Сергеевна, яхшиямас! Ёш авлодни хусусий мулкчилик руҳида тарбиялаяпсан.

Онаси, ранги қув ўчиб, тагин тўхтади. Етовда келаётган сигир тумшуғи билан унинг елкасига урилгудек бўлиб, пишқирди.

— Сен ҳам одам бўлдинг-ку! — деди онаси алам билан. Яна нимадир демоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди: сигирнинг арқонидан тортди. — Юринглар, болаларим, парво қилманглар буларга...

Онаси тўғри айтган экан. Сигирни қўйиб юборасан. Ўзи ўтлаб келаверади. Хатадан бир қадам чиқсанг, белинг баравар ўт! Хоҳласанг даладан пичан ўр, хоҳласанг ўрмондан! Бир эмас ўнта сигирга етади!

— Бунақанги ишқюмасларни худо урмаганига ҳайронман! — деди онаси бир куни куяниб. — Колхозга-ку беш тийинлик нафи йўқ. Ақалли ўзининг томорқасини эпласачи! Йў-ў-ўқ! Буларга тайёри керак! Биров нақдлаб қўйса-да, булар молдек бўкиб, еб ётаверсал!

Онаси колхоз фермасида ишлар, ниҳоятда ўқимишли хотин эди. Узоқ қиш кечалари ажойиб шеърлар ўқирди. Пушкиндан, Лермонтовдан... Блокдан... Гришанинг эсидан чиқмайди. Ташқарида бўрон увиллар, пастак деразани қор учқунлари аёвсиз савалар, онаси эса шеър ўқир эди. Гриша акаси билан печ устида ётишарди.

— Дима, Гриша! — деди онаси бир маҳал қўлидаги китобни ёпиб. — Иккаланг ҳам катта бўлиб қолдинг. Кўриб турибсанлар: ҳамма қишлоқдан қочяпти. Одамларнинг ердан меҳри совуди. Ҳеч кимнинг ишлагиси келмайди... Сенлар ишлашинг керак. Ишламасанг — очингдан ўласан! Шаҳарга борасанми, ундан наригами, ҳеч ерда текин нон йўқ. Қулоқларингга илиб олларинг. Одам бўламан десанг, ичкиликка яқин йўлама!

Дима-ку, йўлини топиб кетди. Шаҳарга бориб, ўқишга кирди. (Аълочи эди ўзиям). Гриша колхозда бричка ҳайдай бошлади. Пичан ташийди. Чўчқахона гўнгини тозалайди. «Кормовой» лавлаги олиб келади... Бора-бора ўзи ҳам қишлоқ марказидаги дўкон олдида навбат кутадиган, мужиклар билан домино ўйнайдиган одат чиқарди.

...Бир куни яна гандираклаб келган эди, онаси саржин ўтин билан ҳолдан тойгунча савалади.

Эртасига эр талаб, ўзи йиғлай-йиғлай Гришанинг дабдала бўлиб кетган юзини силаб, илтижо қилди.

— Бу юришингда хароб бўласан! Ҳозироқ шаҳарга жўна! Димага учраш. Ялингин-ёлборгин... Агар... — деди кўзларида ғазабли учқун сачраб. — Қайтиб келсанг, уриб, оёғингни синдираман!

Начора! Жўнади поездга ўтириб. Акаси ўқишни битириб горком комсомолда ишлар эди. Ёрдам берди. Ёрдами шу бўлдики, заводга ишга жойлаб қўйди. Завод ётоқхонасидан ҳужра ҳам топиб беришди.

...Лариса билан шу баҳона танишдилар. Лариса кранчи бўлиб ишларкан. Уч ой ўқиб ўзи ҳам автопогрузчик ҳайдашни ўрганди. Гриша Ларисани бир кўришдаёқ севиб қолган, эҳтимол шунинг учун бўлса керак, Ларисани кўрса, нуқул кўзини олиб қочар, тилига бирон жўяли гап келмас эди. Лариса ҳаммасини сезиб юрган экан.

Саккизинчи март куни ўтириш бўлди. Завод клубида танца ташкил этилди. Уни Ларисанинг ўзи рақсга таклиф қилди.

— Тентак! — деди танца тушишаётганда. — Мен сендан тўққиз ёш каттаман. Қизим бор. Нима қиласан, ўзингни қийнаб!

Гриша яхшигина ичиб олгани учунми, кўнгли бузилиб кетдими, тўсатдан йиғлаб юборди.

— Сендан бошқаси керакмас! Узимни ўлдираман,— деди ҳиқиллаб.

Узини ўлдиришга ҳожат қолмади. Тўйни Ларисаларнинг уйида ўтказишди. Саккиз киши йиғилди. Ларисанинг онаси — Нина Ивановна, тўртта дугонаси, куёв томондан — Дима... Тўй рисоладагидек ўтди. Меҳмонлар тўйиб ичди. Аввал ароқ. Кейин самогон... Тузланган карам, мариновка қилинган кўзиқорин билан газак қилишди. Нина Ивановна пазанда экан. Духовкада бутун бошли ғоз пишириб келди. Оғзингда эриб кетади! Меҳмонлар ёшларга бахт тилашди. «Горько, горько!» деб қийқиришди...

...Турмуши яхши эди. Саккиз яшар Светочка ҳам ундан бегонасирамади. Тўғри, «ота» деб эмас, «Григорий Степанич» деб чақирарди. Нима қипти? «Дада» деди нимаю исми-шарифини айтиб чақирди нима?

Ҳамма ғалва Нина Ивановнадан чиқди. Балки, Гриша аввалига эътибор бермагандир. Аммо кейинчалик қайнонасини ўйласа, нуқул елинлари осилган сигир кўз ўнгида келадиган бўлиб қолди. Қайнонаси уйда олди ярим очиқ ҳалат кийиб юрар, лорсиллаган кўкракларини кўз-кўз қилгандек лапанглаб қадам босар, қалин, ёғли лаблари ҳаммаша истеҳзоли қийшайиб турарди. Овози ярим кечалари Березовкадан уч чақирим нарида жойлашган станциядаги тепловоз гудоги сингари гулдираб чиқарди.

— Оёғингни артсанг-чи, оёғингни!— дерди Гриша эшикдан кириб келиши билан.— Манави нарсанинг оти — латта бўлади, куёв! Бу сенинг хуторинг эмас, буқага ўхшаб кириб кетаверадиган! Артдингми? Хайрият! Энди йўлакка чиққин-да, шапкангни қорини қоқ! Елканг-чи, елканг! Эрталаб эриб тушган сувни ким тозалайди, қишлоқи?... Уни қара тагин кириб келяпти бу, молга ўхшаб! Оёғингни арт, дедим-ку!..

...Овқат устида Гришадан янги иллат топарди.

— Кўлингдаги нарсанинг оти нима дейилади, биласанми! Вой, худойим-эй, неча марта тушунтириш керак бунга-а? Вилка деган матоҳ чап қўлда тутилади, қишлоқи! Қайси гўрдан кавлаб чиқардинг, бу плебейни, Лариса!

...Бир куни эрталаб Гриша ошхонага кирса, холодильник устида ҳўқача тўла сут турибди. Қишлоқда ўрганган одатига амал қилиб, силкитиб кўрди. Ичига қурвақа ташлаб жўйилган бўлса, тумшўғини чиқаради. (Қишлоқда сут айнимасин, деб ичига қурвақа солиб қўйишарди). Йўқ, қурвақа кўринмади.

Тагин силкитиб кўрди. Сут кўпириб, қаймоғи юзига тепди. Гриша бир кўтаришда ҳўқачани яримлатди. Сутнинг таъми ғалати эканини шунда билди. Ҳўқачани жойига қўйиб лабини кафти билан артиб турганининг устига лапанглаб қайнонаси кириб келди. Гришани биринчи марта кўраётгандек, кўзларини ола-кула қилиб бирпас қараб турди-да, тепловоз гудогидек чинқирди.

— Лари-и-и-са-а-а!

Ярим яланғоч хотини югуриб ошхонага кирди.

— Манавини қара!— деди Нина Ивановна семиз бармоғини Гришага бигиз қилиб.— Манавинг жинни бўпқопти. Крахмал ичиб қўйди! Чойшабни крахмаллайман деб ивителиб қўювдим!

Гриша ваннахонага югурди. Варақлаб қуса бошлади. Энкайиб турган жойида Лариса гарданига ҳўқача билан туширди. Қолган-қутган крахмал Гришанинг юз-кўзига сачради.

— Ҳайвон!— деди Лариса бақириб.— Қачон одам бўласан!

...Уша куни ойнинг иккинчи числоси — маош куни эди. Гриша заводдаги улфатлари билан тўйибгина ичди. Ғира-шира эсида. Ёмғир ёғиб турганди. Тўғриси, йўлда бир-икки йиқилдиям. Нима қипти, йигитчилик-да!

Эшикни, одатдагидек қайнонаси очди.

— Лариса!— деди қулоқни қоматга келтириб.— Бу ёққа қара! Томоша қил, манавининг аҳволини!

Дилида тўпланиб ётган алам Гришанинг миясига урдую қайнонасининг боши устида мушт кўтарди.

— Ўлдираман!— деди қутуриб.— Ҳаммангни ўлдираман!

Қий-чув, бақириқ-чинқириқ авзга чиқди. Бир томондан қайнонаси, бир томондан Лариса юмма талаб ташлашди.

Гриша болари уясини кавлаб қўйиб, арига таланган айиқдек, лапанглаб қочди.

— Милиция!— Қайнонасининг ўкириги ёмғирли ҳавони титратди.— Милиция! Ўлдирмоқчи! Ердам беринглар!

Гриша жонҳолатда югуриб кетди. Узоқ югурди. Аллақандай арча панасига яшириниб, чўнқайиб ўтириб қолди. Ҳамон ёмғир ёғар, оёғидан зах ўтиб кетган, паралон курткасининг ёқасидан сизиб кираётган совуқ томчилар гарданини музлатиб юбораётганини ҳис этиб турарди... Лой ерга ёнбошлаб, кўзини юмди. Атроф сокин, қоронғи... Олисда, кўчадан ўтиб бораётган машиналарнинг бўғиқ гувиллаши эшитилиб турарди. Негадир хаёлига онаси келди. Икки йилдан бери хабар олмагани, ҳатто хат ёзмагани эсига тушиб, йиғлагиси келди...

Ғира-ширада уйғонди. Бирпас гарангсиз турди-да, тушунди. Заводга бориб бўлмади. Лариса милиция чақиради. Горком комсомолга боради. Акасининг олдига.



Бошқа илож йўқ. Ҳарқалай, Диманинг қўли узун! Тўғри, ўзидан ҳам ўтди. Дима сўкади... Майли, урса ҳам майли. Бошқа чора йўқ.

Пастдаги милиционерлардан-ку, ялиниб-ёлбориб ўтди. Учинчи қават, тўқсон биринчи хонани тақиллатган эди, садо чиқмади. Эшик тепасидаги ёзувни қайта ўқиди. «Васильев Д. С». Тутқичдан ушлаб тортиб кўрди. Эшик кулф эди.

— Ким керак сизга, ўртоқ?

Паркет полда қарс-қурс қадам товуши эшитилди. Гриша ёнбошига бурилди. Пош-наси бир қарич туфли кийган хушрўйгина қиз ипдек қошини чимириб рўпарасида турарди.

— Ким керак, сизга?— деди қиз расмий оҳангда.

— Дмитрий Степанович,— деди Гриша ғўлдираб.

Қиз унинг лой босган курткасига тимдаланган юзига шубҳали қараб қўйди.

— Нима иш билан келдингиз?

— Шахсий иш билан!— деди Гриша ижирғаниб.

— Қаерга келганингизни биласизми?— Қиз ипдек қошини зардали чимирди.— Бу ер горком комсомол бўлади, ўртоқ! Бу ерда шахсий ишлар кўрилмади.

— Мен Диманинг укасиман!— Гриша қўлини пахса қилди.— Акам билан гапла-шишга ҳаққим борми?

Қиз тагин унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Дмитрий Степанович секретариатдалар,— деди юз ифодаси ўзгармай.— Укаси бўлсангиз, уйига боринг!

— Буниси — менинг ишим!

Қиз бирпас ўйлаиб турди-да, раҳми келди шекилли, йўл кўрсатди.

— Коридор бошида холл бор. Уша ерда ўтириб туринг.

Гриша қиз имо қилган томон йўл олди. Холлда журнал столи, стол ёнида иккита курси бор экан. Утирди... Минг лаънат! Папироси ҳам қолмабди. Гарангсиб, атрофни томоша қила бошлади.

Деворда комсомол босиб ўтган шонли йўлни ифодаловчи плакатлар. Ундан пастда ҳар хил эълонлар... Йирик-йирик босма ҳарфлар билан ёзияган эълон алоҳида ажралиб турарди. Гриша беихтиёр ўрнидан турди. Яқин бориб ўқиди: «Ўзбекистон ССРда вужудга келган танг аҳволни тузатиш учун раҳбар лавозимларга ишга бориш ниятида бўлганлар 98-хонага мурожаат қилиши мумкин. Қалб даъвати билан борганларга барча шароит яратиб берилади».

Ҳеч балогоа тушунмади. Қайтиб келиб жойига ўтирди. Ҳар эснаганда кўзидан мўл-дир-мўлдир ёш оқиб, пинакка кетди.

Бир маҳал гангур-гунгур овозлар, қадам товушларидан уйғонди. Йўлакка одам тўлиб кетган, ҳаммаси зина томон сурилар эди. Зипиллаб борса, тўқсон биринчи хона эшиги ғира очик турибди.

— Мумкинми?— деди мўралаб.

Дима сигарет тутати, аллақандай қоғозларни титкилаб ўтирган экан.

— Нима гап?— деди зарда билан.

Укасини кўриб дафъатан танимадимми, ё танимаганга олдими, қайта сўради:

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ,— деди Гриша сунъий илжайиб.— Мен уйдан кетдим...

Дима сигаретини чуқур-чуқур сўриб, кулдонга улоқтирди.

— Табриклайман!

— Яшолмайман!— деди Гриша йиғламсираб.— Туролмайман ўша уйда! Жонимга тегди, хотиним ҳам, қайнонам ҳам. Мана бундай жонимга тегди!

— Хўш?— Дима унга ўқрайиб қаради.— Мендан нима хоҳлайсан?

— Кетаман! Туролмайман бу шаҳарда!

— Қаёққа?

— Билмайман!— Гриша ростини айтди.— Билмайман! Аммо яшолмайман бу ер-да! Узимни ўлдираман! Машина тагига ташлайман. Осаман. Заҳар ичаман!

— Истериқа қилма, хотинга ўхшаб!— Дима қайтадан сигарет олди.— Гапимни диққат билан эшит. Сен ёш бола эмассан. Бундан бу ёғи өлкамда ортмоқлаб юролмайма-ман...— Бир зум ўйлаиб турди-да, кўшиб қўйди.— Эртадан бу ерда йўқман. Оилам билан кўчиб кетяпман.

Гриша қулоқларига ишонмади. «Алдаяпти. Баҳона қиляпти!»

— Қаёққа?— деди талмовсираб.

— Ўзбекистонга!— Дима гугурт чақди.— Нима фарқи бор сенга!

— Олиб кет!— Гриша астойдил ялиниб илтижо қилди.— Олиб кет мениям! Ваъда бераман! Бошқа қилмайман. Одам бўламан!

Дима шошилмай ўрнидан турди, секин-секин юриб тепасига келди.

— Аҳмоқ!— деди нафрат билан.— Мен ўйнагани кетаётганим йўқ! Биласан-ми, Ўзбекистон — ҳозир иккинчи Афғонистонга айланган! Кураш кетяпти! Ҳақиқий жанг! Ҳаммаёқ порахўрлар. Ҳаммаёқ кўшиб ёзувчилар! Босмачилар! Тушун-дингми?

— Майли!— Гриша ростмана йиғлаб юборди.— Бу ерда тургандан кўра босмачилар қўлида ўлганим яхши!

— Қўлингдан нима келади, аблах! — Дима қичқириб юборди. — Ўзбекистонни асраб қолиш учун раҳбар кадрлар керак, тушундингми! Принципиал одамлар. Сен кимсан ўзи?

— Дима!— деди Гриша бурнини тортиб.— Вокзалда юк ортсам ҳам майли. Обкет, Дима, обкет! Бўлмаса, ўзимни ўлдираман! Барибир ўлдираман.

...Поездда икки суткадан ортиқ юришган бўлса, илондек заҳар янгаси Гриша билан бир оғиз гаплашмади. Акаси ҳам хомуш эди. Гриша бегона юртда ўзларини нималар кутаётганини тасаввур қиларди. Ака-укани ёввойи тоғлар орасига юборишади. Ҳар бир қоя орқасида биттадан босмачи милтиқ ўқталиб туради... Гриша ўзи ўлса-ўладики, акасини ҳамоя қилади. Сўнгги томчи қони қолгунча. Заҳар-заққум янгаси билиб қўйсин: Гриша акаси қилган яхшиликларни унутадиганлардан эмас!

Тошкент вокзалига келиб тушишса, ҳаммаёқ осойишта. Одамларнинг чеҳраси очиқ... Биронта «босмачи» рўпарасидан чиқиб, «сен кимсан, нега келдинг», демади...

Диманинг бахти бор экан. Олис қишлоққа юборишмади. Қоқ марказда — Тошкентнинг ўзида қолди. Тағин горисполкомга зампред қилиб «сайлашди». Қаранг, Гришани ҳам «камёб мутахассис» сифатида дарров ишга олишди. Уй беришди...

Гриша аввалига эҳтиёт бўлиб юрди. Кейин ўзини тамом эркин ҳис этди. Кўча кезадиган, бозор айланадиган бўлди. Смоленск билан солиштирганда бу ер ҳақиқий жаннат эканини тушунди. «Тошкент — нон шаҳри» деганлари рост экан! Ҳар қадамда — нон! Ҳар қадамда мева-чева! Магазинларда «очередь» йўқ...

Бора-бора ўзини хўжайиндек ҳис эта бошлади. Смоленскда бир кило узум — йигирма беш сўм. Бу ерда икки сўм! У ёқда қовуннинг килоси — ўн сўм. Бу ерда — эллик тийин. Нега шундақа? Уйлай-уйлай бир ҳақиқатга тушуниб етди: бу юртнинг одамлари қаллоб. Чайқовчилар мевасини Смоленскка обориб ўн бараварига пуллайди! Ана сизга текин даромад!

...Бугун ўғлини уйлантирган анави чол ўқитувчидан, дедими? Ўқитувчи эмиш! Оддий педагог бунақа тўй қилолмайди. Демак, бу ҳам қаллоб! Қаранг, пора бермоқчи бўлди-я!

...У стол устидаги соатга қараб қўйди. Иккидан ошибди.

Эриниб ўрнидан турди: «ухлаш керак». Чироқни ўчираётганида хаёлига ғалати фикр келди: «Нимайкин, анави целлофан қопчиқдаги? Нима қипти, очиб кўрса, биров бир нима дермиди? Яхшиси, милицияга олиб боради. Ашёвий далил сифатида».

Иккиланиб бориб, эшикни очди. Йўлак ним қоронғи, ҳеч зоғ кўринмас, қопчиқ остонада қийшайиб ётарди. Гриша ўғирлик қилаётган одамдек олазарак бўлиб, қопчиқни юлқиб олди-да, шоша-пиша эшикни ёпди. Қопчиқни очса, ичида бир шиша «Столичный» арақ, пишган гўшт бўлаклари, тўртта нон, беш-олтита олма-анор чиқди.

— Яхши!— деди у ўзига ўзи пичирлаб.— Арақингни ичман. Анорингни ечман... Кейин милицияга шикоят ёзаман. Менга пора таклиф қилди, дейман!

Гриша шикоят аризасини ёзиб бўлганидан тонг отиб қолган, мияси ғум эди. Аризани ич чўнтагига солиб, зинадан тушаётганда чайқалиб кетди.

«Минг лаънат!— деб ўйлади ўзини сўкиб.— Арақни охиригача ичиш шартмиди?»

Пастга тушса, аксига олиб йўлак рўпарасидаги харракда Клава хола ўтирган экан. Гриша уни ёқтирмас эди. Улгудек эзма кампир!

— Салом, Клавдия Сергеевна!— деди қаддини ғоз тутушга уриниб.

Клава хола қовоғини уйиб, унинг бошидан оёғигача разм солди.

— Кеча қанақа «қахрамонлик» кўрсатганингни биласанми?— деди қаҳр билан.

— Нима қипман?!

— Аҳмоқ!— Клава хола олмадек мушти билан харракни урди.— Нима ҳаққинг бор бировнинг тўйини бузишга?!

— Мен? Мен бузибманми?— Гриша астойдил ҳайратланди.— Анавининг ўзи урдик, мени! Милицияга шикоят қиламан!— Бурилиб кетаётган эди, лаънати оёғи панд берди. Мункиб тушди.

— Борақол,— деди Клава хола ачитиб.— Кўрамиз, қўлингдан нима келаркин? Одамларга ўхшаб тўйда меҳмон бўлиб ўтирсанг, ўлармидинг? Қирқ беш йилдан бери шулар орасида яшайман, аҳмоқ! Бунақа бағри кенг халқ йўқ, дунёда. Мен биламан-ку!

— Э-э!— Гриша асабий қўл силтади.— Насиҳатингизни неварангизга қилинг!

...Милицияда хайрихоҳлик билан қарши олишди. Протокол тўлдира туриб, мулоимлик билан таклиф этишди.

— Экспертизага боришга тўғри келади, гражданин Васильев! Оёғингизни, бўйнингизни текшириб кўриш керак.

Гриша ўрнидан туриб кетди.

— Кечирасиз!— деди саросимага тушиб.— Мен ишга боришим керак...

Комиссар сут бидонни кўтариб пастга тушганда тонг отмаган, ҳаво совуқ эди. Бақатераклар шохи қорнинг оғир юки остида эгилиб, шу туришда музлаб қолгандек. Бир-икки кун эривгарчилик бўлиб, тўсатдан яна совуқ тушди. Шунинг учун шекилли, том чеккасида узун-узун сумалаклар тахдидли осилиб ётибди. Комиссар икки букланганча йўлқанинг қорини кураётган Қурбонойни узоқдан кўрди. Қор қотиб қолгани учун курақ ҳар текканида ғашни келтириб қартиллайди. Эгнига қалин пахталик чопон кийган, бошига жун рўмол ўраган Қурбоной кучана-кучана қорни йўлка четидаги ариқча суриб туширишга уринади.

Шу ҳам одамман, деб яшаб юрибди-да! Сахармардонлаб кўча супуради. Қишда қор курайди. Беш вақт энқайиб намоз ўқийди. Бошига кулфат тушса, курашиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига худога солдим, дейди-да, бўзрайиб тураверади. Начора, ота-босидан қолган шероғ... Эшонлар эшак бўлади, дегани шу бўлса керак-да!

Яна қор бошлади шекилли! Тошкентга Россия киши кўчиб келдим, нима бало... Москва атрофларида ҳам қор кўп бўлади. Бир ҳафсала қилса, ҳафталаб ёғади. Қирқ биринчи йил декабрида шундай бўлганди. Совуқ! Гапирган гапинг оғзингдан муз бўлиб тушаётгандек... Фашист Москва остонасига келиб қолган, қоchoқлар, ваҳимачилар кўпайган... СМЕРШчилар жасорат кўрсатмаса ким билсин, нима бўларди бу ёғи! СМЕРШнинг оддий лейтенантини кўрса, унча-мунча полковникнинг қўти ўчиб кетарди... Ҳеч эсидан чиқмайди. Қор уриб турибди. Бутун полкни сафга тизишди. Окопни ташлаб қочган иккитасини тутиб келишган экан. Уша ернинг ўзида дала трибунали бўлди.

Бир маҳал капитан Захаров чақириб қолди.

— Лейтенант Ганиев. Анали биттаси осиеликларданга ўхшайди. Билмайман, ўзбекми, тожикми... Биттаям гапига тушуниб бўлмаяпти. Ўзинг тиллаш.

Урмон четидаги яйдоқ майдонда саф тортган аскарлар рўпарасида иккитаси безрайиб турар эди. Иккаласи ҳам бошланг, шинели ечиб олинган, яланг оёқлари қорда гўштдек қизариб кетган... Соат шахдам қадам ташлаб бориб бериқоқда тўхтади.

— Кимсан?— деб сўради қора сочилигидан.— Қаердан келгансан?

Қочоқ ўзбекча сўз эшитиб, жонланди.

— Ўзбекман, ака!— деди йиғламсираб,— Менда гуноҳ йўқ. Тепамда худо турибди. Гуноҳим йўқ, жон ака!

— Саволга жавоб бер. Нега жанговар постингни ташлаб қочдинг, хоин!

— Мен хоин эмасман...— Қочоқ шундай деди-ю, бир зум Соатнинг юзига тикилиб туриб, шодон хитоб қилди.— Соат ака! Мени танимадингизми, Соат ака! Мен-ку, бу мен! Ҳусанман, Ҳусан! Тепақўрғондан... Яратганга минг қатла шукр! Худо етказди сизни, Соат ака!— У ҳўнграб йиғлаб юборди...— Тушунтиринг буларга, менда гуноҳ йўқ!— Илтижо билан икки қўлини осмонга чўзди.— Илоё дунё тургунча туринг, жон ака! Ота-буваларимнинг арвоҳи қўлласин!— Ялангоёқ қор кечиб яқин кела бошлади.

— Нарн тур, эшонвачча!— деди Соат нафрат билан.— Нега қочдинг? Нега қуролингни ташладинг?

— Қурол? Қанақа қурол?— Ҳусан ирқит қўли билан кўз ёшларини артди.— Ёғоч милтиқ берганди. Устимга танк бостириб келди. Қўрқиб кетдим.

— Нима деб алжираяпти, Ганиев?

Соат ярқ этиб қарадию капитаннинг шубҳа билан чақчайиб турган кўзига кўзи тушди. Юраги музлаб кетгандек бўлди. Особист учун Ватан хоинини ҳимоя қилишга уринди, деган битта тамғанинг ўзи кифоя!

— Орқамизда Москва турганини унутдингми, илонвачча!— деди Соат ғазаб билан.— Шахсан ўртоқ Сталиннинг ўзи Кремлдан жилмай ўтирибди-ю, сенинг жонинг ширинлик қилиб қолдими!— Шундай деб пистолетини чиқарди.

— Отманг, жон ака!— Ҳусан тиз чўқди. Қорда тошбақадек судралиб келди-да, оёғини кучоқлади.— Тавба қилдим. Жон ака, тавба қилдим! Ака-а-а!

Соат унинг бошини мўлжаллаб ўқ узди. Ҳусан чаккасидан тепки егандек ёнбоши билан қорга ағанади. Оғзи ланг очик қолган, ҳамон «ака-а-а!» деб чинқираётганга ўхшарди.

— Уртоқ капитан!— деди Соат қаддини ростлаб.— Халқ душманининг ўғли экан. Отаси эшон экан. Сибирга сургун қилинган. Жанг қилишни хоҳламай, атайлаб қочибди. Ўзи тан олди.

...Ўз қўли билан биринчи марта одам ўлдиргани учунми, Ҳусан анчагача Соатнинг кўз ўнгидан кетмай юрди. Нуқул «ака-а-а», деб дод солаётганга ўхшайди. Баъзан кечалари «ака-а-а», деган чинқирик овоздан уйғониб кетади...

Ҳар нарсанинг бошланиши қийин бўларкан. Кейин-кейин ўрганиб кетди.

Иши оғир эди. Урушда жасорат билан қўрқоқлик, фидоийлик билан хоинлик кўпинча ёнма-ён юради. Фронтни бунақа маразлардан тозаламасанг, ёмон ярага ўхшаб, маддалаб кетади.

Ўзбекча хат ўқийдиганлар йўқ ҳисоб эди. Соат кечалари ухламай хат титкилаб

чиқар, ўзбек аскарларининг гапига зимдан кулоқ солиб юрарди. Ўзбеклар уни кўрса, ўз жигаргўшасини топиб олгандек, яйраб кетади. Оғзига келганини қайтармай вайсайди. Соатнинг вазифаси хоин ва кўрқоқларни фош этиш. Факт эса етарли...

— Хэх! Жанг қилиш ёқмай қолдимиз? Хотинингни соғиндингми?.. Ҳа-а, гап бу ёқда дегин? Немиснинг кучи кўп эканми? Яхши-и-и! Қани, марш «штрафной»га! Немиснинг кучини яқиндан кўрасан. Олдинга юрсанг, фашист отади. Орқага чекинсанг, ўзимизникилар. Керак бўлса, ижтимоий келиб чиқишингни ҳам текшириб кўрамиз. Битта сен ўлганинг билан жангчи қамайиб қолармиди! Хотининг бир кун йиғлайди. Икки кун йиғлайди. Чўлоқми, маймоқми, топиб олади ўзига муносибини!

Эҳ-ҳе! Беш йил урушда юриб нималарни кўрмади бу бош!

Яна бир воқеа ҳеч эсидан чиқмайди. Айтсанг биров ишонмайди. Биттаси немис билан картошка кавлаганини вайсаб юрганмиш, деган сигнал келди. Борса, сийрак мўйловли қозоқ. Элликлардан ошган. Соат секин гапга солди.

— Немис билан картошка қазидингми?

Соддагина солдат экан. Устига-устига атрофида кўпдан бери на қозоқча, на ўзбекча гаплашадиган одам бўлмагани учунми, севиниб кетди.

— Ҳай-бай!— деди офицер билан гаплашаётгани ҳам эсидан чиқиб.— Немис-де, одам экэн-ғўй!

— Қара-я! Немис одам эканми, қани бир бошдан айтиб бер-чи!

Солдат ҳаммасини гапириб берди. Олдинги линияга бир ҳафтача кухня келмабди. Нейтрал зонада картошка полизи бор экан. Кечаси Бондаренко иккаласини картошка кавлаб келишга юборишибди. Қуюқ туман экан. Картошка қазийаётганида ўн қадамча нарида немисча шивир-шивирни эшитиб қолишибди. Немислар ҳам оч қолиб, иккитасини картошка кавлашга юборган экан. Бондаренко энди отмоқчи бўлганида немислардан биттаси «не штрлай, не штрлай» дебди. Русчани унча-мунча биларкан. Буни қарангки, гапдан-гап чиқиб, гурунглашиб қолишибди. Русчани биладиган бояги немис уруш жонига текканини, уйини, учта боласини соғинганини айтибди. Қозоқ ҳам саккизта боласи борлигини, колхозда «молши» бўлиб ишлашини айтибди. Бондаренко онасини соғиниб кетганини гапирибди. Кейин улар уёққа — булар бу ёққа кетаверишибди.

— Улар-де кетди. Биз-де кетдик! Жаҳси немис экэн, шорт возми!— деди қозоқ илжайиб.

— Қачон қочиб ўтадиган бўлдинг, немис томонга?

Солдат сийрак киприкларини пирпиратди.

— Не дейсин?!

— Қачон қочмоқчисан, аблаҳ?

— Мен қошмайман, жўлдас нашайник!

Соат сапчиб ўрнидан турди.

— Бондаренкони ҳибсга олинлар. Тез!

Буниси ёш бўлса ҳам қув экан. Командирнинг буйруғини бажариб, икки пақир музлаган картошка кавлаб келдик, ҳеч қанада немисни кўрганимиз йўқ, бу бобой туш кўряпти, деб туриб олди.

— Ротадан яна неча кишини қочишга кўндирдиларинг? Қачон асирга тушмоқчисанлар?— деди Соат қистовга олиб.

Бондаренко ўламан саттор, немисни кўрганимиз йўқ, дейди. Содда қозоқ бўлса нуқул бир гапни такрорлайди.

— Биз-де атрадик, немис-де атради. Атради жаҳси-ғўй!..

Соат батальонни сафга тиздирди. Трибунал ҳукмини ўқиб эшиттирди: «Аскарларни фашист томонга қочиб ўтишга даъват қилгани учун...»

...Урушда орттирган тажрибаси кейин ҳам қўл келди. Кўп марта қўл келди...

Баъзилар орган деганда нуқул жазо берувчи ташкилотни тушунади. Унақа эмас! Орган жамиятни ёт унсурлардан ҳимоя қилади. Шундай экан, унинг қўлигина эмас, «қулоғи» ҳам яхши ишлаши шарт. Ҳар қандай ташкилотда, ҳатто ямоқчининг дўконида ҳам «қулоқ» бўлса зиён қилмайди. Тўғри-да! Вақти-вақти билан «тозалаш» ўтказиб турмаса, бошқариб бўладими бу турфа жамиятни!

Урушдан кейинги «тозалаш» ҳам, бежиз қилингани йўқ. Айниқса, олифта интеллигентлар ҳаддидан ошиб кетди. Газета-журналларда совет жамиятини масҳара қиладиган нарсалар пайдо бўла бошлади. Мактаб ўқитувчисидан тортиб олимгача — ҳаммаси «доно!» Ҳаммаси — «даҳо!» Хэх!

\* \* \*

Аниқ эсида бор. Қирқ олтинчи йил эди. Тошкентда Навоий театри қурилаётган кезлар... Тепакўрғондаги етти йиллик мактабдан сигнал тушди.

Математика ўқитувчиси Ҳакимов катта танаффусда оғзидан бол томиб японларни мақтабди. Эмишки, Ҳакимов Пиёнбозорга олма сотгани борган. Қараса, қурилиш кетаётган жойда, симтўсиқ ортида оёғига ёғоч кавуш кийган япон асири мўлтираб турганмиш. Ҳакимов гўё асирга раҳми келган. Тўрт-бешта олмани симтўсиқдан узатган. Гўё

асир рус тилини билармиш. «Мен сизнинг молингизни текинга ололмайман, сиз уни етиштириш учун меҳнат қилгансиз», деган. Қоровулхонада турган соқчи кўриб қолиб, японни ҳайдаб юборган. Ҳакимовнинг айтишича, гўё япон жилмайиб таъзим қилган. «Раҳмат сизга, яхши одам экансиз», деган. Ҳакимов оғиз кўпиртириб японни улуғлаган. «Бунақанги маданиятли одамни биринчи кўришим, ҳамма халқ орасида ҳам яхшилар бўларкан-да?» деган.

Шунақама, ҳали? Самурай ёқиб қолдими сизга? Биласизми, жаноб Ҳакимов! Бунинг отини камида КРА дейдилар! Контрреволюцион ташвиқот! Қани, бир текшириб кўрайлик-чи, чиққан жойингизни! «Ҳакимов... Ким бўлди бу қушча?» Теракўрғонликларнинг ҳаммаси таниш эди-ку. Ким билсин тағин... Қишлоқдан чиқиб кетганига эҳ-ҳе, қанча бўлди! Тошкентдаги ўқиш... Москвадаги олий мактаб... Онасининг таъзиясига ҳам келолмади. Айни имтиҳон пайтлари эди. Аслида гап бунда ҳам эмас. Соат онаси Теракўрғондан Тошкентга кўчиб келганидан хабардор эди. Бироқ онасидан келган ҳар бир мактубни ўқиганида юзига совуқ нафас урилаётгандек бўларди. Онаси ҳеч кимга зуғум қилмаслиқни, ҳеч бир банданинг бурини қонатмаслиқни илтимос қилар, унга сайин Соатнинг гаши келар эди. Мамлакат ички душманларга тўлиб ётибди-ю, саводсиз бу хотин насиҳатгўйлик қилади... Орада фин уруши бошланди... Кейин яна уруш...

Хў-ўш... Ҳакимов... Отаси инқилобдан аввал тегирмончи бўлган... Э-ҳа! Тўлаган-ку бу! Уни Қонқусга чўктириб юбормоқчи бўлган оғайниси. Хэ! Ушанда «ҳаммангни отаман!» деган ваъда бўлганмиди? Биттанг Ватан хоини сифатида насибангни олдинг. Энди — сенга навбат... Хў-ўш... Хотини — Обидхонава Фотима. Отаси эшон бўлган. Сибирга сургун қилинган... Ҳакимов ҳозир ўша эшоннинг кўрғонида яшайди. Бу ёғи неча пулдан тушди? Демак сен Эшонга ичкүёв бўлган экансан-да! Фотимага уйланганман, дегин! Ана, ҳаммаси аниқланди-қолди. Қисматнинг ҳазилини қаранг: тағин эшон-зодалар билан рўпара келди. Хэ!

Японга олма бергинг келиб қолдими? Олма баҳона — дийдор ғанимат, дегин! Самурай ими-жимиде узатган қоғозни япон резидентига беришга улгурдингми-йўқми? Балки резидент ўзингдирсан!

Шошилиш керак! Сен шохиде юрсанг, биз баргида юрамиз, эшоннинг ичкүёви! Ярим кечада йўлга тушдилар. Қора машина Теракўрғонга етиб боргунча тонг ёришай деб қолди. Кўройдин. Қишлоқ деярли ўзгармаган. Уша пастак уйлар, пахса деворлар. Фақат бузиб ташланган мачит ўрнида клуб қурилибди. Тунука томли клуб. Девори оқариб турибди... Куз салқини сезилиб қолган. Тун осуда... Машина ортидан итлар кўксов бўлгандек бўғиқ акиллаб югуради. Чанг-тўзон кўтарилади. Қонқус бўйидаги тоғлар қоронғида хўпайиб турибди.

Соат мийиғида кулиб қўйди. Уни анави ерда чўктириб юбормоқчи бўлишган эди... Ўзларининг уйи ҳов нарида, жинкўчанинг охиридайди. Турганмикин ҳозир? Турган бўлса нима? Бу ерлар энди унга бегона... Аллақачон бегона бўлган...

Соат ҳайдовчига буюрди.

— Чапга бур. Енғоқзор томонга... Йигитлар, чаққонроқ ҳаракат қилинглар! Тонг отяпти...

«Операция»ни саҳарга яқин бажаришда маъно бор. Биринчидан, «объект» хотинининг кучоғида мириқиб ухлаётган бўлади. Иккинчидан, кўни-кўшнилари ёпирилиб чиқмайди. Чиққанида кўлидан нима келарди-ку, ҳарқалай бегона кўздан холироқ бўлган яхши-да!

Дарвозани узоқ қоқдилар. Улиб қолганми бу! Ойнани тақиллатай деса, ташқарига қараган деразанинг ўзи йўқ. Эшоннинг кўрғони-да! Бир замонлар дадаси айтган гап Соатнинг эсига тушди. «Эшон қора қилмишларини яшириш учун баланд девор орқасига беркиниб олган». Тўлаган ҳам шуларнинг биттаси-да! Эшонзода Фотиманинг эри! Бу деворлар орасида бутун бошли контрреволюцион ташкилот штаби жойлашмаган деб ким кафолат беради!

Ниҳоят, йўлак томонда шошқин қадам товуши эшитилди. Уйқусираган эркак овози келди.

— Кимди?— деди ҳуркиб.

— Очинг! Райондан хабар бор.

Тамба сурилди.

Соат орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам фонус тутиб турган Тўлаганни дарров таниди. Кўзидан таниди! Йиллар ўтиб, одамнинг қиёфаси, гавдаси, ҳатто гапирш оҳанги ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Фақат кўзи ўзгармайди. Соатнинг рўпарасида айнан Тўлаганнинг ўзи турар эди! Улғайибди. Соч қўйибди. Вой илон-эй! Мактабда интеллигент бўлиб юрсан-да, уйингда аксилинқилобий фаолият олиб борасан! Хэ!

Тўлаган рўпарасида турган бир эмас, уч нафар нотаниш одамни кўриб, тахта бўлиб қолди.

— К-кечирасизлар, к-к-ким керак, сизларга?— деди дудуқлиниб.

— Овозингни чиқарма! — Соат плашининг чўнтагидаги пистолет бандини маҳкам қисиб, буюрди.— Бошла!

Тўлаган талмовсираб орқага чекинди. Қоронғи йўлакдан ўтиб, ҳовлига чиқишди.

Тонг ёришиб келар, ҳовли ўртасидаги бир туп тут شوҳида чумчуқлар уйқузираб чиркилар эди.

— Сизларга ким керак?— деди Тўлаган ҳаммага бир-бир қараб. У елкасига авра тўн ташлаб олган, бошьянган, сарпойчан оёғига калиш илган эди. Шу аснода Соатга узоқ тикилиб турди-да, чеҳраси ёришди.

— Ие, ўзингмисан, ўртоқ?— деди дадилланиб.— Марҳамат, қани, ичкарига! Одамнинг капалагини учуриб юбординг-ку, оғайни?

Айвон томонга қараб «аяси», деб қақирган эди, Соат паст, таҳдидли оҳангда таъкидлади:

— Мен сенга оғайни эмасман! Қонун номи билан қамоққа олиндинг!

— Эсинг жойидами, Соат?

— Соат эмас, Комиссар Ғаниев бўламан! Хатни топ, унсур!— деди Соат ғижиниб. Тўлаганнинг ранги бўзариб кетди.

— Қ-қанақа хат?— деди баттар дудуқланиб.

— Японнинг хати, ҳайвон! Японнинг хати! Қаёққа тикдинг, самурайдан олган хатни?

— Нима деяпсан, Соат?— Тўлаган кўзини ола-кула қилди.— Е қуруқ тухматингдан! Улимдан хабарим бор, бунақа гапдан...

— Майли, керакли жойда эсингга солиб қўямиз, Тезроқ, йигитлар! Қани, фонусни бер бу ёққа!

Зум ўтмай ичкаридан аёл кишининг «нима қияпсизлар?» деган қўрқинч тўла хитоби эшитилди. Кимдир «ая, ая» деб йиғлаб юборди. Тўлаган ўша томонга юра бошлаган эди, Соат кўлидан тутди.

—Қимирлама! Биқинингдан дарча очиб қўяман.

Айвонга аввал ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги куйлакчан қиз, кетидан нимча кийган дўмбоққина аёл югуриб чиқди. Иккаласининг ҳам сочлари тўзғиб кетган, қиз қўрқиб йиғларди.

— Нима гап? Кимсизлар?— деди аёл кўзлари ваҳимадан катталашиб.

— Сиз, хоним, тек туринг!— деди Соат вазминлик билан.— Керак бўлса, сизниям чақиртирамиз.

Йўқ, Фотима уни танимади.

Йигитлар бирпасда уйнинг тит-питини чиқариб юборишди. Ҳовлининг бурчак-бурчакларига кириб чиқишди. Китоблару қоғоз-дафтарларни айвонга уйиб қўйишди.

Фотима гап нимадалигини тушунди шекилли, қизини бағрига босган кўйи ҳайкалдек қотиб қолди. Тажрибаси бор-да! Обиск дегани нима эканини билади! Тўлаган ҳам миқ этмай безрайиб турар, фақат қизалоқ қўрқувдан дағ-дағ титраб, йиғлар эди.

— Мана, ўртоқ полковник,— йигитлардан бири айвон пешида туриб, Соатга ихчам Қуръонни узатди.

— Болаларга математика ўрнига Қуръон ўқитяпман дегин!— Соат Тўлаганга қараб истехзоли кулди.— Хэх, хэх, хэх!

— Уларникимас!— Фотима қуюндек учиб келиб, Қуръонга ёпишди.— Меники, отамдан қолган ёдгорлик. Беринг бу ёққа!

— Нарн тур, илонвачча!— Соат тирсаги билан бир туртган эди, Фотима тисарилиб бориб, айвон пешига ўтириб қолди. Икки ўрим узун сочи кўксига ёйилиб тушди. Этаги кўтарилиб, жиякли узун иштон остидаги бўлиқ сонлари лорсиллаб кетди. Соат Фотиманинг юзлари оппоқ, силлиқ эканини идрок этди. «Шунақа чиройли жувон бўпти-да!» деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди.

— Хэх!— деди кулиб. Қуръонни шошилич варақлади. Орасида ортиқча қоғоз йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, китобни парча-парча қилиб йиртди. Ерга улоқтирди-да, тепкилай бошлади.— Мана сенга ёдгорлик! Мана!

Шахдам юриб борди-да, Фотиманинг нимчасини тортқилаб еча бошлади. Фотима жонҳолатда нимчасини чангаллаб Соатга ҳам қўрқув, ҳам ҳайрат билан термилди. Кўзлари катта-катта, чиройли эди. Бир вақтлар Соат бехосдан қор отганда йиғлаган кўзлар.

Орқа томондан Тўлаганнинг таҳдидли овози келди.

— Нима қияпсан, Соат?

Соат ижирғаниб бурилди. Тўлаган кўзлари ғазабдан ёниб шу томонга талпинди, йигитлардан бири рўпарасида тўппонча ўқталиб турар эди.

— Қўйвор! Қўйвор аямни!— Айвон бурчагида қунишиб турган қизалоқ қуюндек учиб келиб, Фотиманинг елкасидан кучоқлаб олди.— Дадажон! Айтинг, аямга тегмасин! Фотима Соатни энди таниди. Кўзидаги қўрқув ўрнини нафрат эгаллади.

— Чўнтагингни кўрсат!— деди Соат совуқ қатъият билан.

Фотима елкасига осилган қизини кифти билан нари итарди. Нимчасини ечаётганида кўкраклари диркиллаб кетди. «Керак бўлса, олақол!» дегандек нимчани ерга улоқтирди. Нимча чўнтагида ҳеч нима йўқ экан. Соат Тўлаганга ўгирилди.

— Олдимга туш!

Тўлаган бир қадам юриб тўхтади.

— Фотима,— деди видолашгандек оҳангда.— Қурбонойни эҳтиёт қил. Сени Худога, Қурбонойни сенга топширдим.

«Қурбоной эмиш! Хўп топибсанми, қизингни отини! Демак, Қурбон ҳайитида туғилган. Мактабда ўқитувчилик қиласан, уйингда Қуръон ўқийсан... Илон! Мунофиқ!» Қизалоқ ҳамон онасини кучоқлаб турар, чамаси дадасининг олдига учиб бориб бўйнига осилгиси келар, аммо нотаниш «амаки»дан қўрқар эди.

— Марш!— деди Соат.— Бизни куч ишлатишга мажбур қилма!

Шу пайт Фотима ўтирган жойида у ёқдан-бу ёққа тебрана бошлади.

— Эй, поко парвардигор!— деди икки қўлини осмонга чўзиб.— Бу золимларгаям боққан бало борми, Худо!

— Ая, туринг, аяжон!— Қизалоқ йиғлаб Фотиманинг қўлидан торта бошлади,— Дада, айтинг, аям йиғламасинлар!

— Илоё Қуръон урсин сени, билдингми?— Фотима кўзлари ўтдек ёниб Соатга чақчайди-да, тиззаларига шапатилаб, фарёд солди.— Қуръон урмаса, розимасман. Отанинг арвоғи урмаса, розимасман! Болаларинг етим бўлиб, чирқиллаб қолмаса розимасман! Мунча шўрпешона бўлмасам, Худойим!

Ҳаммаси бир гўр. Урмон четида укаси ҳам шунақа саннаган эди. Ҳаммасини отиш керак, битта қўймай!

Соат йўлакка етганида беихтиёр бурилиб қаради. Фотима айвон пешида ўтириб ҳамон айюҳаннос солар, қизи эса бўйнидан кучиб йиғларди. Фотима шу ўтиришда ҳам қандайдир... жозибали эди.

Соат мийиғида кулиб қўйди.

«Хэх! Майли, қарғайвер-чи! Кўрамиз ҳали, қандай сайраркинсан? Мана шу қўлларинг билан елкамни силаб, мана шу тилларинг билан «Соат акажон», деб эркаламасанг, отимни бошқа қўяман!»

### ҲАМКАСБЛАР СУҲБАТИДАН

— Хў-ўш, коллега, ишлар қалай?

— Саломатмисиз, ўртоқ Комиссар? Марҳамат!

— Васильевнинг сўроғидан бирон наф чиқдимми?

— Васильевнинг юз фоиз алибиси бор, ўртоқ Комиссар. Жиноят содир бўлган куни у ҳушёрхонада ётган.

— Ҳм... Хўш? Хотини-чи? Шоматовнинг хотини нима дейди?

— Нима дерди? Уша гап. Эрталаб сутга чиққан. Қайтиб келиб, рўй берган ҳодисани кўрган. Чиндан ҳам ўша куни оператив группа етиб борганида Шоматова уйида эди.

— Уйида дегин? Хэх! Кечаси қаерда тунаган экан ойимча?

— Гувоҳлик беришича, тун билан уйда бўлган.

— Хотин кишининг макри қирқ эшакка юк бўлади! Эрталаб сутга чиққан эмиш! Уша куни сутга чиқмаган! Чикса, мен кўрардим, мен!

— Аниқми шу гап?

— Мен ноаниқ гапирмайман, коллега! Бундан ташқари... Суриштириб кўрдингми, Шоматов уйни қандай қилиб олди экан?

— Ўртоқ Комиссар... Улган одамни маломат қилиш...

— Мен учун ўлик-тирикнинг аҳамияти йўқ. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман.

— Шоматов Афғонистонда жанг қилган. Навбатсиз уй олишга ҳаққи бор!

— Жанг қилганмиш! Эйтиборингиз учун, ўртоқ терговчи, горисполкомнинг уй тақсироти комиссиясида камина ҳам борлар! Бир мажлисда бу боланинг ўзини тутишини кўриб, аниқ хулосага келганман. Уй нари турсин, молхонани ҳам раво кўриб бўлмасди унга...

— Ўртоқ Комиссар... Шоматов ҳалол жанг қилган. Контузия бўлган, жароҳатланган. «Жасорати учун» медали бор...

— Жасорат эмиш! Кўрганмиз бунақаларни! Ҳозирги особистларга ҳайрон қоласан киши! Бир-биридан ландовур! Бўпти... Муваффақият тилайман! Маслаҳатим шуки, Шоматовани қаттиқроқ сиқувга ол. Ҳа, айтганча, Қурбоной деган хотин бор. Тулаганова Қурбоной. Фаррош... Кирмаган эшиги йўқ. Ҳақиқий наводчица! Ушаниям... бир обработка қилиш керак.

### РУСТАМНИНГ БИРИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

...Кундалик ёзиш — қизларнинг иши. Қизларда бунақа «касал» шоирлар айтмоқчи, «шудринг томчисидек мусаффо қалбига илк муҳаббат чўғи тушгач» пайдо бўлади. Ўз хаёлида муҳаббат деб аталмиш қасрни бунёд этади. Хаёлий Малика, хаёлий Шаҳзода-сига айтолмаган гапларни қоғозга туширади... Езаверади... Езаверади... Бир куни кўз ёшларидан суйкалиб кетган дафтарни сирдош дугонасига ўқиб беради. Икковлари бир хонага кириб олиб, тонготар пичир-пичир қилишади...

Шуям машғулот бўлди-ю! Тажаннинг қум барханларида устингдан қора комбине-

зон, ичингдан ўн саккиз килоли ўқ ўтмас нимча кийиб югуришнинг ўзи бўладими? Фақат бир нарсани орзу қиласан: тўйиб сув ичсанг-да, ётиб ухласанг... Қоғоз қоралашни ким қўйибди сенга, солдат!

Шунақа-ку, барибир ёзишим керак. Эрта-индин Афғонистонга «ташлашлари» аниқ. Худо насиб ётиб, уйга омон-эсон қайтсам эсдалик бўлиб қолади. Бир нарсани аниқ биламан. Дафтарни ҳеч ким кўрмайди. Ҳеч ким! Ойим ҳам, (дадамнинг вақти йўқ), акам ҳам... Шаҳноза ҳам. Умуман ҳеч ким! Мен уни ҳеч кимга кўрсатмайман! Нима кераги бор?!

### Май ойининг йигирма учинчи кун

Военкомат дегани қассобхонадек гап. Қайси молни қачон сўяди, қандоқ сўяди — қассобнинг иши. Дўхтирлари ҳам баайни мол дўхтири!

Болаларни трусичан қилиб кўяди-да, худди молнинг қанча тош босишини чамалагандек, тортиб кўради. Кейин бўйингни ўлчади. Бошингни, белингни, оёғингни... Турна қатор турасан.

Бир томонда дўхтирлар. Бир томонда ярим яланғоч «призывниклар». (Энди сенлар одам эмас, ҳамманг бир хилда «призывник»сан). Қулоқ солиб турсанг, антиқа савол-жавобларни эшитасан...

— Шикоятинг борми?

— Бор. Бошим оғриydi. Кечалари ухламай чиқаман, дўхтир!

— Менинг бошим ёрилиб кетай деяпти. Ут! Яроқли!

— Сен нима дейсан?

— Жигарим касал. Сарик бўлганман.

— Қачон?

— Уч йил аввал.

— Мен яқинда гепатит бўлиб, госпиталдан чиқдим. Яроқли! Следующий!

— Бир касалим бор-у... айтишга уялиб турибман, дўхтир...

— Гапиравер! Бу ер сенга хотинлар монастири эмас.

— Шу... кечаси... тагимни ҳўллаб чиқадиган одатим бор. Болалигимдан бери шу...

Ҳеч тузалмаяпти.

— Зарари йўқ! Мен кун ора «каттасини» қилиб чиқаман. Ут! Яроқли! Сен-чи! Сен нима дейсан?

— Тутқаноғим бор, дўхтир. Рост айтяпман. Ишонмасангиз, госпиталга ётқизиб текшириб кўринг.

— Шуюм касал бўптию! Мен кеча жиннихонадан қочиб чиқдим. Следующий! ...Қараб туриб ҳам кулгинг келди, ҳам йиғлагинг. Буларгаям осонмас. Ҳамма жойда план бор. Пахта плани, пилла плани, газлама плани... Военкоматники — одам плани! Бажариши керакми ахир? Европа томонларда хотинлар кам туғадиган бўлиб қолган. Бундан чиқди, Ватан ҳимоячиларининг ўрнини Урта осиелик болалар билан тўлдириш керак! План — қонуң дегани! Бажармай кўрсин-чи?

— Шикоятинг борми?

— Йўқ!

Дўхтир қалин гардишли кўзойнаги устидан менга олайиб қаради.

— Ҳеч касал бўлмаганмисан?

— Йўқ!

— Маладес! Спорт билан шуғулланасанми?

— Ҳа!

— Қайси тури билан?

— Каратэ. Сарик белбоғим бор.

— Маладес. Ут!

Каталакдек хонага кирдим. Бояги «беморлар» тагин сўроққа тутилди.

— Ҳунаринг борми?

— Йўқ.

— Уқийсанми?

— Ҳа!

— Нечанчи курсдасан?

— Биринчи.

— Сен-чи?

— Иккинчи.

— Имтиҳонларингни топширганмисан?

— Йўқ, ўртоқ капитан. Битта қарзим бор.

— Меники иккита.

Навбат менга келди.

— Ҳунаринг борми?

— Шўпирман. Курсни битирганман.

— Уқийсанми?

— Уқийман.



- Нечанчи курс?
- Биринчи.
- Имтиҳонларни топширганмисан?
- Топширганман.

Ранги заҳил капитан ҳужжатларим солинган папканинг тепасига қизил қалам билан йўғон қилиб «А-20» деб ёзди.

Индамай турган эдим, тушунтирди.

— Боравер, бир ҳафтада повуска оласан.

— Айтинг-чи.— дедим кўнглим ғаш тортиб.— Мен қаерга боришим мумкин?

— ТуркВО ихтиёрига.

— Қанақа қисмга? Тахминан қаерга?

— Билмайман!— Капитан пашша кўригандек кўлини силкитди.— Следующий! Юрагим шиф этди. Демак — Афғонистонга жўнатади.

Ташқарига чиқсам, бояги — мендан олдин навбатга турган талабалар гурунглашиб, сигарет тутатапти.

— Бир эмас, учта имтиҳондан қарзим бор, деб кўя қолмадинг-да, Роберт! Бу — салдофонлар билиб ўтирибдими!

Индамай нари кетдим. Нуқул ўзимни сўкаман. «Аҳмоқ! Мақтанчоқ эшшак! Каратга бало бормиди! Ҳайдовчилик гувоҳноманг борлигини айтиб нима қиласан? Ақалли битта заҳётдан қарзим бор десанг-ку, кузги чақириққача тинч кўярди!

Заҳил капитан «А-20» деб ёздими? ТуркВо ихтиёрига ўтасан, дедими? Тамом!

Авваллари болаларни Ленинградга борасан, Литвага юборамиз, деб лақиллатганда, шаппа босиб, Афғонга олиб кетган. Капитаннинг гапидан кўриниб турибдики, энди алдамай кўйишибди. «Афғонистон» демади-ку, ақлинг бўлса, тушуниб олавер, қабилида гапирди... «Бир ҳафтада повуска оласан» дедими? Бундан чиқди...

Соатга қарасам, тўртдан ошибди. Шаҳноза уйига келган бўлиши керак. Метродан кўнғироқ қилдим. Телефондан одатдагидек ингичка, эрка овоз эшитилди.

— Алё-ё-ё! Ким бу-у-у?

Овозидан танидим: Шаҳнозанинг синглиси. Опасини чақириб бергунча одамни қон қилиб юборади.

— Илтимос, Шаҳнозани чақиринг.

— Ким ўзи бу-у?

Авваллари қизалоқнинг эркалигига кулиб кўя қолардим. Бу гал ғашим келди. Ҳали Пискентга ҳам бориб келишим керак.

— Чақир Шаҳнозани!— дедим зарда билан.

Бахтимга Шаҳноза яқинроқ жойда экан шекилли, телефон қулоғидан «бер бу ёққа, жинни!» деган товуш эшитилди.

— Шаҳноза,— дедим иложи борица вазминлик билан.— Бир соатдан кейин кўришсак... «Ўзимизнинг» жойда.

— Тинчликми?— Шаҳнозанинг овозида хавотир бор эди.

— Тинчлик!— дедим кулиб.— Жудаям кўргим келяпти сизни.

Шаҳноза атлас кўйлак кийиб, сочини бежирим турмакляб олибди. Анҳор бўйида, наъматак тагидаги харракда ўтирибмиз. Нариги соҳилда калта иштони жиҳқа ҳўл қорақура болалар кий-чув солиб чўмиляпти. Бошимиз устида ярим-ёрти гулини тўккан наъматак шохлари эгилиб турибди... Тиканлари ҳали қотмаган. Юзингга, бўйинингга урилса, оғритмайди... Фақат қитиқлайди... Эрта-индин беозор бу тиканлар найзадек қайрилиб, ҳар биттаси ўққа айланиши мумкин... Қизиқ, ўқ тегса қандай аҳволга тушаркин одам!..

— Нима гап?— деди Шаҳноза кўзимга термулиб.

Мунча чиройли бу кўзлар! Мунча ақлли! Мунча жозибали, бу қайрилма киприклар! Ҳозир... Капалак қанотидек бир-икки силкинади-ю... айнан юракнинг ўзини сўраб турган кўзлардан ёш оқади...

— Ҳеч гап йўқ...— дедим илжайиб.— Шунчаки, сизни соғиндим. Кўргим келди. Ёмонми шу?

Шаҳноза анойи экан-да! Кафтлари билан юзимдан беозор тутиб, ўзига қаратди.

— Ростини айтинг...

— Нимани?

— Рустам ака?— Шаҳноза кўзимга узоқ, синчков тикилди.— Ёлғон гапиришни эпполмайсиз. Айтинг, нима бўлди?

— Чақиршиди...— дедим хушчақчақ гапиришга уриниб.— Бир ҳафтада кетсак керак.

Шаҳноза кафтини бўшатди.

— Қаёққа?— деди аламнок ўйчанлик билан.

Ярқ этиб қарасам, елкасини харрак суюнчиғига ташлаганча номаълум нуқтага, осмонга термулиб ўтирибди. Чеҳраси шу қадар хомуш, шу қадар аянчли эдики, кўрқиб кетдим.

— Билмайман,— дедим ростини айтиб.— Билмайман... Ҳарқалай, чет элга бўлса керак. Германиями, Мўғулистонми...

Шаҳноза қилт этмай ўтирар, ўзи ёнимда-ку, хаёллари узоқ-узоқларда кезаётганини ҳис этиб турардим.

— Қўй энди, Шаҳноз...— дедим умримда биринчи бор сенсираб.— Кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади.

Анчадан кейин осойишта бурилиб қаради.

— Алдаманг!— деди овози титраб.— Алдаманг, Рустам ака! Афғонистонга юборади.— Тўсатдан ўкраб йиғлаганча бўйнимдан кучоқлаб олди.— Ўзингиз хоҳлагансиз! Ўзингиз айтгансиз!— деди чинқириб.— Аҳмоқсиз! Аҳмоқ! Мени ўйламадингизми?

— Жиннимисан?— дедим ҳансираб.

— Рустам ака! Нега унақа қиласиз, Рустам ака!

Кўз ёши оқиб турган юзларидан, лабларидан ўпарканман, титрар эдим.

Бирин-кетин ёпирилиб келган аламли, аёвсиз саволлар юрагимни ёғимлар, дод деб юборгим келарди. «Сен аҳмоқ, сен галварс, нега қадрига етмадинг шундай қизни! Эслаб кўр! Бирон марта, ақалли бирон марта айтдингми? «Сени яхши кўраман, сенсиз менга у дунёю бу дунё қоронғу», дедингми? Сенинг нимангни севади бу қиз?»

— Шаҳноз...— дедим ялиниб.— Қўй энди, Шаҳноз! Худо урсин! Рост айтяпман. Ҳали қаёққа боришимиз маълум эмас.

У эса ҳамон йиғлар, бўйнимдан, юз-кўзимдан, лабимдан тўхтовсиз ўпар эди. Вужудим таранг тортилиб кетган, Худо ҳаққи, бунақа паллада шайтон эркак кишини ҳар кўйга солиши мумкинлигини ҳис этиб турардим.

— Шаҳноз,— дедим энтикиб.— Шаҳноз... Илтимос. Жон Шаҳноз...

— Мен сизни кутаман, Рустам ака! Кутаман...— У илкис кучоғимдан чиқиб ёш тўла кўзлари билан илтижо қилди.— Э, Худо! Борлигинг рост бўлса, раҳминг келсин. Караминг кенглигинг рост бўлса, шафқат қил бизга!

Тўсатдан жимиб қолди-да, менга ўгирилди.

— Агар...— деди пичирлаб.— Агар... сизга бир нима бўлса...— Кўз ёши аралаш жилмайди. Эрқаланиб елкамга бошини ташлади.— Худога ишонасизми?— деди тўсатдан. Жавобимни кутмай, хўрсинди.— Кўнглим сезиб турибди. Сиз соғ-саломат қайтиб келасиз.— Бирпас ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди.— Рустам ака... Мен... кутаман. Келинг, бир нарсани келишиб оламиз. У ёқдан қайтган кунингиз мана шу ерда, худди шу ерда учрашамиз. Хўп?

### Май ойининг охирилари

СССРнинг энг совуқ нуқтаси — Оймакон, энг иссиқ нуқтаси — Кушка, дейишади. Билмадим! Менга қолса — СССРнинг энг иссиқ жойи — Тажан! Ҳаммаёқ саҳро. Қум барханлари... Ковушдек жағини осилтирган кўйи сўлак оқизиб юрган тўяқарни, рўпарангдан чиқиб қолса, икки лунжини шишириб одамни қўрқитиш учун вишиллаб қўядиган, «саҳро тимсоҳлари» — эчкиэмарларни ҳисобга қўшмасанг, тирик жонзод йўқ ҳисоби! Шунақаям худо қарғаган жой бўладими? Хаёлингга яқкаш бир ўй чарх уради. «Сув! Сув!» Қани энди, Тошкентда кўча четида шовиллаб оқиб турган жўмракка шундоқ лабингни боссанг-да тўйгунча, ёрилиб кетгунча ичсанг! Ёки Пискентдаги сойнинг ажриқлар қоплаб ётган соҳилига ётиб олсангу юз-кўзингиз сувга ботириб, ичаверсанг... Ичаверсанг...

Эрталаб томоғинг қақраб, кўзларинг ачишиб уйғонасан. Сув эмас, аллақандай тахир сарғиш нарса ичасан. Темур ака тушунтирди: бу ернинг сувини ичиб бўлмас экан. Аскарлар орасида сариқ касали тарқалганмиш. Шунинг учун сувга янтоқ қўшиб қайнатиб бераркан. Флягангдаги сув кун чиқмасдан қизиб кетади. Бурама қопқоғига бир қултум қуйиб ичсанг — томоғингни ачиштириб, баттар чанқатади. Кечқурун ётаётиб, тагин хаёлингга ўша гап чарх уради. «Сув! Бир қултум, ақалли бир қултум муздеккина сув бўлса-чи!»

### Июнь ойининг бошлари

Туш кўрдим. Олма тагидаги сўрида ўтирган эмишман. Сўри остидан шарқираб сув оқаётганмиш. Ҳовучлаб ичаверибман-ичаверибман. Чанқоғим ҳеч босилмасмиш. Бир маҳал ойим коса олиб чиқибди. «Вой болам-ей! Ҳалиям ёш болага ўхшайсан-я! Косада ичақолмайсанми», дебди. Косани ботирсам, сув қумга айланиб қолибди.

### Июнь ойининг ўрталари

Қумлар орасида «Душман шахарчаси» бор. Бўлажак «душман объекти» тахминан шунақа. Пахса деворли пастак ўйларга «ҳужум» қиламиз. «Душман» бизни «ўзқа тутати». Биз бостириб борамиз. Ҳаммаси ҳарбий тактикага мувофиқ қилинади. Разведгруппа... Сапёрлар. Зирҳли қисмлар: Т-62 танклари, БТРлар, кейин пьёдалар...

Мақтабда ўқиб юрганымда дадамнинг «Нива»сини ҳайдаб, права олганим яхши бўлган экан. Танкчиликка ўқитяпти. Темур аканинг айтишига қараганда, «у ёқда» айниқ-

са сапёрларга қийин бўлармиш. Темир қутида ўлиги келаётганларнинг кўпчилиги — сапёрлар эмиш.

### Июнь ойининг охирлари

Замполит тагин мажлис қилди. Социализм душманлари Афғонистондаги Савр инқилобини бўғиб ташлашга жон-жаҳди билан уринаётганини, ўзининг интернационал бурчини адо этаётган совет жангчилари порлоқ ғалабаларга эришаётганини айтди. Афғонистон Совет Давлати билан тарихда биринчи бўлиб дўстлик битимини тузган қардош мамлакат эканлигини, эрта-индин биз ҳам Афғон тупроғига кириб Ватан олдидаги йигитлик бурчимизни адо этажамизни тушунтирди.

### Июнь ойининг охирлари

Бир йўла иккита хат олдим. Биттаси — акамдан, биттаси — Шаҳнозадан.

Акам дадамнинг, ойимнинг, келинойим, жиянларимнинг номидан қизгин дуойи саломлар йўллабди. «Мабодо у ёққа олиб кетишса, Мўғулистонга тушдик, деб ёзавер, бўлмаса ойимлар Рустам борган шаҳарининг адресини нега ёзмайди, деб шубҳаланадилар», дебди. Акамнинг гапи жўяли. Конвертга барибир «Полевая почта» деб ёзилади-ку.

Шаҳнозанинг узундан-узоқ хатида қайта-қайта такрорланган бир илтижо бор эди. «Ўзингизни асранг! Мен сизни кутаман. Соғиниб-соғиниб кутаман!»

### Июль ойининг бошлари

Экипажимиз тўрт киши. Мен — командир. Темур ака механик ҳайдовчи. Саша — отувчи. Хайриддин — ўқловчи.

Машқ пайти танкнинг ичи дўзахдек ёниб кетади. Люкни очсанг, қум тўзони ёпирилиб киради. Тўрт-бешта снаряд отмасингдан танк ичи порох исига, тутунга тўлиб, бўғиб ташлаётгандек бўлади.

Биров йўталади, биров хириллайди... Фақат Темур ака — бепарво.

— Қўявер, ука! — дейди нуқул қўл силтаб. — Ҳали «у ёқда» шунақанги тутунларни кўрасан-ки...

Темур аканинг ёши ҳаммамиздан катта — бақувват, чайир йигит. Бир гал ечинганида кўрсам, кўкрагига нина билан ўйиб бургутнинг расми солинган экан. Чап билагида «Темур» деган кўкимтир ёзув.

— Нима бало, граждандакда рассом бўлганмисиз? — десам, кулди.

— Ҳар бало бўлганман, ука! Сўрама!

Хайриддин — Темур аканинг акси — гавдаси муштдеккина. Қизларнигига ўхшаган чиройли кўзлари ўйчан боқади. Айтишига қараганда Форишда турадиган онасидан бўлак ҳеч кими йўқ экан. Педагогика билим юртини битирган заҳоти армияга олибдилар. Хайриддин — художўй бола. Пайқашимча, намоз ўқигиси келади-ю, атрофдагиларга кулги бўлишдан истиҳола қилади. «Бандасининг боши оллонинг тоши», — дейди чоллардек салмоқлаб. — Худо хоҳласа юртимизга омон-эсон қайтамиз, жўра... Кўнглим сезиб турибди.

«Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деганлари рост экан. Танк экипажида энг «қора касб» — ўқловчи ҳисобланади. Хайриддин ўрисчани яхши билмагани, ювошлиги учун ўқловчи бўлиб қолган... Бироқ ўз юмушини сидқидилдан бажаради. Баъзан муштдек жасади билан ҳар бири салкам қирқ килоли снарядларни кучаниб ташишини кўриб, раҳмим келади. Ёрдам берай, десам ийманиб рад этади... «Кўйинг жўра, сиз — командирсиз...»

### Июль ойининг ўрталари

Шаҳноза иккаламиз анҳор лабида, ўзимизнинг наъматак тагида ўтирган эмишимиз. Сув ичгим келармиш... «Шаҳноза сув бергин, сув!» десам, ҳовучида сув олиб узатармиш-у, оғзимга олиб келиши билан ҳовучи орасидан тўкилиб кетармиш... Чўчиб уйфондим. Томоғимда ўт ёнаётганга ўхшарди.

### Август ойининг охирлари

Темур ака ғалати гап айтди.

«Фирт аҳмоқ экансан, Рустам! Масалан, мен эртага ўлиб кетсам, ачинадиган одамим йўқ. Етимхонада ўсганман. Мен-ку, майли! Афғонистонда пишириб кўйибдимми сенга! Ана! Қанча солдатларнинг оталари ўртага тушиб, боласини бошқа қисмга ўтказяпти. Бири «касал» бўляпти, бири бошқа баҳона топяпти. Отанг раис бўлса, депутат бўлса, йўлини қилолмайдимми? Офицерда нафс йўқ деб ўйлайсанми?»

Ўйлаб қарасам, Темур ака рост айтаяпти. Қанча болалар бошқа қисмга ўтиб кетди... Шунақа-ку, Афғонистонга боришимиз мумкинлигини фақат акамга айтганман. Башарти бу гапни акамдан эшитган тақдирда ҳам дадам бу ишга бош қўшмайди. Одатини биланман-ку!

Хайриддин қизиқ гап айтди.

— Эрта-индин «у ёққа кетамиз».

— Қаёқдан биласиз?— десам, маънос кулумсиради.

— Туш кўрдим, жўра... Кетяпган эмишман, йўлнинг охири кўринмасмиш.

### 29-сентябрь

«ИЛ-76» самолёти бунчалик катта бўлишини билмаган эканман. Қанор қопга туршак босгандек тикдилар. Биров тик турибди, биров тўрвасининг устида ўтирибди. Самолётнинг темир «қорнида» чўккалаб ўтирган Хайриддин бир нималарни пичирляпти. Овози эшитилмайди-ю, лаби қимирлаётганини кўриб турибман. Моторнинг гувиллаши қулоқни қоматга келтиради. Негадир ҳаммаёқ совиб кетди. Юрагимнинг туб-тубида кўрқув пайдо бўлди. «Худо, ўзинг паноҳингда асра!» дедим унсиз илтижо қилиб. Бир маҳал аллаким елкамга туртгандек бўлди. Темур ака! Енимда турган экан. Эйтибор бермабман. Кулиб, нимадир деган эди, эшитмадим. Қулоғимга эгилиб бақирди.

— Қўрқма! Бир бошга бир ўлим!

Анчадан кейин самолёт пасая бошлади. Қулоқларим шанғиллаб кетди. Уша заҳоти дум томонда ғалати шувиллаган овоз эшитилди. Самолёт ортидан муттасил мушак отилиб чиқа бошлади. Қутимиз ўчиб, ҳаммамиз аланг-жаланг бўлиб қолдик. Хайрият, самолёт ҳамон учиб борар эди. (Кейин тушундик: кўниш олдидан учувчилар самолётдан ракета чиқарар экан. Мақсад — душман «Стингер»ини чалғитиш: «Стингер» учиб боратуриб «иссиқ объект» томонга буриларкан. Агар самолётдан ракета отилса. «Стингер» моторга эмас, ўша ракеталарга бориб уриларкан. Худого шукр: омон-эсон кўндик.

Ерга қадам босишим билан Хайриддин огоҳлантирди.

— «Бисмилло» денг, жўра! Бу тупроқда аждодларимиз ётибди.

Айтганини ихлос билан адо этдим.

Бунақанги қаттиқ шамолни энди кўришим. Қўйиб берсанг, думалатиб кетади. Ҳаммаёқ чанг-тўзон. Аэродромда самолётлар, вертолётлар қаторлашиб кетган. Худди пана-панада душманлар яшириниб олгандек. Автоматини айнан менга ўқталиб тургандек, бошимни ичимга тортдим. Қарасам, бошқа болалар ҳам билаги билан шамолдан кўзини тўсганча, олазарақ аланглаб боряпти.

«Урал» машиналарига ўтқозишди. Карвон тизилиб йўлга тушди. Ипдек чўзилиб кетган иланг-биланг йўл гоҳ юқорига ўрмалайди, гоҳ пастга шўнғийди. Ҳамон шамол гувиллайди. Бир томон яланғоч тоғлар, бир томон — чўл.

— Қаранг, жўра, қаранг!

Енимда ўтирган Хайриддин елкамга туртди.

Урушнинг изи қанақа бўлишини биринчи бор кўрдим. Шундоқ йўл четида мажонланган «КамАЗ»лар, портлаб, ёниб кетган бензовоз қолдиғи, танк занжири, дабдаласи чиққан, ёнбошлаб қолган БТРлар ётибди. Ҳов, пастда, жарлик орасида вертолёт бўлаклари кўзга ташланади. Парраклари ғайритабиий қийшайиб кетган...

Қисмимиз Фарах шаҳрига яқин жойда экан. Манзара деярли ўша-ўша. Бир томон — қизғиш қояли тоғлар, бир томон қумли саҳро. Пастда лойқаланиб оқаётган илонизи сой кўринади...

Кечаси ўқ товушидан уйғониб кетдим. Пастда, чамаси сой томонда вақти-вақти билан автомат тариллаб кўяр эди. Совуқ... ухлагша кўрқдим.

### Октябрь ойининг бошлари

Казармаларимиз ғалати: девори фанердан ясалган. Икки қават фанер орасига қумми, нима бало солинган. Эллик қадамча нарида офицерлар учун қурилган модул. Бу бино ҳам казармадан фарқ қилмайди... Аскар болаларга разм солиб, бир нарсани англадим. Ҳаммасининг ранги заъфарон. Ҳаммаси бадқовоқ...

Қисмда бемалол, ясан-тусан қилиб юрган аёлларни кўриб, кўнглимда таскин уйғонгандек бўлди. Бундан чиқди, душманнинг ҳужум қилиш хатари йўқ.

### Октябрь ойининг ўнинчи кўни

Темур ака «Охотничий» сигарет чекиб ўтирибди. Бир ўзи эмас. Уч киши. Булар биз билан келган «чижик»ларми, аввалдан хизмат қилаётган «қария»ларми, ажратолмадим: ҳаммакиз аралаш-қуралаш бўлиб кетганмиз. Учови бир сигаретни галма-гал чекапти.

— Тортасанми?— деди Темур ака негадир илжайиб.

— Мен сигарет чеккан эмасман,— деган эдим, яна кулди.

— Сигарет эмас, бу, чарс!

### Эртаси кўни

Дунёда энг қудратли, энг енгилмас, энг иноқ... шонли Совет Армияси ҳақида телевизорда ҳафтада бир кўрсатув бўлишини биласиз. Менга қолса ўша томошада «дедовшина» қанақа бўлишини кўрсатган бўлардим. Янги келган «чурик»ларни хўрлашни,

миллатчилик қилиб дўппослашларни... Мен-ку, ўзимни ҳимоя қилиш қўлимдан келади. «Қариялар» Хайриддинни хўрлай бошлашди. Гоҳ халажой тозалатади. Гоҳ «бичок» теришга мажбур қилади. Темур ака биринчи кунларданоқ «қариялар» билан тил топиши олгани яхши бўлган экан. Кечқурун Хайриддинга зуғум қилаётганлардан иккитасини чақириб олди-да, «тушунтирди»:

— Эшитиб қўй, земляк! Мен — «блатной»ларданман. Биринчи жангдаёқ отиб ташлайман! Иккаланганим!

### Октябрь ойининг йигирманчи кунини

Олисда юрган одамга юртидан келган ҳар бир хат — битта байрам. Шаҳнозадан хат олдим. Суратингизни юборинг, соғиндим, дебди.

### Эртаси кунини

— Ҳалиям бўлса, чарс тортишни ўрган!— деди Темур ака.— Ажойиб нарса-да, лаънати!

— Қўйинг, ака,— деди Хайриддин ялиниб.— Ўргатманг шунга.

Чарс дегани — наша экан. Қисм атрофида ўралашган жулдурвоқи афғон болалар чарс олиб келиб, алюмин қошиққами, керосин ёки дудама мушакками алишиб кетаркан.

Экипажимиз деярли ўзгармади. Хайриддин ўқловчи, Саша — отувчи... Фақат Темур ака разведкачилар батальонига тушиб қолди.

Комбатга илтимос қилдим.

— Ўртоқ капитан, экипажимизда механик ҳайдовчи Жўраев Темур бор эди,— деб гап бошлаган эдим, офицер жеркиб берди.

— Бас қилинсин!

— Парво қилма!— деди Темур ака юпатиб.— Менга барибир.

Кейин ўйласам, капитан тўғри қилган экан. Экипажимизда жанг кўрган бирон киши бўлиши керак-ку, ахир!

### Октябрь ойининг бошларини

Бугун илк бор ўлим шарпасини сездим. Постга келганимизга бир ҳафта бўлди. Танкимизни катта йўл муолишидаги окопга жойлаштириб олганмиз. Атрофимизда қоялар сўппайиб турибди. Нарироқда снарядлар омбори. Юз йигирмата снаряд тахлаб қўйилган. Танкнинг ўзида қирқта снаряд. Гардез томон кетаётган «ип»ни қўриқлашимиз, хавфли муолишдан омон-эсон ўтказиб юборишимиз керак. Вазифамиз: рўпарадаги қоялар орасидан снаряд отилиб қолса, объект координатларини аниқлаб, ўт очиш.

Танк люкидан бошимни чиқариб қараб турибман. Ёмғир ёғаяпти. Олисда, иланг биланг йўлда «ип» кўринди. (Карвонни «ип» дейишади). Бирпасдан кейин рўпарадаги тоғдан гумбирлаган товуш эшитилди. Ғира-шира кўринаётган қоя ортида тутун бурқсиди. Осмонда ғалати товуш эшитилди: машина сувдан ўтаётганида, филдирак қандай вошилласа, ўшанга ўхшаган овоз. Ракета снаряди карвон яқинига тушиб портлади. Чамамда, карвонга шикаст етказмади.

Люкни ёпишим билан шлемофондан командирнинг буйруғи эшитилди.

— Размах етмиш олти! Координат,— деди тушунтириб.— Иш бошла! Бешта снаряд:

Бу бешта снаряд от, деган маънони билдирарди.

— Бешта снаряддан ўт оч!— дедим бақириб.

Танк силкиниб, ҳаммаёқни порох ҳиди тутиб кетди. Тримплексдан қараб турибман. Бояги жойда тагин тутун бурқсиди. Атрофимизда кетма-кет снарядлар портлаб, қоятошлар ағдарила бошлади. Танк зирҳига осколкаларми, тошларми чарсиллаб урилаётганини ҳис этиб турардим. Улар худди бошимга ёғилаётганга ўхшар, терлаб кетгандим.

— Яна бешта снаряддан ўт оч!

«У ёқ» томонда ҳам тошлар ўпириляпти. Снаряд тушган жойда тутун аралаш олов осмонга сапчияпти. «Карвон» шиддат билан гувиллаган кўйи муолишдан ўтиб, пастга шўнғиётганини тримплексдан кўриб турибман. Шу ердан ўтиб олса, бас, тоғ панасига яшириниб, хатарсиз жойга чиқади.

Механик Викторнинг ҳаяжонли хитоби эшитилди.

— Командир! Омборга ракета тушди!

Люкни очиш ниятида қўл чўзган эдим, Виктор сўкиб берди.

— Эсинг жойидами, командир! Снайпер Бур билан пойлаб турган бўлса, пешонангдан дарча очиб қўяди!

Ёнбош томонда гумбурлаган портлаш эшитилди. Танк жонҳолатда титраб кетди.

Шу захоти хаёлимдан ваҳимали ўй лип этиб ўтди. «Тамом! Омборда бир юз йигирмата снаряд бор. Ҳозир портлайди-да, танкни ҳам, тўртталамизни ҳам майда-майда қилиб ташлайди». Беихтиёр комбенизон киссасидаги автомат гильзасини пайпаслаб қўйдим. Ҳамма бажаришни шарт бўлган қоида бор: ўқ ўтмас нимча кийиш. Исми-шарифи, шахсий қуролининг рақами ёзилган қоғозни гильзага тиқиб, бирон жойига яшириб

қўйиш. Мабодо парчаланиб кетсанг ё куйиб кулга айлансанг, гильза барибир ёнмайди. Отингни билиб, уйингга «жасадингни» юборишади. Бу гаплар хаёлимдан бир соњияда кечди.

Гумбирлаш таѓин такрорланди. Шлемофон рациясидан взвод командирининг товуши эшитилди.

— Размах! Тирикмисан?

— Тирикман, ўртоқ командир!

— Нега ишламаяпсан?

Буйруқни беихтиёр такрорладим:

— Яна бешта снаряддан ўт оч!.. Ўртоқ командир, омборга ракета тушди. Снарядлар портлаяпти.

— Қўрқма!— деди командир тасалли бериб.— Ҳаммаси бирдан портламайди. Охириги снаряд ёрилгунча кутасан. Танкдан чиқиш таќиқланади.

Карвон ўтиб бўлган, душман ҳам ўт очишдан тўхтаган, аммо биз ёнбошимизда портлаётган снарядларнинг гумбурлаши, танкнинг титраб-қақшабини кутиб ўтиришга мажбур эдик. Танк ичи порох ҳидига тўлиб, қизиб кетган, Хайридин бўғилиб йўталар эди. Снарядлар эса шошилмай, битта-битта портлашда давом этарди.

— Қанча қолдикин, Виктор?— дедим ички алоқада.

— Ким билади дейсан!— Виктор чарс чекди шекилли, димоғимга ўткир ҳид урилди.

Шлемофонда командирнинг овози эшитилди.

— Шошма, Размах етмиш олти! Кутиб тур...

...Ярим кунча кутдик. Сўнги снаряд портлаб бўлганидан кейин ҳам йигирма дақиқалар пойлаб турдик.

Командирнинг буйруғи билан люкни очмоқчи эдим, кучим етмади. Елкамни тираб кўтарсам, қандайдир оғир юк нари сурилгандек бўлди. Люк қопқоғини харсанг босиб қолган экан. Юзимга муздек ҳаво, ёмғир урилди. Қарасам, снаряд омборининг ўрни ҳовузга айланиб қолибди. Замбаракнинг мис гильзалари бетартиб сочилиб, тутаб ётибди. Танкимиз тошлар уюми орасига кўмилиб кетибди.

### Ноябрь ойининг боши

Хосиятсиз туш кўрдим. Отам ҳовлидаги сўрида ётганмиш. Тагида кўрпача ҳам йўк, қуруқ тахта устида ётибди. Дада, кўрпача солиб берай, десам, индамайди. Нуқул йиғлайди. Дадамнинг йиғлашини ҳеч кўрган эмасдим. Қўрқиб кетибман. Ёнига югуриб борсам, дадам ғойиб бўлиб қопти.

Ярим кун хомуш бўлиб юрдим. Охири, Хайридинга дардимни ёрдим.

— Қизиқмисиз, жўра!— деди Хайридин кулумсираб.— Кўз ёши ёруғлик бўлади. Ниятни яхши қилинг, жўра! Яхши ниятгайм, ёмон ниятгайм фаришта омин дейди.

— Айтганингиз келсин,— дедим елкасидан кучиб.

Ажойиб йигит-да, Хайридин! Кўзлари шунақа самимийки, ичида ғубор йўқлиги шундоқ кўриниб туради. Танк ўқлаш эмас, бошланғич синф болаларини ўқитиш ярашади, Хайридинга!

### Ноябрь ойининг ўрталари

«Губба»га тушишимга бир баҳя қолди.

Худо ярлақаб, қисмга келган эдим. Онда-сонда постдан қисмга келиб-кетишга рухсат бўлади. (Ушанда ҳам «карвон»га қўшилишга ижозат тегса). Постдагиларга почта, сигарет, лезвие, совун дегандек майда-чуйдаларни олиб келиш сенинг зимманга тушади. Менга хат йўқ экан. Руҳим тушди. Шаҳнозадан-ку, ҳафтада хат келиб турибди. Қизиқ, уйдагилар нега ёзмайди? Тинчликмикан? Гарангсиб, магазинга кирдим. Магазин тушгача офицерларга, пешиндан кейин солдатларга хизмат қилади. Инсоф билан айтганда, дўконда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор: Югославия сигаретидан тортиб, япон магнитофонларигача, ялтироқ «сим» рўмолдан тортиб, шода-шода дурларга-ча...

Солдатлар ўзига теккан маош — «чек»ларга нима харид қиларди? Сигарет, зажигалка... Хайридин қуолтирилган сўт сўраган эди. (Нима қилсин, чўчка консерваси емайди, нуқул сутга ружу қўйган). Саша билан Виктор сигарет сўрашган...

Дўкон эшигидан киришим билан лабини беармон бўяган, совуқ бўлса ҳам кўксини ярим яланғоч очиб, бўйнидаги шода-шода дурни намойишкорона ялтиратиб турган сотувчи бобиллаб берди.

— Магазин ёпиқ, чиқ!

— Ҳозир очилди-ку,— деган эдим, негадир жаҳли чиқиб кетди.

— Переучет деб ёзиб қўйибди-ку, галварс!— деди бақириб.— Рус тилини биласанми ўзи?— Генераллардек қаддини ғоз тутиб буюрди.— Кругом марш!

— Эй, баба!— дедим ғазабдан титраб.— Сен ким бўпсанки, менга буйруқ берасан!

Кимдир билагимдан тутди.

— Юр, танкист, юр!

Жаҳл билан бурилиб қарасам, ёнимда бушлат кийган танкчи йигит турибди — ўрис йигит. Танимадим-ку, ҳарқалай ўзимизнинг батальондан бўлиши керак.

— Юр, земляк, юр,— деб ташқари судради.

Беш-ўн қадам юришимиз билан рўпарадан келаётган майорга кўзим тушди. Ўлганнинг кунидан честь бердим. Шилтиллашиб қор босганча нари кетдик.

— Эсинг жойидами, земляк!— деди танкчи овозини пасайтириб.— Олиша кўрма бу хотинлар билан. Эрига бир оғиз «ҳақорат қилди» деб шипшиб қўйса, нақ трибуналга тушасан, тентак!

— Кимнинг хотини у?— дедим ҳамон ғижиниб.

— Қаёқдан билай!— танкчи елкасини қисди.— Биронта каттароқ офицернинг «прокат»га олган хотини-да! Бу ерда ҳамма катталарнинг «вақтинча» хотини бор: сотувчи, кир ювувчи, ханитарка...— Нотаниш ҳамкасбим ғалати илжайиб қўйди.

— Тўғри-да! Ўлсинми, булар ҳам.— У елкамга дўстона қоқди.— Сен жангга кириб, ўлмай чиқсанг Ватан номидан раҳмат эшитасан, катта офицернинг «прокат»га олган хотини бўлса, Ватан олдидаги «хизматлари» учун орден олади! Билдингми!

Ниманидир англагандек бўлдим.

Янги келган кунларим кечалари офицерлар модули томондан қулоғимга бот-бот кириб турган гармон товуши, хотинларнинг қийқириғи, кулгиси эсимга тушди.

— Эҳ танкист, танкист!— деди ҳамкасбим аламнок илжайиб.— Содда экансан. Солдат уйига тирик қайтса дипломатига бир пачка сақич солиб кетади. Ушандаям таможняда олиб қўймасан! Офицер отпускага борса, чемоданларини самолётга чиқаргунча терлаб кетасан. Қаёқдан олади шунча нарсани?— Нотаниш танкчи овозини янаям пасайтирди.— Афғондан! Тушундингми? Афғондан.

Анграйиб қолганимни кўриб, тагин елкамга қоқди.

— Уруш ўз йўлига, ҳаёт ўз йўлига! Бизда нима кўп: дизтоплива, керосин, КамАЗ ғилдираклари, алюмин қошиқлар... Афғонда нима кўп: радиотехника, япон соатлари, латта-путта... Қарабсанки, савдо авжида. Воситачилар ҳам топилади, таржимонлар ҳам... Бир айтдим-қўйдим, танкист! Офицерни сен десанг ҳам, «прокат»га олган хотини сиз дегин!

### Уша кеча

Ғалати туш кўрдим. Тўйимиз бўлаётганмиш. Енимда Шаҳноза ўтирганмиш. Эғнида атлас кўйлак, бўйнида шода-шода дур. Негадир лабини қизил бўёққа қуюқ чаплаб олганмиш. Тўйга нуқул солдатлар, офицерлар келганмиш. Тагин ҳаммаси бегона одамлар... Муттасил гармон ғийқиллармиш. Шаҳнозани бағримга тортсам, қаршилик қилмасмиш... Негадир ёмғир ёғаётган эмиш. Қарасам, ёнимда ҳеч ким йўқмиш. Бир ўзим қолибман. Елғиз ўзим... Вужудим титраб уйғондим. Совуқ эди. Анчагача қаердалигимни билмай қарахт бўлиб ётдим. Охири, постдаги «уйчамиз»ни танидим. Печка ўчиб қопти. Саша, Виктор, Хайриддин уйқуни уряпти...

### Ноябрнинг охири

Бугун мен учун байрам бўлди. Бир йўла учта хат олдим. Акам уй ичилар тинчлигини, дадамдан асло хавотир олмастлигимни тайинлабди. Шаҳноза бўлса, ғалати гап айтибди. «Суратингиз жуда чиройли чиқибди... Пискентда Дилянинг холаси бор экан. Янги йил арафасида бориш келамиз деб қўймапти. Майлими, борсам!»

Учинчи хат устиги «Жалилов Турсунбойдан» деб ёзилган экан. Хайрон бўлдим. Қайси Турсунбой бўлди бу? Э-ҳа! Мендан уч йил олдин мактабни битирган Турсунбой ака-ку! Айтмоқчи, у ҳам Афғонистонда эди шекилли? Бундан чиқди, соғ-саломат қайтибди-да. Хайрият!

Турсунбой аканинг хати оғир таассурот қолдирди.

«Жон укам, сенинг олдингга гуноҳкорман, деб ёзибди у. «У ёқда» хизмат қилаётганини акангдан эшитган эдим. Холамлардан хабар олай деб кирибман-да, кўнгилларини кўтараман, деб қовун туширибман. «Хола, хафа бўлманг, Ҳозир Афғонистон тинчиб қолди, мана, ўзим ҳам хизмат қилиб келдим-ку, ҳеч кўнглингизни бузманг, эрта-индин Рустамжон ҳам келиб қолади», дебман. Уйга келсам, онам қаттиқ койидилар. Эсинг борми, аҳмоқ, холанг Рустамжоним Мўғулистонда хизмат қиляпти, деб юрибдилар-ку, дедилар. Қайтиб чиқдим. Бир нарса, ҳеч хаёлимдан кетмаяпти, жон ука... Ҳамон ўзимни гуноҳкор сезаман... Чиқсам, холам дарвоза олдида турибдилар. Офтоб ботаётган эди. Холам қиблага қараб узоқ илтижо қилдилар... Рости, олдиларига боришга юзим чидамади. Рустам! Укажон! Холамларга кўпроқ хат ёз. Ўзимнинг бошимдан ўтган, биламан-ку! Мен уйингдагилардан тез-тез хабар олиб тураман... Яна бир гап, ука! Худо хоҳласа, эсон-омон қайтиб келсанг, тўйингда куёвжўра бўлмаган — номард!»

### Декабрь ойининг боши

Дадам яна тушимга кирди. Тоғли йўлдан «Нива» ҳайдаб бораётган эмишман. Бир қарасам, ўзимизнинг Тошкент — Қўқон йўлига ўхшайди, бир қарасам, Афғонистонга...

Дадам ясан-тусан қилиб олганмиш. Бошида янги дўппи... Эғнида қора костюм. Фақат оёғида доим кийиб юрадиган, оқариб кетган жигарранг этиги. Гаплашдикми, йўқми, эслолмайман. Бир маҳал осмонда вишиллаган овоз эшитилди. «Дада! Снаряд! Снаряд!» дебман бақириб. Шундоқ машина ёнида снаряд портлабди. Дадам машина эшигидан отилиб кетибди. Қарасам, тошлар орасида йиқилиб ётибди. «Кетавер, ўғлим, кетавер» дермиш қўл силтаб. «У ёқда «дух»лар бор, дада», десам, нуқул қўл силкитармиш. «Кет, болам, сен кетавер!» дермиш.

Чўчиб уйғониб кетдим... Акамга хат ёздим: «Дадам нега ёзмайдилар? Нима бўлди? Уз қўллари билан хат ёзсинлар!»

### Декабрь ойининг ўрталари.

Қалин қор ёққан. Совуқ... Бу ернинг табиати ҳам, одатлари ҳам ғалати. Қиши ўлгудек совуқ. Ези ўлгудек иссиқ. Бошқа жиҳатлари ҳам бор. Масалан: афғон қишда кўп ҳужум қилмайди. Лекин йўлдан уларнинг машинаси ўтмай қолса, ҳушёр бўлиш керак: мина қўйган. Мабодо «улар» икки-уч кун катта йўлдан юрмаса, демак отишма бўлади...

Одатдаги кунлардан бири эди. Кеча қор ёққан, бугун эса чиннидек тиниқ осмонда офтоб чарақлаб турибди. Тушга яқин пост рўпарасида иккита БМП тўхтади. «Шиндонга кетяпти», деб ўйладим танк ёнида турганча. Шу пайт БМПдан бушлат кийган гавдали одам сакраб тушди. Мен томонга узоқ қараб турди-да, қичқирди:

— Рустаммисан?

Овозидан танидим.

— Темур ака!

«Уйча»мизга отилиб кирдим.

— Хайридин! Темур ака келди!

Қор босган сўқмоқдан сирғана-сирғана пастга, катта йўлга югурдик. Темур ака билан қучоқлашиб кўришарканман, димоғимга чарс ҳиди урилди.

— Бормисиз?— десам, Темур ака бош бармоғини диккайтирди.

— Чики-пики! Разведкачилар билан унча-мунча офицерларинг ҳам ўйлашиб гаплашади. Ўзинг қалайсан?

Уша заҳоти югуриб келган Хайридинни даст кўтарди-да, чирпирак қилиб айлантирди.

— Сен бола, ўзингни асра!— деди ясама пўписа қилиб.

Шунда... Темур аканинг ранги бир ҳолатга келиб қолганини, кўзларининг таги кўкариб кетганини пайқадим.

— Ҳамма жой-жойига!— деган асабий буйруқ янгради.

Темур ака яна менга қучоғини очди.

— Рустам,— деди шошқин пичирлаб.— Шу болани эҳтиёт қил! Биласан-а, имонли йигит!

— Ҳамма жой-жойига!

Темур ака ўрнидан жила бошлаган БМПга тирмашар экан, хайқирди.

— Хайридин!— деди кулиб.— Эсингдан чиқмасин, укам... Мабодо менга бирон гап бўлса, бир калима Қуръон...

Юрагим шув эди. БМПлар қорни тўзғитганча шиддат билан узоқлашди. Қарасам, Хайридиннинг кўзлари жиққа ёш...

### Декабрь ойининг ўттиз биринчи кuni

Пост командири қисмга бориб келишни буюрди. «Точка»га хат-хабарлар, Янги йил дастурхонига ўзимизга яраша ноз-неъматлар олиб келиш керак экан. Шиндон томон кетаётган колоннадаги БМПга чиқиб олдим. Постларнинг ораси йигирма-ийгирма беш чақирим. Қор ўчқунлаб турар, совуқ эди. Қанча юрганимизни билмайман. Бир маҳал карвон тўхтаб қолди. Мен ўтирган БМП карвоннинг олдигоғида эди. Нима гап бўлганини билолмай машинадан тушдим. Уша томон юрган эдим, карвоннинг энг бошидаги танкдан эллик қадамча олдинда турган БТРни кўрдим. Хайрон бўлиб, яқин бордим. БТР томондан кимдир зарда билан бақирди.

—... еб ғўдайиб турибсанми, ёт!

БТР орқасида, қорга дум тушиб ётган капитанга кўзим тушди.

— Ёт, аҳмоқ!— деди капитан ўдағайлаб.

Беихтиёр ўзимни панага олиб, қорга узала тушиб ётдим.

Шундагина йўл устида ғимирлаётган уч нафар солдат, уларнинг атрофида ғингшиб айланаётган овчарка итга эътибор бердим. Хаёлимга ўқдек хатарли фикр келди. «Мина бор экан!» Шунча пайтдан бери йўллар тинч эди. Бундан чиқди, «дух»лар шўравийларга байрам совғаси қилишни яхши кўради, деганлари тўғри экан.

Сапёрлар шошилмай ҳаракат қилар, кўринишидан осойишта эди. Иккитаси чўнқайиб ўтирибди. Битта — шуф ушлагани тик турибди. Ҳаммасининг ранги ўчиб кетганини, чўнқайиб ўтирганлар дамба-дам пешонасидан оқаётган терни билаги билан сидириб ташлаётганини кейин пайқадим.



— Уртоқ капитан,— деди чўнқайиб ўтирганлардан бири минадан кўз узмай.— «Итальянка»!

— Зарарсизлантир!— БТР панасида ётган капитан бўйинини ичига тортиб буюрди:— Зарарсизлантир!

Сапёрлар анча уринди. Атроф сокин, қор учқунлари юзимга урилаётганини аниқ эшитиб тургандек эдим. Ниҳоят, сапёр энгашган кўйи дадамнинг «Нива»сидаги ҳаво фильтрига ўхшаган, япаски кастрилкадек нарсани чуқурдан тортиб ола бошлади.

Тўсатдан гумбурлаган овоз еру-кўкни ларзага солди. Тик турган сапёр билан ит бир томонга, энгашиб ўтирганлар бошқа томонга учиб кетди.

Жонҳолатда югуриб бордим. Алланимага қоқилиб кетдим. Қарасам, қор устида қўл ётибди... Қўл билакдан чўрт узилиб кетган, қон оқаётган гўшт орасидан оппоқ суяк туртиб чиқиб турар, бармоқлар эса, нуқул қорни чангаллаб ғимирлар эди.

Даҳшат ичида ўзимни орқага ташладим. Оёғим коптокка ўхшаш думалоқ нарсага урилиб, мункиб тушдим. Оёғим остида одам боши думалаб ётарди. Кўзлари ола-кула, тилини ғарчча тишлаб олган... Бир қаричча сарғимтир кекиртақ ҳамон нафас олаётгандек қорда биланглайди... Қандайдир ёвуз, бешафқат қўл шўрлик каллани кекиртаги билан узиб олгану, улоқтириб юборгандек. Чучмал қон иси димоғимни ёриб юборгудек бўлди.

Кўз ўнгим қоронғулашиб чўккалаб қолдим. Кўнглим ағдарилар, лекин қуса олмасдим.

### Январь ойи

Бир ҳафта ухлолмадим. Кўзимни юмдим дегунча қорда думалаб ётган калла, биланглаётган сарғимтил кекиртаки кўраман... Хаёлимга мудҳиш ўй келади. Сен ҳам ўша боланинг ҳолига тушининг мумкин.

### Февраль ойининг ўрталари

Ниҳоят, дадамдан хат келди. Акам отамнинг хатини ўзиникига қўшиб жўнатибди.

«Рустамжон! Уғлим!— дебди дадам.— Соғ-саломатмисан? Нега мёндан хавотир оласан, болам! Худога минг қатла шуқр. Мен яхшиман. Биласан-ку, колхозда иш кўп. Годовой атчўт пайти... У ёқларга кетганинг учун мен ҳам айбдорман. Олиб қолишим керак эди. Уша пайтлар қўлимдан келарди... Майли, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Биламан, Рустамжон! Сен — азамат йигитсан... Онангни куйдирма. Тез-тез хат ёзгин. Онанг шўрлик бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди!..»

### Февраль ойининг ўрталари

Пастда БТР тўхтади. Бир гуруҳ йигитлар постдаги «уйча»мизга қора чопон кийган, салла ўраган эчкисоқол «дух»ни судраб киришди. Пост бошлиғи бир ёққа кетганмиди, атайлаб ғойиб бўлдимки, билмайман. «Дух»ни суянчиқли курсига ўтқазиб оёқ-қўлини чандиб боғлашди. Аллақердан сим топиб, бир учини аккумуляторга улашди-да, бир учини «дух»нинг оғзига тиқишди. Афғон аъзойи-бадани қалтираб, ўкириб юборди. Бошидан салласи учиб кетди... «Дух» қанча ўкирса, йигитлар шунча завқланиб хахолар эди. Афғон ҳушига келганида нуқул бир гапни қайтарарди: «Ман — дўст! Ман — дўст!»

— Дўст бўлсанг, автоматни қаёққа олиб кетаётганинг? Нега қочдинг?— Йигитлар шундай деб, симни яна оғзига тиқади. «Дух» кўзи косасидан чиқиб, дод солади.

Хайриддин бунақа томошага тоқат қилолмади, шекилли, югуриб, ташқари чиқиб кетди. Биламан. Хайриддин пуштунчани озми-кўпми тушунади. Кетидан чиқсам, ранги ўчиб кетган, юзига қор ишқалаяпти.

— Нима гап!— деган эдим, тушунтирди.

— Йигитлар туяда қурол олиб кетаётган «дух»ни қўлга туширибди.— Хайриддин юзини бурди.— Одам боласини шунчалик қийнаш шартми, жўра!

Бир маҳал «уйча»дан Саша чиқиб келди.

— Парво қилма, командир!— деди елкамга кафтини босиб.— Аккумулятор токи одамни ўлдирмайди. Бирпас «танца» туширишади-да, «дух»ни сарандойларга топшириб юборишади...

### Февраль ойининг охири

Кечаси билан тишим оғриб чиқди. Жағ тишим... Худди биров миямни эринмасдан пармалаётганга ўхшайди. Шунақанги азоб бердики, думалаб бўкиргим келарди. Хайриддин ҳам мижжа қоқмади. Гоҳ сочиқни печка дудбуронида иситиб, лунжимга босади, гоҳ илиқ сув ичириб кўради. Виктор тумшугимга чарс тиқиштиради... «Битта тортгин, ўтиб кетади», дейди. «Йўқот!» дейман...

Эрталаб туриб, синиқ кўзгуга қарасам, чап лунжим оқиб тушган нонга ўхшаб қопти.

4 Пост бошлиғи ҳазиллашди:

— Зиёни йўқ, сержант. Тўйинг бўлгунча тузалиб кетади.

«Тузалиб кетармиш! Узингни шунақа оғрисин, лунжимдан яраландим, деб медалга ёздирарсан!»

«Дард кетидан қувонч келади» деганлари рост экан. Уйдан хат олдим. Илҳом акам ойимнинг гапларини сўзма-сўз ёзиб юборибди.

«Рустамжон, жон болам. Мўғулистонда совук қаттиқ бўлади, дейишади. Қийнала-ётганинг йўқми? (Ойим маладес-da! Қаерда юрганимни мендан яхши биллади-ку, ҳар хатимни «Қардош Мўғулистондан салом» деб бошлаганим учун мени ёлғончи қилгиси келмайди.) Худодан соғлигингни тилаб ўтирибман. Қаерда бўлсанг ҳам жонинг омон бўлсин... Янги йил арафаси уйимизга меҳмонлар келди: учта қиз... Бири-биридан чиройли, бири-биридан одобли. Айниқса, биттаси бошқача экан. Оти — Шаҳноза. Менга нима деди дегин? «Ойижон, деди.— Ташвиш қилманг, Рустам ака эрта-индин келиб қоладилар», деди. Қанийди, менга шундоқ келин ато қилса. Насиб этса, келишинг билан тўйни бошлаймиз. Уша қиз сен билён ўқийдими? Онам рози бўлсин десанг, ҳар куни хат ёз, Шаҳнозага!»

Чехрам ёришиб, тишимнинг оғриғи ҳам эсимдан чиқиб кетди. Вой Шаҳноз туш-магур-эй! Вой шум-эй!

### Март ойининг охирлари

Баҳор — барчага баравар! Шоҳона саройлар олдидаги гулзор нима, гўристонда маъюс дўппайган қабрлар нима — танлаб ўтирмайди. Ҳаммасини бир текис майсаларга буркайди. Барчасига баравар меҳр ила чечаклар улашади.

Кеча пастга, сув бўйига тушдим. Катта йўл четида қачондир узилиб кетган танк занжири занглаб ётибди. Худди аждар терисига ўхшайди. Қарасам, «аждар териси» орасида бир нима қизариб кўриняпти. Яқин бордим... Танк занжири орасидан майсалар гуркираб ўсиб чиқибди. Иккита қизғалдоқ баҳор шабадасида силкиниб турибди... Дўзах оловида ёнган занжири ҳам, урушни ҳам, мениям масҳара қилаётгандек... Ажиб ҳақиқатни англагандек бўлдим.

Баҳор учун барча баравар. Кўклам қуёши рўпарада, доvon томонда туриб бизларга реактив снаряд отаётган «дух»нинг бошидан қанча мўл-мўл нур сочса, душманни танкдан ўққа тутаётган бизнинг бошимиздан ҳам шунча нур сепаверади. Баҳор шабадаси бизнинг юзимизни қанчалик эркалаб сийпаласа, уларниям шунчалик силайверади...

Баҳор — урушни тан олмайди!

### Апрель ойининг боши

Шаҳноза ўрисча, ўзбекча газеталардан қирқиб олинган мақолаларни хатига қўшиб юборибди. Деярли ҳаммасида қайта қуриш, ошкоралик деган сўзлар... Мақолалардан бирида Афғонистон уруши адолатсиз эканини ёзибди. Бу гапни жудаям аниқ қилиб айтмаган бўлса ҳам маъно шунга келиб тақалади. Ҳайрон бўлдим. Буёқда замполитлар қаҳрамонликка ундайди, Савр инқилоби душманларига шафқат қилмасликка чорлайди. Уёқда...

### Апрель ойи

Билмаган одам уруш деганда нукул отишмалару, портлашларни тушунади. Тўғри, отишмалар ҳам бўлиб туради, портлашлар ҳам. Бироқ энг жонга тегадигани бу эмас. Энг ёмони — ҳамиша кўнглинг ғаш бўлиб юрасан. Негалигини ўзинг билмайсан. Янаям ёмони — зеркиш, ўлик сукунат. Снаряд қутиларию тошлардан наридан-бери қўнқайтириб ясалган «уйча»дан туриб, ҳар куни бир хил манзарани кўрасан. Кун-уззукун бир хил манзара. Шундан кўра тезроқ отишма бўлишини ёки экипажингни «точка»дан олиб, жангга ташлашларини хоҳлаб қоласан...

### Уша куни

Тушлик пайти Хайриддин кўринмай қолди. Қўрқиб кетдим. Югуриб «уйча»дан чиқсам, қоятошлар орасидаги сўқмоқдан битта-битта юриб тепага кўтариляпти. Қўлида лолақизғалдоқлар, чўл чучмўмалари...

— Э, қаёқда юрибсиз?— десам, маъюс жилмайиб қўйди.

— Биласизми, жўра?— деди гул териб юрганидан ўзи хижолат бўлгандек кулимсираб.— Уйлаб қарасам, уруш тескари ҳақиқат дегани экан. Одам бўлгинг келса, шафқатсиз бўл. Улгинг келмаса — ўлдир. Қизиқ а, жўра...

### Апрель ойининг ўрталари

Тағин тишим оғрий бошлади. Оғриқ кучайгандан кучайиб, дод дейдиган аҳволга келдим. Нима қилай ахир! Бошимни деворга уриб ёрсам қутуламанми, бу азобдан!..

— Хайриддин! Тангда омбур бор, олиб келинг, жон дўстим!

Хайриддин худди ўзининг жони оғриётгандек юзимни силади.

— Сабр қилинг, жўражон! Дардни берган Худо давосиниям беради.

Тажанглиби турганимни кўриб, юпатди:

— Хафа бўлманг, жўра, насиб этса, ҳаммаси изга тушиб кетади. Тиш оғриғи, кўз оғриғи — қутлуғ дард. Ухланг, жўра.

Уйқу келса қани! Хаёл минг кўчага олиб киради. Уйимиз кўз ўнгимга келди. Ойим... Дадам... Шаҳноза... Узимизнинг анҳор... Узимизнинг наъматак...

Ўрнимдан турдим. Эшик ғийжиллаши билан Хайриддин уйғонди.

— Оғрияптими?— деди уйқу аралаш хавотирланиб.

— Йўқ, дўстим, ётаверинг!..

Ташқари чиқиб, харсанг қиррасига ўтирдим. Салқин шамол эсиб турибди. Чигирткалар мастона наъма чалади. Ҳаммаёқ сокин.

Бир маҳал Хайриддин ёнимга келиб ўтирди. Озғин елкаси билагимга тегиб турибди. Осмонда янги ойнинг олтиндек тиник, нозик ўроғи ялтирайди. Ҳов нарида, рўнарадаги қад кериб турган тоғлар ғира-шира нур қўйнида мудраб ётибди. Гавҳар доналаридек йирик-йирик юлдузлар сирли порлайди. Ана, Олтин Қозиқ. Униси — Катта Айиқ... Ҳов ана, кунботар томонда Зухро юлдузи милтиллаб турибди. Бир вақтлар Хумсонга — Опоқтоғамникига борганимда кечаси худди шунақа манзарани кўрган эдим... Ҳаммаси таниш, ҳаммаси қадрдон. Ва ҳаммаси... сенга ёт...

— Уша ой, ўша юлдузлар...— дедим ўзимга-ўзим.— Аммо барчаси бегона...

Хайриддин кулди. Елкалари силкиниб кетди.

— Шунақа денг?!

Хайрон бўлиб бурилиб қарадим. Қизиқ, Хайриддин камдан-кам кулар эди. Ҳозир бўлса, елкалари силкиниб-силкиниб куляпти.

— Бегона денг, жўра!— деди ҳамон кулиб.— Улар бизга бегона эмас, биз уларга бегонамыз!

Кейин тўсатдан кулгуси кесилди.

— «Донолар ҳаётни кузатурлар жим...»— деди ўйчанлик билан.— Ёзуғимизни қарангки, ҳаётни идрок этишга ҳам қўймадилар...

### Бир ҳафтадан кейин

Бахтимга карвон ўтиб қолди. Пост бошлиғи карвонни бошқариб бораётган капитандан мени медсанбатга олиб боришни илтимос қилди.

— Навбатдаги «ип» билан қайтасан.

Қисмгача эллик қақиримдан кўп. Бир қўлим билан жағимни чангаллаб, бир қўлимда автоматим солинган сафар сумкасини ушлаган кўйи йўл-йўлакай инқиллаб бордим. (Қоида шунақа: ҳар қандай вазиятда ҳам қўлдан қуролни қўймаслик керак.)

Тиш дўхтир, мендан ҳам найнов, гавдали йигит экан. Пармаловчи машинасини кўришим билан оғриқ тақа-тақа қолса денг! Дўхтир дўмбира бўлиб кетган жағимни сийпалаб кўрди. Оғзимга ялтироқ темир тиқиб, томоша қилди... Бир маҳал миямга биров мих ургандек ўкириб юбордим.

— Томоша қил!— деди дўхтир омбирга қисилиб турган, ярми кўкариб кетган тишимни бурним тагига тиқиштириб.— Уч кун фурацилин билан оғзингни чайиб турасан!

...Батальонга етиб келганимда рухсат этилган муддат ўтиб бўлган эди. Буёғиям «точка»га йигирма қақиримча бор. Танк батальони командирига шундоқ-шундоқ деб аҳволни тушунтирдим.

— Бугун-эрта йўлга чиқадиغان карвон йўқ,— деди капитан.— Майли, бир йўлини қилармиз. Еттинчи постдан яна бир солдат бор.

«Яна бир солдат» дегани Хайриддин экан! Минг йил кўришмагандек, қучоқлашиб кетдик.

— Тишингиз тузукми?— деди юзимга тикилиб.

— Қутулдим! Узиям лўмбоздек экан. Илдизи учта!

— Сизсиз жуда сиқилиб кетдим, — деди Хайриддин маъюсланиб. У постдагиларга почта олгани келган экан.

— Менга хат йўқми? — десам, айбдорона бош чайқади.

— Ташвиш қилманг, жўра, — деди юпатиб. — Янаги сафар албатта келади. — Бир зум ўйланиб турди-да, юзимга тезгина қараб олди. — Пост бошлиғи нега рухсат берганини биласизми? — деди сирли кулимсираб. — Бугун — менинг туғилган куним.

Қайтадан қучоқлаб қутладим.

Бир маҳал комбат қақириб қолди.

— Зампотехдан илтимос қилдим. Сенларни йўлдан ташлаб кетади.

Сочларига оқ оралаган майор мен билан Хайриддинга қараб қўйди-да, норози тўнғиллади.

— Қайси аҳмоқ, бир экипаждан биратўла икки кишига рухсат беради?

Бироқ комбат билан олишиб ўтиргиси келмади шекилли, бизларга буюрди.

— Чиқ, иккалангам бортга!

Шоша-пиша «Урал» машинасига чиқиб олдик.

Машинада юк йўқ эди ҳисоб. Иккита танк аккумулятори, битта эски баллон. Резина филдиракка ёнма-ён ўтириб, гурунглашиб кетдик. Бугун Хайриддин ҳар пайтдагидан шод эди, дамба-дам жилмайиб кўярди.

— Хат келди, — деди кулимсираб. — Онам туғилган куним билан табриклаб, сурадини юборибди. Худди шу бугун келганини қаранг...

— Қани? — деб қўл чўзган эдим, хижолат чекиброқ суратни узатди.

Бошига гулдор рўмол ўраган аёл Хайридинниқига ўхшаган ўйчан кўзлари билан маънос термулиб турарди. Қизиқ, нимасинидир оймга ўхшатдим... Ҳамма оналар бир-бирларига ўхшайди шекилли... Сурат орқасига нотекис ҳарфлар билан ёзилган сўзларга кўзим тушди... «Оллога топширдим, болам! Узингни эҳтиёт қил...»

Негадир машина тўхтади. Иккаламиз барабар ўрнимиздан туриб кетдик. Машинамиз адир тепасида тўхтаган, пастда, анча олисда қоя панасидаги муюлишда «бурбухайка» (афғонларнинг юк машинасини шунақа деймиз) турар эди. Олисда, қонталаш уфқда қуёш оғиб боряпти. Катъий қоида бор: афғон машиналари катта йўлдан қоронғида юриши тақиқланган. «Бурбухайка»нинг кечга томон йўлга чиққани шубҳали кўринганми, бир чеккада тўхтаб туришимиз, ҳарқалай кекса майор «Урал» кабинасининг зинасида турганча ўша томондан кўз узмас эди. «Бурбухайка»дан беш-ўн қадам нарида, йўл устида қора чопонли бир одам тик турар, яна биттаси чўнқайиб ўтирарди.

«Мина қўйяпти!» Хаёлимга яшиндек урилган фикрдан сесканиб кетдим. Душманнинг куппа-кундузи мина қўйиши ақлга сиғмайдиган гап! Лекин улар ҳам айнан шунақа — шубҳадан холи пайтни танлаган бўлиши мумкин. Кейинги кунларда йўллар камқатнов бўлиб қолган, пастқам жой... Майор кабинага ўтириб, эшикни қарсиллатиб ёпди.

— Ҳайда!

Бояги одамлар мотор овозини эшитиб, шу томонга қарадио, шоша-пиша машинасига югурди. «Урал» пастликка шўнғиди. «Бурбухайка» ўрнимдан жадал жилиб, юриб кетди. Бояги жойга етиб келганимизда янги қавланган чуқурга кўзим тушди. Ҳўл тупроқ қорайиб турарди. Майор кабина деразасидан бошини чиқариб. «Бурбухайка» томонга автоматдан ўқ узди. Трассаланувчи ўқлар оловли из қолдириб учуриб бораётгани кўри-ниб турар, бу — тўхта, деган буйруқни билдиради.

«Бурбухайка» тўхташ ўрнига шиддат билан елиб борарди. Хайридин иккаламиз автоматларга ёпишдик. Афғон машинаси зум ўтмай тепалик ортига шўнғиб, кўздан йўқолди. «Урал» қир устига чиққанида «Бурбухайка» тагин кўринди. Йўлнинг чап томонида, бир қақиримча нарида қишлоқ кўзга ташланарди.

Энди ҳаммаси аён эди. «Дух»лар ими-жимиди мина қўйиб қоронғи тушмасдан қишлоққа кириб олишни мўлжаллаган. Эрталаб ҳеч нима бўлмагандек, яна йўлига кетаверди.

Майор ўша томонга тагин ўқ узди. «Бурбухайка» катта йўлдан қишлоқ томонга бурилиб, адр тепасига чиқа бошлади. Аммо йигирма-ўттиз қадам юрмасдан кечаги ёмғирдан кейин аталаси чиқиб кетган лойда тайғона-тайғона тўхтаб қолди. Кучаниб вағиллаганча ғилдиракларидан лой сачратишга тушди. Бизнинг машина рўпарага келиб тўхташи билан, «бурбухайка» кабинасида автомат тариллади. «Урал»нинг чап эшиги тарақлаб очилганини эшитдим. Ҳайдовчимиз бошини чангаллаган кўйи чинқирганича кабина зинасида йиқилганини кўрдиму ўзимни ерга ташладим. Қарасам, ёнимда Хайридин ётибди. Ранги қув ўчиб кетган...

Майор ўнг эшикдан тушди. Оқсоқланиб кабина олдига ўтди-да, «бурбухайка»га тўхтовсиз ўқ уза бошлади.

«Бурбухайка» эшиги ҳам очилди. Салланиб бир одам лойда тайғониб тепаликка қоча бошлади. Аниқ кўриб турибман, «дух» бошини елкаси орасига тортиб, лойда сирғана-сирғана қочиб борар, қўлида қуроли йўқ эди. Ё отишмада қуроли ишдан чиққан, ё автомат шеригида қолган. Ҳозир буни ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди.

— Тўхта! — Хайридиннинг овозида ҳаяжон, аниқроғи қўрқув борлигини ҳис этдим.

— Тўхта! — деди Хайридин қичқариб.

«Дух» тўхтади. Секин бурилиб қаради-да, қўлини кўтарди. Бошида салла, қоп-қора соқоли кўксига тушган, ранги қув ўчиб кетган эди. Хайридин ҳамон югуриб борар, негадир автоматни ўқталиш ўрнига ҳадеб бир сўзни такрорларди:

— Қўлингни кўтар!

«Дух» ерга энгашгандек бўлди. Қўлида пичоқ ярақлади.

— Отинг, Хайридин! От! — дедим нафасим бўғзимга тикилиб. Шунда қутилмаган иш бўлди. «Дух» бир ҳамла билан Хайридиннинг автоматини қўлидан учуриб юборди. Етиб борганимда Хайридин чалқанчасига ағдарила бошлаган эди. «Дух» унинг автоматга энгашганида жағига тепдим. Салласи учиб кетиб, тақир боши яланғочланиб қолди. Қадинни ростламоқчи эди, яна тепдим. Томоғидан ғиппа олиб, қанча бўғиб турганим ёдимда йўқ. Хириллаб оғзидан кўпик келди. Типирчиламай қўйди. Шундагина ҳушим жойига келди. Йўқ, хириллаётган «дух» эмас, Хайридин экан. У шундоқ ёнимда ётар, қонталаш уфққа тикилиб қолган, кўзлари ўйчан ва сокин эди.

— Нега? — деди инграб. — Мен уни отмоқчи эмасдим-ку...

Оғзидан қон сизиб, лабининг четидан оқиб туша бошлади. Негадир йўталди. Оғзидан арақлаб қон келди.

— Хайридин! Дўстим! — Ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Қандайдир ички сезги билан «дух» ғимирлай бошлаганини ҳис этдим. Илкис қара-

сам, чўккалаб Хайридиннинг ерда ётган автоматига қўл чўзаяпти. Еқасидан бўғиб силкита бошладим.

— Нима қилдинг, мараз! Нима қилдинг! — дедим йиғлаб.

— Қўйиб юбор! — У ожиз типирчилаб билагимга осилди. — Қўйиб юбор!

Шундагина бир нарса шууримга етди: «дух» ўзбекча гапирётган эди.

— Сен... — дедим ғабдан қалтираб. — Сен... ўзбекмисан? Буям ўзбек-ку! — Башарасига кучим борича мушт туширдим. — Буям мусулмон боласи-ку, ит! Нима ёмонлик қилди, сенга!

— Сенлар ўзбекми! — «Дух» ёрилган лаблари орасидан қон тупуриб, тишларини ғижирлатди. — Йўқ! Сенлар ўзбекмас! Сенлар мусулмонмас! — У эсдан оғандек хахлаб кулди. — Сенлар «шўравий»! Ким чақирди сени бу ерга! Ўз юртингни сотиб бўлиб, энди Афғонни ҳам ҳаром қилмоқчимисан! Тўнғиз!

Хайридин қаттиқ хириллади. Бир лаҳза кўзим тушиб қолди. Ботиб бораётган қуёшдан мадад олмоқчи бўлгандек ўша томонга қўл чўзиб, қаддини ростлашга уринган эди, йиртилиб кетган комбинезони остидан қонга беланган ичаклари қайнаб чиқди.

Қорасоқолнинг кўрагини мўлжаллаб тепкини босдим. У ётган жойида бир сапчиди. Тепкини босиб туравердим. Бош чаноғи ёрилиб, миясининг қатиғи сачраб кетганини, гўшлари, суяклари парча-парча бўлиб атрофига отилаётганини кўриб турардим. «Магазин»даги ўқлар тугади шекилли, автоматнинг тариллаши эшитилмай қолди. Фақат «А-а-а-а!» «А-а-а-а!» деган ваҳший ҳайқириқ ҳамон ҳавони титратар эди. Кейин билсам... бақираётган ўзим эканман.

Бир маҳал ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Оёқ-қўлимдан мадор кетиб, Хайридиннинг ёнбошига чўккаладим. У ҳамон уфққа тикилиб ётар, очиқ кўзларида ҳайратми, ийманишми, шунга яқин ифода муҳрланиб қолган. Кўм-кўк ўтлар устида ичаклари айқаш-уйқаш бўлиб чўзилиб ётганидан уялгандек, уларни қорнига қайтиб солишга уринаётгандек, нозик бармоқлари билан чангаллаб олган эди.

— Бўлди, танкист, бас...

Бошимни кўтариб қарасам, ўн қадамча нарида кекса майор турибди. Бошланг, оқ оралаган сочлари ёйилиб, чеккасига тушган...

— Тур, энди, ўғлим.. — деди йиғлаб.

«Бурбухайка» кабинасида яна бир «дух» мук тушиб ётар, йўл устида тўхтаб қолган «Урал»нинг ойналари чил-чил бўлиб кетган бизнинг ҳайдовчи қонга беланиб, зинада узала тушган қўйи қотиб қолган эди.

Заставага келган заҳоти айтган биринчи гапим шу бўлди.

— Виктор! Чарсдан ол!

Саша билан Виктор уч кунгача Хайридиннинг овқатини тўшаги бошига келтириб қўйиб юришди... Одат шу экан... Мен эса дўстимнинг руҳига ўзим билганча дуойи фотиҳа ўқидим...

...Хайридиннинг ўрнига бошқа ўқловчи юборишди: латиш бола экан. Қизиқ... Яхши йигит эди-ку, негадир ҳаммамиз бегонасираб турардик. Кейин билсам, Хайридинни бутун экипаж яхши кўриб қолган экан. Виктор ҳам, Саша ҳам...

### Июнь ойи

Хайрият, поства бошқа экипаж юбориб, бизнинг танкни қисмга қайтариш ҳақида буйруқ бўлди. Албатта, қисм ҳам — жоннинг ҳузури эмас. Тез-тез йўлга чиқиш, коллоналарни ҳимоя қилиб, «объект»ларга кузатиб қўйишга тўғри келади. Бошқаларни билмадим-у, менга, «точка»да туришдан кўра шуниси кўпроқ ёқади. Ҳарқалай, қисмда одам кўп... Кунинг тезроқ ўтаётганга ўхшайди...

Барибир Хайридин хаёлимдан кетмайди. Қаёққа қарамай рўпарамга келиб, маънос жилмайиб тураверади. Уруш одамнинг дийдасини қотириб юборади дейишади. Бўлса бордир. Аммо келиб-келиб, фариштадек беозор йигитнинг ўлиши...

Уйламай, дейман-у, барибир хаёлимга келаверади. Ана, эс-ҳушини йўқотиб, телбаваш бўлиб қолган она темир қутини қучоқлаб дол соляпти. Қути ичида ётган қорақош, қорақўз ўғлини кўриб тургандек... Темир тобут нега бунчалик совуқлигини, формалин ҳиди қаёқдан келаётганини ўйлашга ҳоли йўқ. Билмайдик, қути ичида жондан азиз боласининг ичак-чавағи ағдарилиб ётибди...

### Июнь ойининг 22-куни

Чақчаронга карвон олиб бордик... Уқ-дори ортилган КамАЗлар, бензовозлар, ҳатто автокран ҳам... Карвонни кузатишнинг аниқ тартиби бор. Энг олдинда бошқарувчи танк, кетидан БТР, ундан кейин КамАЗлар, кейин тагин танк, кетидан бошқа КамАЗлар, бензовозлар, автокран... орқасидан яна БТР, уларнинг кетидан бизнинг танк, ортимиздан яна иккита БМП...

Одатда, бошқарувчи танкда мианага дуч келса, бешикаст портлатадиган мослама бўлади. «Тухум» дейди. Аммо мина дегани ҳам анойи эмас. Баъзан карвон энди ўтиб бўлди деганинда тўсатдан портлаб қолади. Механизми шунга мослаштирилган... Хул-

лас, йўл олис, хатарли эди. Энг хавфлиси қишлоқ яқинидан ёки чакалакзор орасидан ўтиш. Хайрият, манзилга омон-эсон етдик.

Қайтишда тагин ўша тартибда йўлга тушдик. Бошловчи танк, юкини бўшатган бензовозлар, БТР, юкини алмаштирган КамАЗлар, БМП, яна КамАЗлар, бизнинг танк, ортимизда иккита БМП...

Атроф бийдек чўл. Танк ичи бир қарич чангга тўлиб кетган. Нафас олиб бўлмади... Бунақа пайтда ўқ ўтмас нимча уёқда турсин, комбinezон ҳам ортиқчалик қилиб қолади. Икки кеча ухламаганмиз. Автоматим тасмасини люк қопқоғига илганча, туйнукдан бошимни чиқариб боряпман. Кўзим юмилиб кетяпти. Бир лаҳза, ақалли бир лаҳза ухлаб олгим келади.

Викторнинг хавотирли овозидан чўчиб уйғонгандек бўлдим.

— Мой босими тушиб кетяпти, командир. Мотор қизиб кетди.

Бошловчи танкка хабар қилдим.

— Уртоқ командир! Етмиш олтинчининг мотори қизиб кетяпти.

Шлемофонда капитаннинг ҳорғин овози эшитилди.

— Тушундим... Олтмиш бир! Ортингдаги «қутилар» сени кутади.

Демак, тўхташим керак: «олтмиш бир» дегани — тўхта, деган маънони англатади. «Қутилар» эса орқада келаётган БМПлар.

Карвон чанг кўтариб, йўлида давом этди. Бизлар бийдек чўлда тўхтаб қолдик. Орқамизда турган БМПдагилар хуноб бўлишар, ҳар лаҳзада «тезроқ бўл, броня» деб қисташар эди.

Йўлга тушдик. Уч-тўрт чақирим юрмасимдан танк яна секинлади.

— Командир! — деди Виктор хавотирланиб. — Мотор қизиб кетди. Яна бир чақирим юрсак, двигатель ишдан чиқади.

Танк ичи чиндан ҳам дўзахдек қизиб борар эди.

Бошловчи танкни чақириб, вазиятни тушунтирдим. Шлемофондан капитаннинг норози тўнғиллагани эшитилди.

— Олтмиш бир. Сабр қил, шатакка олишади.

Люкдан бошимни чиқариб, атрофни кузатдим. Қуёш аёвсиз қиздирар, кўз илғагунча кетган қумликлар кўнгилда ғашлик уйғотар, олисда йўлнинг ўнг томонида чакалакзор кўзга чалинар эди. Бехосият жой...

Бошқа танк келиши билан машинадаги сим арқонни унинг «думи»га уладик. Танк вағиллаганча орқасидан куюқ тутун, чанг-тўзон кўтариб судраб кетди. Ортимиздаги БМПлар ҳам йўлга тушди. Ҳамон люкдан бошимни чиқариб, кузатиб борардим.

Пинакка кетдим шекилли... Онамни тушимда кўрдимми — ўнгимдами, билмайман. Аммо овози қулоғимга ўқдек кирди:

— Кўзингга қара, болам, чуқур бор!

Даҳшатли гумбурлашдан танк силкиниб кетди. Бошим люк қопқоғига урилиб, ҳушимни йўқотдим. Хаёлим жойига келганида беихтиёр энгашиб, пастга қарадим. Ўнг томондаги занжир узилиб кетган, танк мина портлаганда пайдо бўлган чуқурга ёнбошлаб қолган эди. Нариги танк қинадан қандай ўтиб олгани-ю, нега бизники портлаганига ақлим етмасди. Ўша заҳоти чакалакзор томонда автомат тариллади. Бошим устидан ўқлар визиллаб ўтаётганини эшитиб, беихтиёр люк қопқоғини ёпдим. Танк яна бир силкинди. Викторнинг ҳаяжонли хитоби эшитилди.

— Танк ёняпти, командир. Миномёт тушди.

Чиндан ҳам зум ўтмай, машина ичини аччиқ тутун қоплаб, ҳеч нима кўринмай қолди.

— Эвакуация люкига! — дедим бақириб.

Экипаж тушиб бўлишини кутиб турдим-да, охири ўзим ҳам, танк тубидаги люкдан эмаклаб ерга тушдим.

Танкимиз куюқ тутун ичида қолган эди. Чакалакзордан муттасил автомат тариллар, орқадаги БМПлардан бири оёғи осмондан бўлиб ётар, атрофни дод-вой, сўқинишлар тутиб кетган, нариги танк эса, замбарагидан чакалакзор томонга кетма-кет ўқ отар эди.

Атрофда ўқлар чийилларди. «Ўқ чийилладими, демак четга кетган бўлади, ўзингга тегадигани овоз чиқармайди», деган эски ақида хаёлимнинг бир чеккасида турган бўлса-да, танк панасидан чиқишга юрагим бетламас эди. БМПдагилар пишиқ йигитлар экан. Чакалакзор томонга муттасил ўқ узишарди. Тутаб ётган танк олдига эмаклаб чиқдим. Чакалакзор томонга автоматдан кетма-кет ўқ уздим. Белим жиз этгандек бўлди. Тўғриси, оғриқ ҳам, кўрқув ҳам сезганим йўқ. Автомат қўлимга ёпишиб қолганга ўхшар, ҳеч нимани ўйламай, нуқул отгим келарди. Ўша томонга эмакларқанман, ёнбош томонда биров гапиргандек бўлди. Беихтиёр бурилиб қарадим.

— Мама! Мама!

Димоғимга калла куйдирганда чиқадиган исга ўхшаган ҳид урилди. Қарасам Сашанинг сочлари ёниб, жизғанак бўлиб кетибди. Комбinezони куйиб, баданига ёпишиб қолган, юзлари қорайиб кетган...

— Мама... — деди алаҳсираб. — Мамочка...

Тўхтовсиз ўқ узганча, чакалакзорга югурдим...

Отишма қандай кутилмаганда бошланган бўлса, шундай тугади.

Атрофга сукунат чўкди. Ҳамон офтоб чарақлаб турар, чакалакзор тутун ва оловга бурканган эди. Рўпарамда Виктор пайдо бўлди.

— Командир! — деди қўрқувдан кўзлари олайиб. — Ҳаммаёғинг қон-ку, Рустам! Ажаб! Ҳамон оғриқ сезилмасди. Белимни ушлаб кўрсам, кафтимга, илиқ хўл нарса уннади. Жон аччиғида уч-тўрт қадам юриб кўрдим. Кейин, тўсатдан йиқилиб тушдим.

...Гувиллаган овоздан ўзимга келдим... БМПда кетаётганимни ғира-шира англадим. Йўқ, аввал димоғимга аччиқ ҳид урилди. Кўзимни очсам, шундоқ Сашанинг бошига юзимни қўйиб ётибман. Чамаси, Саша тамом бўлган, боши муздек, фақат ҳамон куйинди ҳиди анқир эди. Қон аралаш куйинди иси... Кимдир қорнимга кўлини ташлаб олган... Белим чидаб бўлмас даражада оғрир, сув ичгим келарди... Жаҳл билан силтаб тортган эдим, ўша — кимнингдир қўли шилқ узилди-да, худди саржин ўтиндек, лўп этиб олдимга тушди... Яна ҳушдан кетдим.

### Кечаси

Медсанбат дўхтири — сочлари оқарган киши бошимда жилмайиб турибди.

— Омадинг бор экан, солдат! Уқ танк зирҳидан сачраб, белинга тегибди. Агар аортага тегса борми, ҳозир яшиқда ётган бўлардинг. — Гўё мен жарроҳлик илмини сув қилиб ичиб юборгандек тушунтирди. — Умуртқа поғонасининг думғаза қисмидан иккита аорта томири ўтади. Тушундингми? Уқ ўшанга тегса — тамом эдинг! Ё бир сантиметр ўнгроққа — умуртқага санчилса, бир умр инвалид бўлиб қолардинг.

Оғриқ баттар кучайган, аъзойи-баданим ёниб борар, чанқаб кетган эдим.

— Маша! — деди дўхтир эшик томонга қараб. — Уролог қаёққа йўқолди?

Оппоқ халат кийган ёшгина, дўмбоққина жувон кириб келди.

— Текшир буни! — деди кекса дўхтир зарда билан. — Сенга таалуқли жойи борга ўхшайди.

Қарасам, дўмбоқ жувон бемалол чойшабни очиб, белимдан пастини яланғочла-япти. Бир камим шу қолувди!

— Доктор! — дедим ялиниб. — Керакмас. Мен соппа-соғман! Илтимос!

— Илтимос эмиш! — кекса дўхтир қалин қошини чимирди. — Булар ҳаммаси олифта! Бронижилет кийса ҳақи кетади! — деди қовоғини солиб. — Биламан, ўлмайсан! Аммо эшитиб қўй! Уйинга борганингдан кейин ҳам урологдан маслаҳат олиб турасан! Англадингми? Урологдан!

### Октябрнинг бошлари

Уч ойдан бери ҳеч нима ёзмадим. Умуман... Ҳеч ниманинг қизиғи йўқ менга. Ҳеч нимага ҳайрон ҳам қолмайман... Қисмда ҳар ҳафта янги гап тарқалади. «Фалон жойда кўприк портлабди». Хўш, нима бўпти? Кўприк бўлганидан кейин портлайди-да! Битта «дух»ни тутиб олиб, танк замбарағига тросс билан осибди. «Нима қипти! «Дух» бўлганидан кейин осиб керак-да! Хоҳласа дарахтга осадди, хоҳласа танк замбарағига!.. Бошимас, оёғиндан осса, яна яхши!»

Елғиз қувончим юртимиздан келадиган хатлар...

Шаҳноза суратини юборибди. Калта англи, оппоқ кўйлак кийиб жилмайиб турибди.

Синчиклаб қарасам, суратдаги манзара таниш кўринди. Ахир бу... ўзимизнинг анҳорку! Ана ўша харрак, «ўзимиз»нинг наъматак! Вой, Шаҳноза тушмагур-эй... Панага ўтиб, суратини ўпдим...

### Октябрнинг ўн еттинчи кун

Жанговар тревога эълон қилинди. Ҳаммаёқ югур-югур бўлиб кетди. Бундан чиқди, жанг бўлади! Ким билсин, душман бирон объектга ҳужум қилгандир. Йўлда бораётган колоннага шошилиш ёрдам керакдир. Ё бўлмаса, объектга кириб борган разведгруппа қамалда қолгандир... Ҳамма нарса бўлиши мумкин...

Катта куч ташланганига қараганда жанг ҳам катта бўладиган кўринади. Танклар, БТРлар, БМПлар елиб борапти.

Кун пешиндан оған... Куз осмони тиниқ, сокин. Тримплексдан қизғиш тоғлар аниқ-тиниқ кўринади. Олисда, йўлдан бир қақиримча чеккада қишлоқ кўзга ташланади. Узоқдан қараган одамга эфгон қишлоқлари, нима десам экан, мазористонга ўхшаб кўринади. Пахса деворли уйларнинг томи Тошкент атрофидаги қишлоқларникига ўхшаб тунука ёки шифердан қиялатиб ёпилган эмас. Фарғона водийсидаги уйларникига ўхшаган текис том ҳам эмас... Қандайдир ғалати: ҳар бир уйнинг томи лойдан қуббасимон қилиб ясалган. Ҳафсала билан суваб қўйилган қабрдек...

Танклар, БТРлар шиддат билан қишлоқ томонга бурилди. Ўша ёқда қуюқ тутун, қизғиш аланга кўзга ташланар, портлаш садолари эшитилар эди. Демак, қишлоқда жанг борапти. Йўл четида тўхтаб турган БМПга кўзим тушди. Маскаҳалат кийган йигитлар машина олдида уймалашиб турарди. Устав бўйича танкни тўхтатишга ҳаққим йўқ. Кўнглимдан нима кечганини ўзим билмайман. Механикка буйруқ бердим.

— Тўхта, Виктор! Бир минутга...

Люкдан бошимни чиқаришим билан қишлоқ томонда гумбурлаётган портлаш

садолари, автоматларнинг муттасил тариллаши яна қаттиқроқ янграгандек бўлди. Димо-  
фимга тутун, порох ҳиди кирди.

Маскаҳалатли йигитлар йўл четида тўхтаган БМПга ўлик ортишаётган экан. Ўликлар  
негадир яланғоч эди. Учта жасад, машинага, плашпалатка устига қатор ётқизиб қў-  
йилган. Ерда тагин иккитаси ётарди. Йигитлар портлаш овозларига, автоматларнинг та-  
риллашига парво қилмай, ўз юмушларини қандайдир совуққонлик, ҳатто хотиржамлик  
билан адо этишар, бири жасаднинг қўлтиғидан, иккинчиси оёқларидан олиб, машинага  
ортар эди. Навбатдаги жасаднинг қоп-қора сочларини кўриб, беихтиёр ерга сакраб  
тушдим. Яқин бордиму сесканиб кетдим. Қип-яланғоч жасаднинг гавдаси оғир шекил-  
ли, машинага ўлик ортаётган йигитлардан яна бири югуриб келиб, унинг белидан қу-  
чоқлаганча дўстларига кўмаклашди. Шунда, жасаднинг чап қўли шилқиллаб ерга осил-  
ди. Билагига татуировка билан қинғир-қийшиқ қилиб ёзилган «Темур» деган сўзга кўзим  
тушди.

— Темур ака! — юрагим сирқиллаб, жасад бошига эгилдим. — Темур ака!

— Нарӣ тур, танкист! — деди йигитлардан бири ҳансираб. — Ундан кўра жангга  
кирсанг-чи!

— Темур ака! — дедим инграгудек бўлиб, Ҳарчанд тикилиб қарамай, афтини  
таний олмадим. Жасаднинг юз-кўзи аъзойи-бадани қора қонга беланган эди. Шунда...  
Бир нарсани аниқ кўрдим! Темур аканинг қулоқлари, бурни... ва... олати кесиб олинган  
эди! Қанча фураат туриб қолганимни билмайман.

Танк зирҳига қандай тармашдим, люкдан қандай кирдим, эсимда йўқ.

— Бос, Виктор! — дедим ҳайқириб.

Шлемофондан командирнинг баджаҳл товуши эшитилди:

— Размах етмиш олти! Нега тўхтаб қолдинг?

— Кетяпман, — дедим хириллаб.

— Объектни жануб томондан айланиб ўт. Эҳтиёт бўл, мина бўлиши мумкин...

Мина эмиш! Мина тугул, атом бомбаси бўлмайди!

— Бос, Виктор!

— Люкни ёп, командир...

— Учир овозингни! Бос!

Пастак девор ортида саллалаи бош кўринди. Елкасидаги гранатомётни деворга  
тираб рўпара қилди. Вужудимда ўлим шарпаси бир лаҳза ўрмалаб ўтгандек бўлди.  
Қизиқ, негадир кўрқмадим. Тушунтириб беролмайман. Ажал билан рўпара кел-  
санг-да, кўрқмасанг! Шуниси ёдимдаки, хотиржам буюрдим.

— Учта снаряддан ўт оч!

...Одамнинг талқондек майда-майда бўлиб кетишини ўз кўзим билан кўрдим. Тутун  
тарқалгач, қарасам, девор ҳам йўқ, бояги саллалаи ҳам... Рўпарадаги қуббасимон уй  
ичидан автомат товуши эшитилди. Уқлар танк зирҳига урилиб чийиллаганча сакраб  
кетаётганини ҳис этиб турар, аммо люкни ёпиш хаёлимга келмас эди.

— Ут оч!

Қубба томли уй хотинларнинг упадонидек оппоқ кукунга айланди. Эсдан оғиб  
қолганга ўхшардим.

— Виктор! Бос! Бос! — дердим нуқул бақириб.

Танк қутурган буқадек ўкирар, пулемётдан тўхтовсиз ўқ узганча йўлида дуч кел-  
ган нарсани пайҳон қилиб борар, қуббасимон томли уйлар, толми, қайрағочми, қандай-  
дир дараклар, узум тоқлари, думини ҳода қилиб уёқдан-бўёққа югураётган сигир, қа-  
нотини жонсарак патирлатганча учиб-қўнаётган товуқлар кўзга чалиниб қоларди.

— Бос! Бос! — дердим бақириб, автоматдан муттасил ўқ ёғдирардим.

Бир маҳал ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. Ҳолдан тойиб, жойимга ўтирдим. Трим-  
пликсга ўқ тўккан шекилли, ойнаси дарз кетган, ташқари кўринмасди. Атрофда гумбур-  
гумбурлар тинган, ўқ овозлари эшитилмайди... Ҳатто танкнинг гувиллаши ҳам...

Танк жим. Автоматлар жим... Қишлоқ жим... Гўё ҳеч нима бўлмагандек.

Қаддимни ростлаб, атрофга қарадим. Ҳаммаёқ тутунга тўлган, осмонда чанг-тўзон  
муаллақ туриб қолган. Қишлоқда соғ ўйнинг ўзи кўринмас, олисда қонга ботган калладек  
қип-қизил қуёш уфққа чўкиб борарди.

Синчиклаб разм солсам, аллақандай ҳовли ўртасида турибмиз. Ипга илинган, ҳали  
қуриб улгурмаган чойшаблар, хотинларнинг кўйлаги тупроққа қоришиб ётибди. Томи  
ўпирилиб, девори қулаган уй ичидан тутун аралаш тўзон бурқсиб турибди. Ҳовли юзи-  
да қўй қумалоғига ўхшаш қора нарсалар тупроққа қоришиб, ер билан битта бўлиб  
ётибди. Гарангсиб, узоқ тикилиб қарадим-да тушундим: майиз экан. Бир чеккада танк  
занжири эзгилаб, илма-тешик қилиб ташлаган гилам... Одам қонидек қип-қизил...

Аллақайси бурчакдан қулоқлари шалпайган, кўрқувдан кўзлари жавдираган олапар  
ит чиқиб келди. Танкка хавотирли назар ташлади-да, думини қисганча, сўриток томон  
юрди. Япроқларини чанг босган сўриток тагига бориб, алланамани ҳидлади. Дор узил-  
ганда аёлларнинг қизил кўйлаги чеккага отилиб кетган шекилли, сўриток тагидаги ариқ  
ичида беўхшов чўзилиб ётарди. Ит илтижо қилгандек, фангшиб қўйди-да, кўйлакни яна  
ҳидлади. Чўнқайиб ўтирган кўйи, осмонга қараб ғайритабиий овозда бир-икки вовулла-



ди. Кейин вовуллаши ўз-ўзидан увлашга айланиб кетди... Бир дақиқа ўтди... Беш дақиқа... Умрим бино бўлиб, бунақа нолани эшитган эмасдим.

Юрагимни тушунарсиз ваҳима ғижимлаётганга ўхшарди. Сакраб ерга тушдим. — Кет! — дедим овозим титраб.

Ит қайрилиб қарамади. Чўнқайиб ўтирганча нолали увлайверди. Ердан кесак олиб отдим.

— Кет!

Ит увлашдан тўхтади. Мен томонга қараб қўйди. Назаримда «ўз ҳолимга қўясанми-йўқми, нима гуноҳ қилдим, сенга!» деган илтижо билан термулгандек бўлди.

— Йўқол! — дедим дағдаға билан.

Ит думини қисиб нарироққа борди, чўнқайиб ўтирганча, тумшугини осмонга чўзиб қайтадан увлашга тушди.

Негадир қўрқиброқ яқин бордим. Сўриток тагида ётган нарса, кўйлак эмас, одам гавдаси экан. Хотин кишининг гавдаси. Сўритокнинг панасидан паноҳ топмоқчи бўлгандек, ёнбошлаб ётибди. Бошида шарфга ўхшаш рўмол, эгнида узун кўйлак. Аммо оёқяланг... Оёқлари сўриток тагидаги ариқча тушиб қолган... Бирпас иккиланиб туриб қолдим.

— Туринг, — дедим қўрқа-пуса елкасига қоқиб. — Туринг, опа, қўрқманг.

Аёл қимир этмади. Худди гапимни тушунадигандек, далда бердим.

— Туринг, биз сизга тегмаймиз.

Танк томондан Викторнинг овози келди.

— Қайтиш керак, командир!

Бурилиб қарасам, ҳайдовчи люкдан бошини чиқариб турибди.

— Қайтишга буйруқ бўлди, командир.

Ит эса ҳамон увлар, қулоғингни тешиб, юрагингни ўртаб юбормагунча тинчимайман, деб қасд қилгандек нола чекар эди.

Автомат затворининг шақир-шуқури эшитилди. Қарасам Виктор итни мўлжалга оляпти.

— Отма! — дедим ўшқариб. Тагин аёлнинг бошига эгилдим.

— Опа! — Аёлнинг елкасидан тортган эдим, чалқанча ётиб қолди. Жонҳолатда ўзимни орқага ташладим. Ахир бу... Шаҳноза-ку! Оппоқ юзи, қоп-қора сочлари, қайрилма киприклари... Йўқ... Бу — Шаҳноза эмас. Шаҳнозанинг кўзлари қора. Буни-ки — зангори... Барибир... Барибир Шаҳнозага ўхшайди. Юзининг тиниқлиги, катта-ката кўзларининг ҳайрат билан термулиши...

Бирон ерида жароҳат изи кўринмасди. Фақат кўйлагининг ёқаси очилиб, оппоқ, бўлиқ сийналари яланғочланиб қолган эди. Гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек яна орқага тисарилдим. Шундагина бўйинини тешиб ўтган ўқ ўрнига кўзим тушди. Тешикдан ипдек оқиб қон сиза бошлади. Кейин тўсатдан, қон оқиши тезлашиб кетди. Аввал тўшига тушди, кейин сийнасига... Бирпасда сийнаси қип-қизил қонга беланди...

Даҳшат ичида гандираклагудек бўлиб, танк томон чекидим. Шу пайт вайронага айланган, тутаб ётган уй ичидан бола йигиси эшитилди. Зум ўтмай вайрона остонасида нимча кийган, аммо иштонсиз, бир ярим ёшлардаги ўғил бола кўринди.

Қизиқ! Ит увлашни бас қилиб, боланинг олдига югуриб борди. Ғингиб, боланинг бурнини ялади. Бола дўмбоқ қўлчаси билан ит бошини нари итариб, баттар йиғлай бошлади. Ит кўзларида мутелик билар бир зум тикилиб турди-да, оҳиста бурилиб аёл томон лўкиллади. Бола ҳамон йиғлаганча ўз тилида ғужур-ғужур қилиб, итга эргашди. Оёқяланг тупроқ кечиб, алпанг-талпанг юрган кўйи аёл тепасига келди. Бир зум туриб қолди: йиғлашдан тўхтади. Аммо ўпкасини тутолмай ҳиқиллаганча «мўржона-мўржона»<sup>1</sup> деди. Аёлнинг ёнига чўккалади-да, ёш тўла кўзлари билан негадир ғудраниб кулди. Тупроққа беланган қўлчалари билан онасининг маммасини чангаллаганча эма бошлади. Бирпас эмди-да, илқис бошини кўтарди. Ҳайрон бўлиб, гоҳ онасига, гоҳ итга, гоҳ менга мўлтиради. Оғзини каппа-каппа очиб, чирқиллаб йиғлаб юборди. Гўдакнинг оғзидан сўлак аралаш қон оқар эди.

...Аввал ич-ичимдан титроқ келди. Кейин қўлимнинг бармоқлари музлай бошлаганини ҳис қилдим. Ундан кейин оёқларим қалтирай бошлади. Зум ўтмай чидаб бўлмас оғриқдан миям ёрилиб кетгандек бўлди. Танкка қандай етиб бордим, эсимда йўқ.

— Отаман! — дедим ўкириб. — Ҳаммангни отаман! Ўзимниям отаман!

...Кейин нима бўлганини билмайман...

## Ноябрь ойи

Уйдан хат келди. Акам ойимнинг гапларини сўзма-сўз ёзиб юборибди. «Худога шуқр, Рустамжон, нурли тушлар кўряпман. Офтоб чарақлаб турган далада чопқиллаб юрибсан. Соғиниб кетдим-ку, болам, кел, битта бағримга босай, десам, югуриб олдим-га келибсан. Ойижон, сут ичгим келяпти, сут беринг, дебсан. Мен сенга коса тўла сут

<sup>1</sup> Мўржона — онажон.

бердим. Охиригача симириб, ичиб олдинг... Сут — ёруғлик, жон болам, Худо хоҳласа, кўпи кетиб ози қолди...»

...Мени нега туғдингиз, ойи? Нега туғдингиз!!!

## СҮРОҚ ҲУЖЖАТИДАН

**Тўлаганова Қурбоной. Эллик беш ёшда. Турар жойлардан фойдаланиш бошқармасининг фарроши. Миллати — ўзбек. Оилали. Қатортол мавзеи, 9-уй, 44-хонадонда истиқомат қилади. Партиясиз.**

— Гражданка Тўлаганова Қурбоной сиз бўласизми?

— Ҳа, мен бўламан. Нима гуноҳ қилдим, холанг айлансин!

— Утиринг!

— Узинг асра, Худойим... Гуноҳим нима? Унақа одамни кўрқитмагин, жон болам...

Оёқ-қўлим титраб кетяпти.

— Биров сизни гуноҳкор деяптими, нега ваҳима қиласиз, гражданка Тўлаганова!

— Ана! Тағин «гражданка» деяпсан! Мен юрак олдириб қўйганман, холанг қондиқ.

— Утиринг!

— Хўп, ўғлим, хўп. Бирпас ўзимга келиб олай, майлими? Илоё бола-чақангни роҳатини кўргин.

— Неча йилдан бери ЖЭКда ишлайсиз?

— ЖЭКда ишламайман, холанг ўргилсин, уборшисаман, кўча супураман. Иккита «дўм»ни ажратиб берган. ЖЭКни хўжайини айтган. Хола, мана шу дўмлани атрофи тоза бўлсин, зиналари ярақлаб турсин, деган. Умридан барака топкур, хўжайин яхши одам... Инсофли. Байрамда пирмиялни берди — ўттиз сўм. Хола, деди, биз сизга ўхшаган пўристой одамларни ҳурмат қиламиз, деди.

— Кимлар билан турасиз?

— Нима?

— Квартирангизда кимлар туради?

— Узи бир ҳафтадан буён мазам йўқ. Совуқ тушганидан бери касалим ўлгур қўзиб қолди. Бўйра бўйи қорни кураганча ҳарсиллаб кетаман, болам. Шу савил қолгур ўт қопчасини олдириб ташлаб қутуламан, шекилли. Дўхтир айтди: кўрқманг, хола, деди, буям кўричакни кестиришдек гап, қийналиб юрасизми, бунақа қилиб, ундан кўра кестингуну қутулинг деди.

— Квартирангизда неча киши туради, деяпман?

— Одамни унақа кўрқитмагин-да, холанг айлансин. Мана, ҳамма қоғозларни обкеганман. Уйни налугини вақтида тўлайман, ўғлим. Мана, ойма-ой тўлаганман.

— Уфф, неча киши турасизлар?

— Нима қилай, холагинанг айлансин. Биттаю битта қизимни жўжалариминан кўчага ҳайдаб қўяйми? Тор қорнимга сиққан кенг уйимга сиғмайдими?.. Бошида айтгандим. Умида, жон қизим, эсингни йиғ, бўладиган савдо эмас, бу боланинг кўзи бежо, дегандим. Ҳозирги ёшларни биласан-ку! «Ўламан саттор, шундан бошқасига тегмайман», деб туриб олди. Мана, нима бўлди?

— Мен қизингизни сўраётганим йўқ, гражданка Тўлаганова! Ким билан турасиз деяпман. Савол тушунарлими?

— Бўлмаса нега участкавой кун ора кириб сиёсат қилади? Квартиранинг майдо-ни тўрт кишига тўғри келмайди, дейди? Кечаям борди. Нормага тўғри келмасмиш. Бўлмаса, уй олиб бер, уч хоналими, тўрт хоналими, десам мен сизга квартир берадиган исполком эмасман, дейди. Комиссар неча марта айтди: куёвингни сўтга бер, қизинг билан невараларингга уй олиб беради, деди. Умида бир жаҳлга минганди, насиҳат қилдим. Қўй, болам, шайтонга ҳай бер, пешонангдагини кўриб кетарсан, дедим. Нима қилади жанжал кўзғаб. Тўғрими? Куёвим яхшими-ёмонми, уям худонинг бир бандаси-да! Иккинчи хотинидан боласи бор. Умида эрига жабр қилса, ўша боланинг ҳам кўнгли ўксийдими, ахир?

— Миямни қоқиб, қўлимга бердингиз-ку, хола. Айтяпман-ку, мен бошқа нарсани сўрамоқчиман.

— Сўрайвер, болам, сўрайвер.

— Шоматов Рустамни танирмидингиз?

— Анави... куёвними? Албатта танирдим. Яхши бола эди, раҳматли. Ҳар кўрганида «Ҳорманг, хола, чарчаб қолмадингизми?» деб сўрарди. «Сизни Пискентга олиб бориб, бир ўйнатиб келаман», дерди. Бу дунёга келиб нима кўрди, бола шўрлик! Қандоқ яхши йигит эди...

— Йиғлашнинг ҳожати йўқ. Шоматов билан кириш-чиқишинлар бормиди?

— Албатта, бор эди-да! Келин-куёв дўмга кўчиб келганларида энг аввал мен билан танишган.

— Шоматовнинг оиласи билан муносабати қандай эди?

- Келин биланми? Кўш каптардек иноқ эди. «Қанийди, менинг куёвим ҳам Умида билан шунақа тотув бўлса», деб орзу қилардим.
- Наҳотки, Шоматов хотини билан ҳеч уриш-жанжал қилмаган бўлса?
- Бегуноҳ бандасига тухмат қилиш — одам ўлдириш билан тенг, жон болам.
- Ҳарқалай-да! Турмушда нималар бўлмайди.
- Тавба! Худоё тавба! Мен кетсам бўладими? Ҳализамон невараларимни боғчадан олишим керак. Бу ҳафта Умида иккинчи исменда... Анави участкавойинга айтиб қўясанми? Уйимдан ҳайдаб чиқармайдими?
- Утиринг, гражданка Тўлаганова! Соат энди тўрт ярим бўлди.
- Хўп дегин, умрингдан барака топгур. Аср намозим қазо бўлмасин...
- Намоз ўқийсизми?
- ...
- Намоз ўқийсизми, деб сўраяпман. Ҳозир диндорларга қарши қанақа кураш олиб борилаётганини биласизми?
- Уқисам, ўзим учун ўқийман-да, болам. Комиссарга айтмай қўяқол шу гапни.
- Қизик хотин экансиз-ку... Айтинг-чи, эрталаб барвақт турасизми?
- Албатта-да! Одамлар ишга кетгунча йўлқаларни супуриб қўйишим керак-ку!
- Шоматовнинг хотини эрталаблари кўчага чиққанини кўрганмисиз?
- Шаҳнозамин? Кўрганман! Худойлигимни айтман: ҳар куни бўлмасаям кун ора бидон кўтариб сутга чиқарди. Сут дўкони — гастрономни ёнбошида. Тонг отмасдан турнақатор очирид бўлиб кетади. Қараб туриб ёқамни ушлайман. Сенга ёлғон, худога чин. Уёғи Телақўрғон, бу ёғи Қатортол қандоқ жойлар эди. Ҳаммаёқ — боғ, ҳаммаёқ дала. Ҳар хонадонда ўлдим деганда биттадан сигир бўларди. Бешёғочга сут обориб сотардик. Энди-чи? Эрталабдан сутга очирид...
- Уфф! Келин ўша куни ҳам сутга чиққидими?
- Қайси куни?
- Эри ўлган куни?
- Кўрмадим. Ёлғон гапиришга Худодан кўрқаман. Тағин билмадим. Туман эди. Қуюқ туман. Худо билади-ку, ё мен пастга тушишимдан олдин, ё уйнинг орқа томонига ўтиб кетганимда сутга борган бўлишим мумкин.
- Эслаб кўринг-чи, уй атрофида биронта бегона одамни учратмадингизми?
- Йўқ!.. Тўғри, анча нарида бир шарпа кўрингандек бўлди. Назаримда, мени кўриб дарахт панасига ўтганга ўхшади... Тағин, билмадим. Туман эди.
- Бўй-бастини илғагандирсиз, ахир? Келбати қанақайди? Семизми, ориқми? Новчами?
- Назаримда, бошида тўқима қалпоқча бордек кўринди. Анавинақа, ёш болалар совуқда киядиган қалпоқча бўлади-ку...
- Ўша одамни ҳозир кўрсангиз танийсизми?
- Вой ўлмасам! Қаёқдан танирканман? Айтдим-ку, туман эди. Ун қадам нарини кўриб бўлмасди.
- Айтинг-чи, Шоматовни охирги марта қачон кўрган эдингиз? Яъни ўлмасидан олдин?
- Рустамжонними? Байрам куни кўрдим. Кечга томон дўкондан невараларимга кампут олиб келаётгандим. Кичик неварам кампутга ўч. Ошгаям кампут кўшиб ейди...
- Рустам нима қилаётган экан?
- Рустамжонми? Кўча бўйида турган экан. Салом берди. «Келинни олиб уйга кининглар, Умида ош дамлаяпти», десам, «раҳмат» деди...
- Кейин-чи?
- Кейин... Умидага айтдим, «янги қўшнилари меҳмонга чиқиб қолиши мумкин, аччиқ-чучук қил, турп тўғра», дедим.
- Чиқидими?
- Йўқ... Аксига олиб, чироқ ўлгур ўчиб қолса дегин... Уйингга буғдой тўлгур невараларим қоронғидан кўрқади. Чироқ ҳадеганда ёнавермади. Иккаласи хархаша қилишга тушди. Уйда шам қўрмагур тамом бўлган экан. Пастга тушдим. Қарасам, тўртинчи қават деразасида нур бор. Янги қўшниларикида.
- Шоматовларникидами?
- Ҳа. Чиқдим.
- Эшикни ким очди?
- Келин. Шаҳноза. Шунақа-шунақа, дедим. Биттагина шам бериб...
- Шошманг. Ичкарида ким бор экан?
- Ичкари кирмадим.
- Ҳеч қандай овоз ҳам эшитилмадими?
- Йўқ... Назаримда эшикни тақиллатаётганимда ичкаридан Рустамжоннинг овози келгандек бўлувди.
- Нима деди Рустам?
- Тавба! Бировнинг гапига қулоқ солиш гуноҳ-ку, холанг айлансин!
- Келиннинг кайфияти қандай эди?

- Коронғида кўриб ўтирибманми? Биноидек эди шекилли...
- Уйқунгиз зийракми?
- Билмасам... Баъзан кечалари ўт қопим оғриб, тўлғаниб чиқаман.
- Уша кеча Шоматовларнинг уйи томонидан шубҳали овоз, бақирӣқ-чақирӣқ эшитилмадимми?
- Йўқ. Рустамжонлар икки йўлак нарида туради.
- Яхши... Билишимча, сиз ҳамма қўшнилари яхши танийсиз. Тўғримми?
- Йигирма беш йил бирга тургандан кейин...
- Одатлариниям биласизми?
- Бу нима деганинг?
- Яъни... масалан... Кимникига ким киради, ким чиқади. Ким-ким билан яқин?
- Бировнинг турмушига аралашиш — шайтоннинг иши... Ҳадиси шарифда айтганларки...
- Ҳўп. Ҳадисингизни қўя туринг. Уша куни эрталаб Шоматовларнинг подъездидан биронтаси чиқмадимми?
- Худо шоҳид: ҳеч кимни кўрмадим.
- Уша томондан шовқин-сурон, дейлик, дераза сингани эшитилмадимми?
- Йўқ.
- Шоматовнинг жасадини биринчи бўлиб сиз кўрдингизми?
- Ертўла зинасида ётган Рустамжон эканини қаёқдан билибман? Эсимга тушса, юрагим туздек ачийди! Қандоқ яхши бола эди! Ун гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигит нима қилувди сенларга, худо беҳабарлар! Бировнинг жонига қасд қилишдан оғир гуноҳ борми? У ёқда бола бечоранинг ёш жони кетди. Бу ёқда келин шўрлик чирқиллаб қолди...
- Жасад устига биринчи бўлиб отставкадаги полковник Ғаниев бордимми?
- Комиссарни айтаяпсанми?
- Ҳа, ўша кишини!
- Тўғри, худойлигимни айтаман. Аввал Комиссар борди, кейин мен...
- Айтинг-чи, хола... Комиссарни яхши танийсизми?
- Танийман, ўғлим. Яхши танийман. Ҳаммамиз тепақўрғонлик бўлганимиздан кейин.
- Нима учун намоз ўқишимни Комиссарга айтма, дедингиз?
- ...
- Сизнингча, Комиссар қанақа одам?
- ...
- Нега индамайсиз?
- Нима дей, болам. Уям худонинг бир бандаси...
- Қизиқ экансиз... Майли сизга руҳсат. Бориб, намозингизни ўқийверинг. Фақат... Бу гапни мен айтмадим, сиз эшитмадингиз. Тушунарлими? Манави пропускни эшикдаги дежурнийга берасиз. Бормайсизми, ахир?
- Битта нарса сўрасам, майлими, болам? Отинг нима?
- Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Терговчи менми, сизми?
- Айтақол, жон болам.
- Ана! Повесткага ёзилган-ку: «Старший терговчи Сайдалиев С.» деб. Фамилиям Сайдалиев, отим — Саидъзам.
- Бундан чиқди, саидлар авлодидан экансан.
- Ғалати гапларни гапирасиз, хола! Бунинг нима аҳамията бор?
- Яна битта гап айтсам, кўнглингга келмайдими?
- Оббо! Боринг, энди!
- Кетаман, болам. Ҳозир кетаман. Худо ҳаққи, эшигингдан кириб келганимда кўрққан эдим. Кейин... қарасам, юзингга нур бор. Мана энди тушундим. Палагинг тоза экан.
- Жа-а, бошни айлантириб юбордингиз-да, хола?
- Билдимки, руҳинг тоза, болам! Бировга ёмонлик қилиш қўлингдан келмайди. Аждодларингни арвоҳи йўл қўймайди.
- Бўпти, хайр, граждана Тўлаганова!
- Яна битта гап айтсам майлими?
- Уфф! Боринг дедим-ку!
- Бу ҳунар сенга ярашмайди, холанг айлансин! Бўлак тирикчилик қил... Бунақа ҳунарнинг нонини ейдиганлар бошқача бўлади.
- Терговчилар ёмон одам деб ким айтди сизга?
- Бошимдан ўтган, болажоним! Бошимдан ўтган...

## ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ЭРТАКЛАРИДАН

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда етти иқлимни сўрайдиган пошшо ўтган экан. Пошшонинг Худодан тилаб-тилаб олган якка-ёлғиз ўғли бор экан. Бола — бари-

бир бола-да! Бир куни шўхлик қилиб, дарахтга чиқибди. Йиқилиб боши ёрилибди. Пошшо югуриб келиб, ўғлини ердан олибди. Қараса, боласининг ёрилган пешонасида «Никоҳ куни бўри ейди» деган ёзув бормиш. Пошшо бу синоатни ҳеч кимга айтмабди. Табиблар болани тез кунда тузатиб юборишибди. Аммо ўғли катта бўлган сайин пошшонинг кўнглига ғулғула тушаверибди. Юртидаги жамики бўриларни қириб ташлашга фармон берибди.

Орадан ой ўтибди, йил ўтибди. Пошшо шаҳзодани уйлантирадиган бўпти. Ой деса юзи, кун деса кўзи бор келин топишибди. Тўй куни пошшо саройнинг атрофига мингта соқчи қўйибди. Куёв билан келин қўшиладиган куни остонада ўзи пойлаб ўтирибди. Бир маҳал ичкаридан дод-фарёд эшитилибди. Пошшо қиличини яланғочлаб кирса, келин куёвнинг бўғзини ғажиб турганмиш. Пошшо бу нима қилганинг, деб келиннинг боши устида қилич кўтарса, келин айтибди. «Нима бўлганини ўзим билмайман, осмондан «сен бўрисан, ёнингдаги қўзичоқни ейишинг керак», деган нидо келди», дебди.

## ОЛЛОҲ ҲАР НАРСАНИ КЎРГҮВЧИДИР

Қора плаш кийган сўхтаси совуқ кишилар дадасини олиб кетганида Қурбоной ўн тўрт-ўн беш ёшларга бориб, бўйи қўзилиб қолган эди. Олиб чиқиб кетишаётганда дадаси йўлак бошида туриб, «Қизимни эҳтиёт қил», дегани Қурбонойнинг қулоғидан кетмас, кечалари маъюс кулимсираб турган отаси тушларига кириб чиқар, аясига билинтирмай бурчак-бурчакка бориб, юм-юм йиғлар эди.

Аяси бир гапни қайта-қайта такрорларди.

— Дадангда гуноҳ йўқ, болам! Даданг — фариштадек тоза одам. Нима қилайлик: ёзғимиз шу экан. Буванг қамалди, тоғанг урушда бедарак кетди. Дадангни қисмати бу бўлди... Майли: яратган Эгам суйган бандасининг бошига шунақа синовлар солар экан.

Қурбоной еттинчи синфга кўчган жойида мактабга қатнамай қўйди. Муаллимлар «халқ душмани»нинг боласига қандай кўз билан қарашига ақли етар эди. Қўни-қўшнилар у ёқда турсин, қариндош-уруғлари ҳам қадамини тортиб қўйган. Узининг ҳам ўқишдан кўнгли муз бўлиб кетган эди. Мактаб деса жонини берадиган, энг билимдон ўқитувчи саналган дадасига нима каромат кўрсатди-ю, Қурбонойга нима қилиб берарди, ўша мактаб!

Ўқитувчилар бир-икки келиб «совет мактабида ўқишни хоҳламайсанми?» деб сўёсат қилиб кўришди-да, охири ҳисобдан чиқариб юборишди шекилли, ўз ҳолига қўйишди.

Қурбоной аясига қўшилиб дўппи тикишни ўрганди. Намоз ўқийдиган, рўза тутадиган бўлди. Ҳайҳотдай ҳовлида она-бола шумшайиб қолишган, аммо аяси ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасрат қилмас, дўппи тикиб топган чақаларига амаллаб рўзғор тебратиб туришарди.

Эшон бувадан қолган қўрғоннинг деворлари баланд, ҳовли саҳни кенг эди. Уртадаги бир туп азамат тут ҳовлига салқин бериб турар, этакдаги отхоналар, бостирмалар ҳувиллаб ётар эди. Аясининг айтишича, бир замонлар отхоналару қўралар назр-ниёзга тўлиб кетаркан. Аммо Эшон бува элдан тушган назрларни элнинг ўзи билан баҳам кўрар, етим-есирларга хайр қиларкан. Шунинг учун ҳам муридлар Эшон бувага айрича ихлос қўйишган экан.

Қурбоной аясининг гаплари ростлигига шубҳа қилмасди. Буvasи шундоқ машҳур эшон бўлса ҳам мол-дунё тўпламагани аниқ. Дунёга ҳирс қўйса атиги бир уй айвонга қаноат қилмай, қўша-қўша иморатлар солдирган бўларди.

Қурбонойнинг эсидан чиқмайди. Дадаси қамалган йили қиш қаттиқ келди. Кетмакет қор ёғиб, совуқ заптига олди. Ҳовлидаги тут шоҳлари қор залвори остида эгилиб турар, мусичалар айвонда пилдираб-нонушоқ излар, она-бола илимилиқ танчага тикилиб, кечалари алламаҳалгача ухлолмай ётишарди.

Шундай кечалардан бирида кўча эшик қаттиқ гурсиллади. Қурбоной сандалнинг нариги томонида ётган онаси «Астағфурулло, ўзинг паноҳингда асра, Худойим», деб ўрнидан турганини кўрди. Онаси тоқчадаги еттинчи лампани ёқди. Қурбонойнинг юраги гупиллаб урар, ўрнидан туришга мажоли йўқ эди.

— Ким, ая? — деди қўрқувдан титраб.

Кўча эшик ҳамон гурсиллар эди.

— Билмасам... — онаси эгнига эски камзулини кия туриб тағин Оллоҳга тавалло қилди. — Узинг асра, яратган Эгам!

Қурбоной лампани қафти билан пана қилган кўйи айвонга йўл олган аясига эргашди. Ҳовлини қалин қор босиб ётар, аммо ҳаво очиқ, совуқ эди. Она-бола калишни поймапой кийганча, катагига мушук оралаган каптардек типирчилаб, эшик олдига боришди.

— Кимди? — деди онаси овози қалтираб.

Дарвоза ортидан эркак кишининг дағдағали буйруғи эшитилди.

— Очинг!

Онаси баттар титраб-қақшаган кўйи қайта сўради:

— Кимсиз ўзи?

— Қонун номи билан буюраман! Оч!

Буйруқ шу қадар қатъий эдики, онасининг кўли қалтираб, лампанинг шишаси ожиз жиринглаб кетди. Беҳуш бир тарзда тамбани сура бошлади.

— Очманг, ая! — деди Қурбоной йиғламсираб. — Очманг, ёмон одамлар!

— Бўласанми-йўқми? — Нариги томондан янаям дағдағали товуш келди. — Буйруққа бўйсунмасанг, қонун олдида жавоб берасан!

— Мана ҳозир... — Онаси титроқ кўли билан, амаллаб тамбани сурди.

Уша заҳоти эшик очилиб, қора чарм плаш, шапка кийган одам остона ҳатлаб кирди.

— Улиб қолганмисан! — деди ғазабдан тиши ғижирлаб.

Қурбоной чироқ ёруғида таниди: бу ўша! Дадасини олиб кетган одам! Соқоли киртишлаб олинган. Шапкасини қуюқ қоши устига бостириб кийган, кўзлари ёниб турди.

— Ким бор уйингда? — деди атрофга аланглаб.

— Ҳзимиз... — онаси шапкалининг кетидан бошқалари ҳам келиши муқаррардек, тагин бир лаҳза туриб қолди. Ҳамон кўллари қалтирар, лампа шишаси нола чеккандек ожиз жиринглаб эди.

— Бошла! — деди шапкали ияги билан имо қилиб.

Аввал онаси, кетидан шапкали, унинг кетидан Қурбоной қори куралган сўқмоқдан тизилишиб айвонга чиқишди. Онаси калишини ечмай кавшандозда туриб қолди.

Шапкали паст, таҳдидли оҳангда тагин ҳукм қилди.

— Бошла!

Онаси каловланиб уйга кирди. Шапкали унинг кетидан эргашди. Аммо ичкари кирмади. Кавшандозда тўхтаб қолди.

— Чироқни кўй! — деди сандалга имо қилиб.

Қурбоной айвон ўртасида тўхтаб қолган, шапкалининг нияти нималигига ақли етмас, ҳамон кўрқувдан юраги гурсиллаб ураб, фақат бир нарсани аниқ билар эди: бу ёмон одам. Дадасини олиб кетган!

Онаси талловсираб, ичкари кирди. Чироқни сандал устига қўйди шекилли, айвонни ярим зулмат чулғади. Фақат очиқ эшикдан чироқнинг қизғиш нури тушиб турарди.

Шапкали этигини ечмай, шиддат билан уйга отилиб кирди. Қурбоной нима гаплигига ҳамон тушунолмаб, кавшандозга келди. Онаси сандал ёнида кўрқувдан кўзларини катта-катта очганча қунишиб турарди. Шапкали негадир, ўнг кўлини чарм пальтосининг чўнтагига суқиб, уй тўрига борди. Чап кўллаб кирпеч, дорпечларни шарт-шарт узиб туширди. Кўрпа-тўшак йиғилган тахмонларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кўрпача устига этикли оёғи билан чўккалаганча сандал кўрпасини ҳам кўтариб кўрди. Қизик, ўнг кўли ҳамон чўнтагида эди.

Охири, кўнгли бир қадар жойига тушди, шекилли, қаддини ростлади.

— Кўтар! — деди чироққа имо қилиб.

Қурбоной аждар сеҳрига дуч келган қуёндек ҳамон қотиб турган онасига қарадио дод солиб йиғлагиси келди. Ажаб, негадир йиғлай олмади. Ич-ичидан отилиб келган фарёд томоғида тикилиб қолганга ўхшарди.

— Кимни қидиряспиз? — деди ниҳоят онаси тилга кириб. — Ким керак ўзи сизга?

Шапкалининг кўзлари тагин чақнади.

— Кўтар! — деди таҳдид билан.

Онаси чироқни кўтариб кавшандозга чиққанида Қурбоной беихтиёр четлаб, йўл берди. Шапкали унга қайрилиб ҳам қарамади. Гўё қадами остида пайдо бўлган чувалчангни кўрмагандек.

Қурбоной сарпоячан калиш кийган онасининг чироқ тутганча ғарч-ғурч қор босиб бораётганини кўриб турар, ачинар, аммо нима қилишни билмас эди. Шапкали эса унинг кетидан эргашиб борарди.

Бостирмага, молхонага, ҳатто ҳовли бурчагидаги ҳожатхонага ҳам кириб-чиқишди. Қурбоной айвон устунига суяниб турар, эски калишидан зах ўтиб, оёқлари музлаб кетганини ҳис этар, жойидан жилишга кўрқар эди. Ҳовлининг бурчак-бурчакларини айланиб чиқишди. Олдинда чироқ тутган онаси, орқасида чарм пальтосининг ўнг чўнтагига қўл солган, мушукдек эҳтиёткорлик билан қадам босаётган шапкали...

Ниҳоят, айвонга қайтиб келишди. Онасининг эс-ҳуши энди жойига келдими, ё қизи совуқда дилдираб кетганини ҳис этдими, хийла дадил, меҳрибон оҳангда койиди.

— Уйга кирмайсанми, жон қизим! Музлаб кетдинг-ку!

Шапкали Қурбонойга тезгина қараб олди-ю, ҳеч нима демади. Кавшандозда энгашиб, этигини ечди. Лекин ўнг кўлини ҳамон чўнтагидан олмади.

Сандалга оёғини тикқанидан кейингина Қурбоной совуқ жон-жонидан ўтиб кетганини сизди. Елкалари силкинар, аъзойи-бадани титрар, негадир нафас олишга қийналар эди.

Қизик, шапкали ҳам сандалнинг бир томонида чўкди. Оёғини сандалга тикиб, бир зум кўзларини юмиб турди-да, буюрди.

— Утиринг! Нега қаққайиб турибсиз? (Ажаб, бу сафар негадир сизлаб гапирди).

Токча олдида турган онаси бош чайқади.

— Зиёни йўқ, мен туравераман...

— Узингиз биласиз... — Шапкали бошидан шапкасини ечиб, сандал устига тўнкариб қўйди. Икки чеккасидаги сочлари ёйилиб, қулоғига тушди. Уч ой олдин дадасини олиб кетаётганида бу одам Қурбонойнинг кўзига Азроилдек ваҳимали кўринган эди. Йўқ, ҳаммага ўхшаган одам экан. Қалин қошли, юзлари қорамағиз. Лаблари юпқа... Фақат сояси девга, сочлари пахмайган алвастига ўхшайди.

— Сандал — жоннинг роҳати-да, — деди тўсатдан. — Бирпасда баданинг яйрайди.

Шундай деб, жилмайди. Қаранг! Жилмайиши ҳам одамга ўхшаркан! Юпқа лаблари ёйилиб, кўзлари сузилиб кетаркан. — Э, ўтирсангиз-чи, Фотимахон! — деди бир қадар самимият билан.

Қурбоной онасига илтижо аралаш термулди. Утирса-чи аяси! Нима қилади жаҳлини чиқариб?

Онаси бир нуқтадан кўз узмай турар, сарпойчан оёғи гўштдек қизариб кетган эди.

— Дадаси тирикмилар? — деди ниҳоят тилга кириб. — Жонлари омонми?

— Буниси сизга боғлиқ! — Шапкасини ечиб қўйган шапкали тагин кулумсиради.

— Хат-хабар борми?

— Бунисиям сизга боғлиқ! — Шапкасиз сандалдан қўлларини чиқариб, кафтларини ғайрат билан ишқалади. — Бизга бир хатни топишда ёрдам берсангиз, эрингиздан хат олишга рухсат этамиз.

— Нима деганингиз бу? Қанақа хат? — Онаси кўзлари ҳайратдан кенгайиб сўради. — Тўлаган акамнинг ҳамма нарсаларини олиб кетдинглар-ку, яна нима керак?..

Шапкасиз қаҳ-қаҳ уриб кулди. Қурбонойнинг юраги зирқиллаб кетди. Умрида бунақа совуқ кулгини эшитмаганди. Йўқ, бу кулги эмас, калтакесакнинг томоқ қоқишига ўхшаган мудҳиш бир товуш эди.

— Вой Фотима-ей! Вой муғомбир-эй! — Шапкасиз тагин калтакесакдек чирқиллади. — Сен бизни шунчалик содда деб ўйлайсанми? Хат қани, хат! — тўсатдан важоҳати ўзгариб, шу қадар ғазаб билан сандалга муштладикки, лампа пилиги лопиллаб кетди. — Эринг япон разведкачисидан олган хатни қаёққа тикдинг?

Қурбоной кўрқув ичида ўрнидан туриб кетди. Онаси мадори қуригандек сандал четига чўккалаб қолди.

— Соат ака! — деди илтижо қилиб. — Бандаси билмаса, Худойи таоло кўриб турибди-ку! Бир жойдаги одаммиз-ку! Оллоҳ шоҳид, эримнинг гуноҳи йўқ! — У алам билан сандал четига кўрпачани чангаллади. — Йўқ! Йўқ! — деди бутун ғавдаси билан тебраниб. — Нега бунча қийнайсиз, одамни, барака тоғур! — Тиззаси билан судралиб келди-да, кўзидан дув-дув ёш оқиб ёлборди. — Илоё мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. У дунёи бу дунё ғам кўрманг! Дадасини чиқариб юборинг, Соат ака! Биттагина боламни етим қилманг!

— Нарн тўр-эй! — «Соат ака» ҳазар қилгандек, ўзини четга олди. — Хат қани, хат? — деди ўкириб.

«Соат ака»нинг важоҳати шу қадар таҳдидли эдики, Қурбоной онасига ёпишди.

— Туринг ая! — деди чирқиллаб. — Йиғламанг, аяжон!

Шунда... онасининг ҳам қиёфаси бирдан қаҳрли тус олди. Қурбоной аясини бунақа алпозда биринчи кўриши эди.

— Қачон қонга тўясан, одамхўрлар! — деди ўтирган жойида наमतни муштлаб. — Отамни ўлдирдиларинг, укамни бедарак йўқотдиларинг. Энди боламниям етим қилмоқчимисан, худо беҳабар!

— Ая! — Қурбоной онасининг қўлтиғидан кўтаришга уринар, аммо кучи етмасди. — Бўлди, аяжон!

— Эрим билан бирга ўқигандинг-ку, имонсиз! — Онаси сочлари ёйилганча фарёд чекди. — Душман эмаслигини билардинг-ку, виждонсиз! Обкеб бер! Обкеб бер, боламнинг отасини! — Шундай деб «Соат ака»нинг ёқасига ёпишди.

«Соат ака»нинг ранги гезариб кетди. Кучи борича тарсаки туширган эди, онаси Қурбонойнинг оёғи остига шилқиллаб йиқилди.

— Мана сенга, унсурвачча! — «Соат ака» тагин мушт кўтарган эди, Қурбоной чирқиллаб қўлига ёпишди.

— Урманг! Жон амаки, урманг, аямни! Аяжон! Кўзингизни очинг, аяжон!

— Обке, сув-пув! — «Соат ака» кўзи олайиб Қурбонойга дағдаға қилди.

Қурбоной калиш билан қор кечганча қоронғи бостирмага югурди. Пақирдаги сув музлаб қолган экан. Ёғлоқ билан уриб, музни синдиргунча талай фурсат ўтди. Ниҳоят, титроқ қўллари билан тўкиб-сочиб ёғлоқда сув олиб келди.

Онаси кўзини очган, ўнг юзи моматалоқ бўлиб кетган эди. Сандал четида худ-бехуд чайқалиб ўтирар, «Соат ака» бир нималарни гапирарди. Қурбоной унинг сўнги сўзларини эшитиб қолди.

— Гапинг тўғри, Фотима! Бир жойдаги одаммиз... Лекин нима қилай, мен ҳам давлатнинг одамиман-да...

Онаси Қурбоной тутқазган сувдан бир қултум ичиб, ёғлоқни кафти билан нари сурди. Кўзидан шашқатор ёш оқиб, ялинди.

— Соат ака! Тўлаган акам тухматга қолганини бошқалар билмаса, сиз биласиз-ку, барака топгур!

«Соат ака» бир зум ўйланиб турди-да, чарчаб кетгандек хўрсинди:

— Болам етим бўлмасин, десанг, хатни топ!

— Қанақа хат, тухмат қилмай, тухмат балосига йўлиққур, қанақа хат! — онасининг чеҳрасида яна чексиз алам, қайсар қатъият пайдо бўлди. Қўшқўллаб, тиззасига шапатилай кетди. — Нима қилай ахир! Нима дей? Худога ишонмасанг! Қуръонга ишонмасанг! Биттау битта боламни ўртага қўйиб онт ичсам ишонасанми! Ёлғон гапирсам илоё, яккаю ёлғиз қизимнинг ўлигини устида ўтирай! Майлими? Агар сен тухмат қилаётган бўлсанг, у дунёю бу дунё кун кўргин-у, кунни рўшнолик кўрмагин! Хўпми? Болаларининг ўлигини устида ўтиргин, майлими?

«Соат ака» пинагини бузмади.

— Хат! — деди истеҳзоли кулумсираб. — Хат қани?

— Ана! Хоҳлаган жойингни қидир! — онаси қатъий қарорга келди шекилли, Қурбонойга анчайин осойишта оҳангда буюрди. — Ёт, қизим, ухла!

Қурбоной ҳамон қўлида тутиб турган ёғлоқни тоқчага қўйди. Энди сандал четига ўтирмоқчи эди, «Соат ака» ғудранди.

— Қизингга айт: қақиб кетсин. Обиск қиламан. Қўлимда ордер бор!

— Қизим сенга халақиб бермайди, — деди онаси алланечук вазминлик билан. — Хоҳлаган жойингни текширавер.

— Чиқсин! — «Соат ака» тишларини ғижирлатди. — Мен ёш авлодда совет органиларига қарши кайфият уйғотишни хоҳламайман! Айт, чиқиб кетсин!

Онаси бир зум иккиланиб турди-да, эғнидаги камзулни ечиб Қурбонойга узатди.

— Кий, болам... Майли, айвонга чиқиб тур.

Қурбоной айвонга чиқиб, устунга суянди. Тиниқ осмонда етим ой ғариб мўлтирар, совуқ юлдузлар дийдирар эди. Ичкаридан садо чиқмас, фақат аҳён-аҳёнда қоғозларнинг шитир-шитири эшитилиб қоларди... Қурбоной шу кўйи анча турди. Оёғидан ях ўтиб кетди. Ич-ичини музлатиб юбораётган совуқ титроқни босиш учун чуқур-чуқур нафас олиб кўрди. Тишлари тақиллаб ер тепинди. Охири, уйқу босди. Айвон бурчагига бориб, ғужанак бўлиб ўтирди. Кўчада қолган мушук боладек...

Бир маҳал эшик занжири шиқиллагандек бўлди. Умид билан ўша томонга қаради-ю негадир ичкаридан нур тушмай қолганини кўрди. Қулоғига ҳансираган овоз кирди.

— Ечин! Бўл тез!

— Йўқол! Қоч, ифлос! Ҳозир додлайман!

— Додла! Додлайвер, унсур! Обиск пайтида менга янчоқ ўқталди, дейман-да, отиб ташлайман!

— Бу қанақа бедодлик!

— Яхши кўраман сени, тентак! Эсингдами, ҳов ўшанда қор отганим? Ҳазиллашган эдим, жинни! Ёмон қарғагандинг... Мен сени... сени... ўшанда яхши кўриб қолганман.

— Қоч! Қоч, имонсиз! Ё худо! Бу қандай шармандалик! Айвонда буй етган қизим турибди!

Қурбоной эшикни итарган эди, очилмади, ичкаридан, занжирлаб қўйилган экан.

— Ая! — деди чинқириб. — Аяжон! Очинг! Қўрқиб кетяпман!

Эшикни муштлай бошлади.

Ичкарида бир зум сукот чўкди. Кейин «Соат ака»нинг ғўлдираган овози келди.

— Қизингнинг бўйи етиб қолганми?.. Яхши! Чақирақол, қизингни!

— Ая! — Қурбоной эшикни тепкилади. — Аяжон!

— Давай! — «Соат ака» тагин ғўлдиради. — Узинг ҳал қил. Ё сен, ё қизинг...

— Қурбоной! — Бу онасининг овози эди. — Қурбоной! Кет! Кет бу ердан! Тезроқ!

Қурбоной кетиш кераклигини тушунди. Аммо қаёққа борсин ярим кечада? Кимни-кига боради? Эшик олдида тураверди.

Ичкаридан яна ҳансираган товуш келди:

— Сочинг мунча узун, Потти? Айб ўзингда. Халқ душманига бало бормиди? Менга тегсанг-ку... Менга қара, Потти... Йиғламагин... Ҳалиям бўлса кечмас... «Эрим халқ душмани эканини билмагандим, воз кечаман», деб битта тилхат ёзсанг, газетада чиқарамиз. Кейин... Қизингни энг яхши институтларда ўқитамиз, идрокли кўринади. Фотима, бўлди энди, йиғламагин...

Қизиқ, Қурбоной ҳеч нимани ўйлагиси келмасди. Энди оёқларидан муз ўтмас, совуқдан елкалари титрамас, фақат уйқуси келарди. Шуурсиз бир аллозда айвон бурчагига борди. Бошини муздек деворга босган кўйи уйқуга кетди. Туш кўрибди. Гуллаган олмазор эмиш. Қор ёғиб турганмиш. Қорлар ёғиб-ёғиб олма шохларига кўнармиш-да, гулга айланиб қолармиш. Қурбоной олма тагида ётган эмиш. Бир маҳал гуллаган олмазор орасидан дадаси чиқиб келибди. Бошида янги дўппи, эғнида жужунча халат, шим эмиш. «Қурбоной, тур, жон қизим, сени соғиниб кетдим-ку», дермиш. Қурбоной ўрнидан туриб дадасининг бағрига отилмоқчи бўлармиш-у, қаддини ростлай деса, оёқ-қўли қимирламасмиш.

— Қурбоной! Турақол, жон қизим!



Билмайди, бу гапни тушида эшитдим, ўнгидими? Шуниси эсидаки, онаси — сочлари тўзғиб кетган онаси уни кўлтигидан кўтарганича судраб уйга олиб кирди. Сандал четига ётқизиб оёқларини уқалади, устига кўрпа тортди.

— Чой ич, жон болам, чой ич! — деди йиғлаб.

Қурбоной кўзларини ярим-ёрти очди. Шунда аясининг қовоқлари шишиб кетганини ғира-шира кўрди. Тағин уйку босди.

— Ухлайман, ая, — деди бемажол шивирлаб. Онаси унинг бошини силади, узоқ силади. Кейин юзидан ўпди. Қурбоной юзига иссиқ ёш томчилари ёғилаётганини элас-элас идрок этар, аммо кўзини очишга мадори йўқ эди.

Қанча ётганини билмайди. Бир маҳал эти жунжикиб уйғонди. Сандал совиб қолган, уй ичи ним қоронғи эди. Хаёлига «ҳалиям тонг отмабди-да» деган ўй келди. Яна бирпас ухламоқчи эди, негадир кўнглига ғулғула тушди.

— Ая-я! — деди ётган жойида.

Уй ичи жимжит. Токчадаги мушук кўзли соат шошқин чиқиллар, миллари олтини кўрсатиб турарди. Ҳеч нимага идроки етмади: эрталабми ҳозир, кечкурун?

— Ая! — деди тағин. Садо бўлмагач, сирғалиб кўрпа ичидан чикди. Каловланиб айвон томон юрди. Вужудида айдор йўқ. Оёғининг бармоқлари ачишиб оғрирди.

— Ая-я! — товуши пастак айвоннинг шифтига урилиб қайтди. Ҳовли ўртасидаги тутнинг қор босган навалари совуқ шамолдан титрар, шохларнинг уч-учида оқшом шафоғи ялтирарди. «Кун ботаяпти, шекилли, кечгача ўхлабманми?» деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди. Оёғига эски калиш кийиб, ҳовлига тушди. Яна онасини чақирди.

Кечаси бўлган воқеани эсламасликка ҳарчанд уринмасин, аясининг зор қақшаб йиғлагани, анави «Соат ака»нинг дағдағалари ёдига тушиб, юрагига ваҳима ўрмалади. «Ҳадича холамникига чиққанлар», деди ўзини-ўзи юпатиш учун пичирлаб. Муздек калиш ичида оёғининг бармоқлари баттар санчиб оғрий бошлади. Айвон бурчагида ғужанак бўлиб ўтиргани, онасининг анави кишига ялинганлари яна эсига тушди.

Кўча эшик тақа-тақ берк, тамба бостирилган эди. Ваҳимаси кучайиб кетди. Оёғининг ачишгани ҳам ёдидан чиқиб, калиши қорга тўлганча ҳовли бурчагидаги молхона эшигига борди. Йиғламсираб чақирди.

— Ая-я!

Кўрқув ичида молхона эшигини очди. Ним қоронғи молхонадан чириган хазон, эски гўнг ҳиди келар эди. Қор кечиб бостирма олдига борди. Пастак эшикни тортган эди, негадир очилмади. Эшик ҳалқасидан тутганча куч билан кўшқўллаб силтай бошлади. Занжир ичкаридан илиб кўйилган, асабий шижирлар, аммо очилмасди.

— Очинг, ая! Кўрқиб кетяпман! — деди Қурбоной баралла йиғлаб.

Жон-жаҳди билан тортган эди, занжир узилди чоғи, пастак эшик нолали ғийқиллаб очилди. Ичкаридан кўзлари йилтираб турган бир нима отилиб чиқди-да, шувиллаб ёнидан ўтиб кетди. Қурбоной кўрққанидан додлаб юборди. Аммо овози чиқмаганини кейин пайқади. Қараса, муз босган остонада ўтирибди. «Мушук-ку!» деди ўзига-ўзи далда бериб. Мушук айвон зинасида тўхтаб, унга ёвқараш қилиб қўйди. Кип-қизил, юпқа тилини чиқариб, лабини ялади-да, унсиз сакраб айвонга чиқди. Қурбоной қорга беланган этагини кафти билан тозалаган бўлди. Қоронғи бостирмага бош суқди. Ичкари киришга юраги бетламади, бир зум туриб қолди. Кейин дадилланиб, остона хатлади. Икки қадам босиши билан кўкраги аралаш юзига муздек нарса урилиб, лопиллаб кетди. У бошини кўтариб қарадию шундоқ тумшуғи тағида иккита оёқ шалвираб турганини кўрди. Сарпойчан оёқлар қоронғида сарғимтир рангда кўринар, вазмин лопиллаб уёқдан-буёққа бориб келарди.

Қурбоной даҳшат ичида орқасига тисарилар экан, вассажуфтга илинган арқонни, арқонда осилиб ётган гавдани кўрди. Қўрқувни ҳам унутиб, оёқларни чангаллади.

— Ая, аяжон! — деди чинқириб. Шундай қилса арқон узилиб, онаси ҳалос бўладигандек оёқларини пастга торта бошлади.

— Унақа қилманг, аяжон! Жон аяжон, унақа қилманг!

Онасининг оёқлари муздек совуқ, таёқдек қаттиқ эди.

\* \* \*

Қурбоной хола одатдагидек эрта уйғонди. Ачом қилиб ётган неварасини оҳиста бағридан чиқариб, устига кўрпа тортди. Таҳорат олди. Ошхонага кириб, газга чой қўйди. Бомдодни ўқиб бўлиб, ўтганларга имон, жулмамўмин қатори Умидага, невараларига умр тилади. Қуруқ тўхматдан, бевақт ажалдан сақлашни Тангридан илтижо қилди. Бир қўлида курак, бир қўлида супурги билан пастга тушди. Ҳаво анча илибди.

Гастрономнинг эшиги тепасида қизил чироқ ёниб турибди... Нон дўкони олдига машина келиб тўхтади.

Қурбоной хола шошилмасдан қор кураш бошлади. Бирпасда терлаб кетди. Орқа томондан Комиссарнинг йўгон овози келди.

— Ҳорма, қизим!

Қурбоной хола куракка суянган кўйи хотиржам бурилиб қаради.

— Саломат бўлинг, — деди салом бериб.

Комиссар қора пальто кийган, томоғи ола-була шарф билан ўраб олган, кўлида сут бидонча кўтариб турарди.

— Совқатмадингми? — деди меҳрибонлик билан.

— Йўқ! — Қурбоной хола жун рўмоли остида терлаб чаккасига ёпишиб қолган сочини кафти билан силади. — Кун ташлабди-ку, анча...

Комиссар томоқ қириб қўйди.

— Хабаринг йўқми, анави болани ўлдирганлар топилибдими?

— Билмасам, — Қурбоной хола елка қисди. — Топилар...

— Топилади! — деди Комиссар ишонч билан. — Топилмай қаёққа борарди?

Қурбоной хола индамади.

— Келин қалай, келин? — Комиссар тўртинчи қаватга, Рустамларнинг деразасига имо қилди.

— Жабр бўлди, бечорага! Қон йиғлаб ўтирибди, шўрлик...

— Оёқ олиши қалай? Олдига бегоналар келмаяптими?

— Вой, манов одамни! — Қурбоной хола астойдил ажабланди. — Худодан кўрқмайсизми?

Комиссар бирпас қор тепкилаб турди-да, тўсатдан сўради:

— Қалай, намоз ўқиб турибсанми?

Қурбоной холанинг юраги шиг этди. Кечаги терговчи айтган! Яхши болага ўшовди-ку! Ким билсин, тагин...

— Ким айтди? — деди шошилиб. — Мен намоз ўқимайман.

— Уқийса-а-н! — Комиссар бармоғи билан пўписа қилди. — Билама-а-ан! Мен ҳамма нарсани биламан.

— Сут бор эканми? — деди Қурбоной хола гапни айлантириб.

— Бор экан, — Комиссар ўйланиб қолди. — Энди бориб, манний каша пишираман.

— Болаларингиз хабар олмайдими? — деди Қурбоной хола. — Уғлингиз бор...

Невараларингиз...

— Хэх! — Комиссар истеҳзоли кулди. — Ҳаммаси бир гўр!

— Унақа деманг, — деди Қурбоной хола ранжиб. — Боланинг ёмони бўлмайди.

— Тфу! — Комиссар асабий қўл силтади. — Бола-чақа боқиб роҳат кўраман, деганинг падарига лаънат!

Қурбоной холанинг юраги сиқилди. Индамай қор курашга тушди. Бирпасдан кейин қулоғи остида тагин Комиссарнинг гўлдираган товуши эшитилди:

— Менга қара, Қурбоной.

Қурбоной хола қаддини ростлади. Комиссар сут бидонини қор устига қўйиб, алла-нечук қунишиб турар, захил юзи ўйчан эди.

— Ростингни айт! — деди кинояли илжайиб. — Жойнамоз устида ҳар куни қарғасанг керак мени? Ота-онанг учун, ўзинг учун... Фақат тўғрисини айт!

— Ўзимга нима қипти? — деди Қурбоной хола дили оғриб.

— Хэх! — Комиссар калтакесакдек чирқиллаб кулди. — Ўзинг бўлмаса, ота-онанг учун...

— Мен ҳеч кимни қарғамайман, — деди Қурбоной хола ишонч билан. — Қуръонда битилган: Оллоҳ ҳар нарсани кўргувчидир. Тангрим ҳаммасини кўриб турибди.

Комиссар бирпас гезариб турди-да, бидон бандидан кўтарди. Индамай нари кетди.

Қурбоной хола курақнинг муздек дастасини чангаллаган кўйи узоқ туриб қолди.

Нима деса бўлади бу одамга?! Бутун аждодига қирон келтиришга келтирди. Бува-сини ўлдирди, отасини ўлдирди, онасидан жудо қилди. Аммо ўзининг бахтсиз бўлиши-да бу одамнинг айби йўқ...

Қурбоной хола эридан ажрашгани учун ўкинмайди. Начора, турмуши келишмади.

Онаси ўлганидан кейин амакилари ота ўрнида оталик қилди. Ўраб-чирмаб узатди. Эри яхши йигит эди. Ҳалол, меҳнаткаш... Фақат қайнота-қайнонаси Қурбонойни ҳеч икки суймади. Келин бўлиб тушган оиласи замонавий экан. Қайнотаси олим, қайнонаси — инженер. Қурбоной атеизм деган илм қанақа бўлишини билмас эди. Қайнотаси ўша илм бўйича олим экан. Қурбоной бурчак-бурчакда яшириб намоз ўқиб юрди-ю, рўза тутганида қўлга тушиб қолди. Ўшанда Умида икки ёшга чиққан эди. Қайнотаси бир коса сув келтириб, ҳозир ичасан, деб туриб олди. «Ўзим коммунист бўлатуриб, атеист бўлатуриб, оиламда диндорлик авж олишига йўл қўймайман», деди. Орага куёв аралашган эди, «феодализм давридан қолган бу махлуқни қаёқдан топгансан?» деб ўдағайлади.

Қурбоной қараса, ота-бола ёқалашиб кетадиган. Қизчасини кўтардию чиқди-кетди. Эри сўроқлаб келган эди, тушунтирди. «Жон дадаси, мен сиздан мингдан-минг розиман. Хафа бўлманг, барибир турмушимиз тўғри келмайди. Мен сизга муносиб эмасман. Ўзингиз рози бўлиб, талоқ қўйинг...» Ёзуғи шу бўлса нима қилсин!

Комиссар бўлса мени қарғайсанми, дейди.

Қурбоной хола ҳамон курақ дастасидан тутиб тураркан, хўрсинди.

— Худонинг ўзи уриб қўйибди-ку сени, мен нимангни қарғай?..

Охири келгуси сонда



Тўлан Низом

# Чўлпон

Достон<sup>1</sup>

## Учар юлдуз

Учар юлдуз  
Учди қаён?  
Қаёнлиги  
Кимга аён?  
Ким ҳам кўрди,  
Билди ким ҳам?  
Қайга кетди?..  
Қаро кийган  
Мотамсаро —  
Ухлоқ кўкни  
Ҳайрон этди.  
Осмон билмас,  
Дарди ичда.  
Билар балки  
Йиғлоқи ой?!  
Сочсиз юлдуз

Кўрмадими?  
Айта қолгил  
Бемаҳал тун,  
Ахир, сенинг  
Сирли бағринг  
Ҳамиша хун.  
Дарёлар жим,  
Сойлар сокин.  
Ер биларми,  
Ер сўзласин?  
Боғлар хазон,  
Куз заъфарон.  
Олам чексиз,  
Сирларга кон.  
Учар юлдуз  
Учди қаён?

## Садо

Мен вафо бўстонида севгучи жон эдим, дўстлар,  
Бир нурли рухсора, деб жигари қоч эдим, дўстлар,  
Дилда ўт, қайноқ юрак, тоза иймон эдим, дўстлар,  
Миллатимла, тилимга, шеъри қалқон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Япроқ янглиғ узилдим, қора тақдир эмасми бу?  
Тилларимни кесдилар, менга таҳқир эмасми бу?  
Боғланди оёқ-қўлим, доғули даҳр эмасми бу?  
Виждоним бут ҳам ҳалол бир мусулмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

<sup>1</sup>. Ойнома нусхаси

Сен нега шодонсан, деб кулгуларимни олдилар,  
Ерга сиғмас, оташин туйғуларимни олдилар,  
Қаламимдан тўкилган қайғуларимни олдилар,  
Юртга виждон, халққа рух, элимга шон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Ғанимнинг ўзлиги не, кўҳна тарих бир сўзласин,  
Мир Алишер шеър айтсин, жумла жаҳон бир бўзласин,  
Темур келсин, лашкарлари ёғийни бир тузласин,  
Аждодларим ким, дея бошим осмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Оталар ҳам оналар кўзларни ғамдан ёшлади,  
Ифбат боғин қизлари сочвонни ўтга ташлади,  
Беҳаё, шармандалар қузғунлар бунда қишлади,  
Хақ шудир — ўзимга бек, ўзимга хон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

То азалдан ифтихорим — эзгу гулин юлди улар,  
Илму ҳунар бизда хўп, нодон экан кулди улар,  
Уғри, қаллоб, фирибгар, чиндан гадо бўлди улар,  
Ош серобу нонга кон, донга хирмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Ишқ ичра мен адашдим, интизор қилди ўшал,  
Ваъда айлаб нечалар, сўнг хокисор қилди ўшал,  
Мажнун сиққан оламни, бир менга тор қилди ўшал,  
Шу боисдан йиғладим, унга қурбон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Юрагимга ўқ отган — айниган бу замон бўлди,  
Олим<sup>1</sup> ҳамда Усмонхон<sup>2</sup> нега улар томон бўлди,  
Ким ўзлигини истаса, ранги рўйи сомон бўлди,  
Кишварнинг бу ишидан жуда ҳайрон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

<sup>1 2</sup> Шоир ҳақида бўхтон мақола ёзган кишилар.

---

Улуғ тарихимизга назар ташлар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, ифтихор ҳиссини туямиз. Халқимиз не-не улуғ фарзандларини вояга етказмаган. Бироқ, айни чоқда, дилимизда чексиз ўкинч туйғуси ҳам пайдо бўлади. Бетимсол истеъдод эгалари нотанти даврларнинг зарбаларига дучор бўлди, вақтида ўз қадрларини тополмадилар.

Ана шундай зотлар ҳақида ўйлар эканмиз, тарихнинг яқин даврларида мустабид тузумнинг, мустамлакачилик сиёсатининг қурбони бўлган бир неча сиймолар кўз олдимиздан ўтади. Булар — Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир сингарилардир.

Ўзбек шеърининг ХХ асрдаги энг порлоқ юлдузларидан бири, шубҳасиз, Чўлпондир. Чўлпон ҳам ана шу зуғумларнинг қурбони бўлиб кетди. Улкан шоиримиз ижодини халққа бутунлигича етказиш баробарида бу зотнинг руҳларини шод айлаб шеърлар ёзсақ, дostonлар битсақ арзийди. Айни маҳалда, биз ҳам таниган бўламиз.

Андижонда туғилиб ўсган Чўлпоннинг фожиавий ҳаёт ўйли ҳақида андижонлик шоиримиз Тўлан Низом дoston ёзибди. Дostonда Чўлпон ҳаётининг айрим-айрим лавҳалари қаламга олинган. Уларнинг ҳар бирида фарёд, туғён, чорасизлик ноалари эшитилиб туради. Бундан бошқача оҳанг бўлмас эди. Бу дoston Чўлпон хотирасига бағишланган илк шеърини асарлардан бири. Уйлаймизки, ўқувчилар Тўлан Низомнинг бу дostonини ўқигач, улуғ Чўлпон хотирасини яна бир карра ёд этарлар.

Абдулла ОРИПОВ

## Акс — садо

Қайдин келур бу мунгли садо,  
Вужудимни титратур, э воҳ!  
Тилсиз ердан чиқарми нидоҳ,  
Тинчим олур безовта арвоҳ!

Чирпирайсан, теграмда э руҳ,  
Қайда кездинг, сен ки бемозор?!  
Қайда ўша жувонмарг гуруҳ,  
Борин сўзла, не сиру асрор?!

Қани, Фитрат, Отажон Ҳошим,  
Қодирийни кўрмадингми, айт?  
Оқар ёшим, тугар бардошим,  
Ёдга тушса ўзинг ёзган байт:

«Эркин — эркин ҳаволарни қучғувчи,  
От чопганда учар қушни тутғувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда,  
Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?»



## Зилзила

Минг тўққиз юз иккинчи<sup>1</sup> йил. Андижон,  
Қаҳратон қиш оч бўридай увиллар.  
Қора совуқ кезар, қутирар бўҳрон,  
Чинорлар ағнайди, толлар чийиллар.

Абдулҳамид ухлар хужрада ёлғиз,  
Чакмоқдай шиддатли тўрт ёшли бола.  
«Бувижон эртакни узоқ айтдингиз,  
Қолди набирангиз уйкуси чала».

Шундай, дея Ойша бир оз сўйланди,  
Ногоҳ гумбурлади ва тебранди ер.  
Даҳшатли гирдобда бошлар айланди,  
Ёш Ҳамид бошига синч қулар — оғир.

Бу бошда нелар бор, биларми эдинг,  
Оҳ, тақдир тегди-я, унга гавронинг?!  
Бу бош қисматида нималар кўрдинг,  
Жароҳат еди-ку, борми виждонинг?!

Ер чўкди, дил чўкди, одамлар чўкди,  
Бу қандай қаро кун, ўсди мозорлар?!  
Дуркун авлодларни тутдайн тўкди,  
Тирикларга қолди ғамлар, оморлар!

Зирқираб ёрилди она ер кўкси,  
Ютиб юборғудай имлар жарликлар.  
Нодира арвоҳи йиғлайди ўксиб,  
Йиғлар Қатортерақ<sup>2</sup>, Қораёрликлар!<sup>3</sup>

Чуқур ёриқлардач тошчалар отди,  
Кўкда ўчи бордай бу кекса замин.  
Мудҳиш манзарадан мавжудот қотди,  
Абдулҳамидга шифо бер, омин!

Кўзёши симобдай кўксига оқдих  
Ота дер: йиғлама, яхшилик тила.  
Нораста ўғлининг сўзига боқди,  
Унинг юрагида портлар зилзила...

## Мутолаа

Кунларни кўзга илмай,  
Йиллар кетар индамай,  
Умр ўтганин билмай,  
Сандал ёнидан жилмай,  
Саъдийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Ҳофизни ўқир аъло,  
Навоийга мубтаълоҳ  
Фузулий зўр тасалло,  
Мажнун ишқи бир бало,  
Бедилни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Низомийни билар у,  
Ўз бағрини тилар у,  
Худодан чин тилар у,  
Кўзига ёш келару  
Бобурни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Олар Рудакий дарсин,  
Ҳайём рубоий тарзин,  
Жомий ила шеър баҳсин,  
Узайин, деб эл қарзин,  
Машрабни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

<sup>1</sup> Гуруҳ — «Халқ душмани» аталиб, қатағон бўлган адиблар.

<sup>2</sup> Қатортерақ — Чўлпон туғилган маҳалла.

<sup>3</sup> Қораёр — зилзила маркази.

Нодира деб шону шан,  
Йиғлар Насимий билан,  
Уйлар Муқимий билан,  
Фурқат ила сарсон тан,  
Румийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Ой кетганида ҳориб,  
Юлдуз ёнур қизориб,  
Шеър битур юрак ёриб,  
Нажот сўраб, ёлбориб,  
Лутфийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

## Араз

Халойиқ тўпланган. Кўрсатиб карам —  
Урта ёш бир имом секин сўз олди:  
«Азизлар, ғайри дин мана бу одам,  
Мусулмон бўлмоқни бўйнига олди.

Тушида кўрибдур Каъбатуллони,  
Пайғамбар сўзини эшитган эмиш.  
Пул тўплаб берайлик, йўли худони,  
Ахир, осон эмас Ҳажга бир бориш».

Уртада ўтирган бақалоқ киши,  
Аста разм солди зимдан барчага,  
Бароқ мўйлов, кўк кўз, ҳам кемшик тиши,  
Уйлар: мусулмон бўлдим-а, ақчага!

Шул замон ўртага отилди Чўлпон,  
Шиддат шижоат-ла ҳайқириб деди:  
«Нега керак сизга янги мусулмон,  
Ўша пулни элга берсангиз эди?

Оч-яланғоч ётар болаю чақа,  
Аталага оғзи тегмаган қанча?  
Шундай аянч ҳолда бу иш қанақа,  
Шеър ўқиб юборди қаҳри келганча:

«Сенинг қаттиқ сир бағрингни кўп йиллардан эзганлар,  
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар,  
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,  
Нега сени бир қул каби қизғонмасдан янчалар?  
Нега, сенинг қалин товшинг, «кет»демайди уларга?  
Нега, сенинг эркин товшинг, эрк бермайди қулларга?  
Нега, тагин танларингда қамчиларнинг қулиши?  
Нега, сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?»

Шул замон анжуман бирдан музлади:  
Беадаб бўлибди, — деди алаким.  
Оғзига келганин ҳар ким сўзлади,  
Сўнгра мажлис аҳли бўлиб қолди жим.

Уртага чиқиб дер Сулаймон баззоз:  
«Ўғлим хато қилди, ҳам катта гуноҳ.  
Авф этинг улуғлар, тўхтанглар бир оз,  
Бу менинг айбимдир, кечирсин оллоҳ!»

Уйда Сулаймонқул ўғлини сўқди:  
«Шунчалар қилдинг-а, шеър ҳам айтдинг боз».  
У аччиқ сўзларин оҳиста тўқди...  
Чунки, ўзлари ҳам шоир таъб бир оз.

Нохосда чақириб кимлардир келди,  
Отага айтдилар, равшан бўлди сир.  
Уй тинтув қилинди, Чўлпон ҳам билди,  
Неки бор дафтарга хатланди бир-бир.

— Буларга тегманглар, — деди рус одам, —  
Уни-да ҳалироқ олиб кетамиз.  
Биз ёзиб чиқайлик қўшнингзни ҳам,  
Ҳаммасини тўплаб бир ҳал этамиз. -

Ота дер ўғлига: «Яширсак, олмас,  
Кейин яраб қолур бир коримизга».  
Чўлпон дер: «Сўнг, менга ҳеч ишонч қолмас,  
Қўйинг, кун ҳам ўтар йўқ-боримизга».

Шунда, Сулаймонқул деди ғазабда:  
«Ота сўзларини қилмаган ўғил,  
Ёш умринг ўтмасин яна азобда,  
Дилимни оғритма, қолмасин кўнгил?»

Абдулҳамид кўзи ёшларга тўлди,  
Барча дафтарларин халтага солиб,  
Оналари билан хўшлашиб бўлди,  
Уйдан чиқиб кетди бошини олиб...

## Улар кимдир?

Билиб-билмай йўл солгонлар,  
Ноҳақликка ҳақ олгонлар,  
Ёмонларга тақолгонлар,  
Худо билсин, қўл олгонлар,  
Эҳтимолки, сотилгонлар,  
Билармикан отилгонлар,  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.  
Халқ душмани эмиш Чўлпон,  
Мафқурасида бор нуқсон,  
У миллатчи, хира иймон —  
Дея жавлиб қанча нодон,  
Зўр шоирни қилди қурбон...  
Узлари ҳам сўнг пушаймон,  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.



«Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.  
Халқ кўзғолса куч йўқдирки, тўхтатсин,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин».

Ушбу шеърки, ўлка кезар,  
Ўқиғонлар бағрин эзар,  
Асил орзу гулин узар,  
Дўст қувониб, ёвлар тўзар,  
Тенгларидан Чўлпон ўзар,  
Ағёрлари йўлин тўсар,  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.

## Она илтижоси

Чўлпон уйга етиб келди тонг-саҳар,  
Самарқандда, Шошда юриб дарбадар.  
Ичга сиғмай соғинчлари жон қадар,  
Дарвозани тез бориб очди падар.

Қайга кетди отанинг эътирози,  
Бундан ортиқ бўлмас, ахир, жазоси,  
Қисмат эрур парвардигор ризоси,  
Қалбин тилди онасин илтижоси:

«Вой келдингми, Абдулҳамид, болам-а,  
Сен кетдингу кўзимга тор олам-а,  
Бувинг ўлди, оқарди соч, толам-а,  
Йиғлай-йиғлай кўзда йўқдир жолам-а!»

Бувинг кетди, қола бердик қоврилиб,  
Бувинг кетди, мана, қолдик айрилиб,

Жон берарда сени сўрди қайрилиб,  
Қаерларда юрибсан-а, соврилиб?!

Отанг кекса, сингилларинг ҳали ёш,  
Болам бунча бўлмагил сен бағри тош,  
Йигит моли ерда дерлар, қил бардош,  
Мол топилур, эсон бўлса агар бош.

Ашъорларинг ёзса бергил сен шунда,  
Икки қўлим эмас, ахир кишанда,  
Ош-нонгни ширин қилай мен кунда,  
Сен бўласан чин ўғлоним ўшанда.

Жоним болам, кетма энди ёнимдан,  
Агар, кетсанг айриламам жонимдан,  
Ошлар қилай, тўйиб егин нонимдан,  
Қиз ҳам топдим сенга Андижонимдан».


Она йиғлаб синиқ қалбин доғлайди,  
Отаси ҳам ўғлини кучоқлайди,  
Сингиллари акасин рдоқлайди,  
Чўпон яна узук кўнглин боғлайди.

## Ҳижрон сатрлари

Солиҳа, эй кўзлари ўт,  
Эй кўзлари аланга қиз.  
Келгил, бу кун мени унут,  
Кетар бўлдим мен-ку изсиз.

Лабларимда «Эркин бўса»,  
У энди қаҳ-қаҳ отмайди.  
Қошларингда учар ўсма,  
Лекин, мени у сотмайди.  
Вафо сенда, ҳаё сенда,  
Гўзалликнинг сен шоҳисан.  
О, найлайн, жафо менда,  
Сен — шеъримсан, дил оҳимсан!

«Мен йўқсул на бўлиб, уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб кўйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб кўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб... кимни суйибмен?  
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»



## Солиҳа йиғиси

Ўт тушди жонима, жаҳонима,  
Қаролмам булутли осмонима.

Кўк аро юлдуз кўп, сайёра кўп,  
Тенг эмас чакнаган Чўлпонима.

Найлайн, ул қуёшдин айрилиб,  
Олам лол мен чеккан фиғонима.

Не учун ўртага олди ғаним,  
Дод, қилай бу йўлда ҳайронима.

Ким дегай, бефарзанддир шоирни,  
Ўғилдир шеърлари Туронима.

Дерди у: мен халқимни яширдим —  
Қалбима, бу тубсиз уммонима.

Чўлпонсиз, энди умр йўқ менга,  
Бағримни босайин Қуръонима.



## Видо

Бешигимни тебратган,  
Ҳаёт қўшиғин айтган,  
Оқ сут бериб яйратган,  
Шоир қилиб сайратган,  
Онажоним, хайру хуш.

Солиҳахон, сайроним,  
Мендан қолиб ҳайроним,  
Қалбим ичра султоним,  
Адо бўлмас фиғоним,  
Ҳам ҳижроним, хайру хуш.

Силаб ёлғиз бошимни,  
Бериб нону ошимни,  
Ҳам оқизган ёшимни,  
Чақнатган қуёшимни  
Отажоним, хайру хуш.

Ака, деган забоним,  
Фозила — бағри қоним,  
Гўзал Фоиқахоним,  
Йиғлайдирғон сўзоним,  
Ҳам армоним, хайру хуш.

Рухимга бердинг зиё,  
Еринг кўзга тўтиё,  
Сен менга ёлғиз дунё,  
Сенга бу сўнгги видо,  
Андижоним, хайру хуш.

## Сўроқ

- «Ерқиноя»ни ким ёзган?
- Мен ёзганмен.
- «Қурбони жаҳолат»ни-чи?
- Уни ҳам мен.
- «Кеча ва кундуз» сеникими?
- Албатта, меники.
- «Ҳамлт»нинг таржимони...
- Аввалбоши мен.
- Пушкинни ўзбекчага...
- Мен ағдарганман.
- «Она»ни ким ўгирган?
- Мен биринчи китобин.

- Ҳофизни ўқийсанми?
- Ўқийман.
- Машрабни ҳам биларсан?
- Шундай.
- Айбдорсан, бўйнингга ол!
- Гуноҳми, ҳалол меҳнат?
- Ана, айтмадимми ўжарсан,  
Асарларинг ғояси чатоқ.  
Таржимангда иллатлар кўп.  
Бу жиноят, вассалом!  
Имзо чек! —  
... Имзо қўйилди. Ҳайҳот!..

## Тутқун

Бир хонага ташладилар, тор, зимистон,  
Ётолмайди, туролмайди ҳеч бир инсон,  
Бу хонада узилгандир қанчалаб жон,  
Деворида қотиб қолган сачраган қон,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

Одам бир йил тош устида қандоқ ётар, . . .  
Ташқарида қуёш чиқар, қуёш ботар,  
Оқшом тушар, юлдуз кулар, тонглар отар,  
Ичкарида дард кўзғотар, ғам уйғотар,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

Йил ҳам ўтди, сенга азоб ошди жуда,  
Сабринг сели денгизлардай тошди жуда,  
Кўзларингдан уйқу узоқ қочди жуда,  
Бурда нон йўқ, қорнинг эса очди жуда,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

Эшикларни шарақлатиб очди биров,  
Девга ўхшаш бесўнақай, сариқ мўйлов,  
Тур ўрнингдан, ивирсима, чиқ, дер дарров,  
Муз баданни эритворди шунда олов,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

Қора чодир ёпган мошин бир йўл солди,  
Эл ухлагач, тун қўйнида тез йўқолди,  
Кўк Чўлпони ўз кўзини ўйиб олди,  
Жами юлдуз, тўлин ой ҳам ғамга толди,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

Қора чодир ёпган мошин бир йўл солди,  
Эл ухлагач, тун қўйнида тез йўқолдих  
Кўк Чўлпони ўз кўзини ўйиб олди,  
Жами юлдуз, тўлин ой ҳам ғамга толди,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени УМИД,  
Сулаймонқул, баззоз ўғли — Абдулҳамид.

## Ўқ овози

Пок иймонга ўқ отилди, бир мусулмон уйғонмади,  
Туғилган юрт ё Фарғона, ё Андижон уйғонмади,  
Ҳар сўзида дарди томган бу Туркистон уйғонмади,  
Онам дея зардоб ютган Ўзбекистон уйғонмади,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди?!

То жаҳолат кишан солди, бир қадам жилмади, Чўлпон,  
Қуруқ тўхмат ичра қолди, кўзига илмади, Чўлпон,  
Кўкрагидан нишон олди, дод-фарёд қилмади, Чўлпон,  
Қўрқмади ҳеч, ўлим толди, ўлим не билмади, Чўлпон,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди?!

Борса бўлур эди эрта кутиб қолди онажони,  
Ҳазаб оти ҳоригандир, истаб келур отажони,  
Қиёматга бирга кетди гўзал Солиҳа ҳижрони,  
Дадам қани, деб сўргали ё қизи йўк, ё ўғлони,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди?!

Йигит бўлмас ўз ёри йўк, боғ бўлурми гулзори йўк.  
Минг афсуски, Чўлпон каби истеъдоднинг бозори йўк,  
Бу қандайин қора тақдир, наҳот, унинг мазори йўк,  
Қай миллатда ғурур бўлмас, виждони йўк, ҳам ори йўк,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди?!

Чўлпон, дебон йиғлар мудом одоши — кўкдаги Чўлпон,  
Қора тунда ёшлар тўкур юлдузлардан тўлиб осмон.  
Кўзда ашким тиёлмасман, «Кеча-кундуз» юрагим қон,  
Зориллайманг неча кундир хотирига ёзиб достон,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди?!

## Сингил ноласи

Билмам, қайда, қаро тунда отилғон,  
Излари йўқолғон, мазорсиз қолғон,  
Қонсираган душманига қон берғон,  
Ҳанимлар нобуд этғон,  
Қирчинлик ёшда кетғон,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Сени излаб бошим олиб кетайин,  
Қўлим калта, иложим йўқ нетайин,  
Шу тошларга дардларимни битайин,  
Совуқ тошлар сўзласин,  
Сингилгинанг бўзласин,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.



<sup>1</sup> «Кеча ва кундуз» — Чўлпоннинг асарига ишора.

Қуёш сиққан кўкка сиғмас фиғоним,  
Ерга сиғмас ичимдаги армоним,  
Елғиз акам, меҳрибоним, бийроним,  
Гул териб қувнолмағон,  
Ёр олиб ўйнолмағон,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Фарёдим юракдан қайғуни қувса,  
«Кўнгилнинг мақсади кўз ёши бўлса,  
Ризоман, кўз ёшим дунёни ювса».  
Зурёдсиз ўтган акам,  
Ноумид кетган акам,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Дийдорингни кўрай, деб то қиёмат,  
Сени қўмсаб кечар умрим надомат,  
Сен томонга борадурман, бер, навбат,  
Тилар эрдим худодан,  
Кетойин, деб дунёдан,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Шогирдларинг сенга ҳайкал қўйганлар,  
Ғам кўрмасин яхшиликка йўйганлар,  
Хотирангни юрагига тўйганлар,  
Едлаганлар ўлмасин,  
Сира сендай бўлмасин,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

## Садо

Тухмат тоши бош ёрур, ўчмас бўлиб қолган бу гап,  
Ҳеч қачон синмас дедим, бир тош билан дурри садаф,  
Кечди умрим жанг билан, ғам бир тараф, шеър бир тараф,  
Кўп ёмонлик торта-торта дили вайрон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Юрт бошига тушса ғам, бир ҳақ десун шоир эли,  
Пешласин ҳар бир улус ақлу ҳушин шоир эли,  
Енгсин бир сўз-ла, ёвнинг юз мингтасин шоир эли,  
Халқ учун бел боғлаган шоир ўғлон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Кимга қилдим ҳасратимни, фарёдларим етмади ҳеч,  
Дўстларим, жигарларим, кўзларимдан кетмади ҳеч,  
Жисмим ичра аланга — қўшиқларим битмади ҳеч,  
Армон ичра мен ҳам бир ғариб армон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Билсангиз, менинг номим, одамлардан сўранг энди,  
Жувонмарг бўлди Чўлпон денг, бир янгроқ рубоб синди,  
Бу кун руҳим қанотланди — ғойибдан оқ от минди,  
Бир жону тан, бир Ватан, мен — Туркистон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Изоҳ: Қўштирноқ ичига олинган  
сатрлар Чўлпонники.



Асқад Мухтор

## ФАНО ВА БАҚО

Ҳикоя

«Бўлмаса васли манго, икки жаҳонни на қилай»

(МАШРАБ)

«Езганларим бари — ҳаёт ва ўлим ҳақида»

(ЭДГАР ПО)

«Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Дунёи-дун сизни ҳаргиз алдаб қўймасин»

(ҚУРЪОНИ КАРИМДАН)

Хотин киши билан иш битганидан кейин одам беҳафсала бўлиб қолади. Холхўжа буни илгаритдан биларди-ю, лекин бунақангиси бўлган эмас. Ҳалигина «Хуринисо! Хурилиқо!» қилиб эркалагани Хурихоннинг башарасини кўргиси келмай, унинг ваннадан чиқишини ҳам кутмасдан, кўйлагини кийиб, кетишга отланди.

Об-ҳаво нобоп куңлар Холхўжага таъсир қилмайди. Бироқ бугун шомданоқ негадир ичи хира, бекордан-бекор эзилиб кетяпти. Костюмини елкасига ташлаб, деразадан боқса, қора тун қўйнида нимадир бўғиқ гумбурлаб... йўқ, момақалди роқ эмас, самолёт ё вертолёт ҳам эмас, ер қаъридан ваҳимали, бўғиқ гувиллаш кўтарилаётгандай. Бир зумдан кейин бўлса, узоқ-яқинда итлар вовуллаб, тинчликни бузди. Холхўжа шаҳар жойда итнинг бундай чиябўридай хунук улишини эшитган эмасди. Машъум нишона...

Эшикка қараб юрди. Йўлакка чиққанида тепасида нимадир қирсиллаб, оҳак тўкилди. Сарғайиброқ ёниб турган чироқлар липиллаб чайқаларди. Холхўжа боши устида бетон плитанинг дарз кетганини кўриб, оғзини очиб ҳам улгурмай, олдинроқда шифт тўсинлари қарсиллаб, назарида девор ағанади. Қарс-қарс тебранаётган зинапоядан ўзини пастга отди, худди гугурт қутисидай майишиб янчилаётган бетон қаватлардан нечтаси орқада қолди — билмайди, рўпарасидаги эшик кесақиси билан ўпирилиб, қаттиқ гумбурдан кейин орқа-ўнгида қуюқ тўзон кўтарилди. Кўз очиб, нафас олиб бўлмас, чироқлар ўчган, тепадаги бетон қаватлар худди босиб тушмоқда, на олдинга, на орқага йўл бор. Холхўжа нималаргадир қоқиниб-сурилиб, хавфсиз жой қаерда эканини билмаса ҳам, ўзини четроққа олишга уринар эди. Бир жойда туришга тоқати чидамай, тўзон қуюнида чанг ютиб, қоронғида қандайдир фишт уюмларидан ҳатлаб

ўтиб, деворни пайпаслади. Қўли нимадандир тилиниб, билагига иссиқ қон югурганини сезди. Сездю эътибор бермади, чунки бу вақт қаердадир ғирчиллаб эшик очилди. Тепада яна ҳам даҳшатлироқ гумбурашлар эшитиларди. Холхўжа тойибми, бир нимагинг зарби биланми, шу заҳотиёқ зинадан юмалаб пастга тушиб кетди.

... Ётган ерида лат еган, шилинган жойларининг оғригидан ҳам олдин калласига ўй келди: бу мудҳиш зилзила эди, у эса — тирик. Лекин қаерда ётибди? Фаҳмладики, ҳалиги ғирчиллаган эшикни ўзи очган экан; у юмалаган зина, бу зах жой — кўп қаватли бинонинг подвали (ертўласи) бўлиши мумкин... Ҳа, ертўла, хидидан маълум.

У «тирикман» деди-ю, аммо шубҳаланиб қолди. Атроф зимзиё, қулоқлари том битган, фақат... ҳид билипти, ҳид! Демак, нафас оляпти, димоқни паҳсалайдиган бояги чанг йўқ, замин ҳам тинчиди чоғи. Холхўжа қўл-оёғини қимирлатиб кўрди — сал зирқираса ҳам, хайрият, бари бутун. Атрофини пайпаслаб, туриб ўтирди. Бармоқлари билан қулоқ-бурнини ушлаб кўрди, шукр, у-бу шарпани эшитяпти. Лекин қулоқлари зинғиллар, боши ғувиллар эди. Кейин тушунди: жимжитликдан экан. Ҳалиги мудҳиш гумбурашлардан кейинги бу жимжитлик ундан баттар ваҳимали туюлди...

Қани энди ҳозир бирдан уйғониб кетса! Бордию Ҳури қанжиқнинг тўшагида мизғиб қолган бўлсаю... Кошкийди. Мана бу кўзга туртсанг кўринмайдиган зимистоннинг сассиғи — тушга ўхшамайди, туш эмас. «Қанжиқ» дема, у шўринг қурғурни ҳам ҳозир ҳойнаҳой босиб қолди-ёв. Ваннасида кафансиз кўмилиб ётибдими ҳали...

Шу заҳоти неча юзлаб жон нобуд бўлди, Холхўжа, сен тириксан. Сен тириксан, Хол! Оламда шу пайт икки нарса бор: ўлигу тирик. Учинчиси йўқ. Сен эса тириксан, Холхўжа.

Шу ўйлардан кейин у бир дам нафас ростлади. Аммо қаердадир яна бир нима қирсиллади, гув эшитилди. Зилзила «қайтди» шекилли. Холхўжанинг энди ўлгиси йўқ, ў, ўлимнинг даҳшатини бошидан кечирди. Қутулдим деганида... энди ўлимни ўйлаш минг баробар мудҳиш... У деворни пайпаслаб ўрнидан турди. Тиззалари қалтирар эди. Қоронғида биттагина нур, заррача бўлса ҳам ёруғлик қидириб, мўлтираб турганида сал нарида лип этиб... вожабо, чироқ ёнди. Холхўжа ҳушидан кетаёзди, бирдан урилган шўъладан кўзларини чирт юмди, ёруғликдан бутун вужудни яйрагандай, бўшашди. Бу нима ўзи? Нима бўлди? Электр чироғи-ку! Ким ёқди? Ё ундан бошқа ҳам одам борми? Хирагина қизариб, сал липиллаб турган кичкина лампа зим-зиё ертўлани кундай ёритган эди. Бирор жойда сим узилган бўлса, кейинги қимирлашда ўзидан-ўзи бехос уланиб қолди чамаси. Омад-да! Холхўжа омадли йигит ўзи. Уйлаб қараса, омад унга бир умр соядай эргашиб юрган экан: солдатликка бир ярим ёш етмай, қирғин урушдан четда қолди, таъкибу қамоқлардан худо асради, қўйинг-чи, касалхонага ҳам тушгани йўқ-да. Бахту мол-дунёнинг мўмай-мўмайи гоҳида шундоққина омондан оёғини узатиб тушаверди, оламда ўзидан бўлак ғами йўқ. Омад бу сафар ҳам рўпарасидан чиқиб қолса не ажаб.

У эҳтиётлик билан девор бўйлаб юриб, бир умид илинжида ертўлани айланиб чиқди — эшик-тешик деган нарса йўқ. Орқа томон бутунлай босиб ётибди — яқинлашиш ҳам хатарли. Қирган эшиги, юмалаб тушган зинаполяси қаёқда эди — ақли етмади, ғишт, бетон, тупроқ ўпирилиб тушган, ҳаммаёқ гум... Холхўжанинг ваҳимаси ошиб, ҳаво етмаётгандай, баданидан совуқ тер чиқиб кетди: тирик кўмилган бўлса-я!.. Нима бўлади унда? Аввал ақлдан озиб, жинни бўлади. Кейин очликдан, ёлғизликдан талвасада жон бериб... мурдаси сасиб ётади. Бир сичқонми-каламуш ҳам югуриб ўтмайди бу ерда... Йўқ. Нима «йўқ»? У кучи борича овоз бериб кўрди, ертўлани яна айланиб, жон-жаҳди билан бақириб-чақирди. Бўғиқ янраган овозни ертўла қора гўрдай ўз қаърига ютарди. Холхўжа шайтонлагандай зир югуриб, деворларга урилиб, қоқиниб-суриниб, ҳолдан тойди. Мияси карахт, ҳеч нарса ўйлаёлмай, бетон деворга суянганча узоқ турди. Йўқ... Қутқазишади. Ертўлада одам кўмилиб қоладию қутқазмайдеми... Маҳалладагилар сал ўзларига келишсин-чи, қидириб қолишади. Кавлашаётганда тепадан бетон плиталар босиб тушмаса бас. Улар сал илиниб омонат турганга ўхшайди. Холхўжа тепага кўз солишга ботинмай, ғужанак бўлди. У қўрқишдан, ваҳимаю талвасалардан толиққан эди. Бунақада телба бўлиб қолиш мумкин. Узингни бос, Холхўжа. Нафас бўғилиши ҳам вақимадан, бу ерда ҳаво етарли, уқдингми, аввал эсни жойига қўйиш керак. Қанча вақт ўтди ўзи? Бир ўйласа — неча кунлардан бери шу ерда ўтирганга ўхшайди. «Кунлар» деганда эти жимирлаб кетди. Йўқ. Йўқ, ахир. Ҳали ярим соат ҳам бўлгани йўқ. Холхўжа буни яхши билади, қизиб кетган миясининг бир чеккасида идроки уйғоқ. Мана шуни йўқотмаслик керак, телбалик ўлдиради, совуш керак, совуққонлик керак.

Ярим соат эмас, назарида ундан ҳам кам, беш-ўн минутгина... Лекин бир дунё хаёл ўтди бошидан. Ёлғизликда шунинг ўзидан ҳам жинни бўлиш мумкин. Идрок деди. Ёлғизлик-чи? Бу иккаласининг чиқишуви қийин, ё у, ё бу енгади.

Холхўжа даҳшатли ёлғизликнинг идрокдан устун келишига кўзи етиб турганида аллақайдан инграган овоз эшитилди. Баданидаги оғриқларни унутиб, сапчиб турди, аланглади, яна қулоқ солди. Ташқаридами? Ташқарида бўлса, эшитилмас эди. Тупроқ, ғишт остидами? Ундай бўлса, уни қидириб бир жойни кавлаш ҳам хатарли. Кавламай қулоқ солиб ўтириш — ундан ҳам мудҳиш... Инграш яна эшитилди. У ёрдамга муҳтож.

бир иссиқ жон эканлиги аниқ. Холхўжа уёқ-буёққа югургилади. Уни қувонч югуртир-  
яптими, ваҳимами — ўзи билмасди. Бурчакларга кирди, бетон блоклари майишиб,  
арматура симлари чиқиб, ўпирилиб ётган ён девор қавакларига, кунжакларга кўз сол-  
ди. Тўхтаб, жимликка қулоқ тутса, овозидан тезроқ топарди, лекин ҳовлиқиб жим  
туролмаяпти, асаблари қақшаган, сабр-тоқат тугаган, ўзининг нафасидан бошқа шарпа-  
ни эшитмас эди. Бунга сари ўт олгандай шошиб, чўлоқланиб югуради, йиқилади, яна  
туради.

— Ҳой, ким бор?!

Овозим чиқмаяпти шекилли, деб бир зум тинч қолувди, заиф инграш яна такрор-  
ланди. Холхўжа ўша ёққа урди ўзини. Бу ҳалигина ўзи кирган эшик томонда эди. Энди  
эшик йўқ. Бу ён ҳам ўпирилиб, эшигу бетон уюми шифтга тақалиб ётибди. Овоз шу  
ердан келди, бу аниқ. Яна бир эшитилса — устидан чиқади. Кутди. Инграш эшитилма-  
дию шитирлаб тупроқ тўкилди. Холхўжа бир учи билан ерга қадалиб қолган балка  
остига бош суқиб қараса, инграш ёнгинасида эшитилди. Қоронғида ярим кўмилиб ётган  
гавдани кўзлари илғагандай бўлди.

— Ҳой, тирикмисиз?!

— ... О-о-оёғим...— деди ҳалиги одам.

Тирик! Улиб қолмаса бўлгани. Қайси томондан бориш керак? Бу ерда бир нимани  
сал қимирлатсанг босиб қолиши ҳеч гапмас.

— Кимсиз?

— ...

У одам бир нима деб ғудранди-ю, оғзи тупроққа тўлганми, тушуниб бўлмади.  
Жони узилиб қолмаса, бас. Улиб қоладиган бўлса... ҳали ёлғизлик ваҳимаси босаётувди,  
энди... Ёнингда ўлик билан ёлғиз қолиш...

Ўзингни бос, Холхўжа. Оғир бўл, омаддан умид узма. Бунга кутқазиб керак. Кутқа-  
зиш керак.

Бир елкаси билан балка тагига суқилиб, қўлини узатди. Унинг пайпаслаётганини  
сезган ҳалиги одам яна:

— О-о-ёқ...— дея шивирлади сиқтаб.

Холхўжа кафти билан унинг устидаги тупроқни сидириб ташлаб, қўл-оёғи қаерда-  
лигини топишга уринди. Пайпаслаб юзини топди, иссиқ нафасини сезди.

— Ҳозир... ҳозир... Бирпас тоқат қилинг, биродар...

Бу одамнинг оёғини босиб ётган йўғон хода бир учи билан ерга тиралган, бир учи  
билан тепадаги бетон плитани суяб қолган эди.

— Ходага тегманг... оёқ... оёқни тортинг,— деди ётган одам. Унинг кўзи қоронғига  
кўникиб, у-бу нарсани кўриб ётганга ўхшайди. Холхўжа ҳушёр тортиб, ўзини четга  
олди. Қараса, чиндан ҳам хавфли: ходани қимирлатса шифт босиб тушадиган...

— Оёқ... ни,— деди чорасиз одам қаттиқ оғриқдан тишини тишига босиб.

Холхўжа унинг этигини пайпаслаб топиб, оёқни ходанинг кўтарилган томонига  
қараб суришга уринди. Тепага қараб олиб, этик пошнасидан маҳкам ушлади-да, яна  
тортди. Бечора жон-жаҳди билан «я... я... яна!» деганча тинчиб қолди. Оғриқдан хуши-  
ни йўқотдими, нима бало? Улиб қолмаса бўлгани. Холхўжа тагин бир зўр бериб силта-  
ган эди, у хунук овоз чиқариб дод солдию яна жимиб қолди. Холхўжа ҳам қимир этмай  
қулоқ соларди. Хайрият, нафас олиши сезиляпти. Таваккал қилиб, иккала оёғидан тарта  
бошлади. Уни ёруғликка судраб чиққунича вужудини қора тер босди. Усти-бошидан  
шувиллаб тупроқ тўкилгач, капалак мўйлов, ўрта яшар, найновгина йигитнинг лой тек-  
кан афт-башараси кўринди. Лекин кўзи юмук, юзи ифодасиз, беҳуш ётар эди. Холхўжа  
унинг томирини ушлаб кўриб, хунук жилмайди-да, яна чаққон ҳаракатга тушди. У ўзи-  
дан мамнун, жонланиб кетган эди. Шўрликнинг юзкўзини сийпалаб, устидаги оҳак  
кукунини қоқиб ташлаб, сўради:

— Ҳой, қалайсиз?

— Оёқ...— деди яна йигит кўзини очмай.

Оёғига қаради, этигини тортиб кўрди, лекин иккинчи оёғига қўл тегизиши билан  
йигит бақариб юборди. Холхўжа бўлса унинг фарёдига қувонгандай:

— Бормисиз-э...— деди.— Ҳозирча чидайсиз, биродар. Синмаган, этик қўнжи сақ-  
лабди, шукр қилинг, лекин қаттиқ лат еган, чидайсиз!

Шундай деди-ю, дод солишига қарамай, этикни шартта ечиб олди. Йигит бир  
инграб, жим бўлди. Холхўжа бир пой этикни қучоқлаганча ўтириб қолди.

Иккаласи ҳам гўё оғир ишдан кейин дам олишар эди. Анчадан сўнг йигит кўз очиб,  
шифтга, атрофга, кейин нажоткорига боқди. Қаерда ётганини ҳали фаҳмлагани йўқ  
чамаси.

— Тузукмисиз? — деди Холхўжа.

— Бошим нимагадир урилиб... ҳеч нимани билганим йўқ. Ҳушимга келсам... оёқ  
оғрияпти. Қаттиқ оғриқ ҳушимга келтирди чамамда.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир... қаранг-чи, оёқ бутунми?

Холхўжа оёққа ёпишиб қотган пайтавани эҳтиёт билан ечиб олдию қорайиб-кўқарган болдирни ушлаб кўришга қўрқди.

— Бугуноқ чопқиллаб кетасиз...

— Назаримда, қон юрди... раҳмат сизга. Қаердамиз? Нима бўлди?

— Зилзила... Ёмон бўлди. Ертўлада қамалаб ётибмиз, юқорида нима бўлганини билмайман.

— ... Ҳушимга келганимда ўзимнинг ҳам тахмининг шу эди. Бошқа ҳеч ким... Бирон эшик-тешик ҳам йўқми?

— Йўқ... Йилт этган туйнук ҳам йўқ...

— Чироқ...

— Чироқ кейин ёнди, ҳайронман. Хуллас... ҳозир тирик қолганимизга шукр дейишга тўғри келади. Оёқ қалай?

Йигит индамади. Анча жим ётгандан кейин зўр билан сал ёнбошлаб, пахталигини ечиб, буклаб, орқасига кўйди-да, деворга суяниброқ ўтириб, муматалоқ бўлиб кетган болдирга қаради. Оёқни қимирлатолмади.

— Синмаган деяпсизми? Назаримда мажақланиб кетганга ўхшайди.

— Синган бўлса ҳозир мен билан гаплашиб ўтирармидингиз, биродар. Оғриғига чидолмай, деворга тирмашардингиз, ҳа. Майишиб, қон уюшиб қолган, қорайиб кетганини кўрмайсизми? Отингиз нимади?

— Очил. Сизники-чи?

— Холхўжа.

— Шу уйданмисиз?

— Олтинчи қаватдан.

— Ҳайрият,— деворди Холхўжа. Очил, оёғи билан овора, эшитмади.

Шу уйдан! Шу уйдан экан бу шўринг кўрғур! Ҳой, буни эмас, ўзингни ўлимдан қутқазибсан. Хол! Буни албатта қидиришади, ертўлани кавлашади!

Юрагида умид учқунлади.

— Нима дедингиз?

— Мен бу уйда ҳеч ким билмайди... деяпман. Бахтсиз тасодиф билан келиб қолгандим...

Одамни ўлимдан қутқазиб бу қадар қувончли бўлишини билмас экан. Ярадорга ёрдам бериш тараддудига тушди.

— Ҳизмат бўлмаса, Холхўжа ака, ҳов сандиқни кўряпсизми?

— Сандиқ?

— Ҳа, ана, деворга суяб кўйилган.

Холхўжа қоронғи бурчакдаги ахлат ташланадиган қопқоқли тахта қутини кўрди.

— Ушанда чирпит... катта шиша бор. Олиб келсангиз.

Холхўжа бориб қопқоқни кўтарди. Саккиз литрлик шишани топди. «Сандиқ»да яна аллақандай темир-терсақ, эгри-бугри қувурлар, қоғоз қопчиқ, унда шакарми, тагин бир нималар бор эди. Оғир шишани кўксига босиб олиб келди, у тўла эмас, тубида нимадир чайқалар эди.

Очил қўлига олиб, пўкагини очаркан:

— Самогон,— деди илжайиб. Холхўжа ҳидидан фаҳмлаган эди. Лекин:

— Ростданми? — деб яна сўради,— чоғирпазлик ҳам қиламан денг?

— Шу лаънатино деб тушган эдим бу қора гўрга...

Ноқулай жимлики яна ўзи бузди.

— Кузя деган шопир оғайним ўргатган. Мен ўзим шопирман-да. Бу... осон, мен сизга айтсам. Шакар топилса бўлгани.— Шиша оғзини ҳидлаб, афтини жийрди.— Жуда законни бўлади, «столична»нгиз у ёқда турсин.

— Кайфи зўрми?

— Кайф ҳам гапми! Қотириб қўяди! — деди Очил. Кейин кўйлагининг енгини йиртиб олиб, тўрт буклади-да, самогонга намиқтирди.— Кайфни кейин қиламиз, Холхўжа ака, хизмат бўлса ҳам, шуни оёқ ўлгурга камприс қилиб босинг. Анали, кўқарган жойига.

Холхўжа ичида, тузук йигит чиқди-ку бу шофер, дея, чоғир ҳиди анқиган латтани унинг болдирига босиб, устидан боғлаб қўйди. Кейин, Очилнинг оғриқдан буришган афтига қараб, тадбиркор экан, буни топганини қара, у билан кам бўлмаймиз, деб ўйлади. Кўнгли ўсди.

— Кайф қилар эканмиз-да, а?

Очил индаёлмади.

— Ҳозирча оёқдан бўлса ҳам...— деб ҳазиллашди Холхўжа. Очил «маъқул айтдингиз» дегандай бош ирғаб қўйди, у кўзини чирт юмиб олган эди. Спирт таъсир қила бошлади чоғи, бирпасдан кейин енгил тортиб, шеригига илжайди. Лекин бу илжайиш тез сўнди.

Холхўжа ёнида тирик одам пайдо бўлганига қувониб кетиб, ҳазил бошлаганидан ўзини ноқулай сездди. Бу аҳволда ҳазил чиндан ҳам густоҳликка ўхшарди. Вақтни сўраб, Очилда ҳам соат йўқлигини билгач, кўнглини яна ваҳима босди. Қанча вақт ўтди, ҳозир

тунми-кунми — маълум эмас, тахминлаб ҳам бўлмас эди. Ертўлада ваҳимани оширадиган оғир жимлик.

— Чироқни ўчиринг-чи, балки бирон жойда ёриқми-туйнук бордир,— деди Очил,— бўлмаслиги мумкин эмас. Учиринг.

Холхўжа ҳозир чироқ ҳам ўчса, бу зимзиё жимликка бардош беролмаслигини ўйлаб, секин чироқ томон юрди. Лампани бураб ўчирди. Қўли куйди, бу кичкина ўт, жиндаккина ҳаёт манбаи сўниб қолиши мумкинлигини ўйлаб, оёғи қалтираб кетди.

— Очил...— деди Холхўжа юраги тошиб,— бормисиз?

Кейин бейхотиёр чироқни яна ёқиб юборди.

— Дунёга туйнук бўлмаса ҳам, бир-биримизни кўриб турганимиз маъқул,— деди жойига келиб ўтираркан. Қанақа вазиятга тушиб қолганини энди астойдил идрок этган Очил бетоқат эди, оёқ иккинчи масала бўлиб қолди.

— Ҳаммаёқни айландингизми?

— Ҳа... чор тараф — гум; тош, бетон, ғишт, тупроқ...

— Менга бир таёқ-топиб беринг.

Холхўжа ивирсиб юриб, битта эгри қувур бўлагини топиб келди.

— Мана, таёқда той кучи бор, деганлар, ҳаққалаб юриб кетасиз.

Очил турди. Темирга таяниб, оғриқ оёғини судраганча узоқ бурчакка қараб кетди. У энди йиқилгунча айланади, тентирайди. Ҳаммаёққа бош уради. Ҳаммаёқ — девор. Умиднинг охирги учқунини ҳам ўчириб қайтиб келади.

Чиндан шундай бўлди. Лекин у бўкириб йиғлаб қайтиб келди: оғриқданми, ваҳимаданми — билиш қийин эди.

— Йўқ! Йўқ! Улиб кетамиз! Кавлаш керак! Утираверамизми ўлимни кутиб?!

— Кавлаш — ўлимнинг ўзи. Қаер босади, қаер босмайди — ичкаридан туриб билиб бўладими?

— Аниқланг, қимирланг! Нимани кутяпмиз?

Очилнинг аҳволи аянчли эди. Боғланган оёғини ҳам уриб олганга ўхшайди: юзи бениҳоя дардли.

Жим қолдилар. Анчадан кейин Очил заиф товуш билан:

— Узр...— деб қўйди.

Яна жим қолдилар. Бирпасдан кейин Холхўжа қараса, шериги ухлаб қолибди. Уйқуми, беҳушликми, ишқилиб майли, шўрлик ором олсин. Ҳозир Холхўжа учун у — бутун бир дунё. Шу бўлмаса, жинни бўлиб, ажалидан олдин ўлиб, ертўлада чириб кетиши аниқ эди. Мана, гаплашиб ўтиришибди. Йиғлади, жеркиди, узр сўради, ухляпти... Ажаб, ҳаётда минглаб одам билан ёнма-ён яшайсан, биттасининг сариқ чақалик кадри йўқ. Бошига тушмаса билмас экан бандаси.

Шу ўйлар билан ўзи ҳам уйқуга толганини сезмай қолибди... Кўз очса — атроф ўша-ўша, ярим ўпирилган шифтда сарғиш чироқ милтиллаб турибди. Рўпарасида Очил унга тикилиб ўтирибди.

— Вақт неча бўлдийкин? — деди Холхўжа худди ўз уйида уйқудан тургандек, беғам керишиб.

— Вақт?.. Кунми-тунми денг.

— Вақтни қорин очишига қараб, билса бўлади.

— Меники нуқул ўн иккига бориб қулдирайди,— деб ҳазин илжайди Очил.

— Менингча, ҳозир эрталаб соат ўнлар бор-ов...

— Қаёқдан билдингиз?

— Мен ҳар куни ўнда базада нонушта қиламан. Мана, ҳозир оғзим сув очяпти.

— Магазинчимисиз, дейман?

— Озиқ-овқат базасида мудирман.

— О... ундоқ бўлса бу ернинг таоми сизбоп эмас-ов...

— Мана, самогон бизбоп.

— Оч қоринни шилиб кетади, баттар очқайсиз.

— Сиз ичмайсизми?

— Биз шопирлар бунга ўргансак, ажалимиздан беш кун олдин...

— Бу ерда машина ҳайдамайсиз.

— Барибир, ўрганмаганман.

— Буни ўзингиз қилганмисиз, ахир?

— Сотишга... Ҳозир биласиз-ку, магазинларингда анқонинг уруғи бўлиб кетди бу сабил. Мана буни...— чирпитни чайқаб қўйди Очил.— Йигирма бешга оляпти шишасини.

— Қуйқасини қалқитдингиз. Ҳа, майли, бўтанаси қоринни ҳам тўйғазади.

— Менга қанддан ола келинг, ака.

Холхўжа бориб, «сандиқ»даги қоғоз халтани кўтариб келди.

— Закускага ярайдими? — сўради Хол.

— Йўқ.

— Нега, бу ҳам шундан бўлган-ку, қариндоши билан йиғлаб кўришмайдими?

— Йўқ, кўнглингиз айниб, кеча еган ноз-неъматларингизни ҳам қайт қилиб ташлайсиз.



— Бу гапингиз ҳам тўғри...— деди Холхўжа, сув аралашган сутдек оқаринқираб турган шишага қараб. Ичкиси келар, хавотири ҳам бор эди.

— Майли бўлмаса, сиз кайф қилинг, мен қанд ялайман. Томоқ томоқ эмас, томоқдан ўтгани томоқ.

У ялади. Бу ичди.

— ... Кайф, қанд... Итни кунини ҳам чиройли гап билан бежаса бўлади-я, қаранг,— деди Холхўжа томоғини, куйдириб ўтган чоғирнинг қўланса ҳидидан афтини буриштираркан.

«Итни куни» деган сўзлар иккаласига ҳам чорасиз аҳволларини яна эслатди. Уларни қилдай умид ушлаб турар, дам-бадам узоқ жим қолиб, тиқ этган садога илҳақ, тепага қарар, қулоқ осар эдилар. У ерда эса мудҳиш жимлик. Жуда қалин қатламлар остида кўмилиб қолишган шекилли.

— Нима бўлди энди, сизнингча, ҳозир тунми-кунми?

— Ҳайронман. Бордию кун бўлса, тепада бирон нарса тиқ этарди ахир... Сиз билан бирга бу ёғи ҳамिशалик тун бўлмаса деб кўрқаман...

Очил ялт этиб қараб, «ёқангга ёпишсин!» деворишига сал қолди.

— Нафасни совуқ қилманг, ака...— деди кейин хомуш. Холхўжанинг кайфияти унга ҳам таъсир қила бошлади.

Холхўжа бўлса, ўзини қаёққа қўйишни билмаяпти. Кеча шишанинг оғзидан ичилган уч-тўрт қултум самогон уни эзиб юборган эди. Хуморига қултиллаб яна ҳўплади.

Очил ўзини ундан кўра тадбиркорроқ ҳисобларди: у кам гапириб, кам ҳаракат қилиб, оз-оздан шакар ялаб, кўпроқ ухлаб, куч сақлайди. Бу ерда қанча ётишлари ҳали маълум эмас.

Шериги эса, чидами тез тугаб, ўзини-ўзи еб қўйяпти. Ғазабланиб, кўп гапиради, яна ичиб кўяди-да, баттар эзилади, ташналикдан нолиб, занг босган қувурлардан томаётган илиқ сувдан ичиб келади. Очил ўша қувурнинг тагига тунука идиш қўйиб келди — сув йиғилиб, совиб, тиниб туради.

— Олинг бундан, биродар, кайф билан вақт ўтганини билмайсиз,— деди Холхўжа. Ўзи молдай шимириб, учиб қолди. Шундан кейин етти-саккиз соат ухлади. Очил бўлса, унинг хуррагини тинглаб, «шифт»га қараб ётаркан, бехосдан кўнгли бузилиб, юзини энги билан тўсиб йиғлади. Чарчагач, уйқуга кетди.

Уйғонса, баракалла-е, хуррак ҳали-ҳамон давом этарди. Ухлаш, албатта яхши, куч ғанимат. Аммо Очилни борган сари ваҳима босапти: қанча вақт, неча кун ўтди — маълум эмас; юқорида нима гап, уларни ҳеч ким эсладимми ўзи? Қидирувчиларнинг шарпаси ҳам сезилмайди, наҳотки мана бу шўринг қурғурнинг совуқ гапи тўғри чиқиб...

Холхўжа қимирлади, босинқираб, бақириб уйғонди-да, Очилга олайиб қараб, бўкириб йиғлаб юборди. Овози хунук эди. Очил тасаллисига бир нима деёлмади. Шеригини ҳиқичоқ тутиб, тинчиб қолди.

— Тузукмисиз?

— Тушимда... бўрилар қуршаб олганмиш. Тушнинг тескариси бўлади дейишади, ишқилиб...

— Йўқ, ака,— деди Очил, билағонлиги тутиб,— Азроилнинг бир турқи — бўри экан. Эшитмаганмисиз?

Холхўжа индамади. Очил эҳтиётсиз гапириб қўйганини сезиб, тилини тишлаб қолди. Кейинроқ Холхўжа сув ичгани борганида юришидан билиндики, дармони тугаяпти. Сувни тунукаси билан кўтариб келиб, ёнига қўйди. Бу иши ҳам тўғри: ҳар сафар бориб келиш учун мажол керак, шу ерда турса, чанқаганда оғиз ҳўллаб турилаверади. Сув йўғида — таяммум, деган машойихлар.

Кунми-тунми деган баҳс ҳам тугади. Буни энди уйқу босишига қараб ҳам аниқлаб бўлмайди — уйқу вақти ҳам чалкашиб кетди. Холхўжа бўлса, ҳамиша ширакайф, уйқу-сираб ётгани-ётган. Вақтни қорин очишига қараб ҳам аниқлаб бўлмайди — очлик ични таталаб, умуртқани сўриб, тинкани қуритяпти. Овқат ҳақида гап очишга журъат йўқ, бир-бирларидан кўзларини олиб қочишади, умид ипи борган сари ингичка тортиб кетаётганини сезадилар. Дилдаги рўй-рост гапни айтишдан қўрқиб, соатлаб ғиқ этмай ўтирадилар.

Шериги яна ичиб ухлаб қолганида Очил ўзини қаёққа қўйишни билмайди. Холхўжа оч қоринга кўп ичяпти, бир кор-ҳол бўлиб қолмаса эди. Очил англаб етдики, ёнингда иссиқ жон бўлмаса жон сақлаш мушкул.

Бир сафар Холхўжа уйғонди-ю, жуда узоқ жим ётди.

— Ака,— деди Очил хавотир олиб,— нималарни ўйлаясиз?

Холхўжа яна анча ўйлаганидан кейин тилга кирди:

— Шу... бир хаёл калладан кетмаяпти. Худди чангак солиб ёпишиб олган...

— Нима экан у?

— Ўзинг ҳақингдаги ёмон гапни бировларга гапираверма, дердилар дадам раҳматлик. Бир чаккаси — бу ҳам тўғри. Ёмон гапни ичингда сақлаб, гўрингга олиб кетганинг маъкул. Дунёда сенинг тўғрингда фақат яхши гап қолиши керак. Ёмондан одамларга нима наф, тўғрими?

— Тўғри.

— Тўғри-ю, лекин ҳамма ёмонликка шу дунёда ўргандик, шу ерда орттирдик барини. Одам боласи дунёга соф келади, бу ерда орттирган жамики қабиҳликларни, жинояту пасткашликларни ташлаб, соф кетиши керак эмасми?

— Бу гапингиз тўғри. Тирикчилик — асли тирриқчилик. У дунёга ишонмайди-да кўплар. Шунинг учун кўрқмай кирдикорини қилаверади.

— Боқий дунёнинг борлиги унинг остонасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр иймон келтирса, каптар келиб қузғун кетмасди...

Келса гумон — кетар иймон, дегани шундан-да.

— ...ўлигимиз шу ерда қолиб кетишига кўзим етиб қолди, биродар.

— Ундай деманг, ака.

— Сизни билмайман-ну, мен... Гапиришга ҳолим борида қулоқ солинг...

Очил бўшашиб кетди, оёғини судраб унга яқинроқ силжиди. Холхўжанинг овози базўр эшитиларди, нафаси тез, чиндан ҳам...

— Айтганингиздай, дарҳақиқат,— дея, уни чалғитмоқчи бўлди.

— Эндигина мол, билим, ҳунар, тажриба тўплаганингда... барини бирдан... олиб кетганинг ёмон экан...

— Дунё йиғиб нетарсан — бир кун ташлаб кетарсан. Буниси майли. Лекин гуноҳни олиб кетма.

— Ҳа... Қисқа умримизда шунча гуноҳ! Минг йил яшасак нима бўлардикин? Даҳшат!

— Еш экансиз — билмайсиз: ҳаёт ўлимдан ёмонроқ. Мен не вақтдан бери шунй ўйлаб, бошим ёрилай деяпти. Ҳаёт зарарли, одам шундай ўлади асли. Аммо-лекин дорилбақо... остонасида турган киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган муддиш гуноҳлар ҳам ҳеч нима эмас. Фақат уларни дунёга ташлаб кетиш керак.

Очил аввал уни алаҳляпти деб ҳам ўйлади. Лекин қараса, гапни ўзига яраша мантиқ билан олиб кетяпти. Овози зўрға эшитилади, нафаси бўлиниб-бўлиниб чиқади-ю, лекин гапида жон бор.

— Ташлаб кетиб бўлар эканми...— деди Очил, эсанкираб.

— Бўлади,— деди Холхўжа.— Кимгадир ёрилиш керак. Ёриладиганинг бўлмаса ёмон, ичингда кетади. Хайрият, мана...

— Тўғри, ака, Одам одамнинг дардини олади. Жон жонга қувват.

Холхўжа чарчаб, жимиб қолди. Очил, ўлим олдидан одам ортида қоладиганларни ўйласа керак, деб юрарди. Йўқ, инсон ҳамон ўзини ўйларкан. Унга ёрилмоқчи, бир гуноҳи азим тилкалапти кўксини. Шунини «ташлаб», «софланиб» кетмоқчи. Шундан энгил тортса, майли, лекин улгурармикин?

— Қанддан яланг, ака, дармон бўлади.

— Йўқ, энди фойдасиз... Сиз қулоқ тутинг,— Холхўжа нафас ростлаб, гап бошлади.— Бир бегуноҳни ўн беш йилга қаматиб юборганман, биродар.

— Епирай, қандоқ?

— Ёлғон гувоҳлик бериб. Буни мен биламану мана, энди сиз биялпсиз.

— Мен билмайман, ака,— деди Очил капалаги учиб.

— Ҳозир гапириб берман.— Холхўжа тунукадаги сувдан кафтига олиб, лабларини намлади.— Ун йил аввал озиқ-овқат базасида ҳаммол эдим. Толзордаги магазин мудирри Ҳайдаров билан ўша ерда танишганман. Қўйинимга у-бу кистиран, мен унинг машинасига бенавбат юк ортиб берардим. Кейин шу одам, барака топкур, қоғозларимни тўғрилаб, исполкомда уй-жой олишим учун навбатга қўйдим. Ўзим жойи жаннатда бўлгур Мастура кампирнинг ҳужрасида ижарада турардим-да...

Холхўжа нафасини ростлаб олиб, давом этди:

— Уч йил кутдим, тўрт йил кутдим, навбат тегмади. Қишлоқда ваъдалашган қайлигим бор, Сарвинисо деган... Орзуларимиз ушалмади. Режалар барбод бўлганидан аламзада бир ҳолатда юрганимда, ҳужрамга Салим сўпоқ кириб келди. Ёнида қора чопон кийган турки совуқ бир барзанги. Боши сапчадек, пешонаси дўнг. Салим сўпоқни базанинг ертўласида, бир улфатнинг маишатида кўрган эдим. У-бу буюришган, хизматларини қилганман. Сўпоқ бўлса ҳам фўдайган, бойвачча, одамни бир тийинга олмайди, у ҳам қайси бир гастрономнинг мудир.

— Вой-бў-ў... Шу каталакда турибсанми, каламуш ҳам бордир? — деди ҳужрани кўздан кечириб. Кейин дарча ёнига борди-да, бирдан гапни бошқа ёққа бурди:

— Ҳайдаровни яхши биласан-а?

— Ҳа...— дедим.

— Узоқдан ҳам, қадам олишиданоқ танисанг керак? Ҳов анави дарвозахонага кириб кетса, шу дарчадан туриб танийсанми?

Ҳе йўқ, бе йўқ, нима деяпти ўзи? Гарангсиб туравердим.

— Танийсан, танийсан, қани бери кел-чи.

Бориб, дарчадан кўчага қарадим.

— Дарвозахонани кўрясанми?

— Ҳа.

— Ҳайдаров шу ерга кириб кетди дейлик, албатта таниб оласан, а?

— Ҳ-ҳа...— деб елкамни қисдим.

— Энди қулоқ сол: эртага, кеч соат олтида Ҳайдаров келиб у дарвозага кириб кетади,— деди у, дона-дона қилиб. Сен уни «таниб» қоласан. Нима қилиб юрибди бемаҳалда, деб ўйлаб ҳам қўясан ичингда.

— Э... а... келмаса-чи?

Ҳозиргача тунд, безабот бўлиб ўтирган қора чопон тилга кирди:

— Келмаса ҳам таниб қоласан.

Унинг товушидан вужудимга титроқ югурди. Бу вақт сўпоқ қўлтиғимдан тутиб, тўрға олиб ўтди-да, столга бир қоғоз ташлади.

— Ол, бу сенга.

Олиб, анча тикилгандан кейин билдимки, уч хоналик уй-жойга ордер экан. Менинг номимга ёзилибди. Энди буларнинг ниятига тушуниб қолдим.

— Қачонгача бу катакда ўтирасан.— Шанғиллади сўпоқ, — истасанг эртагаёқ кўчиб бор, шаҳарнинг қоқ марказида...

— Ёлғон гувоҳлик...

— Нима ёлғон? Кўрдинг — танитдинг, вассалом. Терговчига ҳам, судга ҳам жавоб шу — бир офиз гап. Сендан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди.

— Сен холис гувоҳсан, тушундингми? — деди қора чопон, ўрнидан туриб.

— Ҳа, айтгандай,— Сўпоқ чўнтагини кавлади.— Мана бу... мана бу «Газ-24»га чақирув қоғози. Автомагазиндан. Сенинг номингга ёзилган, кўрдингми? Буни суддан кейин бориб оласан,— деб қоғозни қайтиб чўнтагига солиб қўйди.

— Буни нима қиламан? Пулим йўқ мени.

— Бўлади, ҳаммаси бўлади,— деди илжайиб елкамга қоқаркан.

Жўнаб қолишди. Фақат қора чопон кийган барзанги остонада туриб яна ўдағайлади:

— Эртага, кеч соат олтида. Кўрдинг, танидинг, ичингда ҳайрон бўлиб ўйлаб ҳам қўйдинг.

У ерга қараб, кесиб гапирди. Товушида «Энди ишимизга шериксан, билиб қўй!» деган таҳдид бор эди. Шундай қилиб, олдиндан тайинланган гувоҳ бўлдим-қолдим. Қалтироқ қўлимда ордерни ушлаганча карахт бўлиб кечгача ўтирибман. Уша кечаси ухлаганим йўқ. Минг хаёлга бордим. Аҳли раҳмон билан нафси шайтон тапир-тупир олишар эди ичимда. Бири: дарров йиртиб ташла, ёвғон ошинг — беғалва бошинг, деб турибди; бири бўлса: ҳой, омадинг келиб турибди, бола. Уч хона, 46 квадрат метр. Сарвинисо ҳайт десанг учиб келадиғисан, одамга ўшаш яша сен ҳам... дейди. Менга қаранг, биродар, бу Сўпоқ одам эмас, одам қиёфасидаги шайтони лаин эди, мени йўлдан урди ўша кечаси, мана Худо гувоҳ...— дея ночор қўлларини ёйди Холхўжа шеригига қараб. Гўё Очил уни ҳозир ҳамма гуноҳларидан мосува қиладигандай.

— Ҳа, қизилни кўриб Хизр йўлдан озган экан. Кейин-чи, кейин нима бўлди,— деди Очил шошиб.

— Эртасига кечаси... ўша дарвозахонадан ўлик чиқди,— деди Холхўжа.

— Биров ўлдириб кетибди. Қий-чув, милиция, «тез ёрдам», йиғи-сиғи... Мен у одамни танимас эдим... Терговда Салим сўпоқ тайинлаган гапни айтдим мен номард. Ҳайдаровни дарчадан кўрдим, дедим, соат олтида дедим. Вақтни қиёқдан билдингиз, деб сўради. Соатга қараган эдим, дедим. Қанақа соат деб қолса борми, хонумоним куярди. Чунки уйимда соат-поат йўқ, қартага ютқазганман... Худо номардни ҳам асраб қоларкан, қаранг.

— Бандасининг ўзига қўйиб беради-да.

— Ўзим... Ўзим қилдим ҳаммасини. Омаддан рағбатланиб, судда ҳам тап тортмай гувоҳлик бердим. Бошқа далиллар ҳам бор экан шекилли, Ҳайдаров шўринг қурғур, қотил сифатида ўн беш йилга... «Ўзига қўйиб беради» дейсиз-у, лекин... мана, ўша бегуноҳнинг қарғишига учраб ўтирибман.

— Зато у дунёлиғиғизни энгиллатдингиз менга ёрилиб... Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Икки ойдан кейин Салим сўпоқнинг ҳалиги тунд барзангиси машинанинг қоғозини ҳам олиб келиб берди. Бир олган мадад, икки олган — одат, буни ҳам олдим. Энди нима талаб қилар экан деб уйкум қочиб юрсам... Йўқ, тинчиб кетди. Қайтага, ўша ўзим юк ташиб юрган озик-овқат базасига мудир қилиб қўйишди, эски мудирни бўлса Ҳайдаровнинг ўрнига кўтаришди. Ёғлиқ жой эмасми, кўп ўтмай машинага ҳам қурбим етиб қолди... Сўпоқ ҳар кўрганда елкамга қоқади: «Америкадан нима кам жойимиз бор: у ерда любой ҳаммол президентликкача кўтарилиши мумкин!» дейди кулиб.

Бироз дам олиб, лабини ҳўллади-да, узук-юлуқ қилиб давом этди. Дармони қуриб борарди.

— Лекин Салим сўпоқнинг менга ҳушёр бўлиб, кузатиб юришини билардим. Бировнинг қарамоғида яшаш... ҳеч кимга насиб қилмасин. У менинг миримдан-сиримгача биледи, мен эса уни билмайман: кимнинг хизматида, пулни қаёқдан олади, анов шўрликнинг ўлими нега керак эди, қотил ким... Сўпоқ доим кўз ўнгимда, гоҳ узокдан кўраман, гоҳ рўпарамдан чиқади. Мушук билан сичкондай «иноқ» бўлиб кетгиди. Бир йил ўтмай, тоғ этагидаги жилға соҳилидан чорбоғ ҳам тўғрилаб берди, қарийб текин.

— Чакки эмас, тагингизда «Волга», сув бўйида чорбоғ, уч хонали квартир, ёнгангизда Сарвинисо...

— Э, Сарвинисони аллақачон эсдан чиқариб юборганмиз. Бойиган саринг сарвинисолар кўпаявераркан. Бу ертўлада тириклай кўмилиб ётишим ҳам ўшалардан бирининг касофати. Бадбахт бўлмасам шу балолик кунда келаманми! Қишлоқдагисининг қарғишига йўлиқдим...

Холхўжа мажолдан қолди. Уни овутиш, чалғитиш, тушкунликка тушишига йўл кўймаслик керак эди. Очил учун ўлик ёнида ётиш... Ундай деса, ўзининг ҳам силласи қуриб, қандга кўзи тушса оқ кафанни кўргандай жунжикиб кетяпти. Шундай бўлса ҳам ҳар замонда кўзини чирт юмиб ялаб қўяди. Ўлгиси йўқ.

— Куяверманг, ака. Бу синовдан ўтолган одамнинг ўзи йўқ.

— Қанақа синов?

— Шу дунё-да. Худо бандани бу дунёга унинг иймонини синаш учун юборар экан. Гуноҳ десангиз бизда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Мана ёрилдингиз — энгил тортдингиз. Зора худонинг қаҳри ҳам қиттак юмшаса...

— Ҳақ гап айтдингиз. Анча энгил тортдим, қаранг.

Бу сўздан сўнг Очил ҳам узоқ, азобли хаёлга толди.

— Сизда нима гуноҳ бўларди, ёшсиз,— деди Холхўжа яна тилга кириб.— Гуноҳга шўнгиш паллангиз энди кел...— у гапини бўлиб, овозини пасайтирди,— бу дунёдан ёш кетган ҳам маъқул экан.

Очил гапнинг охирини эшитмади чоғи.

— Э, ундай деманг, ака, ёшликнинг ўзи турган-битгани гуноҳ, мен сизга айтсам. Бўлмаса мен, такасалтанг, хўжайиннинг ойимчасини эзгилаб юрармидим!

— Қанақа хўжайин?

— Катта хўжайин-да.

— Сиз...

— Ҳа, ўшани олиб юраман. Бизнинг вилоятимизга келишдан олдинроқ хотини қаза қилган экан. Икки йил аввал йигирма яшар диркилламасига уйланди. Жаннатхон деган. Тўйдан олдин ҳам хўжайинни уникага, уни хўжайиннинг чорбоғига обориб-обкелиб юрардим. Кетворган, мен сизга айтсам. Одамга ўгринча қарайди. Тўйдан кейин ҳам бозорга, ательега обориб юрдим. Машина чақирмаган кунни йўқ. «Хўжайин, аравани юборинг» деб эрталабдан телефон қоқади нозанин. Бизнинг хўжайин ҳам овозига эриб, «Жон» дейди-да, мени юборади. Бир марта мен ҳам ҳаддим сиғиб, хўп бўлади, жон, дея ҳазиллашиб кўйибман. Хафа бўлиш у ёқда турсин, хахолаб, қучоқлаб олишига бир баҳа қолди. Ёқди, қаранг. Мен уни машина минишга ишқибоз экан десам, йўқ, мени кўз остига олган экан, мочағар. Бир кунни холи топиб, кабинада чиппа ёпишди. «Ҳой, хўжайиндан кўрқмайсизми?» десам, «хўжайинингиз ўлсин», деб баттар суйкалди. Нима дейсиз энди, йигитчилик, бўшашдик...

Бари шундан бошланди, ака, худо гувоҳ. Хотин киши айёр, тадбиркор бўларкан, икки куннинг бирида холи топиб келади, кутилмаган жойда қўлга туширади, куппакундузи тап тортмай кўксини очади. Хўжайиндан хавотирдаман, десам «Э, кўйинг ўша хўжайинингизни», деб қўл силтайди. Мен ҳам йўқ деёлмайман. Уч йилдан бери аҳвол шу. Унинг нозу эҳтиросларини кўрсангиз сиз ҳам йўқ демасдингиз, ака.

Холхўжага сал жон киргандай, инграб ёнбошига ағдарилди.

— Сизнинг гуноҳингиз меникига қараганда ҳолва экан. Э, гуноҳ эмас, савоб-ку бу, биродар.

— Ундай дема-анг, ака. Бизнинг хўжайинни билмайсиз. Илгариги хотинини рашк вазидан ўзи бўғиб ўлдирган, деган миш-мишлар бор. Сезиб қолса борми, буниси ҳам жувонмарг бўлади, мени бўлса бир кун эмас бир кун «тасодифан» машина босиб кетади-я. Зўрники тегирмон юргизар экан. Жоним қилнинг учида турибди, мен сизга айтсам. Сиримни битта сизга айтдим...

— Бошқага... айтмайсиз ҳам.

— А?

— Энгил тортдингизми ахир?

— Х... ҳа, айтдим-қўйдим-да энди, барибир эмасми. Бир бошга бир ўлим. Жон бор жойда қаза бор.

— Улим ҳақ. Покланиб бориш керак Парвардигорнинг олдига...— деди-ю, Холхўжа шилқ этиб чалқамча тушди.

— Ака, ака! Сизга нима бўлди, мазангиз йўқми?

— ...

Холхўжа индамади. Турткилаб-тортқиласа ҳам ўликдай ётаверди. Очилнинг ўзи ҳам базўр қўл узатиб, қолган қўйқа сувни ичиб юборди, тунука занги оч қоринни қиритди.

— А-ка...— деб, у ҳам тинчиб қолди. Анчадан кейин қулоғига бўғиқ бир гумбурлаш эшитилгандай бўлди. Кўзини очиб қараса, ҳеч гап йўқ, ўша-ўша машъум жимлик. Бари очликдан. Бундай ҳолатда бировнинг кўзига бир нималар кўринади, биров-

нинг қулоғига ғалати садолар эшитилади. Лекин Очилнинг ҳали эси жойида. Умид билан узоқ қулоқ солиб ётиб, кўзи кетиб қолибди.

Уйғонганида кўрса, иккалалари ҳам чўзилиб ётишибди. Очил бунга четдан кўраётган учинчи кишидай қаради. Вақт ўтиб, уларнинг ўлигини топган одамлар мана шундай тикилишса керак...

Бундай ўйлар Очилнинг дармонини тамомила қуритадиган. Шеригини ваҳима билан, ҳушига келтирди.

Холхўжа ўзига келди-ю, кўзига Очил бир кўланка бўлиб кўринди шекилли, маъносиз боқди.

— Менга қаранг, бир нима гумбурлади... Сиз ҳам эшитдингизми?

Холхўжа яна индамади, кўзлари юмилди. У кейинги вақтда тез-тез ҳушидан кетадиган одат чиқарган эди. Очил ҳар сафар ваҳимага тушади: жони узилмадимми?! У кетса худди Очилни ҳам ўзи билан олиб кетадигандай туюларди...

Энди улар камдан-кам гаплашадилар, сўз қотишга мажол йўқ. Бунинг устига, бири ўзига келса, бири беҳуш ётган бўлади. Ҳар замонда заиф инграш билан бир-бирларидан хабар оладилар. Гоҳо эса иккаласи бараварига ҳушдан кетиб, узоқ ётишади. Қанча вақт ўтди, ким тирик, ким ўлик — маълум эмас.

Холхўжа илиқ бир тўлқинда чайқалиб уйғонди. Кўзини очиб қараса, атроф ёруғ; оппоқ кийимдаги бир аёл лабига қошиқ тутяпти. Йўқ, у дунё эмас, мана, оғзида сут таъми сезилиб, тамшанди. Қаердандир минғир-минғир гап эшитилади. Наҳот бари кечирганлари даҳшатли туш бўлса?! Аёл қошиқни яна тутди, ширгуричми, манни кашшами, ишқилиб сут таъми, бирам мазали! Яна сўрагандай, ютиниб тикилди аёлга.

— Шошманг, оз-оздан...— деди аёл. Овози ҳам майин.

— Очил...— деди негадир Холхўжа. Нимага Очил деди, билмайди.

— Шеригингизми? — деб сўради аёл, беморнинг тилга кирганига қувониб.—У киши ҳам тузук, хавотир олмасангиз бўлади. Анча тетик тортганидан кейин, уйдан келиб олиб кетишди.

Холхўжа тушундики, бу аёл — ҳамшира, бу жой — шифохона. Демак... уларни қутқазишган, у дунёдан қайтариб олиб келишган. Иккинчи сўзи — «рахмат» бўлди. Ҳамшира жилмайди. Бемор яна кўзини юмди.

Бироқ кўп ўтмай уни бошқа ҳамшира уйғотди.

— Ором олганингиз яхши. Лекин овқат ейишингиз керак,— деди у ҳам қошиқ тутиб. Бу сафаргиси товуқ шўрва эди. Устидан дори ичирдилар.

Таомлар бари ширин, мазали, аммо оз. Холхўжа ҳар сафар ҳамшира ортидан тамшаниб қараб қолади. У тез оёқга турди. Бемор озиб, чўп бўлиб қолган бўлса ҳам, руҳан тетик: тирик қолганининг қувончи энди қамради вужудини. Бошдан кечирганини ўйласа, ақлига сиғмайди. Бировга гапириб берса, валлоҳ, ишонмас... Умрининг бу ёғи текинга қолганини ўйлаб, бу ердан чиққанида ҳеч қандай кайфу сафони рад этмай, таралла-бедод қилиб яшаш режаларини тузарди.

Бундай кайфият таъсирида тезда тўлишиб, очкўзлиги ҳам йўқолиб, мўл-мўл, тўйиб-тўйиб овқат ейдиган бўлгач, унга жавоб бердилар.

Базада иш илгаригидай тикилинч, югур-югур кўп. Таралла-бедод қаёқда дейсиз, тирикчилик уни яна ўпқонига тортиб кетди. Зилзиладан кейин шаҳар серташвиш. Кўрганларимни гапириб тугатолмасман, эшитиб ҳамма ҳайратда ёқасини ушлар, мени авлиёдай билиб, келиб зиёрат қилишар деб ўйлаган Холхўжани ҳеч ким тузукроқ гапга ҳам солмади. Ҳозир шаҳарда унақалар кўп эди. У қайта келган дунё илгаригидан бадтар серғалва бўлиб чиқди. Холхўжанинг навбатдаги омадидан келган қувонч ҳам аста-секин сувга урди.

Иш орасида Очилни эслаб қолади. Уни топиб, бир чақчақлашишга ҳам вақт йўқ. Қалай юрибдийкин? Шофёрнинг «ойимча» ҳақидаги гапларини эслаб, ўзича жилмайиб қўяди.

Кундузи эслаб жилмаяди-ю, кечалари Очилни нуқул ўша гўрга ўхшаш мудҳиш ертўлада кўради. Бу бир аломатга ўхшар эди. Ушандай тушлардан бирида босинқираб уйғонаркан, калласига кутилмаган фикр келиб урилди: ахир Очил эндиликда унинг машъум сирини биладиган бирдан-бир одам-ку! Бирор жойда оғзидан гуллаб қўйса, нима бўлади? Ўзингга сўйган сир ўзгага сиғмас, деганлар. Холхўжа унинг чангалига тушган бир бечорадек ҳис қилди ўзини.

Шундан кейин тушида ҳам, ўнгиди ҳам кўз олдида Очил келаверди. Гоҳо ўзини овутиб «ўлибдимми», дейди-ю, яна мулоҳазага тушади. Бир томондан, у чиндан ҳам бахтсизликда топишган қадрдони, иккинчи томондан... истаган вақтда тутиб бериши мумкин бўлган бегона сирдош. Нега бегона? Уни топиш, гаплашиш керак, аҳволи, кайфияти қалай... Ахир ҳали бемалол гурунглашгани ҳам йўқ, уини ҳам кўрмаган. Очиғи — тузукроқ таниш ҳам эмас у билан...

Бу сўнги фикр Холхўжани яна нотинч қилди. Ким билади, балки оғзи бўш бир мақтанчоқ маҳмадонадир? Сиринг оғзи энлик, эл қулоғи эллик, деганлар. Ертўлада ўлиш ё қолишдан бўлак гап ўтгани йўқ ораларида.

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринаркан. Оғир хаёллардан қийналиб ўтирганида, бир

куни Очил ўзи йўқлаб келди. Холхўжа уни зўрға таниди. Ертўлада хонаки пижама устидан кийилган исқирт пахталикда кўрган эди-да. Ҳозир бўлса эгнида жигарранг чарм куртка, мўйлов йилтиллаб таралган, қуюқ қора сочи пешонасини босиб тушган, оғзи қулоғида эди найновнинг. Ҳукумат машинасида тушиб, қулоч ёзди, арзон атирни аңқитиб, қиёматли дўстдай кўришди. Холхўжа ҳам кўнглидаги хавотир, шубҳа, ваҳима-ли ўйларни дарров унутиб, бир умрлик қадрдондай қучоқлашди. Кулишиш, эслашишдан кейин, Холхўжа олдинги ойнаси маймун, шайтон, ҳабашвачча қиёфасидаги анвойи туморлар билан безатилган машинани имлаб кўрсатди:

— Ҳўжайинникими?

— Ҳа. Сизники... юрибдими ғизиллаб? Бўлмаса кўриб бераман.

— Йўқ, тузук ҳозирча, — деди Холхўжа. Шундан кейин попуғи пасайиб, кулмай қўйди. Машинани эслаши бежизмасмикин?

Очил йўл-йўлакай тўхтадим, деб шошиб турарди. Гапнинг бу ёғи анча совиди. Кўнгилларига бир ғулув келдими, шунча саргузаштни бошидан кечирган одамлар гаплашгани гап тополмагандай, қутилмаганда сўхбатни мухтасар қилишди.

— Кўришайлик ахир, телефонингиз борми?

Холхўжа базанинг телефон номерини берди. «У-бу керак эмасми?», «Машинанинг камчилиги бўлса айтинг», дея бир-бирларига манзират қилган бўлишди.

— Кўришайлик.

— Албатта.

Жуда қуюқ хайрлашган бўлсалар ҳам, асосий мавзу четлаб ўтилганлиги, орада хатарли бир чигил қолганлигини иккалалари ҳам сезишди. Айниқса Холхўжанинг кўнглига бу учрашув бадтар ғулув солди, унда илон-чаёндай шубҳалар яна ғимирлаб қолди... Илжайишни қара. Ҳаёсизга ҳар куни ҳайит. Улфати — безори шофёрлар, пизнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти, кайфа гуллаб қўйиши ҳеч гапмас. Отни тепмайди дема, итни қопмайди дема. Чилласи чироқ кўрмаган бу беғам аравакашда сир ётиши маҳол. Унинг машъум сояси энди Холхўжанинг ўй-хаёлларида ҳам, тушларида ҳам таъқиб қилаверади. Бу енгилтак бир жойда гуллаб қўйса — тамом... Уй-жойи, машинаси ҳам, чорбоғи, базаси — булар бари қора гўрға. Ҳайдаровнинг ўрнига обориб тиқишлари ҳеч гапмас. Қамокда чирийди. Турма деса сочининг томиригача музлаб, ҳадиксираб юрган Холхўжага бу — ўлимдан бадтар, ундан кўра ўша ертўлада кўмилиб кетгани маъқул эди.

Йўқ, у ўлимнинг оғзидан қайтиб келди, ҳаёти қайта бошланди, яна шўнғишга тўғри келади гуноҳларга, жиноятларга. Яшаш ўзи шунақа... бир дард экан. Одам асли мана шундан ўлади...

Бировнинг қарамоғида яшаш пешонасида бор экан деб нолир эди, энди бўлса уни худди азроил қувлаб юргандай, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Асаблари қақшаган, уйқусида ҳаловат йўқ. Базадаги ола-говур, жанжалли машмашалар ҳам уни чалғитолмади. Ҳар замонда қоронғи бурчакда ўтириб икки қўли билан пешонасини сиқар, кечалари таниши шаррос тер босиб уйғониб кетар, чўмичлаб совуқ сув ичар эди. Унинг муд-ҳиш сири, қора жинояти юрибди одамлар орасида. Тасодифан... Йўқ, унинг очилмай қолиши тасодиф бўларди. Энди омадга ишониш қийин. Озодликка чиққан у сир совун кўпигидай ер устида омонат учиб юраркан, Холхўжага кун йўқ. Хурмачадан чиққан бу жинни Холнинг ўзидан бўлак ҳеч ким даф қилолмайди. Қисмат ўз кўлида.

Шундай хаёлларга борди-ю, нима демоқчи, нима қилмоқчи — ўзи билмайди. Доимий хавфсираш, машъум ғулув, асабийлик хаёлларининг тинқишига йўл қўймапти.

Аслида уни ўз хўжайининг қўли билан даф қилса ҳам бўлардику-я. Бориб қақса, яъни шофёрингиз ундоқ-бундоқ... Улгудай рашкчи, бераҳм деган эди... Лекин бундай қасдма-қасдига кетса, у ҳам жим турмайди, Холхўжанинг жинояти оғирроқ, ютқазади. Сўнгра, ўз хотинини эплотмаган у ҳез «хўжайин»нинг бир нарса қила олишига ишониб бўладими?

Ё аксинча... у билан орадан қил ўтмайдиган дўст тутиниш ҳам мумкин. Яқин олиб, ўзини ака, эчкисини така деб... Лекин қачонгача? Оқбошдан ўтин бўлмас, ўйнашдан — хотин дегандай, бир кун эмас, бир куни барибир... Бир умр кўз ўнгида балою қазо, ҳадик билан яшаган одам оғримай ўлар экан. Песнинг чекига мохов тушса, шундай бўлади.

Кунлардан бир куни Очил ўзи телефонга қақриб қолди.

— Йўқ бўлиб кетдингиз-ку! — деди у. Овози баланд, кайфи чоғ эди. — Юраверасизми базангизда, каламушдай ивирсиб? Эртага — дам олиш куни, довога чиқайлик. Ўша ердаги ресторанда ошман бор, қимиз топиб беради. О кей? Бир ишрат қилайлик, онасини... бу ёғи текинга қолган-ку!

Холхўжа бу кайфиятга мослашолмай, «Бўпти», деб қўяқолди. Унинг учун довонда, дам олиш куни дегандан бошқа гаплар маъносиз эди, қулоғига кирмади. Довонда... ўзи қақриб қолгани чакки бўлмади, ҳали омад Холни тарк этмайдиганга ўхшайди.

Ҳали режаси йўқ, аммо Очилнинг ҳовлиқма товуши қулоғида янграр эди. Шанғиламай ўл, тирик қолишимни билсам, мен аҳмоқ, сени ўлимдан қутқарардим? Бу юришинг учун мендан қарздорсан... Қарзни олиш ҳам, бериш ҳам... гуноҳ эмас.

Кўча хандон, хона гирён бўлиб қолди Холхўжа. Кечаси уйқу қочиб, мияси қизиб кетади. Тўхта-чи, каламушдай ивирсиб, дедими? Ҳазилинг ёқангдан олгур. Нимага «каламуш?»

У ўрнидан туриб ўтирди. Фувиллаган бошини кафтлари орасига олди. Тўхта. Хол, ҳовлиқма. Шошган ишга шайтон оралайди. Каламуш... ўз оғзидан чиқди. Буни Холхўжа ўйлаб топгани йўқ. Унинг ўрнида бўлса, ҳар қандай киши...

Холхўжа қилмоқчи бўлган ишидан ҳам кўра ўзини оқлашни ўйлар, тасалли қидирар эди. Очил ҳам жим турмас, ахир. Бостириб бормасанг, босилиб кетасан.

Шоша-пиша кийиниб, борадиган жойини ҳали ўзи ҳам билмай, ташқарига чиқди. Тонг қоронғуси, олашовур ёмғир ёғар эди. Ишхонаси томон юрди. Одатдаги йўли, лекин ҳозир — бемаҳалда уни бир қутқу етаклаб борар эди. Базанинг дарвозасини очиб, озиқ-овқат сақланадиган ертўлага тушди. Тун бўйи димланган ачимсиқ ва хуш ислар омихта, унга таниш муҳит... Аммо у кирибоқ кўрсига ўтирди, секин юриб келган бўлса ҳам нафаси тез эди. Нима қияпти ўзи?.. «Ҳа, олмоқнинг бермоғи бор, емоқнинг — қусмоғи... Барибир, оғриқ тишнинг давоси — омбур».

Яна бир нималарни шивирлади-ю, туриб зах бурчакка борди. Бу ерда каламушларни йўқотиш учун сақлаб қўйилган кучалами, маргимушми бор эди. Шиша банкада, оғзи маҳкам боғлиқ кичкина целлофан халтачалар, ҳар бирида бир чимдим-бир чимдимдан кумушранг кукун... Холхўжа карахт бир ҳолатда, титроқ қўли билан бирини олди-да, қоронғида атрофга ўғринча аланглаб қўйиб, чўнтагига тикди...

Довон манзараси сўлим. Атрофни қуршаган қорли тоғлар дурбиндагидай яқин кўринади, ёнбағирларда ўсган яккам-дуккам арчаларни бир-бир санаса бўлади. Осмон денгиздай тиниқ, зангори рангда, ҳаво сийрак, нафас енгил. Тансиқбоев машҳур суратларини шу ерда ўтириб чизган бўлсамикин...

Ресторан учун жой танлаган одамга ҳам қойил қолиш керак. Ана, Очил ундан ўз уйдан чиққандай тиржайиб чиқиб келди. Гўё у билан бирга чиқиб келгандай, таом ҳиди аралаш хушбул тутун чулғанди. Сўрилардан нарида ўчоқ, дошқозонлар. Кўрада кўмир билан саксовул кўр олган эди.

Кўришишгач, Очил меҳмонни ресторан ичкарасидаги хосхоналардан бирига бошлади.

— Айтиб қўяй, ичмаймиз, рулдаман,— деди Холхўжа.

— Ҳа, афсус... Ичсак, ўзимникидан олиб келардиму...

— Кўйинг, қўйқа чоғирингизни кўргани кўзим йўқ, шундай ширин ҳаво туриб... қаранг, кайф қияпти! Ана, кабоблар ҳам юришибди,— деди Холхўжа ёнбағирларда оқ булутдай силжиётган қўй подаларига кўз ташлаб.

— Ҳа, асли тандир кабобга уриниш керак экан-у... Ана, арча ҳам кўп... Лекин жигар қовурадиган бўлдик, тансиқроқ, қарши эмасмисиз? Қимиз билан додлаб кўришади.

— Нимасини айтасиз?

Дастурхон тузалди. Очилнинг таниши икки графинда қимиз, косалар келтириб қўйди. Деразадан тоғ манзараси кўриниб турар, илҳомбахш жой эди... «Омон қолганимизга!» деди Очил косаларга қимизни кўпиртириб қуяркан. Икки коса ичишгандан кейин жигар кабобнинг ҳиди иштаҳаларни қитиқлай бошлади.

— Қимиз яхши пишибди,— деди Холхўжа,— келгуси сафар бизнинг чорбоғда ўтиришамиз. Манзараси бундан қолишмайди. У домларинг нима бўлди?

— Аварийни бўлиб ётибди. Бузиб ташлайди шекилли. Бизларга яхши жой берган, кўрсатаман, энди қиёматликмиз-ку. Олинг.

Ер тагида ётган кунларини негадир унча хотирлашмади. «Ёдингиздами», «Эсингиздадир...» қилиб бир-икки бошлашди-ю, қимизнинг кайфи меъёрида эди шекилли, унча «ичкари»га киришмади. Гуноҳу тавба-тазарруларга «яқинлашганлари» ҳам йўқ. Иккаласи ҳам қаёқдаги гаплардан нарига ўтишмади. Кабоб келганида эса, қимизбоп хамир овқатлар, зиранинг ҳидли-ҳидсиз турлари, саксовулнинг нега тутунсиз ёниши сингари аҳамиятсиз мавзулардаги қуралаш гап у ёқдан кириб бу ёқдан чиқиб турди. Графинлар яна тўлдириб келинди, совиган сихлар янгиланди.

Бир вақт, янги кабоб дастаси келганда. Очил шартта ўрнидан туриб, дераза томонга бақирди:

— Ҳой, хом-ку, бу! — деди сўкиниб. Кейин кабоб сихларини дастаси билан кўтариб чиқиб кетди. Холхўжа «кайфи ошибди» деган ўй билан жилмайиб, орқасидан қараб қолди. Худди шу пайт Очилнинг лим тўла косасига кўзи тушиб, бадани жимирлаб кетди.

... Борган сари хавфли бўлади бу илон. Юз йил яшаса аждаҳо бўларкан... Ҳозир чиқиб кетганини ўзининг навбатдаги омади деб билган Холхўжа бўшашди-да, ташқаридаги машабага бир зум қулоқ тутгач, целлофан тугунчадагини қимизга аталаб ташлади. Сақлансанг сақланасан, сақланмасанг ўтга қоқланасан...

Очил анча ҳаяллаб, кейин исқирт халатли кабобпаз билан бирга керилиб кириб келди. Чой-нон, шакароб, қимиз, бошқа неъматлар сочилиб ётган дастурхонга хуш бўй таратиб иссиқ кабоб келди.

— Мана бу бошқа гап! — деди Очил қайноқ жигардан олиб. Кабобпаз бўш сихларни йиғиштириб чиқиб кетганидан кейин, Холхўжага кўзи тушди.

— Ҳа? Рангингиз ўчган?

— ...

— Ҳаво элитган сизни, ҳавоси зўр-да! Қани, олинг, чораси шу.

Олдидаги қимизни даст кўтариб, оғзини артдию овқатга урди ўзини.

— Бу ернинг ҳавосига ўрганиш керак. Баландлик-да. Ҳаво сийрак. Лекин фойдали.

— Йўқ... манга бўлмади,— деди Холхўжа,— маза қочаяпти.

Унинг оқарган рангига қараб, Очил ишонди. Чиндан ҳам ёқмади бу хунасага, жўнаса тезроқ жўнатиб қўяқолиш керак, қуёш ҳам оғди.

Улар турдилар. Очил меҳмонни машинагача кузатиб чиқди.

— Эҳтиёт бўлинг, йўл қия. Яна учрашамиз, худо хоҳласа.

— Раҳмат, яхши ўтирдик,— деди Холхўжа, эшикни очиб. «Энди Азроил билан учрашасан» деди ичида. Тезроқ жўнаб қолиши керак эди, газ берди. Салим сўпоқнинг тортиги зўр чиқди, неча вақтдан бери панд бермай ғизиллаб юрибди, мана. Чў, жонивор!

Бекордан бекорга вужуди музлаб, қўли қалтираб кетаётган Холхўжа бу довонни тезроқ унутишга, ўзига далда беришга уринар эди. Чў, жонивор! «Газ-24» бирпасда арчали қояга етиб келди, бу ёғига йўл кескин пастлаб кетар эди.

Унинг қўллари ҳамон қалтирайди. Миясида ҳам худди қоқоқ ари ғужғон ўйнайди... Қизик... қанчада таъсир қиларкин? Кейинроқ... Кейинроқ... Қаламушни кучала еган жойидан анча нарига бориб тиришиб қолганини ўз кўзи билан кўрган. Холхўжа икки бармоғи билан пешонасини сиқиб, бошини силтаб ташлади: шуларни ўйламасликнинг иложи йўқмикин? Иложи... Иложи... бу... бу қанақаси?! Тормоз бўшаб қоптими?!

Тормознинг педали худди синган қўлдай шилқ-шилқ бориб-келар, ушламас эди. Бу нимаси, ҳалигина... Машина қияликдан ғизиллаб кетиб борарди. Тезлик 160 га етди. Холхўжанинг қалтироғи ҳам тинди, бутун эс-ҳуши, асаблари, вужуди бир тугунга тугилгандай, ўй-хаёли — омон қолиш! Чапда тикка қоятош, ўнг ёқ — жарлик. Рўпарадан тепага чиқиб келаётган машиналарнинг бири «ҳуркиб» ўзини четга олар, баъзилари қўрқанидан фараларини ёқиб, узун сигнал бериб қолишар эди. Тезлик кўрсаткичи қизил чизикдан ўтди. Холхўжа кўзини йўлдан олишга кўрқар эди. Бу кетишда қаерга бориб урилади... урилиш... йўқ, портлаб кул бўлади. Ажабо, шу ҳолатда мияси ҳам худди учиб кетаётган машинадай ишлаб турибди. Хаёлига бир фикр келди: бу аблаҳ Очилнинг иши! Довонга атай чақириши ҳам бежиз эмас. Ҳали баҳона топиб ташқарига чиқиб кетганида... анча ҳаяллаб қолганидан кўнглига бир шубҳа ораловди-я... Ҳа, ифлос. Тўхтаб тур, ўзинг ҳам узоққа бормай тарашадай қотасан!

Машина нишабга қараб ўқдай учиб борар, Холхўжа энди тақдирга тан бериб, ўзини йўқота бошлаган эди. Шалаббо тер босди, бўшаши, нима қилишини билмайди. Очил газандага ўхшаш тажрибали шофёр бўлганида-ку, бир чорасини топарди. Қўлидан дармон кетди. Рўпарадан яна машиналар чиқиб келяпти, ёнидан лип-лип ўтишади. Шофёрлар ваҳимада нималарнидир бақириб қолишади. Ёши машинасини орқага қайтарди шекилли. Холхўжа кўзгуда унга қарайман деб, йўлдаги чоғроққина тошини кўрмай қолди. Тош елиб келаётган машинанинг орқа филдирагини жиндак кўтариши билан... кабина шифтига боши билан урилган Холхўжанинг зеҳнида машинанинг чархпалак бўлиб жарга учгани чақнади-ю, сўнди. Шундан кейин учиб ҳам, тарақ-туруқ урилишлар ҳам йўқ, ҳамма нарса шундай секинладики... Холхўжанинг ўзи ҳам ҳавода соядай аста сузиб бориб, тубсиз қоронғиликда гўё эриб ғойиб бўлди.

У ҳушига келиши билан ақли тиниқиб, ҳамма воқеалар бирданига кўз ўнгидан ўтди: довон, Очил, тормоз, учиб кетаётган машинанинг чархпалак бўлиб жарга ағдарилиши... Аммо кўзини очса — зимзиё. Тун, қоқ ярим тун... Е тун эмас, кўздан қолдими? Ундай деса, кўзи эмас, қайтага боши... боши қулоғи аралаш бутунлай чирмаб ташланган, йод ҳиди анқиб турибди. Холхўжа касалхонада ётганини бу гал дараҳол тушунди. Демак, яна тирик. Лекин оёқ-кўлини қимирлатишга юрак дов бермасди: кесиб ташлаган бўлса-я. Бармоқларини аста қимирлатиб кўрди, аммо оёқ... Бош кўтариб қарашга юрак бетламади.

Эшик ғийқ этиб, хонага қия шуъла тушди. Ҳамшира кириб, деразанинг оғир пардаларини суриб қўйди.

— Ҳа, қаҳрамон! — деди у. Овози ёқимтой экан.

— Қачон... олиб келишди?

— Утган кун.— Кампир кўрпа-ёстиқни чаққон-чаққон тузатиб, уёқ-бу ёқни йиғиштираркан, ўз боласига гапираётгандай ялинарди: — Энди кетиб қолмагин, болам. Мана, жойинг яхши, қўшнилариңг беозор. Кеча икки марта ҳушингга келдингу одам танимасдан яна... Мана, ҳозир овқатлантираман, дори бераман. Катта дўхтир келади. Мана бу мейтолариңгни бошқатдан боғлайди. Биламан, оғрийди, бир бақирасан, икки бақирасан, кейин тузалиб кетасан-да, болам. Кўп кўрганмиз, бизга ҳам осол тутма. бари мана шу ичкилик тушмагурнинг касофатидан... Худойим-эй, ёш-ёш болалар...



Кампир меҳрибону жуда эзма экан. Унинг гапига қараганда, Холхўжанинг қонидан ҳам алкоголь асари топилибди, шундан кейин, албатта, машинасини текширишмаган ҳам. Холхўжа кампирнинг бу хабарини эшитгандан кейин, бошқа жаврашларига қулоқ солмай қўйди. Оббо, Очил мараз-эй, шу жойда ҳам Холхўжадан айёрроқ чиқди: майда-чуйдагача ҳисобга олибди. Лекин, қора нияти билан кетди — ундан нари. Итнинг тилаги қабул бўлганда осмондан суяк ёғарди. Ит! Етдан ёруғлик, итдан — чоруғлик чиқмас. Сени ўлимдан қутқазган ким эди, ит! Кўр бўл — ношукр бўлма!

Холхўжа соғайиб чиқиб кетишга астойдил ҳасд қилди. Энди Очил йўқ (унинг кўп ўтмай каламушдай тиришиб қотганига амин), жин кўзачага қайта қамалди. Шунинг учун у оғриқларга тишини тишга босиб чидаш берди. Тушларида ўзини қиялаб учиб кетаётган машинада кўриб, бақириб уйғонар, ярасини бехос уриб олиб, узоқ сиқтанар, азобли муолажалардан кейин ором топиб узоқ ухлар, кечалари тахтакачга тортиб осиб қўйилган оёғига қараб ҳаёл сурарди: мана, энди яшайди у! Шу вақтгача ўтган бетайин умр умрми? Энди уни таъкиб қилиб орқасидан юрадиган ўлим кўланкаси йўқ, ичидаги сир ичида, уни сиртга чиқарадиган аҳмоқ Холхўжа ўлди. Аварияда ўлди. Ертўлада кўмилиб кетди. Бу ётган — бутунлай бошқа, дорилбақонинг остонасидан икки марта қайтиб, эс-хушини йиғиб олган одам бу, ҳа.

Бундай кайфият унинг тезроқ тузалишига ёрдам берди, албатта. Икки ҳафта деганда унга қўлтиқтаёқ бердилар. Ҳамшира кампирнинг «қаҳрамон-қаҳрамон» деб эркалашлари ҳам далда бўлиб, ҳақкалаганча йўлакка, ҳатто ҳовлига ҳам чиқадиган бўлди.

Касалхона катта. Дарахтзор ҳовлини қуршаб олган корпусларнинг ҳар бири ўз номи билан: Холхўжа ётган жой ортопедия бўлими деб аталади: рўпарада — кардиология, ўнгда — неврология, ҳов нариги сарғиш корпус — токсикология бўлими. Асфальт йўлчаларнинг икки ёнида гулзорлар, яшил ўриндиқлар, қисқаси, беморлар учун сўлим сайргоҳ.

Бугун Холхўжа шу йўлчалардан бирида қўлтиқтаёқ билан юришни машқ қилиб кетаётса, заъфарондой сарғиш ўша корпус томондан букчайганроқ, ранги заҳил бир одам яқинлашиб келаверди. Орада етти-саккиз қадам қолганда довулга дуч келгандай сакинлади, сурранг пижама енгини кўзига соябон қилди; Холхўжа ҳам тўхтаб, таёғига суяниб қолди.

Бир хил беморлик жомаси кийган бу икки киши, икки шумшук — ит-мушук, бу дунёда бир-бирларини кўрмаслик учун қолган умрларини беришга тайёр эдилар. Олдинга бир қадам қўймай, тикилиб қолишди. Узоқ, жуда узоқ тикилишди. «Ё раб, сен ҳам қайтдингми, сен ҳам тирикмисан?!» деган хитоб бор эди иккаласининг ҳам кўзларида. «Бўлмаса, ертўладаги гапни овози қилишни энди кўр!» дер эди иккаласи ҳам ичида. Ва ҳамон тикилишар эди.

Ҳа, у ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди то охиратгача улар бир-бирларини таъкиб қиладилар. Яна олдинда умр, яна ҳаёт, яна гуноҳ, яна жиноятлар... Азобли йўлни барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам. Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо иймонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан...



Суннатулла Анорбоев

## СТАЛИНЧИ БОБО

Ҳикоя

— ... Кўйинг-эй, интизом бўш. Ҳамма оғзиминан юрадиган бўп қолди!.. — Тангриқул ака чимирилиб, қирқ-эллик йил бурунги гапга тушиб кетди. — Сталинди давридачи, мен сизга айтсам...

Маъракага келганлар тарқаб, меҳмонхонада уй эгаси, мен, Тангриқул ака учовимиз қолганимизда у киши чойнакни олдимга суриб қўйди.

— Маъзур тутасиз, меймон. Чойди ўзингиз сузиб, бемалол ичиб ўтиринг. Қариганингда ботмас экан — югуртираберади, — у юмалоқ болишга ёнбошлади. — Тошкенда менам кўп бўганман. Шайхантавурдаги чойхона борми ҳалиям?

— У ерлар, эски томлар бузилиб, ўзгариб кетган, — дедим.

— Бузилдими-я, шундай чойхона?! — Тангриқул ака ажаблангандай, танглайини тақиллатди. — Ётиб қолайдик. Уқийдиган жойимиз «Пахта» разъезидаги «Заготскот»ти базасида. Ҳафтанинг охирида шаҳарга ўйнагани тушганимизда ётиб қолайдик. Самоварчиминан ота-боладай бўп қоғандик. У кишиям ўтиб кетгандир-а? Ҳа, ўтиб кетган. Шайхантовур бовани ҳовузидан сув ташиб, ўтинини ёриб берайдим. Оғирини енгил қилганимга у хурсанд. Қорним тўқ, димоғим чоғ — дам олиш яхши ўтганидан мен хурсанд. Шаҳарга тушсанг-у, Жангоҳда томоша кўрмай қайтсанг — гуноҳ. Уқишга уйқуни чала қилиб, эрта тонгда қайтайдик.

— Уқишни партада уйқусираб ўтириб битирганман денг, — Жўрақул тегишди.

— Йў-ў! — Тангриқул ака қатъий бош силкиди. — Курсни битирганимизда олинган потосуврат ҳалиям бор. Юқориги қаторда дириктир, ўқитувчилар. Иккинчи қатордагилари ўртасида мани сувратим. Агар ёмон ўқиганимда пастки қаторида энг четига қўйиб қўйишмасмиди?

— Ишонтирдингиз, бова! Ҳай, ўқишни тамомлаб, бирор каттароқ амалга...

— Қўй! — Тангриқул ака кўл силтади. — Ҳовлингга самсоқ пиёз экканингданам маълум сўзингди мазаси! Нима касбга ўқитишган бўлса, ўша бўйича ишладим. «Заготскот»да. Уттиз еттинчи йилдан то эллик тўртинчи йилгача. Салкам йигирма йил! Ёмон ишлаган одам бир жойда бунчалик узоқ тура оладими? Йўқ. Тўғри, орада бироз узилиш бўлди. Лекин бунга мен айбдор эмасман.

— Нима, қамашдиямми?

Мен ерга қараб қолдим: Жўрақулнинг ҳазили!.. Ҳазилнинг таги зил. Қаттиқ ботади, демайдиям.

— У вақтларди билмайсиз. Малчишка бўгансиз, коптов тепиб... Биз ишлаганмиз, ҳар хил одамларминан. «Заготскот» катта даргоҳ. Уруш вақти. Армияни, халқни боқиш керак. Бир ёқдан шалон-шалон кўчиб кеп турибди. Ибрийям, ўрсияям, чулчутиям келди. Урушди охиrhoғида қрим-тотор, қорачой, қабардин кўчирма бўлди. Насибалари қўшилган экан-да. Бири ер таталаб, бошқаси мол боқиб... Мусофирлик осонмас. Қийнашлишга ҳамма қийналди. Лекин ҳозиргидақа, телебизирда кўргансизлар, шiorла кўтариб митинка қилишлар... ҳечам! Сабаб? Интизом қаттиқ эди. Сталин мана мундо-ой, — Тангриқул ака ўнг қўлини шартта чўзиб, тўмтоқ, қорамағиз бармоқларини мушт қилди, — ҳа, пуқарони мана шундай тутай эди. Дойим хушёр. Кремлда тунни кунга оёқда тик туриб улай экан-да. Нойиблариниям бепарво бўлишга йўл қўймас экан. Хўжайин тилпон қип қолса-я, деб улар ҳам хушёр. Хабарим бо-ор, райком мажлисди кундузимас, кечаси-тонготар ўтказайди.

Қамчисини ўқталиб, мудрай бошлаган раисга: «Туринг ўрнингиздан! — деб буюрайди. — Дохий Сталин кечалариям кабинетининг деразаси олдида туриб пошистларди ватанимиз тупроғидан қандай қилиб қувиб солсам экан деб ўйлайди. Сизминан биздинг тақдиримиз ҳақида ўйлайди! Бу бўлса юрган йўлидаям, ҳатто райкомдаям ухлайди-я. Кўзингди оч», деб тузлай эди. Тўғри-да, бронди уларга ухласин деб берилганми?

Райком бова ёш эди. Лекин жаҳли чиққанида отаси тенги кекса раислариниям пийпа-лаб ташлай эди. План, план! Ўлсанг ҳам планди бажар!

— Улдирсаям...

— Ҳа, ия! Бажармасин-чи, онасини Учқўрғондан кўрсатай эди.

— Сизни пийпаламаганми?

— Биз... шунчаки загатупкачи.

— Ҳай, ўзингизди кўпам ерга урманг-эй! — Пойгакда чўккалаганча гуруннга кулоқ солиб ўтирган мезбон луқма ташлади. — У вақтларди ёш бача бўлсам ҳам оз-моз биламан. Ҳарқандай димоғдор раис ҳам сизди кўрганда отлиқ бўлса отдан, мошинда бўлса мошиндан...

— У вақтда мошин бўлмаган, алдама. Битта райкомда бўлайди, холос.

— Ҳай, мошинмас, эшаклик бўлса эшакдан...

— Эсинг жойидами, Жўрақул! Эшак минган раисси кўрганмисан?

— Ҳай, аробада бўлса, аробадан тушиб сўрашмасдан ўтмас эди олдингиздан!.. — мезбон бўш келмади. — Обрўлари ҳаминқадар!

Ширин хотиралар элитдими, Тангриқул ака кўзлари юмуқ, қизилмағиз яноқларида андак табассум, тўмтоқ бармоқлари билан силлиқ даҳанини тутамлаганича сукутга чўмди.

«Обрўлари ҳаминқадар» бўлган бобога зимдан боқиб, тикмачоқ гавдасига анча тор келиб қолган қайрилмаёқа, қўш кўкрак чўнтакли кителига назарим тушди. Уриниброқ қолибди. У вақтларда бу кител ёғим тушмаган, янги, столга қўйсанг тик турадиган бўлгандир балки? Кител билан галифа шим айни расм. Бобо ҳам йигитлигида икки чўнтагини шишириб галифе шим кийган бўлсаям ажабмас. Дохий, ахир, ярим ҳарбийча кийим киярди-да. Ҳозир ҳам обрўлари чаккимас. Мана, тўрда ўтирибдилар. Удумимиз ўзи шундай: кексалар қаерга боришса, уйнинг тўри уларники.

— Райком бованинг таги мустаҳкам эди-да. Акаси обком. Суянчиқлари бордир Тошқанда?! — Тангриқул ака ўз фикрининг тўғрилигига комил ишонч билан менга, Жўрақулга қаради.

— Ҳа-а, и-я! Бо-ор! — дея тасдиқлади мезбон. — Ҳатто Масковдаям деяберинг! Нимагаки, улар наменклатурада туришайкан.

— Бале! Таги бақувватлигига ишониб, кўзига ёмон кўринган анча-мунча инсонларни ёстиғини қуритди. Бир ўчакишмасин, ўчакишса қўймас эди: қўлидан бронди тортиб олиб, пронтга жўнатайди. Ёки бўйнига эллик саккизинчи моддани шартта урдириб, Сибир қилдирайди. Биздиям қамоқда чиритиб юборишига бир баҳя қолган.

— Ҳай, қани-қани? — Жўрақул Тангриқул акадан бу ҳангомани илгариям кўп эшитган бўлса керакки, менга қараб кўз қисиб қўйди.

— Эсимда бор: Сталинградда немисларнинг уч минглик қўшини қуршовда қолди, деб радио гумбурлаб, мискарнайлар дам-бадам сурон тортиб, ноғоралар гижбанг чалиниб турган кун эди. Бир қора «эмка» ғизиллаб келиб базамиз олдида тўхтади. Биламан, энгил мошин районимизда битта — райком бовада. Бошқа ҳеч кимда йўқ. Деразадан кўрибоқ шошилдим: ўзлари кеп қолдимикан, нечук, деган хаёлда. Йўқ, ёлғиз шопир экан. Хўжайин бир тўқли опке, деганмиш. Абизателна ширбо'з ёки бир яшар қора қўчқор бўлсин, деб тайинлаганмиш.

— Энаги ерга тегайтикон! — деб гулди Жўрақул.

— Ҳа, энаги ерга тегайтикон! — Тангриқул ака лабини бурди. — Шопириниям саҳтисумбати хўжайинидан қолишмайди. Тез-тез қимирланг, вақт зиқ, деб қистаб турибди. Лекин қўчқорди мошинга ортишдан олдин чиқим дафтардан ўтказиб, қўлини қўйдириб олдим. — Тангриқул ака биз томонга тепалаб қараб, қош қоқиб қўйди.

У кишининг бу ҳаракатидан, бизам анойи эмасмиз, деган маънони англаса бўларди.

— Келаси ҳафта яна келди. Кейин яна. Сталинград остонасидаги ғалаба райком бованинг иштаҳасини очиб юбордим, қайдам, қўйингки, бир қиш ичида заготскот кўрасидан йигирма иккита тўқли кетди. Тўқли бўлгандаям бари бир яшар. Боз устига, қора қўчқор!

— Бошқаси томоғидан ўтмас эканми?

— Районди сўраб турган одам. Бошқача қўй гўшти ёқмас-да, — дея тўнғиллади Тангрикул ака Жўрақулнинг заҳархандасига жавобан. — Нима қилиш керак? Уруш вақти бўлса. Калхўз, калхўзчидан заготупка қилинган ҳар бир туёқ темир дафтарга тушган. Жавобгарлиги бор. Оқимон кўп ўйладим. Сўғин, эртаси куни Бухоро бориб, «обзакотскот»га учрадим. Мудир тўсатдан кириб борганимга ажабландими, тинчликми, деди кўзимга тикилиб. У кишиминан кўпдан бақамти ишлайдик. Зукко одам. Қорақўлдан. Бухорога чакана йўл эмас. Олмиш беш километр. Энди яқин бўп тўхтаган: кунига тўрт-беш рейс автобус қатнайди. Частний, таска мошинлар ҳам кўп. Уруш вақтига мошин йўқ, пақат от-арава, эшакла қатнайдик. Кун ботганда йўлга тушсанг, тонг отганда етайдинг. Шунга, қақирмасалар ҳам борганимга ҳадиксирагандирки, салом-алик йўқ, тинчликми, деди. Сўғин олдиларига кириш-чиқим дафтарини очиб, райком бованинг шопири қўл қўйган ҳужжатларди кўрсатдим.

Мудир синчиклаб текширди-да, қоғозларди бир четга суриб қўйиб, менга бақира кетди. Ун кило, ҳай, ўн беш киломас, минг кило гўшт камомад бўлгандан сўғин бақират-та. Ҳей, Тангрикул, ёш боламисиз, бер деса беравердингизми?! Ахир, уруш кетаёпти. Ҳаммаёқда ҳарбий ҳолат. Бир кило кам келса обориб тиқиб қўйишэпти-я, ўйламадингизми, дейди. Нимага ўйламас эканман?! Шунинг учун ҳам ҳузурингизга келдим, дедим.

Мудиримиз хато ишди кўрса бир бақириб, бамисоли ичига қамалиб қолган жаҳл дудини чиқарайди-да, сўғин пасайиб, «йўли»ни қидиришга тушайди.

— Асра. Бундан айрилсанг бошингдан айрилсан, — деди у ҳужжатларди олдимга суриб қўйиб.

Уям ўз бошидан кўрқади. Ревизия қилдириб, натижасини терговга ўтказди. Қора қўчқор гўшларини еб роҳат қилган райком бова-ку, азоби менга. Патагига қурт тушган одамдай типирчилаб, райкомга чопдим. Бир кун қатнадим, икки кун. Қани, қабулига кириб бўлса! Ахийри шопирига айтдим. Хўжайинингга етказ гапимди, дедим. Ўртада турган у-ку, ҳужжатда қўли бор. Емаган сомсага пул тўлайманми, иби?! Иш судга етиб тўхтаган. Лекин шопирга айтган гапимди таъсири бўлди шекилли, иш пайсалга солинди: судлаб судлашмайди, ишлай десам ишлагани қўйишмайди. Қиш ўтиб баҳор келипти-ямки, бизди ишимиз бир ёқлик бўлмади. Райком бова ўша-ўша, пинагини бузмайди. Айтдим-ку, таги бақувват. Бир кун закотскотдан, бошқа куни калхўздан тўқлини олдирайкан. Остида «эмка» мошин, қўлида қамчин. И-би! От минмайдила, лекин қўлда қамчин! Қамчинминан столга уриб, раислардан пилон талаб қилади. Хўй, кўзингди оч! Бажарсанг бажардинг, бўмаса брондан ажраб пронтга, қари бўлсанг рабоби баталёнга жўнайсан, деб жонини олади. Раису биргад, звеновойга қадар қўлларида қамчи бўлайди у даврда. Биласизми?

Бош ирғадим. Урушгача, урушдан кейин ҳам бундай мажбурият қишлоқларда мавжуд эди. Эсимда: урушдан қайтган йилим, эри фронтда ҳалок бўлиб, бева қолган опаму жиянларимнинг ҳолидан хабар олгани қишлоққа борган эдим. Биринчи куниеқ саҳарлаб эшик тақиллашидан чўчиб уйғонганман. Бригадир уйма-уй юриб, аъзоларини ишга ҳайдаётган экан: жизғанаги чиққан, қотма бир киши. Аммо қўлида қамчин эмас, таёқ эди шекилли. Тўғри, қамчинни раиснинг қўлида кўрдим. Кўчага чиққанимда учратдим. Тўриқ отда алпдай бўлиб ўтиб кетаётган экан. Амаким қатори мен ҳам унга салом бердим. Алик олмади. Қари амаким унинг учун менинг олдимда хижолат чекиб, алик олмаса олмас, зормидик, деб тўнғиллади. Пайқамагандир, деб ҳаспўшлашга ҳаракат қилдим. Чунки афти-ангори шишиб кетган — карахт эди. Туни билан ичгану чошгоҳда туриб, идорасига ўтиб кетаётган эди шекилли. Ичгандаям пиёла ёки стакандамас, косани тўлатиб сипқарар эмиш. Шунгами, Говбош дейишар экан.

— Қўйингки, бўйнимда сиртмоқ. Ё оёғим тагига қўйилган курсини тепиб юбориб осишмайди, ёки сиртмоқдан халос қилишмайди. Қўйларди еган райком бова бўлса мошинда: бир кунчиқшига қарата ҳайдаса, бошқа сафар кунботишга қараб суради. Бутун районди ёт деб ётқизиб, тур деб турғизиб ариллаб юрибди. Бизди бўйин қисик, ҳужжатларди маҳкам асраб, худонинг уларгаям кўрсатадиган кўргулиги бордир, деб юрабердик.

Ҳа-а, кўргазди! Сталин! — деб хитоб қилди Тангрикул ака. — Ўртоқ Сталинди қўли минан унинг сафдоши ўртоқ Каганович кўрсатди!

У киши нима демоқчи, тушунмадим. Жўрақулга боқдим. У қулоқ солин-га, дегандай, имо қилди. Яна бутун диққат-эътиборим Тангрикул акада.

— ... Хабарингиз бор, уруш вақтида темир йўл соҳаси ўртоқ Кагановичга қарай эди. Қани, бир гайкасига тегиб кўринг-чи! Ҳарбий интизом. Бизди райком бова, қаранг, калондимоғлик қилиб, анави темир йўлдан ўтишга ўрнатилган шлагбаумди очиб-ёпади-

ган қоровулди қамчилапти. Нега оч деганимда очмадинг, деб. Қоровулди боши ёрилган, бир кўзи кўр бўлганми-ей, темир йўл бошқармаси даъвогар бўлиб, райком бовани судга берибди. Бизди идораям даъвогар бўлди. У жиноятга бу жиноят қўшилди-ю, шилқ этказиб... — Тангриқул ака гарданига шап этказиб урди. — Шунақа, акун. Сталинди даврида зиғирдай жиноят ҳам кечирилмас, томирига шартта болта урилар эди. Энди-чи? Давлати бир биқини ўпирилиб кетсаям, қўлга тушмаган ўғри эмас. Мелисаси ейди, пуркурори ейди. Улардан қолган сарқитти суди еб, тўхтайди. Ҳэ-эй! — У ҳафсала-си пир бўлган одамдай қўл силтади.

— Кечаги шанба куёвингизминан келаётиб эдик, мелиса тўхтатди. Бекиниб турган экан, хумпар, — деб гапга аралашди Жўрақул. — Машинасиниям четга олиб қўйган экан. Бензининг борми, дейди. Куёвингиз берди бир пақир.

— Бермай кўринг-чи! Ё тез юрдинг дейди, ё бошқа баҳона топади, анча-мунчага туширади. Фирт!.. — Тангриқул ака сўкинди. — Ҳозирги ёшлар бўлса, сочига зеб бериб, соқол қўйиб, қайта қуриш-қайта қуриш деб оғзига зўр беришади. Хўш, валдираб-валдираб нимага эришдик? Яна эски тос, эски ҳаммом. Отини бошқачароқ ўзгартириб карточка, купон деб атаганлариминан, уруш давридаги заборнийдан ҳеч фарқи йўқ. Хон кўрмаганда, эндиги ёшлар! Сталин-ин! — Тангриқул аканинг оғзидан бу ном ўзгача бир жаранг билан чиқди. — Сталин-ин деганда ҳамма тик турайди. Бизди райком темир йўл пуркурори томонидан қўлга олингандан кейин неча йил обком бўп Бухорони титратиб турган акасиям бир кечада тахтдан ағдарилди. Райком, обком ҳам гапми, бутун-бутун халқларди жазолаган Сталин. Уруш даврида ичларингдаги сотқинлар душманга хизмат қилдими — марҳамат, тегишли жазонгни торт! Бандаси қазоси етиб, у дунёга борганда бу дунёда қилган гуноҳлари учун дўзахда ёнади. Шундайми?

Бу саволга нима деб жавоб бериш керак? Мен Жўрақулга қарадим. Жўрақул менга қаради.

— Ундан чиқди, Сталин гуноҳкор деб билган бандалар учун дўзахни бу дунёда яратган экан-да? — Тангриқул аканинг саволига савол билан жавоб қилдим.

У мени биринчи бор кўраётгандай анграйиб қараб қолди. Анчадан кейин:

— Подшо худонинг ердаги сояси саналар экан, кофирми, мусулмон — барибир соя, — дея гапини салмоқлаб давом эттирди. — Шундай экан, мамлакатда темир интизом ўрнатилган учун Сталинди тутган йўли тўғри бўлат-та!

— Биз «Сталинчи бобо» деймиз у кишини, — дея шивирлади Жўрақул мен томонга энкайиб.

Қойил, деб кулдим ичимда: Сталинчи бобо ўз нуқтаи назарини шарият йўли билан ҳам асослаб олди.

— Бизди базада кўчирма бўп келган бир қрим-тотор ишлай эди. Узи бақалоққина, аммо лекин жа-а меҳнаткаш эди. Уруш йиллари гўштга топшириладиган молларди Қорақўлдан Шаҳрисабзга ҳайдай эдик. Шунда ўша қрим-тотор иш берайди. Қишда лой, қор кечиб, ёзда чанг-тўзон ютиб, подани шундан шунга ҳайдаб боришга ҳар ким ҳам чидай бермасди. Бунинг ўстига дала-даштда ҳар хил дайди, дизиртирлар изғиб юришади. Хушёр бўлмасанг молдан айрилишиг ҳеч гапмас. Қрим-тотор жа-а хушёр, ўз юртидаям чўпонлик қилган экан-да. «Оғо», дей эди ҳаммамизни. Бизам «оғо» деб чақирайдик. Кейинчалик у Шаҳрисабзга кетиб қолди. Ўз ҳамюрти, бир бева хотинминан топишибди, шекилли. Коллективимизминан яхши кўрайдик. Нимагаки, уйингга келсаям ётсирамас, бирор ишинг бўлса бажариб, киришиб кета берай эди, оғо-оғо деб. Қариям оғо, ёш ҳам оғо. Урушдан кейинги йил Шаҳрисабзга ишминан борганимда Оғони кўриб кетай, деб қидирдим. Яшайткан уйини билмаганим учун пахта завутга, иш жойига бордим. Дарвозабондан сўрасам, бош чайқади. Бўйи мундой, оёғи мундой маймоқ, питир-питир қилиб юрайтикон, социям сани сочингдақа оппоқ қрим-тотор деб тушунтирдим. Кўзимга қараб туриб: «Может быть расстрелен. Пук!» — деди қўлини тўппонча қилиб. И-би?! Нимага отилади?! Қоровулди иши қисталанг. Юк ортган аробага мошин, бири кириб, бири чиқиб турибди. Гаплашишга фурсат топмай «Вон Соколов», ундан сўра, дегандай ишора қилди. Ҳақиқатан ҳам Соколов чиқиб келопкан экан. Механик, яхши танирдим. Уруш вақтида биздан завутга гўшт олай эди. Местком сифатида. Таниб: «Раб божий! Сколько лет, сколько зима!» — деб-ла... Тушунтиргандим-да, Тангриқул ўрисчасига «Раб божий» бўлади, деб. Пивохомага судради. Биласилар, ўрисда ичмайдигани кам.

— Текин арақ бўлса бошқалар ҳам қолишмайди, — дедим.

— Биламиз! Ўзингиз ҳам ёшлигингизда... — Жўрақул тегишди.

— Йў-ўқ, биз ўшанда пақат пиво ичдик, — деди Тангриқул ака. — Соколовга дарвозабонди сўзини айтгандим, «Да, правда», деди. Ўзиям икки йил ётиб чиққан экан. Яқинда қайтганмиш.

— Нечук?! —

— Нечукки... — Тангриқул ака мезбонга кўз қирини ташлаб андак ўйланиб туриб, Соколовнинг оғзидан эшитганларини баён қилди. Қрим-тоторлар бригадаси ишлаган кечаси у ҳам заводда навбатчи механик экан. Саҳар кези ташқарида бирдан қий-чув бўлиб қолибди. Ичкаридан чопиб чиқса, пахта ғарами ёнаётган экан.

Тангрикул ака гапиряпти-ю, кўз ўнгимда ловиллаган аланга намоён бўлди. Ёмғир қуйяпти, теварақдан одамлар сув сепяпти. Олов тили кўкка ўрлайди. Худо кўрсатмасин, пахта порохдай гап-да. Бу манзарани қирқ иккинчи йилнинг охири ва қирқ учинчи йилнинг бошида Фарғонада кўрганман. Биз — ўқув полки курсантларини тревога билан турғазиб, пахта заводига югуртириб олиб боришган. Тойларни чангак билан тортиб, четга юмалатамиз. Пақирлаб сув қуямиз. Учириб, ичини очсак, яна лов этиб ёнади.

— ... Органди одамлари зовутти ўраб олиб, жинойтчиларни зудликминан фош қипти. Динамит қўйиб портлаштишган экан-да, — Тангрикул ака ўша операцияда худди ўзиям иштирок этгандай, ғурур билан қошини қоқди. — Қрим-тоторларни қўлини орқасига боғлаб, девор тагига қатор тизиб...

— Ё тавба! — ёқамни ушладим. — Динамитни қаёқдан ола қолишибди?

— Уғрига мол қаҳатми! Топиқгандир, — деди Тангрикул ака, комил ишонч билан.

— Механик ошнангиз омон қолибди.

— Соколовми? Унинг терговга ёрдами тегибди, — Тангрикул ака ошнасидадан мамнун бир қиёфада завқ билан гурунг беришда давом этди. — Ҳозир ҳам иши беш. Катта пенса олади, фахрий... Яқинда телевизирда кўриб қолдим. Мухбирнинг нима қилинса турмуш яхшиланади, деган саволига, тарихга тош отабермай интизомди мустаҳкамлаш керак, деди. Ана! — Тангрикул ака қаддини ростлади. — Тарихга тош отма! Ўртоқ Сталин ўлганидан кейин ботир кўпайиб, роса уни ёмонлашди. Брежнев ўлганидан кейин ёмонга чиқди. Шароф ака Рашидов оламдан кўз юмишиминан у кишигаям тош оттила! Брежнев вақтида халқ ёмон яшадими? Дўконлар тўла эди! Йў-ўқ, хон кўрмаган бачалар валдирайверадила, қайта қуриш, ошкоралик деб. Уларди оғзига уриб, тийиб қўяйтикон бир инсон керак Сталиндай. Мен сизга айтсам, отамиз жиловдан қаттиқ тутади эди. Шунинг учун ҳам бой-муштумзўрларди думини тугиб, калхўз тузишдаям, пошизмга қарши курашдаям ғалаба қозонди. Унинг даврида халқлар аҳил эди. Сен ўрис, сен арман деб миллат ажратиш бўлмас эди.

— Деб кўринг-чи!

— Ҳа, ана! Қаттиқ тутади-да! — Тангрикул ака биққа қўлини мушт қилиб сиқди. Ўн саккиз киши... Ўн саккиз одам боласи... ўн саккизта оила бошлиғи. Оғо... Тасаввур қиламан: бўйи пастроқ, камтар, камсукум, сочлари ҳаёт мушкулларидан эрта оқарган шикастадил бир инсон.

— Наҳотки, Оғо динамит қўйган бўлса?! — ўсмоқчиладим.

Тангрикул ака ялт этиб менга қаради. Кўзларидан иккиланаётгани сезилиб турарди. У елка қисди.

— Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, а? Бекорга айтишмагандир? У қўймаса бошқаси қўйгандир, қайдам. Бўлмаса каттаю кичикни оғо-оғо дер, бизам уни оғо дер эдик. Ўзи мана мундай, беданаюриш қип йўрғалаб юрайди.

Уҳ тортиб, водариф деб юборганимни ўзим билмай қолибман.

Тангрикул ака шошиб юзига фотиҳа тортди, юмаланиб ўрнидан тураётиб:

— Меймон, чарчабсиз. Йўқ деманг. Узоқ йўл кишини чақиб ташлайди, — деди-да, чўлоқланиб эшик томон йўл олди. Биз ҳам кузатгани ортидан чиқдик.

Тангрикул ака деворга суяклик турган велосипедини етаклаганида, Жўракул:

— Ҳай-ҳай, қуда бова, худо кўрсатмасин, қоронғида яна... буни қолдира қолинг. Күёвингиз мошинда элтиб қўяди, — деди мулозимат қилиб.

— Мошин биздаям бо-ор, — деди Тангрикул ака Жўракулни велосипеддан четлатиб. — Мелисда бор, Ворошилда бор. Лекин менга ўзимди беминнат шайтон аробам тузук.

Бу сўзлар Жўракулдан кўра менга қарата айтилганини сезиб, кулгим қистади. Тангрикул ака «шайтон ароба»сида қоронғиликка шўнғиди. Менинг ҳамон илжаяётганимни Жўракул ўзича йўйиб:

— Бобой ҳали бақувватлар, — деб қўйди.

Ҳа, албатта, ундайлар чиниққан бўлишади. Лекин менинг кулгимни қистатган нарса бошқа... Мелис атамаси эди. Тангрикул аканинг эътиқодини қарангки, пролетариат доҳийлари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин номларининг бош ҳарфларини жамлаб, тўнғичига Мэлс деб ном қўйибди. Бошқасига Ворошил... Ҳа, хайр, Тангрикул аканинг учинчи фарзандининг номи нима экан? Иккинчиси Ворошил бўлгач, учинчиси Бүдёнй ёки Фрунзедир?

— Лаббай? — деди Жўракул.

— Яна фарзандлари борми?

— Кизи бор.

— Оти нима?

— Сталина.

— Во ажаб! — ёқамни ушладим.



Иқбол

**ЮРАК ЭРИР**

**ҚОБОҒИМНИНГ ҲОВУЧИДА**



Энг гўзал мамлакат — Қўштегирмонда  
Менсиз оқарар тонг, оқади сувлар.  
Тушларини сувга сочади тонгда  
Онҳазратнинг қизларидек сулувлар.

Мени унутолмай қийналар қишлоқ,  
Турналар йиғлайди осмонларида.  
Товонимни кўмсаб, қабарар тупроқ —  
Қоларман тупроқнинг товонларига.

Оғилда ўроқни сарғайтирар занг,  
Далалар кузатар заррин мезонни.  
Дайди эпкинларнинг топгани найранг —  
Най қилиб пуфлайди синиқ сомонни.

Энг улуғ мамлакат — Қўштегирмонда  
Қон йиғлаб, гулбаргин тўкади гуллар.  
Маъюс кетиб борар мағриб томонга  
Мендан аразлаган фаришта кунлар.

Упкаланиб қарайсиз, ўпкаланиб...

Кўзимнинг гавҳари, маҳзаним,  
Қучмаганим, суймаганим, ўлмаганим,  
Сочларини бошгинамдан тўкмаганим,  
Упкаланиб қарайсиз, ўпкаланиб.

Узандиму ҳилолга ҳеч етолмадим,  
Етиб, сизга билагузук этолмадим.  
Самоларга талпинганча куним кечди,  
Қуёшни ҳам тилла узук этолмадим.

Кўз учида қарайсиз, кўз учида...

Юлдузчалар тўнғиб ётар дил буржида,  
Ой айланар коинотнинг кулгичида,  
Юрак эрир қабоғимнинг ҳовучида,  
Кўз учида қарайсиз, кўз учида.

Узандиму қошингизга етолмадим...

Алвидо...  
Шип-шийдам чорбоғнинг хазонидайман,  
Хазонларнинг хазин лисонидайман.

Алвидо...  
Тирамоҳнинг сарғиш булути — менман,  
Булутнинг занглаган сукути — менман.

Алвидо...  
Атиргулнинг қонли япроғиман, мен,  
Япроғининг сўнги титроғиман, мен.

Алвидо...  
Қалдирғочнинг қишки уйи — мен ўзим,  
Уйдаги эпкиннинг куйи — мен ўзим.

Алвидо...  
Чилланинг чимзорга сочган нишиман,  
Нишларининг совуқ ялтирашиман.

Алвидо...  
Минг йиллик харсангнинг хўрсинигиман,  
Хўрсиниқдан кўчган тош синигиман.

Алвидо...  
Мен энди мен эмас...

## Сумалак

1

Осмонни амаллаб тўнкардик,  
Ўчоққа жойладик кўёшни,  
Ойга найза боғладик — кафтгир,  
Қозонга тўлғаздик кўзёшни.

Сумалак айланар қозонда,  
Тош дея ташладик юлдузни.  
Энажон, уйғотгин азонда,  
Бизлар ҳам татийлик тузини...

2

Оғир-оғир қайнайди таом,  
Пуфакларнинг оғир фиғони.  
Тўртта кулоқ эшитмас тамом,  
Қулоқлари оғир қозоннинг.

Бир бола — қароғи чароғон,  
Қўлида пўстлоқдан қошиғи.  
У мени эшитмас ҳеч қачон,  
Кўрмайди жилвасин ёшимнинг...

3

Айвонда буғдойлар ундирган савр,  
Шохларга кўндирар зангор капалак.  
Қозонга қарайди елдек бесабр,  
Қозонда сапчийди заъфар сумалак.

Ўзининг тилида куйлайди чойгум,  
Пиёла оғзини очганча ҳалак.  
Бир пулдир севгидан айрича қайғу,  
Қозонда сапчийди заъфар сумалак.

Сирли хавотирда титрайди бодом,  
Ойдин сарупога беланган малак.  
Қумурсқа лафзида покиза калом,  
Қозонда сапчийди заъфар сумалак.

Томда юзига кафт суради мушук,  
Ёввойи юракда маъсум бир тилак.  
Ҳокандоз кафтида исиріқ ва мушк,  
Қозонда сапчийди заъфар сумалак.

Юрагим, оловдек тўлғона берма,  
Кўзим, қирғоғингдан томоша юмалаб.  
Бармоғим, сочимга чўлғона берма,  
Қозонда сапчийди заъфар сумалак.

4

Олов юзли,  
тутун сочлигим,  
Кўзларим ачишди тун бўйи.  
Кафтгир сурдинг нозик эгилиб,  
Бағрим куйди,  
жон, бағрим куйди!

Мийиғингда кулдинг макрли,  
Қизил атиргулим, асилам.  
Оҳиста кўтардинг кафтгирни:  
Бир ҳовуч тош — менинг насибам!

5

Саҳарда  
осмонни жойига қўйдим...





Хосият Рустамова

## МЕН БОТИБ КЕТАМАН МЕҲР ҚАЪРИГА

\* \* \*

Оқ гуллар — ярадор, шамол — ҳамшира,  
Майса лабларидан учар хавотир.  
Атиргул, сен мени севгин ҳамиша,  
Менинг кўзларимда тун тунаётир.

Юрак мотамида барг қарсак чалар,  
Оғирлик қилмоқда кўзларимга нам.  
Руҳимни нимталаб кетди ўшалар —  
Тушларимга йиғлаб кирмоқда онам.

Тушларим оғрийди, кўзларим оғрир,  
Ҳаловатдан кечиб куймоқда кўнгил.  
Сен мени унутиб яша, барибир  
Мен сени севаман, Атиргул!

\* \* \*

Кўзларим дарёси — қорачиқларим,  
Титроққа айланар киприқлар.  
Қуримай қолмоқда ҳўл сочиқларим,  
Сизларни йиғлатар тириқлар...

Мени авф этингиз, руҳ-ожиз,  
Илгакка илинган тунларим.  
Олислаб бормоқда у — юлдуз,  
Кунларим куймоқда, кунларим.

Айрилиқ — қиз эртак тўқиса,  
Елғизликка айтса ашула,  
Ой ёлғондан парча ўқиса,  
Хиёнат кечалар таратса шуъла,  
Йиғламасдан ўлса бўлурму?!

Майли, чумолини келтиринг,  
Йиғламоқни унутиб олай,  
Яна... йиғлаяпман... кечиринг...  
Чумолига қиз бўлиб қолай...

\* \* \*  
Уша деразада тунаётир дард,  
Уша деразада кўзларим оғрир.  
Баҳор, ўша кунга яна бир бор қайт,  
Баҳор, кунлар оғир, юраклар оғир.

Уша деразада куз кулаётир,  
Барглар савалайди даричасини.  
Шамол кўзгусидан жим кулаётир,  
Қарғайман тақдирнинг шум кечасини...

Бу уйнинг куни — ғам, болиши — озор,  
Тунлар йиғлайверар соҳибжамол қиз.  
Кўзгуни синдириб қарагин бир бор —  
Менинг юрагимга яширинган куз.

Уша деразада тунаётир дард...

\* \* \*  
Қасамлар ичасан — Худо сеники,  
Худо меникидир, Худо уники,  
Менсиз сен йиғлама, йиғлама, жоним,  
Бу кеча қиёмат куни-ку...

Бу кеча кузакда қораймиш зиё,  
Ғийбатчи шамолдан юраклар хазон.  
Йиғлама, ҳали кўп оқарар дунё...  
Мен тундан кетаман, Онажон!

Тиллашгум покиза юлдузлар билан,  
Қиймаланган руҳим бўлмишдир гувоҳ.  
Осмонлар ичмайди ёлғондан қасам,  
Оймома ягона, қилмайди гуноҳ —  
Мен ердан кетаман, Онажон!

Булутлар яшириб олар бағрига,  
Ҳаворанг кўйлагин ечар чақмоқлар.  
Мен ботиб кетаман меҳр қаърига,  
Руҳимга эрк берар қамоқлар...  
Мен шундан кетаман, Онажон!

\* \* \*  
Остонанга келин бўлсин, Гулойим,  
Толеингда гуллар унсин тоабод.  
Хотирангни ювиб кетсин дил сойи,  
Чимилдиқда ёр-ёр айтсин муҳаббат.

Кўршапалак кўзмунчоқлар келтирсин,  
Сочларинга тумор илсин момолар.  
Пояндозга ҳилол рўмол тўшасин,  
Дуо қилсин сени Момо ҳаволар.

Остонанга келин бўлсин, Гулойим,  
Гул тилидан томчилади тошларим,  
Юракинам қўшиқларга айлансин...  
Йўлларинга қулади бардошларим.

Остонанга келин бўлсин, Гулойим.



Шарафиддин Али Яздий

# Зафарнома

ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ МОВАРОУННАХР МАМЛАКАТИГА  
ЛАШКАР ТЎРТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ<sup>1</sup>

Мазкур воқеалардан<sup>1</sup> сўнг, Мовароуннаҳр вилоятлари аҳволи тушкунликка юз тутгач, Чигатойхон наслидан Жата подшоши Туғлуқ Темурхон ибн Эмилхожа ибн Дувохон етти юз олтмиш биринчи йил раби-ус-соний (ойи)да, яъни сичқон йили (1360 йил, январь-февраль) ўзининг бутун эл-улусини йиғиб лашкар тузди ва ўлкаларни забт этиш орзуси билан Мовароуннаҳр томон юзланди. Чунки насл-насаб жиҳатидан бу мамлакатнинг подшоҳлиги унга тегиши керак эди<sup>2</sup>.

Тармаширинхон вафотидан то шу кунгача ўттиз уч йил ўтган бўлиб, бу даврда Чигатойхон улусида саккизта хон ҳукмронлик қилган.

Туғлуқ Темурхон Хўжанд суви<sup>3</sup> яқинида Тошкент чўлида<sup>4</sup> жойлашган Чаноқбулоқ мавзесига етгач, амирлар ва аркони давлат билан кенгаш қилиб, каройит<sup>5</sup> ўмоқидан<sup>6</sup> Улуғ-Тўқа-Темур, арканўт ўмоқидан Ҳожибек ва қанғли ўмоқидан Бикижак манғлой<sup>7</sup> тарзида олдинда боришларини маъқул кўрдилар. Ҳар уччала амир фармонга мувофиқ олдинда юрдилар. Хўжанд сувидан ўтгандан сўнг, амир Боязид жалойир итоат қадамини сулҳ йўлига қўйди ва ўз қавми билан уларга келиб қўшилди. Улар биргаликда Шаҳрисабз томон юзландилар.

Амир Ҳожи Барлос<sup>8</sup> Кеш, Қарши ва ўша атрофдаги лашкарни тўплади ҳамда муқобил мудофаа тайёрлаш ва уларнинг йўлини тўсиш учун отланди. Бироқ бу қарорни узил-кесил амалга оширишни маъқул топмади ва ҳар икки тараф сипоҳи тўқнашмасдан бурун Хуросон томонга ошиқди...

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ҲОЖИ БАРЛОС БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШГАНИ ВА  
ЖАЙХУН СУВИДАН ОРҚАГА ҚАЙТИБ КЕТГАНИ ҲАМДА ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОН  
АМИРЛАРИ БИЛАН УЧРАШГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Олий ва муқаддас ҳаким (Оллоҳ)нинг етук ҳикмати ҳар қандай ишнинг воқе бўлишини бирор-бир мавжуд сабаб билан боғлиқ қилиб қўймиш ва ҳар қандай мақсаднинг амалга ошишини қандайдир бир баҳона воситачилиги билан боғламиш. Оллоҳ марҳамати сояси бўлган салтанатнинг нозик иши икки инсоний эзгу хислатга таянади. Биринчи — ўткир раъй; агар бирор яхши воқеа тун қоронғулашиб қолса, унинг нурлари ёғдуси омонлик ва нажот томон бошлаб бора олади...

Иккинчи — комил шижоат; у уруш ва фитналар тўлқинлари ҳайқирган чоғда, қалб қуввати ва жанговар сокинлик ила мардоналик ва сабот оёғини тираб тура олади.

Даражасига кўра раъй шижоатдан олдин туради ва афзалдир. Тадбирнинг фойдалари шамшир ва тир кучидан устун юради ва мукамалдир. Қилич гарчи тили бурроликда бир нишона, яъни аниқ ғалаба нишонаси бўлса-да, лекин яхши раъй маслаҳатидан сабоқ олади. Найза жанг айвонида шамдек порлаб турса-да, бироқ зафар шами тўғри тадбир нуридан ёнади. Агар қилич ҳукми тўғри фикр хабарчиси томонидан келса,

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



қилганлиги учун мақтовлар билан олқишладилар. Амир Қарачорнинг тумани ва Кеш вилоятининг элатларини, тобе ва ёндош ерлар билан бирга, унга туҳфа этилди.

Мушкулларни ечувчи раъйи туфайли, ул диёрга юзланган қаҳр ва бало сели чекинди ва эл умидини узган лутф ва эҳсон ёмғири ёға бошлади.

Назм:

Шодликка айланар сен туфайли ғам,  
Абадий бўлар назарингдан умр ҳам.  
Ел элтса кўйингдан дўзаҳга тупроқ,  
Ҳаёт суви бўлар олови мутлоқ

деган сўзлар мазмуни амалда намоён бўлди. (Ушанда) калтабин одамлар, Ҳазрат (Соҳибқирон) эришган нарсалар, бу бир катта бахт, деб тасаввур қилардилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Жата амирлари қошидан қайтиб келди ва илтифот соясини улусни бошқариш ва муҳофаза қилиш (ишига) солди. Шаҳрисабздан то Жайхун суви ёқасигача (бўлган) барча лашкарга йиғилмоқ учун фармон қилди. Қисқа вақт ичида анча сипоҳ тўпланди. Ул ердан отланиб Амир Хизр Ясурига (бориб) кўшилди. Бу борада Жата амирлари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди ва улар барча қўшинларини олиб ул атрофдан кўч бойлаб қайтдилар ва Туғлуқ Темурхон ўрдусига қўшилдилар. Амир Боязиджалойир<sup>15</sup> ўз қўл остидагилари билан Ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизр Ясурига келиб қўшилди.

### АМИР ҲУСАЙННИНГ АМИР БАЁН СУЛДУЗ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛМОҚҚА ЧЕРИК ТОРТГАНИ ВА АМИРЛАРДАН МАДАД СЎРАГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Амир Қазағоннинг невараси амир Ҳусайн<sup>16</sup> зудликда Кобулдан отланиб, амир Баён сулдуз билан жанг тараддудига тушди, лашкарни тузиш ва қуроллантиришга киришди ҳамда элчи юбориб Ҳазрат Соҳибқирон, амир Боязид жалойир ва амир Хизр Ясуридан ёрдам сўради. Улар кенгашиб олганларидан сўнг ушбун тўғри топдилар: Ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизр Ясури (икковлари) амир Ҳусайннинг илтимосини қондирадиган бўлдилар. Амир Боязид эса, Жата амирларида туҳмат ва ёмонлик қилмоққа мажол қолмасин, деган мақсадда, Туғлуқ Темурхон томон юрмоқни маъқул деб топди.

Амир Боязид ушбу режага кўра йўлга чиқди. Хўжанд вилоятига етганида, Туғлуқ Темурхоннинг барча лашкарлари билан яна қайтиб келганлиги ва Чу суви бўйида ўз уғруқи<sup>18</sup> билан бирикканлиги хабарини эшитган, мўлжаллаган ўйидан қайтди ва ўша ерда тўхтаб турди.

Бошқа томонда эса, Ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизр тартибга келтирилган лашкар билан амир Ҳусайнга ёрдамга жўнадилар.

Назм:

Бир текис сафланган ҳимоя чоғи,  
Бари саф ёрувчидир ҳамла чоғи.  
Қиличлари заҳмидан чарх<sup>19</sup> инграр,  
Найзаси учидан ўлимда ҳазар...

Улар Дарбанди Оҳанин<sup>20</sup>, деб аталадиган Қаҳалқадан ўтиб, Амир Ҳусайн қошига етдилар ва биргалашиб Ҳисори Шодмон<sup>21</sup> томон юрдилар. Чунки амир Баён-сулдуз ўша ерда эди, уларга қаршилиқ кўрсатишни ўз имконияти даражасида кўрмагач, қочмоқни ихтиёр қилди ва Бадаҳшон томон юзланди. Улар кетма-кет таъқиб қилиб бордилар. Бадаҳшонга етганларида, ул жойнинг валийси қочди ва мамлакат амир Ҳусайннинг қўл остига ўтди.

(Амир Ҳусайн) юртни забт этиб, ўз ҳукмига киритгач, Кайхусрав Хатлонийнинг биродари Кайқубодни ёсоққа келтирди. Ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизрларнинг қутли мадад туфайли амир Ҳусайннинг умидлари саҳифаси давлат ва иқбол нақшлари ила зийнат топди ва (бу яхшилик учун) миннатдорчилик билдириш ва раҳматлар айтиш русумини ўринлатди.

Улар қайтмоққа азм қилиб йўлга отландилар...

Амир Хизрнинг йўли Ҳазрат Соҳибқирон вилояти ва диёридан ўтиши сабабли, хусравона саҳоват меҳмондорчилик русумини подшоҳларга хос тарзда ўрнига қўймоқни тақозо этди ва Бадаҳшоннинг Касим мавзесида<sup>22</sup> илгарироқ йўлга чиқди. (Одатда), у ердан то Шаҳрисабзгача ўн беш кундан кўпроқ юрилади, (биноқ Ҳазрат Соҳибқирон) уни тўрт кеча-кундузда босиб ўтиб, чошгоҳда Кеш айлоқининг Улуғмайдон (мавзеси)га келиб тушди ва тўйга ҳозирлик кўрмоққа фармон берди.

Амир Хизр яқинлашиши биланоқ Ҳазрат Соҳибқирон ҳадиси набавийнинг. унга Оллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин, — меҳмонни иззат қилинг, — деганига амал қилиб, меҳмонга пешвоз чиқди. Неки иззат-иқром лозим топилган бўлса, барчасини бошдин-оёқ ўрнига қўйиб адо этди. Ҳазрат (Соҳибқироннинг) қўл остидагилари тўй

тараддудини муҳайё қилиб, хос мажлис ва зиёфатда ўйин-кулги, хурсандчилик учун лозим бўлган тайёргарликларни тахт қилиб қўйган эдилар...

Тўй-зиёфатдан сўнг амир Хизр ўз юртига йўл олди. Ҳазрат Соҳибқирон эса, ўзининг ҳашаматли ва улуғвор ўрдусида қарор топди ва унинг марҳамат ҳамда эҳсони куёши каттаю кичикнинг турмуш (уйи) эшик-деворига нур сочди.

Назм:

Адолати нуридан мунаввар жаҳон,  
Раият барча шоду, юрт ободон.

### АМИР ҲУСАЙННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОНДАН МАДАД СЎРАГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шу кезларда амир Туғлуқ сулдуз<sup>24</sup> амир Ҳусайнга қарши бош кўтарди ва итоатсизлик ҳамда ўзбошимчаликнинг чанқоқ қиличига сув берди.

Амир Ҳусайн давлатининг елкаси ҳазрат Соҳибқирон ёрдами умидидан исиб турганлиги учун бир ишончли кишини (унинг қошига) жўнатиб воқеани барча мушкулларни ечувчи ҳукмига ҳавола қилди. Амир Боязид ва амир Хизр Ясуриларни ҳам ул аҳволдан хабардор этди.

Ҳазрат Соҳибқирон, қайсиким ўта олийжаноблик ва мардлик ул бахтиёр подшоҳга хос эди, зудлик билан сипоҳ тўпланиши учун фармон қилди. Бу (сипоҳ) жанг базмида зумрад мисол қилич дамани нозанинлар лаъли лаби, деб ҳисоблайдиган ва сиртмоқ ўрамини Хўтан маҳлиқолари зулфининг халқаси ва ўрами, деб биладиган бир гуруҳдан иборат эди...

Ана шундай кўп сонли лашкар билан бутун шавкату қудратини амир Ҳусайнга кўмаклашмоққа қаратди.

Қаҳалқа мавзесида амир Хизр ўз сипоҳи билан хумоюн лашкарга келиб қўшилди ва биргаликда йўл босиб Ҳисорда амир Ҳусайнга етиб олдилар. Душман худди шамол етиб келишидан олдинроқ қочиб қолувчи пашша каби ва сел етиб улгурмасдан қулаб тушадиган пойдеворсиз девор мисоли қочиб қолган эди.

Амир Ҳусайн уларнинг қутли келишини катта эъзоз ва икром кўрсатиб кутиб олди, тўй ва меҳмондорчилик расм-русумини ўрнига қўйиб, уларни ўз амирликларининг пойтахтига кузатиб қўйди.

Ҳазрат Соҳибқирон Дарбанди Оҳаниндан ўтганда, (юртни) кўриқлаш чоғида Жата амирларининг (бостириб келганидан) кўрқиб Хуросонга кетиб қолган амир Ҳожи Барлоснинг яна қайтиб келганлиги ва амир Боязид билан мулоқот қилганлиги хабари муборак қулоғига етди. Улар бир оз лашкар тўплаб Хизр Ясури устига юриш қилмоққа ўзаро аҳд тузишибди. Амир Ҳожи (Барлос) эса, ул томон эди. (Соҳибқироннинг) оламини безатувчи раъйи бу хабардан огоҳ бўлгач, хумоюн узангисида мулозимлик бахтига муяссар бўлган лашкар билан Кеш адоғидан ўтиб, амир Хизрга қўшилди ва биргаликда Кеш томонга юрдилар.

### ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ХИЗР ЯСУРИ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳазрат Соҳибқирон ва Хизр Ясурининг (ул томонга) юзланганларидан хабар топган амир Ҳожи (Барлос) сипоҳ тўплаб Кешдан йўлга отланди ва жангга ҳозирлик кўра бошлади.

Оқёр мавзесида ҳар икки томон лашкари ҳужумга ўтдилар.

Назм:

Ноғора сасидан кўк боши тўлди,  
Килич дами тўла қизил сув бўлди.

Ҳар икки тўдада кўзғалди сурон,  
Фарқлаб бўлмас эди тоғ-чўлни бу он.

Ботирлар ташланиб бир-бири томон,  
Оқар сув мисоли тўкардилар қон.

Ҳар иккала қўшин баҳодирлари шундай тиришиб (жанг қилдиларки), замона Рустам ва Исфандиёр қилмишлари ҳақида зикр қилмоқдан шармисор бўлди. Баҳром эса, осмоннинг феруза кунгуралари кўрғони ортидан паноҳ излади. Амирлардан бўлмиш Урдубон-бахши фано шамширининг нишонига айланди. Ниҳоят, зафар ронги тенги йўқ ҳазрат Соҳибқирон иқболи уфқидан ёришди ва ферузалик насимни осмон қудратли подшоҳнинг ғалаба нишонли байроғини ҳилпиратди. Амир Ҳожи (барлос) у ердан қочиб Самарқанд томон юзланди ва амир Боязидга бориб қўшилди.

Ҳазрат Соҳибқирон Шаҳрисабз лашкари, амир Хизр ва Ясурийлар билан биргаликда Самарқандга азм айлаб, унинг ортидан равона бўлдилар. Йўлда Кеш лашкари барчаси саодат йўлини тарк этиб, гумроҳлик томон юрмоққа журъат қилдилар ва бевакт қочиб амир Ҳожи (Барлос)га бирикдилар. Ҳазрат Соҳибқирон қошида амир Жокў ибн Муборак ибн Тўғон ибн Қодон ибн Шарек ибн Қарочор нўёндан бошқа ҳеч ким қолмади. Амир Хизра бу ҳолни (ўзича) пинҳона келишув, деб баҳолади ва ўринсиз тахликага тушди; садоқат ва жангу жадал (акс этган) чеҳрасини бадгумонлилик тирноғи ила тимдалади. Чунончи, унинг белгилари сўзларию ҳамда юриш-туришида аниқ кўриниб турган эди. Ҳазрат Соҳибқиронга амир Ясури, гарчанд Хизр (деган номи) бўлса ҳам, бироқ (ҳозир) тўғри йўлдан адашганлиги аниқ маълум бўлганлиги сабабли, ўзини ундан четга олди. Қариндошлигини ҳисобга олиб амир Жокў билан кетди ва амир Ҳожи Барлосга бориб қўшилди. Улар биргалашиб амир Боязид қошига равона бўлдилар.

Амир Боязид ул Ҳазратнинг эсон-омон етиб келганлигидан бағоят хурсанд ва шодмон бўлиб, ифтихор ва кўмак байроғини тикди ҳамда табриклаш ва ҳурматлаш вазифаларини, эъзоз-икром кўрсатиш шартларини бажаришдан бирор дақиқа ҳам гофил бўлмади...

### ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА МОВАРОУННАХР ВИЛОЯТИ САРИ ЧЕРИК ТОРТГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Туғлуқ Темурхонда Мовароуннаҳр мамлакатининг салтанати истаги яна бир марта ҳиммат этагини тутганлиги учун сон-саноксиз лашкар тўплаб, етти юз олтмиш иккинчи йили жумоди-ул-аввал ойида (1361 йил март-апрель), яъни ўй йили<sup>26</sup> ул диёрга юзланди. Хўжандга етганида амир Боязид-жалойир тобелик камарини итоат белига боғлади. Амир Баён сулдуз ҳам бўйсунмоқлик йўли билан юриб пешвоз чиқиб, Самарқандгача келди. Амир Ҳожи Барлос, олдинги марта қаршилик кўрсатганлигига қарамай, таваккални ўзига широр қилиб хон қошига борди.

Шу пайт, хон амир Боязидни тутмоққа ва уни ўлдирмоққа фармон берди. Амир Ҳожи Барлос эса ваҳима ва қўрқувга тушиб қочмоқни ихтиёр айлади ва Кеш вилояти сари юзланди. (У ерда) ўз улусининг бир қисмини кўчириб Жайхун сувидан ўтказди.

Жата сипоҳини Кашмир ғолиб тарзда, унинг ортидан етиб келди. Уруш бўлди. Жўғом барлос ҳалок бўлди, амир Ҳожи (Барлос) эса Хуросон томон йўл олди. Сабзавор вилоятининг<sup>27</sup> булукидаги Хўроша қишлоғига етган чоғида ул жойнинг бир гуруҳ исёнкорлари уни биродари Идикў билан биргаликда тўсатдан тутиб олиб қатл этдилар. Хуросон забт этилгандан сўнг, оз фурсат ичида, оламгир Соҳибқироннинг интиқом ишларидан бири (шул эдики, ўша қишлоқ аҳлидан) бир гуруҳи қаҳр-ғазаб қиличи бирла ўлдирилди, қишлоқ эса, суюрғол тарзида амир Ҳожи (Барлос) ворисларининг иқталаридан бири бўлиб қолди. Шу пайтгача ул жойнинг аҳолиси уларнинг юк ташувчиси ва хизматкорларидурлар.

Жата амирларидан курлукут ўмоқидан бўлган амир Ҳамид ўз тенгилари ҳамда ўзига ўхшашлар ичида ақли, баркамоллиги, ўта зийраклиги, ажойиб қобилияти билан хон қошида ҳар томонлама обрў-эътиборга эга эди ва хонга насихат ва яхши тилак тарзида нимаики айтса мақбул бўларди. Шунда у Ҳазрат Соҳибқироннинг ҳақиқий довюрак ва қаттиққўл эканлиги ҳақида хонга арз етказди ва мерос тариқасида ул Ҳазратга тегишли бўлган вилоят учун омонлик сўради. Хон унинг сўзларини розилик қўлгоғига қўйди, элчи юбориб Ҳазрат Соҳибқиронни чақиртирди ва ул Ҳазрат топшириққа кўра хон ҳузурига келди. (Хон) унинг келишини тарбият ва илтифотлар кўрсатиб улўлади. Кеш вилояти элатларини ҳамда мерос туманларини, уларга тобе ва қўшимча қилинган жойлари билан унга тақдим этди...

### ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ ЎЗ УРДАСИГА ҚАЙТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Куз келиши билан хон Самарқандга йўл олди, қайтишда унинг буйруғи билан амир Баён-сулдузни ёсоққа етказдилар. Самарқандга қайтиб келгач, Мовароуннаҳр вилоятлари бошдан оёқ босиб олинган ва эгаллангани учун барча теваарак-атроф амирлари ҳамда нўёнлари, хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам (унинг) фармониغا бўйсундилар. У (мўғул)ларнинг бузуқ ишларидан норози бўлган бир гуруҳ кишиларни эса, ғамхўрлик ва тарбият ила сийлади. Ўз ўғли Илёсхожа-ўғлонни ул диёрни бошқаришга тайинлаб, Жата амирлари ва лашкаридан иборат бутун бошли сара қўшинни ва уларга бошлиқ этилган Бикижакни унинг хизматига белгилади. Ҳазрат Соҳибқиронни эса, алоҳида тарбият ва эътибор билан ўғлининг олдига қўйди. Ҳазрат (Соҳибқирон)нинг аҳвол ва авзойидаги уддабуронликдан матонат ва қатъийликни сезганлиги учун, ул вилоятлар ишларини олиб боришни унинг мустақкам раъйига топширди ва ўзи бутун ҳашамату мамнуният билан Салтанат тахтининг қароргоҳига қайтди...

...Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳр диёридан (ўз юртига) қайтиб кетаётганида, (бу ердаги) Жата амирлари ва қавмига бошчилик қилишни амир Бикижакка топширган эди. Ул мамлакат аҳолисининг осойишталигини таъминлаш (ишларини) эса ҳазрат Соҳибқироннинг тадбиркорлигига (ишониб) қолдирган эди.

Амир Бикижак хон буюрганидек иш тутмади, зулм ва бедодлик қўлини чўзди, ўзбошимчалик билан зўравонлик ва исён йўлига қадам қўймоққа ботинди. Хон ёсоқи амал қилмай қолганини ва юртнинг аҳволи инқирозга юз тутиш билан тугашини англаб етган ҳазрат Соҳибқирон ул диёрда қолмоқни маъқул топмади ва амир Ҳусайни чорламоққа қарор қилди.

У баланд ҳимматлилик юзини йўлга қаратди. Амир Ҳусайндан бирор хабар йўқлиги сабабли, уни қидириб чўл ва биёбонларни кезарди. Ниҳоят, Хивак<sup>29</sup> яқинидаги Соғаж қудуғи бошида у билан учрашди ва у ердан биргалашиб Хивак ҳокими Тукалнинг<sup>30</sup> ҳузурига кетдилар. У ғаддор золим уларни тутмоқчи бўлди.

Назм:

Ёмондан келмас ёмонликдан ўзга иш асло,  
Ёмонлардан узоқ юргил, бўлсанг агар доно.

Улар бу макрдан хабар топдилар ва ул ердан отланиб, олтмиш киши таваккал қилиб Пойоб томон<sup>31</sup> томон юзландилар. Тукал мингта мукамал отлиқ билан уларнинг ортидан от сурди. Етиб олгач, эрта тонгдан икки ўртада уруш бошланди. Қиличнинг тили, — ундаги (ердаги) ҳамма (нарса) йўқолади,<sup>32</sup> — оятини жон қулоғига қуярди ва ўқнинг элчиси, — ҳар қандай (тирик) жон ўлим (шарбатини) татигувчидир,<sup>33</sup> — (оятининг) пайғомини яқин ва узоққа етказарди. Ҳазрат Соҳибқироннинг қўл остидагилардан амир Тағой-Бўго барлос билан амир Сайфуддинларнинг отлари узоқ суро-сурдан сўнг ҳолдан тойди ва улар иккаласи ўша қум чўлида пиёда қолдилар. Элчи-баҳодирнинг ҳам оти қулади ва ўта мардлиги туфайли худди ҳеч нарса бўлмагандай жанг майдонини тарк этмасди ҳамда камонга ўқни жойлаган ҳолда яёв борарди.

Назм:

Ўкириб мисли шер, тимсоҳ ва қоллон,  
Пиёда кирдилар жангга уччовлон.

Бутун вужуди қўл остидагиларининг муҳофазаси ва ғамхўрлигига қаратилган ҳазрат Соҳибқирон, жангдан қўлини тортсин ва доғули ёв зиён-заҳмати туфайли ҳалокат нишонига айланмасин, деб, у (Элчи-баҳодир)нинг қўлидан камонни тортиб олиб, узиб ташлади. Ҳар икки томон баҳодирлари шу даражада жанг қилдиларки, Тукалнинг мингта отлиғидан элликтадан ортиқ қолмади. Олтмиш кишини ташкил этган бу томондан эса, еттита отлиқ қолди. Амир Ҳусайн ғайрати жўшиб Тукалнинг устига от сурди ва чақмоқ чақнатувчи шамшир билан.

Назм:

Тукалнинг байроғин иккига бўлди,  
Жангталаблар дили кўрқувга тўлди.

Тукал сипоҳининг амир Ҳусайн устига ёпирилганини кўрган ҳазрат Соҳибқирон зафар байроғи бўлмиш нусратнишон қиличи билан ҳамла айлаб, уларнинг барчасини тўзғитиб юборди ва амир Ҳусайни (қутқариб) олиб чиқди. Қайтаётган чоғда, шўринг қургур (душман)лар яна бир марта тўпланишиб, уларнинг ортидан от солиб уруш қилдилар ва амир Ҳусайннинг отини тир заҳми ила йиқитдилар. У яёв қолганлиги учун хотини Дилшод-оғо отини унга тўтиб, ўзи пиёда бўлди.

Дастлабки ўқни ул сипоҳ жангчиларидан бирига юборди ва эгар устидан ерга ағдарди. Қолганларни эса жон олувчи ўқ кўрқуви билан бир отим масофада худди ширачга (ёпишган) чумолидек ўрнидан кўзғатмай қўйди ва амир Ҳусайни (отга) миндириб, у ердан равона бўлди. Улар чўлга кирдилар ва сайёр юлдузлар каби еттита эдилар. Ул еттитадан уч киши «Наҳси акбар»дан<sup>35</sup> ҳам бахтсизроқ эдилар. Кечаси (бир жойга) қўнганларида, туҳфани бало сифатида кўрсатувчи ва шифо ҳаловатини давонинг аччиқ таъми ила боғлиқ қилиб қўювчи яширин лутф сири дунёвий нарсаларнинг қолган-қутганини ҳам ўртадан кўтарилишини тақозо этди, токи таважжух қўли чин ихлоснинг воситаси бўлиб, парвардигорнинг фазл ва раҳмати этагидан тутсин.

Ҳарна қилса қудратли ва улўф тангрининг ўз иши. Бир латифадурким, ундан хабардор эмасдур киши, (деб қайд этилганига кўра), ҳамроҳлардан учта хуросонлик навкар, балки инсон суратидаги чўл-биёбон жинларими эдиларким, ўшандай (оғир) бир пайтда, уларнинг отларини олиб қочдилар ва ана шундай бир шармандалиқнинг тупроғини ўз номлари (боши) фарқига эладилар. Мисра: (Улар) яхшилиқни билган бир итчалик ҳам



бўлмадилар. Бу ажойиб ёзиқларнинг барчаси поёни йўқ давлати хазинасининг тилсими бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон, ул кечмишдан улўвор кўнглида саросималик ва тушқунлик туғилишига асло йўл қўймади.

Назм:

Юқори ва қуйи оламлар<sup>36</sup> бўлса ҳам остин-устун,  
У қандай тоғдурким, ўз зилзиласидан<sup>37</sup> қўркса бир кун.

Бақувват дил ва очиқ чеҳра билан дўстларига тасалли берди. Амир Ҳусайннинг синглиси ва ул ҳақиқий Соҳибнинг муҳтарам ҳарами<sup>38</sup> бўлмиш Улжой-Туркон-оғони олиб, битта навкар билан (йўлга чиқди). Мисра: Таваккал отини йўл учун эмас, балки Оллоҳнинг чексиз меҳр-шафқати учун айтишимиз керак.

Улар чўлдан чиқиб Жўйбў (деган жойга) етдилар. (У ер) бир қўйчивон туркманларнинг ўтови эди. Улар оломон ҳайқириғи билан тўпландилар ва йўлни тўсдилар. Ҳазрат Соҳибқирон жўшқин ғайрати ва хусрāvона ғурури билан ифбатпаноҳ ҳарамини, Оллоҳ паноҳи мададига (топшириб), ғалла кўмиладиган бир қудуққа бекитди. (Сўнгра) Фатҳ ва нусрат дарёсининг улкан балиғи, яъни ўт чақнатувчи обдор шамширини белидан суғуриб олди ва бемалол иккиланмасдан улар томон юзланди. Ул жамоадан Ҳожи Муҳаммад исмли бир киши ҳазрат Соҳибқиронни таниб қолиб, туркмандарни чанг солмоқдан тўхтатди. Муносиб бир от етаклаб келиб у ҳазратни миндирди ва ўша оқшом туркманлар жамоаси билан ўз ўтовини унинг ҳумоюн вужуди ҳашоматидан осмоннинг жўшқин базмига айлантирди ҳамда хизмат кўрсатиш вазифасини олий даражада ўринлатди Эртасига.

Назм:

Фалак танга зарб қилувчию, бўлса юлдузлар дирам<sup>39</sup>  
Бахшишдан<sup>40</sup> тиним олмас эди кафти бирор соат ҳам

(бўлган) ҳазрат Соҳибқирон ҳиммат қўлини уларнинг сийлови учун очди: уларга бир бўлак қимматбаҳо лаъл<sup>41</sup>, иккита тўқилган тўмағо ва қиймати бир мамлакат хирожига тенг келадиган ярақлаб турган марварид берди. Эслатиб ўтилган Ҳожи Муҳаммад эса, учта от ва бошқа зарур нарсаларни муҳайё қилиб, Сориг Қулончи исмли бир ғачирчини мулозим қилиб кезатди. Ҳазрат Соҳибқирон амир Ҳусайннинг олдига қайтди ва уни отлантриб Маҳмудий мавзесига йўл олдилар.

Уша чўлда, сувчининг чиқиши ҳаёт ниҳолини кўмкўк сақлаб тура оладиган бир қудуқ бошига келиб тушдилар ва деярли ўн икки кеча-кундуз ул манзилда туриб қолдилар...

### АЛИБЕК ЖўН ҒИРБОНИЙНИНГ АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОНГА ХОИНЛИК ҚИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СўЗ

Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон (икковлари) Маҳмудий мавзесида турган вақтда, Алибек ибн Арғўшоҳ Жўн Ғирбоний улар ўрнашган жойни билиб қолди... (ва) олтмишта қуролланган отлични шайлаб, амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон устига жўнатди. Уларни тўсатдан тутиб олиб, Мохонга<sup>42</sup> олиб кетдилар ва бир қоронғу уйда банди қилиб сақладилар. Энг даҳшатли нарса, ул жойда бурга шунчалик кўп эдики, уларни қўл ёрдамида ҳеч тутиб (тугатиб) бўлмас эди.

Йирик гавҳар маълум вақтни садаф тутқинлигида ўтказмаса, мурод оёғини бахтиёр султонлар тожи чеккасига қўяолмайди; обдор лаъл маълум муддатгача жон зиндонидан парвариш топмаса мақсад қўлини олийқадр сарварлар камарига ўролмайди; қизил гул дилга оро бергувчи ҳидни ғунча қаватларидан олади; хушбўй мушк, яъни қора мўй атр таратувчи мушқдонни (оҳу)<sup>43</sup> нафаси тугунидан ўзига касб этади...

Алибекнинг акаси Муҳаммадбек ул ноҳўя қилмишдан хабар топгач, аниқ билдики, бундай қалтис жасоратнинг натижаси, кейинчалик оғир қисмат келтиради ва бу ўзбошимчалик (дараҳти)нинг шохи кунларнинг бирида надомат ва зиён мевасини тугади...

Тўс<sup>44</sup> ҳудудидан амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон учун совға ва ҳадялар юборди. Укасини хат орқали кўп қойиб ва танбеҳ бериб, зудлик билан уларни бўшатиб узр сўрашни, иложу имкон борича (зарур нарсалар билан) таъминлаб, кўнгилларини овлашни қайта-қайта таъкидлади. Лекин Алибекнинг узоқни кўриш кўзи бераҳмлиқ пардаси билан тўсилганлигидан тўғри йўл чеҳрасини мушоҳада этолмади.

Назм:

Нодонлар қулоғига олам насиҳатин қўймоқ,  
Гўё қафасда шамол тутмоқ, ғалвирда сув олмоқ.

Бадқирдорлигидан акаси юборган совға ва ҳадяларни ўзига олди. Олтмиш икки кундан сўнг уларни (қамоқдан) олиб чиқдилар ва озод қилди. Ҳимматининг пастилигидан битта қирчанғи от ва битта ўргимчакка ўхшаган туя берди...

Уша вилоятда юрт сўраётган, илгаридан ҳазрат Соҳибқиронга ихлос ва садоқати

бўлган Муборакшоҳ Санжарий ўз ўғиллари билан ул ҳазратнинг қошига келди ва узр-кечирим сўраб, яхши отлар тутди, арзигулик даражада хизматлар қилди. Кўп вақт ўтмасданок, саодат ерига сепган яхшилик уруғи давлати боғларида фирузлик майсаси бўлиб яшнади. Ана шу туфайли муносиб ҳурмат-иззат ва катта-катта шаҳарларни бошқариш (имтиёзи) билан тақдирланди...

Ҳазрат Соҳибқирон ул отларнинг барисини амир Ҳусайнга пешкаш қилди.

### ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙНДАН АЖРАЛИБ КЕШ ТОМОНГА ЮЗЛАНИШИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шундан сўнг амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон қулай пайт ҳақида ўзаро кенгашиб, фикрлашиб олдилар. Улар шундай қарорга келдилар: Амир Ҳусайн Гермсер-Ҳирман томонга йўл оладиган ва Ҳазрат Соҳибқирон эса, ўз вилоят ва улуси томон қайтадиган бўлди. Учрашув жойи Гармсер-Ҳирманда Никўдарий-ҳазораларнинг<sup>45</sup> амири Туманнинг ҳузуринда бўлади, дейилди. (Оятда), — агар бир ишга бел боғласанг, Оллоҳга таваккал қилғил,<sup>46</sup> — деб таъкидланган сўзлар билан ул хоҳиш-истакни имзолаб жўнадилар.

Амир Ҳусайн Гармсер-Ҳирман томон юзланди. Ҳазрат Соҳибқирон эса, Кеш вилояти сари равона бўлди ва (Амударё) сувидан ўтиб Бухоро қишлоқларидан бири — Бухор-Зиндонга етиб келди. Ифбат бешиги бўлмиш Улжой-Турконни ўша ерда қолдирди. Давлати ойи салтанат осмонида кун сайин улғайиб борувчи ҳилол каби бўлганлиги учун шароит пинҳона юришни тақозо этарди. Ҳуфиёна ул ердан йўлга чиқиб вилоят ва эл ичига кирди. Тамука-қавчин ул Ҳазратнинг келишидан хабар топди ва ўн-ўн беш кишини олиб, дили тўла қувонч — кутиб олмаққа ошиқди. Саодатли Соҳибқирон улар билан биргаликда Хузур томон юрди. Тонг чоғи, сайёралар подшоҳи машриқ манзилгоҳидан ёғду таратиб, кавокибни осмон майсазоридан қувлаб чиқарганда, Хузурнинг юқорисидан бир гала отни ҳайдадилар. Намоздигар<sup>47</sup> пайтида Оқўбийга етказиб келдилар ва Жайхуннинг сувидан ўтказиб, чўл ва қум саҳросига кирдилар. Ҳаво ўта иссиқ бўлганлиги сабабли, сув бўйида ва тўқайзор панасида бир ой тўхтаб турдилар. Улжой-Туркон ҳам Бухор-Зиндондан йўлга чиқиб, ҳазрат Соҳибқирон қошига етиб келди.

Орадан бир ой ўтгач, ногоҳ узоқдан қандайдир кўшиннинг қораси кўзга ташланди. Давлат арбоби риюя қилмоғи зарур бўлган эҳтиёткорлик дарёдан ўтмоқларини тақозо этди. Бахтли Соҳибқирон парвардигор кўмағи ила отланиб елдек учқур отини Жайхун сувига солди. «Кимки Оллоҳга таваккал қилса, унга Оллоҳнинг ўзи пушти-паноҳдир»<sup>48</sup>.

Сувдан ўтиб олгандан сўнг чўлга кирдилар ва бир неча кун (ўша ерда кутиб) ўтирдилар. (Ниҳоят) эл ва улус яйлоқдан кўчди ва ул жой бўшаб қолди. Ҳазрат Соҳибқирон яйлоққа ўтди ва бир ой муддат ўша мавзеда тўхтади, сўнгра, у ердан (от жоловини) Самарқанд томонга бурди. У ерга етгач, ўта эҳтиёткорлик билан, ул ҳазратнинг опаси бўлмиш Қутлуғ-Туркон-оқонинг уйига шод-хурсанд кириб борди. Яхлит ҳисоблаганда қирқ саккиз кун ўша ерда бўлди. Айрим одамлар унинг охири бахтли аҳволдан хабардор бўлиб қолганлари ва замона уни фош қилмоққа оғиз жуфтламоқчи бўлганлиги сабабли, зудлик билан отланиб Кеш жулғасига<sup>49</sup> кириб борди ва Очиғий аталмиш қишлоқда тўла иззат-икромда яшай бошлади, токи фалаклар фалаги<sup>50</sup> яна қирқ саккиз марта олам атрофини айланиб чиқди ва шундан кейингина давлат ва иқболга бориб ўрнашди.

Бир тун ўтгач, Омўя суви<sup>51</sup> бўйига от сурди. У ерга Темурхўжа-ўғлон ва Баҳром жалойир ҳам етиб келдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Амир Ҳусайн билан ваъдалашгани бўйича, биргалашиб Қандахор томон юрдилар. Тақдир тadbир билан мос тушиб, Ҳирманда Туман ҳузуринда, яъни ваъда қилинган жойда Амир Ҳусайн билан кўшилдилар. Баҳром жалойир қочиб Ҳиндистон томонга кетди...

(Бундан кейинги воқеалар Мовароуннаҳр ҳудудидан ташқарида кечади, амир Ҳусайн ва Амир Темурнинг Сейистон тарафларга борганликлари, маълум вақтдан сўнг яна қайтиб, Арсиф, Хулм, ва Балх атрофларида уларга хайрихоҳлар ва Жата ҳукмронлигидан норози кишиларнинг кичик-кичик гуруҳлари келиб қўшилгани, Балх яқинида Жата сипоҳи билан биринчи тўқнашув бўлиб, унда ғалаба қозонганлари, сўнгра Бадаҳшон подшоҳлари билан сулҳ тузганликлари, Пули-Сангинда<sup>52</sup> Жата кўшини билан иккинчи марта юзланганликлари ва бир кунлик жанг натижасиз яқун топгани ҳақидаги кечинмаларни ўз ичига олади. Шундан сўнг Темур тadbир йўлига ўтади ва сўз баёни куйидаги тарздадир — тарж.)

### ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ПУЛИ САНГИН СУВИДАН УТГАНЛИГИ ВА ЖАТА ЛАШКАРИНИНГ ҚОЧГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳазрат Соҳибқирон амир Мусо, амир Муайид арлот ва Учқора баҳодирларнинг бири мингдан тап тортмайдиган беш юзта ботири билан Пули-Сангинда душман лашкари қаршисида қолдирди. Узи эса жанг майдони ғуборини орзу дийдасининг сурмаси, деб билган бир минг беш юз отлиқ билан иқбол кафолатида саодат юзини дарёнинг

юқорисидан Майдон-Исан томонга қаратди. Исан-Майдон билан Ғасанкаш ўртасида ярим кечада сувдан сузиб ўтдилар ва тоққа қараб юрдилар. Эртаси куни душман қоровули отларнинг оёқ изидан дарёдан лашкар ўтганлигини билиб қолди ва улар бу ҳолдан хавфсирашга тушдилар. Кеч киргач

Назм:

Жаҳон бошига қора парда илди,  
Ойнинг учи мушқин камандга кирди.

ва ўлкаларни заб этувчи Соҳибқирон буйруғига кўра, баланд тоғ тепалари устида кўплаб гулханлар ёқдилар. Бунинг кўрган рақиб сипоҳида кўрқув ва ваҳима кучайиб, сабот ва чидам тугади, улар даҳшатга тушиб, хавф-хатар оёғини жўнаб қолмоқ отиға қўядилар ва ихтиёр жиловини мажбурликнинг қўлига топширганча, бахтсизлик юзини қочиш томонга бурдилар. Парвардигор кўмағида бир отлиққа қарши ўнтадан кўп найза санчувчи жангчи тўғри келадиган ана шундай кўп сонли лашкар уруш ва сўғиш қулфатисиз тарқалиб кетди. — Оллоҳ (хоҳлаган кишисини) ёрдам билан қўлайди. Қандай ажойиб, аниқ ва ғалабага элтувчи тадбир. Унинг узоқдан аланга олдирувчи оловининг шуъласидан қанчадан-қанча амирлар ва сардорлар бошқариб турган ғаддор душманнинг бу дунёдаги шон-шавкат ва ғурур хирмони ёниб кетажак.

Назм:

Бир пиёда унинг матонатин оширган жойда  
Бир мулкни олса бўлар бир отлиқнинг кучи билан.

Кимники яратганнинг ўзи қўлласа ким ҳам у билан тенглаша оларди? Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Бирор бир мумтоз кимса парвардигор томонидан азиз қилинган бўлса, унга ёмонлик истаган киши шак-шубҳасиз хор-зор бўлади...

Душманлар қўзғалиб қочиш пайига тушгач, ҳазрат Соҳибқирон нусрат нишонли лашкар билан, худди ғазабга келган шердай ҳайқариб ва поёни йўқ селдай тошиб, тоғ устидан ёпирилиб тушдилар. Улар Майдон-Қужаротгача таъқиб қилиб умрни адо этгувчи қилич ва жонга нишдек санчилувчи найза билан уларнинг ҳаётига яқун ясадилар.

(Ҳазрат соҳибқирон) музаффар ва ғолиб тарзда ўша ерга шод-хуррам кўндай. Амир Ҳусайн ҳам қолган лашкарлар билан кетма-кет етиб келди. Бу буюк ғалабанинг бахтли насимидан иқбол ниҳоли улғайиб, (ундаги) давлат шоҳи бақувват бўлди, ишонч ва умид гулшани янги тароват ва навқирон равнақ касб этди. Барча интизорлик билан кутган ҳимоя байроғи қудрат чўққисига ўрнатилди: подшоҳнинг шон-шавкати сипоҳнинг довуғи минг чандон ортди...

Ҳазрат Соҳибқирон салтанат ва сарварлик майдонида мавқеи кучайганлиги ва обрў-эътибори ошганлиги аниқ-равшан бўлиб қолганлиги учун икки минг аскар билан олдинроқ йўлга чиқди. Қаҳалқага етиб келганида Кеш ва ул атроф одамлари тўда-тўдаси билан қочиб келишар ва саодатли мулозимларга қўшилар эди. Ҳазрат (Соҳибқирон) ўзи билан бирга олиб келган икки минг аскардан уч юзта сирасини ҳумоюн узангининг мулозими тайинлаб, йўлга отланди, бошқаларни эса, ўша ерда тўхтаб турмоққа фармон этди. Ул уч юз сипоҳдан икки юзтасини амир Сулаймон барлос, амир Жокўй барлос, Баҳром жалойир, амир Жалолиддин барлос, амир Сайфиддин-Давлатмурлар билан бирга Кеш томонга юборди. Уларга чорқўшин бўлсин, яъни бир отлиқ иккита катта боғ шохни отнинг ҳар иккала ёнига боғлаб олсин ва чангитсин деб буюрди. Бундан тўзон кўтарилиб, мабодо у ер (Кеш)да дорўға бўлса, қочиб қолади, деди. Улар фармонга мувофиқ иш тутдилар ва тадбир билан тақдир тўғри келди. Кеш жулғасига кирганларида Жатанинг доруғалари ул чанг-тўзондан қўрқиб қочиб қолган эди. Улар Кеш шаҳрига кириб, уни забт этмоқлик билан машғул бўлдилар. Оллоҳнинг ул подшоҳлик асосини мустаҳкамловчи ҳақида чексиз инояти эрурки, гоҳ бир учқун алангаланишидан бутун бир лашкар тор-мор бўлади, гоҳ бир тўфон кўтарилишидан бутун бир ўлка бўйсунди; ёмон кўздан асрасин, чунки бундан олийроқ (иноят) бўлмайди.

Ўша пайтда Илёсхожахоннинг қўнимгоҳи Кешдан тўрт фарсанг масофада жойлашган Тошариқ деган жойда бўлиб, барча номдор амирлар унинг хизматида ва сон-саноксиз лашкар хил-хили билан маълум тартибда йиғилган эдилар. Шундай бир пайтда, Туғлуқ Темурхоннинг ўз хонлик тахтида ҳукм суриб турганида вафот этганлиги сабабли, Илёсхожахонни, у отасининг тахтини эгалласин, деган мақсадда улусга қайтариб олиб кетиш учун Улуғ-Тўктемур ва амир Ҳамид келган эдилар. Ҳазрат Соҳибқирон мулозимлик шарафи билан бахтиёр этилган юзта отлиқ (аскар) билан шабгир қилиб Хузорга келди ва ахтариб юрганлар Жамшиди хуршиднинг машриқ томонга етганини билганларидан сўнг, қўзғала бошладилар. Одамлар ҳазрат (Соҳибқирон)нинг ҳумоюн келишидан хабар топиб, ер ўпмоқ давлатига муяссар бўлмоққа ошиқдилар.

Ҳазрат (Соҳибқирон) Хузур ва Кеш сипоҳининг йиғилиши учун фармон берди ҳамда хожа Солбарини жағдовул қилиб тайинлади. Оламда таниқли аскарлар билан қайтиб, Жигдолик томон юрди. Ул жойга етиб саодат ила қўнғандан сўнг, Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад етти қўшин лашкар билан ул Ҳазратга келиб қўшилди. У ер-

да етти кун турдилар, амир Хусайн ва у ердаги сипоҳ ҳам у билан бирга эдилар. Ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига Қаҳалқада қолганлар ҳам етиб келишди. Кўлак даштида бўлиниб, ўз элига кетган Шер-Баҳром ҳам қирқ кунлик ғойибликдан сўнг Хатлон<sup>35</sup> лашкари билан келиб қўшилди.

Амир Хусайн ва ҳазрат Соҳибқирон бутун лашкар билан кўчиб, Хузур томон юрдилар. У ерда (худо) раҳмат қилгур Хожа Шамсининг<sup>56</sup> табаррук мазорига кирдилар ва ул бузуркорнинг муқаддас руҳидан мадад тилаб, ҳамдўстлик шартини аҳду-паймон ила мустақкамладилар, илгариги дўстлик ва садоқатни янги бирлик ва маҳсуслик кўшимчалари ила қатъий этдилар. Ибора: Ҳа, иттифоқликда жаҳонни эгалласа бўлади.


## Давоми келгуси сонда

### ИЗОҲЛАР

1. Мазкур воқеалар — бу воқеаларнинг қисқа мазмуни юқорида айтилди.
2. Ўз вақтида Чингизхон Мовароуннахрни ўғли Чигатойга берганлиги «Муқаддима»да қайд этилган эди; унга тобе ерлар Чигатой улуси деб аталган.
3. Хўжанд суви — Сирдарё.
4. Тошкент чўли — ҳозирги Тошкент вилоятининг жанубий қисми.
5. Карайит — турк-мўғул қабилаларидан.
6. Умоқ — аймоқ, уруғ, элат.
7. Манғлой — лашкарнинг олд қисми.
8. Амир Ҳожи барлос — «Зафарнома»да келтирилишича (в. 96-б) Амир Темурнинг амакиси, 762 (1361) йили ўлдирилган.
9. Жамшид — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги қадимга Эрон подшоҳларидан бири.
10. Матнда ёзилиши: «Тароғой: амир Тароғой — Амир Темурнинг отаси, вафоти 761 (1360) йили.
11. ...ўша йили — яъни 761 (1360) йили.
12. Ҳақ даргоҳи раҳматига қўшилган эди — вафот этган эди.
13. Хузур — ҳозирги номи Ғузур. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва ноҳия.
14. ...учрашди — Бу амирларнинг номлари Улуғ-Туқа-Темур, Ҳожибек ва Бикижак эканлиги юқорида матннинг ўзида қайд этилган эди.
15. Амир Боязид жалойир — Хўжанд вилоятининг амираи, 762 (1361) й. Туғлуқ Темурнинг буйруғига кўра қатл этилган.
16. Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қазағон — Балх. Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг ҳукмдори. 771 (1369 — 70) йили Амир Темур Балхни эгаллаган пайтда ўлдирилган.
17. Чу суви — Чу (Чуй) дарёси.
18. Уғруқ — (айнан «чодир») лашкар ортидан заҳира, аслаҳа ва бошқа анжомларни олиб юрувчи қисм.
19. Қаҳалқа — қ. Дарбанди Оҳанин.
20. Дарбанди Оҳанин — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни 5 — 20 м, қояларининг нисбий баландлиги 150 м чамаси. Қадимий машҳур тоғ йўли, ҳозирги Катта Ўзбекистон йўлидан шарқроқдан ўтган. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча «Дарбанди Оҳанин» (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда: «Темир қапуғ» («қапуғ» — дарвоза), арабча «Боб-ул-Ҳадид» (Темир дарвоза), мўғулча «Қаҳлаға» ёки «Қаҳлақа» («қалға», «жалға» — дарвоза). Қадимда дара ёнида шу номда аҳоли маскани, кўрғон ҳам бўлган. Уни Бузғалахон ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор. Бойсун райони ҳудудида.
21. Ҳисори-Шодмон — вилоят ва шаҳар, қадимги номи Шумон (ҳозирги Ҳисор водийси), маркази шу вилоятдаги Ҳисор кўрғони ёнида бўлган.
22. Касим мавзеси — ҳозирги номи Ишқошим. Бадахшон вилоятидаги Афғонистон билан чегарадош жойда жойлашган ноҳия маркази.
23. Тўй — меҳмондорчилик
24. Амир Туғлуқ сулдуз — «сулдуз» ёки «сулдус» — мўғул қабиласининг номи.
25. Рустам, Исфандиёр, Баҳром — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги баҳодир қахрамонлар.
26. Ўй йили — тўғриси «Ут» (Сигир) йили, туркий мучал ҳисобида 2-йил.
27. Сабзавор вилояти — Ҳирот булукларидан бири, бошқача аталишилари: Себзор, Исфизор.
28. Илёсхожа-ўғлон — Туғлуқ Темурнинг ўғли, Мўғулистон хони (764(1362 — 63 — 765)1363 — 64).
29. Хивақ — ҳозирги Хива шаҳри.
30. Тукал — матнда «Такул» шаклида ҳам келган.
31. Пойоб — одатда суви бирор ҳавзага қуйилмай, чўл ва қумларда тугал йўқ бўладиган дарё, сой, жилға, Матнда Мурғоб дарёсининг қуйи қисми назарда тутилган.
32. Қуръони карим, 55-сура (Раҳмон сураси), 26-бет.
33. Қуръони карим, 3-сура (Оли Имрон сураси), 185-бет.
34. Сайёр юлдузлар — сайёралар.
35. Наҳси акбар — (айнан «энг бахтсиз») — Зуҳал (Сатурн) сайёраси мунажжимлар наздида бахтсиз сайёралардан бири ҳисобланган;  
Миррих (Марс) сайёрасини эса «Наҳси асғар» («энг кичик бахтсиз»), деб номлаганлар.
36. Юқори (улвий) ва қуйи (сифлий) оламлар. — Улвий олам — Зуҳал, Муштарий, Миррих оламлари. Сифлий олам — Зуҳро, Уторуд, Ой оламлари.
37. Қуръони карим, 99-сура (Зилзила сураси), 1-оят. Ушбу суранинг 1 — 2 оятларида шундай дейилган: «Ер қаттиқ тебранганда, ўз (бағридаги) юкни чиқаражак».

38. Муҳтарам ҳарам — хотини.  
 39. Дирам (дарҳам) — кўпгина мусулмон давлатларида 7-асрдан бошлаб муомалада бўлган пул бирлиги — кумуш танга.  
 40. Бахшиш — эҳсон.  
 41. Лаъл — қимматбаҳо тош, қизил ёқут.  
 42. Мохон — Марв шаҳри яқинидаги қишлоқ. Марв шаҳри Туркменистоннинг ҳозирги Байрамали шаҳри яқинида бўлган.  
 43. Нофа — баъзи бир оху турларининг киндиги тугунида мавжуд бўлган хушбўй қора модда, яъни мушк.  
 44. Тус — Хуросондаги ўрта асрларда мавжуд шаҳар, Тус вилоятининг маркази, ҳозир харобалари Машҳад шаҳридан 25 км. шимоли-ғарбда.  
 45. Никўдарий-хазоралар — хазоралар — келиб чиқиши мўғул бўлган форс тилида сўзлашувчи халқ; никударийлар — ушбу тоифанинг бир гуруҳи. Афғонистоннинг шимолий қисмидаги Банди Туркистон тоғ тизмасининг ҳар иккала томонида яшайди. Мўғуллар истилоси даврида келиб ўрнашиб қолган. Ҳазора — минг, қўшин гуруҳининг номи; Никудар — мўғул шаҳзодаси Никудар (XIII аср), унга бўйсунган тоифа шу ном билан аталган.  
 46. Қуръони карим, 3-сура (Оли Имрон сураси), 159-оят.  
 47. Намоздигар — (ёки «аср намози») — мусулмонлар бир кеча-кундузда адо этиши шарт бўлган беш вақт намознинг учинчиси, қуёш ботишидан бир соат олдин ўқилади.  
 48. Қуръони карим, 65-сура, (Талоқ сураси), 3-оят.  
 49. Кеш жулгаси — Кеш дарёси (Қашқадарё) ўзани.  
 50. Фалаклар фалаги — яъни етти қават осмондан кейинги саккизинчи осмон, унда юлдузлар ўрин олган: матнда яна, қирқ саккиз кеча-кундуз ўтганлиги таъкидланган.  
 51. Омўя суви — Амударё.  
 52. Пули Сангин — дара, Бахш водийси.  
 53. Қуръони карим, 3-сура (Оли имрон сураси), 13-оят.  
 54. Дорўға — шаҳар ҳокими.  
 55. Хатлон — Панж дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган манзил ҳозир Тожикистоннинг Хатлон вилояти. Номи қадимги араб ва форс манбаларида Хуттал ёки Хутталон тарзида ёзилган.  
 56. Хожа Шамс — Хожа Шамсиддин Кулол, қабри Шаҳрисабзда.

Таржимон Омонулла БҶРИЕВ  
 Нашрга тайёрловчи Асоиддин УРИНБОВЕВ



*Ассалому алайкум ҳарматли таҳририят аъзолари!*  
 Муҳтарам Алоуддин Мансур таржимаси асосида Қуръони карим мазмуни баён қилиниб, энди биз ўз она тилимизда улуг ҳикматга эга бўлдик. Бу хайрли ишингиз учун ойнома ходимларига ва ҳурматли Алоуддин Мансурга самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз. Маълумки, Қуръони карим ўқиб бўлингач, хатм қилинади. Муҳтарам Алоуддин Мансурдан илтимос қилар эдикки, хатм дуоларининг арабчадаги матнларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиб берсалар ва бу таржима ҳам «Шарқ юлдузи» ойномаси саҳифаларида чоп қилинса — нур аъло нур бўлар эди.

**Қурбонбой ҚУТЛИМУРОДОВ**, уруш ва меҳнат фахрийси, Тошовуз вилояти, Кўҳна Урганч туманидан

\* \* \*

*Мен ойномага 1960 йилдан буён обуна бўлиб, ўқиб келаман. Кейинги икки-уч йил ичидан «Шарқ юлдузи»ни излаб келувчилар, қидириб юриб тополмаётганлар сони кескин ортиб кетди. Бунинг сабаби — ойномада Қуръони каримнинг таржимаси босилиши, янги-янги бадиий юсак асарларнинг, тарихий асарларнинг чоп этилиши бўлса керак, деб ўйлайман. Давраларда жуда кўп одамларни тинглайман, улар ойномадан миннатдор эканликларини ҳаяжон билан билдириб, раҳматлар айтишади. Мен ҳам сиз азизларга — ойноманинг барча ходимларига. Утқиржон, сизга, бу олижаноб ишларингиз учун каттадан-катта раҳмат айтаман. Ҳурмат-эҳтиром билан:*

**Маҳмуджон АБДУСАЛИМОВ**,  
 шахсий пенсионер, Андижон тумани,  
 Найман қишлоқ совети.



## ОҚҚУШГА АЙЛАНСА ҲАҚ РУҲ ЗАМИНДА

Атиргул

Атиргул, гуллайвер, атиргул,  
Оғзингдан гуллайвер тонгга сиримни.  
Мен эса ўзимни унутиб буткул,  
Гул кечага бердим меҳримни.

Атиргул, аtringдан ўзгалар мастдир,  
Боғ аро бир шамол маъюс елмоқда.  
Энди юрагимга муҳаббат қасддир,  
Аtringдан севгининг бўйи келмоқда.

Не эди арзи ишқ, дил кетди ёна,  
Дардларим тунларга сиғмасми  
Ва бирдан борлиқ ҳам уйғона,  
Бу қора чодирин йиғмасми?

Тонгларга сингмасми шаффоф товушинг,  
Нур каби жаранглаб, тўкилса синиб.  
Бир қиз бор қуёшга очган эшигин,  
Гуллаган юракни қолмасми таниб?

Бир дунё бахтидан масрур кулади,  
Гулларга кўчмоқда ойнинг титроғи.  
Тонгда бир ҳақиқат аён бўлади:  
Мен — севги қурбони, сен — севги доғи...

Соқов тош

Дардларингни сўйлавергин, соқов тош,  
Бугун уни тинглайдиган мен бўлдим.  
Сўйлайвергин кўзларингдан тўкиб ёш,  
Сен тириксан, дардинг билан мен ўлдим.

Тун кияди узун ҳарир кўйлагин,  
Сукунатнинг сўйлагани ёлғондир.  
Юксакларга учиб дардинг сўйлагин,  
Шоирларнинг ўлар жойи — осмондир.

Соқов тошим, совуқ тошим, гунг шоир,  
Тош қафасга тутқин бўлган вужуди.  
Рўҳи учар юксакларда барибир,  
Йўқдир собит имконининг ҳудуди.

Тун бағрини тилиб борар бир тулпор,  
Ой нурини куйдиради олов ел.  
Қўшиқ сенга сиртмоқ бўлса, бўлса дор,  
Тошим, кўкда куйлаб бир бор, ўла қол!..

Дардларингни сўйлайвергин, соқов тош,  
Бугун уни тинглайдиган мен бўлдим.  
Сўйлайвергин кўзларингдан тўкиб ёш,  
Тош кўнгилини овлаш учун туғилдим.



Зафар Худоев



Сен узоқ кетганинг сари, тобора  
Оралик масофа борар қисқариб.  
Сен узоқ кетганинг сари — хотира  
Менинг тушларимга келмоқда кириб.

Мен энди тунларга кираман бедор,  
Кўзига термулиб бераман таскин.  
Ахир, бу қисматда бир ширин бахт бор,  
Нақададир тотли, деб, бу шонсиз якун.

Вужудни ёқаркан бир шаъми хаёл,  
Кафтимга тутаман нур синиғини.  
Бугун тушларимдан кўрдим мен яққол —  
Хўрланган туйғунинг хўрсиниғини.

Бир бахтдан зирқираб оғрийди ёдим,  
Сен эса бепарво борурсан кетиб.  
Ортингдан безабон, бесас ёлбордим:  
«Оралик — муҳаббат чегараси», деб.

Сен узоқ кетасан, кетишинг аён,  
Мулкингга айланар поёнсиз бўшлиқ.  
Оралик масофа қисқарар осон,  
Бизларни ёндирар ўртадаги ишқ.

## Расул Жумаев

### Шаҳардан қайтиш

Қайтыпман елкадан ағдарилиб тоғ,  
Жиловсиз хаёлнинг қанотларида.  
Автобус имиллар, юрак талпинар  
Осмон ўпган адир паноҳларига.

Унда кутар мени, соғинчдан ийиб  
Яйлови сутларга тўлган Жонбулоқ.  
Тандирнинг қошида қошлари куйиб  
Онажоним турар йўлимга муштоқ.

Унда кутар мени, ибоси билан  
Шаҳарнинг тушига кирмаган малак.  
Йиллар асрагани вафо деб, билган,  
Узун-узун тундай сочларин тараб.

Лоларанг рўмоли товланиб чўғдай,  
Тўйларга отланган қизларми — қирлар.  
Гўё иқболимга пешвоз чиққандай  
Яшил этаклари алқаб пирпирар.

Сочлари оқарган Оқил бободай  
Ойнадан энгашиб қарар Қоратов:  
— Э бўтам! Кеб қолдинг, бир гапинг бордай?!  
Тегишар қирларга кўр ташлаб бирров.

Мен эса боладай қизариб туриб,  
Ғудраниб, ийманиб, излайман жавоб.  
Жилмайган ҳамроҳим бобом ҳис қилиб,  
Кўксига бошимни қиламан тавоб.

Мени кутиб олар одамлар суюб —  
Булоқ сувидан-да кўнгиллари пок.  
Ёлғонлар дилимдан қочар уялиб,  
Кўксимда ниш урар бир ҳис — нурдай оқ.



\* \* \*  
Соатлар, минутлар, — очофат юҳо,  
Ютиб юборгуси гўё лаҳзалар.  
Соғиниб, интиқиб, тўлиб бораман  
Тиллари бор бўлса айтсин зиналар.

Эшик тақиллайди юз мингинчи бор:  
— Ким, деб сўрамагин, бу мен — ўзингман.  
Азизим, бир лаҳза қилгин эътибор,  
Нигоҳинг бандаси, айтган сўзингман.

Юрак талпинади, қабоғинг қалқон,  
Ўрмалаб бўғизга қелар изтироб.  
Қувончининг қаноти қайрилиб кулар,  
Лоқайд нигоҳингга беролмасдан тоб.

Сен тониб турасан севгидан, бахтдан,  
Чирсиллаб пойингда кул бўлар оташ.  
Эшикдан бир шарпа чиқиб кетади:  
У менмас, у севги — кўзларида ёш...

\* \* \*

Туғилишдан муродинг — қабр,  
Кўз очгандан ташвишинг — кафан.  
Ер бўлингган, маҳдуд бу дунё,  
Улушингни атарлар — Ватан.

Ҳаёт борки, шу ўйин такрор,  
Қон кесади қабиҳлик қўлин —  
Еруғликда битта Ватан бор,  
Ҳақиқат бор — муқаррар ўлим.

Ватан талаш, эрк, тупроқ талаш,  
Талашлар-чун берилган умр.  
Дарёдай вақт оқар қонталаш  
Ининг ҳамон қазади қабр.

Туғилишдан муродинг — қабр,  
Кўз очгандан ташвишинг — кафан.  
Менинг эса яшагим келар  
Икки юз йил, йигирма аср...



## Абдулла Вахшиворий

### Ҷожиавий баллада

Ушбун Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган қуролдош ўртоқларимнинг порлоқ хотирасига бағишлайман...

#### МУҚАДДИМА УРНИДА

— Навбатга тур, маймоқ!..  
— Улса, ўғли ўлибди-да!..

О, бесубут одамлар, бедард одамлар,  
Танангиз бошқа-да...

1

Омон — беш фарзандини тупроқка қўйган кекса ота-онанинг ёлғизгина «омон қолгани» эди.

Унинг ҳам юзида эркаклик нуқслари пайдо бўлиб, балоғат ёшига тўлиб, ўз кўнгли қўйган Санами бор эди. Набира кўриш илинжида яшаётган Омоннинг ота-онаси икки ёшнинг бошини қўшдилар. Бироқ, тўй бўлиб ўтгач, ўн тўрт кундан сўнг Омон ҳарбий хизматга чақирилди. Онаси билан хотини кўз ёши қилди, отаси кулди:

— Элга келган тўй-да, бошқалардан қаери кам?!.



... Такдир ҳам ночор-да, Омоннинг манглайига Афгоннинг «афғони» чапланган экан. У шу ердан волидан мухтарамасига, рафикаи манзураига ўтли хатлар битди, ҳар ўтган кунни таквимда тешиб (балким кўпчилик билмас, аскарлар ёнларида «календарь» олиб юрадилар ва ҳар ўтган кунга бир марта игна санчиб қўядилар), қозикда илиғлик қолган қуввлик тўнни ва дийдорли кунни илхақу-изҳақ қутди. Кунлар ойни, ойлар йилни йиқитди...

Жанглардан кейинги тунги «дам» эди. Аскарчилик-да, баъзан тикка туриб ҳам, кўзинг илиндими — туш кўрасан. Бу гал яна унинг тушига Санам кирди. У ҳануз ўша — ўн тўрт кунлик келинлик либосида эди.

Санам эрининг рўбарўсига келиб ўтирди, хол-аҳвол сўради:

— Умримнинг баҳори, гул ёрим,  
Қайларда юрибсиз, шайланиб?

ОМОН

ОМОН

— Эй, нарғис кўзлари сузигим,  
Дўзахни юрибман айланиб...  
Не боис лабдаги учуғинг,  
Рўмол-ла тўсасан, ийманиб?

— Боиси, дунёнинг торлигидадир,  
Эрку ихтиёрнинг хорлигидадир!

САНАМ

САНАМ

— Учуғ тошмай нетсин, шўрлик аёллар...  
Бир юлдуз лип этиб сўнди тонг чоғи,  
Бағримни куйдирди турфа хаёллар,  
Бир лаҳза тинмади зағизғон зоғи...

— Шартмикан, ўзга юрт, ўзга элни деб,  
Қирғин-баротларда кузни юммоқлик?!  
Шартмикан, оталар қаддини букиб,  
Онани азага — ғамга кўммоқлик?!  
Наҳот шу умидда оналар ўғлин,  
Бунёд айлаганлар, ўққа учсин деб?!..

Омон жим...

САНАМ

— Нечун индамайсиз?

ОМОН

— Оз қолди, азизам, оз қолди...  
Ҳали биз кўп умр кўргаймиз,  
Қирлардан лолалар тергаймиз,  
Болалар опичлаб юргаймиз,  
Ҳаммаси олдинда, дилдорим!..

ОМОН

— Қўйсанг-чи, бўлмағур гапларни...

САНАМ

Нечун, ўзингизнинг чеҳрангиз сўлғин,  
Бошингиздан сизиб турар қон?..

САНАМ

— Бекор гап!  
Қўшнимиз Нуралижонни,  
Қутида элтдилар, «парча-парча гўшт».  
Тобутни очмакка бўлмади руҳсат,  
Ким билсин, ўзими ё ўзга биров?..

ОМОН

— Бу савол ўринсиз, азизам,  
Соғман, деб хатимда ёзганман.  
Бу ерда «чўп» бўлмас семиз кам,  
Мен эса, озгина озганман.  
Бу ерда ўн саккиз ёшлилар,  
Лаҳзада олтмишга тўлади.  
Илк жангда қоп-қора сочлари —  
Оқарар, қумушранг бўлади...

ОМОН

— Бу тасодиф бўлмоғи мумкин,  
Қолаверса, мен бир кичик...

САНАМ

— Нечун унда хунрезлик, уруш,  
Кимга керак бевақт ўлимлар?

САНАМ

— Ҳеч-да,  
Сиз айтмасангиз ҳам барчаси равшан:  
Куни кеча, ойнаи жаҳонга боқсам,  
Бир ўрис қўлига гитара олиб,  
Дардини сел қилди қўшиққа солиб:  
«Чёрный тюльпань» — мотамсаро самолёт!  
Тобут ташир эмиш, тириклар қолиб...

ОМОН

— Тирикларга!..

Омон жим...

САНАМ

— Тирикларга?  
Боиси не?..

САНАМ

— Нега индамайсиз?  
Гапиринг ахир,  
Ё тилингизни ҳам қўймишлар боғлаб?!

1 А. Розенбаумнинг «Черный тюльпань» («Қора лола») қўшиғига ишора.

... Шу лаҳза ҳуштак чалиб снаряд портлади. Снаряд нанки тушни, Омонни ҳам бурда-бурда қилиб ташлади...

— Э вох, Омон!!! Снаряддан омон қололмаган Омон! Елғизгина Омон!..

3

Тираноҳнинг қовок уйган кунларидан бирида ҳарбий юк машинасидагилар сўраб-сўроқлаб Омонларнинг дарвозаси ёнига келиб тўхтадилар. Машинадан тўрт нафар ҳарбий тушди. Иккитаси Омоннинг отасини чақирди, қолган иккитаси машинадан қора қути-тобутни туширишга чоғланди.

Ичкаридан ҳовлиқиб югуриб чиққан ота, нима гаплигини фаҳмлаб: — Вой болам! — деб тобутга қараб ташланди, бироқ, етиб келишга ҳам улгурмай, йўлда қоқилиб йиқилди-да, жон берди. Юраги кўтаролмади. Келин турган жойида тахта бўлиб қолган. Она фарёд чекиб ҳушидан кетган эди... Бу дунёдан дод деб кетди, бечора!

Ўх-х, дўстинг-ку дўстинг, душманингнинг уйдан кўш тобут чикмасин экан! Қиёмат кўпти! Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам. Айниқса, ён кўшни Нуралижоннинг онаси, дарди янгилашиб қон йиғлади. Санам сочларини юлиб ўзини тобутнинг устига отди...

Э, шўрлик келиннинг қисматини мenden сўраб нима қиласизлар? Кўчада юрган, ҳушидан айрилган кўҳликкина девонани кўрмаганмисизлар? Ана, келяпти боёқиш. Хе-й, раиснинг ўғли, ҳаромий пулингни чўнтагингга сол, ёки пораҳўр военкўмингга бер! Девона барибир олмайди, унинг тилаганига сену менинг қурбим етмайди...

### «ДЕВОНА»

— Менга хайр эмас, садақа эмас,  
Омонимни бер, Омонимни!  
Менга «медаль» эмас, нафақа эмас,  
Омонимни бер, Омонимни!..  
Яхшилар қайтариб беринглар Омонимни?!  
Яхшилар, қайтариб беринглар Омонларни?!



## Жамолиддин Муслим

### Туғилиш

Наврўз тонгларида вулқондай ёриб,  
Куртаклар чиқади шохлар бағридан.  
Эх, она дарахт кетади ҳуркиб,  
Гуллар билан тўлган шохнинг меҳридан.

Бебош шаббодалар ногоҳ тўқадир,  
Ёш-ёш новдаларнинг илк соғинчларин.  
Барглар сийнасига андуҳ чўқадир...  
Довуччалар тугар эрк соғинчларин!

### Ҳидоят нурларин қачон кўраман?

Ботил хаёлларга тўлмаса бошлар,  
Етимлар оҳидан ёнмасе тошлар,  
Сочларин қирқмаса ул қалам қошлар, —  
Ҳидоят нурларин шунда кўраман!

Имондан, виждондан зарра тонмасам,  
Уз нафсимнинг кули бўлиб олмасам,  
Фосикларга муҳтож кунга қолмасам, —  
Ҳидоят нурларин шунда кўраман!

Аёллар покиза жамол топсалар,  
Ифбатда, ҳаёда камол топсалар,  
Юзсиз этгувчилар завол топсалар, —  
Ҳидоят нурларин шунда кўраман!

Оққушга айланса ҳақ руҳ заминда,  
Ҳар бир қалб бўлолса унга эминда,  
Ҳокимлик қилмаса қўрқоқ элимда, —  
Ҳидоят нурларин шунда кўраман!



### Яссавийга татаббу

Ориф зотлар айтганлари рост бўлди,  
Олимларким золимларга дўст бўлди,  
Елғон ўсиб, ҳақнинг бўйи паст бўлди, —  
Бошим олиб бундан кетмасам бўлмас!

Дўст ризқини дўсти тортиб оладир,  
Иғво билан элга қутқу соладир,  
Ҳаром пулдан боғлари гул-лоладир, —  
Ҳақ кечирмас, шеърлар битмасам бўлмас!

Зухро замонанинг зайлига етди,  
Ишқдан бенасиблар Лайлига етди,  
Бугун амалдорлар майлига етди,  
Мен ҳам ўз ёримга етмаса бўлмас!

Гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам бир, худо,  
Нўноқли ҳам, нўноқсиз ҳам бир, худо,  
Барисига иймонини бер, худо,  
Ҳақиқатни кўриб ўтмасам бўлмас!

### ТҲРТЛИКЛАР

\* \* \*

Елғоннинг умрини узоқ қилма ҳақ,  
Ҳақиқат пойига тузоқ қилма ҳақ.  
Елғонни қуёшга менгзашган куни,  
Бил, менинг юрагим қип-қизил шафак.

\* \* \*

Қийналма, алдашнинг ўзи бўлмайди,  
Елғоннинг қулоғи, кўзи бўлмайди.  
Бир ҳовуч ҳақгўйни солганинг билан,  
Балки, дунё деган қозон тўлмайди.

\* \* \*


Сен ўлиб-тирилиб қилурсан меҳнат,  
Роҳатин ким кўриб димоғи чоғдир.  
Боғбоннинг меҳнати эрса-да дарахт,  
Бил, пишган олмага қурт яқинроқдир.

\* \* \*

Бунда дил куяди, тил ҳам куяди,  
Сени нотинч қилса илҳом куяди.  
Нодону нокаسدан огоҳ бўлмасанг,  
Кулбанг пештоқига ин ҳам қўяди.

\* \* \*

Ҳикматни сўраб бил ва қил риоя,  
Бутун умрингга у бўлур кифоя.  
Ғавда чирой бермас илмсиз бошга,  
Қовоқ бош ғавдага бермагай соя.



Иноятуллоҳ Канбу

Қаҳорли доғлиш ёхуш  
Қаҳордор қа беҳдор  
хотинлиқдор ҳақлиқда қилед

### Учинчи учрашув

Учинчи куни маккорликда Иблисга дарс бераоладиган учинчи аёл бараҳманни ўзи билан олиб кетди. Хотин бараҳманни пана жойда қолдириб, уйга кирди. Қорнида зўр оғриқ сезганлигини баҳона қилиб, эрига деди:

— Балки бирор нарса еб заҳарлангандирман ёки овқат еяётганимда бирортанинг киннаси киргандир?... Ҳар қалай, аҳволим ҳаддан ташқари ёмон.

Эр хотинини жудаям яхши кўрганлигидан, ваҳимага тушиб, унга таскин бера бошлади:

— Бироз сабр қил, — деди у, — ҳозир табибга бориб, дори-дармон олиб келаман. Айёр хотин эрига деди:

— Ёнимдан кетма, сени борлигинг менга қувват бағишлайди. Парда орқасига беркиниб тур, бунақанги оғриқларни даволовчи қўшни хотинни чақираман.

Эри парданинг ортига беркиниб, хотиним тузалиб қолсин, деб худога ибодат қила бошлади. Хотин хизматкор аёлни бараҳманнинг ёнига юбориб, чачвон ёпиниб уйга киришини буюрди. Кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ нарсани кам тотиб кўрган бараҳман ўша заҳоти хонага кирди ва хотинни даволай бошлади. Ҳадемай хотиннинг оғриғи тўхтади. Ифлос табиатли хотин айшнинг авжида бошини парда орқасидан чиқариб эрининг тиззасига қўйди-да, ундан пешонасини силаб ўтиришни илтимос қилди. Кўп ўтмай бараҳман хонадан шошилиб чиқиб, ўзига тайёрланган жойга кетди. Шарманда ва аблаҳ хотин эса уйда қолиб, хурсандчилигидан қип-қизариб қўшни хотинни мақтай бошлади. Эри ҳам унинг сўзларига қўшилди.

Эртаси куни, таомилга мувофиқ, бешала аёл чашма бўйига йиғилишди. Ҳалиги хотин бараҳманни чақириб, унинг олдида дугоналарига бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди.

### Тўртинчи учрашув

Макрининг ўқидан бешинчи осмондагилар ҳам кўрқувдан терак баргидек дир-дир титрайдиган тўртинчи хотин бегона юртларда саргардон бўлиб юрган бараҳманга эътибор қилиб, уни бир боққа жўнатди. Ўзи уйига келиб, олижаноб эрига деди:

— Танишимизнинг боғида бир хурмо бор. Унинг мевалари ширали ва мазадор. Аммо, энг қизиғи шундаки, ўша хурмонинг устига чиқсанг, ҳар хил ажойиботларни

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

кўрасан. Юр, бугун бориб хурмо терамиз, шу билан бирга, ажойиб нарсаларниям томоша қиламиз.

Хотин шу пайтда жудаям кўп ёқимли ва хушомад сўзларини гапириб юбордики, эри рози бўлиб, хотини билан бирга айтилган жойга бориб, хурмо устига чиқди. Хотин боғнинг бир бурчагидаги бараҳманни ишора билан чақирди. Бунақанги ишларнинг ҳавосини олган бараҳман ўйлаб ўтирмай хотиннинг ёнига чопди. Дарахт устидаги эр хотинининг жирканч ишини кўриб ғазабланиб бақирди:

— Эй, ярамас фоҳиша! Бу қанақанги разолат?

Аммо хотин бирор сўз деб жавоб қилмади. Бундан янада дарғазаб бўлган эр дарахтдан туша бошлади. Шу пайт бараҳман муродини ҳосил қилиб, ўз йўлига қараб кетди:

### «Ростдан ҳам бахт эпчиллигу уддабуронлик».

Хотин эри дарахтдан тушгач, деди:

— Нима, ақлдан озганмисан, эсингни едингми? Нега мени шарманда қиляпсан? Бу ерда сендан бўлак эркак зоти йўқ-ку! Нега мени фоҳишаликда айблаяпсан?

Эр боғда ҳеч кимни кўрмай, доғ қотганча ўйлади: «Бу ерда бирор мўъжиза яширинган бўлса керак. Аслини олганда, энг паст фоҳиша ҳам эрининг ҳузурида шундай қабих гуноҳни қилишга ботинадимми?» Айёр ва муғамбир хотин эрининг чеҳрасидан шубҳа қилаётганини сезиб, дадил ва ҳазиломуз сўзлар айтди. Сўнг бир зумда хурмо дарахти тепасига чиқди.

— Эй эр! Бу қанақанги ярамас разолат? Нега бу йигитни алдаяпсан? Агарда бадбахтлигинг сени тўғри йўлдан оздирган бўлса, бундай шармандали гуноҳни одамларнинг кўзидан нарироқда қилсанг бўларди. Шарм-ҳаёни бутунлай эсдан чиқариб, шундай ишни қилишга шошилибсан!

— Беҳуда бақирма, хотин, — пастдан жавоб қилди эр. — Ўзингни бос, бу хурмо дарахтининг хосияти. Кимки шунинг устига чиқса, пастда бузуқликнинг авжига чиққанини кўради.

Айёр хотин тезда дарахтдан тушиб, эрига деди:

— Бу боғда ажиб жойлар бор экан. Бу ерда хурмо ёйиш ҳам, ажойиб нарсаларни томоша қилиш ҳам мумкин экан.

— Ҳа, боғ жудаям ажойиб экан... Одамзод ўз яқинини бекорга фоҳишабозликда айблаёди, — хотинига қўшимча қилди эр.

Шундай қилиб, иблис табиатли бу хотин ҳам, гарчи эрининг кўз олдида ярамас гуноҳ қилган бўлса-да, уйига эсон-омон қайтиб келди. Эртаси куни дугоналар одатдагидек чашма ёнига йиғилишди. Тўртинчи хотин бараҳманни чақириб, эрини қандай усталик билан алдаганини аёлларга ҳикоя қилиб берди.

### Бешинчи учрашув

Мақридан Иблис ҳам Оллоҳдан паноҳ истайдиган бешинчи хотин фоҳиша аёллар йиғинидан сўнг бараҳманни ўзи билан олиб кетди. У бараҳманга баъзи бир ҳийла-найранглари ўргатгач, уйга кириб, ўзини ақлдан озган кўрсатиб, ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлади. Шу пайт бараҳман, худди хотин ўргатганидек, қўлтиғига китоб қистириб уйга кириди ва шундай деди:

— Мен ҳозиқ ва машҳур табибман. Ҳар қанақа касалларни даволай оламан.

Эр дарров бараҳманни ўз хонасига олиб кириб, улуғ иззат-икром кўрсатиб, уни энг ҳурматли жойга ўтқазди. Сўнгра беморни кўрсатди. Бараҳман хотиннинг қон томирини ушлаб кўриб, деди:

— Хотинингни аззойи-бадани соппа-соғ. Лекин унинг ичига зўр жин кириб олган. Шунинг учун ҳам у телба бўлиб қолибди. Хотиннинг ё бу жиндан қутулади, ё ҳалок бўлади.

Хотиннинг қариндошлари табибга ялина бошлашди:

— Эй олижаноб одам! Бу касални сен даволай оласан. Худо ҳаққи, уриниб кўр, бизни ноумид қилиб кетма.

— Гарчи анчадан бери бунақанги касалларни даволамай қўйган бўлсам ҳам, — жавоб қилди табиб, — бу хотинга раҳмим келди. Мен уни ҳалокатдан қутқариб қолишга уриниб кўраман. Бунинг эвазига сизлардан муқофот олиб, ўзимни хўрламайман.

Шу гапларни айтгач, табиб хонани супуриб, сув сепишларини, кейин оловга хушбўй дориларни ва гулларни кўпроқ ташлашларини буюрди. Кейин хушбўй дориларни оловда ёндириб, ундан чиққан тутунни касалга рўбарў қилди. Касал тез-тез нафас ола бошлади. Шу пайт касалнинг ичидаги «жин» таҳликага тушиб, деди:

— Эй аҳмоқ! Бекорга уринма, мен сенга ўхшаш анойи эмасман. Менинг отим Фарнош, юз минг жинлар измимда, улардан бирортасиви ихтиёримдан ташқари иш қилолмайди. Сенга ўхшаган нафс гадоларини ўлим суви билан суғорганман. Азиз умрингга ачин, йўқ қилиб юборишларини буюраман.

Касалнинг атрофида турганлар бу сўзларни эшитиб даҳшатдан титрай бошладилар. Табиб эса шундай жавоб қилди:

— Мен сен ўйлаган одам эмасман. Пуч умидларга берилма. Агар тирик қолишни истасанг, дарров бу бегуноҳ аёлдан чекин. Бўлмаса сени шишага қамаб, оловда қовураман ва даҳшатли азоб-уқубатларга рўбарў қиламан.

Табиб билан жин ўртасида мана шунақа даҳанаки жанг бўлди. Жин аслида макридан алвасти дев ҳам юз йиллик масофадан нарида юрадиган ҳалиги хотин эди. Ниҳоят, табиб бир чеккага чиқиб, эълон қилди:

— Бу зўр кураш. Бу жинни енгишим учун кўп нарсаларни ҳисоб-китоб қилишим ва кўп қийинчиликларга дучор бўлишим зарур.

Хотиннинг барча қариндошлари табибнинг оёғига йиқилиб, унга ялиниб-ёлвориша бошлашди:

— Бир хайрли иш қил, бизга хайр-саховат кўрсат. Шу бечора хотинга ёрдам бериб, уни дарддан халос қил.

Табиб уларга таскин бера бошлади. Кейин хонадан чиқиб кетди.

Уфқда офтоб жамолини кўрсатганда, ҳозик табиб бир неча кабутар тухумини заъфарга омухта қилиб, унга оқ ўрдакнинг бир неча қатра қонини томизиб, касалнинг қариндошларига олиб келди. Қариндошларга дори тайёрланган идиш оғзини беркитиб, ўтда тоблашни буюрди. Табибнинг атрофига одамлар йиғилишди. Дори солинган идиш қайнаганидан сўнг, айёр хотин қўрқинчли товуш билан бақириб юборди:

— Енаяпман, худо ҳаққи менга раҳминг келсин! Бундан кейин ҳеч қачон бу хотиннинг ичига кирмайман!

Хотин бу сўзларни яна бир қайтаргандан кейин, табиб шундай деди:

— Агар имонингга қасам ичиб сўз берсанг, жонинг омон қолади.

Хотин эса табибнинг ёнига келиб, унинг қулоғига яна қанақанги ҳийлаларни ўйлаб топишни айтди. Шундан кейин, табиб қариндошларга дори солинган идишни ўтдан олиб, ерга кўмиб қўйишларини буюрди. Кейин жиндан сўради:

— Хўш, нима гапинг бор?

— Мени зеб бериб ясантириб,— деди хотин жин овозида,— энг муаттар атирлар сепишсин, кейин парда тўсилган тахтиравонга ўтқазишсин. Шу билан бирга созандалар куй чалиб, ашулачилар қўшиқ айтишсин. Тўртта қул тахтиравонни елкасига кўтариб, етти марта уйимиз атрофида айлантиришсин.

— Гарчи бунинг ҳаммаси аёл бўлганлигинг учун ярашса ҳам,— қаршилиқ қилди табиб,— бу бечораларда ҳеч вақо йўқ. Бу илтимосингдан кечиб, ишимни осонлаштир.

— Эй, донишманд!— деди шунда хотин,— сен яхши биласанки:

### Ҳар ким ўз билганича юритар фикр...

Икковларининг ўртасидаги тортишув чўзилиб кетди. Ниҳоят, улар жиннинг шартига рози бўлишди. Касал билан бирга тахтиравонга табиб ҳам ўтирди. Табиб хушторининг ҳар бир толаси Хитой мушки-анбаридек муаттар ҳид сочувчи қора зулфини қўлига олиб силаб-сийпалар ва ҳар хил дуолар ўқир эди. Хотиннинг эри ва қариндошлари эса тахтиравонни елкаларига кўтаришди. Шу пайт табиб пардаларни тушириб, хотинни қучоғига тортди. Хотин ҳам унга маҳкам чирмашиб олди. Хотиннинг эри ва қариндошлари шу пайтда тахтиравонни елкаларида кўтариб боришарди. Табиб кўнглига ором бергунча, уйда зўр базм давом этар, ҳофизлар дилни мафтун қилувчи ашулалар айтишар, созандалар ажиб куйларни чалишарди. Ниҳоят, ҳийлагар бараҳман пардани кўтариб, тахтиравонни ерга қўйишларини буюрди. Бараҳманга шунча риёкорликларни ўргатган муғамбир хотин кўзини очиб, атрофга ҳайрон бўлиб тикила бошлади ва ниҳоят, маъюс товушда сўради:

— Бу қанақанги хурсандчилик базми? Бу тахтиравон ким учун тайёрланган?

Уша ерда ҳозир бўлганлар, айниқса, унинг эри хурсандчиликдан кўзларига ёш олиб, дедилар:

— Бу базм сен туфайли қурилган.

Хотин улардан ўзининг ҳийла-найранглари ҳақидаги ҳикояни эшитиб, ҳеч нарсадан хабарим йўқ деб, хитоб этди:

— Худога шукр! Буларни хаёлимгаям келтирмагандим.

Тақводор табиб эса, хотинни даволагани учун қимматбаҳо тухфалар олиб, бу хонадондан зўр ҳурмат-эҳтиром билан чиқиб кетди.

Эртаси куни, само келинчаги машриқ тахтиравонидан тушганидан кейин, бу ҳийлагар хотин бараҳманни чашманинг ёнига олиб бориб, кеча кечаси қариндошларини қандай усталик билан алдаганини ҳикоя қилиб берди. Дугоналари уни мақташиб, бу ҳунарда сен биздан устун экансан, деб тан олишди. Ҳийлагарлик илмини мукаммал эгаллаган ўша бешта аёл бараҳманга рухсат бериб, шундай дейишди:

— Энди сен «Тиря-Веда» тўғрисида, унинг боблари ва нозик тафсилотлари ҳақида тўла маълумот олдинг. Саховатли хотиннинг қанақанги ҳийла-найрангларга борганлиги ва нима сабабдан узоқ ўлкаларда саргардон бўлиш учун жўнатганлигига ишонч ҳосил қилдинг.

Бараҳман уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. Кейин мўйловини бураб, хотинини койиб, қаттиқ ғазабда ўз шаҳрига қараб жўнади. У бутун йўлни оз фурсатда босиб ўтиб, хотинига ҳечам эътибор қилмай югурганича уйга бостириб кирди. Кўпни кўрган хотини нима гаплигини ва нима сабабдан эри бунчалик чиранаётганини дарров пайқади. Хотин ҳозирча эрини ўз ихтиёрига қўйишни лозим топиб, яқинда қўлга ўргатилган қушнинг оёғидаги чилвирни ечиб, эрига ҳеч эътироз билдирмай, унинг айтганини қила бошлади.

Қуёш мағрибга ботганда хотиннинг хуштори бараҳманнинг қайтиб келганини эшитиб, маъшукасига хабар юборди. «Агар бу кеч ҳам ҳусни жамолингни кўрганда кўзлари равшан бўладиган бечора ошиғинг ҳужрасини мунаввар қилсанг севгиннинг самимийлиги, қасамларинг ҳаққонийлиги, эпчиллигинг тасдиқланади:

### **Тезроқ келу сиқилган кўнглимнинг ҳамдарди бўл...**

Бараҳманнинг хотини хушторига шундай жавоб қилди: «Гарчи гадо кўнглим Қорун хазинасини пойлаётган бўлса ҳам, сен билан завқли учрашувга муштоқлигим ортса ҳам, бевафо фалак ҳар доим бир томонга айланмаганлиги сабабли, бу кечаси сенинг нурафшон чехрангни кўришга муяссар бўлаолмайман. Бундан ўзим ҳам ниҳоятда қайғудаман:

### **Афсус, хижолатдаман бу қусурдан ўзим ҳам...**

Умидворманки, —сўзида давом этди хотин,— сен тантилиқ қилиб, менинг бу қилмишимни илтифот билан авф этасан ва бу кечани ёлғиз ўтказасан.»

Аммо хуштори бетоқат бўлиб, маъшукасига жавоб қилди: «Менинг жавобим шу: Сенсиз яшай олмайман. Юрагимни кабоб қилган Худога қасамёд қилмасанг, ўткир ханжар билан кўрагимни ёриб, ихтиёримга бўйсунмай қўйган юрагимни улоқтириб ташлайман ва бир умрга сен билан видолашаман.» Бараҳманнинг хотини хушторини жудаям яхши кўрганлигидан, беихтиёр унинг илтимосини бажо келтиришга қарор қилди. Хотин эри билан ишончли дугонасини қолдириб, ўзи суйган ёрининг ёнига чопди.

Бараҳман ўрнига ётганда, ҳалиги аёл шамни ўчириб, унинг ёнига келиб ётди. Бараҳман иштиёқманд бўлганлигидан қаҳру-ғазабини босиб, хотинга мулоим ва ёқимли сўзлар айта бошлади. Бараҳман, хотин нозу карашма қилиб, ҳамма нарсада унинг кўнглини олишга уринади, деб кутган эди. Лекин бундай бўлмади. Чунки хотиннинг дугонаси танилиб қолишдан чўчиб, индамай ётди.

Шунда бараҳман хотиндан секин сўради:

— Сен доимо нозу карашма ва ўйноқилиқ қилардинг, ҳар доим эрқаланиб, ширин сўзлар айтардинг, бу билан мени янада руҳланттирардинг. Нега ҳозир ҳеч нарса демайсан? Нима бўлди ўзи, нимага тилингни булбулигўёси сайрамаяпти?

Қани сенинг ноз-карашманг, истиғноларинг?»

Аммо хотин гапиришга журъат қилолмади. Хотинининг нолойиқ қилиқларидан юраги қон-зардобга тўлган, унинг аввалги бузуқ ахлоқидан фижинган бараҳман ўзини тутолмай, ётган ўрнидан ирғиб туриб, ўткир пичоғини қинидан суғириб, ўйлаб ўтирмасдан тўшақда хотинининг ўрнида ётган аёлнинг бурнини кесиб юборди.

Бечора хотин қилмишига яраша жазоланди, дугонасининг ҳожатини чиқарай деб қилган иши учун улўғ жазога гирифторм бўлди:

### **Ҳар бир ишнинг ажри бор, ҳар қилмишининг жазоси...**

Бараҳман хотинини қилмишига яраша жазолаганлигига ишонч ҳосил қилиб, ғазабдан тушиб, бошини кўрпага буркаб олди. Эрталабга яқин хотини хушторининг ёнидан қайтиб, оҳиста дугонасини уйғотиб, ишора билан ундан сўради:

— Қалай, сезмадимми?

— Нима десам экан,— пичирлаб жавоб қилди хотин,— сени деб бурнимдан ажралдим.

Ҳийлагар хотин келажакда дугонасининг олдидаги айбини ювишга қарор қилиб, у билан хайрлашди. Кейин унинг бир бурчагида ўтириб, пичирлаб дуо ўқий бошлади.

— Эй бор худое,— дерди у,— барча сирлардан огоҳсан, ҳатто зулматли кечадаям одамларнинг қилмиши сенга кундек равшан. Этагим хиёнат ботқоғига ботмаганлиги, бирор марта разолат йўлига қадам қўймаганлигимдан огоҳ бўлганлигинг учун менга раҳминг келсин, мени бу балодан қутқар, кесилган бурнимни қайтиб бер.

Кейин бошини саждага қўйиб, тўтидек ширинсуханлик билан Оллоҳ Таолога шукр бажо келтириб, ҳатто шеър ҳам ўқиди:

Гар бўлса менинг ҳар мўйимда забон,  
Сен ҳақда бирма-бир сўйларди достон.  
Сенга илтижодан мен дур тизарман,  
Эҳсонларинг қарзин қандоқ узарман!!

Бараҳман хотинининг Оллоҳ Таолога илтижоларини эшитиб, ўрнидан турди. Сўнг шам ёқиб, унинг юзига тутди. Хотинининг бурнига зиён етмаганлигини кўриб, бегуноҳ, деган қарорга келди. Бараҳман ҳайратда қолиб, шошма-шошарлик қилганига ўкина

бошлади, пушаймондан эзилди. Кейин хотинидан узр сўрай бошлади. Гуноҳимдан ўт, деб бошини унинг оёғига қўйиб ёлворди, хотинини энг юксак ишончга лойиқ, мақтовга арзирли ҳисоблаб, унга ҳамма нарсада тўла озодлик берди.

**ЯХШИ НИЯТЛИ ВА МУРУВВАТЛИ КИШИЛАР ФАРҲОД МОНАНД  
ЖАҲОНДОР СУЛТОНГА ЯНА ПАНД-НАСИХАТЛАР ҚИЛИШАДИ.  
АММО АҚЛ-ИДРОКНИНГ МУҚОБИЛИ БУЛГАН ИШҚ-МУҲАББАТ  
ҲУКМИГА БИНОАН, ЖАҲОНДОР УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИНИ  
ИНОБАТГА ОЛМАЙДИ.**

Аёлларни ғийбат ва бўҳтон қилувчилар кўнгилларидаги бор гапларни айтиб бўлганларидан, салтанат ва мамлакатнинг хайрихоҳ ва мурувватли кишилари самимий суҳбат қилганларидан сўнг, юқоридаги ҳикоятлар таъсир қилган бўлса керак, деб инониб, яна Жаҳондорнинг ёнига жўнадилар ва бошқадан панд-насихат қила бошладилар.

— Эй олижаноб шаҳзода,— дейишди улар.— Аёлларнинг разилликлари ва риёкорликлари ўткир ақлингга маълум бўлган экан, табиатида фақат айёрлик ва маккорлик бўлган хотинларнинг муҳаббатига муккадан кетиш сендек шаҳзодага ярашмайди. Сен ахир, олижаноб ва андишалисан, қудратинг шон-шўхрати уфққача тарқалган, жаҳонни забт қилувчи қиличинг олдида соҳибқиронлар шамолда қолган теракдек дир-дир титрашади. Ишқ-муҳаббат сени шармандан-шармисор қилади, олижанобликни билмайдиган, ожиз одам деб ном чиқарасан.

Аммо ақл-идрокни ўртайдиган ишқ шаробидан масту аласт шаҳзода оқилларнинг маслаҳатига эътибор қилмади. Унинг учун панд-насихат гавҳару ёқутларининг ҳеч қанақа қиммати йўқ эди. Аксинча, маслаҳат ва насихатлар унинг ишқ-муҳаббатини янада кучайтирди.

Шундан кейин насихатгўйлар беихтиёр бу ишларидан воз кечдилар, ҳафсалалари пир бўлиб, ишончли ва яқин кишилар орқали подшоҳга шаҳзоданинг аҳволидан хабар бердилар. Уларнинг мактубларида шундай дейилган эди:

«Маърифатли донолар ва зийрак алломалар шаҳзодани соғайтириш мақсадида имконлари борича ақл ва ҳикмат қонун-қоидаларини ишлатдилар, лекин хатти-ҳаракатларининг натижаси бўлмади, уринишларидан ҳеч қандай фойда чиқмади. Шубҳасиз, юракда ишқ-муҳаббатнинг қудратли ҳоқими ўрнашиб олган экан, қалбда ишқ ўти ёниб телбалик там-тамлари чалинган экан, бундай ҳолатда ақл-идрок шармандалигидан, жанг майдонида энг кучли ботирлар ҳисобланган ишқ-муҳаббат ҳукмдорларининг жангчиларидан қочиб қутулишдан бўлак илож қолмади. Ишқ, шубҳасиз, мавж урган дарё, ақл эса ярқираган заррача, эҳтирос — дунёни ўғирловчи довул, ақл-ҳуш милтиллаган шамдир. Телба ишқ-муҳаббатнинг найзаси теккан ярани ақл-идрок малҳами билан даволаб бўлмайди. Ишқ суви билан суғорилган қалб гулшанининг қизил гули ҳеч сўлмайди».

Подшоҳ юрагини умидсизлик ва ғам-ғусса қўшинлари поймол қилди, ғам-алам жўшқин ақл-ҳушини кўкка совурди. У ҳарамига бўлак донишмандларни таклиф қилиб, шаҳзодани бундай даҳшатли ишқ-муҳаббатдан қандай қилиб қутқариш чоралари тўғрисида маслаҳат сола бошлади. Султонга содиқ алломалар ва донишмандлар фикрларини бир жойга тўплаб, бу масалани муҳокама қилдилар. Уларнинг барчаси, бўлиб ўтган воқеалардан сўнг шаҳзодага панд-насихатлар билан шифо беришлик — бу совуқ темирга болға уришлик ёки шамолни муштумда ушлаб қолишлик билан баробар, чунки шаҳзода ўзини идора қила олмайди, аҳд-паймон найзаси қисмат ёйдан узилган, тақдир билан эса ўйнашиб бўлмайди, деган хулосага келдилар:

**Мардларда йўқ тақдирга ҳеч бас келгувчи қалқон...**

— Энди,— дедилар улар,— шаҳзоданинг умид ғунчаси орзу гулшанида очилсин, бошқача қилиб айтганда, ўша гўзаллик гулшанидаги қизил гулни жаҳон салтанатининг сойи бўйидаги сарвга беришликка Баҳраварбонунинг отасини кўндириш лозим.

**ПОДШОҲ БУ ҚИЙИН МАСАЛАНИ ЕЧИШ ЙўЛЛАРИНИ  
АХТАРАДИ ВА ДОНИШМАНДЛАРНИНГ МАСЛАҲАТИГА КўРА,  
БАҲРАВАРБОНУНИНГ ОТАСИГА СОВЧИЛАР ЮБОРАДИ.**

Подшоҳга яқин бўлган аъёнлар шаҳзоданинг соғайишига фақат битта йўл бор — Баҳраварбонуга уйланиш, деб кўрсатдилар. Подшоҳ бу ишни қандай бартараф қилишлик тўғрисида жуда ўйланиб қолди. Бу ниятни амалга оширишни қийин ва деярли имконсиз деб ўйлаб, оқил ва комил вазирлари билан машварат қила бошлади. Вазирлар аввалига тахт пойини ўпиб,— бу иш одобли сарой аъёнларининг бурчидир,— кейин ўз фикрларини арз қилдилар:

— Ақл-идрокимиз шуни тақозо қиладики, ҳашаматли салтанатнинг ифбатли маликаси Баҳраварбонунинг отасига абадий гуллаб-яшнаган мамлакатга арзыйдиган тухфалар билан совчилар юбориш лозим. Яна, бизнинг замонамиз подшоҳлари ўртасида



қоидага кирган, дўстона ихлос ва самимий муҳаббатга тўла устоз-маслаҳатгўй томонидан уқтирилган сўзлар ва ифодалар билан мактуб ҳам йўллаш керак. Мактубни, илтимосимизнинг маъносини осонгина англаб олишлари учун, мулозиматли ва ҳушмадли ифодаларга бой тарзда ёзиш даркор, токи умид гавҳарлари илтимосимизни бажо келтириш ипларига тизилган бўлсин.

Подшоҳ вазирларнинг маслаҳатини маъқул топиб, Уторуддан қолишмайдиган муншига, мақсаднинг асл маъносини тушунтириш учун сўзларнинг сараи гавҳар ва ажойиб дурларини топиб, чуқур маъноли ва равшан ифодаларда қаламини чечанлик билан ишга солишни буюрди. Сехргар мунши музаффар ва буюк подшоҳнинг амрига биноан, сўзларга гўзалларнинг қора зулфига ўхшатиб оро бериб, қаламини булбулдек сайратиб, бу фармонни оппоқ қоғозда баён қилди.

### Мактуб

«Оламнинг яратувчиси ва улуғворлигини таърифлашга қалам ожиз бўлган Оллоҳ Таолога шукрлар бажо қилиб, мадҳиясига қаламнинг мадори етмайдиган Пайғамбар алайҳиссаломга ҳамду санодан сўнг, дўстлик ва ихлос гулшанида парвариш топган, табрик ҳамда орзу-умидларимизни баён қилувчи райҳонлар гулдастасини юборамиз. Атрофида табарруқ зотлар жойлашган ўша улуғ ва шохона тахтга нисор айлаб, барча қавмларнинг асоси, Фаридун<sup>1</sup> фаррининг<sup>2</sup> соҳиби, Кайхисровдек мақтовга лойик, мамлакат гултожи, оламга зеб-зийнат берувчи, мамлакат ва ўлкаларни забт қилишлик сирини кашф қилувчи, улуғлик ва бахтиёрликнинг эгаси, олижанобликнинг ибтидоси, ҳақиқатни излаш ташаккурномасидаги шохлик муҳри бўлган Сиз зоти олийларига самимий саломларимизни йўллаймиз.

Дўстлик майлининг қалами Сизнинг дуойингизда чопқир отдек жавлон урмоқда. Гарчи биз ҳозир дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини ўрнатиш ниятида элчилар юбораётган бўлсак ҳам, фақат сезгир юраклар эътироф қилиши мумкин бўлган асл мақсадимиз — бу қалин дўстлик ва энг яқин қавм-қариндошликни барпо қилишдир. Ахир, олиҳимматлик ва олижаноблик доимо муҳаббат юлдузларининг табассуми ва руҳий райҳонларнинг хушбўйларига боғлиқ. Бизнинг асл мақсадимиз бирдамликка эришиб, юракларнинг яқинлиги ва руҳий бирлашувни ҳосил қилувчи алоқаларни ўрнатишдан иборатдир. Буни сир-асрорларнинг билимдонлари ҳамда ҳақиқат заргарлари муҳаббат деб атайдилар. Сирли ва ёруғ дунёда муҳаббатдан улуғроқ алоқалар йўқ! Бу орзу-умидларимиз, шак-шубҳасиз, меҳр-муҳаббатни ўзида мужассам қилувчи Сурайё юлдузининг ёнидан жой олган ақл-идрокиннинг равшан ойнасида акс этади. Лекин, ишнинг асл моҳиятини эмас, балки ташқи тарафини кўрадиган одамларга ишимиз тушганлигидан, мен муҳаббат ва яқин муносабатларни орзу қилиб, даргоҳи олийга арз қилдим, токи самимий меҳр-муҳаббатларимиз расмийлаштириб қўйилсин, барча до-нишмандлар ва фуқаролар наздида, одамларга ўз чиройини кўз-кўз қилаётган гўзал паривашдай, бизнинг меҳр-оқибатимиз бутун гўзаллигини намойиш қилсин, улуғ суло-лаларнинг мустаҳкам иттифоқ ва самимий дўстлиги тун билан кун алмашиб тургунгача узилмасин ва булар шон-шарафли ҳукмдорлару подшоҳларга намуна бўлсин. Шу туфайли, сулоламизнинг толеи баланд, донишманд ва заковатли кишиларининг машва-рати осмон гумбазини зийнатлантириб турувчи тахтингиз пойига бизнинг ишончли ва барча сир-асрорларимиздан бохабар, ёш болагидан то вояга етгунча марҳаматимиз ва майлимиз паноҳида бўлган, салтанатга хизмат қилиш тарбиясини олган хизматкори-мизни юборишни маъқул кўрди. Унга дўстлик ва қариндошлик муносабатларимизни ўрнатиш тўғрисидаги истакларимизни воситачиларни ўртага қўймай шахсан арз қилиш ҳамда унинг ўзига ишониб айтилган гапларни оғзаки айтишлик топширилган.

Умидворман, ер юзидаги барча салтанатларнинг маркази бўлганликларидан менга хайрихоҳлик билан жавоб йўллайдилар, илтимосимиз чаманзорининг абадий гуллаб-яшнашини таъмин қиладилар ва уни ғамхўрлик ва меҳрибонлик чашмаларининг сувла-ри билан суғорадилар, ғам-ғуссага тўла юрагимнинг ғуборларини ўз марҳаматлари билан пок қиладилар, оқибат бу бебақо дунёда муҳаббатнинг олий қасрини бунёд қиладилар. Анжуланга ўз иштироки билан оро берадиган ва илм гулшанини безайдиган ҳақиқатни ўз ақл-идроклари билан мунаввар қилувчи кишилар яхши биладиларки, бу фоний дунёда мусаввир холиқнинг тирикчилик бобидаги энг яхши тасвири — бу итти-фоқ ва бирлик бўлиб, муҳаббат фуқаролар учун бахт ва саодат тимсоли бўлса, иқти-дорли ҳукмдорлар билан улуғ шохлар ўртасидаги севги-муҳаббат нечоғлик ажойиб бўлишлиги ўз-ўзидан маълум. Подшоҳлар Оллоҳ Таоло яратган бандлардан ичиди энг аълоси ва севимлисидир. Инсонлар орасида пайғамбарлардан кейин подшоҳлар афзал-дирлар. Оллоҳ улардан марҳаматини аямасин.

Эзгулик билан йўғрилган сўзларимнинг индаллоси шуки, агарда баъзи ақл-идрок қоидаларини билмайдиган ва бефаросат, олижанобликнинг хушбўй ҳидларини татиб

<sup>1</sup> Фаридун — Қадим Эроннинг афсонавий шоҳи.

<sup>2</sup> Фарр — қисматида подшоҳлик насиб қиладиган кишиларга бериладиган афсонавий муқофот.

кўрмаган ҳамда ҳақиқий мақсаднинг тагига ета олмайдиган сафсатабозлар хайрихоҳлик қиёфасига кириб (аслида, улар бунинг тескарисини ишташади) шундай улғу ишга аралашшни хоҳлаб, бизнинг илтимосимизни бошқача тусда тушунтирмоқчи бўлсалар, шоншарафли ва улғу зот бунақанги одамларнинг гап-сўзларини инобатга олмасинлар, эзгу ниятларига соя туширмасинлар. Муқаддас ўй-хаёлларингиз билан ёлғиз қолган чоғларингизда истагимизнинг асл моҳиятига ҳаққоний назар ташлаб, унинг латофатини фаҳмлаб, бундай ёқимли ичимликни тотиб кўриб, интизор ташналарга чексиз лаззат бағишланг. Менинг мамлакатимда калтабин инсонларнинг энг ярамаси бўлган манманликка берилган кишиларнинг ғийбати туфайли, авлоддан-авлодга ҳоқимиятимизга тобе бўлган ва итоат доирасидан чиқмаган атроф-чеккаларнинг аҳолиси кўзғолон кўтардилар. Баланд тоғлар ва тор даралардан ўтиш қийинчиликларига ишониб, улар атроф шаҳарлар аҳолисининг мол-мулкани талон-тарож қила бошладилар ва оқибатда ўз ҳалокатлари томон интилдилар. Худойим яратганлардан энг яхшиси ҳисобланган фуқароларимизни мудофаа қилишлик ва йўлдан озган бузғунчиларни жазолаш олижаноби кишиларнинг зиммасига тушади. Бузғунчиларни тинчитиш учун машҳур лашкарбоби раҳбарлигида жуда кўп қўшин юбордим. Бунақанги ишдаги ғалаба ва зафар фақат илоҳий кўмакка ва Оллоҳнинг иродасига боғлиқ. Оқибат, душманлар музаффар кўшинларимнинг оёқлари остида поймол қилинди. Ниҳоят, бу воқеа барча бузғунчилар учун даҳшатли ибрат бўлди. Хонадонимизнинг дўстлари ва хайрихоҳларининг эса, садоқатлари ва фидокорликлари мустаҳкамланди.

Шубҳасиз, кўкларга кўтарилган ва абадий ҳукмронликка мушарраф бўлганларга қарши бош кўтарганлар, кибру-ҳавога мубтало бўлганлар фақат ўз ҳалокатларини яқинлаштирадилар ҳамда отилган ўқ сингари муқаррар тупроққа қориладилар.

Бу сатрлар фақат муҳаббат ҳис-туйғулари билан ёзилди. Агарда Оллоҳ истаган бўлса, биз дўстлик ва хайрихоҳлик алоқаларини ўрнатамиз. Сиз жаноби олийлари ҳам иттифоқ ва меҳру муҳаббат намуналарини намоён қиласиз, бахт-саодатни ўйлаб, ўз манфаатларингизни кўзда тутиб, яхши хислатлар занжирини узмай, салтанатингизнинг обрўйини ерга урмай, адолат, садоқат ҳамда душманларнинг илдинини қуритиш учун, давлатингизнинг осойишталигини кўзлаб, роҳат ва фароғатни мустаҳкамлаш учун, атоқли ва оддий кишиларнинг тинчлиги ва оромини таъминлаш учун, динимиз ва давлатимизнинг барқарор бўлиши учун, подшоҳлар зотининг зеб-зийнати ҳисобланган ғалабаларга эришиш учун ягона Холиқнинг ҳаққи-ҳурматига сизнинг дуойи жонингизни қилаётган мен — каминага ижобий жавоб йўллашингизга ишончим комил.

Қаламимиз мана шу ерда гапга ортиқ чечанлик қилмай, нуқта қўяди. Салтанат ва иқбол қуёшининг салтанат осмони устида порлайверсин, Худои Таоло Сиздан ўз марҳаматини аямасин».

Элчи подшоҳ билан хайрлашиб, узоқ сафарга равона бўлди. У чарчоқ нималигини билмай бир манзилдан иккинчисига ўтиб, Баҳраварбонунинг отасининг юртига етиб келди ва подшоҳ қабулига мушарраф бўлди. Одоб-муомила қоидаларининг билимдонлари одатига амал қилиб, у подшоҳга мактубни ҳаддан зиёд ажойиб тўхфалар билан бирга топширди. Сўнг, лозим ифодаларда мактубнинг асл моҳиятини баён қилди. Подшоҳ илтимос нимадан иборат эканлигини тушунганидан кейин қаттиқ ғазабга келди, юзининг ранги ўзгарди, пешонасида қаттиқ ранжиганлигининг нишонлари пайдо бўлди ва менсимасдан, элчининг илтимосини рад этди.

Подшоҳнинг яқин кишилари бўлиб ўтган ўзгаридан ҳайратга тушдилар. Подшоҳ лом-мим демади. Шундан кейин элчи бор умидидан маҳрум бўлиб, довдираб қолди.

Подшоҳ биринчи куниеқ (бунақанги кун совчилар учун умрининг сўнгги кунидан ҳам аччиқроқ бўлади) сарой муншисига тезгир қаламини ишга солиб, жавоб мактубини ёзишни буюрди. Шундай қилиб, элчи мақсадига эришолмай, умидлари барбод бўлиб ўз ватанига қайтиб келди.

## ЖАВОБ МАКТУБИ

«Пок Парвардигорга ҳамду санолар ёғдиришдан, шунингдек, Пайғамбар алай-ҳиссаломга саловатлар айтишдан сўнг, олам гулшани ва ҳукмдорлар базмини безовчи, жаҳон салтанатининг таянчи ва сардори, илму фан китобида тахт зийнати ва подшоҳлик тожининг шўъласини оширувчи яхши ниятли жаноби олийларига саломлар йўллайман. Ҳукмдорлар наслининг марварид шодасидаги улкан дурга шон-шарафлар бўлсин.

Мен меҳру-муҳаббат ва дўстлик гулдастасини, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир сўзи ақл-идрок саҳифаларининг гавҳари бўлмиш дўстона мактубингизни энг қулай фўрсатда, энг яхши кайфиятда бўлган чоғларимда олишга мушарраф бўлдим. Мактубингиз мени хурсанд қилди. Дўстлик ва меҳр-муҳаббатни изҳор қилган сўзларингизни эътибор билан ўқиб чиқдим. Шунингдек, элчингиз таъсирли баён қилган топширингизни ҳам эшитдим. Оллоҳ Таолога шукрлар бўлсинким, мен, — Парвардигори оламга илтижо қилувчи банда, — илоҳий меҳр-шафқат гулшанида ҳикмат ва маърифат гулларининг чаманзорини, райҳонлар гулдастасини барпо қилганман. Натижада, сабр-қаноатим эвазига илоҳий йўл-ўриқлар майхонасидан билим ва ҳақиқат майини тотиб

кўришлик шарафига мяюссар бўлганман. Шу туфайли, ўзимдаги бемаъни хатти-ҳаракатларга мойилликни тийиб олганман, аҳмоқларнинг алдамчи сўзлари васвасасига учмай, у дунёю бу дунёдаги кунларимнинг ҳисобини ақл-идрок дафтари бўйича олиб бораман. Мен ҳақиқатни бўҳтондан, зарарни фойдадан ажрата оламан ва ҳеч қачон аслзодалар хижолатдан оғизларини оча олмайдиган, оддий кишилар ҳамма жойда жар соладиган хатти-ҳаракатни қилмайман. Оллоҳга қасамёд этаманки, ҳудойим барча инсонлар ичидан танлаб олган улуғвор ҳукмдорларга ўйлаб фикр қилиш ярашади.

Энг аввало, улар орзуларининг мақсадини ошкор қилмай туриб, қиладиган ишларининг фойда-зиёнини ақл тарозусида ўлчаб кўришлари керак. Фақат шундан кейингина, лочинини овга кўйгандек, ўз ниятларини амалга оширишлари лозим. Агарда улар етарли даражада нозик ва равшан ақлга эга бўлмасалар, у ҳолда донишманд маслаҳатчилар бунинг ўрнини босишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар донолардан маслаҳат сўрашлари лозим. Одамларга манзур бўлиб, қилган ишидан афсус чекмаслик учун доноларнинг кўрсатмаларига биноан, олий ният ва мақсадларини амалга оширишлари керак. Оқиллар ҳеч қачон ишга киришмай туриб, унинг тўғрисида гапиришликни, унинг моҳиятини икки тилли қалам воситасида таърифлашни маъқул кўрмаганлар. Бунақанги ножўя ҳаракатларнинг натижаси, шубҳасиз, битта — номус ва пушаймонлик.

Худованди карим бундан кейинги ишларингизда ўз марҳаматини аямасин, ақл-идрокни эса сизга кўмакчи берсин. Салтанатингиз қуёши порлайверсин».

**ЭЛЧИ МАҚСАДИГА ЭРИШОЛМАЙ ҚАЙТИБ КЕЛАДИ. ЖАҲОНДОРНИНГ УМИД КЎПРИКЛАРИ ҚУЛАЙДИ. У ШАҲЗОДАЛИК МАРТАБАСИДАН ВОЗ КЕЧИБ, БЕГОНА ЮРТЛАРНИ ИХТИЁР ҚИЛАДИ. ҲАЛОКАТЛИ ИШҚ ЎТИГА БЕРИЛИБ, ХОКИСОРЛИК ЛИБОСИДА БАҲРАВАРБОНУ ЮРТИГА ҚАРАБ ЖУНАЙДИ.**

Хўрланган ва мушкул аҳволда қолган элчи пойтахтга қайтиб келиб, тахт пойини ўпишга мяюссар бўлгандан кейин, шаҳаншоҳнинг вазирларига адоватли ва ғаразли жавоб мактубини топширди. Подшоҳ мактубда яхшилик аломатлари йўқлигини, билъакс, ғаразгўйлик билан ёзилганлигини кўриб чексиз ранжиди. Шундан кейин у шаҳзодани холи жойга чақириб, совчиликнинг натижаларини унга маълум қилди. Подшоҳ яна бошқатдан, ўғлининг амалга ошмайдиган бу ишдаги қайсарлигини аниқ далиллар ва ишонарли исботлар билан қоралаб, гапларимга қулоқ солар, рўёбга чиқмайдиган орзу-умидларидан воз кечар, деган ниятда панд-насихатлар қилиб, ўғлига таъсир ўтказмоқчи бўлди. Аммо, шаҳзода ишқ ўтида ёнар, қалбида муҳаббат шароби жўш уради. Шу туфайли отасининг қимматли насихатлари унга арзимаган нарсадек туюлар, олижаноб маслаҳатлар эса ҳечам таъсир қилмас эди. Шаҳзода фақат ҳайрат билан жавоб қилди:

— Шаҳаншоҳнинг олижаноблик ва раҳмдиллик билан айтган сўзлари қалбимга олтин ҳарфлар билан қайд қилинишга арзийди. Лекин шуни яхши билиш керакки, севги билан ақл бир-бирига зид бўлганлигидан, уларни бир-бирига таққослаб бўлмайди. Мен ишқ йўлида бенавоман, ихтиёримнинг жилови телбалик измида, панд-насихатларнинг менга ҳеч фойдаси йўқ, ақл таскин бермайди:

**Кўнглимдан жой тополмайди панду насихат,  
Чангу рубоб оҳангига тўлғиндир ҳужрам.**

Шаҳзоданинг кечинмалари ва азоб-уқубатлари меъёридан ошиб кетди, ишқ-муҳаббат сабр тизганини унинг қўлидан юлиб олди. Шаҳзода Мажнунга ўхшаб, саргардонлик саҳросига рўбарў бўлди. Ниҳоят, дарбадарликни подшоҳликдан, фақирлик ва бечоралик қисматини ҳукмдорликдан, азоб-уқубатнию бегона юртларни хотиржамликдан ва жонажон диёридан афзал кўриб, бошидан соҳона тожни улоқтириб, фақирлар қулоҳини кийди, шоҳи-ипакларга буркалган нозик баданига қўпол жундан тўқилган жанда кийиб, юрагини қон-зардобга тўлғазиб, кўзидан дув-дув ёшлар оқизиб, ишқ саҳросида саргардонликка гирифтор бўлди.

Шаҳзоданинг маъюс аҳволини кўрган кишилар чуқур хўрсиндилар, унга ачинганлар кўз ёши тўқдилар. Ёшу қари қайғуриб, ҳайрат бармоқларини тишладилар. Ҳатто саҳродаги ўт-ўланлар ҳам фиғонларини осмонга етказиб хўрсиндилар. Эркак ва аёлларнинг оҳу ноласи кўк гумбази остида акс-садо берар эди. Аркони давлат ва амалдорлар шаҳзоданинг бошига тушган кулфатдан хабардор бўлиб, умидсизликдан нима қилишларини билмас эдилар. Ниҳоят, улар шаҳзоданинг ёнига келиб ёшлар тўка бошладилар, унга панд-насихатлар қилиб, мудҳиш орзусидан кечишлигини сўраб, ялиниб-ёлвордилар. Шу пайт маъшуқасига етишолмаган, ақл-хуши ишқ-муҳаббат алангасида ва ғам-ғуссада куйиб-ёнган шаҳзода, гўё ҳар бир сўзи билан машаққатли ишқ шамини ёққандай, аччиқ, қонли ёшлар тўкиб сўз бошлади:

— Эй ақли расолар, — деди у, — насибамизни берувчи азрўйи азал менга ишқ дардини тухфа қилган экан, мусаввир Илоҳ пешонамга шармандалик аломатларини

ёзиб, қисматим ғам-ғуссага мубтало бўлган экан, хотиржамликка берилишим ва яхши ном орттиришим мумкинми?

**Ғам-ғуссадан куним зулмат, дилим хун,  
Шодлик майин қандай ичаман бу кун!**

— Инсон қисмат пешонасига ёзиб қўйган нарсани, — давом этди у, — тиғ билан қиртишлаб йўқ қила олмайди, тақдирга бас кела олмайди, чунки у бор-йўғи қуллик занжирига қишланган ва мусибат зиндонига қамалган тутқундир. Телбалик насибам бўлиб, ишқ ўти сабр-тоқатим либосини пора-пора қилгандан сўнг, панд-насихатлардан менга нима фойда? Аксинча, ҳозир ёрдам беришингиз лозим, қўлларингиздан келса, кучларингни аямай менга кўмаклашинглар. Хоҳламасаларинг, мени тинч қўйинглар. Мен юрак амри билан тиканлар ва тошларни босиб, яраланган юрагимга олмос қипғларини сепиб, қалбимга умидсизлик игнасини санчиб, истаганимни ахтаришда саргардон бўлай. Тўшагим йўл гард-ғуборлари, ёстигим маъшуқам яшайдиган мамлакатнинг тошлари бўлсин:

**Дилдор қайда бўлса, унда шодлик бор,  
Мен уни қидириб топмоғим даркор.**

Мураббийларига шундай эътироз билдиргандан кейин, шаҳзода худога умид боғлаб, азоб-уқубатда қолганлар учун энг мустаҳкам таянч бўлган илоҳий марҳаматга ишониб, узоқ ерларга сафар қилишликка қарор қилди.

Шаҳзода йўлда шомолдай елиб борар, ўзига ишончли ва самимий дўсти бўлган тўтини ҳамроҳ қилиб олган эди. Шаҳзодага содиқ бўлган бир неча оғайнилари, бундай ҳолатда дўстни ташлаб қўйишлик, кўп худолик якка худойликка қарама-қарши бўлганидай, дўстлик одатлари ва садоқат қондаларига зид деб ҳисоблашиб, шаҳзодага қўшилиб бахтиёрликка эришиш ва абадий саодатни кўзлаб, у билан бирга узоқ ўлкаларга жўнадилар.

### **ЖАҲОНДОР ЧЕКСИЗ ДЕНГИЗНИНГ ЁНИГА КЕЛАДИ ВА ХИЗРСИФАТ ДАРВЕШ КЎМАГИДА УНДАН ЎТИБ ОЛАДИ.**

Зухро монанд гўзалларнинг зулфи занжирига, уларнинг юзидаги кулгичларига асир бўлган кўпдан-кўп машҳур подшоҳлар Ҳорут каби муҳаббатнинг жин кўчаларида азоб тортганларидай, мажнунсифат шаҳзода ҳам қудратли ва бешафқат ишқ-муҳаббат амри билан оромини тамом йўқотди. У дарбадарлик отига миниб, азоб-уқубат саҳроси бўйлаб йўлга тушди. Шаҳзода ишқ-муҳаббатдан руҳланиб, саҳро қийинчиликларига бардош берар, йўл машаққатларини сезмас эди. Шунинг учун ҳам, оз фурсатда барча юлдузларни орқада қолдириб кетадиган ойдек, катта масофани босиб ўтди. Ниҳоят, кўз олдида чексиз денгиз пайдо бўлди. Денгизнинг мавжланган тўлқинлари ҳатто балиқлару тимсоҳларни-да даҳшатга солар эди. Бундай денгиздан йўл бошловчисиз қандай ўтиб бўлади? Муҳаббат иштиёқида жафо чеккан, эҳтиросга тўлиб-тошган шаҳзода осмондаги қушлардан нажот сўрашга ҳозир эди. Ҳаяжондан у, қуруқликдаги балиқдай дир-дир тўлғонар эди.

Шаҳзодага содиқ тўти унга раҳми келиб, деди:

— Эй бегона юртларда саргардон! Эй, мусибат саҳросида овора! Энди ўзинг қулфат темир қафасига тушганингда, ишқ тузоғига илинганингда, мени қафасда ушлашлик ақлдан эмас. Аксинча, содиқ ва бегуноҳ дўстни озодликка чиқариш лозим. Қанотларимни бўш қўйиш керак, токи уёқ-бу ёққа парвоз қилиб, Нуҳнинг издоши — дарғани топай. Балки ўшанда қийинчиликларимиз барҳам топар ва сен мақсадингга етарсан?..

— Эй раҳмдил дўстим, — жавоб қилди шаҳзода, — ўзинг яхши биласанки, бу хавфли ва зерикарли йўлда менинг бирдан-бир овунчим ва хайрихоҳим сенсан. Қўрқаманки, эркин қанотларинг ёрдамида ҳавога парвоз қилиб, тўтиларинг ёнига интилсан ва мени эсдан чиқариб юборасан. Ўз шерикларинг билан суҳбатлашиш менга бўлган муҳаббатингдан ғолиб келар? Сендан айрилиб қолишлик ғам-ғуссамни янада кучайтиради.

— Эй шаҳзода, — жавоб қилди тўти, — ожиз қушнинг сўзи, катта ишончга сазовор бўлмаса ҳам, гарчи ақлли киши эркинликка қўйиб юборилган қушнинг садоқатига инонмаса ҳам, қилиб қўйган яхши — мусаввир Холиқ бу дунёнинг устахонасида ўз асарларини бир хил йўсинда чизмаган. Алҳамдулиллоҳ, мен барпо бўлган лой садоқат суви ва тупроғидан қорилгандир, табиатимнинг шудгорига, парларимга фақат ҳақиқат уруғларини сепишган:

**Мен вафосизлик йўлини қилмағайдирман писанд,  
Гарчи жисмимни қамишдек қирқсалар ҳам банд-банд.**

— То майл дарёсидан, — давом этди тўти, — мақсад гавҳарини топиб олгунингча сенга содиқ қоламан. То истаганингда эришмагунингча ҳечам сендан айрилмайман. Доимо қанотларимни ростлаб, учаман, сеғи деб ўзимни қурбон қилишга тайёрман ва кўнглингни олишни ягона худога сиғинишдан деб ҳисоблайман:

**Йўқ жаҳонда остонангдан бўлак паноҳим,  
Бош уришга шундан бўлак остонагоҳим.**

— Агар сўзларим ёлғон бўлса, тўтиларни олижаноб ва эҳтиромли қилиб яратган Қодир Худо қиёмат куни юзимни қора қилсин, бу фоний дунёда мени қонхўр жаллод чанғалига ташласин. Мен фақат илтифот ва муҳаббат тақозоси билан сўзлаяпман, бўлак мақсадим йўқ. Яхшиликларингни қайтармоқчиман, холос.

Шаҳзода тўтининг садоқати ва вафодорлигига ишониб, уни қафасдан озод қилиб юборди.

Тўти ҳавога парвоз қилиб, барча ўлкаларни ва пастқам жойларни кузата бошлади. Бехос унинг кўзи денгиз бўйидаги пастак, туркларнинг кўзидек тор кулбага тушди. Бу кулбада ким яшашлигини, у нима учун бундай хилват жойларни ихтиёр қилганлигини билиш учун, тўти шу яқин орадаги бир дарахтнинг шохига қўнди. Кулба қамишдан ясалган, эшиги оқ кўнгил одамнинг қалбидек очиқ, уй эса тақводор кишиларнинг қалбидек озода эди. Эшик олдидаги жойнамозда худога ва илоҳий маънони билишга интилувчиларнинг одатига кўра, эски жулдур либос кийган нимжон чол ўтирарди. Тавозе билан тасбеҳ ўғирар ва дуо ўқир эди. Чолнинг пешонаси, гўё у илоҳий ҳақиқат ва нариги дунё сири-асрорларидан огоҳдек, ярқираб турар, ниятлари дунёвий ҳаваслардан холи, юраги эса синиқ ва тилка-пора, бутун вужуди худодан кўрқисини билдирар, қалби эса Ҳолиқ билан бирлашувга интиларди. Унинг мулойим чеҳрасидан, шамчироқдан чиққан ёғдудек, махфий фикрларнинг нури ёғиларди.

Тўти дарвешнинг ниятлари ойнадек тоза эканлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин дарров гапга тушиб, чолни мақтай кетди. Доно чол тўтининг ширинсухан сўзларини эшитиб, ҳаяжонга тушди ва қушга деди:

— Эй зумрад қанотли, Исо забонли қуш, сенинг пуштиранг тумшуғингдан ширинсуханликнинг шаффоф суви томяпти! Қандай зарур ишинг бор? Кимни деб бу ерларга парвоз қилдинг? Сенинг ҳасратомуз сўзларинг ҳақиқат ва самимиятни билдиряпти!

— Эй ҳақиқат чаманига оро берувчи, — жавоб қилди тўти, — эй маърифат базмини гўзал мулоҳазалари билан безатувчи! Менинг тилагим олижаноб фаросатингда, ойнадаги гўзалдек, аниқ акс этди. Шунинг учун, ортиқча Уринишимга ҳожат йўқ:

**Арзимизни ҳазратимга сўзламоқ ҳожат эмас,  
Қолмагай пинҳон кишининг сирри ақлинг нурида.  
Гарчи офтоб кўк чироғи ҳам унинг порлоқ кўзи,  
Хоки пойнинг унга равшанлик берар кўк тўрида.**

Ақли-идроки қуёшга тенг ҳалиги одам тўтининг сирини фаҳмлаб, шаҳзодани олиб келишни буюрди.

Тўти дарвешнинг сўзларидан умидвор бўлиб, хурсандчилигидан қаҳ-қаҳ уриб кулди ва бир зумда шаҳзоданинг ёнига келиб қўнди. Тўтининг пуштиранг тумшуғи, тонг насимидан очилган ғунчадек, табассумга мойил эди.

Чарчоғу ҳаяжондан ғамгин ва маъюс бўлган шаҳзода тўтининг қайтиб келишини сабрсизлик билан кутарди. Кулиб турган қушни кўриб, у яна умидвор бўлди. Тўти унга хушxabар етказди, улар биргаллашиб, ягона худога сифиниш шаробидан баҳраманд бўлган ва уларга умид дарвозаларини очишга қодир ўша тақводор одамнинг ёнига жўнашди. Мақтовга «Йўқ остонага келиб, дарвешнинг сирли қиёфасини кўрганидан кейин, у олижаноб кишилар каби, дарवेशга лозим илтифотлар кўрсатди, яқинроқ бориб, кўзга даво бўлувчи сурмадек, кўнгилга шифо берувчи остонага келиб ўтирди ва ўз истакларини шеърда баён қилди:

**Дарёю тоғ йўлимда, мен хастаю заиф,  
Эй, Хизри халоскор, бахтимга бер мадад.**

— Эй бахтиёр йигит, — деди дарвеш, — Алҳамдулиллаҳи роббил оламин<sup>1</sup>, Оллоҳ бандаларининг мушкулини осон қилади. «Сенга сифинамиз ва сендан кўмак сўраймиз»<sup>2</sup> деган эзгу ҳикматга амал қил, чунки, Оллоҳдан бўлак ҳеч кимдан паноҳ сўраб бўлмайди. Тўғри йўлга қадам қўй ва худодан умидвор бўл, чунки у умид-орзуларни ҳаммадан кўра яхшироқ бажо келтиради. Агарда маъшуқангни кўрмоқчи бўлсанг, ўзинг танҳо юр, чунки муродга етиш йўли тор. Оллоҳдан бўлак ҳеч кимга сифинма.

Шаҳзода дарвешнинг маслаҳатига кўра мулозим ва хизматкорларини қайтариб юборди, бу фоний дунёдан воз кечиб, ёруғ йўлга тушди, бошқача қилиб айтганда, кўзини юмиб очиши билан тўти иккови денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб қолишди.

Шаҳзода доно ва ширинсухан қушнинг кўмагида денгиздан ўтиб олган бўлса ҳам, бу воқеа уни ниҳоятда хурсанд қилганлигига қарамай, дўстларидан ажраб, даҳшатли саҳрода танҳо қолганлигидан саросимага тушди. Аммо маъшуқасининг юртига интилиш унинг бошқа истакларидан ғолиб келди, ишқ-муҳаббат кўнгил жиловини тортиб олди.

<sup>1</sup> Куръон оятидан.

<sup>2</sup> Куръон оятидан.

Ва ниҳоят у, ҳақиқаткорликни йиғиштириб, олға юрди. Худди маст одам тошлар ва тиконларни босиб ўтаётгандек, кўзларидан қонли ёшлар оқизди.

Қоронғи тунларда азоб-уқубатда қолганларнинг дўсти ва бегона юртлардаги ёлғиз сайёҳларнинг йўл бошловчиси бўлган Оллоҳнинг марҳаматига таяниб, у булбул навосидек овозда ёқимли шеър ўқиди:

**Агарда тунда Мусо шамчироғи сочмаса ёғду,  
Нечук бахт водийсига йўл толурман бул зимистонда!!**

**ШАҲЗОДА УЗОҚ ДАРБАРДАРЛИҚДА БОРЛИҚ ЖАҲОННИ АЙЛАНИБ ЧИҚҚАЧ,  
АХИЙРИ САҲРОДА ҚҮНИМ ТОПГАН САЙЁҲ БИЛАН УЧРАШАДИ. ТЎТИ МАҚСАДГА  
ЭРИШИШ УЧУН ШАҲЗОДАДАН РУҲСАТ СЎРАЙДИ. САЙЁҲ ШАҲЗОДАГА НАСИҲАТ  
ҚИЛИБ, УНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА СОЛИШ МАҚСАДИДА ҒАРОЙИБ АФСОНАЛАР ВА  
РИВОЯТЛАР АЙТИБ БЕРАДИ.**

Ғам-ғусса саҳросида азобланган ва телбалик майдан масту аласт бўлган шаҳзода, ваҳший ҳайвонлар ҳам қўрқувдан ҳалок бўладиган ўша даҳшатли саҳрода бир неча фарсанг<sup>1</sup> тўхтамасдан йўл юрганидан кейин, ниҳоят, бир чолни учратди. Озғинлигидан унинг бадани ҳиллолдек эгилган, диёнатли чеҳрасидан эса нур ёғилар эди.

— Мана, икки кундан бери йўлдан кўзимни узмай кутяпман. Худога шукр, истагим амалга ошди, пойи қадаминг билан мени бахтиёр этдинг, — деди чол.

Хароб бу кулбага бахту саодат соясин солдинг...

Шаҳзода кўп гапирмасдан, дарвешга озгина овқатланиб олишни таклиф қилди. Таом тановулидан кейин, шаҳзода бироз дам олгач, чолдан кўмак сўради.

Дарвеш жавоб қилди:

— Эй жонсарак йигит! Кўп йиллар муқаддам мен нафс балосига гирифтор бўлиб, узоқ вақт жаҳонгашталиқ қилганман. Бу дунёнинг яхшилигию, ёмонлигию кўрдим. Ҳақиқат нимадалигини билганимдан кейин беҳуда ташвишларни елкамдан улоқтириб, танҳоликни ихтиёр этдим ва одам оёғи етмаган шу жойларни макон тутдим. Эндликда худодан ўзга ҳеч ким билан ишим йўқ. Мендан кўмак сўрамагин, чунки ишқ водийсида ҳар бир шабнам донаси юзлаб дарёларга тенг. Шундай йўлга қадам босган экансан, қийинчиликларни четлаб ўтма, азоб-уқубат ва фалокатлар алангасига мардонатор ташлан, ақл-идрокни йиғиштириб, худодан умидвор бўл, унга сиғин, жудолик қисматига кўниккин:

**Ишқибозликни, кўнгил, билма ўйин,  
Ишқ чавгонин ҳавас-ла урмагил.**

Шундай қилиб, муруватнинг ҳамроҳ шамоли, ёлғизлик менинг насибам, деб билган, сайёҳ тарафидан бу Жаҳондорнинг умид ғунчаси томон эсмади, умид томчиси олийҳимматлик косасидан шаҳзоданинг қақроқ лабига томмади. Шундан кейин шаҳзода жудаям саросимага тушиб, қисмат хусуматига дучор бўлиб, умидсизлик чоҳига йиқилди:

**Кўринди аввал ишқ осону  
сўнгра тушди мушкуллар...**

Шаҳзода ўзини ҳалок қилишга қарор қилиб, юзини тирноқлари билан тимдалаб, маъно байтлар ўқиб, бошидан тупроқ соча бошлади.

— Эй, ишқ йўлида куйганларнинг сардори! — деб шаҳзодага таскин бера бошлади тўти. — Ҳар қадамда жонингни фидо қилишингга тўғри келади. Фақат ғур одамларгина сабрсизлик ва ожизлик кайфиятига бериладилар. Ишқ дардида куйиб-пишганлару эҳтирос алангасида жизғанак бўлганлар эса, эзилган юрагидан томадиган ҳар бир томчини мурод самараси деб ҳисоблайдилар:

**Дил-эй, бўл барқарорким,  
Бул ишқ аро сабру чидам лозим...**

— Зинҳор, — давом этди тўти, — фарёд ва фиғон қилма. Сабрсизликдан нола чекма, азобга бардош бер. Мен эса йўл топишга уриниб, дарбадарлик зулматидан чиқиш чораларини ахтариб кўраман.

Шу сўзларни айтгач, тўти нажот истаб парвоз қилди. Шаҳзода эса уни кутиб ўтирди. Ҳалиги тақводор дарвеш ғамгин дарбадарга бўлак парво қилмай, ибодатига берилди. Шу дарвеш ҳужрасидаги Шорик исмли тўтиқушнинг шаҳзодага раҳми келиб, унга таскин бера бошлади ва қизиқарли ҳикоятлар сўйлади.

Шорик гапга чечанликнинг барча қондаларига риоя қилиб, ўз ҳикоясини бошлайди.

Доно Шорик шакарғуфторлик билан сўз бошлади:

— Эй ақлли подшоҳ! Мен — зийрак қуш, жаҳонда жуда кўп ажойиботларни учрат-

ганман. Ишқ ўтида куйиб-ёнганларнинг аҳволдан бохабарман. Аммо, пировардида улар илоҳий марҳаматнинг насими туфайли, истаклари бажо бўлгандан сўнг қизил гул ва райхонлардек гул-гул яшнаб кетганлар. Агарда бу адолатсиз фалак бир неча кун сенга бемурувват бўлган бўлса, дилинг ғунчадек сиқилмасин. Эртами-кеч Ол-лоҳнинг марҳамати намоен бўлади ва лутф шамоли сен томон эса бошлайди.

**Дилингни сиқмасин дунё иши гулғунчадек асло,  
Насими субҳидам бергай мадад Исонафас янглиғ...**

— Зероки, Оллоҳи каримнинг амри билан, «Қийинчиликларга енгиллик йўлдош бўлади»<sup>1</sup>, ҳар бир дарддан кейин енгиллик келади, ҳар бир хавф-хатар ва шубҳадан сўнг роҳату осойишталик ёр бўлади:

**Васлга муяссар бўла олмас ранж чекмаган...**

— Ҳозир сен ўз орзуйинг йўлида ранж чекиб, кўп қийинчиликлар тортяпсан, — давом этди Шорик, — аммо, иншоолло, мақсадинга етасан ва яна ҳузур-ҳаловатга бош қўясан. Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлишликни улуғ бурчинг ва вазифанг деб бил: биринчидан, улуғвор ишлар пухта ўйланмасдан амалга ошмайди, акс ҳолда тақдир зарбасига ва қисмат балоларига йўлиқасан. Савдогарнинг қизи воқеасини эшитганмисан?

— Бу қанақа воқеа экан? — деб сўради шаҳзода.

### **Ҳикоят**

— Бир бечора, — деб ҳикоят бошлади Шорик, — бегона юрдаги бир шаҳарга жойлашибди, у муҳожирликда кун кечирар ва одамзод учун зарур бўлган тирикчилик юзасидан ўзини ўтдан-чўққа урарди. Шаҳар аҳолисини танимас, у билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бечора йигит энг ифлос ва қора ишларни бажарарди. Бунақанги ишлар доим топилавермасди, натижада, у кўпинча оч қолар эди.

Кунлардан бир кун нўхот сотувчи бир қариянинг раҳми келиб, уни ўт ёқишга ёллади. Хўжайин кечки таомга нон ёпишни буюрди. Бечора камбағал ишим ўнгидан келди деб, яхши зиёфат илинжида роса терга ботди. Унинг тиришқоқлиги ва садоқати чолга маъқул тушиб, бечорани камбағалликдан қутқазиб бадавлат қилди. Узига ёрдамчи қилиб тайинлаб, хўжаликдаги барча ишларни унинг қўлига топширди. Орадани кўп вақт ўтмасдан, йигит одамлар орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Кун келиб, кечаги камбағал бечора ўша қабиланинг оқсоқоли билан қариндош бўлишликни ният қилди. Оқсоқол бундан жудаям дарғазаб бўлиб, чолга шикоят қилиб борди.

— Давлатмандлигинг ва аслзодалигингга қарамасдан, — деди оқсоқол, — сен ҳеч қачон мен билан тенглашишга уринмагансан. Яқингинада бор-йўғи ўтёқар бўлган ёрдамчинг, эса бугун менга қариндош бўлмоқчи. Агарда у мендан узр сўрамаса, адабини бериб қўяман. Эсингда бўлсин, сенам мени менсимай юрма тагин.

Чол оқсоқолдан ёрдамчисининг беадаблиги учун узр сўради. Кейин йигитчани холи хонага қақириб, унга панд-насиҳат қила бошлади.

— Уғлим, — деди чол, — бу дунёнинг улуғлари билан баробар бўлишликка уриниш, оддий одам бўла туриб, улар билан ўзингни тенглаштириш нодонликнинг нишонасидир:

**Бино қўйиб, бўлолмайсан улуғларга тенг,  
Гар уларнинг давлатини қўлга олмасанг...**

— Эҳтиёт бўл, — давом қилди чол, — энди бундай ишларни қила кўрма, чунки ҳурматли оқсоқолимизнинг хафагарчилиги бизга фойда бермайди:

**Кексалардан билганим — борин сенга айтаман,  
Уғлим, қарийсан сен ҳам, насиҳатга қулоқ сол...**

Аммо йигитча «табиатан разил бўлган киши ҳеч кимга вафо қилмайди», деган ҳикоятга амал қилиб, буни чол билан хайрлашишга баҳона деб билиб, этагини қоқиб чиқиб кетди. Бир зумда ўзига кўрсатилган хайр-саховатни эсдан чиқариб, яхшиликка ёмонлик қилиб, савдогарлар маҳалласига кўчиб ўтди. Аммо, бир неча кун ўтганидан кейин яна қашшоқлашиб, бир чақасиз қолди.

Иттифоқо, бадавлат савдогарнинг гўзал қизи йигитни яхши кўриб қолди ва синаб кўрмай, унга турмушга чиқди.

Анча фурсат ўтгандан кейин, ажойиб кунлардан бирида эр ўзининг насл-насаби ва давлати ҳақида эзмалик билан гапириб, хотинини бу шаҳардан кўчиб кетишга кўндирарди бошлади. Хотини янги ўлкаларни кўришу эрининг катта мулкига эгалик қилишни, боз устига, барча дунёвий ноз-неъмат ва роҳатларни тотиб кўришни истаб қолди. Қариндошлари орқали отасидан руҳсат сўраган эди, рад жавобини олди. Шундан кейин хотин эри билан бирга яширинча узоқ сафарга равона бўлди.

<sup>1</sup> Куръон оятидан.

Бир неча кун ўтгач, жуда кўп қийинчиликларни кўриб, улар одамзод яшамайдиган сахрога бориб қолдилар.

— Бу қанақа жой? — деб сўради хотин. — Бу ерда бирор тирик жон йўқ-ку? Ташналикдан тилинг сўзга бормайди. Худо ҳаққи, сув топиб бер, ўлар ҳолатга етдим.

— Қайғурма, — таскин бера бошлади эри, — бирор соат сабр қил, шу атрофда жой бор, у ерда ҳар хил мева-чевалар ва бугдой-арпалар ўсади, ҳар тарафда жаннат Салсабил ва Таснимига ўхшаш ариқлар оқади, гуллар ва райҳонлар яшнаб ётади. Буларнинг ҳаммаси илоҳий боғларга ўхшайди. У ерда ота-онам яшайди. Биз ҳадемай сахро машаққатларидан қутуламиз.

Хотин эрининг сўзларидан хурсанд бўлиб, яна йўлга тушди.

Бир неча вақт ўтгач, узоқда бир неча кўримсиз кулбалардан иборат қишлоқ кўринди.

— Бу қишлоқда на боғ, на ариқ кўринади, — деди хотин. — Бунақанги кулбаларда оддий ахлат ташувчи ҳам яшашга ор қилади-ку?

— Хотин, — деди эр, — бу ерларда сенга айтганимдан ҳам кўпроқ ажойиб нарсалар бор. Сувни кўрмай туриб, этик ечяпсан.

Кейин хотинини бир дарахтнинг соясига ўтказиб, деди:

— Бизнинг урф-одатимизга кўра, қариндошларим сени ноғораларнинг гумбурлаши ва сурнай наволари остида, сенга қимматбаҳо либослар кийгизиб, нодир безаклар тақиб кутиб олишлари керак. Кейин тантанали равишда, мусиқа садолари остида шаҳарга олиб киришлари лозим. Шаҳарда базм қуриб, кун бўйи майпарастлик ва хурсандчилик қилиш керак бўлади. Мана бу дарахтнинг тагида бироз ўтириб тур, мен эса ота-онамга хабар қилай.

Бу сўзларга лаққа тушган хотин сояга бориб ўтирди, эри эса қишлоққа қараб чопиб кетди.

Бир соат ҳам ўтмай ноғораларнинг гумбурлаши ва сурнайларнинг овози эшитилди. Хотин ясан-тусан қилган кишиларнинг шу томонга яқинлашаётганини кўрди. У эрининг қариндошларини муносиб кутиб олишга тайёрланди. Бехос унинг ёнига қассобларга ўхшаш бир неча бадбашара ва жирканч эркаклар югуриб келишди. Хотинни сочидан ушлаб, қиёмат кунидагидек қилиб ечинтирдилар. У додлаб ўзини ҳимоя қила бошлади, лекин фойдаси бўлмади. Улар бегона юртда ҳимоясиз қолган бечорани арқонлар билан боғлаб, бошидан товонигача сочларини қириб, шундай калтаклашдики, хотин қизил қонига беланди. Кейин замбил ясаб, унинг ёғочларига хотиннинг оёқ-қўлларини маҳкам боғладилар-да, хурсанд бўлиб қишлоқларига қайтишди. Иккита мерган заҳарланган ўқларни шайлаб, пистирма қурдилар. Хотин аввалига додлаб йиғлади, кейинчалик бутунлай ҳолдан тойиб, қимир этмай қолди. Бирор соатдан сўнг осмонда, дарахт шохларига ўхшаш улкан қанотли, тумшуғи филнинг хартумига баробар баҳайбат қуш пайдо бўлди. Одамзод уни кўриб ҳушидан оғар, қанотларининг шовқинидан ҳар қандай жонзотнинг жони чиқиб кетар эди.

Қуш бечора хотинни кўтариб, осмонга парвоз қилди. Хотинга боғланган арқонлар ўргимчак ипидек чирт-чирт узилди, замбил эса ерга қулаб тушди. Пистирмадаги мерганлар ўқ уздилар. Икки ўқ қушнинг қанотига тегди, аввалига улар зарар етказмади. Қуш осмонда юз фарсангга яқин масофани учиб ўтгач, заҳар таъсир қила бошлади. Бутунлай ҳолдан тойган қуш қандайдир бир оролга қўнди. Шундан кейин тумшуғини очган эди, ҳар хил шаклдаги асл зумрадлар сочилиб кетди. Бу қимматбаҳо тошларни моҳир заргарлар сайқаллаган ва силлиқлагандек туюларди. Шу заҳоти, гўё унинг охириги нафаси зумрадлардек тўкилиб, қушнинг жони танасидан чиқиб кетди.

Яраланган ва ҳолдан тойган хотин ўша ерда анчагача ҳушидан кетиб ётди. Ўзига келгандан кейин кўзини очиб, атрофга назар солган эди, оролда ётганлигини кўрди. Яқин атрофда на таскин берувчи бирор инсон, на от, на таом бор эди. Хотин барибир Оллоҳ Таолога шукр бажо келтириб, нодир тошларни кўтариб, йиғлаган кўйи боши оққан томонга қараб равона бўлди.

Бечора хотин икки фарсангча йўл босди. Заррин офтоб мағрибга беркинди, тун уфққа қора чодирини тикди. Хотин ҳаётини хавф остида қолдирмаслик учун бир ғорда тунашга қарор қилди. Бу пайтга келиб, янада ҳолдан тойган эди, яралари зирқираб оғир, ёлғизлик ваҳима уйғотар эди. Тун бўйи у паноҳ тилаганларнинг ҳожатини чиқарувчи Қозиюл-ҳожат<sup>1</sup> га ялиниб-ёлворди, дуолар ўқиди, ундан балолар ва ҳалокат гирдобидан қутқаришни илтижо қилди. Аммо ўқиган дуоларининг натижаси бўлмади.

Машриқ келинчаги тонг оғушидан чиқиб оламга нур таратганида, бахтсиз ва ярадор хотин ғордан чиқди. Кейин яна йўлга равона бўлди. Пешинда, қуёш авжи тиккага келганда, хотиннинг яралари янада баттароқ азоб бера бошлади. Ахийри унинг тоқати тоқ бўлди. Ҳалокатдан қутулиш иложини тополмай, тақдирга тан бериб, ноумидлик чоҳига йиқилди. Ниҳоят, уммон соҳилига келиб қолди. Чарчаб, дам олиш учун ўтирган-ди, бехос кўзи баҳайбат бир ҳайвонга тушди. Қора юнгли, бадбуруш ҳайвон гўё денгиз

<sup>1</sup> Тангри назарда тутилмоқда.



соҳилидаги тоғдек кўринарди. Ҳаёт билан хайрлашиб, охири нафасининг чиқишини кутаётган хотин унинг думига осилиб олди. У шу тариқа денгизнинг нариги қирғоғига, одамлар яшайдиган жойга ўтиб олишни ўйлаган эди. Баҳайбат ҳайвон бир оролдан иккинчи оролга сузиб ўтганидан сўнг, хотин мажруҳ юракларга малҳам кўйгучи Оллоҳнинг иноятдан умид қилиб, бўлак тасодифни кута бошлади. Ҳайвон нарироққа кетгач, яна йўлга тушди. Бир фарсанг ҳам юргани йўқ эдики, олдида жаннатмисол бир чаманзор чиқди. Ҳар томонда фирдавс Салсабилига ўхшаш ариқлар шарқираб оқар, кўзни қамаштирадиган гуллар яшнаб турарди, шохлари мевалардан ларзон дарахтлар куюқ соя ташлаганди; булбуллар чах-чах сайрар, тонгги насим тоза ўт-ўланлар гиламини сийпалаб эсар эди. Қисқаси, тақдир гуё меҳмондўст мезбондек, энг лазиз неъматлардан дастурхон ёзган эди.

Очликдан ҳолдан тойган хотин мева-чевалардан тановул қилди, чашмадан қониб сув ичиб, дарахт соясида, юмшоқ ва нозик ўт-ўланлар устида ухламоққа ётди. Пичадан сўнг уйғониб, майсазорда ўтириб, гуллар ва райҳонлар, кўкатлар ва ариқчаларга маҳлиё бўлиб қараб, дили хуррамлик майдан ичди.

Шу алфозда бир соатча ўтирган эди, бирдан майсазорга ҳар томондан маймунлар югуриб келишди. Улар ҳар томонга тарқалиб, дарахтларга чиқиб, пишган-пишмаган меваларни уза бошладилар. Буни кўриб хавфсираган хотин бор кучини йиғиб, бир мевасиз дарахтнинг устига шошилиб чиқиб олди-да, кўрқувдан бадани дир-дир қалтираб, қалин барглар орасига яширинди. Иттифоқо дарахт тагига ўша лаънати галанинг сардори келиб қолди. Дарахтдаги хотинга кўзи тушиб, хурсандлигидан рақсга туша бошлади. Сўнг бир маймунга хотинни дарахтдан олиб тушишни буюрди. Тобе маймун буйруқни бажаргач, сардор уни кучоқлаб ўпа бошлади. Хотин даҳшатдан тошдек қотган, ранги оқариб кетган эди. Сардор унинг кўрққанини кўриб, мулойим муомила қилиб, ўз маконига олиб борди. Маймунлар бир зумда тарқаб кетишди. Сардор эса бечорани хотин қилиб олди. У хотинига ширин мевалар олиб келар, яраларига ўтгиёҳлар босарди. Тез орада хотиннинг яралари битиб кетди. Аммо, ҳаёт унга зиндондек туюлар эди:

### Жонга озор берар ножинс сўҳбати...

Сардор бирор дақиқа хотиндан нари кетмас, уни кўз қорачиғидек асрар эди. Шундай қилиб, орадан анча фурсат ўтди. Ниҳоят, хотин эгизак бола туғди. Болаларнинг бадани маймунникига ўхшаса-да, одамга ўхшаб гапирардилар. Шундан кейин сардор, болалар менга хотиннинг меҳрини уйғотар, жирканиши ўтиб кетар деб хаёл қилиб, хотинга ишонч кўзи билан қарай бошлади ва аксар вақтини бошқа жойларда ўтказадиган бўлди. Хотин эса, унинг хоҳишига бўйсуниб хуш муомила қилгани билан, яширинча қулай фурсатни кутар эди.

Шу алпозда яна бир қанча вақт ўтди. Хотин ниятини маймунга ҳеч сездирмади. Маймуннинг барча шубҳа ва гумонлари тарқаб кетди. Ниҳоят, кунлардан бир кун, маймун хотинига уйга ва болаларига қараб туришни топшириб узоқ ўлкаларга жўнагач, хотин тутқунликдан қутулиш фурсати етганлигини англаб, йўлга тушди. Икки фарсангча юрганидан кейин уммон соҳилига чиқиб қолди. Бу ерда кемалар тўхтайдиган жой бор экан. Хотин жудаям хурсанд бўлиб, маймуннинг уйига қайтиб келди. Шу пайтдан бошлаб, биронта кеманинг келишини кутиб, тез-тез қирғоққа боришни одат қилди.

Ниҳоят, у шодлик умидларига тўла ажойиб кунлардан бирида уммон соҳилига келиб, узоқдан бир кема келаётганини кўрди ва нафаси оғзига тиқилганча соҳилга югуриб келиб, бақирди:

— Эй художўй одамлар! Мен тақдирнинг қақшатқич зарбаларига учраган, фалакнинг бедодлигидан ақл-ҳушидан жудо бўлган хотинман. Талеим пастлигидан жабру жафоларга гирифтор бўлдим, тақдир тақозоси билан кўп азоб-уқубатлар кўрдим. Худо ҳаққи, раҳмингиз келсин! Мени бу ҳалокатли жар ёқасидан қутқаринглар, паноҳларингга олинглар.

Лекин, кема хизматкорлари унга шундай жавоб қилдилар:

— Бизлар савдогармиз, кемада жуда кўп молларимиз бор. Сени қутқарамиз, деб бор-йўғимизни хавф остида қолдирмоқчи эмасмиз. Маймунлар галаси кемага ҳужум қилиб, молларимизни талон-тарож қилиши мумкин. Бир кишини қутқараман деб, моллар ва одамлар тўла бутун бир кемани ҳалок қилишлик ақлдан эмас.

Бундай жавобни эшитгандан кейин, умидсизликка берилиб, бошини ерга уриб, яна ялина бошлади:

— Эй мўминлар! Маймунлардан хавфсирамасаларинг ҳам бўлади. Худо ҳаққи, илтимосимни ерда қолдирманглар, у дунёда асқотадиган, бу дунёда муродларингни берадиган эзгу ишдан воз кечманглар. Оллоҳ Таолонинг марҳаматидан умидвор бўлсаларинг, мени ноумид қилманглар. Сизлардан миннатдор бўлганлигим эвазига мана бу қимматбаҳо зумрадни олинглар.

Аммо кема эгалари яна рад жавобини бердилар:

— Қандайдир тошни деб, бутун давлатнинг хирожига баробар молларимизни хавф остида қолдиришимиз ақлдан эмас. Номаяқул истагиндан воз кеч, биздан хафа бўлма.

Хотин тинмай ялиниб-ёлворар эди. Фурсат эса ўтиб бораётганди. У маймунлар сардори қайтиб келиб, хотиннинг қочиб кетганлигидан хабар топишидан кўрқарди.

Ниҳоят, савдогарлар карвонининг оқсоқоли бўлган кема бошлиғи бечора хотиннинг аянч аҳволига раҳми келиб, жавоб қилди:

— Эй тақдир зарбасига учраган хотин! Гарчи ҳозир сенга кўмак беришлик бизга хавф туғдирса ҳам, Оллоҳнинг марҳаматига эришиш ниятида ёрдам қиламиз. Тезроқ бўл, кемага чиқ, зумрадни хизматкорларимга бериб қўй, ўзинг эса тағхонага тушиб яширин.

Бу сўзларни эшитган заҳоти хотиннинг сарғайган юзига қон югурди, дил ғунчаси эса хуш хабар шамолидан очилиб кетди. Далва-далва либоси орасидан қимматбаҳо зумрадни олиб, ўйлаб-нетиб ўтирмай кема хизматкорларига узатди. Ўзи эса офтоб нурларида дириллаб турган заррадек, шод-хуррам алфозда кемага кўтарилди. Аммо зумрадни олган заҳоти, дарбон шўрлик хотинни кемадан қувишни буюрди. Хотин иш чаппасидан кетганини фаҳмлагандан кейин, яна ғам-ғусса алангасида ёнди. У худди гўянда аёл каби, ерга йиқилиб, кўзидан қонли ёшлар тўкиб, яраланган қушдек типирчилай бошлади.

— Эй, олижаноб инсон! — хитоб қилди у:

**Мендан кўрқмасанг-да, Оллоҳдан кўрқгил!..**

Бebaхт аёлни ранжитма, Оллоҳ Таолонинг даргоҳига зулмингдан шикоят қилиб борадиган онларимдан кўрқгил.

Бу сўзлар кема бошлиғига қаттиқ таъсир қилиб, хотинни кемада қолдиришларини буюрди.

Бечора хотин яна шодланиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди. Кейин кеманинг хилват бурчагига ўтириб, хотиржам тортди.

Шу орада кема хизматкорлари лангарни кўтаришди. Кема энди жойидан кўзгалган эди ҳамки, қўлтғида иккала дурагайларини кўтариб, зўр ҳаяжон ва таҳликада малъун маймунлар сардори соҳилга югуриб келди. Кема хизматкорлари ва савдогарлар маймунлар галасини кўришганда ваҳимадан ўзларини йўқотиб қўйдилар, ранги-рўйлари оппоқ оқариб кетди. Буни кўрган бечора хотин, кемадан мени тушириб юборишса, яна ўша маймунлар сардори билан яшайманми, деб ваҳимага тушди.

— Эй яхшилар! — хитоб қилди у. — Бунчалик ўзларингни йўқотиб қўйишларинг ярашмайди. Хотиржам бўлинглар, бу маймунлар ҳечам сизларга зиён етказишолмайди. Ахир, улар сизлардан кўрқишади-ку! Қолаверса, сузишни ҳам билишмайди-ку? Кема хизматкорлари дадил тортиб, кемани иложи борича тезроқ ҳайдашди. Ҳамроҳ шамол турди.

Маймунлар сардори кўлидан ҳеч иш келмаслигини пайқаб, имо-ишора билан хотинга мени ташлаб кетма, деб ялина бошлади. Унда оналик меҳрини уйғотмоқ ниятида, олдига болаларини қўйиб, булар она сutiдан маҳрум бўлишса, ҳалок бўлишди деб кўрсатди. Хотин эса унинг найрангларига алданмади. Тез орада соҳил кўздан ғойиб бўлди. Хотин эса, Оллоҳга шукр қилиб, дуолар ўқий бошлади.

Аммо кажрафтор фаёлак янгидан-янги қалтис ҳазиллар қилаберди. Уч кун ўтгач, қуёш — заррин кема лангаридан бўшаб мағрибга йўл олганда, худонинг иродаси билан қарши шамол кўтарилиб, кема бошлиғи ва хизматкорларнинг ихтиёридан бошқарув жilовини тортиб олди. Икки соат ичида кема номаълум томонга сузиб, ҳалокат гирдобига рўбарў бўлди:

**Кемани бошқарар худо хоҳиши,  
Кемачи дод солсин ё солмасин дод.**

Кемадагиларнинг барчаси осмонга қараб, қўлларини очиб дуо ўқисалар ҳам фойдаси бўлмади. Шу пайт бирдан сув остидан тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги улкан, баҳайбат балиқ бошини чиқарди. Кўз очиб юмгунча ҳалига бечоралар тушган кеманинг ёнига сузиб келиб, думи билан бир урди. Кучли зарбадан ҳайбатли ва вазмин кема тошга теккан шишадек тилка-пора бўлиб кетди. Кемадагиларнинг ҳаёт шишаси ҳам тошга урилди ва улар моллари билан бирга денгиз қаърига ғарқ бўлдилар. Фақат бечора хотингина кеманинг бир парчасига ёпишиб олган эди. Шамол ўша парчани ҳалокат гирдобидан олиб чиқиб, бошқа ёққа ҳайдади. Кема парчаси, худди омонлик ёйидан отилган ўдқек, уч кечаю уч кундуз сузиб борди. Тўртинчи куни, заррин офтоб кўк гумбазида пайдо бўлганда, у бехос тўхтаб қолди. Эрталаб, тонг насими эсганда кема парчаси яна сузиб, ярим соатдан кейин қирғоққа етди. Жонидан умиди қолмаган хотиннинг кўзи соҳилга тушиб, онадан янги туғилгандай бўлди. У амал-тақал қилиб қирғоққа чиқди ва бўлиб ўтган ваҳимали ҳодисаларни ўйлаб, бир соатча жим ўтирди. Кейин Оллоҳга шукроналар бажо келтира бошлади. Фикрларини бир жойга жамлагач, боши оққан томонга қараб жўнади. У бирорта одам яшайдиган жойга йўлиқсам бўлгани деб, қанот пайдо қилгандек елиб-югурарди. Лекин қанча юрмасин, атрофда фақат хилват ва ўлик саҳро ястаниб ётарди. Ниҳоят, у тиниқ ва шаффоф сой бўйига яқинлашди. Соининг иккала қирғоғида мевали дарахтлар ўсган эди. Шохлаб кетган дарахтларнинг сояси, салқин сувларнинг тиниқлиги, кўм-кўк ўт-ўланлар ва очилган гуллар хо-

тиннинг кўнглига ором бағишлади. У ширин мевалардан еб, салқин сувлардан тўйиб ичди. Кейин уйқуга кетди.

Уйқудан уйғонгач, яна янги бало-қазоларга учрамай деб, кўрқа-пуса йўлга тушди. Бехос дарахтлар орасидан мўралаб турган инсон қиёфасидаги махлуқларга кўзи тушди. Хурсандчиликдан дил ғунчаси очилди ва шоду хуррамлик билан уларнинг ёнига чопди. Яқинроқ борган эди, либоссиз ҳолдаги эркак ва хотинларни кўрди. Улар баданларини Одам Ато ва Момо Ҳавога ўхшаб, дарахт япроқлари билан беркигиб олган эдилар. Уларнинг лаблари ғунчадек сиқилган, ўзлари эса Худога меъёридан ортиқ ибодат қилганликларидан нимжон ва ориқ эдилар. Оч қолган хотин, дарахт барглари ва илдизларини тановул қилувчи одамларни кўрганидан кейин, аввалига нечоғлик хурсанд бўлган бўлса, ўшанчалик умидсизликка берилди. Тангри паноҳидаги оқ кўнглили кишилар эса хотиннинг хафа бўлганлигини фаҳмлаб, имо-ишора билан унга йўл кўрсата бошладилар. Хотин улар кўрсатган йўлга юриб, ҳадемай бир неча гўзал қишлоқларни кўрди ва тиниқ, шаффоф сув оқаётган чашма ёнига келиб тўхтади. Чашма суви худди марварид чаноғидан отилиб чиқаётганга ўхшарди. Шу ерда қамишдан ясалган кулба ҳам бор эди. Учоқдаги қозонда қандайдир таом пишаётган бўлса-да, кулба эгалари кўринмасдилар. Хотин кулбага кириб, қозоннинг қопқоғини кўтарган эди, сувда бир неча япроқлар қайнаётганини кўрди. У баттар умидсизликка берилиб, ҳолдан тойиб дарахт тагига йиқилди. Бир оз фурсат ўтгандан кейин, хотиннинг рубарўсида ёруғ юзли, пешонаси ярқираган бир эркак пайдо бўлди. Ибодат майхонасидан шароб ичган ва илоҳий ҳақиқат уммониغا фарқ бўлган бу одамни кўрганда, хотинни ихлос чулғади. Бутун вужудини қалтироқ эгаллаб, ўзини йўқотиб қўйди. Самимий қалб ва ўткир ақл эгаси бўлмиш бу киши, гарчи хотин оғзини очиб, ўзи тўғрисида ҳеч нима демаган бўлса ҳам, дарров ҳамма нарсани фаҳмлади. Кейин мулойимлик билан қўлини хотиннинг пешонасига тегизиб, далда бериб деди:

— Кўзингни юм, ойим.

Хотин итоаткорона кўзини юмиб-очган эди, бу дунёнинг барча кулфат ва азобларидан фориг бўлиб, отасининг уйи олдида пайдо бўлиб қолди. Шунчалик азоб-уқубатларни бошидан ўтказиб, эсон-омон, соғ-саломат ҳолда уйига қайтди.

Равшанки, — деб ҳикоясини тамом қилди Шорик, — агар савдогарнинг қизи ўша нолойиқ эрга тегийшдан олдин уни яхшилаб синаб кўриб, одоби, ахлоқи ва фазилатларини суриштирганида, тақдирини у билан боғламас ва қисмат ўқининг нишони бўлмас эди. Шунингдек, — давом этди Шорик, — агарда сени оламда бадном қилишларини истамасанг, арзимас душманингдан ҳам эҳтиёт бўлишинг лозим. Бундай воқеа Гилон ҳокимининг бошига тушган эди.

— Бу қандай воқеа экан? — деб сўради қизиқиб шаҳзода. Шорик ҳикоя қила бошлади...

## СИЧҚОНЛАР ПОДШОСИ ВА ГИЛОН ҲОКИМИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Ҳикоят қилишларича, қадим замонларда тақдир тақозоси ва фалакнинг амри билан Гилон ўрмонида сичқонни подшоҳ кўтаришибди. Уша ерларнинг барча ҳайвонлари ва жониворлари унинг ҳукмига бўйсунар эканлар. Сичқон иккита тулкини ўзининг вазири қилиб тайинлаб, уларга давлат ишларини ишониб топширибди. Тулкилар ҳам сичқонга садоқат билан хизмат қила бошладилар. Субҳоноллоҳ, подшоҳнинг шундай уддабурон вазирилари борлигига қойил!

*Фалак нега кўрсатар деб нокасга ёрдам,  
Сўрамагин, бу чархнинг кўп сирү асрори.*

Кунлардан бир кун ўша ўрмоннинг ёнидан савдогарлар карвони ўтиб қолибди-ю, сорбон йўлда бир туяни қолдириб кетибди. Чунки туя қари, юк кўтараверганидан елкаси яғир бўлиб кетган экан. У туячининг калтакларидан қутулганига суюниб, юганидан бир бало қилиб бўшалиб, ўт-ўланларни териб ея бошлабди. Бу воқеадан тулки хабар топиб, Сичқонга арз қилибди:

— Жаноби олийларининг тасарруфларидаги ерларга бир дайди туя келиб қолибди. Подшоҳимизга тегишли яйловларда ўтлаб, сиз учун парварош этилаётган дарахтлардаги меваларни узиб кашаётганмиш. Кўнглига нвки маъкул тушса, ҳеч тап тортмасдан, бамайлихотир еб тамомлаётганмиш. Бундай юҳо туя узоқ вақт эркинликда қолса, мустақилликка эришиб гердайиб кетади ва ўзига бино қўйиб, ҳокимиятни қўлга олиб, шоҳимизнинг тасарруфидаги барча ерларни куч билан ўзиники қилиб олади. Шундай бўлган тақдирда биз унга қарши келолмаймиз ва фитнани бостирилмай қоламиз. Мамлакат манфаатлари шуни тақозо қиладики, подшоҳ туяни ҳузурига тақлиф қилиб, бунақанги руҳсат этилмаган ишларни қилишликни ман этсин. Агарда туя ҳукмингизга буйсунса, уни ўз хизматкорларингиз қаторига қўшиб, илтифот кўрсатишга тўғри келади. Бундай ҳайвоннинг бўйсунуши — давримизнинг зўр ғалабаси бўлади, ҳокимиятнинг ҳарбий қудратини оширади. Агарда у кучига ишониб, кибру ҳавога бери-

либ бўйсунмаса, у ҳолда то куч йиғиб, давлатимизнинг душманлари билан тил бирикшига улгурмасидан махв этиш керак. Қисқаси, бизга қиладиган ёмонликларининг олдини олиб, усталик билан ҳаётига раҳна солиш лозим. Токи ҳукмдорларга бўйсунмаслик ва подшоҳ амрига қарши чиқишликка уриниш ҳалокатга олиб келиши барчага равшан бўлсин.

### Подшоҳлар раъйига қарши бормоқлик Қўлни ўз қонингга ювмоқ билан тенг.

Подшоҳ доно вазирининг маслаҳатларини маъқуллаб, Туяни олиб келишларини буюрди. Бу топшириқни бажаришни Тулкининг ўзи бўйнига олди. У айёрлик, меҳрибонлик ва маккорлик билан Туяни юганлаб, саройга етаклаб келди. Туя тахтда ўтирган Сичқонни кўриб ҳатто пинагини ҳам бузмади, Сичқонга бўйсуннишдан воз кечиб, келган жойига қайтиб кетди. Сичқон бу номаъқулчиликни ўз шаънига ҳақорат деб билиб, Тулкига деди:

— Эй доно вазир! Сенинг сўзларинг ва хатти-ҳаракатларинг бизга хайрихоҳлигинг ва ихлосингдан дарак беради. Аммо, ақл ва мулоҳаза билан иш туттишингга қарамасдан, ҳамма нарса сен ўйлагандек бўлиб чиқмади. Чунки менинг кичкина танам унинг ғашини келтирди. Ҳақиқатни дилдан сезганлар менинг руҳимнинг улғурлигига ишонч ҳосил қилишади. Фақат ташқи қиёфага қараб ҳукм чиқарадиганлар бундай бахтдан маҳрумдирлар. Анави нокас Туя марҳаматимизга муносиб иш тутмади. Уни подшоҳ қабулига таклиф қилишлик номақбул иш бўлди. Авваллари унинг кўнглида озми-кўпми хавф бор эди, энди эса бу хавф бирдан тарқалиб кетиб, кибр-ҳавога берилди. Бу нарса калтабин фитначилар учун бирлашишга баҳона бўлиши мумкин.

— Подшоҳимиз бундан хавотирмасинлар,— ишонтаришга уринди Тулки.— Гарчи у кучли, димоғдор ҳайвон бўлсаям, айтадилар-ку: «Ҳар бир новча аҳмоқ» деб. <sup>1</sup> Шунинг учун ҳам у ҳеч қачон ақл-идрок меваси мазасини тотиб кўрмаган. Ёш бола ҳам унинг тумшугидан ип ўтказиб, истаган томонига етаклай олади. Туянинг жуссаси қанчалик катта бўлмасин, у барибир кўрқоқ махлуқдир. Худо хоҳласа, мен тез орада уни подшоҳимизнинг хоҳишига бўйсундираман ва энг содиқ қўлларининг орасида тиз чўкишга мажбур қиламан.

Бу орада Туя кўкатларни бамайлихотир юлиб, яйловда хотиржам ўтлаб юрарди. Тулки эса ҳийлагарлик тузоғини ташлаб, пистирмадан туриб уни қулатишнинг қулай пайтини кутарди.

Кунлардан бир кун, энг ярамас иллат бўлган туғма хасислик туфайли Туя бўйини чўзиб, баланд дарахтнинг шохини юлиб кавшана бошлади. Аммо югани бутоққа илиниб, натижада бўйни чўзилганча қолди. Ҳадемай Туянинг тоқати тоқ бўлиб, ёрдам сўрай бошлади. Тулки буни эшитиб, ўша заҳоти подшоҳнинг ёнига чопиб борди-да, Туянинг мушкул аҳволга тушиб қолганлигини хабар қилди. Сичқон виқор билан дарахт ёнига келиб, Туяга таъна қила бошлади:

— Эй Туя,— деди Сичқон,— шундай тоза ва сўлим таомларни еб юрган пайтларинг, дарҳақиқат, ажойиб пайтлар эди!

Тулки ҳам Туяга танбех бера бошлади:

— Эй нодон! Бу — бўйсунмаганлигининг жазоси. Агарда подшоҳ жаноби олийларининг ҳукмронлигини тан олганинда, у зот паноҳининг соясида бўлганинда, бугун мана шундай ҳолатга гирифтор бўлмас эдинг. Энди тақдирга тан бериб, абадий уйқуга кетишдан бўлак иложинг қолмади.

Кўрқоқ Туя титраб-қақшаб, уларга ялина бошлади.

— Гарчи аввалига жиддий хатога йўл қўйган бўлсам ҳам,— деди у,— энди самимий уэрлар сўрайман, чин кўнгилдан бошимни ва ихтиёримни султонимизнинг хоки пойига қўяман ва соя давлатларидан паноҳ ахтараман. Олийжаноб подшоҳ гуноҳларимни маъзур тутсин, мени бу балолардан қутқариб, илтифотининг қанотлари остига олсин.

Сичқон улғурвор бир йўсинда Туянинг илтимосини бажо келтириб, шохга ўралиб кетган юган ипини чайнаб қизиб ташлади. Туя эса унга ташаккурлар айтиб, ҳамма нарсада ўша думи узун, бўйни қисқага итот қилишликка рози бўлди. Сичқон хурсанд бўлганидан терисига сиғмасди! У кундуз кунлари Туяга ўша яйловларда хотиржам ўтлаб юришга, кечкурунлари саройга келиб хизмат қилишликка рухсат берди.

Шундан кейин бир неча фурсат ўтди. Кунлардан бир кун Гилон ҳокимининг ўтинчилари ўрмонда бўш юрган Туяни учратиб қолишди. Уни ушлаб, ҳокимнинг подасига қўшиб қўйишди. Бундан Тулки хабар топиб, Сичқонга арз қилди. Инидан чиқмайдиган ботир бу гапдан ғазабга келди.

Эртаси кун, ўтинчилар ўтин йиғиш учун ўрмонга келишганда, Сичқон уларга деди:

— Илгарилари биз бир-биримизнинг пайимизни қирқмас эдик. Олий-жаноб ва улўф зотларга душманлик ҳаракатларини бошлаш, фитна чангини чиқариш ярашмайди. Ақл-идрок, беҳуда қон тўкилмаслиги учун Туямни менга қайтиб беришликларингизни

<sup>1</sup> Араб мақоли

тақозо қилади. Йўқ десаларинг, ўч олишимиздан эҳтиёт бўлиб, жангга ҳозирланинглар. Биз ҳечам талабларимиздан чекинмаймиз ва ўз ҳуқуқимиздан воз кечмаймиз.

Ўтинчилар Сичқоннинг дадил сўзларидан ҳайратга тушиб, эрмак учун Гилон ҳокимига бу тўғрида хабар беришди. Хоким қаҳ-қаҳ уриб кулди ва аъёнларига сичқоннинг сўзларини айтиб бериб, уларни ҳам кулдирди. Сичқон ҳокимнинг қилмишидан хабар топганидан кейин, Тулки билан маслаҳат қила бошлади.

— Менинг шоҳона иззат-нафсимга ҳокимнинг бунақанги менсимай муносабатда бўлишлиги муносиб эмас,— деди Сичқон.— Шунинг учун барча лашкарбошиларимни йиғиб, бу ишни бирдан бартараф қилишни маъқул деб ҳисоблайман. Қўлга қурол олиб, жангга кирамиз.

Вазир подшоҳнинг фикрига қўшилиб, унинг гапларини маъқуллади. Кейин барча лашкарбошиларни саройга чақиртирдилар. Оз фурсатда жаҳоннинг ҳамма ҳисобчилари ҳам санаб адо қила олмайдиган қўшин йиғилди.

Атроф сон-саноксиз сичқон галаларига тўлиб-тошиб кетди. Вазирнинг маслаҳатига кўра, аввалига душманнинг барча омборлари ва хазиналарини тешиб, ундаги мулкни олиб чиқишга ҳарор қилдилар. Сичқонлар бу ишни бирласда бажаришди. Оқибатда ҳоким хазинасида фақат тилка-пора бўлган қоплару кемирилган сандиқларгина қолди.

Барча омборлар вайрон қилинганидан кейин, Сичқон деди:

— Энди биз ақлли ва эпчил бир одамни топишимиз керак, токи у қўшинларимизга бошчилик қилиб, бошлаган ишимизни охирига етказсин.

Иш ўнгидан келиб, ўша пайтда бир камбағал йигит ака-ука ва қариндошлари билан туғилиб ўсган диёрини ташлаб, тирикчилик важдан бегона юртларга жўнаган эди. Унинг йўли худди мана шу ерларга тушиб, йигит олтин ёмбиларни ўйнаётган сичқонларни кўриб қолди. Бир парча нон учун ҳар нега тайёр йигит ёмбиларни тортиб олишга ҳарор қилди. Шу пайт сичқонлардан бири унга деди:

— Эй яхши йигит! Чираниб нима қиласан? Агарда сенга олтин керак бўлса, подшоҳимизнинг хизматига кир — улкан хазинага эга бўласан.

Йигит бу таклифни фалакнинг тўхфаси деб ҳисоблаб, сичқонлар подшоҳига хизматга кирди. Шоҳ ўнга катта маош белгилади, сўнг қўшинларни юришга ҳозирлашни ва уларни яхшилаб қуролантиришни буюрди.

Йигит ошна-оғайнларига мактублар жўнатди. «Бизнинг давримизда,— деб ёзди у,— тақдир одамларга муруват қилмай, уларга яхшиликни раво кўрмай қўйди. Агар зўр бойликлар ва хазиналарга эга бўлган сичқонлар подшоҳининг хизматига кирсангиз, ҳузур-ҳаловат ва бойликка эришингиз мумкин». Таъмагир ва хасис одамлар бу таклифни қўлай фурсат деб билиб, ҳар томондан йигитнинг ёнига шошилдилар. Ҳадемай, уруш олиб боришга қодир катта қўшин йиғилди.

Ниҳоят, сичқонлар подшоҳи ноғоралар чалишни буюрди ва Гилон ҳокимига қарши юриш бошлади. Гилон ҳокими эса, қулоғига пахта тиқиб олгандай, ҳеч нарсадан беҳабар эди. Ноғоралар садосидан кейингина қаттиқ уйқудан уйғонди. У амалдорлар ва лашкарбошиларни йиғиб, фитнани бостириш ва қўзғолон алангасини ўчириш чораларини маслаҳат қила бошлади:

— Гарчи кутилмаган воқеалар рўй берадиган бу оламда шунақа ишлар бўлиб турса ҳам,— деди у,— жудаям кулгили фалокат юз берди. Сичқонлар билан жанг қилишлик энсамни қотиряпти! Биз ҳамма нарсани яхшилаб муҳокама қилиб олишимиз ва ақл-идрок амрига бўйсуниб ҳаракат қилишимиз лозим.

— Душман ноғоралар чалиб, уруш эълон қилган экан,— дейишди маслаҳатчилар,— фақат битта чора бор, у ҳам бўлса — уруш оловини ёқиш!

Шундан кейин ҳоким қўшин тўплашга киришди, хазинанинг эшикларини очиб, лозим бўлган харажатларни сарфлашга буйруқ берди. Шу пайт унинг кўз олдида бўм-бўш қоплар намоён бўлди. Хазинада бирон чақаям қолмаган эди. Жангчиларга маошларини кейинчалик тўлашга ваъда қилишликка тўғри келди. Шундан кейин ҳоким, жанговар байроқларни кўтариб, қўшин билан бирга пойтахтдан чиқди.

Заррин қуёш мағрибда ўз уясига беркинганда, сичқонлар подшоҳи ҳужум бошлашни буюрди. Шундан кейин чумолилар ва ниначилар ҳар томондан ҳоким қароргоҳига ташландилар ва барча узангию тизгин, камон ипларию ноғоралар терисини ғажиб ташладилар.

Бу орада Гилон ҳокимига, душман қўшинлари подшоҳнинг буйруғи билан жанговар сафларга тизилганини, улар таълим кўрган қўшинлардай ҳужумга тайёр турганликларини хабар қилишди. Гилон ҳокими ҳам лашкарбоши ва ботирларига қўшинларни тўплаб, сафга тортишликни буюрди. Чавандозлар энди отларига минаман деган эдилар, эгар-жабдуқлар парча-парча бўлиб кетганини, яроғ-аслақалар ишдан чиққанини кўрдилар. Шунда сичқонлар подшоҳининг қўшинлари мардонавор жангга ташландилар, ўткир қиличларининг зарбаси билан барчани ағдар-тўнтар қилдилар. Хуллас, ҳамма нарсани ўлжа олдилар. Қилич домидан омон қолганлар шармандаларча жуфтак ростладилар.

Гилон ҳокими алам ўтида куя-куя жанг майдонини ташлаб чиқди, душманга барча от-арава, чодирю ва гиламларни қолдириб, ёв ҳужум қилолмайдиган қалъага бекиниб олди.

Шоҳона чавандоз машриқдаги пойтахтдан йўлга тушиб, борлиқ оламни забт қилишлик учун олтин қиличи билан осмонда жавлон урганда, Гилон ҳокими душманни қирон солмасликка қаҳириб, ожизона илтимос билан элчилар юборди. Сичқонлар подшоҳи, қанчалик ожиз ва разил бўлмасин, туҳфалардан воз кечиб, ўзини олийҳиммат ва олийжаноб подшоҳ қилиб кўрсатишга қарор қилди.

— Биз мамлакатингизни забт этиш учун жанг қилганимиз йўқ. Биз фақат Туямизни қайтиб беришингизни талаб қиламиз, ҳолос.

Гилон ҳокими бундай жавобни Худонинг марҳамат деб ҳисоблаб, минг турфа тавба-тазаррулар билан, Туянинг эгар-жабдуғини садаф ва бўлак қимматбаҳо тошлар билан безаб, бўйнига тилло кўнғироқлар осиб Сичқонлар подшоҳига жўнатди. Сичқонлар подшоҳи эса, ўз ватанига ғалаба билан қайтиб келиб, қўшинларга жавоб берди. Туяга эркинликда юриш ҳақида ёрлик бериб, аввалгидек озод ўтлаб юришни буюрди. Шундай ажойиб ғалабани кўлга киритгач, Сичқонлар подшоҳи, гарчанд жуссаси кичкина бўлса-да, бошини мағрурлик кўкига кўтарди, кибр-ҳавоси ошиб, оламдаги бирорта мушукни назар-писанд қилмай қўйди.

Агарда Гилон ҳокими сичқонлар подшоҳини назарига илиб, унинг душманлик қилаётганлигига ҳақмият бериб, аввалдан яхшилаб душманга қарши туришга қарор қилганида, кўзғолан алангасини осонгина бостирган бўларди. Қолаверса, қурол ишлатмасдан, битта туядан кечиб, жанжални тинчлик билан ҳал қилишим мумкин эди. Ҳар қалай, ё унисини, ё бунисини қилганда, унинг учун яхши бўларди. Бундай фалокатни даф қилишлик ва осойишта яшашлик учун унга фақат туя билан мушук керак эди. Аммо ҳоким ақл-идроқ йўлидан бормаи, доноларнинг: «Душманинг зиғирча бўлсаям, унга бепарво бўлма», деган сузларига амал қилмади. Мағрурлик ва кибр-ҳавога берилиб, натижада ачинарли аҳволга тушиб қолди.

— Учинчидан,— деб, панд-насиҳатларини давом эттирди Шорик,— сиру-асрор пардасини хотинлар олдида кўтариб бўлмади. Акс ҳолда, анаву савдогар йигитдек, балога гирифторм бўласан.

— Савдогар йигит билан қандай воқеа рўй берган?— сўради Жаҳондор.

Шорик ҳикоя қила бошлади.

### Ҳикоят

Ривоят қилишларича, Ҳиндистоннинг бир шаҳрида савдогар яшар экан. Савдогарнинг ўспирин ўғли бор экан. Кунлардан бир кун, ўғил балоғат ёшига етганидан кейин, отаси билан суҳбатлашиб ўтириб, ўзини тутолмай, одоб ва ҳурмат чегарасидан чиқибди — отасига кўпол ва дағал жавоб берибди. Ўғлининг бу қилмишидан ота дарғазаб бўлиб, уни уйдан ҳайдаб солибди. Йигитлик мағрурлиги устун келиб, отасининг ўйини ташлаб кетибди. У қаландарлар жандасини кийиб, узоқ ва машаққатли йўллар сари юзланибди, ёруғ жаҳонни дарбадар кезишликка тушибди. Аммо биринчи куниеқ манзилга етолмай, ҳориб-чарчаб йўлда қолиб кетибди. Тинкаси қуриганлигидан кўл ёқасидаги дарахт остига ёнбошлаб, шу хилват жойда тонг оттирмоқчи бўлибди. Кечки пайт, қуёш осмон гумбазини айланиб ўтиб, мағрибга бош қўяётганида кўл бўйига осмондан тўртта кабутар учиб келиб қўнибди. Булар кабутарлар бўлмасдан, қушлар қиёфасидаги парилар эди. Дам ўтмай улар кабутар либосини ечиб, ҳақиқий қиёфаларига киришибди. Кейин кийимларини кўл ёқасида қолдириб сувга тушиб, бир-бирларига сув сепишиб ўйнашибди. Уларга кўзи тушган йигит оҳиста ўрнидан туриб, париларнинг кийимларини йиғиштириб, дарахт қавагига яшириниб олибди.

Бироз фурсатдан кейин парилар сувдан чиқиб, кийимларини тополмай саросимага тушиб, таажжуб билан кўл ёқасида у ёқдан-бу ёққа чопабошладилар. Ниҳоят, дарахт қавагига беркинган йигитни кўриб қолдилар. Парилар мулоимлик билан кийимларини қайтиб беришликни илтимос қилдилар. Йигит бунга кўнмади.

— Истагим амалга ошмагунча,— деди йигит,— илтимосларингни бажаролмайман.

— Агарда илтимосингиз бизларга боғлиқ бўлса,— деб ишонтира бошлашди парилар,— имкониятимиз борича ёрдам қиламиз.

— Илтимосим шундан иборат,— деди йигит.— Ораларингдан битталаринг менинг хоҳишимча, чин кўнгилдан мени эрим десин ва абадул-абад меники бўлсин.

— Эй йигит!— дейишди парилар,— Қодир Холиқ бизни оловдан яратган, сени эса — сув ва тупроқдан. Шундай экан, қандай қилиб бизнинг ораимизда мослик бўлиши мумкин? Қандай қилиб олов ва тупроқдан яратилганлар эру хотин бўла оладилар? Бу бўлмағур истагингдан воз кеч, ақлингни пуч хаёллар билан банд қилма. Бу нарса барибир амалга ошмайди.

Аммо йигит уларнинг сўзларига эътибор қилмай, айтганида туриб олди. Парилар орасидан ёшроқ ва чиройлироғини танлаб, деди:

— Мана шуни менга берсаларинг, кийимларингни қайтариб бераман.

Париларнинг бўлак иложи қолмай, дугоналари билан хайр-маъзур қилдилар. Шундан кейин, дугоналаридан ажраб, бўлак тоифадаги махлуқ билан яшашликдан эс-ҳушини йўқотган ёш пари кўз ёши қилди, қолганлари эса унга таскин бериб, юпата бошладилар.

— Афтидан,— дейишди улар,— тақдир лавҳида сенга шундай қисмат ёзилган бўлса керак. Энди бўлак иложинг йўқ, биз ҳеч қанақа ёрдам беролмаймиз. Агарда йигит ҳаммамизни асир олгудай бўлса, бундан сенга нима фойда?

Йигит париларга кийимларини қайтариб берди. Гўзал парини эса ўз ёнида қолдирди. Туннинг қора шойи пардаси тушганда, йигит парини отасининг уйига олиб келиб, уни қимматбахо зийнатли либосларга ўраб, ҳар хил жавоҳирлар тақиб, пари билан ўтказган умрини бахтли умр деб ҳисоблади. Кечаю-кундуз йигит унга далда берар, бир зум ҳам жамолидан кўзини узаолмас эди. Парига бўлган муҳаббатидан масту-аласт бўлган йигит бўлак ҳамма ишларини йиғиштириб, у билан танҳо қолиб тинмай бахтиёрлик майларини ичар ва парининг гўзаллик гулшанидан орзу-ҳавас гулларини узар эди. Булбулга ўхшаб завқ билан ишқий тароналар куйлар ва қуйидаги байтни доим ўқигани-ўқиган эди:

**Соқий, жомимизни тўлат бода нури билан,  
Мутриб, куйла, жаҳон севинчи этди насиб.**

Вақт ўтиши билан пари йигитнинг суҳбатига кўникиб, унга ўрганиб қолди. Кейинчалик, яна маълум фурсат ўтиб болалар туғиб берди, эридан нари кетмайдиган бўлиб, уйдаги аёллар ва қўни-қўшнилар билан иноқлашиб кетди, рўзгор ишлари билан ўзида йўқ суюниб шуғуллана бошлади. Шундан кейин эри ундан шубҳа қилмай, оиланинг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилди.

Ун йилча фурсат ўтгандан сўнг, савдогар йигит бор-йўғидан айрилиб, мушкул аҳволга тушиб қолди. Тирикчилик учун маълум маблағ тўплаш ниятида, ул-булларини йиғиштириб, узоқ мамлакатларга жўнашга мажбур бўлди. Хотинидан жудоликка кўниб, уни таниш бир кекса энагага ишониб топширди. Унга парининг кийимларини қаерга яшириб қўйганлигини айтди. Хотинидан бохабар бўлишликни ва эҳтиёт чораларини кўриб қўйишликни уқтириб, насибасини топиш ниятида, хавф-хатарга тўла узоқ мамлакатларга қараб жўнади.

Пари эри жўнаб кетгандан кейин ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб, эридан ажралиб қолганлигини ҳаммага зорланиб гапирарди. Энага унинг гапларига ишониб, таскин бериб деди:

— Сенинг офтобжамол чеҳранг ғам-ғуссадан сўлмасин, алам қайғусида парвонадек дилингни куйдирма, сабр қил. Ҳадемай зулматли ҳижрон тунни тугаб, севганинг билан учрашув тонги отади.

Кунлардан бир кун пари чўмилиб бўлиб, муаттар сочларини тараётган эди, энага унинг мафтункор чиройидан завқланиб, мақтай кетди.

— Эй энага,— жавоб қилди пари,— агарда ҳозир сенга чиройли кўринаётган эканман, мабодо ҳақиқий либосимни кийсам, унда мен инсонларга хос бўлмаган нечоғлик гўзаллик касб қилар эдимки! Сенга маълум бўлсинки, биз парилар Оллоҳнинг яратганлари ичида энг мукамалимиз. Агарда Холиқнинг ажойиб санъатини кўришни истасанг, эрим яшириб қўйган кийимларимни олиб кел. Фақат бир зумга кийиниб, оламда ҳанузгача бирорта инсон кўзи тушмаган гўзалликни сенга кўрсатаман.

Бундай сўзларни эшитиб, ақли кўтоҳ энага, ақлнинг энг зарур шарбатларидан бири ҳисобланган эҳтиёткорликни қўлидан чиқариб юборди. Уша заҳоти парининг кийимларини олиб келиб берди. Пари ҳақиқий кийимларини кийиб, озод кушдек қанотларини ростлаб, парвоз қилди. У ҳамма билан хайрлашиб, узоқларга учиб кетди. Энага бошига ерга уриб фарёд қилиб йиғлади, лекин фойдаси бўлмади. Чунки тузоқдан бўшалган куш қафасига қайтиб келмади.

Эр сафардан келиб, уйига кирганда, орзиққан гулини топа-олмади. Куйган парвонадек, ҳолдан кетиб телбанамо бўлиб қолди. Бу дунёнинг барча роҳатларидан маҳрум бўлиб, эс-ҳушини йўқотди.

— Ҳеч шубҳасиз, — ҳикоясини тамомлади Шорик, — агарда савдогар йигит энагага сир-гавҳарини ишонмаганда, агарда у энагани огоҳ қилмаганда, ўз бахтини ер билан яқсон этмас, шундай улўф бахтни қўлидан бой бериб, ғам-ғусса саҳросида саргардон бўлмас эди.

— Тўртинчидан, — деди Шорик, яна, — агарда сен бирортага зарар етказган бўлсанг, қасос ва ўч олишдан ўзингни эҳтиёт қил. Акс ҳолда, анави ёш ўғрининг қуни бошинга тушади.

— Ёш ўғри билан қандай воқеа рўй берган экан? — сўради Жаҳондор.  
Шорик ҳикоя қила бошлади.

#### Ҳикоят

Гапга уста мусаввирлар ва сўз наққошлари ушбу қизиқ ҳикояни нозик ифодаларда шундай баён қиладилар. Бор экану йўқ экан, бир мамлакатнинг подшоҳи бўлган экан. Зарра куёш нурида ўзини кўз-кўз қилганидек, подшоҳ ҳам дуру жавоҳирларга меҳр қўйган экан. Рум ёқутини кўрганда райҳоний шароб ичгандек масту аласт бўлар, лаъл, дур гавҳарларни гўзалларнинг лабидан аъло кўрар экан. Подшоҳ тўплаган дур-жавоҳирларини доимо ёнида тутар, уларнинг товланишига боқиб ҳузур қилар экан. Ҳазина-

чилар подшоҳга хазинадан дур-жавоҳирларни олиб келишга зўрға улгурар эканлар. Улар калтафаҳмликлари тўфайли подшоҳнинг кўнглини овлаётмас, оқибатда сусткашликлари тўфайли ҳамиша ғазабга дучор бўлар эканлар. Ниҳоят, подшоҳ истаги зудлик билан бажарилишини ўйлаб, ўз ҳунарининг сир у асрорларини яхши билган сеҳргар заргарларга тиллодан нафис ва чиройли балиқ ясашни буюрибди. Подшоҳ балиққа хазинасидаги энг аъло ва қимматбаҳо дуру гавҳарлардан нақш бердиририб, денгиз ва конлар инъомининг шуҳратини оширгиси келибди. Заргарлар ясаган балиқ бебаҳо хазина бўлибди. Оламдаги барча кишилар олтин балиқнинг беқиёс чиройига донг қолишар, денгиз сувлари унинг кўркидан уялиб, соҳилдаги қумларга сингиб кетар, олмос парчалари унинг олдида арзимас тупроққа айланар экан; ҳатто Кавсар ва Таснимдаги балиқлар ҳам қул бўлишдан бошқага арзимас эмиш. Бу ажойиб олтин балиқ, боқийлигидан Хизр чашмасига муҳтож эмас эди.

Тез орада бу балиқнинг довуғи, подшоҳнинг жангдаги ғалабаларининг шуҳратидек, ҳамма ёққа тарқалибди. Бундан бир моҳир ва эпчил ўғри ҳам хабардор бўлибди. У осмоннинг олтин қуёшиниям ўғирлай олар, чиғаноғида қотиб улгурмаган марваридларни дарров гумдон қилар, осмон уммонида сузиб юрган балиқнияма қармоқсиз, бармоқлари билан осонгина тутиб оларди. У подшоҳнинг балиғини ўғирлашни кўнглига тугиб, шу йўсинда ўғрилик санъатида олий даражага эришишни ўзига мақсад қилиб қўйибди.

Ўғри бор имкониятини ишга солибди. У подшоҳ саройининг деворларини яхшилаб кўздан кечириб, қаердан кириб-чиқишни чамалаб, сўнг фурсат етишини кута бошлабди.

Осмоннинг олтин балиғи мағрибдаги сув ҳавзасига тушганида, тун уфққа зулмат пардасини ёйганида, машҳур ўғри керакли анжомларини олиб сарой ёнига келибди-да, унинг атрофида айлана бошлабди. Аввалига соқчиларнинг хушёрлигини синаб кўрибди. Ҳар томондан уларнинг товушлари эшитиларди. Шундан кейин у, яна фурсат кутиб, бир чеккага бориб ўтирибди. Ниҳоят, ярим кеча бўлиб, вақт туннинг сочларига шабнам безакларини ташлабди, соқчилар эса совуқ ўтиб, бошларига чарм ёпинчиғларини ёпинибдилар. Улар гоҳ мудраб, гоҳ сергак тортиб, хумдан чиққандек бўғиқ, уйқули овозда вақти-вақти билан бир-бирларини чақириб туришаркан. Шунда ўғри эҳтиёткорлик билан, илонга ўхшаб қорни билан судралиб сарой деворига яқинлашибди. Гўзалларнинг зулфидек бурама арқонни юқорига ирғитиб, дорвозларга ўхшаб юқорига кўтарилибди. Кейин шу алфозда подшоҳ ётган хонага тушибди. Подшоҳ тахтда ёнбошлаб ухлар эди. Унинг ёнида содиқ соқчидай, шам ёниб турарди. Ажойиб балиқ эса, подшоҳнинг ёстиғи тағида ётарди. Бир париваш канизак гул япроғидек нозик қўллари билан подшоҳнинг оёқларини силарди. Ўғри билдирмасдан подшоҳ хонасига кириб, парда орқасига яшириниб, канизакнинг уйқуга кетишини пойлади. Ниҳоят, канизак тахт пойида бошини тиззасига қўйиб ухлаб қолди. Ўғри эса, унинг бошидаги чойшабни оҳиста тортиб олиб, ўзининг бошига ёпинди ва подшоҳнинг оёқларини силаб бошлади. Бирпасдан кейин шох ёнбошига ағдарилиб қолди. Шу пайт ўғри чаққонлик билан ёстиқнинг тағидаги олтин балиқни олиб, қандай келган бўлса, шундай саройдан чиқиб кетди.

Балиқ катта бўлганлигидан, уни қўлтиққа қистириб кетиб бўлмасди. Шаҳар дарвозалари эса кечаси ёпиқ бўлади. Ўғри ўзича ўйлади: «Бу пайтда, ўғриларнинг ва тун бўйи ибодатда бўлган тақводорларнинг бахтига тун қора чойшабини ёйганда, бирор қарорга келмай шаҳарда қолишди ўз хоҳиши билан тузоққа илинишдай гап. Подшоҳ балиқнинг йўқолганини билган заҳоти ҳаммаёқни тинтув қилишни буюради. Унда ҳеч қанақа эҳтиёткорлик фойда бермайди, балиқ эса мен учун қопқонга айланади. Тонг отиб, кун чиққанда эса, шаҳар дарвозаларини очишади. Бундай пайтда, жаҳонга довуғи кетган балиқни ҳамманинг кўз олдида олиб чиқиб кетиш ақлдан эмас.» Шундай ўй-хаёллардан кейин ўғри айёрлик қилмоқчи бўлди. Канизакнинг чойшабига балиқни ўраб, гўё чақалоқ кўтариб олгандай қиёфага кирди. Кейин гул дўконидан бир даста гул ўғирлаб тугунчанинг устига қўйди-да, бошига оғир мусибат тушган кишидан зор-зор йиғлаб, шаҳар дарвозалари томон юрди.

— Сен кимсан? — деб сўрашди соқчилар. — Бемаҳал бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Мен бечора ва бахтиқаро одамман, — жавоб берди ўғри, йиғлаган кўйи. — Мени тақдир ва фалакнинг ноҳақ жабр-зулми куйдириб қул қилди. Тўтиқушдек гапга чечан бир ўғлим бор эди. Унинг булбулдек сайраши фақир кулбамни чаманзорга айлантларар, бундан орзу-умидларим қизил гулдек яшнаб кетарди. Бугун кечаси у чечак касалидан ҳалок бўлибди, мени абадий ғам-аламга гирифтор қилиб, ғам-ғуссадан вайрон этиб кетди. Шаҳримиздаги урф-одат буйича уни кўмишга қурбим етмайди. Душманларнинг таъналаридан, дўстларининг маломатларидан уялман. Шунинг учун бугун тундаёқ боламни кўймоқчиман, уни қабрга бешикка белагандай жойлаштирмоқчиман, токи қариндош-уруғларим бечоралигимни билиб қолишмасин, гина-кудуратлари билан дилимнинг яраларини чаёндек қақишмасин. Агарда шундай қилишса, айниқса душманларим мазах қилишса ва ич-ичидан севинишса, дардим янада оғирлашади.

Бунга жавобан феъли ниҳоятда ярамас бир соқчи итдек бобиллаб берди:

— Сендек бадбахтга соқчилар бошлиғининг рухсатисиз дарвозаларни ярим кечада



очиб бўлмайди! Шу ерда эрталабгача кут, беҳуда бақириб йиғлама, ҳаловатимни бузма. Ҳа, майли, калтак егинг келган бўлса, йиғлайвер.

Ўғри чуқур хўрсиниб, бир чеккага ўтириб, янада баттарроқ йиғлай бошлади. Соқчилар уни ҳақорат қилиб сўка бошлаган эди, айёр ўғри уларга ялинишга тушди.

— Эй беғамлик соҳилида юки енгил одамлар! — деди у. — Ғам-ғусса ва бахтиқаролик жарига қулаган бир бечорага раҳмларинг келсин. Дилида қайғу-ҳасрат алами бўлган шўрпешоналарнинг оху фиғонидан кўрқинглар.

Соқчилар шаҳар дарвозасини очиб бермагунча бундан қутулиб бўлмаслигини, фақат шундай қилсаларгина унинг дод-фарёидан қутулишларини тушундилар. Шундан кейин ноилж дарвозаларни очиб, ўғрини шаҳардан қувиб чиқардилар.

Шаҳарда эса, бир фоҳиша аёл билан ишқий алоқаларда бўлган бошқа бир эпчил ўғри бор эди. Уша кечаси у бедор бўлиб, биринчи ўғрининг ёлғондакам зор-зор йиғлашларини эшитиб, гап нимадалигини дарров фаҳмлади. У ўйлаб ўтирмасдан биринчи ўғрининг кетидан қувлаб келиб, дарвозаларни беркитгунларича у ерга етиб борди.

— Нима ишинг бор? — деб сўрашди соқчилар. — Не сабабдан шундай бемаҳалда шаҳардан чиқмоқчисан?

— Ҳозиргина дарвозадан чиққан одам-менинг акам, — деди у. — Тўтиларни гапга чечанликка ўргатган унинг ўғли, отасини ғам-аламда қолдириб, бу дунёни тарк қилиб, абадий дунёга жўнади. Мен акамнинг кетидан бориб, ўғлини кўмишга ёрдамлашмоқчиман.

Шундай уйдирма гап билан у ҳам шаҳардан чиқиб, биринчи ўғрининг кетидан чопди. Биринчи ўғри тўппа-тўғри учта осилиб турган дорнинг ёнига жўнади. Дорлардан биттаси бўш эди. Ўғри дордан нари бир неча қадам ўлчаб, у ерни кавлаб олтин балиқни кўмди ва дор остидаги қонга беланган бир тошни олиб, кейинчалик қийналиб ахтариб юрмаслик учун уни балиқни кўмган жойга қўйди. Иккинчи ўғри эса, бу вақтда бўш дорга чиқиб осилиб олди. Биринчи ўғри олтин балиқни кўмиб бўлганидан кейин, эҳтиёт юзасидан яна дор остига келди. Бу сафар дорда тўртта одам осиглиқ турар эди. Ўғри бундан ниҳоятда таажжубга тушди. «Ахир ҳозиргина битта дор бўш эди, — ўйлади у. — Қандай қилиб осилганлар тўртта бўлиб қолдйкин? Балки адашгандирман? Ёки эсим оғиб қолдимикин?» Ўғри таажжубга тушиб, нима гаплигини текшириб кўрмоқчи бўлди. У осилганларнинг ҳаммаси ўликмикин, бирортаси нафас олмайтимикин деб қўлини уларнинг кўкраги ва бурнига тегизиб кўрди. Тўрттала осилганлар бир-биридан ҳечам фарқ қилмас эди. Ўғри аввалгидан кўра кўпроқ таажжубга тушиб, донг қотиб қолди. Кейин яна шубҳали дорга яқинлашиб, унда осилганнинг бурнидан маҳкам тутди-да нафас олди-юрмаслик учун анча вақт ушлаб турди. Аммо иккинчи ўғри узоқ вақт нафас олмасликка ўрганган эди. Биринчи ўғри барча имкониятларни синаб кўриб, ниҳоят, сўнгги чорани қўлламоқчи бўлди. «Сўнгги даво — куйдириш, охириги ҳийла — қилич солишлик»<sup>1</sup> деган ҳикматга амал қилиб, ханжарини яланғочлади-да, осилиб турганининг юзини тилим-тилим қилиб ташлади. Муғомбир иккинчи ўғри бунга ҳам чидади. Шундан кейин биринчи ўғрининг шубҳалари тумандек тарқалди ва ўз йўлига кетди.

Иккинчи ўғри эса дордан тушиб, афсонавий олтин балиқни ердан қовлаб олди. Узининг эпчиллиги ва зеҳни ўткирлигидан мағрурланиб, бир чеккага чиқиб юзидаги жароҳатларни боғлади. Кун чиқиб оламни мунаввар қилганда шаҳарга кириб, ўйнашининг ёнига жўнади. Хушторининг жароҳатларига кўзи тушган фоҳиша ўғридан бунинг сабабини сўрай бошлади. Аммо ўғри эҳтиёткорликни сақлаб, сирини фош қилмади.

— Буни суриштиришнинг нима кераги бор? — деди у. — Яхшиси табибни қақиртириб кел, яраларимни боғлаб қўйсин.

Фоҳиша ўзига ўхшаш бир неча бузуқ аёлларни чорлади-да:

— Сизлар кўпдан бери шу ҳунар билан кун кечирасизлар, — деб уларга мурожаат қилди. — Жазманларингиз орасида борорта ҳозиқ табиб йўқми?

Бир аёл деди:

— Менинг ёнимга яраларни даволашга уста бир табиб келиб туради. Ҳар кеча у менинг иштиёқларим жароҳатига умид малҳамини кўяди ва руҳ яраларини даволайди.

Хотин хизматкор аёлдан ҳамма нарсани яхшилаб суриштириб, кейин тезда табибни олиб келишни буюрди. Табиб ўғрининг яраларини кўриб, унинг матонати ва бардошига қойил қолди ва уни даволай бошлади.

Подшоҳ ҳарамидан балиқни ўғирлаган ўғри эса, бир неча кундан кейин ўлжаси жойида турганлигини билмоқ ниятида ўша жойга бориб қараса, ишлар дабдала! Унинг бутун меҳнатлари зое кетибди! Дордаги юзи тилкаланган осий кўздан ғойиб бўлибди. Ўғри оҳ-воҳ чекиб, қайтиб келди. Чархи кажрафторнинг зулмидан уч букилиб, ғам-аламдан титраб-қақшаб, бир чеккага бориб бошини тиззасига қўйиб ўтирди.

Шу пайт бехос жарчининг овози эшитилди. Жарчи подшоҳ саройидан бебаҳо балиқ ўғирланганлигини, уни топган кишига улуғ марҳаматлар кўрсатилиб, беҳисоб мукофотлар берилишини хабар қилар эди. Шўрлик ўғри жойидан кўзгалиб, подшоҳ саройига қараб чопди. Посбонлар бошлиғидан саройга киришга руҳсат беришини ялиниб-ёлво-

<sup>1</sup> Араб мақоли

риб илтимос қилди. Саройга киргандан кейин аввалига подшоҳдан узр сўраб, кейин бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.

— Аблахнинг юзидаги жароҳатлари, — деди ўғри, — асосий далил бўлиб, ўша эпчил фирибгарни тутишга ёрдам беради. Ўғрини тутишликка ҳеч ким халақит бермаслиги учун, подшоҳимиз фармон чиқарсинлар.

Шоҳ унга посбонлар бошлиғини ёрдамчи қилиб бериб, айтилган фармонга имзо чеқди.

Ўғри шаҳар айланиб, барча ҳовлилар ва жинкўчаларга кириб, шаҳар табибларидан кимни даволаётганликларини суриштира бошлади. Ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида ҳалиги табиб орқасидан фоҳишанинг уйига кириб, худди подшоҳлардек, оёқларини чалмаштириб бемалол ястаниб ётган, тўхтамай шароб ичаётган осийга кўзи тушди. Унинг юзидаги яралари битай деб қолган эди. Биринчи ўғри иккинчисини узоқдан кўрибоқ уни мақтай кетди.

— Сендек моҳир ва эпчил ўғрига тасаннолар бўлсин, — деди у. — Бу дунёда сендек истеъдодли одам туғилган эмас. Қисмат ҳеч қачон бундай эпчил ва комил фирибгарни кўрмаган. Бу дунёда ўғрилиқ ҳунари сен туфайли юксак шуҳрат ва камолотга эришди. Дарқақиқат, маҳорат ижрочи билан камол топади! Энди ўрнингдан тур, шаҳаншоҳ саройига қадам ранжида қил, чунки олампаҳо сенинг илтифотингга мунтазир!

Бу фирибгар эса, рост гапиришдан бўлак йўл қолмаганилигини фаҳмлаб, деди:

— Алҳамдулиллоҳ, барча ўғриларга ўғрилиқ касбидан дарс берувчи, юлдузни бенарвон урувчи сендек машҳур ва эпчил ўғрининг мақтовига сазовор бўлдим. Инсоф юзасидан иззат-нафсимни ерга урмадинг. Шундай экан, бахту иқболим ва толеим гуллаб-яшнасин. Аммо, олийҳимматлик ва олийжаноблик, мени тинч қўйиб, то яраларим битгунча меҳр-шафқат кўрсатишингни тақозо қилади. Улуғ зотлар шундай қилган бўлардилар. У вақтда мен бахт юлдузимнинг амри ва сенинг топширигинг билан, кўнгли дарёдек саҳий подшоҳга балиқни элтиб топширган бўлардим. Аммо сен одамгарчилик қилмай, тўғрироғи аҳмоқона иш тутганлигинг туфайли, таклифингга кўнишдан бўлак иложим йўқ. Афтидан, қонхўр қисмат ҳаётимнинг гавҳарини қилич билан чопиб ташлашга қасд қилган бўлса керак. Ўғирлик касбида барчадан устун келганлигим учун мени дор кутаётган кўринади.

Шу гапларни айтгач, у ўрнидан туриб, ўлимини бўйнига олиб шоҳ ёнига жўнади, ҳаётининг балиғи ўзининг қонида сузиб кетди.

Ақл-идрок билан иш тутувчилар ва одамлар орасидаги муносабатнинг баланд-пастини синов тоши билан ўлчаб, ҳақиқатнинг асл маъносига етганлар яхши биладиларки, агарда иккинчи ўғри биринчисининг қасосига учрамаганида, хилватроқ жойга яшириниб олганда, ҳаёт ипи узилмаган бўлур эди.

**Нажот топмайсан офатдан, ёмонлик билан,  
Азалданки, бирдай — муқаррар қасос.**

## ТЎТИ ҚАЙТИБ КЕЛИБ, ЖАҲОНДОРНИ МАҚСАД САРИ ЕТАКЛАЙДИ.

Ишнинг кўзини билган одам қулини қийнамай, унинг истакларини бажо келтиради, мақсадга етишликнинг чора-тадбирларини ўйлаб қўяди. Бошқача айтганда, тўти ғурбат кунжида ғам-ғуссага берилиб ўтирган Жаҳондор билан хайрлашаётгани чоғ, олийжаноб ҳис-туйғуларга берилиб, султоннинг истагини амалга ошириш ниятида қанот қоққан эди. У жаннатнинг ҳам рашик келадиган бир чаманзорга келиб қўнди. Бу ерда бир ака-ука яшар эди. Улар баҳслашиб қолиб, «бегона одам келса, мушкулингни осон қилади» деган нақлга амал қилиб учинчи одамни кутишарди. Гап шундаки, ака-укаларнинг отаси тўртта нарсани уларга мерос қолдирган, буларни тақсимлашда баҳслашиб қолган эдилар. Мерос эски ямоқ челақ, зигирпоядан ишланган ёстиқ, қаландарларнинг ёғоч косаси ва ёғоч ковуш бўлиб, гарчи бу буюмларнинг нархи арзон эса-да, аслида Ҳоруннинг Ҳисрав Парвезнинг хазиналарига татир эди. Анави тешик челақ ҳар дақиқада истаган миқдорда, жаҳоннинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариладиган энг асл матолар, хушбўй атир-упалар ва қимматбаҳо нарсаларни, ёстиқ чуқур денгизлар қаъридангина топиш мумкин бўлган конлардан қидириб топиладиган энг нодир марваридлар ва қимматбаҳо тошларни ёғоч коса султонларнинг дастурхонини безайдиган энг лаззатли таомлар ва ичимликларни ҳадя этар, ковуш эса, Сулаймон алайҳиссалом тахтининг баайни ўзи бўлиб, уни кийган одамзод машриқдан мағрибгача бўлган масофани бир зумда учиб ўтар эди.

Тўтига айтиб беришганда, у жудаям хурсанд бўлиб кетди, шодлигидан қанотларини ростлаб, бир зумда шаҳзоданинг ёнига учиб келди ва вақеани ҳикоя қилиб берди.

— Энди, — деди тўти, — азоб-уқубатга тўла узундан-узоқ йўл босишининг керак бўлса ҳам, таърифлаш қийин бўлган ўша тўртта нарсани ака-укаларнинг қўлидан олишинг лозим. Сенинг мартабангдаги одамга ярашмас ҳам, гарчи бу иш шариятга хилоф бўлса ҳам, бари-бир Оллоҳдан бу оламга марҳамат юзасидан, фақат бизнинг зарур

ҳожатларимизни чиқариш учун юборилган кутилмаган яхшилиқни қўлдан чиқариш-лик ақлдан эмас.

Шаҳзода ғам-аламдан хумдаги шаробдек қайнаб тошган эди. Шунинг учун ўйлаб-нетмай, тўти кўрсатган йўлга равона бўлди. Уч кечаю уч кундузда ўша жойга етди. Ака-укалар шаҳзодани сабрсизлик билан кутишар эди. Улар ўз мушкулларини баён қилганларидан сўнг, шаҳзода бир неча фурсат ўйга толиб, кейин деди:

— Дўстларим! Мен ёйдан иккита ўқ узаман, биттасини машриқ томонга, иккинчисини мағрибга. Сизлар ўқлар кетидан чопасизлар. Биринчи бўлиб қайтиб келган ўзи танлаган иккита нарсани олади, иккинчи бўлиб келган эса, қолганини олади.

Ака-укалар бу гапга рози бўлиб, худди ўзлари ёйдан узилган ўқдек, икки томонга елиб кетишди. Шаҳзода эса фурсатни бой бермай, челақни қўлига олиб, ёстиқни елкасига ташлаб, косани белига боғлаб, ковушни кийиб, тўппа-тўғри Баҳраварбону яшайдиган Мину-Савод шаҳрига қараб жўнади. Энг машаққатли ишларни ҳам осон бажо айловчи қодир Холиқнинг инояти билан, у қийналмай-нетмай бир зумда бир неча минг фарсанг йўл юриб, кўз очиб юмгунча Мину-Савод шаҳрининг дарвозалари ёнига келиб қолди.

#### ЖАҲОНДОР СУЛТОН ХОКИСОРЛИК ЛИБОСИДА БАХРАВАРБОНУ ОТАСИНING САРОЙИГА КИРИБ КЕЛАДИ.

Жаҳондор дарвеш либосида жаннатмонанд шаҳарнинг дарвозалари ёнига етиб келиб, ичкарига кирмоқчи бўлганда, шоҳ посбонлари уни ушлаб саройга олиб келишди. Бу бахтиёр мамлакатда бир одам бор эди: бегона юртлардан бирор одам келса, гарчи у Фаридун бўлса ҳам, аввал уни подшоҳ саройига олиб боришарди. Сермулоҳаза шоҳ, ишқ-муҳаббат майдонида оғишмай йўл босиб келаётган Жаҳондорнинг манглайига назар солиб, «мусофир гарчи жанда кийиб олган бўлса ҳам гадо эмас», деган қарорга келди ва таажжубга тушиб сўради:

— Эй ўхшаши йўқ қаландар, бизнинг юртимизга қаердан келдинг? Не сабабдан бу томонларга қадам ранжида қилдинг?

Шаҳзода сўзларга оро бериб, бу мажлисни қойил қолдириш ниятида, хушхулқлик билан жавоб берди:

— Мен, — деди у, — жаннатнинг рашки келадиган Ҳиндустон мамлакатининг якка-ёлғиз тахт ворисиман. Меҳр ва ҳузур-ҳаловат паноҳида камол парвариш топганман. Аммо, барча ишларимиз тақдир тақозосига боғлиқ бўлганлигидан, қисмат иродаси ва юрак амри билан, эзгуликни ҳада қилувчи мана шу остонага хизмат илинжида бош урмакни ихтиёр қилдим. Хаёлимга салтанатингиз хизматкори бўлиш орзу-си ўрнашиб қолди. Ота-онамдан ажралдим. «Султон бўлганимдан кўра, сенинг қўлинг бўлганим яхшироқ» деганларидек, шоҳликдан қаландарликни афзал кўрдим. Йўл машаққатларига кўниқиб, ўз бахтимни ахтариб оламни кездим. Алҳамдулиллоҳ, сиз жанобларининг улуғ мартабаларига итоат қилиш шарафига ва минг хил кулфатлардан сўнг муқаддас тахтингизнинг пойни ўпиш саодатига муяссар бўлдим. Эндиликда сизнинг илтифотингиз, балки, мусофирлик аламини эсдан чиқаришимнинг босиси бўлар?

Доно ва сермулоҳаза подшоҳ шаҳзоданинг оқилона ва одобли сўзларини эшитганидан кейин, унинг назорат ва мулозаматли муомила қоидаларини билишига ишонч ҳосил қилди. Сўнг Баҳраварбонун келинликка беришни илтимос қилиб, иттифоқ ва дўстлик тақлифлари билан шаҳзоданинг отасидан элчи келганлигини эслади. Подшоҳ шаҳзоданинг изтиробли ва аламдийда ҳолатини кўриб, унинг муддаосини, нималарни назарда тутаетганлигини тушунди. Аммо ақл-идроки ва тажрибаси шаҳзоданинг сўзларини эътироф қилишликка, мусофирнинг сўзлари ва шъмаларининг маъносини мажлисда ҳозир бўлганларга билдиришга йўл қўймади. Шундан кейин шоҳ, гап нимадалигини билмагандек бўлиб, ўз посбонларига буюрди:

— Манави сохта қаландар ва сурбет гадони бу ердан қувинглар! У мени алдамоқчи бўлди ва аслида ким эканлигини яширди. Одамлар назарида ҳурмат ва иззатга лойиқ бўлишлик учун енгига сохта гуллар тиктириб олибди. Аммо ҳаддан ортиқ аҳмоқлиги туйфайли, ақл-идроқ бор жойда ёлғончилиги фош бўлиб қолишлигини фаҳмламабди.

Гарчи подшоҳ шаҳзодани шармандан-шармисор қилиб қувиб юборган бўлса ҳам, ўзининг махфий хизматкорларига уни доимо кузатиб юришни ва ким билан учрашадимию, ким билан суҳбатлашиши ҳақида батафсил хабар етказиб туришни топширди.

#### ЖАҲОНДОР СУЛТОН ОТАСИ ВАЗИРИНИНГ УҒЛИ ХУРМУЗ БИЛАН УЧРАШИБ, УНДАН ХУШҲАБАРЛАР ЭШИТАДИ.

Жаҳондор подшоҳ саройидан чиққанидан кейин, гадоларнинг одми либосини кийган, дарбадарликни ўзига маъқул кўрган Хурмузни кўриб қолди. Унинг ранги-рўйидан ғам-алам аломатлари билиниб турарди. Шаҳзода бундан таажжубга тушиб сўради:

— Ҳеч кимни танимайдиган бу бегона юртга не сабабдан келиб қолдинг? Нима учун ота-онангни ташлаб, бу ерда ночор аҳволда юрибсан? Нима сабабдан ўзингни шундай кулфат ва машаққатларга мубтало қилдинг?

Хурмуз эса, «Оламни куйдирадиган риндтаъб кишининг ақлу идрок билан нима иши бор?» деган нақлга амал қилиб, ўша заҳоти кўнглидаги бор гапни айтди.

— Бу мамлакат подшоҳининг,— деди у,— Баҳраварбону исмли қизи бор. Бу қиз эмас, порлаган юлдуз! Осмондаги қуёш ўз нурларини унинг чеҳрасининг шуъласидан олади, ой эса унга боққанлигидан чиройли кўринади. Уни бирор марта кўрмасдан туриб, худди балиқ каби муаттар зулфлари тўрига тушиб қолди, ақл-идрок базмидан воз кечиб, телбалик саҳросига интилдим. Мана энди, ўртанган юрагим унга шайдо бўлиб, бу мамлакатга келдим. Ақлдан озишим ҳалокатга олиб келиши мумкин, дилим эса, гўё шамдек, ишқ алангасида куйиб кул бўлди. Мен ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолганим йўқ, ҳатто умид шаббодасини ҳидлаб ҳам кўрмадим, истакларим амалга олмади, чунки бу офтобжамол ҳукмдор мени назар-писанд қилмаяпти. Уйлашимча, мендек ҳокисор кишига иноят кўргазса, ишқ-муҳаббатга хиёнат қилган бўламан, деб хаёл қилса керак.

— Аммо сенга бир хушxabарни айтмоқчиман,— давом этди Хурмуз,— анави саодат авжидаги ой, сен саъйи ҳаракат қилмасанг ҳам доминга тушади. Анчадан бери у сенинг ишқингда оромини йўқотиб, васл умидида куйиб-ёнмоқда. Билмадим, сабо сен тўғрингда хабар етказганми ё нурафшон чеҳрангни тушида кўрганми... Энди менга қандай қилиб иқбол тахтиравонидан қайғу ботқоғига ботиб қолганинг, нима сабабдан подшоҳлик тахтидан гадолик бўйрасига тушганинг, нима сабабдан подшоҳлик тахтидан гадолик бўйрасига тушганинг, нечун шоҳлик тожини фақирлик кулоҳига алмаштирганингни айтиб бер.

Жаҳондор ўзининг ишқ-муҳаббат уруғлари Баҳраварбону дилининг марзасида нишона берганлигини билиб таскин топди. Шаҳзода Хурмузга юрак сирларини очмай шаҳардан чиқиб, тонг насими машуқамдан бирор хабар келтирар деган ниятда, Баҳраварбонунинг шаҳар четидаги боғига жойлашди. У барча хокисор ва мискин одамлар каби, ғамга ботиб, юзини тупроққа беларди. Ишқи эса соат сайин авж оларди. Кўзидан оққан қонли ёшлар киприklarига осилиб товланар ва Сурайё юлдузининг рашкини кўзғатарди. Ёрининг висолига етишни кўмсаб, тақдирни ҳам менсимай қўйди. Унинг якка-ёлғизлигига фақат машуқасига етиш орзусигина шерик бўларди. Рози дилни айтай ёки тақдир адолатсизлигидан шикоят қилай деса, тўтидан бўлак ҳамдами йўқ. Шу сабабли, шаҳзода кўпинча тўтига қайғуларини шарҳ айлар ва ундан кўмак сўрарди.

#### ТЎТИ, ЖАҲОНДОРНИНГ БЕҚАРОРЛИК ШАМИДА ПАРВОНАДЕК КУЙИБ, ДИЛДОРЛИК ЧАМАНИСТОНИДА ПАРВОЗ ҚИЛИБ, ШАҲЗОДАНИНГ КЎНГЛИНИ ОЛИШ НИЯТИДАН ҒАМГИН ИШҚИЙ ҚИССАЛАРНИ ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Тўти доно ва зийрак қуш бўлганлигидан, шаҳзоданинг жафо чекаётганлигини қўриб, унга таскин ва тасалли бера бошлади.

— Эй барча ошиқларнинг сардори!— деди у.— Эй эҳтиросли телбаларнинг дуригавҳари! Орзуларнинг муаттар бўйи умид баҳористонида эсмаяпти, чаманзорда ширин хаёллар гули очилмаяпти, деб ўзингни ғам-андуҳ гирдобига ташлама. Мушкулларимизни осон қилувчи ва болалардан ҳимоя қилувчи Парвардигордан умидингни узма. Олам пештоқига «Оллоҳнинг марҳаматидан умидларингни узманглар»<sup>1</sup>, деб ёзиб қўйилганидан хабаринг йўқми? Хуллас, орзу ғунчаси мурод насими туйфайли очилади, умид дарахти эса, мақсуд мевасини беради. Дунёнинг иши шу: тақдир ва қисмат аввало ишқ йўлида азоб-уқубатда қолганларни ноумидлик саҳросида саргардон қилади. Ноумидлик ҳаддан ошиб кетгач эса, бир зарб билан кишини ғам-ғусса зулматидан озод қилиб, мурод чашмасига рўбарў этади. Ғам-ғусса саҳросида саргардон бўлган битта сен эмас. Сендан аввал ҳам жуда кўп султонлар телбалик майдонида ишқ-муҳаббат байроғини кўтариб, бу оламда хурсандчилик ноғораларини чалганлар. Булардан ҳар бирининг қиссаси ажойиб ва қизиқ. Ишқнинг пасту баланд кўчаларида улар жуда кўп балолар ва мусибатларга дучор бўлганлар. Агарда уларнинг ҳамма саргузаштларига қулоқ солинса, раҳми келганлигидан ҳатто Рустамнинг ҳам кўнгли мумдай эриб кетади. Ахир, сен шу пайтгача уларнинг бошига тушган савдоларнинг ўндан бирини ҳам кўрганинг йўқ. Ахир улар, жуда кўп азоб-уқубатлардан сўнг денгиз қаъридан мақсуд дурини излаб топиб, беҳисоб мусибатдан кейин муродларига етганлар.

— Эй меҳрибон дўстим ва ширинсўз овунчим,— жавоб қилди шаҳзода,— муҳаббат майхонасида ишқ шаробини нўш айлаган, эҳтирос дастурхонидан насиба тотган, ишқ йўлида ғам-ғусса ва кулфат-надоматларга мубтало бўлганлар ҳақида менга ҳикоя қилиб бер. Улар қандай қилиб умидсизлик ботқоғидан чиқиб, қай тарзда муроду мақсадларига етганларини баён қил.

Шундан кейин тўти, дидли кишиларни-да ўйлантириб қўядиган ажойиб ва қизиқ ҳикояларни Жаҳондорга сўзлаб бера бошлади. У мазкур ҳикоятлари билан шаҳзоданинг кўнглини ёзаман, деб ўйларди. Ҳар кеча тўти шаҳзоданинг дил яраларига шифобахш малҳам бўладиган қизиқарли қисса ёки ажойиб эртақларни айтиб берарди.

<sup>1</sup> Куръон ояти.

Ривоят қилишларича, Хўтан шаҳрида куч-қудрати фалакка етувчи подшоҳ бор эди. Қул хўжасига тобе бўлганидек, куёш ҳам унинг ихтиёрида эди. Унинг офтобсыймо ўғли бор эди. Йигитнинг мўйлаби эндигина сабза урган, қомати чаманзордаги ёш ниҳолни эслатар, бахтиёр чеҳраси эса иқбол сувлари билан ювилган эди.

Давлат ишларида у Кайковус ва Кайқубоддан ибрат олар, бўш вақтини овда ўтказарди. Учқур отини елдирганида, унинг ўқ-найзаларининг ваҳимасидан Баҳром-гўр осмондан тушарди; ёйини таранг тортиганида, осмондаги Шер ҳам унинг оёғига йиқиларди.

Кунлардан бир кун шаҳзода денгиз бўйида балиқ овлаётганида, бехосдан сузиб келаётган бир кемани кўриб қолди. Аммо, унинг саҳнида ҳеч ким кўринмас эди. Шаҳзода таажжубланиб, уни диққат билан кузата бошлади. Кема яқинроққа сузиб келганда, шаҳзода унинг қимматбаҳо тошлар ва дуру гавҳарлар билан безатилганини ҳамда саҳнида юзлари ойдек ўн тўрт яшар бир қизнинг ўтирганини кўрди. Қиз танҳо бўлиб, мушки анбардай сочлари ой жамолини ўраб турар, камон қошлари нарғиз кўзларининг устидан ёйдек тортилганди. Киприklarининг ўқи денгиздаги балиқларга шикаст етказар, толим-толим сочлари феруза осмон бағридаги қуёшни ўз домига тортар эди.

Шаҳзода қизнинг нигоҳидан эс-ҳушини тамом йўқотди. Кема эса шитоб билан сузиб ўтиб кетди. Шаҳзода эс-хушидан жудо бўлиб, ерга йиқилди, унинг хизматкорлари эса бу ўзгаришни сезмадилар. Шаҳзода моҳилиқонинг тўрига илинди, хизматкорлар эса, жазирама офтоб таъсир қилган бўлса керак, деб ўйлаб, унинг юзига гулоб сепа бошладилар. Лекин бунинг фойдаси бўлмади. Шундан кейин улар, шаҳзоданинг ичига жин кириб олган бўлса керак, деган қарорга келиб, доно табибларга олиб боришди.

Моҳир табиблар қанчалик уринмасинлар, қўлларидан ҳеч нарса келмади. Шаҳзоданинг эса аҳволи оғирлашиб, одамлар уни жинни бўлиб қолган бўлса керак, деган қарорга келдилар. Подшоҳ қаттиқ хафа бўлиб, ҳукамо ва уламоларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Илм-фаннинг юлдузлари шаҳзодани ҳар хил диний ақидаларга биноан даволамоқчи бўлдилар, лекин бу ҳам фойда бермади. Зеро, «ишқ дардини табиб дорилари билан даволаб бўлмайди».

Шундай қилиб, барча табиблар ва ҳакимлар бу ишда ожизликларини тан олдилар. Подшоҳ янада қаттиқ ранжиди. Уғлининг соғайишидан умидини узиб, барчага эълон қилди:

— Кимки шаҳзодага ҳужум қилган ҳалокатли оловни ўчиролса, мен уни мамлакат хирожининг тўртдан бири билан мукофотлайман.

Бу хабар барча ўлкаларга тез тарқалди. Ҳар ким имкони борича, шаҳзодани даволаш йўлларини ахтара бошлади.

Шу орада шаҳзода билан бирга ўсиб, бирга ўқиган ва унинг ишончини қозонган вазирнинг ўғли дўстининг хасталигидан хабар топиб, шошилинч саройга келди. Дўстининг чеҳраси заъфаронлигини, лабига сукут муҳри босилганини, ҳеч ким билан муомила қилмаётганлигини билиб, эс-хушидан озди. Сўнг дарров унинг аҳволини тушинди ва бегоналарнинг чиқиб кетишларини илтимос қилиб, шаҳзода билан ёлғиз қолгач, суриштира кетди.

— Сир-асроринг пардасини кўтар,— ялинди у,— кўнглингдаги бор гапни менга айт. Қайси камон қошнинг ўқлари сени ярадор қилди? Қайси турк ситамгари ақл-хушингни ўғирлади? Агар у Зухро бўлсаюм, сен учун уни осмондан олиб тушаман. Агарда у ҳавода учиб юрган пари бўлса, мен уни ҳийла-найранг билан тузоққа илинтираман.

Шунда шаҳзода кўзини очди ва ўз дардини тўкиб солди. Вазирнинг ўғли олийжаноблик билан ҳиммат камарини боғлаб, деди:

— Ёш болалигимданоқ қалбимда сенга итоат қилишликнинг ниҳолини ўстирганман. То тирик эканман, содиқ хизматкорингман, ихтиёрингдан чиқмайман.

Шаҳзода дўстининг меҳр-шафқатига тўла ишонч ҳосил қилиб, деди:

— Бунинг учун фақат битта йўл бор: қандай қилиб бўлмасин маъшуқам яшайдиган мамлакатга етиб боришим лозим. Агар юлдузим кулиб боқса, у билан учрашаман, бундан бўлагининг менга кераги йўқ. Акс ҳолда, етти иқлимнинг султони бўлганимдан кўра, телбалик кўчасида жон берганим афзал.

Икковлари шу қарорга келдилар. Шаҳзода йўл харажатлари учун қимматбаҳо дуру гавҳарларни олди. Улар худога таваккал қилиб, жона-жон юртларини ташлаб чиқдилар. Шаҳзода дил розини ҳеч кимга ошкор қилмай, сеҳргар моҳилиқо тушган олтин кема қаёққа сузиб кетган бўлса, ўша томонга равона бўлди. Йўловчи ошӣқ ҳеч азобдан кўрқмаганлигидан, шаҳзода йўл машаққатларини писанд қилмай, тоғу-тошлар ва пасткамликлардан тўхтамай ўтиб борарди. Даҳшатли ва ҳалокатли жойларда маъшуқасининг ёди дилига мадад берар, оч-яланғоч, зор-зор кўз ёшларини тўкиб, юраги кўрсатган томонга қараб борарди.

Озми-кўпми юрганларидан сўнг, бир кишини учратдилар.

— Кимсиз, не билан машғулсиз? Қаёққа бунчалик шошиляпсиз?

— Мен кемачиман,— жавоб қилди у. — Тирикчилик важиждан подшоҳ учун балиқ овлардим. Энди, шаҳзода ўз уйини ташлаб, денгиз бўйида саргардон бўлиб юрган экан,

авваллари менга кўрсатган илтифотлари туфайли уйимни ва оиламни ташлаб, унинг кетидан шошилишга мажбур бўлдим. Менинг ажойиб бир хосиятим бор: агарда бирорта одам ердан ё денгиздан ўтган бўлса, олти ой мобайнида унинг изини топаолман, бирор дақиқа ўйлаб ўтирмасдан, ким эканлигини ҳам айтиб бераман.

Шаҳзода ишнинг ўнгидан келганлигига жудаям хурсанд бўлиб, бундай ҳамроҳни улуғ бахт деб ҳисоблади.

— Хабаринг йўқми,— сўради у кемачидан,— кейинги пайтларда бу ердан бирорта киши кемада сузиб ўтмадими?

Кемачи йигит диққат билан денгизни кўздан кечирди.

— Тажрибам шуни кўрсатдики,— жавоб қилди у,— яқинда бу ердан дарбонсиз бир кема қуюндек сузиб ўтган.

Шаҳзода бу хушxabардан сўнг жисмига қувват қўшилиб, елдай югурганча йўлга равона бўлди.

Яна бир оз юрганларидан сўнг, ортларидан шошилиб бир одам келаётганини кўрдилар. Ҳалиги одам уларга етиб олганидан кейин:

— Қаёқдан келаяпсану қаёққа кетаяпсан?— деб сўрашди.

— Мен Хутан шаҳридан келаяпман,— жавоб қилди ҳалиги одам,— сизларга ҳамроҳ бўлмоқчиман. Моҳир дурадгорман. Тешамни ишга солганимда наққош Монийни ҳам доғда қолдираман, ёғочларни рандалаганимда Озар<sup>1</sup> бутпарошни ҳам шарманда қиламан. Ёғочдан шундай нафис қўғирчоқлар ясайманки, уларни кўрганда Халлуҳ ва Навшод гўзаллариям қойил қолишади. Шундай қасрлар бунёд қиламанки, жаннат ҳуру филмонлари уни тамошо қилгани шошилишади. Ёғочга сайқал берганимда у сувдек силлиқ бўлиб кетади. Тўтига ўхшаш доно ва ширинсухан зотлар доим менинг мақтовимни қилишади. Маҳоратимнинг чуққиси шундан иборатки, ёғочдан курси ясайман. У қушга ўхшаб ҳавога учади. Бундай ҳунар бирорта муҳандиснинг қўлидан келмайди. Курсига ўтирган одам, бир зумда истаган томонига, ҳатто еттинчи осмонгаям учиб кета олади. Шаҳзода таваллуд топиб, ўз чиройи билан олам-жаҳонни мунаввар қилганида ва тонг маҳали қуёш уфқ бағрида эркаланганидек, зоти олий энагасининг қучоғида ором олганида, мен унга бешик ясаб берганман. Бунинг эвазига олган мукофот ҳақимга, шукрки, рўзгоримни ўнглаб олганман. Энди, менга кўрсатилган хайр-саховатга миннатдорчилик билдириб, шаҳзоданинг сафарига ҳамроҳ бўлмоқчиман ва қўлимдан келганча ёрдам кўрсатмоқчиман.

Шаҳзода дурадгорни учратганини улуғ бахт деб ҳисоблаб, маъшуқасига етишишига инониб, умид тешаси билан ўй-хаёлларнинг ноумидлик қирраларини қиртишлаб, йўлида давом этди.

Йўл жуда машаққатли ва оғир эди. Кечаю-кундуз жазирама саҳрода юрдилар. Ниҳоят, уларга мункайиб қолган бир чол рўбару келди. Чол дарахт тагида ўтирар, сигир суякларига сув пуркарди. Суяклар ўша заҳоти пайлар ва бўғимларга бирлашар ва улардан эт ўсиб чиқарди. Бунга кўзи тушган одамлар «Суякларга назар сол, қандай қилиб биз уларни ўрнидан кўзгаллишга ва гўшт пайдо қилишга мажбур этамиз?»<sup>2</sup> деган оятнинг ҳаққонийлигига тан берардилар. «Жон ато қилувчи ва жон олувчи»<sup>3</sup> Қодир Худонинг инояти билан сигирга жон кирди ва у ўрнидан туриб маъраб юборган эди, «Биз ҳар бир тирик махлуқни сувдан яратдик» деган сўзлар тасдиқланди гўё. Шаҳзода ва унинг ҳамроҳлари бу ҳодисадан ҳайрон қолишди.

— Ҳеч шубҳа йўқми,— деди шаҳзодага вазирнинг ўғли,— бу чол Хизр алайҳиссаломнинг ўзгинаси. Унинг кафтида обиҳаёт бор. Дарҳақиқат, сенинг бахтинг кулди. Хавф-хатарга тўла ушбу саҳрода сенга учрадимми, демак, Искандар қисматига эга бўлдинг. Тезда унинг ёнига бор, ёрдам сўра, оёқларига бошингни қўй, балки раҳми келар, хоки пойи кўзларингга малҳам бўлсин, токи нигоҳинг умид шуълалари билан чарақласин. Унинг этагидан маҳкам ушла, токи сени ғам-ғуссадан озод қилсин.

Шаҳзода дўстининг маслаҳатига кўниб, чолга арз қилди.

— Эй йигит,— жавоб қилди чол,— мен ҳассасиз бирор қадам юра олмайман-ку, қандай қилиб сенга ёрдам бера оламан?

— Эй суврати чол, сийрати йигит-ча бўлмиш зот!— хитоб қилди шаҳзода.— Шубҳасиз, сен Масих, биз эса жонсиз мурдалармиз, сен Хизрсан, бизлар эса умид йўлидан адашганлармиз. Худо ҳаққи, бизларни ёнингдан ҳайдама, иноятингдан дариф тутма.

— Мен на Масихман ва на Хизр,— деди чол.— Мен бори-йўғи одамлардан юз ўгириб, танҳо яшашни ихтиёр этган камтарин кишиман. Шу яқин орада бу бебақо дунёдан воз кечиб, саҳрони макон тутган бир кампир яшайди. Унинг қошида Робия<sup>3</sup>га ўхшаш қизи ҳам бор. Иккала аёл кечаю-кундуз Оллоҳ Таолога ибодат қилишади. Мана бу сигир эса уларни боқар эди. Лекин бир оч шер сигирни бўғизлаб кетди. Шундан кейин уларнинг егуликлари қолмай, ибодат қилиш учун омонат жонларини сақлаш ниятида кўкатлар ва илдизларни истеъмол қилиша бошлашди. Шу вақт Худои Таоло

<sup>1</sup> Иброҳим пайғамбарнинг отаси. Афсоналарга кўра, Озар бутпараст экан.

<sup>2</sup> Қуръон оятларидан

<sup>3</sup> Робия. VIII аср шоираси. Басрада яшаган.

менга обиҳаёт ато қилди. Иккала аёл бу жонсиз саҳрода роса ҳолдан тойдилар ва яна Оллоҳ Таолога мурожаат қилдилар. Шундан кейин, Тангрининг иродаси билан суяқларига обиҳаёт сепган эдим, у Холиқнинг кудрати туфайли йўқликдан бор бўлиб, яна ўша аёлларнинг овқат-озигига ярар ҳолга келди. Мен сизларга фақат бир неча томчи обиҳаёт билан ёрдам қилишим мумкин. Агар лозим бўлса олинглар, аямайман.

— Эй Хизрсифат чол,— деди шаҳзода.— Марҳамат қилиб биз билан бирга юр, қийинчилик ва муваффақиятларимизга ҳамдам бўл, чунки сенинг борлигинг руҳимизга куч-қудрат бағишлайди.

Чолнинг раҳми келиб, уларга қўшилди ва азоб-уқубат саҳросига равона бўлди.

### Хўтан шаҳзодаси ҳақидаги ҳикоятнинг давоми.

ШАҲЗОДА ХУЛ-ХУЛ ИСМЛИ ДЕВ ЯШАЙДИГАН ДАҲШАТЛИ ВОДИЙГА КЕЛАДИ. ВАЗИРНИНГ ЎҒЛИ БИЛАН БИРГА ДЕВНИ ЕНГИБ, ГЎЗАЛ ПАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ.

Улар йўл юрса ҳам мўл юришиб, ниҳоят бир саҳродан чиқиб қолишди. Бу саҳронинг об-ҳавоси дўзахникига ўхшар, қолаверса, теварак ҳам дўзахдан фарқ қилмас эди. Ҳатто бу ерларнинг сувлариям дўзахникидай қайноқ, қўланса ҳид анқиб турарди. Атрофда заққум монанд дарахтлар ўсар, ўт-кўкатлар эса заҳарли қора илонларга ўхшаб кетарди.

Шаҳзоданинг вужудини ваҳима босди. Унинг ҳамроҳлари ҳам қўрқувдан дир-дир титрашар, қора терга ботгандилар. Шу пайт шаҳзода тақводор чолдан сўради:

— Бу қанақа жой? Ахир, дўзах азоблари ҳам бу даҳшат олдида ҳеч нарса эмас-ку?

Чол жавоб қилди:

— Бу ерда Хул-Хул лақабли ниҳоятда баҳайбат дев яшайди. У атрофдаги барча шаҳар ва қишлоқларни ер билан яксон қилган, шу туфайли ҳатто юз фарсанг масофада ҳам одам шарпасини учрата олмайсан. Дев атрофдаги барча ёввойи эшаклар ва тоғ эчкиларини, барча йиртқич ва ўтхўр ҳайвонларни, бўрию филларни еб тугатди, шерлар ва қоплонларни ҳалок қилди. Ҳарат бўлган шаҳарларда бугунга келиб бойўғлию кузғунлар, боғларда эса қарғаю зағчалар ин қурган. Сен ана шу разил девни ҳалок қилмагунингча бу саҳродан ўта олмайсан.

— Эй доно чол,— яна чолга мурожаат қилди шаҳзода,— сен орамиздаги энг ақлли одамсан. Бизга йўл-йўриқ кўрсат, қандай қилиб йўлимиздаги бу ярамасни бартараф қила оламиз?

Донишманд чол жавоб қилди:

— Ойнинг биринчи ўн бешида дев овга чиқиб, кўзига кўринган нарсани ютаверади. Иккинчи ўн бешида эса донг қотиб ухлайди. Мана шу пайтда уни бир ёқлик қилиб, нариги дунёга жўнатиш осон. Бедор турганида эса, бутун оламнинг кучи ҳам унга етмайди.

Шаҳзода ва унинг ҳамроҳлари фалак ёритқичлари вазиятини кузатиб, ой тўққиз бошли аждарҳо буржида — фалакнинг бошида турганини аниқлашди. Шаҳзода ойнинг охирини ўз фароғатининг бошланиши, девнинг уйқусини эса ғафлатдаги бахт-саодатининг уйғониши деб билиб, қулай фурсатни бой бермай аблаҳ девни маҳв этишни мўлжаллади ва бу ишда дўстларидан ёрдам сўради. Аммо дўстларидан бирортасига бу гап маъқул келмади. Ҳамроҳлари ўз ҳунарларини пеш қилиб, бу иш қўлларидан келмаслигини айтиб, вазирнинг ўғлига дедилар:

— Бизлар фақат ўз ҳунаримизни яхши биламиз, керак бўлган пайтда буни ишга солишимиз мумкин. Душманлар билан жанг қилишлик эса оқил вазир ўғлининг ишидир.

Вазирнинг ўғли буни кўргач, истаса-истамаса ўлимга рўбарў бўлишини тушунди. У мардлик ва шижоат билан дев ила жангга киришишни кўнглига тугиб, шаҳзода билан хайрлашиб, бечораларни балолардан қутқарувчи Оллоҳ Таолонинг марҳаматига ишониб, ўзини ўлим хавфи кутаётган жойга қараб шошилди.

Бироз йўл юрганидан кейин деворлари юлдузларга тенг, томи осмонга етадиган қасрга кўзи тушди. Вазирнинг ўғли дарахтлар орасидан шарпасиз юриб, қаср дарвозасига яқинлашди. Бехос қаср ичида қадди-қомати келишган бир гўзал кўринди. Унга кўзи тушган пари зоти рашиқдан ақлдан озар, ҳурлар эса унинг ҳусни-жамолига жонларини нисор қилар эдилар. Вазир ўғлининг сабр-тоқати тугаб, гўзалнинг рухсорини кўриб ҳушидан кетди. Дарё бўйидаги сарвга ўхшаш ҳалиги гўзал эса нозу карашма билан унга яқинлашиб, ёқут лабларидан сўз гавҳарларини соча бошлади:

— Эй ўлимга маҳкум қилинган йигит,— деди у вазирнинг ўғлига,— бу ерда қонхўр дев яшашидан хабаринг йўқми? Не сабабдан ўз ихтиёринг билан тимсоҳ комига рўбарў бўлиб, жонингни ҳалокатга маҳкум қилдинг? Балки яшашдан тўйгандирсан?

— Эй пари!— жавоб қилди у.— Мен улуг ишларни бажаришим лозим. Яхсиси, ўзинг ҳақингда гапириб бер. Қандай қилиб дев билан бирга бўлиб қолдинг? Гўзал рухсоринг олдида гуллар тиконлардан ҳам хунукроқ туюлади, ахир, қандай қилиб шундай жирканч дев билан яшашликка рози бўлдинг?

**Эй гул, ҳамсухбатинг тиканлардир,  
Наҳот ўзинг шуни ихтиёр этдинг!**

Париваш наргиз кўзларидан гул юзига ёшлар оқизиб, деди:

— Мен подшоҳлик чаманидаги гул, салтанат қутчасидаги дур эдим. Исмим Паринажот бўлиб, отам шаҳаншоҳлар одатига кўра, оламдаги барча мамлакатлардан бож оладиган Манучеҳрга эрга берди. Бу дев бирин-кетин мамлакатимизнинг барча аҳолисини ҳалок қилиб, кейин қўлини пойтахтга чўзди. Аввалига барча фуқароларни еди, кейин подшоҳ саройга кўзини тикиб, келишган канизакларнию хизматкорларни ея бошлади. Ниҳоят, саройда отам иккаламиз қолдик, холос. Эртаси куни лаънати дев ҳарамга бостириб кириб, шоҳни жонидан жудо қилди, мени эса мана шу жойларга олиб келди.

— Энди менга айтгин-чи,— давом этди Паринажот,— нима учун ўзингни ҳалок қилмоқчисан, не сабабдан ўз ихтиёринг билан тўппа-тўғри аждарҳо қомига келдинг? Вазирнинг ўғли уни ўзининг сир-асрорларига ошно қилди. Паринажот табассум билан деди:

— Эй ўлим ёқасида турган йигитча! Сен ҳеч қачон бу юмушни уддалай олмайсан. Ахир, бармоқ билан тоғни жойидан кўзғатиб бўладими? Ахир, чивин филни ерга йиқита олганми? Танангда жонинг бор экан, бу ерлардан қочиб қутул! Улим билан олишма!

— Эй маҳваш!— жавоб қилди вазирнинг ўғли.— Гарчи сенинг сўзларинг оқилона бўлса ҳам, кўпинча ўтқир ақлли одамлар ожиз бўлишса ҳам улуғ ишларнинг уддасидан чиқишади. Ахир, арзимас чумоли ўз ақли-идроки билан улкан филни йиқитади-ку? Агар сен менга йўл кўрсатиб, маслаҳат берсанг, бу оғир ишни ҳеч қийналмай бажарар эдим.

Муштарийдек қулиб турган ҳалиги гўзал жавоб қилди:

— Сенга маълум бўлсинки, девни фақат бир йўл билан маҳв қилиш мумкин. Битта қовоғари топиб, уни девнинг бурнига киргизиб юбориш керак. Дев акса уради. Шу пайтда қовоғари бурнидан чиқиб кетса, дев сени тилка-пора қилиб, ер билан яксон этади. Агар қовоғари чиқмаса, девнинг миясига ўтади-ю, уни ҳалок қилади.

— Мен ўлимдан кўрқмайман,— жавоб қилди вазирнинг ўғли,— бу иш учун жонимни тикканман. Агарда девни мағлуб қилсак, бутун оламни унинг балоларидан халос этамиз. Агарда ниятимиз амалга ошмаса, жоним валинеъматим учун қурбон бўлақолсин.

Шу сўзларни айтиб, вазирнинг ўғли Оллоҳга таваккал қилиб, дев ухлаган жойга борди.

У аввалига қоп-қора, тоғдек баҳайбат, иккита узун шохли, хартуми ерда айланиб турган нарсани кўрди. Гўё фил билан ҳўкиз бирлашиб кетгандай туюларди. Девнинг сўйлоқ тишлари ёввойи чўчқаникига ўхшар, Бесутун тоғи монанд бадани айиқ сингари қалин жун билан қопланганди. Уни кўрган одам ваҳимадан титроққа тушар, қабиҳ ва бесўнақай қиёфасидан одамзод ақлдан озар эди.

Вазирнинг ўғли гиёҳлар орасидан бир қовоғарини топди-да, кутиб турди. Дев нафас чиқарганда, кучли бўрондан чанг-тўзон кўтарилар, нафас олганда эса ҳаво билан бирга икки танобча ердаги хас-хашаклар, қум ва тошлар бурнига кириб кетарди. Вазирнинг ўғли қовоғарига асал суртиб, уни девнинг димоғига олиб борган эди, ари тўппа-тўғри девнинг бурнига кириб кетди. Йигитча чопиб бориб, қалин буталарнинг орасига беркиниб олди. Дев ўша заҳоти ўрнидан кўзғалиб, қаттиқ акса урган эди, йигитча қўрқувдан дир қалтирай бошлади. Тақдир тақозоси билан қовоғари унинг миясига кириб олди. Дев ҳолдан тойди, кейин шундай бўкирдикки, ерни бошида кўтариб турган буқа ваҳимадан титраб қалтирай бошлади, еру осмон ларзага келди. Бироздан кейин дев ғазаб билан ҳар томонга чопиб, дарахтларни таг-томири билан суғуриб, харсанг-тошларни уёқдан-буёққа иргита бошлади. Ниҳоят, жон бериб, ерга гурсиллаб қулади. Шунда улуғ иш амалга ошганидан кейин, вазирнинг ўғли бошини саждага қўйиб, худога ибодат қила бошлади. Кейин шаҳзоданинг ёнига чопди. Бир йўла унга Паринажотнинг ҳусн-чиройи ҳақида ҳам сўзлади. Вазирнинг ўғли шаҳзодага қизнинг айёрлиги, қовоғари ва асал воқеаси ҳақида ҳам гапириб берди. Шаҳзода хурсанд бўлганлигидан вазирнинг ўғлини кучоқлаб ўпди. Шундан кейин девнинг қасрига равона бўлиб, Паринажотнинг ҳусн-жамолини кўрди. У вазирнинг ўғли топқирлигига қойил қолиб, кейин бошини саждага қўйиб, аждарҳони кичкина чумчуқ билан, филни чивин билан ҳалок қиладиган Оллоҳ Таолога шукрлар бажо келтирди. Осмондан тушган инъомдек бўлган анави гўзал нозанинни эса ўзлари ерлар билан бирга олиб, яна йўлга тушдилар.

**ШАҲЗОДА ПАРИНАЖОТНИНГ ВАТАНИ БОНУДБОШ ШАҲРИГА КЕЛАДИ.  
ХИЗР МОНАНД ЧОЛНИНГ КЎМАГИ ТУФАЙЛИ МАНУЧЕҲРНИНГ ИҚБОЛИ  
ЯНА ЕРИШАДИ. ПАРИНАЖОТ ЭСА УЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИГА ЭРИШАДИ.**

Шаҳзода ўша касофатли ерларни тарк этиб, яна бир қанча йўл юрганидан кейин, ниҳоят, кўз ўнгида баланд иморатлари бўлган шаҳар намоён бўлди. Ҳориб-чарчаган шаҳзода Оллоҳ Таолога шукрлар бажо келтириб, ҳадемай шаҳар дарвозаларига ке-



либ етди. Бу шаҳар жуда катта ва обод бўлиб, Канъон<sup>1</sup> унинг олдида бир пулга арзимас, Қайсар<sup>2</sup> ва Нуъмон<sup>3</sup> саройлари унинг қасрлари олдида кўримсиздай туюларди. Уйлар дабдабали ва чиройли, иморатлар пештоқлари гўзалларнинг қошидек нафис, миноралари сарвдек тик ва тўғри, бинолар чиройли саф ҳосил қилган, дўконлар маржондаги марварид доналаридай бир текис эди. Аммо ҳеч қаерда одам зоти кўринмасди. Шаҳзода эҳтиёткорлик юзасидан ҳамроҳларини ҳар томонга жўнатди. Ҳамроҳлари уйларга кириб, ҳамма жойни ахтардилар, лекин инсон зотини топа олмадилар. Қайси уйга кирмасинлар, битмас-туганмас бойлик, дабдабали асбоби ва анжом, овқат-озиқ, ичимликлар, идиш-товоқларни кўрдилар. Гўё одамлар ҳозиргина шаҳарнинг бирор бурчагига беркингандай эдилар. Шаҳзоданинг ҳамроҳлари ҳушёр тортиб, балки бу жойлар дев ва жинларнинг маконидир, деб ваҳимага тушдилар. Улар ҳаяжонга тушиб валинеъматлари қошига қайтдилар ва шаҳарда ҳеч ким йўқлигини айтдилар.

— Балки,— деди уларга шаҳзода,— Хул-Хул бу шаҳарни хароб қилгандир?

У кўнглидаги андишани ва ваҳимани йиғиштириб, «Подшоҳ саройига бориш керак, балки ўша жойда бирор инс-жинсни учратармиз», деган қарорга келди.

Подшоҳ саройида ҳам ҳеч ким йўқ эди, аммо барча нарсалар ўз жойида, боғларда дарахтлар гуллаб турарди. Шаҳзоданинг кўзи сарой зийнатларига тушди-да, ҳамма ёқни айланиб, томоша қила бошлади. Шу пайт Паринажот қонли ёшлар тўкиб, зор-зор йиғлаб қолди. Шаҳзода бундан таажужбга тушиб, Паринажот шундай ажойиб шаҳарнинг хароб бўлганлигига йиғлаётган бўлса керак, деб ўйлади. Зухра монанд бу нозанин эса, ҳеч ўзини тўхтатолмасди. Бироздан кейин у ўзига келиб, деди:

— Эй подшоҳлик тожи ярашган йигит! Менинг ҳаётим ниҳоли мана шу чаманзорда ўсган. Ҳозир эса бу ердан бўлбур наволари ўрнига фақат бойқуш ва уқиларнинг қийқириқлари эшитилапти. Отам ёдимга тушди. У зот соясида мен ой билан қуёш нуриниям хиралаштирар эдим. Кўриб турибманки, олдинги улуғворликдан ном-нишона қолмабди, шу туфайли дилим қонга тўлди, қалбим эса ғам-ғуссага ботди.

Шаҳзоданинг Паринажотга раҳми келиб, ўзиям аламли ёшлар тўқди. Унга таскин бериб, юпата бошлади. Кейин Паринажотнинг кўзларидаги ёшларини артиб, кўлидан тутиб, пештоқлар ва шипларга солинган безакларни кўрсатиб кўнглини олиш ниётида у билан бирга бўлак уйга кирди. Бехос уларнинг кўзи бир йигитга тушди. Йигит худди тирикдай ётарди. Унинг бошида подшоҳлик тожи, устида шоҳона либослар бор эди. У гўё ҳозиргина уйқуга кетгандек туюларди. Паринажот Манучеҳрни кўриши биланоқ яна йиғлай бошлади, муаттар зулфларини юлиб, гулдек юзини тирнаб қонга бўяди. Унинг ҳолига булбулнинг ҳам раҳми келиб, аламдан болу арини оларди гўё. Паринажотнинг кўксига ёнган аланга шаҳзоданинг юрагиниям эзди. Унинг Паринажотга раҳми келиб, Хизр сиймоли, Масих сифатли чолга мурожаат қилди:

— Худо ҳаққи,— ялинди у,— ғам-ғусса гирдобига тушиб қолган бу бечорадан ердამингни аяма. Сўнги оби-ҳаёт томчиси билан ушалмаган орзу-умидларини қайтар.

Хизрнинг маслақдоши бўлган диёнатли чол, Искандардай улуғвор, Дорюдек олий-жаноб шаҳзоданинг сўзига кириб, «Бисмиллоҳ» деб оби-ҳаёт шишачасини очди. Кейин сўнги томчини йигитнинг лабига томизди. Шунда, жон ато этувчи ва йўқдан ўн саккиз минг оламини яратган Холиқнинг иродаси билан, йигит кўзини очиб, атрофга боқди. Бирдан кўзи Паринажотга тушди. Паринажот ҳам Оллоҳга шукроналар бажо келтирар, телба ҳолатда эди. Манучеҳр нарироқда дуо ўқиётган шаҳзодани ва унинг тўртта ҳамроҳини кўрди. У ҳайрат гирдобига ғарқ бўлиб, ўтган ишларни суриштира бошлади. Шундан кейин ҳалиги париваш нозанин ҳамма вақеани батафсил сўзлаб берди. Манучеҳр икковлари шунчалик азоб-уқубатлардан кейин келган бахтдан ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, кўзларидан хурсандчилик ёшларини оқиздилар. Улар шаҳзоданинг оёғига йиқилиб, қилган яхшиликлари учун миннатдорчилик билдирдилар. Кейин Манучеҳр шундай деди:

— Эй, менга Масихдек шифо берган зот! Сенинг бу яхшилигинг доврўғини жаҳонда ҳеч ким эшитмаган. Сен мени янгитдан ҳаётга қайтардинг. Бундай яхшилиқни миннатдорчилик билан қайтариш инсоннинг қўлидан келмайди. Бунинг учун, фақат жонни фидо қилиш лозим.

### ШАҲЗОДА МАНУЧЕҲР ВА ПАРИНАЖОТНИНГ ИЛТИМОСИГА КЎРА БОНУДБОШ ШАҲИДА ТУХТАБ ҚОЛАДИ. КЕЙИН БИР КАМПИРДАН МЕҲРБОНУНИ ИЗЛАБ ТОПИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛАДИ.

Худонинг иродаси билан Манучеҳр иккинчи бор дунёга келганидан сўнг, Паринажотнинг қўлидан ушлаб шаҳзоданинг ёнига келиб, бошини унинг оёғига қўйиб, шундай деди:

— Агар сен марҳамат қилиб меникида қолсангу фақирона кулбамни мунаввар

<sup>1</sup> Канъон — афсонавий мамлакат

<sup>2</sup> Қайсар — Византия подшоҳининг арабча лақаби

<sup>3</sup> Нуъмон — араб подшоҳи

қилсанг, бошим осмонга етар эди. Бу билан менга яна бир бор ҳаёт ато этган ва жаннат гулшанининг қопқаларини очган бўлар эдинг.

Шаҳзода бу ерда бир неча кун қолишга рози бўлди. Манучеҳр худога шукрлар айтиб, яна подшоҳлик тахтига ўтирди. Бу хабар унинг тасарруфидаги узоқ атрофларга тарқалди. Бундан тирик қолган ва қонхўр девнинг даҳшатидан кўрқиб бўлак мамлакатларга кетган фуқаролар ҳам хабар топдилар. Улар ўз уй-жойларига қайтишиб, «Тириклардан ўликлар, ўликлардан тириклар пайдо қилувчи»га<sup>1</sup> ҳамду санолар ўқишиб, ўз касб-корлари билан машғул бўлдилар. Тез орада мамлакатда осойишталик барқ урди.

Манучеҳр имкони борича шаҳзодага хизмат қилишга, вақтини ва кучини аямай ҳамма нарсада унинг кўнглини топишга уринар эди. Шаҳзода овга чиққанида Паринажот унинг атрофида парвона бўларди. Аммо маъшуқасини қўмсашдан масту-аласт бўлган шаҳзода ҳеч нарсага қизиқмас, дили ғаш, кўзи ёш эди. Шаҳзода бу ерга келган кишилардан фақат ўша моҳипайкарнинг дарагини сўради.

Кунлардан бир кун Паринажот ҳурмат-эҳтиром ва назокат билан шаҳзоданинг ёнига кириб, оёғини ўпиб, деди:

— Эй хоки пойи кўзларимга малҳам бўлган шаҳзода! Мен хизматкоринг ва чўрингдирман, сенга фақат яхшилиқни раво кўраман. Бир илтимосим бор, сўзлашга рухсат бер.

Шаҳзода рухсат берди. Паринажот давом этди:

— Бу ерлардаги чаманзоримиз гуллар ва райҳонларга тўлиб-тошган. Хурсандчилик ва кайф-сафо учун ҳамма нарса муҳайё. Не сабабдан дилинг сиқилиб, ғам-ғусса доғига гирифтор бўлгансан? Агар бирор ҳасратинг бўлса, ундан огоҳ эт, балки ёрдамим тега? Қолаверса, Манучеҳр ҳам сендан жонини аямайди.

Шаҳзода Паринажотнинг сўзларига ишонч ҳосил қилиб, дил розини баён этди. Паринажот шаҳзоданинг саргузаштларига қулоқ солиб, чуқур ўй-хаёлга ботди. Кейин шундай деди:

— Эй ишқ тахтида ўтирган йигит! Ному-нишонасини билмаган кишингни қандай қилиб излаб топасан? Фақат сабр-тоқат билангина бу қийин масалани ечиш мумкин. Бу ишда шошма-шошарликнинг фойдаси йўқ. Шошилиб турган одам, қарши томондан чопиб келаётган отнинг узангисига оёғини қўймайди. Сабр-тоқат калитини маҳкам ушла, шундагина орзу-умид эшигини очоласан. Чунки, «сабр-тоқат хурсандчилиқнинг калитидир». Худонинг илтифотидан умид қил.

Паринажот белини ҳиммат камари билан боғлаб, шаҳзоданинг ҳожатини чиқаришга уринди, қандай қилиб ёрдам берсам бўларкин, деб ўйга ботди. Шундан кейин бир кампирга шаҳзоданинг истак ришталарини ахтариб топишни буюрди. Бу кампир ўз ишининг устаси эди. У воситачилик дўмбираларини чалиб, ошиқ-маъшуқларни бири-бирига таништириб қўйишда ном чиқарган эди. Паринажот унга ўша кемадаги маъвашнинг изларини топишни буюрди. Бундай ишларга моҳир бўлган кампир ҳамма нарсани батафсил суриштириб, денгиз ёқалаб йўлга тушди. Соҳилдаги ҳар бир шаҳарда гўзаллар мажлисига кириб, шаҳзода таърифлаган ўша ажойиб гулни ахтарди.

Ниҳоят, кампир Хуснобод деган шаҳарга келди. Бу шаҳарнинг ҳар бир кўчаси ва чорраҳасида тумонат гўзал аёллар бор эди. Ҳар бир бурчакдан меҳр-латофат шаробидан маст-аласт нозу карашмали гўзаллар, нозик оҳулар қиқиб, гўзаллик чаманида тўпланишиб туришарди. Кампир ўзи ахтариб келган нозанинни топиш ниётида ҳар бир гўзалга тикилиб боқарди. У барча ҳийла-найрангини ишга солиб, ниҳоят ўша нозаниннинг дарагини топди. У қиз нурафшон қуёшга ўхшар, шохона хазиналардаги қимматбахо дур, жаҳон салтанатининг осмондаги офтоби бўлиб, исми Меҳрбону эди. Табиати нозик бўлиб, кемага ёлғиз ўзи ўтириб, осмонда ой сузгандек, денгиз кенгликлариде сайр қиларди. Нурафшон қуёш унинг ойга ўхшаш чеҳрасидан нур оларди, булбул бағрини чок қиладиган қизил гул эса, унинг рухсоридан гўзалликни ва хушбўй ҳидларни ўғирлаган эди.

Айёр кампир шаҳарнинг шоҳ кўчасида гул дўкони очиб, оз фурсатда подшоҳ саройининг гулчи аёли билан дўстлашиб олди. Гулчи аёл ҳар куни янги гулдаста тузиб, гўзаллик гулшанидаги ниҳол — Меҳрбонуга жўнатарди. Кампир гулчи аёлни тўхфалар билан кўмиб ташлаб, ҳадемай уни ўзига ром қилиб олди. Кунлардан бир кун соддадиллик билан, гулчи аёлдан Меҳрбонунинг ёнига олиб боришини сўради. Гулчи аёл рози бўлиб, кампирга гул солинган саватни кўтариб олишни топширди-да, уни ўша гўзал қошига олиб борди. Кампир Меҳрбонуга янги гўзал гулдастани тўхфа қилди. Ҳар хил нодир нарсаларнинг қадрига етадиган Меҳрбону унга илтифот кўрсатди. Кампир эса, биринчи куниеқ Меҳрбонунинг барча фазилатларини ўрганиб олди.

Бир неча кун ўтгандан сўнг кампир умид гулшанидан орзу-ҳавас гулдастасини териб, елдек югуриб, бир неча фурсатдан кейин шаҳзоданинг ёнига қайтди. Ёқимли хушхабарлар келтиргани учун, шаҳзода кампирга ҳатто жонини беришга ҳам тайёр эди.

<sup>1</sup> Қуръон ояти

ШАҲЗОДА БАЛИҚ ҚОРНИДАН МЕҲРБОНУНИНГ УЗУГИНИ ТОПАДИ. СЎНГ  
КАМПИРНИНГ ЙЎЛ-ЙУРИФИГА БИНОАН ҲУСНОБОД ШАҲРИГА ЖЎНАБ, МАЪШУҚАСИ  
БИЛАН КЎРИШИШГА МУЯССАР БУЛАДИ ВА МУРОД-МАҚСАДИГА ЕТИБ, УЗ ВАТАНИГА  
ҚАЙТИБ КЕЛАДИ.

Сабр косаси тўлиб-тошган шаҳзода энди тезда йўлга равона бўлишни истарди. Аммо Паринажот, унинг интизорлик кемасини таҳаммул соҳилида ушлаб қолиб, эртаси азонда йўлга чиқишини илтимос қилди. Шаҳзода бу таклифга истар-истамас кўниб, яна бир кеча шу ерда тунади. Сулаймон пайғамбарнинг худ-худидек, Билқис<sup>1</sup> монанд нозанин хабарини келтиргани учун кампирга жуда кўп дуру гавҳарларни инъом этди. Узи бўлса, тун Юнус пайғамбарни ютган балиқ каби қуёшни ютиб юборгунга қадар вақтни бекорга ўтказмасликни ўйлаб, балиқ овига жўнади. У дарёга тўр ташлаши биланок катта балиқ илинди. Шаҳзода хурсанд бўлиб, уни қовуриб бир кўза шароб билан келтиришларини буюрди. Ошпаз ўлжанинг қорнини ёрган эди, ичидан қимматбаҳо тошлар билар нақш солинган ажойиб узук чиқди. Шаҳзода уни кўриб лол қолди ва мароқ билан кўздан кечира бошлади. Шу аснода юраги худди қуруқликдаги балиқдай типирчилай бошлади, дили ишқ-муҳаббатнинг муаттар бўйини сезгандай бўлди. Шундан кейин, у хитоб қилди:

— Шубҳасиз, бу узук ўша ойжамолнинг мулкидандир! Бўлмаса, не сабабдан юрагим бунчалик безовта бўлаётир?

Шаҳзода зудлик билан кампирнинг ёнига бориб, деди:

— Мана бу узук кимники эканлигини билмайсанми? Ундаги дуру гавҳарларнинг шуъласи дилимни ойдек равшан қилди.

Кўпни кўрган кампир бир қарашдаёқ узукни таниди ва мийиғида жилмайиб, жавоб қилди:

— Эй ишқ йўлида ошиққан йигит! Дўппингни осмонга от, бу Меҳрбонунинг узуги. Ишинг ўнгидан келди, ҳадемай ўша ажойиб сарв-қоматни кўрасан. Энди ҳақиқатан ҳам бу ерда ушлашиб қолишининг фойдаси йўқ.

Шаҳзода ўша заҳоти Манучеҳр ва Паринажот билан хайрлашиб, йўлга бирор емиш олишнияма унутиб, маъшуксининг юртига қараб қанот боғлаб учиб кетди.

Оз фурсатда у кўп манзилларни босиб ўтиб, Ҳуснободга етиб келди. Бечора дарбадарларга ўхшаб, бир боққа жойлашди. Унга ҳамроҳ бўлган кампир эса, олдинги сафаргидек гул дўкони очиб, яна ҳийла-найрангларини ишга солди. Ҳадемай осмонга нарвон қўйиб, Меҳрбонуни қўлга туширишга тайёргарлик кўрди.

Ажойиб кунлардан бирида у саватини гулларга тўлғазиб, саройдаги илгари сирдош бўлиб қолган гулчи аёлнинг ёнига борди-да, гулдастани бирғалиқда Меҳрбонуга элтиб берайлик, деб илтимос қилди.

— Эй меҳрибон эгачим, — жавоб қилди гулчи аёл, — яқин орада Меҳрбонуни кўра олмаймиз. У узугининг йўқолганидан жудаям хафа. Бир неча кун муқаддам чўмилгани дарёга бориб, тоторлар мушкининг бўйини берадиган жингалак қора сочларини сувга ботирган экан, йўқотиб қўйибди. Меҳрбонунинг ўй-хаёли унда, аммо топишининг иложи бўлмапти. Шунинг учун у доимо ғам-ҳасратда, ҳеч кимни кўргисиям келмайди.

Кампир бу хабарни ишнинг ўнгидан келгани деб ҳисоблаб, шаҳзоданинг ёнига хурсанд алфозда қайтди.

— Ҳадемай, — деди кампир, — ул нозанин тўрингга балиқдай илинади. Бу узук эса, истак гавҳарининг қўлга киритишинга ёрдам қилади. Энди энг аъло маслаҳатчи — ақлидрок, ҳамроҳларининг билан бу боғни ташлаб, шаҳардаги бирор холи уйга жойлашишни маслаҳат берардим. Сени бирорта одам таниб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлишинг лозим. Анави чол эса, дарвешларнинг жандаси ва қаландарларнинг жулдур кийимини кийиб, ўзини тарки дунё қилган художўй қилиб кўрсатсин, кўнгли изтиробда қолгандек, аламли кўз ёшларини тўксин. Кейин бу мамлакат подшоҳининг ёнига бориб, ўзини Хизр пайғамбарнинг элчисиман, деб таништириб, шундай десин: «Пайғамбар Хизр алайҳиссалом сизга салом йўллайди. Кейин, Худои Таоло қизингиз Меҳрбонуга меҳрибон эканлиги маълум. Уни нодир гавҳарга ўхшаш кишига эрга беришингизни тақдир азалда ёзиб қўйилган. Анави аслзодалар насабидан бўлган куёвга эса, дарвеш либосини кийиб, жаннат монанд хонадонингизга келишлик буюрилган. Йигит ўз ваколатини тасдиқлаш учун Меҳрбонунинг сувга тушириб юборган узугини кўрсатади. Хизр алайҳиссалом Оллоҳнинг амри билан ўша узукни балиқнинг қорнига беркитган, кейин эса, уни ўша олийжаноб йигитга топширган. Йигит шаҳрингизга келиши биланок, уни яхшилаб қарши олинг ва Оллоҳга шукроналар бажо келтиринг». Ана шунда ўша шоҳона гавҳарни дарров сенга тўхфа этадилар. Чунки, «Дононинг қилмиши доноликдан ҳоли эмас<sup>2</sup> деганларидек, узукнинг йўқолиши ва балиқнинг қорнидан топилиши Оллоҳнинг иродасидандир. Шунингдек, подшоҳга Хизрдан тўхфа тариқасида бироз оби-ҳаёт ҳам бериш лозим. Фақат шундай қилганингдагина ўз орзуингга эришасан. Чунки Меҳрбону-

<sup>1</sup> Билқис — араб, форс адабиётида учрайдиган Сова маликаси, Сулаймон пайғамбарнинг маъшукаси

<sup>2</sup> Араб мақоли

нинг отаси қизини эрга бермоқчи эмас. У маликага шунчалик боғланиб қолганки, ҳечам ажрала олмайди. Ахир, жуда кўп султонлар ва подшоҳлар совчи қўйишган. Аммо улардан бирортасиниям умид қосаси истаган ичимлигига тўлмаган, кўнгил қадаҳларига эса, ғам-алам тамғаси босилган.

Шаҳзода кампирнинг тадбирини маъқул топиб, ҳаракатга тушди. У художўй чолни подшоҳнинг ёнига жўнатди. Ҳақиқат, Ҳазрат, одамларнинг кўзидан ғойиб бўлди.

Чол подшоҳнинг ҳузурига бориб, лозим одоб-эҳтиром билан унга Хизр алайҳиссаломнинг «маслаҳат»ларини етказди. Кейин пайғамбарнинг туҳфаси — оби-ҳаёт қўйилган шишачани топширди. Подшоҳ бундан жуда таажжубга тушди. У чолнинг сўзларига ишончи-ишонмаслигиниям билмасди. Аммо чол узук тўғрисида гапирганда, подшоҳ гап қайтаришга журъат қила олмади. Ниҳоят, у оби-ҳаёт қўйилган шишачани очиб, икки кун аввал тутилган балиққа бир неча томчи сочди. Балиққа ўша захоти жон кирди. Бу ерда ҳозир бўлганлар бундай мўъжизани кўриб, таажжубдан қичқириб юбордилар ва чолни мақтаб кетдилар. Сарой аъёнлари подшоҳнинг амрини кутмаёқ уни фахрли жойга ўтказиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар. Чол ўйлаган нияти амалга ошганлигига ишонч ҳосил қилиб, шундай деди:

— Дарвешларга подшоҳларнинг ҳузурига узоқ қолишлик ярашмайди. Мен зоти олийнинг ёнида заруриятдан бироз вақт бўлдим. Энди бу ерда ортиқ туриш маъқул эмас.

Подшоҳ чолдан яна бирмунча вақт саройда қолишни илтимос қила бошлади. Лекин чол кўнмай, ўз аҳдида қаттиқ туриб олди. Шундан кейин, подшоҳ ва сарой аъёнлари у билан хайр-маъзур қилдилар. Чол саройдан чиққанидан кейин оддий кишилар, бизгача бардамлик ва соғ-саломатлик улашади, деб умид қилиб, уни ўраб олишди. Чол бир илож қилиб улардан қутулди ва зўра оёғини судраб, минг азобда шаҳзоданинг ёнига етиб келди. Кейин подшоҳ саройида бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди.

Бир неча кундан сўнг, шаҳзода гўё шаҳарга ҳозиргина келиб тургандек, илгари тўхтаган боғига жойлашди. Кейин вазирнинг ўғлини подшоҳ ҳузурига жўнатиб, қўйидагиларни сарой аъёнларига маълум қилишликни топширди: «Хўтан тахтининг вориси тақдир тақозоси билан қандайдир балиқ тутиб олган эмиш. Унга балиқнинг қорнини ёриб, ичидан чиққан нарсани шу мамлакат подшоҳига олиб келиб бериш буюрилган экан. Балиқнинг қорнидан эса, қимматбаҳо тошлардан нақшланган узук чиқибди. У узукни олиб, подшоҳ тахти пойини ўпишлик учун шу мамлакатга келибди. Йўлда унинг бошидан ўтган қийинчиликлар, азоб-уқубатларни эса, таърифлаш уёқда турсин, тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам шаҳзоданинг бироз мазаси йўқ. Аммо, Оллоҳга шукрлар бўлсинки, у топширилган ишни бажарди! Агарда подшоҳ уни қабул қилишликни лозим кўрмаса, унда шаҳзода ўз бурчини адо этиб, буюрилган нарсани топшириб, ўз мамлакатига қайтиб кетади.

Вазирнинг ўғли подшоҳга шаҳзоданинг айтган гапларини маълум қилганда, зоти олий чехрасида шодлик аломатлари пайдо бўлди. Кейин хурсанд бўлиб, шундай жавоб қилди:

— Хуш келибсизлар! Сен хурсандчилик хабарларини етказдинг! Лекин, нима сабабдан шаҳзода бунчалик тез уйга қайтиши керак? Ахир, ақлли ва доно одамлар яхши билишадими, улуғ мамлакатнинг тахт ворисига лозим иззат-ҳурмат кўрсатмай туриб, унга жавоб беришлик ярашмайди. Қолаверса, у бизга шундай бебаҳо хизматлар кўрсатибди! Сендан олдин менинг ёнимга Хизр алайҳиссаломнинг элчиси, бир табаррук авлиё келган эди. У тез орада сизларнинг келишликларинг тўғрисида огоҳлантириб, кўзларимнинг оқ-қораси, бокира қизим ҳақида Худонинг иродасини хабар қилган эди. Алҳамдулиллоҳ, шаҳзода бизнинг мамлакатимизга эсон-омон етиб келибди. Мен энди ишни бирор зум ҳам пайсалга солиб ўтирмайман.

— Шаҳзода Худонинг иродасидан беҳабар, — жавоб қилди вазирнинг ўғли. — Гарчи у олийҳиммат, ақлли ва олижаноб бўлса ҳам, аёллар суҳбатидан ўзини олиб қочди. Аммо, Оллоҳнинг иродаси шундай бўлса, бунга бўйсунушлиқдан бўлак илож йўқ.

Шундан сўнг вазирнинг ўғли подшоҳдан руҳсат сўраб, хушхабарлар билан шаҳзоданинг кўнглига ором бериш ниятида ўша захоти унинг ёнига қайтди.

Шаҳзода ҳақидаги хабар Меҳрбонуга ҳам маълум бўлди. Бу гапларни эшитгандан кейин у чуқур ҳаяжонга тушди. Шаҳзода мен билан умр қилишга муносибми, у асли қандай йигит экан, деган ўй-хаёллар уни ўйлатиб қўйганди. Шу хаёллар билан банд бўлиб турганда, ёнига тутинган синглиси билан ўша кампир кириб келиб, Меҳрбонуга ажойиб гулдаста тутдилар. Меҳрбонунини шубҳага солмаслик учун кампир гўё билмаган киши бўлиб, шаҳзода ҳақида гап очиб қолди.

— Бугун, — деди у, — боққа гул тергани борган эдим. У ерда оқ юзли, ақлли, ширинсухан, хушрўй йигитни кўриб қолдим. Унинг манглайида улуғворлик ва шохлар насабидан бўлганлик аломатлари намоён эди. Ҳамроҳлари, у Хўтан султонининг вориси, ўз мамлакатидан узоқ йўл босиб, бегона юртга муҳим бир иш билан келганлигини айтишди. Умрим бўйи бундай хушрўй, олийжаноб ва ақлли йигитни учратмаганман. У бирам боадаб, мулойим ва хушмуомалаки! Айтишларича, қуввати шунчалик эмишки, унинг олдида Рустам мункиллаган чолдек бўлиб қолар, адолатда Хисраву Ануширвон-

дан, сахийликда эса Ҳотам Тойдан ўзиб кетар эмиш. Шубҳасиз, у ишқ гулшанидаги ёш ниҳол, кўркам сой бўйидаги ажойиб сарвдир. Унда барча мақтовга лойиқ сифатлар мужассам. Оллоҳ Таоло унга зоҳир ва батиндан барча илмларни ато қилган, мана бу байт ҳам унинг шаънига айтилган:

**Сенингдек покиза зотга менинг мадҳим на ҳоҷатдур,  
Худо берган жамолинга не қўшгай ўста машшота.**

Меҳрбону кампирнинг сўзларини эшитганидан кейин, ўзини идора қила олмай, подшоҳга шундай хабар юборди: «Хизр алайҳиссалом юборган ҳадяни бахтимнинг чироғи деб ҳисоблаб, Оллоҳнинг иродасини иложи борича тезроқ амалга оширсам, дейман». Подшоҳга бу сўзлар маъқул тушиб, султонлар одатига мувофиқ никоҳ тўйини бошлашга, шоҳона ноғораларни чалиб, бахтли соатларда сарвни шамшодга қўшишга фармон берди.

### **Никоҳ базмининг таърифи**


Шоҳона базмларнинг билимдонлари ва подшоҳона анжуманларни уюштирувчилар саройда никоҳ базмига тайёргарлик кўра бошладилар. Шодлик ва хурсандчилик учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни муҳайё қилдилар. Иқбол қўшноғараларининг товуши фалаккача етди, шодлик овозалари бутун оламга тарқалди, кайф-сафо бодаси қадаҳларда жўш урди, машшоқларнинг мафтункор куйлари дилларга ором бағишлади. Ҳар тарафга гуллар ва райҳонлар гулдастаси сочилди. Базмдагиларнинг шод-хуррам бўлишликлари учун мушк ва анбарлар чунон сепилган эди, созандалар эса, ажиб куйлар чала бошлашди. Маҳваш соқийлар базмга лаълранг шароблар билан оро бердилар. Гўзал нозанинлар эса, базм иштирокчиларини кокилларининг занжирларига банд қилиб, ноз-карашмалар билан дилларни мафтун қилдилар.

Оламнинг нурафшон келини мағрибдаги никоҳ хонасига чекинганда, барча маликаларнинг маликасини ясангириб, тахтга ўтқаздилар. Зеб-зийнатли либослар кийган, Фаридун шуҳрати ва Кайковус шукуҳи бирла тўлин ойдек балқиб турган шаҳзодани ичкари хонага олиб кириб, ҳалиги гўзалнинг ёнига — шоҳлик тахтига ўтқаздилар. Бами-соли ой билан қуёш саодатли онларда қовушгандек бўлдилар. Табрик садолари фалакка етди, муборақбодлар ер-кўкнинг қулоғини қоматга келтирди. Шунчалик беҳисоб дургавҳарлар нисор қилиндики, улар ерни кўтариб турган ҳўкизга ҳам оғирлик қиларди.

Барча никоҳ маросимлари тугаганидан кейин, хайрихоҳ дўст-ёронлар парвонадек ҳар томонга тарқалишиб, гулни булбул билан ёлғиз қолдиришди. Кўза косага эгилганидек, Меҳрбону ишқида масту аласт шаҳзода маликага бош эгиб, юрак сирларини баён қилди. Шундай қилиб, узоқ азоб-уқубатлардан сўнг шаҳзода асл хазинани қўлга киритди, беҳисоб кулфатлардан кейин, истаган нарсасига эришди.

Заррин нурларга ўралган фалак султони тун келинчаги оғушидан бўшаб, оламни заррин нурларига чулғаганида, шаҳзода ҳарамдан чиқди ва подшоҳлар таомилига кўра, фуқароларни қабул қила бошлади. У олтину кумушларни одамлар устидан сочди. Сарой аъёнларига эса қимматбаҳо либослар улашди.

Тўйдан кейин маълум фурсат ўтгач, шаҳзода подшоҳдан рухсат сўраб ўз юртига жўнаш тadbирини кўра бошлади. Подшоҳ, аждодларнинг одати бўйича, шаҳзодага тўёна тариқасида мингта от, дуру гавҳарларга тўла табақлар, жуда кўп мушк-анбар, туялар, серҳашам матолар, офтобжамол канизаклар ва навқирон қулбаччалар тухфа қилди. Буларнинг сон-саногига энг моҳир ҳисобчи ҳам ета олмасди. Шаҳзода подшоҳ билан хайр-маъзур қилгач, Меҳрбону тахтиравонга ўтқазиб, қуёш мисоли жуда кўп ўлкаларни орқада қолдириб, Хўтанга қараб равона бўлди.



# Ҳиллар, боққедлар, ҳужжатлар

Матёқуб Қўшжонов

## Ўтмиш фожиаларидан бир лавҳа

Ҳа, ўтмишимиз фожиаларга тўлиб-тошиб ётибди. Улар ҳақида гап энди бошлана-япти. Қуйида ҳикоя қилинадиган бир истеъдод қисмати шундан бир лавҳадир.

Қўлимда 50 йиллик тарихга эга ноёб ён дафтар. Ҳажм ва шакл жиҳатидан кичик шеърлар тўпламини эслатадиган тўқ-сарик рангли дафтарча. Узоқ йиллар чўнтакда юргани шундоқ кўриниб турибди. Қоғозининг ранги ўчиб кетган. Баъзи варақларининг четлари титилган. Айримлари нима сабабдандир ўткир тиғ билан тилинган. Олабўз либосда, эрк-ихтиёрсиз тутқунликда кун кечирганлар ҳиди келгандек бўлади уни қўлга олсангиз.

Дафтарча фабрика маҳсулоти эмаслиги кўриниб турибди. У оддий қоғозлардан буклаб, ип тортиб китобча шаклига келтирилган. Бир қисми оқ бўлиб, асл нусхадан ажралиб турибди. Назаримда, бу варақлар кейин илова қилинган. Уни шеърлар тўплами деса ҳам бўлаверади.

Дафтарчанинг биринчи саҳифаси шеър билан бошланади. Шеърлар ислоҳ қилинган араб алифбосида ёзилган. Аксари сарлавҳалар лотинча битилган. Шеърлардан ташқари, эгасининг таржимаи ҳолига тегишли мухтасар маълумотларни ҳам кўрамиз унда. Илова қилинган оқ қоғозларда айрим сўзларнинг латиш, литва, эстон тилларидаги муқобиллари берилади. Демак, бу шеърлар эгаси шу жумҳуриятлар ҳудудида кўпроқ юрган.

Дафтарчани варақлаганда тўрт йил давомида жанг майдонларида чўнтагимда йўлдош юриб, уруш ўқубатларига мен билан бирга гувоҳ ўз кундаликларимни қўлга олаётгандек сездим ўзимни. Қизиқ, дафтарчанинг эгаси ҳам менга адаш — Матёқуб, фақат фамилияси бошқа — Абдуллаев, тахаллуси — Равшан.

Титилган, ранги ўчган бу дафтарчани варақлар эканман, йиллар давомида бошига беҳисоб кулфатлар тушган бу одамнинг қисмати тасаввур қиламан. Дафтарча чўнтакда, ё буюм ҳалтада қай жойларда бўлмаган дейсиз! Мана унинг қисқача жуғрофияси: Бресть, Минск, Берлин, Рим, Милан, Оренбург ва яна аллақандай бизга нотаниш жойлар ва шаҳарлар... Санайверадиган бўлсак, улар жуда кўп. Эндиликда дафтарча тарих ҳужжати сифатида қўлимизда турибди. Буни менга Матёқуб Абдуллаевнинг ҳамқишлоғи, шарқшунослик институтининг домласи Исмоил Бекжонов ноёб ёдгорлик сифатида топширган.

Дафтарча бошқа бир воқеани эсимга солди.

1939 йили эди. Чоржўйда ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиб юрган кезларим. Қаердандир қўлимга бир китоб тушиб қолди. У анча мўъжаз бўлиб, «Қилич» деб аталарди. Муаллифи — Матёқуб Абдуллаев. Жилдида роман деган ёзув ҳам бор эди.

Қишлоқдан эндигина шаҳарга келган йилларим. Китоб олами билан ҳали ошно бўлиб улгурмаган эдим. Шунинг учунми у менда катта таассурот уйғотди. Унда акс этган Хоразм табиати, воҳа халқининг урф-одатлари, ҳаёт тарзига тегишли манзаралар, шахслар орасида рўй берган айрим воқеалар ҳанузгача эсимда. Эллик йилдан кўпроқ вақт бу манзаралар ёдимда қолгани китобнинг қандайдир қимматларидан дарак беради, деб ўйлайман бугун.

Шубҳасиз, китоб 70 йил ҳукм сурган хаёлий коммунистик мафкура талаблари асосида ёзилган. Бошқача бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Матёқуб Абдуллаевнинг ҳаёт йўли ўша мафкурага тугал мос келган бўлса китоб кетма-кет нашр қилина-

верган бўлар эди. Ишонч билан айтаманки, 20—30-йиллар ҳаёти манзарасини тиклаш жиҳатидан романнинг айрим бобларини ҳозир ҳам китобхонга тақдим этиш мумкин.

Бу икки ҳодиса — дафтарча ва роман мени Матёқуб Абдуллаев қисмати билан қизиқтирди. У ҳақда маълумотлар йиғишга эҳтиёж сездим ўзимда.

Матёқуб Абдуллаев 1910 йилда Ҳазорасп туманида дунёга келиб, ёшлигидан бадий ижод билан шуғулланган. У 30-йилларда Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Комил Яшинлар билан бир сафда туриб, ўз ҳаётини бадий ижодга бағишлаган зиёлилардан бири эди.

Адиб ижодини шеър билан бошлаган. Хоразмда «Инқилоб қуёши» газетасида ходим ва Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм бўлимида котиб бўлиб ишлаётган пайтларида «Зухра» номли шеърлар тўпламини эълон қилган. Айтишларига қараганда, у Хоразмда 1934 йилда ўлканинг ўн йиллиги муносабати билан «Оловли зарба», «Фитнақ» ва «Фитначилар» пьесаларини ёзиб саҳналаштирган. Узи ижрочи ҳам бўлган.

Матёқуб Абдуллаев истеъдоди пойтахт назарига тушган бўлса керак, 30-йилларнинг иккинчи ярмида Тошкентга таклиф этилади ва жумҳурият Ёзувчилар уюшмасида масъул ходим бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан у ижодда яна ҳам фаоллашади. Адибнинг ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ бир воқеа тафсилоти алоҳида эътиборга сазовордики, бу ҳақда тўлароқ маълумот бериш зарур кўринади.

У Тошкентда ишлаб юрган пайтларида «Шоҳсанам ва Ғариб» музикали драмасини яратади. Свердлов номли театрда саҳналаштириб, бош қаҳрамон Ғариб ролини ўзи ижро этади. Маълумотларга қараганда, спектакль кўригида Йўлдош Охунбобоев ҳам иштирок этган экан. Жумҳурият оқсоқоли Матёқуб Абдуллаев ижро этган роль ва қўшиқлардан қаттиқ таъсирланган бўлса керак, спектаклнинг охирида саҳнага чиқиб уни қутлайди ва устидаги тунини ечиб унга кийгизади. Шу билан бирга муаллиф ўн минг сўм пул билан мукофотланади. Унга Энгельс кўчасидан турар жой ажратилади. Кўришиб турибдики, у пайтларда саҳна асарлари ўта кам бўлиб, ижодкорларнинг бу соҳадаги ҳар бир қадами қутловларга сазовор бўлган.

Маълумки, 30-йилларнинг охириларида инсон ҳуқуқларини поймол этган зулмат ҳукмрон эди. Аммо «Янги тузум»га ёшлар бениҳоя қаттиқ ишонардилар. Шу сабабдан уларнинг дунёқарашида алоҳида кўтаринки руҳ мавжуд бўлган. Коммунистик тарбия деб аталган мафкуравий қурол тўлалигича ишга тушган эди у пайтларда. Матёқуб Абдуллаев ҳам «янги тузум»га ўта садоқат билан қарагани табиийдир. Бунинг устига, шоир астойдил ижодий изланишда эди. Узини катта ишларга чоғлаган эди у. Яратиладиган асар унинг назарига ватанпарварлик руҳига бағишланган бўлиши керак эди. Шу йўсинда у «Полк ўғли» номли асар яратишни чамалайди. Ҳаёт манбаларини тўла ва бевосита ўрганиш учун ўз ихтиёри билан ариза бериб, ҳарбий хизматга кетади. Бу ҳол ён дафтарчада ҳам қайд қилинган.

Аммо тарихий вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, шоир ҳаётидаги бу бурилишнинг бошқа сабаби ҳам борлиги эҳтимолдан узоқ эмаслигини англаймиз. Назаримизда Матёқуб Абдуллаевнинг ижодий ютуқлари баъзиларда ҳасад уйғотиб, ижод баҳона армияга жўнатилган бўлиши ҳам мумкин.

Унинг кейинги қисмати қандай бўлган?

Адибнинг қисматдошларидан бири Қурбон Қутлимуродовнинг айтишича, у Ғарбий Белоруссия ҳарбий қисмларидан бирида хизмат қилган. Мўлжалидаги мавзуга тегишли маълумотлар йиғиш учун Брестга келган. Қурбон Қутлимуродов ҳикоя қилади:

«...Жума куни у (Брестдан — М. Қ.) ўз қисмига қайтиши керак эди. Бирор сабаб билан сафарини яна бир кунга чўзибди. Аммо яқшанба куни уруш бошланиб, аросатда қолибди. Орадан бир ҳафтача ўтиб, Минскка етиб келади ва асир тушади...» Буни адиб қисматдошига ўзи айтган экан.

Матёқуб Абдуллаевнинг кейинги ҳаёти ҳақида Қурбон Қутлимуродов қуйидаги лавҳани гапириб беради:

«Мен Матёқуб Абдуллаевни 1942 йилнинг октябрида Харьков шаҳридаги трактор заводида кўрдим. Етти кун бирга бўлдим. У «СЮ» (Совет Иттифоқи — М. Қ.) ёзувли кийимда эди. Бу кийимдагиларнинг аҳволи оғир эди.»

Ён дафтардаги белги ва ёзувларга қараганда, Матёқуб Абдуллаев кейинчалик Германия ҳудудига ўтказилган. У ерда нималар билан машғул бўлгани маълум эмас. Европанинг турли шаҳарларида қандайдир вазифаларни бажарган кўринади. Аммо шеърларини ўқиб, у ватанини бир дақиқа ҳам унутмаганини сезамиз. Уй-хаёли доим, ўз сўзлари билан айтганда, Ўзбекистон деб аталмиш бўстонда бўлган. У ҳижрон ўтида ёниб, ўртанган.

Ён дафтарнинг биринчи бетида «Соғиниб» шеъри битилган. Уқувчи аниқ тасаввур олиши учун шеърни бир қадар тўла келтиришни лозим кўрдим.

Соғиниб юрмакдамен, эй, Ўзбекистоним, сени,  
Бахтиёрлар ўлкаси бўлмиш гулистоним, сени.  
Сен билан бирла нафас олганда қайғум йўқ эди,  
Қайғуларга ботдим энди, ёд этиб жоним, сени.

Эсласам кўйнимда роҳат олғоним кезларни мен.  
Ёнади бу ёш юрак ўйлаб, қадрдоним, сени.  
Улмайн ўйнаб-кулиб қайтсам агар кўйнингга мен,  
Қолмас эрди дилда армон, жонға дармоним, сени.

Асар 30-йиллардаги ўзбек шеърятига хос услубда ёзилган. Унда шоирона мушоҳада уйғотадиган образлардан кўра кўтаринки ширнома, анъанавий иборалар кўп қўлланилади. Аммо мазмун жиҳатидан юртдан ажралган, уни соғиниб, ўзига чора тополмай юрган одамнинг алами бор унда.

Дафтарчадаги бошқа шеърлар ҳам бадинят жиҳатидан мазкур кўчирмадан кам фарқ қилади. Аммо мазмун жиҳатидан ранг-баранглик йўқ эмас. Уларда ҳар хил вазиятда намоён бўлган шоирнинг хилма-хил кайфияти кўриниб туради.

Шеърлардан бир нечаси тутқунликда юрган яқин элдошларига бағишланган. Шоир уларнинг фазилату сифатларини таърифлайди. Ўз элидаги ҳамқишлоқларига ҳавас билан қараш ҳисси йўқ эмас бу шеърларда. Адиб ҳозирги Ҳазорасп туманида ҳамшира бўлиб ишлаётган қизига алоҳида шеър бағишлаган.

Кўз очиб, дунё кўриб, кўрган қизимсан, Дилбарим,  
Дунёдан орттирганим ҳам бойлигимдир-гавҳарим.

Ўз фарзандининг ўсиб-улғайиши, ҳаётга қадам қўйишини кўра олмаган отанинг аламли нидоси бор бу шеърда. Бу ҳол асарга алоҳида жозиба бағишлайди. Давомини ўқиймиз:

Кўрмайн тўлди юзингни оҳ ила бул дафтарим,  
Боғимнинг гулзорида сен якка-ёлғиз каптарим.  
Сен даданг дийдорини кўрмай камол топмоқдасан,  
Лайлидек балки ўзинг янги жамол топмоқдасан.

Дилбархон «оҳ ила тўлган» бу дафтарни кўрди. Бироқ дафтар муаллифи — отасининг дийдорини кўра олмади.

Аслида Матёқуб Абдуллаевнинг ҳамма шеърлари ҳам бағишловлардан иборат. Уларда ватанидан ажралган шоирнинг мислсиз, жаннатмакон элини соғиниш туйғулари, дардлари акс этади. Бу бағишловларда унинг бошига тушган кулфатлару, азоб-уқубатлари сезилиб туради.

Мен ўсиб унган еримдек кўрмадим ер, кўп кезиб,  
Бўлсам ҳар ерда ўнг юрдим фақат меҳрин сезиб.  
Ўзга элда ўзгаларга зор бўлдим минг безиб.  
Қайғуга йўлдош бўлиб мен чарчадим ёшликда, бил.

Бу ерда тутқунлик изтиробидан ташқари битта ибора эътиборни ўзига тартади. Шоир ватан меҳрини кутлаб фақат «ўнг юганини» билдиради. Бу ҳақдаги фикрини у алоҳида қаноат билан ифодалайди. Шоирнинг туйғулари самимий эканига ишонмаслик мумкин эмас. Дард, алам, хайрли истак билан йўғрилган бу сатрлар!

Бошқа бир шеърда жангда душманга қарши курашиб, муродига етолмаганидан ачинади. Ўша уруш қатнашчиси сифатида ўқувчига билдириб қўймоқчиманки, уруш аскар машқига ўхшаган муайян қоидаларга тўғри келаверадиган ҳодиса эмас. Душман юзини кўрмасдан ўққа ураб ёки жароҳатланиб, сафдан чиқиб кетганлар сонсиз-саносиз бўлганидек, ўзининг қай вазиятда эканини англаб улгурмай туриб, асирга тушиб қолганлар ҳам кўп эди бу урушда.

Бахт нима, кулги нима билмадим,  
Гўзал элдан чиққан кундан буён.  
Ёвимизнинг қора бағрин тилмадим.  
Бўямадик ханжарларни биз қонга.

Шоирнинг бу иқрори ҳам самимий эканига менда шубҳа йўқ!

Шоирнинг руҳий оламидан дарак берадиган мазкур ён дафтарини varaқлаб, ундаги шеърлар билан танишар эканман, қуйидаги мулоҳазани ҳам айтишни лозим кўрдим:

Шоир яхши ният билан ҳарбий хизматга кетган. Асир тушиш унинг учун машъум қисмат бўлди. Уруш тугади. Узоқ Сибирь ўрмонларида тутқунликда бўлди. Шеърларининг аксарият қисми ҳам қисматнинг мана шу босқичида битилгандир.

Шу ўринда яна битта қиёс ўринлидир. Инсонга инсон сифатида қарайдиган элларда дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин, йўқолган фуқаросини — (у жангчиси, муҳбирми ёки бошқа вазифадами — бунинг аҳамияти йўқ) йиллар давомида излашади. Уни топмагунча тиниб-тинчимайдилар. Топиб элига қайтарган кунни байрам деб эълон қилишади. Ҳокимият раҳбарлари қабул қилиб, имтиёз яратади уларга. Биз иккинчи жаҳон урушини ғалаба билан тугатган бўлсак-да, ўз фуқароларимизни аямадик, қадрламадик. Уларни душман зиндонидан олиб, ўз зиндонимизга ташладик. Бундан ортик



қадрсизлик, хўрлик борми оламда?! Асир тушса-да, «ўнг юришни» ўзининг бурчи деб билган, душман «бағрини тила олмагани», «ханжарини қонга белолмагани»дан ачинган шоир ватанидан раҳм-шафқат кутди. Бироқ бешафқат тўралар уни уқубатлардан уқубатларга йўлладилар. Олабўз либосини ечтирмасдан Сибирга жўнатишди. Шоир умрининг якуни ҳам ўта фожиалидир. Сибирнинг баҳайбат ғўласи тагида жон беради у.

Шунга қарамай, Матёқуб Абдуллаев шеърларида қадрсизланишга қарши исён, ҳеч бўлмаса, нолиш оҳангларини кўрмаймиз. Буни ҳам табиий деб қараш керак. Шоир ўсиб-улғайган муҳит, у олган мафкуравий тарбия ҳуқуқсизлик ва қадрсизликни англашга йўл қўйган эмас. Унинг шеърларидаги бир хиллик, теранроқ фикр юритишдан кўра мадҳиябозлик ва шиорбозлик мафкуравий қуллик билан боғлиқдир. Ҳатто шундай бўлдики, Сибирь кенгликларида, балки айбсиз айбдор бўлатуриб, дарахт кесиб юрган пайтларида ҳам, турмаларнинг зах хоналарида ўтирган пайтларида ҳам у «ғўзал» ҳаёт, уни «яратган» доҳийга шеър бағишлайди. Буни ҳам носамимийлик натижаси деб баҳолаб бўлмайди. Бошқа кўпгина шоир ва адибларда бўлганидек, у ҳаёлида ғўзалликни кўради. Доҳийпарварлик унинг қони ва жонига сингиб кетган эди.


Матёқуб Абдуллаевнинг қисматига боғлиқ ўтмишимизга хос ўта ачинарли бошқа бир ҳолатни ҳам айтиш керак. Бу — инсоннинг қадрсизланиши, оёқости қилиниши билан боғлиқ. Шоирга тенгқур авлод «ота ўғли учун жавобгар эмас», деган сўзни кўп эшитган. Лекин ҳаётда тамоман бунинг тескарис бўлиб келгани бугун бизга маълум.

Матёқуб Абдуллаев қисматига тушган оғир кунлар ўзи билангина қолиб кетмади. Шоир «айби» важ қилиниб, яқин қариндош-уруғлари бошига ҳам беҳисоб жабр-ситамлар солишган. Фикримизнинг далили учун шоирнинг укаси Иброҳим Абдуллаев сўзларини келтирамиз. Бу маълумот шоир таржимаи ҳолини янада аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.

«Акам бизни 1933 йил кузида Тошкентга олиб кетди. Унинг хотини, 3—4 яшар қизи ва менинг оилам ҳамда Исмоил исмли укам билан бирга яшай бошладик. Мен дастлаб, тўртинчи нон комбинатининг «Ударник» газетасида масъул секретарь бўлиб, сўнгроқ «Қизил тонг» шаҳар газетасида шу вазифада ишладим. Кейин «Большевик» журналинда адабий ходим бўлдим. Укам Исмоил Тошкент областидаги «Беш йиллик» совхозида чиқадиغان кўп тиражли газетанинг ҳарф тёрувчи ва тахловчиси эди. Мақсадларимиз катта эди. Акам бизни ўқитмоқчи эди. У армияга кетиб қолди. Кетидан укам кетди. Биз Тошкентда қийналиб, уруш бошлангач Хоразмга қайтдик. Мен Ҳазораспда «Сталин йўли» газетасида 1943 йилгача масъул котиб, кейин муҳаррир бўлиб ишладим. 1943 йили декабрдан район партия қўмитаси учинчи котиблигига сайландим. 1945 йили февралда Марказий Комитетдан комиссия келиб, мени ишдан бўшатдилар. НКВД эса партиядан ўчирилишимни ҳам талаб қилди. 1956 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби ўртоқ Н. А. Муҳиддинов ҳузурда бўлдим ва у кишининг тавсияси билан қайтадан партия сафига тикландим. Ўртоқ Муҳиддинов ўшанда «сизни партиядан нотўғри ўчиришган» дедилар. Ҳозирги кунда жумҳурият миқёсидаги пенсионерман. Укам Исмоил урушда ҳалок бўлди».

Жаҳолат, шафқатсизлик инсон бошига нималарни солмайди дейсиз! Аммо бир нарса аниқ, жаҳолат тўқмоғининг зарби биринчи галда яхшилар, ҳаётини эзгуликка бағишламоқчи бўлганлар бошига тушади. Ҳуқуқсизлик ҳукм сурган даврда ҳам ўртамиёначилик, иккиюзламачилик гуллаб-яшнайверади. Шу билан миллат майдалашади, халқ оёқости бўлади, ҳаёт олға эмас, орқага кетади. Шояд энди буларга чек қўйилган бўлса!

Матёқуб Абдуллаевнинг барча асарлари излаб топилса, асарларидан мажмуа тузилиб, нашр қилинса, қадрсизланиб жабрланган, оғир қисматли адиб руҳи олдидаги инсоний бурчимизни адо этган бўлар эдик.



## Матёқуб Абдуллаев

### Истадим

Май ичиб дил дардини кўкларга сочмоқ истадим,  
Сўнгра бу муз элларида сўқмоқ очмоқ истадим.  
Шул кичик сўқмоқ йўлим бирлан баҳор айёмига,  
Хур бўлиб етмоқ учун тоғлардан ошмоқ истадим.

Косагул, қуй, соқиё май жомингни тўлдир жон учун,  
Кучли тўлқиндек бўлиб ҳар ерда тошмоқ истадим.  
Гоҳи-гоҳи тушса эсга ёри-дўстлар базмиким,  
Гул-гулистоним томон бағрида шошмоқ истадим.

Марҳаматсиз ҳам ёруғсиз бул совуқ чўлдан бугун  
Қуш бўлиб, боғлаб қанот, юртимга қочмоқ истадим.  
Қуй шароб, аччиқ шароб, эй косагул, Равшанни деб,  
Май ичиб, дил дардини кўкларга сочмоқ истадим.

июль, 1946. Косва.

### Айрилиқ

Айрилиқ тушди бошимга беқарор бўлди кўнгли,  
Сен, гўзал элдан, чиқиб кетганда ёнди жон ва дил.  
Ўзга элларда ўтиб кетди ҳайф бир неча йил,  
Қайғу-ғамни торта-торта ёш юрак ҳам бўлди сил.

Мен ўсиб-унган еримдек кўрмадим ер, кўп кезиб,  
Бўлсам ҳар ерда ўнг юрдим фақат меҳрин сезиб,  
Ўзга элда ўзгаларга зор бўлдим минг безиб,  
Қайғуга йўлдош бўлиб мен чарчадим ёшлиқда, бил.

Бил, гўзал эл қайғуси бул қул ғариб бечоранинг,  
Кўнгли тундан-да бўлиб қолгон қора начоранинг,  
Малҳамин топсанг эди, сан сарсон дил ёранинг,  
Шерингни занжирлаган ёвнинг юрагин тигла, тил!

Ол мени қўйнингга тортиб, шонли эл, гулзор-чаман,  
Сенда бойлиқ, сенда шодлиқ, сендадир иқбол ва шан.  
Сенсиз ўтган кунларимда топмади роҳат бу тан,  
Ётма уйкуда, яратгон халқ мени, ёрдамга кел.

Сан, гўзал элга атаб ёзди ғазал Равшан шогирд,  
Бўлса нуқсонни сўзинда кўр, тузат, айбини ўт.  
Шоир... етказса агар таърифи юрт,  
Хуснига қўшғай ҳусн шоир ватаннинг жони деб.

19 март, 1947 йил.

## Кўнгил

Кўнгил, сан бунчалар нозик ажаб ҳиссиётларинг бордир,  
Қувонмоқ истасанг, ҳар дам гўзал севги сенга ёрдир.  
Сенинг севгинг билан олам ёшарган-ёшноган ҳаргиз  
Киши, қушлар ва ҳайвонлар бу севгингга сени зордир.

Кўнгил қолсаки, бир сўздан Қўҳиқофдан-да оғирроқ,  
Бу кенг олам, гўзал боғлар, чиройлик ўлкалар тордир.  
Кўнгиллар бўлдими шамшод, умр бўйи бу дунёдаё  
Аламлар бирла ёнғондур, йиғи-ҳасрат бунга кордир,  
Бу Равшан оламни гулшан қиларга шунда тайёрдир.

## Дўстлар

Дўстлар, қилманг пичинг айбимни ошкор айласам,  
Бошдан ўтган камчиликни сўз этиб зор айласам,  
Уйлар ҳар дам ортгай деб дўст яқин жондан азиз,  
Пуч бўлиб чиқди хаёлим, йўқни мен бор айласам.

Борида менда нуфуз бўлди менга ҳамкорлар,  
Шунда мен фикр айладим душман йўлин тор айладим.  
Бошима тушган кезинда мушкил савдо бу гал,  
Қочти бори танимай, арзир буни жор айласам.

Бағридан кечсам, унутсам розидир кўнглим менинг  
Баъзи дўстларни аҳдсиз койисам, хор айласам.  
Дўст бўлсанг бўлгил умрбод ажралмас ошиқ каби,  
Мард бўлиб турғин сўзингда менам донгдор айласам.

Бу сифат олижаноб дўстликни мен мақтовчиман,  
Бу даврнинг шоири Равшанга дилдор айласам.

5.X.1947 й.

## Дилбаримга (қизимнинг 13 ёшга киришига)

Кўз очиб, дунё кўриб, кўрган қизимсан Дилбарим,  
Дунёдан орттиргоним, ҳам бойлигим, дур-гавхарим.  
Кўрмайин тўлди юзингни оҳ ила бул дафтарим,  
Боғимнинг гулзориди сен якка ёлғиз каптарим.


Сен даданг дийдорини кўрмай камол топмоқдасан,  
Лайлидек балки ўзинг янги жамол топмоқдасан.  
Ўрганиб илму ҳунарлар, бир амал топмоқдасан,  
Бер хабар, ҳолинг нечук, билгум келур, эй сарварим.

Сақланур қалбимда чексиз Дилбаримга эътиқод,  
Эътиқод бирлан севилганлар бўлур дилларда ёд.  
Ёд этиб исмин қизимнинг, мен бўлурман бунда шод,  
«Ус, етил» дер лолаларга гул Ватан ҳам раҳбарим,

Сен ўсиб унган маҳалда балки кўзга кўз тушур,  
Кўз тушиб қолғонда мен айтғусиман ҳам кўп узр.  
Сенсиз ўтган кунларимда мен тополмай ҳеч ҳузур,  
Бўлғоним сарсон менинг ростдир қизим, эй жавҳарим.

Менда бир ёлғиз тилак бор, бахтимиз кулгай қизим,  
Бизни ажратган ғаним дам тортмайин ўлгай қизим.  
Боғчасида бўлса гуллар, қолмайин сўлгай қизим,  
Шунда Равшан боғида гул ғунча яшнар, Дилбарим.

22.03.47 й.



Михаил Булгаков

## ЧИЧИКОВНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

10 банддан иборат достон

(Муқаддима ва хотимаси билан)

— Ушла, маҳкам ушла, аҳмоқ!—деб чинқирарди Чичиков аравакаш Селифанга.

— Шопим билан чопиб ташлайман сен бадбахтни!—дея бақирарди отларни елдек учириб келаётган мўйловдор чопар.— Нима, кўрмисан, арвоҳ ургур, ахир бу подшоликка тегишли фойтун-ку!

### МУҚАДДИМА

Жуда аломат туш кўрдим... Гўё руҳлар салтанати, яъни нариги дунёмиш. Мен тепасида жинчироқ милтилдаб ёниб турган дарвоза олдида турганмишман: дарвозага «Ўлик жонлар» деган лавҳа осилганмиш. Шу пайт бир ҳазилкаш шайтон келиб, ўша жаҳаннам эшигини ланг очиб юборганмиш-у, ўликлар салтанатидаги арвоҳлар бирваракайига гимирлаб қолишганмиш. Кейин улар дўзах қопқасидан турнақатор тизилишиб чиқаверишганмиш-чиқаверишганмиш...

Ичкаридан биринчи бўлиб, эгнига пўстин кийган Манилов бир жуфт давангир айиқ қўшилган ченада, унинг кетидан Ноздрёв бировнинг аравасида чиқиб келишди. Кейин Держиморда кўринди — у ўт ўчирувчилар чаладиган мис карнайга миниб олган эди. Орқасидан Селифану Петрушкаю Фетиньялар пилдираб чиқишди.

Энг охирида бизнинг қаҳрамонимиз, яъни Павел Иванович Чичиков кўринди: у ҳалиям ўзининг ўша машҳур извошида ўтирарди.

Руҳлар салтанатидан чиққан бу оломон тўғри Совет Русияси томон йўл олди. Бу пайт Русияда шундай ғаройиб воқеалар содир бўлаётган эдики, улар ҳақида қуйидаги бандларда баён қилинур.

1

Чичиков Москвага етиб келгани ҳамона извошни автомобилга алмаштирди-да, шаҳарнинг гадой топмас ғариб кўчаларидан ўқдек учиб бораркан, Гоголни болохонадор қилиб роса бўралаб сўка бошлади:

— Илоё, ўша жин чалгурнинг икки кўзи остидан ҳар бири пичан ғарамидай ғурра ўсиб чиқсин! Касофат, обрўйимга доғ тушириб, мени бадном қилганидан бери ҳеч ерда қорамни кўрсатолмай қолдим. Шундан бери тинчим йўқолган. Мабодо одамлар менинг Чичиков эканлигимни билиб қолишса, турган гапки, ўша заҳоти паттамни қўлимга тутқазиб, думимни тугишади! Думимни тугишса-ку баҳарнав-а, худо кўрсатмасин, олиб бориб Лубянкага тиқишлари ҳам ҳеч гапмас. Мени шу кўйга солган ўша Гоголь, илоё ўзи ҳам, қариндош-уруғлари ҳам у дунёю бу дунё рўшнолик кўришмасин...

Чичиков шундай ўй-хаёллар билан бундан юз йил муқаддам ўзи тарк этган меҳмонхона дарвозасига машинада кириб борди.

Бу ерда деяри ҳеч нима ўзгармаган эди: девор тирқишларидан ҳали ҳам сувараклар мўралаб туришарди, ҳаттоки уларнинг уруғи эндиликда янаям кўпайгандек туюлар, лекин баъзи бир ўзгаришлар ҳам юз берган эди. Масалан, «меҳмонхона» деган лавҳа ўрнига «палон рақамли ётоқхона» деб ёзилган алвон осилганди, бундан ташқари, ҳамма ёқ шунақанги исқирт, шунақанги расво эдики, булар Гоголнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

— Менга хона керак!

— Ордер кўрсатинг!

Шунда фаросатда беназир Павел Ивановичимиз бир лаҳза ҳам тараддудланмай:

— Бошлигингизни чақиринг!— деди.

Ана холос! Бошлиқ Павел Ивановичнинг эски таниши Пимен амаки бўлиб чиқди. Бир вақтлар унинг «Акулька» деган қовоқхонаси бўларди; мана энди у Тверь хиёбонига немисча таомлари, ичимликлари, яна фоҳишалари ҳам бўлган русча усулдаги қаҳвахона очипти.

Меҳмон билан бошлиқ ўпишиб кўришишди, икковлари бир нималар деб пичирлашишди-ю бир зумда ордер-пордерсиз иш пишди-қўйди. Павел Иванович тановул қилиб олгач, ёзиллаганча иш қидириб кетди.

## II

У қайси идорага бормасин, бошини ён томонга хиёл эгиб таъзим қилиши ва бетимсол ақл-заковати билан ҳаммани ўзига ром қилиб оларди.

— Анкета тўлдилинг.

Павел Ивановичга узунлиги бир газ келадиган анкета тутқазишди. Қараса, биридан илмоқли юздан ортиқ савол берилган: қаердан келгансиз... бўлганмисиз, борми... биласизми... қаерларга боргансиз, ҳоказо ва ҳоказо.

Лекин Павел Иванович ҳаш-паш дегунча тириллатиб анкетани тўлдириб ташлади. Фақат тўлдириб бўлиб, уни узаётганида, қўли хиёл қалтиради.

— Мана,— деб кўнглидан ўтказди у,— ҳозир ўқиб чиқишади-ю қанақа махлуқ эканлигимни сезиб қолишади, кейин...

Во ажаб, кейин ҳеч нима бўлмади.

Биринчидан, зорманда анкетани ҳеч ким ўқимади, иккинчидан, у сабил тўғри рўйхатчи оймқизнинг қўлига бориб тегди; оймқиз эса ўз билганича иш тутди: анкетани муассасага келувчи ҳужжатлар рўйхатига эмас, жўнатилувчи ҳужжатлар рўйхатига тиркаб қўйди-ю, шу оннинг ўзида уни аллақаяёққа тиқиб ташлади. Хуллас, анкета номнишонсиз ғойиб бўлди.

Чичиков буни кўриб, мийғида кулиб қўйди ва бел боғлаб хизматга тушиб кетди.

## III

Буёғига энди Чичиковнинг иши жадал юришиб кетди. Биринчи навбатда у атрофига разм солиб чиқди. Қараса, ҳамма ёқда ўзига яқин одамлар ўтиришпти. Шунда Чичиков, даставвал паёк берадиган идорага равона бўлди. У ерга кириб бориши билан қўлоғига таниш овоз эшитилди:

— Биладан сизларни, ҳаммангиз қурумсоқсизлар: мушукни тутиб тириклайин терисини шиласизлар-да, гўшт ўрнига паёк қилиб берасизлар.

— Менга сўк бўтқага босиб қўйнинг биқинини беринглар. Нимагаки, мен ўша паёкларингизга, яъни қурбақа гўштига шакар сепиб берсанглар ҳам оғзимга олмайман, сасиган селёдкаларинг ҳам ўзингизга насиб этсин!

Во ажаб — Собакевич-ку!

Қаранг-а, келасолиб тўғри паёк олгани равона бўлипти. Олиптиям! Еб бўлиб, қўшимча сўрапти. Беришипти. Кам деган экан, иккинчи паёкни тутқазишпти; олдинига оддий паёк экан — кейин зарбдорини ундирипти. Буям кам, дебди! Аллақандай брон паёк беришпти. Буниям ямламай ютиб юбориб, яна талаб қилипти. Беришмаган экан, роса ғалва кўтарипти! Ҳаммани дажжолдан олиб дажжолга солипти, ҳақорат қилипти. Муттаҳам муттаҳамни қўшга қўшиб муттаҳам билан ҳайдаяпти, деб бақирипти, борйўғи биттагина дуруст одам бор — иш бошқарувчи, аслини олганда, у ҳам чўққанинг ўзгинаси, депти.

Шундан кейин унга академиклар паёгини беришпти.

Чичиков Собакевичнинг паёклар бобидаги юлғичлик фаолиятини кўриб, зумда ўзи ҳам ишга киришиб кетди. Қарангки, бу масалада у ҳатто Собакевичдан ҳам ошириб юборди. Ўзига, ҳеч қачон бўлмаган хотини билан боласига, собиқ аравакаши Селифан билан собиқ малайи Петрушкага, ундан кейин, аллақачон бандаликни бажо келтирган кампир онасига ҳам паёк ола бошлади. Яна қанақаси денг — ҳаммалари учун академик

паёк. Шунга кўра, озиқ-овқатларни унинг уйига юк машинасига ортиб олиб борадиган бўлишди.

Чичиков паёк масаласини шу тарзда ҳал қилгач, ёғлиқроқ ишга жойлашиш мақсадида ташкилотма-ташкилот танда қўя бошлади.

Бир куни у автомобилда кета туриб, кўчада тасодифан Ноздрёвни кўриб қолди. Ноздрёв салом-алиқни четга йиғиштириб қўйиб, соати билан тилла занжирини пуллаганини айтди. Дарҳақиқат, унинг соати ҳам, занжири ҳам кўринмасди. Лекин Ноздрёв бундан ҳеч ўқсимапти. Лоторея ўйинида омади келиб, ярим қадоқ писта мой, лампа шиша ва болалар ботинкаси учун чарм қапаки ютиб олипти, лекин кейинги ўйин уни хонавайрон қилипти — олти юз миллионини суриб кетипти. У ўзига янги иш топибди — ташқи савдо маҳкамасига бориб, чет элга бир тўп ҳақиқий Кавказ ханжари етказиб бермоқчи бўлганини айтипти. Қаранг, етказиб бериптиям. Бу корчалонлиги оқибатида ақл бовар қилмайдиган даражада пул ишлаб олиши муқаррар экан, аммо ўша пулни қўлига олишига бир баҳя қолганида аблаҳ инглизлар ишни расво қилишипти: ханжарларга «Уста Савелий Сибиряков» деган белги қўйилганини кўриб қолишиб, ҳамма молни чиқитга чиқаришипти... Кейин Ноздрёв қўярда-қўймай Чичиковни меҳмонхонадаги ўз бўлмасига судраб кирди, «Франциядан шахсан менга юборишган коньяк» деб, жайдари самагон билан меҳмон қилди. Ва ниҳоят, ёлғонни сувдай ичиб, шу даражага бордики, менга саккиз юз газ газлама, ҳаворанг автомобиль ва беткай томони йўғон-йўғон устунлар билан безатилган ҳашаматли уйдан квартирага ордер беришди, деб мақтанди.

Кўёви Мижуев бу гапга ишонқирамай шубҳа билдирган эди, Ноздрёв уни ҳар сафаргидек Абрам деб ҳақорат қилиш ўрнига, одмигина «аблаҳ» деб сўқди.

Қисқаси, Ноздрёв тинмай жаврайвериб Чичиковнинг жонига тегиб кетди. Чичиков бу маҳмадондан қандай қутулишни билмай хуноб эди.

Лекин, шу билан бирга, Ноздрёвнинг гаплари унинг дилида, мен ҳам ташқи савдо билан шуғуллансаммикин, деган фикр уйғотганди.

#### IV

Шундай қилди ҳам. Яна анкета тўлдириб, ҳар томонга бўзчининг моксидек югурди, ўзини дунёда қиёси йўқ одамохун қилиб кўрсатди. Натижада, зотдор сержун кўчқорларнинг устига пўстин ёпиб чегарадан олиб ўтди, пўстин остига эса ноёб ва нафис қимматбаҳо тўрларини яширган эди: дуру марваридларни араванинг ёлдираклари ва шотиси ичига, қулоқ ва яна аллақандай тешиқларга тиқиб олиб ўтди.

Натижада орадан хиёл вақт ўтар ўтмас, унинг сармойяси беш юзтача қўйма апельсинга<sup>1</sup> етди.

Лекин у шунга ҳам қаноат қилмади, палон-писмадон корхонани ижарага олмақчи-ман, деб тегишли ерга яна тириллатиб ариза ёзди, «ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман» деб оғиз кўпиртирди ва бундан давлат олам-жаҳон фойда кўриши мумкинлигини ажабтовур бўёқларда тасвирлаб берди.

Бу таклифни эшитиб, идора маъмурларининг оғзи ланг очилиб қолди — дарҳақиқат, жуда улкан фойда келтириши мумкин эди бу тадбир. Уша корхонани кўрсатишни илтимос қилишди. Марҳамат. Тверь хиёбонида, шундоққина Жашлар монастыри рўпарасида, кўчани кесиб ўтилса бўлгани — у корхона Тверхиёбониди. Бўмбўш деб аталади. Дарҳол тегишли ердан: шундай-шундай жой борми, деб сўрашди. Жавоб келди: бор, у бутун Москвага отнинг қашқасидек маълум. Жуда соз.

— Унда, сиз техник смета тузиб беринг.

Чичиков сметани тузиб, қўйнига солиб қўйган эди.

Жой ижарага берилди.

Шунда Чичиков вақтни пайсалга солмай, яна керакли ерга ўқдай учиб борди.

— Марҳамат қилиб, аванс берсангиз.

— Уч нусхада ведомость тузиб келинг. Ведомость ҳамма зарурий имзолар ва муҳрлар билан тасдиқланган бўлсин.

Орадан икки соат ҳам ўтмай, Чичиков ведомостни бутун қонун-қондаси билан тўлдириб олиб келди. Унга босилган муҳрлар худди осмондаги юлдузлардек ғиж-ғиж эди. Имзолар ҳам бекаму кўст.

— Мудир — Кир Тоғора, котиб — Шўр Тумшук, баҳолаш комиссиясининг раиса-си — Елизавета Чумчуқ.

— Ҳаммаси тўғри. Мана сизга ордер.

Тўланадиган пулнинг миқдорини кўриб, хазиначининг кўзи қинидан чиқиб кетай деди.

Чичиков рўйхатга қўл қўйиб, пулни учта извошга ортиб олиб кетди.

Кейин у яна бошқа маҳкамага таширф буюрди.

<sup>1</sup> Олтин қўймаси

- Мен мол олишим керак, қарз беринг.
- Бизга молни кўрсатинг.
- Бажонидил. Вакилингизни менга қўшиб юборинг.
- Вакил юборилсин!

Буни қаранг! Вакил ҳам таниш чиқиб қолди: Анқов Емельян.

Чичиков уни извошга ўтқизиб олиб кетди. Унга йўлда дуч келган биринчи омборни кўрсатди. Емельян бундай қараса, озуқа моллари қалашиб ётипти.

- Ҳм... Шуларнинг ҳаммаси сизникими?
- Меники.

— У-ў,— деди Емельян,— ундай бўлса табриклайман, Павел Иванович. Сизни миллиончи эмас, ҳатто трильончи деса ҳам бўларкан.

Шу суҳбат устига аллақаяқдан келиб қолган Ноздрёв гапга аралашиб, яна мой сепди.

— Бу ёққа қара,— деди у,— дарвозадан этик ортган автомобиль кириб келяпти, шу этиклар ҳам уники.

Кейин Ноздрёв қизишиб кетиб, Емельяни кўчага етаклаб чиқди.

— Анави магазинларни кўряпсанми? Улар ҳам Чичиковники. Кўчанинг бу томонида нима бўлса, бари шуники. Кўчанинг нариги бетидагилар ҳам Павел Ивановичга тегишли. Трамвайни кўряпсанми? Уники. Фонусларни-чи?.. Ҳаммаси уники. Кўрдингми? Бу ёққа қара! Энди у ёққа қара! Ҳамма-ҳаммасининг хўжайини шу одам бўлади.

Шундай деб, у Емельяни чирпирак қилиб айлантираверди.

Ахийри шўрлик вакил ёлворишга тушди:

— Ишонаман! Кўряпман... фақат мени ўз ҳолимга қўй, ўлдириб қўясан-ку.

## VI

Кутилмаганда фалокат содир бўлди.

Чичиковни, илгари Гогол башорат қилганидек, Ноздрёв жувонмарг қилди, заминдор кампир Коробочка эса, уни буткул қора ерга тикди. Ноздрёвнинг унга нисбатан ҳеч қандай ёмон нияти йўқ эди, лекин пойга пайтида мастлик қилиб, тасодифан ёғоч қириндиси ҳақида оғзидан гуллаб қўйди, бу ҳам етмагандек, Чичиковнинг йўқ нарсани ижарага олганиниям гапирди, уни муттаҳам деб атаб, агар ихтиёр менда бўлса, отиб ташлардим, деди.

Одамлар бу гапни эшитиб ўйланиб қолишди, кейин миш-миш бир зумда ҳамма ёққа тарқалди.

Устига устак, овсар Коробочкани айтмайсизми! Қачон Манежда нон дўкони очишим мумкин, деб хира пашшадек ҳамманинг жонига тегса бўладими? Манеж давлат ихтиёридаги бино, уни сотиб олиш ҳам, у ерда бирон-бир дўкон очиш ҳам мумкин эмас, деб қанча тушунтиришмасин, овсар кампир ҳеч балони уқмасди.

Бу орада Чичиков ҳақидаги миш-мишлар тобора авж ола бошлади. Одамлар: «Бу, Чичиков дегани қанақа махлуқ ўзи, қай гўрдан келиб қолди?» деб ҳайрон бўлишарди. Бир-бирдан ваҳималироқ, бир-бирдан мудҳишроқ ғийбат гаплар тарқалди. Ҳамма ваҳимага тушиб қолди. Телефонлар тинимсиз қоқилди, кетма-кет мажлислар чақирилди... Қурилиш комиссияси кузатиш комиссиясига, кузатиш комиссияси маҳалла комиссиясига, маҳалла комиссияси соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги — Наркомздравга, Наркомздрав ҳунармандчилик бош бошқармаси — Главкустпромга, Главкустпром маориф халқ комиссарлиги — Наркомпросга, Наркомпрос маданий-маърифий ташкилот — Пролеткультага, ҳоказо ва ҳоказога «мушт кетди» қабилида кўнғироқ қилишди.

Дарҳол Ноздрёвни қидиришга тушишди. Бу ғирт тентаклик эди, албатта. Чунки Ноздрёвнинг ёлғочилигини, унинг биронта ҳам гапига ишониб бўлмаслигини ҳамма яхши билар эди. Шунга қарамасдан, Ноздрёвни топиб келиб сўроқ қилишди, у ҳам барча саволларга батафсил жавоб берди.

— Дарҳақиқат,— деди у,— Чичиков ижарага олган корхонанинг оти бор-у, ўзи йўқ. Лекин, агар унинг ўрнида бўлсам, мен ҳам олган бўлардим. Тўғри-да, бергандан кейин нега олмаслик керак экан?

— Айтинг-чи,— деб савол беришди Ноздрёвга,— бу Чичиков деганлари мабодо оқгвардиячи жосус эмасми?

— Ҳа, Чичиков жосус, яқинда уни отишга ҳукм қилишган эди, лекин ҳайронман, нега отишмадийкин?!

— Балки Чичиков қалбаки пул ясайдиган одамдир?— деб савол беришди.

— О, ясаганда қандоқ,— деди Ноздрёв ва Чичиковнинг қалбаки пул ясашда устаси фаранг эканлиги ҳақида бир латифа ҳам сўзлаб берди:— Бир куни ҳукумат янги пул чиқармоқчи бўлади. Чичиков буни эшитиб қолиб, дарҳол Марьяна Рошча даҳасидан бир квартирани ижарага оладу юрди ҳаш-паш дегунча ўн саккиз миллиард сўмлик қалбаки пул ясаб ташлайди ва ҳукумат тайёрлаган ҳақиқий пулдан икки кун олдин муомилага чиқариб юборади. Буни сезиб қолган маъмурлар дарҳол унинг квартирасини муҳрлай-

дилар. Лекин устаси фаранг Чичиков бир кечанинг ўзида ҳамма қалбаки пулларни ҳақиқийлари билан шунақа аралаш-қуралаш қилиб ташлайдики, кейин у пулларнинг қайсиси сохтаю қайсиси ҳақиқий эканлигини худо билмаса, банда фарқ қила олмайди.

— Чичиков чет элга қочмоқчи бўлиб, ўзининг миллиард-миллиард пулига гавҳарлар сотиб олганмиш, шу тўғрими?— деб сўрашди.

— Тўғри,— деб жавоб қилди Ноздрёв,— бу ишда унга ёрдам бердим. Очиғини айтганда, агар аралашмаганимда, Чичиковнинг ўзи бу ишни эплай олмасди.

Ноздрёвнинг гапларидан кейин одамларнинг кўнгли ғаш бўлиб қолди. Чичиковнинг қандай махлуқ эканлигини аниқлаш амри маҳол эканлигини кўриб, ҳамманинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Шу пайт одамлар орасидан тарикдеккина ақли бўлган бир кимса топилиб қолди, топилмаганда борми, билмадим, бу можаро нима билан тугар эди! Тўғри, бу «доно» одам умрида Гоголнинг китобини қўлига олмаган, ҳатто унинг кимлигини ҳам билмас эди.

Ана шу одам бирдан:

— Биласизларми, Чичиков ким?— деди.

Ҳамма бараварига:

— Ким?!— деб сўради.

Доно одам совуқ овоз билан:

— Уччига чиққан фирибгар,— деб жавоб қилди.

## VII

Шундагина ҳамманинг миясига унинг анкетасини ўқиб кўриш керак экан, деган фикр ялт этиб келди. Қидиришга тушишди. Йўқ. Келган ҳужжатлар ичида ҳам, жавонда ҳам йўқ. Рўйхатга олувчи ойимқиздан сўрашди.

— Мен қаёқдан билай? Иван Григорьевичда бўлса керак.

Иван Григорьевичнинг олдига югуришди:

— Чичиковнинг анкетаси қаерда?

— Буни менга дахли йўқ. Котибадан сўранглар.

Хуллас, «бор отангга, бор онангга» қабилидаги боши-кети йўқ сансалорлик бошланиб кетди.

Кутилмаганда нокерак қоғозлар ташланадиган саватдан топилиб қолса бўладими ўша анкета!

Уни ўқиб, донг қотиб қолишди.

Исми? Павел. Отасининг исми? Иванович. Фамилияси? Чичиков. Унвони? Гоголь персонажи. Инкилобдан олдин нима билан шуғулланган? Улик жонларни харид қилиш билан. Мажбурий ҳарбий хизматга муносабати? На у ёғлиқ, на бу ёғлиқ — худо билади. Қайси партия тарафдори? Хайрихоҳ (лекин қайси партияга хайрихоҳлиги маълум эмас). Судланганми? Жавоб ўрнида илонизи чизиқ. Адреси? Ҳовлига кирсангиз, учинчи қаватнинг ўнг томонида, яхсиси, справка бюросидаги штаб офицерининг хотини Подточинадан сўранг, у билади. Шахсий имзоси? Сиёҳ қолмади.

Анкетани ўқишдию ҳанг-манг бўлиб қолишди.

Инструктор Бобчинскийни чақириб, буюришди:

— Сен физиллаб Тверь хиёбонига жўна, Чичиков ижарага олган корхонанинг ҳовлисига кириб, у ердаги молларни кўздан кечир, шояд бирон сир очилса!

Бир оздан кейин Бобчинский кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб, ўпкасини қўлтиқлаб қайтиб келди.

— Фавқулодда ҳодиса!

— Хўш?

— У ерда ҳеч қандай корхона йўқ. Чичиков Пушкин ҳайкалининг адресини ёзибди.

У ерда турган моллар эса, «Ара»ники<sup>1</sup> экан.

Бу шум хабарни эшитиб, ҳамма чинқириб юборди:

— Е авлиё-анбиёлар! Оббо муттаҳам-эй! Биз бўлсак унга миллиард-миллиард пулни бериб ўтирибмиз-а! Бундан чиқди, уни тезроқ қўлга туширишимиз керак экан! Сўнг Чичиковни тутишга киришишди.

## VIII

Бошлиқ бармоқ билан қўнғироқ тугмасини босди:

— Чопар кирсин!

Эшик очилиб, остонада Петрушка пайдо бўлди. Маълум бўлишича, у аллақачон Чичиковнинг хизматидан бўшаб, мазкур идорада чопар лавозимида ишлаётган экан.

<sup>1</sup> «Ара» — инглизча «Американинг ёрдам берувчи муассасиси» сўзларининг қисқартмаси. 1921 йилда Волга бўйи вилоятларида ҳукм сурган очлик муносабати билан «Ара»нинг РСФСРда фаолият кўрсатишига ижозат берилган эди.



— Зудлик билан мана бу пакетни олинг-да, дарҳол унда кўрсатилган адресга боринг...

— Хўп бўлади,— деди Петрушка.

У дарҳол пакетни олиб, дарҳол чиқиб кетди ва шу заҳотиёқ йўқотиб қўйди. Гаражга, Селифанга телефон қилишди.

— Зудлик билан машинани олиб чиқинг.

— Мана, ҳозир.

Селифан суяқларини қисирлатиб керишди, мотор устига пахмоқ иштонини ёпди, эгнига камзул кийди, кейин машина ўриндиғига ўтирди-да, сигнални дудуллашиб, моторни гувиллатиб қушдек учиб кетди.

Қайси рус кишиси ёқтирмайди шамолдек учишни? Селифан ҳам ёқтирарди, шунинг учун Лубянкага кираверишда ё трамвайни, ё магазиннинг ойнасини нишонга олишига тўғри келди. У бир зумнинг ўзида трамвайга чап берди ва иккинчи нишонни кўзлаб «вой, дод!» деб чинқирганча магазиннинг ойнасидан қуюндек отилиб кириб кетди.

Бу гапни эшитиб, ҳамма Селифанлару Петрушкаларнинг раҳбари бўлган Тентетниковнинг сабр косаси тўлиб, фиғони фалакка чиқди.

— Иккаласининг ҳам думи тугилсин!— деб бақирди у.

Думлари тугилди. Меҳнат биржасига одам юборилди. У ердан Петрушканинг ўрнига Плюшкиннинг хизматкори Прошкани, Селифаннинг ўрнига — Григорий Кетса Етмасни юборишди. Бу аснода текширув иши қизигандан қизиб борарди.

— Аванс рўйхатини кўрсатинг.

— Марҳамат.

— Бу ерга Кир Тоғорани чақиринг.

Уни чақиртиришнинг имкони бўлмади. Чунки бундан икки ой муқаддам Кир Тоғорани партиядан ўчиришпти; ўша заҳоти унинг ўзи Москвадан қорасини ўчирипти. Чунки унинг Москвада қиладиган иши қолмаган экан.

— Шўр Тумшук-чи?

У қайсиям тупканинг тагида, губерния бўлимига инструктор бўлиб кетипти.

Шундан кейин Елизавета Чумчуқни қидириб қолишди. Унақа одам йўқ, деб айтишди. Тўғри, Елизавета исмли машинистка бор, аммо унинг фамилияси Чумчуқ эмас. Кичик иш юритувчи муовинининг ёрдамчиси бўлмиш Чумчуқ фамилияли эркак бор, лекин унинг исми Елизавета эмас!

Машинисткани сўроққа тутишди:

— Сизми?!

— Ҳеч ҳам-да! Нега энди мен бўларканман? Мен Чумчуқ эмасман-ку... Ёмоннинг кучи япалоққа етипти-да?

Шундай деб, машинистка йиғлашга тушди. Уни тинч қўйишди.

Ҳамма Чумчуқ билан машғул бўлган пайтда ҳуқуқ ҳомийси Ҳуштакбозов имжимиде Чичиковга, устингдан иш қўзғашди, деб шипшитиб қўйди, шу заҳоти Чичиков гумдон бўлди.

Анкетатадаги «ўннга буриласан» деган жойга юборилган мошина қуруқ қайтиб келди: турган гапки, у ерда ҳеч қанақа маълумотхона йўқ эди. У ер ташландиқ бир ошхонанинг харобаси экан. Борганларнинг олдига Фетинья исмли фаррош хотин чиқиб, бу ерда ҳеч ким турмайди, деб айтипти.

Тўғри, шу ўртада, ўннга эмас, чапга бурилган ерда маълумотхона бор экан, аммо у ерда штаб офицери хотини эмас, аллақандай Подстёга Сидоровна деган аёл ўтирарди, лекин у наинки Чичиковнинг, ҳатто ўзининг ҳам адресини билмас экан.

## IX

Ҳамманинг кўнгли ғаш бўлди. Иш шунчалик чалкашиб кетган эдики, энди чигалнинг учини Парвардигорнинг ўзи топмаса, биров қидириб тополмас эди. Оти бору ўзи йўқ ижара қилиқ билан, нафис тўрлар электрлаштириш билан, Коробочка харид қилган пассаж бриллиантлар билан аралашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бу иш юзасидан Ноздрёв тумшугидан илинди, хайрихоҳлардан бўлмиш Анқов Емелян билан партиясиз Уғри Антошканинг ҳам бу ишда қўли борлиги аниқланди, Собакевичнинг кўпроқ паёқ олиш мақсадида мансабдорларга аллақандай фириб ишлатгани фош бўлди. Шу денсангиз, ҳамма худди оёғи куйган товукдек зир югуриб қолди.

Ҳуштакбозов енг шимариб ишга киришди ва бир зумда сандиқ ковловчиларни ҳам, сохта ҳужжат тайёрлаб пул ўмарувчиларни ҳам, ҳоказо ва ҳоказоларни ҳам аралаштириб, бўтқа қилиб юборди. Бу ишда у эллик мингга яқин одамнинг қўли борлигини аниқлади. Хуллас, қиёмат-қойим бошланди. Миллиард-миллиард пулларга имзо чеканлар ҳам, бу пулларни энди қидира бошлаганлар ҳам даҳшатга тушиб зир югуришар, кўзлари фақат битта аниқ далилни кўрар эди:

— Миллиардлар ғойиб бўлган!

Нихоят, Митяй амаки деган бир одам ўрнидан турди.

— Гап бундай, биродарлар...— деди у.— Назаримда, тергов комиссиясини бу ишга жалб қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

## Х

Худди шу ерга келганда (одамнинг тушига нималар кирмайди-я!) бу одамларнинг рўпарасида бирдан худди Хизрдек пайдо бўлдим ва:

— Бу ишни менга топширинглар,— дедим.

Ҳанг-манг бўлиб қолишди:

— Сиз, ҳалиги... уддалайсизми?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин,— дедим мен.

Олдиниға бирпас иккиланиб туришди. Кейин қизил сиёҳ билан:

— Топширилсин!— деб имзо чекишди.

Шу заҳоти фаолиятимни бошлаб юбордим (умримда ҳеч қачон бунақа ширин тушни кўрмаганман!).

Шу десангиз, чор ёқдан ўттиз беш мингта мотоциклчи ёрдамга етиб келса бўладими!

— Қандай хизмат бор бизга?

— Ҳеч қандай хизмат йўқ сизга,— дедим мен уларга.— Ўз ишларингиз билан шуғулланаверинглар. Буни ўзим эплайман. Ёлғиз ўзим.

Шундан кейин ўпкамини ҳавога тўлдириб туриб бир бақирган эдим, дераза ойналари зириллаб кетди:

— Қани, опкелинглар бу ерга Ляпкин-Тяпкинни! Оёғини ерга теккизмасдан! Телефонини уланглар!

— Ҳеч иложимиз йўқ... Телефон бузуқ.

— Ҳа-а-а! Бузуқ денг! Сими узилганми? Ундай бўлса, сим бекор ётмасин, унга Ляпкин-Тяпкинни тополмаган шахс осилсин!

Ё алҳазар! Шунақанг олағовур бошланиб кетди-ки, асти қўяверасиз!

— Раҳм қилинг, тақсир... ҳеч азият чекмасинлар... Ҳозир... ҳа-ҳа-ҳа... бир лаҳзада тайёр бўлади. Ҳай, ким бор! Усталар чақирилсин! Сим келтиринглар! Дарҳол улансин! Бир зумда телефон ҳам тузалди, Ляпкин-Тяпкинни ҳам топиб келишди.

Яна ҳамма ёқни бошимга кўтариб бақира бошладим:

— Тяпкинмисан? М-муттаҳам! Ляпкинман дегин? Олиб кетинглар бу аблаҳни! Рўйхатлар келтирилсин! Нима? Тайёр эмас? Тайёрлаш учун беш дақиқа муҳлат бераман! Бажармасангиз, ўзингизни мурдалар рўйхатиға тиркайман! Ие, бу ким бўлди? Маниловнинг хотини — рўйхат қилувчи денг? Думи тугилсин! Улинька Батришчева — машинистками — рўйхат қилувчи денг? Думи тугилсин! Собакевич? Ҳибсга олинсин! Вой, манави мараз Рўдопоев сизларда хизмат қиладими ҳали? Муттаҳам Тасаллин ҳамми? Ушлансин!! Уларни ким ишга олган бўлса, у ҳам ушлансин. Ҳаммаси қайнаб турган қозонга ташлансин! Манави қўлга олинсин! Бу ҳам! Бу тутилсин! Буни ҳам тутинглар! Фетиньями? Жуфтагини тўғриланглар! Шоир Тряпичкин, Селифан, Петрушка — буларнинг бари ҳисоб бўлимайга рўпара қилинсин! Ноздрёвни ертўлага ташланглар... Оёғини ерга теккизмай... Дарҳол!.. Пул ведомостиға ким имзо чеккан? Қани, олиб келинган ўша лаънатини! Осмонга чиқиб кетган бўлса оёғидан, ерга кириб кетган бўлса қулоғидан тортиб олиб келинганглар!!!

Хуллас, жаҳаннамий қиёмат-қойим бошланди...

— Бошимизга бало бўлди-ку бу шайтони лани! Қай гўрдан кавлаб топишдийкин уни?— деб зорланишарди арвоҳлар.

Мен бўлсам:

— Қани, Чичиковни бошлаб келинганглар ҳузуримга! Дарҳол!— деб бақирардим.

— Ҳ... ҳ... ҳеч топиб бўлмаёпти уни. У я-я-яшириниб олган...

— Аҳ-ҳа, яширинибдимми? Жуда соз! Унда сизни қамаймиз унинг ўрнига.

— Раҳм...

— Жим бўлинг!

— Х-хўп, мана, ҳ-ҳозир... Бир лаҳза сабр қилинг... Ахтаришяпти, тақсир.

Дарҳақиқат, Чичиковни бир зумда топиб келишди.

У оёғимга ётиб зор-зор йиғлади, сочларини юлиб, камзулини чок қилиб, шол бўлиб қолган онамнинг кўз ёшларига раҳмингиз келсин, деб ялиниб-ёлборди.

Мен бўлсам:

— Онанг борми ҳали?!— деб бақирдим.— Онанг-а?.. Хўш, миллиардлар қани? Халқнинг сармоясини нима қилдинг? Уғри! Арраланглар бу махлуқни! Қорни тўла бриллиант бўлиши керак!

Қорнини ёришди.

Қаранг-а, айтганимдек экан!

— Ҳаммасими?

— Ҳаммаси,

— Бўйнига тош бойлаб сувга чўктиринглар!

Шундан кейин ҳаммаёқ чиннидай озода ва сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Мен телефонни олиб, қўнғироқ қилдим:

— Тозаланди.

— Раҳмат,— деб жавоб қилишди менга.— Кўнглингиз хоҳлаган нарсани сўранг.

Бундай таклифдан бир сакраб тушдим. Кўпдан бери бир-иккита зарур нарсаларни харид қилиш ниятида юрардим, аммо ҳеч пул жамғара олмай бошим қотган эди. Шунинг учун, ҳозир: «Битта шим... бир қадоқ қанд... битта йигирма бешинчи лампа», деб юборишимга сал қолди.

Лекин бирдан, виждонли ёзувчи таъмагир бўлмаслиги керак, деган фикр эсимга келдию руҳим тушиб кетди ва телефонга шундай жавоб қилдим:

— Менга Гоголнинг қалин муқовали асарлар мажмуасидан бошқа ҳеч нима керак эмас. Зеро, ўзимнинг шундай китобимни яқинда чайқов бозорида сотиб юборган эдим.

Шундай дейишим билан столим устига Гоголнинг зарҳал ҳошияли китоби «тап» этиб тушди.

Теримга сиғмай суюниб кетдим. Чунки кўнглим ғаш бўлган уйқусиз тунларимда Николай Васильевич Гоголь аксар пайт менга тасалли берар эди. Шунинг учун, қувонганимдан, овозимнинг борича:

— Ура!— деб бақириб юбордим.

Бақирдим-у...

## ХОТИМА

...турган гапки, уйғониб кетдим. Кўзимни очсам: на Чичиков, на Ноздрёв, энг муҳими, на Гоголь бор...

— Ана холос,— дедим ўзимча ва ўрнимдан туриб кийина бошладим. Яна кўз олдимда ҳар кунги ҳаёт намоён бўлди, қисқаси, эски ҳаммом, эски тос.

## ЗИМЗИЁ ТУН

Қайда қолди бутун олам мен туғилган кун? Қани Москванинг электр фонуслари? Қани одамлар? Қаёққа ғойиб бўлди замин у осмон? Деразам ортида ҳеч нима кўринмайди! Зулумот...

Бизлар бутун башариятдан узилиб қолганмиз. Керосин билан ёқиладиган кўча фонусларининг энг яқини бу ердан тўққиз чақирим нарида, темир йўл бекатида. Уша фонуслар у ёқда ҳам бўронда липиллаб, жон қазо қилаётган бўлса ажаб эмас. Тезюрар поезд қор қуюни остида қолган бу бекатдан ярим тунда гувиллаганча Москва томон ўтиб кетади. Бир лаҳзагина тўхташ демайди. Олам ҳодис, изни қор босиб, юришга имкон қолмасагина, поезд тўхташга мажбур бўлади.

Энг яқин электр фонуслари биздан қирқ чақирим нарида, уезд марказида. У ерда яшаш-маза. Кино, магазинлар... Дала-даштда бўрон увиллаб, қор гупиллаб ёғаётган пайтда ҳам, эҳтимол кино экранларида иссиқ ўлкалар, мовий денгиз-у денгиз ўртасида хушманзара ороллар, шаббодада аста тебраниб турган хурмо дарахтлари, дарё бўйидаги қамишзорлар... сузиб ўтаётгандир.

Бизлар эса бу ерда ёлғизмиз.

— Ҳамма ёқ зимзиё,— дейди фелдшер Демян Лукич деразада пардасини суриб.

У ўз фикрини тантанавор оҳангда ва аниқ ифодалайди. Дарҳақиқат, тун зимзиё.

— Марҳамат, яна бир қадаҳдан олайлик,— деб таклиф киритаман мен. (О, айбга буюрманг бизни! Ахир бизлар — яъни врач, фелдшер ва икки акушер аёл,— бизлар ҳам инсонмиз! Бизлар, агар сон-саноксиз беморларни истисно қилсак, биронта ҳам инсон зотини ойлаб кўрмаймиз бу ерда. Бизлар қорга кўмилганча, мук тушиб ишлаганимиз-ишлаган. Бас, шундай экан, наҳотки врачнинг туғилган кунини, рецепт бўйича сув аралаштирилган спиртдан қиттак-қиттак отиб, уезддан келтирилган шпрот балиғи билан газак қилишга ҳаддимиз сиғмаса?)

— Сизнинг соғлигингизга, доктор!— дейди самимият билан Демян Лукич.

— Бу ерга ҳали кўникиб кетасиз, деб умид қиламиз!— дейди Анна Николаевна ва қадаҳини чўқиштириб олиб, гулдор матодан тикилган кўчалик кўйлагининг этагини кафти билан текислай бошлайди.

Иккинчи акушер аёл — Пелагея Ивановна қадаҳини чўқиштириб бир ҳўплайди-да, печка олдига чўққайиб олиб, косов билан чўғни ковлай бошлайди. Оловнинг тафтидан юзларимиз ёришади, арақдан кўксимизда ёқимли ҳарорат вужудга келади.

— Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти,— ҳаяжонланиб гап бошлайман мен, косов теккан ердан паға-паға отилиб чиқаётган учқунларга тикиларканман,— анави хотин белладонна дорисини нима қилди экан? Ахир, бу — даҳшат-ку!

Фелдшер билан акушер аёлларнинг чехрасида жилва ўйнайди.

Воқеа бундай бўлган эди. Бугун эрталаб, қабул пайтида кабинетимга ўттиз ёшлар чамасидаги икки юзи қип-қизил бир жувон қимтинибгина кириб келди. У менинг ор-

тимда турган акушерлик курсисига эгилиб таъзим қилди, сўнг кўйнидан оғзи кенг бир шишача чиқариб, хушомад билан сайрай кетди:

— Вой умрингиздан барака топинг-е, дўхтир, томизғи дорингиз учун раҳмат. Вой шунақаям кор қилди, шунақаям кор қилдики!.. Яна шу шишачамни тўлдириб берсангиз деб келувдим, айланай.

Мен жувоннинг кўлидан шишачани олиб, унга ёпиштирилган ёрлик қоғозни ўқидим; ўқидим-у кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди. Қоғозда Демян Лукичнинг дастхати билан йирик-йирик қилиб ёзилган: «Tinet. Belladonna» ва ҳоказо сўзлар ҳамда «1917 йил 16 декабр» сўзлари бор эди.

Изоҳ: мен кеча, 16 декабр куни бу жувонга анчагина белладонна дорисини ёзиб берган эдим, бугун эса, мен туғилган кунда, яъни, 17 декабрда қуруқ шиша кўтариб, яна ўша доридан сўраб келипти.

— Сен... сен... кечанинг ўзида ҳаммасини ичиб тамомладингми?— деб сўрадим мен ҳаяжонланганимдан овозим қалтираб.

— Бир томчиям қолдирмадим, отагинам, ҳаммасини ичдим,— деб сайрай кетди жувон кўнғироқдай овози билан,— илоё кўлингиз дард кўрмасин, дўхтиржон... дорининг ярмини уйга борган заҳотим, қолган ярмини кечқурун, ётар чоғимда ичдим. Ё қудратингдан — кўз очиб юмгунча дардим ариди-қолди...

— Мен сенга неча томчидан ичишни айтган эдим?— овозим хириллаб чиқа бошлади.— Беш томчидан, девдим-ку... Нима қилиб кўйдинг, ҳой хотин? Ахир сен... мен ахир сенга...

Жувон, унинг белладонна дорисидан шифо топганига мени ишонмади, деб ўйлади шекилли:

— Худо урсин, ҳаммасини ичдим!— деди.

Мен унинг анордек қип-қизил ёноқларини ушлаб, кўзининг қорачуғига тикилиб қарадим. Лекин қорачуғларда ҳеч қандай иллат кўрмадим. Қорачуғлари чиройли, соппа-соғ эди. Томир уриши ҳам мутлақо бекусур. Умуман, бу жувонда ҳеч қандай заҳарланиш аломати сезилмади белладоннадан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!..— деб юбордим мен ва овозимнинг борича бақирдим:— Демян Лукич!!!

Демян Лукич оқ ҳалатда дорихонадан чиқиб келди.

— Манави дўндиқчанинг қилиб қўйган ишини кўринг, Демян Лукич! Мен ҳеч нарсага тушунолмамай қолдим...

Жувон, бирон номаъқул иш қилиб қўйибман, деб ўйлади. шекилли, олазарак бўлиб, юзини гоҳ меңга, гоҳ Демян Лукичга ўгира бошлади.

Демян Лукич шишачани олиб, уни кўлида айлантирди, ҳидлаб кўрди, сўнг жиддий оҳангда деди:

— Гапинг ёлғон, тасаддиқ. Сен дорини ичмагансан!

— Вой, ўлай агар...— деб жувон гап бошлаган эди, Демян Лукич унинг сўзини бўлди:

— Ҳой, хотин, бизни лақиллатаман деб овора бўлма,— деди у мийиғида кулганча, аммо жиддий оҳангда.— Биз ҳаммасини яхши тушиниб турибмиз. Очиғини айт, кимларни даволадинг бу дори билан?

Жувон соппа-соғ кўзларини оппоқ шифтга тикканча чўқиниб олди.

— Худо урсин агар...

— Бас қил «Дийдиё»ингни...— деб тўнғиллади Демян Лукич ва менга ўгирилиб, деди:

— Биласизми, доктор, булар нима қилишади? Манавинга ўхшаган битта устомон касалхонага келиб, дори ёздириб олади-да, кейин қишлоғига бориб, ўша дорини ҳамма хотинларга бир чеккадан ичириб чиқади.

— Вой, нималар деяпсиз, ўргилай фершал...

— Гапирма!— деб унинг сўзини бўлди фелдшер.— Мен бу ерда сал кам саккиз йилдан бери ишлайман. Ҳамма нарсадан хабарим бор. Турган гапки, бу ҳам дорини қишлоғидаги ҳамма ҳовлига кириб, хотинларнинг оғзига томизиб чиққан,— деди у энди менга юзланиб.

— Худо хайрингизни берсин, яна керак эди-да шу томизғи доридан,— деб ёлбора бошлади жувон.

— Э, йўқ, тасаддуқ,— дедим мен пешонамнинг терини артарканман,— энди сени бу дори билан даволамаймиз. Хўш, қорнингнинг оғриғи қолдим?

— Вой, ўргилай, худди дард кўрмагандай бўлиб кетдим!..

— Жуда яхши бўлибди-да. Энди мен сенга бошқа дори ёзиб бераман, буниси ҳам жуда зўр.

Мен жувонга валерианка ёзиб бердим, у дорини олдию ҳафсаласи пир бўлиб қишлоғига жўнаб кетди.

Туғилган кунимда уйимга тўпланган ҳамкасбларим билан мен мана шу воқеани тилга олган эдик. Ташқарида эса, мудҳиш бўрон ўзининг қоп-қора пардасини ташлаб, бизни бутун борлиқдан ажратиб қўйган эди.

— Э, бу нима экан,— дерди Демян Лукич шпрот балиғини назокат билан чайнар экан,— ҳолва-ку: бизлар бу ерда кўниқиб қолганмиз бунақа найрангларга. Сизнинг ҳам, қимматли доктор, дорилфунун муҳитидан ва пойтахт ҳаётидан кейин мана шунақанги ғаройиботларга кўниқилишиңизга тўғри келади. Илож қанча, овлоқ жой!

— Вой, бирам овлоқ жойки!..— худди акс-садодек такрорлади Анна Николаевна.

Мўрқоннинг алла қаерида бўрон увиллади ва девор ортида бир нималарни шитирлатиб ўтди. Печка олдиға ётқизилган қора тунука парчаси устиға оловнинг қирмизи акси тушди. Шундай овлоқ гўшада табобат ходимларини иситган оловға ҳамду сано!

— Салафингиз Леополд Леополдович тўғрисида эшитгандирсиз?— деб гап бошлади фелдшер ва Анна Николаевнаға назокат билан папирос узатиб, ўзи ҳам чекди.

— Жуда ажойиб доктор эди!— деди фахрланиб Пелагея Ивановна, чақмоқдек кўзларини ҳузурбахш оловға тикаркан. Унинг тим қора сочига қадалган чиройли тароғидаги сохта тошлар олов шуъласида дам ярақлаб, дам сўнарди.

— Ҳа, у машҳур одам,— деб тасдиқлади фелдшер.— Деҳқонлар уни сидқидилдан яхши кўришарди. Агар операцияни Липонтий қиладиган бўлса, улар ҳеч иккиланмай рози бўлишарди. Ҳа, айтгандай, қишлоқ аҳли Леополд Леополдовични шундай— Липонтий Липонтевич деб чақиришарди. Унга ишониларди. Леополд Леополдович деҳқонлар билан дарров тил топишиб оларди. Бир куни денг, унинг қабулиға Дулцеводан Фёдор Косой деган бир ошнаси келди.

«Мазам йўк, Липонтий Липонтич,— деди у,— кўкрагим ғижирлайди, нафас олишға қийналаман. Ундан кейин, томоғим қичиб, йўтал тутади...»

«Ларингит (яъни, ҳиқилдоқнинг шиллиқ пардаси яллиғланган)»,— дедим мен шу заҳоти. Мана, бир ойдирки, қишлоқма-қишлоқ зир югириб, дардни тез аниқлашға ўрганиб қолган эдим.

«Жуда тўғри, Бўпти,— деди Липонтий,— мен сенға ажойиб бир дори бераман. Икки кунда отдек бўлиб кетасан. Мана сенға француз горчишниги. Биттасини орқангға, икки курагинг ўртасиға, яна биттасини кўкрагингға ёпиштирасан. Ун дақиқадан кейин олиб ташлайсан. Боравер! Айтганимни қил!» Бемор горчишникни олиб жўнаб кетди. Лекин икки кундан кейин яна доктор қабулиға келди.

«Ҳа, яна нима бўлди?»— деб сўради ундан Липонтий.

«Нимасини айтмай, Липонтий Липонтич,— деди Косой,— берган горчишнингиз ҳеч ёрдам қилмади».

«Гапинг ёлғон!— деди Липонтий,— француз горчишниги ёрдам қилмаслиги мумкин эмас! Сен уни ёпиштирмаган бўлсанг керак!»

«Ие,— деди бемор,— нега ёпиштирмас эканман? Мана, ҳозир ҳам турипти».

Шундай деб у докторға орқасини ўгирди, қарасак, горчишникни пустини устидан ёпиштирипти!..

Мен хохолаб кулиб юбордим, Пелагея Ивановна ҳиринглаб куларкан, косов билан печкадаги палён ўтинни қаттиқ-қаттиқ уриб олов олдира бошлади.

— Нима десангиз денглар, лекин бу — латифа,— дедим мен,— бундай бўлиши мумкин эмас!

— Ла-ти-фа?! Латифа, денг?— дея чуғурлашди акушер аёллар.

— Йўк, тақсир!— деди жиддий тарзда фелдшер.— Мен сизға айтсам, бизнинг бутун ҳаётимиз мана шунақа латифалардан иборат... Бу ерда шунақанги қиёмат ҳодисалар бўлиб турадики...

— Қанди айтмайсизми?— деди Анна Николаевна.— Қанд тўғрисида гапириб беринг, Пелагея Иванна!

Пелагея Ивановна печка ўтхонасини ёпди ва кўзини ердан узмай ҳикоя қила бошлади:

— Бир куни мени ўша Дулцево қишлоғиға ой-куни яқинлашган бир аёлға доялик қилгани чақиришди...

— Узи, бу Дулцево жуда машҳур жой,— деб луқма ташлашдан ўзини тия олмади фелдшер, сўнг илова қилди:— Узр! Давом этинг, ҳамкасаба!

— Одатдагидек, беморни кўздан кечира бошладим,— деб ҳикоясини давом эттирди Пелагея Ивановна,— қарасам, бармоқларимға ҳомила йўлагида гоҳ қумни, гоҳ кесакни эслатувчи аллақандай нарсалар илашяпти... Кейин билсам — чақмоқ қанд экан!

— Мана сизға «латифа»!— тантанавор оҳангда деди Демян Лукич.

— Мени кечирас-с... ҳеч нимаға тушунмадим...

— Доя кампир-да!— деб жавоб қилди Пелагея Иванна.— Ўша ўргатипти. Недирки, чақалоқ ёруғ жаҳонға чиқишни хоҳламай, ўжарлик қилармиш. Мана шунинг учун, янги меҳмонни ширинлик билан алдаб чақириб олишаркан.

— Даҳшат!— дедим мен.

— Туғадиган хотинларға, яна, соч ҳам едиришаркан,— деди Анна Николаевна.

— Сабаб?

— Ким билади дейсиз! Икки-уч марта шунақа хотинни ҳам олиб келишган бизға. Бечора нуқул соч тупуради, денг. Қарасак, оғзи тўла соч. Шунақа расм бормиш: соч еган хотиннинг кўзи ёриши осон кўчармиш...

Бу хотиралардан аёлларимизнинг кўзлари чақнаб кетди. Бизлар печкага яқинроқ ўтириб, яна алла маҳалгача чойхўрлик қилдик; мен ҳамкасабаларимнинг ҳикояларини эшитиб, таажжубдан ҳангу манг бўлиб қолдим. Ё, тавба! Мана, ўзингиз эшитинг, китобхон: туғадиган аёлни касалхонага олиб келишаётганида, Пелагея Ивановна, яна айниб қолишиб, беморни қишлоққа қайтариб олиб кетишмасин, деб ўз ченаси билан ҳаммиша орқада келаркан; бир гал ҳатто, битта туғадиган аёлни, тескари келиб қолган ҳомиласи ўнғланиб олсин, деб оёғидан шифтга осиб қўйишипти. Яна бир латифа: «тўлғоқ тутган чоғда, докторлар ҳомила пуфагини тешармиш», деган гапни эшитган бир доя кампир рўзгор пичоғи билан чақалоқнинг бошини қиймалаб ташлабди. Оқибат, Липонтийдек машҳур ва моҳир жарроҳ ҳам чақалоқни асраб қололмабди, хайрият, онасини зўрға ўлим чангалидан қутқариб қолибди. Ундан кейин, яна...

Печка ўтхонасининг қопқоғи аллақачон ёпилган, меҳмонларим уй-уйларига тарқалишган. Анна Николаевнанинг деразаси бир фурсат хирагина ёриб турди, кейин у ҳам ўчди. Ҳамма нарса кўздан ғойиб бўлди. Декабрнинг зимистон оқшоми бўрон билан омухта бўлиб, қалин қора парда заминни осмонни менинг кўзимдан яширди.

Мен кабинетимда ҳамон у ёқдан бу ёққа юрар эканман, оёғим остида пол тахталари ғижирлар, иссиқ печканинг тафтидан таним роҳат қилар, қаердадир бедор сичқон ниманидир аizza-базза кемирарди.

«Анойи йўқ,— дея мулоҳаза қилардим мен,— пешонамга бу хилват гўшада қанча вақт яшаш битилган бўлса, шунча вақт бу зимзиё зулмат билан олишганим бўлсин! Чақмоқ қанд-а!.. Ё алҳазар!..»

Яшил қалпоқли чироқ билан ёритилган хонамда ҳаёлотга берилиб кетдим, шунда кўз олдимда дорилфунуни бор улкан шаҳар, у шаҳардаги шифохона, шифохонада эса,— саҳнига кошнлар ётқизилган ҳайҳотдай зал, ялтироқ жўмрақлар, оппоқ, топ-тоза чойшаблар ва чўққи соқолига оқ оралай бошлаган донишманд чеҳрали ассистент намоён бўла бошлади...

Бундай ҳаёлот оғушига тушган чоғда эшик тақилласа, киши ҳаяжонланиши, ҳаттоки чўчиб ҳам кетиши мумкин. Мен ҳам бир сесканиб тушдим.

— Ким экан, Аксиня?— сўрадим мен ички зина панжараси оша энгашиб (врач квартираси икки қаватли бўлиб, тепада — иш хонаси ва ётоқхона, пастда емакхона, яна алла қандай бир хона ва ошхона бор эди: ошпаз хотин Аксиня касалхонанинг ягона қоровули бўлмиш эри билан шу ошхонада истиқомат қилар эди).

Эшикнинг зилдай оғир зулфини шарақлади, пастда чироқ шуъласи тебраниб кетди, кўчадан ғувиллаб совуқ кирди. Шундан кейин Аксиня:

— Бемор келди...— деб жавоб қилди.

Очиғини айтсам, қувониб кетдим. Уйқум қочиб кетган эди, қолаверса, сичқоннинг тўхтовсиз «қитир-қитир»ию кети узилмаётган хотиралардан кўнглим алланечук ғаш ва паришон эди. Ундан кейин, бемор, хайриятки, аёл эмас, эркак экан, демак, дард унча қўрқинчли эмас — туғмайди-ку, ҳар ҳолда.

— Узи юрарканми?

— Юрарди,— деб жавоб қилди Аксиня ҳомуза тортиб.

— Унда, кабинетга чиқаверсин.

Зина узоқ вақт ғижирлаб турди. Қандайдир салобатли, тоши оғир одам чиқиб келаётган эди. Бу аснода мен йигирма тўрт ёшли йигитча бўлсам ҳам, имкони борича, докторона савлатни сақлашга уриниб, стол ортида ўтирардим. Унг қўлим столдаги стетоскоп устида ётарди: мен стетоскоп эмас, гўё тўппонча ушлагандай ҳис қилардим ўзимни.

Эгнига кўй терисидан пўстин, оёғига пийма кийган бир шахс эшикдан зўрға суқилиб кирди. У қалпоғини қўлига ушлаб олган эди.

— Нега бунча бемаҳалда келмасангиз, отагинам?— дедим мен имкони борича улғуворлик билан.

— Узр, гражданин доктор,— ёқимли йўғон овоз билан деди келган одам,— бўроннинг қутуришини кўринг! Ноиллож, бироз кечикиб қолдик. Утинаман, кечиринг, доктор!

«Назокатли одам экан»,— деб мамнуният билан кўнглимдан ўтказдим мен. Бу одам менга жуда ҳам ёқди, ҳаттоки унинг қалин малла соқоли ҳам яхши таассурот қолдирди. Кўринишидан, у соқолини наинки парваришлаб, кузаб турар, шунингдек, унга мой ҳам сурар экан; гарчи мен қишлоққа яқинда келган бўлсам ҳам, кўзим анча пишиб қолган эдики, бемор соқолининг ўсимлик мойи билан мойланганини бир қарашдаёқ фаҳмладим.

— Хўш, эшитаман! Олдин пўстинингизни ечинг. Қаердан келдингиз?

Стулга ташланган пўстин тоғдек кўпчиди.

— Безгак хуруж қилиб қийнаб юборди,— деб жавоб қилди бемор юзимга маъюс боқаркан.

— Безгак? Тушунарли! Сиз Дулцеводан бўлсангиз керак-а?

— Ҳа. Тегирмончиман.

— Хўш, у қандай хуруж қияпти? Менга сўзлаб беринг!

— Ҳар куни соат ўн икки бўлиши билан, бошим лўқиллаб оғрий бошлади, кейин иситмам чиқади-да... икки соатча роса қалтиратиб кейин қўйиб юборади.

«Дарди аниқ!»— деган ғолибона сас янгради миямда.

— Қолган пайтларда қалай ҳис қиласиз Узингизни?

— Оёғимда дармон йўқ...

— Ҳа-а... Ёқангизни ечинг!.. Ҳм... балли.

Кузатув ниҳоясида бемор кўнглимга жудаям ўтириб қолди. Қабулимга келувчи овсар кампирлардан, оғиз бўшлиғини текшириш учун қўлимга темир қошиқчани олишим билан ҳурконғич отдек ўзини орқага ташловчи ўсмир болалардан ва ниҳоят, бугун эрталабки белладонна воқеасидан кейин, дорилфунун муҳитига ўрганган кўзларим тегирмончини ҳузур билан кузатарди.

Тегирмончининг гаплари ҳам бамаъни эди. Бундан ташқари, у саводли одам бўлиб чиқди, ҳаттоки унинг ҳар бир рафторида мен учун энг севимли бўлган фанга, яъни медицинага ҳурмат-эҳтиром сезилиб турарди.

— Гап бундай, азизим,— дедим мен беморнинг кенг ва илиқ кўкрагига бармоғим билан тўқиллатарканман,— сиз малария дардига чалингансиз... Бу дард безгак билан галма-гал хуруж қиялпкан бўлиши керак... Ҳозир менда бутун бир палата бўш турипти. Маслаҳатим — шу ерда ётинг. Биз касалинғизни синчиклаб кузатамиз. Сизни аввалига кукун дори билан даволаб кўрамиз, агар у ёрдам бермаса, игна билан дори юборамиз. Хуллас, тузатмай қўймаймиз. Хўш! Ётасизми?..

— Бениҳоя миннатдорман!— назокат билан жавоб қилди тегирмончи.— Сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар эшитганмиз. Ҳамма хурсанд сиздан. Яхши муолажа қилар экансиз... Мен игна билан дори юборишингизга ҳам розиман, тузалиб кетсам бўлгани.

«Йўқ, бу одам чиндан ҳам зулмат қўйнидаги нур экан!»— деб ўйладим мен ва стол ортига ўтириб, ёзишга киришдим. Ёзарканман, ҳозир касалхонага бегона одам эмас, балки ўз туғишган жигарим — оғам меҳмон бўлиб келгандек, дилим шароғон эди.

Битта варақага шундай деб ёздим:

«Chinini mur. 0,5

D, T. dos № 10

S. Тегирмончи Худовга

Ярим кечада биттадан кукун дори»

Тагига жимжимадор имзо чекдим.

Иккинчи варақага эса:

«Пелагея Ивановна! Тегирмончини 2-нчи палатага қабул қилиб олинг. Унинг дарди малария. Дард хуруж қилишидан тўрт соат олдин, яъни ярим тунда биттадан хинин дориси бёрасиз. Мана сизга истисно бемор! Зиёли тегирмончи!»— деб ёздим.

Жавоб хати келганида, мен ухлагани ётган эдим. Хатни тумшайган Аксиня олиб келиб берди; у дам-бадам оғзини каппа-каппа очиб эснарди.

«Қимматли доктор!— деб ёзилган эди хатда.— Ҳамма айтганларингиз бажарилди. Пел. Лбова».

Мен хотиржам пинакка кетдим.

...Кейин мени уйғотиб юборишди.

— Нима гап? Тинчликми? Нима бўлди, Аксиня?!— дея гўлдираддим.

Аксиня оқ хол-хол гулли юбкаси билан кўксини тўсиб, рўпарамда ийманибгина турарди. Липиллаб ёнаётган шам унинг уйқудан салқиган, безовта чехрасини базўр ёритарди.

— Ҳозир Марья келиб кетди. Пелагея Иванна сизни чақираётганмиш. Тезроқ бораркансиз.

— Нима гап экан?

— Иккинчи палатага ётқизилган тегирмончи ўляпти, деди.

— Нима-а?! Уляпти? Нега ўлар экан?

Туфлини пайпаслаб тополмаган яланг оёқларимни муздек полга қўйдим. Анча-мунча гугурт чўпини синдириб, ахири чироқни ёқишга муяссар бўлдим. Соат миллири роса олтини кўрсатар эди.

«Нима бўлдийкин унга?.. Наҳотки дарди бошқа бўлса? Наҳотки нотўғри диагноз қўйган бўлсам? Томир уриши жуда яхши эди-ку...»

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, мен камзулим тугмаланмаган, сочим таралмаган ҳолда, оёғимга тескари кийилган пайпоқ устидан пийма кийиб, ҳали ҳам қоп-қоронғи ҳовлини югурганча кесиб ўтдим у иккинчи палатага ўқдай отилиб кирдим.

Тегирмончи кўрпаси очиб ташланган, чойшаби фикимланган каравотда касалхона кийимида ўтирарди. Кичкинагина чироқ унинг юзини зўрға ёритар, малла соқоли ҳур-пайган, кўзлари қоп-қора ва катта-катта бўлиб кўринар эди. У худди маст одамдай нукул чайқаларди. Ҳар томонга даҳшат билан боқар, ҳансираб нафас оларди...

Ҳамшира Марья оғзини ланг очганча, беморнинг лавлагидек қизарган юзига тикилиб ўтирарди.

Халатини қийшиқ кийган, бошланг Пелагея Ивановна мен томонга пешвоз юрди.

— Доктор!— деди у хиёл хиркироқ овоз билан.— Худо ҳаққи, айб менда эмас! Ким билибди дейсиз? Ахир ўзингиз «зиёли» деб ёзибсиз-ку...

— Нима бўлди ўзи?

— Вой, нимасини айтай, доктор!— деди Пелагея Ивановна кафтларини бир-бирига уриб.— Бемор ўнта хинин дорисини бирваракайига ютиб юборипти! Ярим тунда.

Гира-шира ёриша бошлаган қиш тонги. Демян Лукич ошқозон найчасини йиғиштирмакда. Палатани кофур мойи ҳиди тутиб кетган. Ерда қўнғирранг суюқликка лим-лим тўлган тоғора турипти. Бирпасда чўпдек озиб, ранги докадек оқариб кетган тегирмончи каравотда оқ чойшабни иягигача ёпиб ётипти. Малла соқоли тиккайган. Мен унинг томирини ушлаб кўриб, ниҳоят таскин топдим: бемор ўлмайди.

— Хўш, қалайсиз?— деб сўрадим ундан.

— Кўз олдим зимзиё... О... оҳ...— заифона дўриллаган овоз билан жавоб қилди тегирмончи.

— Мен ҳам шу аҳволдаман!— дедим ғижиниб.

— Нима?— деди тегирмончи (унинг қулоғи ҳали ҳам яхши эшитмаётган эди).

— Қани, менга айтинг-чи,— деб бақирдим унинг қулоғига,— нега бундай қилдингиз?

У маъюс оҳангда ғижиниб жавоб қилди:

— Э... кунига биттадан дори ичиб сизлар билан пачакилашиб ўтираманми, деб ўйлаб, бира тўла ҳаммасини гумдон қилиб қўя қолувдим.


— Қандай жаҳолат!— деб юбордим мен.

— Латифал!— деди фелдшер заҳарханда қилиб.

«Э, йўқ... мен курашаман. Мен албатта... Мен...» Шу чоғ бутун тунни машаққатда бедор ўтказган вужудимни тотли уйқу ўз оғушига олди. Мен туш кўра бошладим. Тушимда зимзиё зулмат пардаси қатлам-қатлам бўлиб кўринармиш... бу қатламларда мен... қўлимда ё шамшир, ё стетоскоп билан... олға кетиб бораётганмишман... Жанг қилаётганмишман... овлоқ жойларда... Лекин ёлғиз эмасмишман... Лашкарим: оқ халатлар кийган Демян Лукич, Анна Николаевна, Пелагея Ивановналар мен билан елкамаелка туришиб, жанг қилишармиш. Ҳаммалари нуқул олға, фақат олға интилишармиш...

Уйқу — кўп ҳузурбахш нарса-да!

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ таржималари



\* \* \*

Сизларга оиламиз ва барча мухлисларингиз номидан раҳматлар айтмоқчиман! Биз ҳаммамиз жамланиб, Қуръони карим таржимасини бирга ўқиймиз. Ҳар бир сони келиши биланоқ оиламизда ана шундай ҳаяжонли, нузли дақиқалар бошланади, токи ўша сондаги парча ўқиб чиқилгунча ҳаммамизнинг дилимиз равшанлашиб ўтираемиз. Мутолаа ошна-ёр, дўстлар даврасида бўлганда ҳам худди шу тарзда давом этади, бир-бирларимизга меҳр-муҳаббат ортгандан ортади. Бунинг учун сизларга минг-минг раҳматлар айтаемиз! Маҳалламиз номидан ва оиламиздаги ўғил-қизларим — Мақсуда, Наргиза, Санобар, Бунёдбек ҳамда турмуш ўртоғим номидан ташаккур билдириб:

Худойберган АЛИМОВ,

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,  
Хонқа кўчасида яшовчи мухлисингиз





Жумакул Курбонов

## Амалий ишлар даври

Кейинги пайтларда Муборак номи тез-тез тилга туша бошлади. Бунинг сабаби бор. Мустақиллик йўлига ўтган жумҳуриятимиз ҳамма соҳада ўзини-ўзи таъминлаши зарур. Ривожланган саноат, замонавий техника билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо-сотик, тижорат, иқтисод — буларнинг ҳаммаси халқимиз маъмурчилиги учун қаратилади. Малакали ишчилар, ишбилармон, удабуррон деҳқонлар, билимдон, етук мутахассислар, юксак заковатли зиёлилар, фидойи илм-фан, ижод намоянадалари ўзимиздан чиқиши керак. Энди четдан мутахассис қақирамиз, деб бировнинг йўлига кўз тикиб ўтирадиган боқимонда замонлар ўтди.

Муборак тумани шу жиҳатдан ўзига хос жиҳатларга эга. Бугунги кунда маданий, фаровон турмуш кечириб, минглаб корхоналарнинг мўътадил ишлаб туриши учун энг оддийгина газ кераклиги ҳаммага маълум. Жумҳуриятимиз ҳудудидаги газ конларининг эшигини узоқ йиллар мобайнида ланг очиб қўйиб, сувтекинга бошқа ўлкаларга юборавериб, мана, охири танг аҳволга келай деб қолдик. Хайрият, вақтида эсимизни йиғиб, этагимизни ёпишга улгурдик. Жумладан, Муборакдаги бой газ запаслари, қазиланган нефть маҳсулотлари, энг аввало, ўзимизнинг эҳтиёжларимиз учун сарфланадиган бўлди. Ана шу табиий газ туфайли Муборак номى тилдан тушмай келади.

Ҳар бир ўлкадаги аҳолининг келажиги, фаровон турмуши, авлодларнинг келгусида яхши ҳаёт кечиринлари табиий иқлим шароитларига, ер-ости бойликларига, ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувига, ишчи кучларига боғлиқ. Буни ҳамма яхши билади. Муборак тумани ва шаҳарида ишлаб чиқариш ҳам, ҳаёт тарзи ҳам кўп жиҳатдан газ ва нефть саноати корхоналари тақдирига тутшиб кетган. Ҳозир бу ерда, айниқса, шаҳардаги аҳолининг кўпчилиги Муборак газни қайта ишлаш заводларида ҳамда «Муборакгаз» газ қазиб олиш бошқармасида, умуман газ саноати билан алоқадор корхона, ташкилот ва участкаларда меҳнат қилишаётир. Лекин, бутун бир тумандаги одамларнинг келажак тақдирини фақат ана шу корхоналар билан боғлаб қўйиш тўғри эмас. Чунки ҳисоб-китобларга кўра ҳозир бу ерда мавжуд бўлган нефть ва газ запаслари ўттиз-қирқ йилга етади, холос. Биз Газли шаҳри фожиасини унутмаслигимиз, келажак авлодлар тақдирини ўйлаб иш тутшимиз керак. Тўғриси, ҳозирга қадар ҳам бу ердаги табиий бойликлар халқимизга жуда кам манфаат бергани маълум. Шу ердан қазиб олинаётган ва қайта ишланаётган нефть ва газ ҳузурини мамлакат марказидаги шаҳарларнинг аҳолиси кўриб келгани сир эмас. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ижтимоий соҳада ҳам муайян шарт-шароит тўла мавжуд бўлиши шарт! Мен аввало барча соҳаларда белгиланган режаларни бажариш, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиш йўли одамларни яшаши ҳамда меҳнат қилишлари учун барча ғамхўрликларни яратиб қўйишга боғлиқ, деб биламан. Агар ҳар бир киши ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш жараёнида турмуш икир-чикирлари-ю, оддийгина қорин ташвишига доир муаммолардан холи бўлса, унинг меҳнати

аввало завқли, пировардида эса унумли бўлади. Демак, юксак меҳнат самарадорлигига эришиш аввало ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга боғлиқ. Меҳнат туфайли келаётган бойлик эса одамларга гамхўрликни йил сайин кучайтириб боришнинг моддий негизи ҳисобланади. У қанчалик мустаҳкам бўлса, барча соҳаларда иш кўламини шунчалик кенгайтириш мумкин. Мен раҳбар сифатида, ўзим туғилиб ўсган элнинг фарзанди, вакили сифатида ана шулар ҳақида кўп ўйлайман. Чунки бу элнинг меҳнати, қувонч ва ташвишлари, айниқса қишлоқ шароитига боғлиқ муаммолар ёшлиқдан менга яхши таниш. Шунинг учун ҳам раҳбар сифатида фаолият бошлаган дастлабки кунларимданоқ ана шу муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшишни, ноиблар, хўжаликларнинг ва туман ташкилотларининг раҳбарлари ҳамкорликда ишлаб, самарали йўлларни излаб топишни асосий вазифа қилиб қўйганман.

Тўғри, туманимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда «Муборакгаз» газ қазиб чиқариш бошқармаси маблағлари ҳисобига ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳақида ҳам жуда кўп гапирилар эди. Одамлар мазкур завод атроф муҳитга зарар етказётганидан ўринли шикоят қилишарди. Шунингдек, қишлоқларни газлаштириш, сув қувурлари келтириш, ижтимоий-маиший бинолари, йўллар ҳамда тураржой хоналари қурилишини сўраб юқори ташкилотларга такрор-такрор мурожаат этганлар. Лекин халқнинг ҳаққоний талабларини ҳеч ким эшитмади. Ниҳоят, биз тумандаги барча раҳбарлар ўзаро маслаҳатлашиб, амалий фаолиятга киришдик. 1990 йилнинг апрелида собиқ СССР Давлат газни қайта ишлаш концерни бошқарувининг раиси В. С. Черномирдин туманимизда бўлиб, газ корхоналарининг иши билан танишди. Ана шунда биз бу раҳбар олдига ҳақли талабларимизни кўндан-кўн қўйдик. Қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш газ санвати корхоналарининг бурчи эканлигини, мамлакатимиз учун жуда катта иқтисодий самара бераётган туман аҳолиси жуда ночор аҳволда яшаётганлигини исботлаб кўрсатдик. Очиғини айтганда, ана шу сўхбатлар ҳудудимизда туб бурилиш босқичини, амалий ишлар даврини бошлаб берди. 1990 йил 20 апрелда В. С. Черномирдин номига ёзилган хатда туманимиздаги 1,5 минг нафардан ортиқ аҳоли газ санвати корхоналарида меҳнат қилиб, белгиланган режаларни бажарсалар-да, ҳар жиҳатдан ночор аҳволда яшаётганликлари айтилган эди. Биз ушбу расмий мурожаатда қишлоқларни ичимлик сув ва газ билан таъминлаш, йўллар қуриш, ижтимоий ва маиший бино барпо этиш учун амалий ёрдам сўраган эдик. Жавоб мактубида талаб қилинган ишларни бажаришнинг аниқ дастури сўралди. Мутахассисларимиз мазкур туманни 1995 йилгача бўлган даврда ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини ишлаб чиқишди. Шунингдек, хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобига лойиҳа смета ҳужжатларини тузиш ишларини анча илгарироқ бошлаган эдик. Хуллас, тумандаги тўртта совхозга қарашли қишлоқларда ҳаммаси бўлиб 14 миллион 746 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш дастури тuzилди.

Албатта, «Союзгазпром»га қарашли ташкилотлардан тузган режаларимизнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада моддий ёрдам — пул ундириш осон кўчгани йўқ. 1990 йилнинг 3 сентябрида бу ташкилотдан хат олдик. Унда туманимиздаги қурилиш ишлари учун 9 миллион 663 минг сўм ажратилганлиги айтилган эди. Биз тузган режада аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида пахта тозалаш ҳамда фишт заводлари, «Хўжум» фабрикасининг филиали, Хўжамуборак қишлоғида кўприк қуриш, Қарлик қишлоғида спорт комплекси, Чориетим ҳамда Қитой қишлоқларида клуб қурилиши мўлжалланган эди. «Союзгазпром» раҳбарлари эса ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда йирик қурилишларни зиммасига олишни хоҳламади. Фақатгина ижтимоий-маиший бинолар учун пул ажратишди, холос. Улар маҳаллий аҳолини кўплаб иш билан таъминлаш имконини берадиган йирик қурилишлардан нега бош тортаётганлиги сабабини илғаб олиш қийин эмас. Эндиги вазифа ана шу маблағларни ўзлаштириб олишда қолган. Тўғриси айтганда, қўшимча йирик маблағлар йўқлиги учун қурилиш ташкилотларининг иш кўлами ниҳоятда тор эди.

Юқорида айтилганидек, ажратилган пуллари ҳар йили тўлиқ ўзлаштириш, қишлоқда қурилиш ишларини аниқ маромда олиб бориш чораларини кўраялмиз.

Хуллас, ҳозир белгиланган режаларимиз асосида туманимиздаги 26 та объектда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Сарик қишлоғида йирик магазин биноси қурилиши тугалланди. Муборак давлат хўжалигининг Кўҳнашаҳар, Туркман қишлоқларида, «Қарлик» давлат хўжалиги марказида магазинлар қурилиши давом этаёпти. Қарликда яна икки чойхона, Кўҳнашаҳарда йирик спорт зали, «Муборак» давлат хўжалигида замонавий ҳаммом, Чориетим қишлоғида 624 ўринли мактаб, «Қарлик» қишлоғидаги Бобур номли мактаб учун қўшимча синф хоналари қурилмоқда. Туманимиз қишлоқларидаги йўллар ниҳоятда қониқарсиз аҳволда эди. Бу, албатта, қишлоқ аҳли учун жуда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ жойларида 1 миллион 91 минг сўмлик йўл қурилиши ишлари бажарилишини режалаштирганмиз.

Қишлоқларни тоза ичимлик сув ҳамда табиий газ билан таъминланиши, очиғини айтганда, аҳолининг азалий орзуларидан биридир. Шунинг учун бу ҳаётий масалага

алоҳида ўрин бердик. Газлаштириш ишларини Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда газ қазиб бериш бошқармаси ўз зиммасига олди. «Қарлиқ» давлат хўжалиги қишлоқларига газ тармоқлари келтириляётир. Утган йилларда «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалигига қарашли қишлоқларга 22 километр газ қувури ўтказилди. Кўҳнашаҳар, Хўжамуборак, Сариқ, Қорабоғ қишлоқларига газ етказиш давом этмоқда. Шу йилнинг бошларида Қорабоғ ҳамда Сариқ қишлоқларига табиий газ юбориш мўлжалланган. Биз газлаштириш ишларини тезлаштириш учун Қарлиқ қишлоғида махсус қурилиш-созлаш бўлими ташкил қилдик. Лекин малакали мутахассислар, турли ноёб материаллар етишмаслиги туфайли ишлар бир қадар секин силжияпти. Ҳозиргача бу соҳага ажратилган пулдан 250 минг сўм ўзлаштирилди, холос. Туманимизнинг айрим хўжаликларидаги аҳоли манзиллари тарқоқ жойлашган. Биз ҳатто олис қишлоқларни ҳам табиий газ билан таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу қулайликдан ҳамма баҳраманд бўлиши керак. Ҳозир туман марказидан анча узоқ масофада жойлашган Туркман қишлоғига газ қувурлари олиб бориш учун лойиҳа-маблағ ҳужжатлари тахт қилиб қўйилди.

Келгуси йилда ва ундан кейин бажариладиган ишларнинг ҳам аниқ режаларини белгилаб чиқдик. Бу йили Сариқ қишлоғида 3 километр сув қувури тармоқлари ўтказиш, Хўжамуборак, Сариқ, Қорабоғ қишлоқларида ҳаммом қуриш мўлжалланган. Келгусида Муборак давлат хўжалиги ҳудудида нефть маҳсулотлари базаси, Қарлиқ ҳудудида пахта тозалаш заводи ҳамда вино заводи, шу хўжаликда шифохона, дорихона, ҳамда парҳез ошхонасини ўз ичига олган даволаш-соғломлаштириш маркази, қурилиш моллари дўкони, «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалигида йирик ичимлик сув ҳавзаси бунёд этилади. Бу ишнотларнинг лойиҳа-маблағ ҳужжатлари тахт қилинди. Муборак газни қайта ишлаш заводи Хўжамуборак қишлоғида бешта тураржой биноси қуриш учун 400 минг сўм пул ажратди. Бу биноларда шу ерда яшаётган завод ишчилари истиқомат қилишади. Кўриниб турибдики, белгиланган ижтимоий-иқтисодий режалар асосида кейинги йиллар ичида жуда катта кўламда ишлар амалга оширилди.

Хуллас, ҳозир қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, одамларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида жиддий ишлар даври бошланди. Биз шу ерда қазиб чиқариляётган ва қайта ишланаётган газ туфайли келяётган даромаддан, бошқача қилиб айтганда, ўз юртимиз бойликларидан, одамларни имкони борича тўлароқ баҳраманд қилиш чораларини кўраяпмиз.

Бозор иқтисодиёти шароити, жумҳуриятимизнинг мустақиллик йўлидаги қадамлари ҳар бир раҳбар олдиға янги вазифалар қўймоқда. Булардан энг муҳими келгусида барча аҳолини иш билан тўла таъминлаш, уларга барча зарур эҳтиёж молларини ўз вақтида етказиб беришдан иборатдир. Ҳозир республикамиздаги ҳар бир минтақада тайёрланаётган хом ашёни қайта ишлайдиган, табиий бойликлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ҳамда кичик корхоналар қурилишига кенг йўл очилди. Энди бу ёғи раҳбарнинг ишбилармонлиги, дадиллиги, ташаббускорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Биз замон талаблари даражасида боришга тинмай интиломқдамиз. Шу ниятда чет эллардаги корхоналар билан алоқа ўрнатишга киришдик. Бу-тадбир келажакда ишлаб чиқариш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш имконини беради.

Туманимиздаги нефть ҳамда газ конларининг ҳам заҳиралари ҳисобда. Йиллар ўтиши билан бу табиий бойликлар камайиб боради. Шуни инобатга олиб, бугунги одамларни ҳамда келажакдаги авлодларни иш ҳамда турли маҳсулотлар билан таъминлаш чораларини ҳозирдан ўйлашимиз зарур. Муборак давлат хўжалиги нефтни қайта ишлаш асосида бензин, керосин ва бошқа нефть маҳсулотлари олинадиган кичик корхона қуришни режалаштирган. Бу ерда жуда катта қадрига эга бўлган Кўкдумалоқ нефти қайта ишланади. Литвадаги йирик корхоналар билан алоқалар ўрнатдик. Улар ип йиғириш ҳамда терига замонавий асосда ишлов берадиган қўшма корхона қуришади. Қарлиқ қишлоқларидаги йирик корхоналар билан алоқа ўрнатдик. Улар гўштни қайта ишлайдиган, гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхона қуриб берадиган бўлишиди. Бухороликлар Греция билан ҳамкорликда жунни қайта ишлай бошлади-лар. Унинг филиали келгусида туманимизда бунёд этилади.

Туманимиз кўп тармоқли хўжаликлардан ташкил топган. Кейинги йилларда барча соҳаларни баравар юксалтириш чораларини кўрмоқдамиз. Пахтачилик ва чорвачилик иқтисодиётиимизнинг асосини ташкил қилади. Хўжаликларда қоракўлчиликни ривожлантириш учун ҳам ҳар жиҳатдан имкониятлар мавжуд. «Муборак» давлат наслчилик заводи «Жакет» навли қора қоракўл терилар етиштириш борасида жумҳуриятимизда муносиб ўрин эгаллаган. Хўжалик раҳбарларининг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги туфайли кейинги йилларда қоракўл териларининг сифати янада яхшиланди.

Деҳқончилик соҳасида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш асосий мақсади-мизга айланиб бормоқда. 1991 йилда пахта майдонлари аввалги йилдагига нисбатан минг гектар камайтирилди. Ҳосилдорликни 22,6 центнерга етказиш ҳисобига давлатга 32 минг 107 тонна пахта топширилди. Бошқача қилиб айтганда, пахта майдони камайи-

рилган бўлса-да, пахта етиштириш қарийб 5 минг тонна кўпайди. Самарадорлик ошди. Биз бу йўлни изчил ривожлантирамиз. Пахта майдонларини янада қисқартириш ҳисоби-га бу йил ғалла экиладиган ерларни икки баравар кўпайтирдик. Келгуси йилда сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат экинлари майдонлари ҳам кескин ошади. Утган йили 300 гектар майдонда боғ барпо этилди. Боғдорчилик ҳамда узумчиликка ихтисослаштирилган 6 — «а» давлат хўжалиги қайтадан ташкил этилди.

Илгарилари раҳбар кадрлар юқоридан тайинлаб қўйиларди. Ҳозир бу самарасиз йўлдан воз кечдик ва асосан меҳнат жамоалари тавсияси, сайловига таяниб иш тутадиган бўлдик. Бунда асосий эътибор ишбилармон, қуйи бўғинларда ишлаб чиниққан, ҳар бир янгиликни амалда қўллай оладиган, халқнинг ишончини қозонган малакали кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга қаратиляпти. Бу — мустақил жумҳуриятимиздаги кадрлар сиёсатининг асосини ташкил этади деб ўйлайман.

Бугун қуруқ сўзлар, ёлғон ваъдалару дўқ-пўписа билан раҳбарлик қилиш даври ўтди. Одамлар ҳам ўзгарди, ҳар куни кўзи очилиб, сиёсий онги юксалиб бормоқда. Улар бошлиқнинг сўзига, савлатига қараб эмас, амалий ишига қараб баҳо беришади. Энди кўпчиликни алдаб ёки кўрқитиб бўлмайди. Шу жиҳатдан, туман хўжаликларига ишлаётган Ҳ. Оқмаматов, М. Йўлдошев, М. Олтибоев, Э. Тойиров каби раҳбарларнинг иш юритиш йўсини одамларга маъқул бўлаётганини алоҳида таъкидлагим келади. Улар сўз билан иш бирлигига эриша олганларидан ҳаммамиз мамнунмиз. Бу ишбилармон одамларнинг ташаббуси билан қадимги мойжувоз ва тегирмонлар, хумдонлар ишга туширилаётгани меҳнат аҳлини ниҳоятда хурсанд қилди.


Жумҳурият мустақиллиги халқимизнинг унутилаётган миллий ва маданий қадриятлари уйғониши ва тикланиши демакдир. Кейинги йилларда қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, маданиятимиз кадр топмоқда. Утмишда жаҳон фани, адабиёти, маданияти ҳамда санъатига буюк ҳисса қўшган боболаримизнинг табаррук номлари эъзозланмоқда. Уларнинг ҳаёти, фаолияти кенг ўрганилмоқда. Биз туманимиз буюк ипак йўли ўтган тарихий минтақада жойлашганлиги билан фахрланамиз. Тарихий обидаларимиз қадимий халқларнинг буюк дўстлиги ва ҳамкорлиги воситаси бўлган ипак йўли нишонларидир. Ҳозир туман ҳудудидаги мавжуд иккита сардоба тозаланди ва таъмирланиб, обод қилиняпти. А. Султон номидаги давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган сардоба қошида «Сардоба» чойхонаси бунёд этиляпти. Утмишда қишлоқларимизда карвонсаройлар бўлган. Улар олис юртларга отланган йўловчилар ҳордиғи учун қулай маскан эди. Ана шу тарихий анъаналар асосида бир неча чойхона-меҳмонхоналар бунёд этиляпти. Биз яшаётган тупроқ бағрида, халқимизнинг олис ўтмиши, тарихи замирида ҳали жуда кўп сирлар пинҳондир. Тарихий манбалар туманимизда буюк инсонлар яшаб ўтганлигидан далолат беради. «Темурнома» китобида қайд этилганига кўра, буюк жаҳонгир Амир Темур туғилган жой шу ерда деб тахмин қилинмоқда. Буюк бобомиз Кўҳнашаҳар қишлоғида Занжирсарой қалъасида туғилиб, ёшлик йилларини шу ерда ўтказган. Ҳозир Занжирсарой обидалари муаззам турибди. Ибн Абдулла Хўжа Муборак (Марвозий) Хўжамуборак қишлоғида яшаган ва шу ерда дафн этилган. Имом Термизий, Имом Бухорий билан бир даврда яшаган бу буюк алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Биз ана шу икки буюк ватандошларимизнинг фаолиятини нуфузли олимлар, илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда тадқиқ этишга киришдик. Ҳозирда «Темурнома»нинг форс ва ўзбекча нусхалари топилди. Ибн Абдулла Муборак ҳақидаги ёзма маълумотлар кўлимизда бор. Ана шу буюк тарихий шахслар меросини тадқиқ қилишда ҳамюртимиз, заҳматкаш олим Поён Равшановнинг хизмати катта.

Мен хўжаликларда қилинаётган эзгу ишлар ва режалар ҳақида кўпроқ тўхталдим. Туманимизда ўзига хос муаммолар, ташвишлар ҳам кўп. Албатта, иқтисодий ҳаётдаги қийинчиликлар, ҳар хил англашилмовчиликлар олдимизда турган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилади. Булардан ҳеч қачон кўз юмиб бўлмайди. Лекин халққа сунган, унинг барча ташвиш ва қувончларига шерик бўлган ҳолда ҳар қандай оғир мушкулотни ҳам осонгина ечиш мумкин. Мен ана шу ақидага қаттиқ амал қиламан. Одамларнинг дилида келажакка ишонч уйғотаётганимни сезсам, чеҳрасида хурсандлик, ўз ишидан, ҳаёт тарзидан, рўзгоридан мамнунлик ифодасини кўрсам, теримга сиғмай қувонаман. Дунёда атрофингдаги кишиларнинг бахтини, қувончини кўриб яшашдан ортиқ бахт борми?

---

Жумақул Файзуллаевич Қурбонов 1955 йилда туғилган. 1981 йилда Тошкент Давлат Дорилфунининг филология куллийтини тугатган. Меҳнат фаолияти даврида киномеханик, оператор, қурувчи, Тошкент авиация заводида ишчи, «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномасида адабий ходим, Муборак шаҳар партия қўмитасининг мафкура бўлими мудирини, мафкура котиби, биринчи котиб лавозимларида ишлаган. Яқинда Муборак ноҳияси ҳокимлигига сайланди.

---



## Сабоқ

Ҳар бир инсон ким бўлишидан ва қайси касбнинг этагини тутганидан қатъий назар, аввало, сулоласининг, қолаверса, халқининг тарихини билиши лозим. Шу кеча-кундузда жумҳурият рўзнома ва ойномаларида эълон қилинаётган, турли майда корхоналар томонидан чоп этилаётган тарихий асарларнинг қўлма-қўл бўлаётгани халқимизда тарих туйғусининг сўнмаганидан дарак беради. Олис ва яқин тарихимизга бўлган қизиқишнинг эса кундан-кунга ўт олаётгани кишини қувонтирмай қўймайди.

Мен сеvimли ойноманинг 1-сонида босилган муҳтарам Нуриддин Муҳитдиновнинг Усмон Юсупов тўғрисидаги асарини жуда катта иштиёқ билан мутолаа қилиб, машҳур давлат арбобининг кўзи ва қалби оша тарихимизнинг мушкул даврларини ва шу даврларда яшаган нурли сиймонинг ҳаёт йўлини назардан ўтказдим.

Тақдир Усмон Юсуповга тоталитар тузумнинг энг қутурган йилларида Ўзбекистонга раҳбарлик қилиш, шу даврда эришилган ютуқларга шерик бўлиш ва шу даврда юз берган кулфатларга жавоб бериш масъулиятини юклади. Шунинг учун ҳам бу зот абадий уйқуга кетганидан сўнг ҳам унинг саркотиблик фаолиятига, хусусан, қатағон этилган давлат ва партия раҳбарлари, фан ва маданият арбобларининг фожиали қисматига бўлган муносабатига, алоқасига қайта-қайта назар ташланмоқда; кимдир унга маломат тошларини отса, кимдир уни ҳимоя этмоқда.

Ана шу жиҳатдан ёндошганда, муаллифнинг Усмон Юсупов драматик ҳаётига, чунончи, унинг қатағон йилларида тутган мавқеига муносабати кўп нарсаларга аниқлик киритгандек бўлади. Лекин шу билан бирга унинг Берия билан яқин алоқада бўлганлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари, ўйлайманки, янги шубҳаларни келтириб чиқаради.

Усмон Юсупов мустақил давлатнинг раҳбари эмас, балки мустамлака халқининг сардори эди. Унинг ихтиёрида қанчалик катта куч бўлмасин, амалда бу кучни унинг ўзи эмас, балки Москвадаги мустамлакачи раҳбарлар идора этар эдилар. Тоталитар тузумнинг ўз таъсиридан четда турган кичик давлатларга нисбатан фойдаланадиган ибораси билан айтсак, у қўғирчоқ давлатнинг раҳбари эди. У ана шу мавқеда нафақат Сталин, ҳатто Берия билан ҳам тил топишга мажбур эди. Агар у Берия билан яқин алоқада бўлмаганида унинг кавуши аллақачон тўғрилаб қўйилган бўларди.

Усмон Юсупов 1937 йилнинг 26 сентябрида Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланган бўлса, шу масъулиятли лавозимни 1950 йилнинг апрелига қадар эгаллаб турди. Шу вақт давомида у машъум «учлик»нинг бири сифатида кўплаб бегуноҳ одамларнинг қамоққа олиниши ва маҳв этилишида иштирок этди. Унинг бу борадаги гуноҳлари кейинчалик аниқ ҳужжатлар асосида исбот қилиниши мумкин.

Лекин мен ҳозир бошқа бир маълумотни муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчиман. Аввало шуни айтишим керакки, Комил Икромовнинг отаси тўғрисидаги китоби ва марказий матбуотда эълон қилган мақолаларида ҳам, Сталин зиндонларидан омон чиққан бошқа муаллифларнинг чиқишларида ҳам Усмон Юсупов гарданига кечириб бўлмас гуноҳлар юкланган. Аммо ҳужжатлар шу нарсадан шаҳодат берадики, Усмон Юсупов ҳали саркотиб сифатида ярим йил ишламай туриб, Ички ишлар халқ комиссариатининг Ўзбекистондаги бошлиғи Апросян топшириғи билан «Хавфли» деган агентура операцияси амалга оширила бошлади. Бу операция иштирокчилари янги саркотибни бадном қилишга қаратилган материалларни зудлик билан тўплашга киришганлар. Уша йилларда Усмон Юсуповни ўз латофати билан мафтун этган бир аёл, шунингдек яна бир неча партия ва маданият арбоблари ИИХК сиқуви билан ўз дўстлари ва раҳбарларига қарши маълумот етказиб турганлар. Бу маълумотлар икки-уч жилдни ташкил этиб, сиртмоқ сингари Усмон Юсупов боши атрофида кун сайин таранг тортилиб борган.

Агар Усмон Юсупов ўз фаолиятининг дастлабки давларида ноқ Сталиннинг ишончини қозонмаганида ўша 1938—1939 йиллардаёқ қамалган ва отиб ташланган бўларди.

У зукио давлат арбоби сифатида эҳтиёткор бўлиш лозимлигини билар, қама-қама пайтларида ИИХК назарига тушган ҳар бир кишини ҳимоя қилиш ўз-ўзини маҳв этиш билан баравар эканлигини тушунар эди. Шунинг учун ҳам у 1937 йил сентябридан кейин фақат Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Собир Абдулла сингари ёзувчиларнигина ҳимоя қила олди. Лекин у ўзбек халқининг ақл-идрокини, ор-номусини ташкил этган кишиларнинг қириб ташланиши халқ тақдирида катта фожиали роль ўйнаши мумкинлигини сезди. Шунинг учун ҳам у айниқса уруш йилларида фан, адабиёт ва санъат арбоблари устида, уларнинг маиший ва иқтисодий ҳаёти устида катта ғамхўрлик кўрсатди. Қатағон йиллари ўрнига ундан ҳам даҳшатли даврлар келиб, халқнинг ёшлиги ва келажаги бўлган йигитларнинг қирилиб кетаётганини кўрган саркотиб Сталинни Фарҳод ГЭСи ва Бекобод металлургия заводи қурилишини бошлашга кўндирди. Шу ғоят донолик билан топилган тадбир орқасида халқнинг қанчадан-қанча фарзандлари нақд ўлимдан омон қолдилар.

Агар диққат-эътибор билан кузатилса, 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошларида авж олган янги қатағон тўлиқини Ўзбекистонга етиб келганида, Усмон Юсупов «учлик»ка дахлдор бўлмаган бошқа лавозимни бажармоқда эди.

Мен бу мулоҳазаларим билан Усмон Юсуповни мутлақо оқламоқчи эмасман. Мен фақат у тушган шароитни тушунишни истайман, холос. Агар унинг ўрнида бошқа ундан кўра одилроқ раҳбар бўлганида ҳам ё марҳум саркотибдек тоталитар тузум билан муроса қилган, ё шу тузум томонидан мажақлаб ташланган бўларди.

Минг афсуслар бўлсинки, совет давлати тарихига бўлган қизиқиш олови гуркираб турган бир даврда тарихчиларимиз ўз олдларида кўндаланг турган вазифани бажаришга лаёқатсиз эканликларини кўрсатмоқдалар. Журналист ва ёзувчиларимиз эса тегишли архивлардан беҳабар бўлганлари учун тарихимизнинг мураккаб саҳифаларини ёритишда бир оз юзакиликка, бир томонлиликка йўл қўймоқдалар. Ана шундай бир вазиятда Н. Муҳитдинов сингари донишманд инсон, атоқли давлат арбоби ва етук қалам соҳибининг яқин тарих саҳифаларини бир-бир варақлаб ўтиши айна муддаодир.

Энди яна Усмон Юсупов шахсига қайтсак, Иззат Султоннинг маълумот беришига кўра, уруш йилларими ё урушдан кейинми, Усмон Юсупов билан ИИХКнинг Ўзбекистондаги раҳбари ўртасидан ола мушук ўтган экан. Ўз навбатида ҳақоратланган саркотиб ҳам Сталинга кўнғироқ қилиб, халқнинг энг яхши фарзандларини уйдирма айблар билан қамайвериш халқда норозилик уйғотиши мумкинлигини айтган экан. Шундан кейин уларнинг ҳар иккисини Москвага чақиритибди. Қозон вокзалида Усмон Юсуповни кутиб олган зобитлар уни тўғри Сталиннинг ҳузурига, шу поездда келган наркомни эса тўғри Лубянкага олиб борган эканлар.

Мен бу воқеанинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келиш-келмаслигини билмайман. Аммо, назаримда, Н. Муҳитдинов, И. Султонов сингари тоталитар тузумни четдан туриб эмас, балки ичдан кузатган кекса авлод вакиллари ўз хотираларини қоғозга туширишга шошилишлари зарур. Бундай маълумотлар туғилажак романнавислар учун асқотиши шубҳасиз. Агар ДХК ва бошқа турли-туман давлат идораларидаги нодир ҳужжатлар ҳам кулга айланмай, мутахассис тарихчилар, публицистлар ва ёзувчилар ихтиёрига ҳавола этилса, нур устига аъло нур бўларди. Зеро, бугунги ва кечаги кун ҳақидаги ҳақиқат қанчалик равшан бўлса, эртанги йўлимиз шунчалик равон бўлади.

Наим КАРИМОВ



Шухрат Умаров

## «Жарроҳлик»

### Масал

Ҳалқуми пок бир виждон эди,  
Дафъатан юз берди фалокат:  
Оёқ-қўли бенажот қолди,  
Кўзларини босди жароҳат.

Оёғига итнинг оёғин  
Тиркадилар жарроҳлар сўнгра,  
Қўл ўрнига ўғрининг қўлин,  
Боғладилар сўз демай унга...

Одам кўзин тополмай, сарсон,  
Мушукникин қўйдилар унга...  
Қушлар тўзди, қочди бемакон,  
Кўзлар яшил ёнаркан тунда.

Бир оёғин кўтарар секин,  
Қайда дарахт, экин, сув кўрса,  
Қўллар чўнтак қовлайди бетин,  
Қай одамда бойлик — пул кўрса...

Жарроҳларни сўқар аллаким,  
Кимдир йиғлар ғойибдан туриб:  
«Пок одамга ит ва мушукнинг  
Хулқ — атворин нетардинг бериб?!»

Тошкент

## Абдумўмин Саъдуллаев

### Бироз пастроқ тушинг...

Сиз бизни билмайсиз, билгингиз келмас,  
Лоақал назарга илгингиз келмас,  
Биз кулиб боқсак-да кулгингиз келмас,  
Бироз пастга тушинг, бошлиқ амаки!

Сизни хонангизда пойлар одамлар,  
Дардини кўнглига жойлар одамлар,  
«Ишим битармикин?» — ўйлар одамлар,  
Бироз пастга тушинг, бошлиқ амаки!

Тоқни тоққа уриб, жуфтлаб яшайсиз,  
Гоҳ майда чайнаб, гоҳ пуфлаб яшайсиз,  
Ҳалолми-ҳаромми — туфлаб яшайсиз,  
Бироз пастга тушинг, бошлиқ амаки!

Билмадим, намуноча керилдингиз кўп,  
Юқоридан қуйи сурилдингиз-ку,  
Амалдан тушдингиз — урилдингиз-ку,  
Бироз пастга тушинг, бошлиқ амаки!

Мансаб бу барчадан ўтажак экан,  
Кимки гумроҳ эрур — ютажак экан,  
Қочсанг-да, ҳақ бир кун тутажак экан, —  
Бироз пастга тушинг, бошлиқ амаки!

Деҳқонобод

**ИИЛЛАР, ВОҶЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР**

Анорбой Қуронбоев. Тавба ва тазарру . . . . .	3
Матёқуб Қўшжонов. Утмиш фожиаларидан бир лавҳа . . . . .	166
Матёқуб Абдуллаев. Шеърлар . . . . .	170

**НАЗМ**

Қутлибека. Соғинчнинг ўтли тили . . . . .	22
Жамол Сирожиiddин. Армонларга мағлуб бўлган орзуим . . . . .	24
Тўлан Низом. Чўлпон. Достон . . . . .	83
Иқбол. Юрак эрир қабоғимнинг ҳовучида . . . . .	111
Хосият Рустамова. Мен ботиб кетаман меҳр қаърига . . . . .	113

**НАСР**

Уткир Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. Роман . . . . .	26
Асқад Мўхтор. Фано ва бақо. Ҳикоя . . . . .	92
Суннатулла Анорбоев. Сталинчи бобо. Ҳикоя . . . . .	106
Иноятуллоҳ Канбу. Баҳори дониш ёхуд вафодор ва бевафо хотинлар ҳақида қисса . . . . .	132
Михаил Булгаков. Чичиковнинг саргузаштлари . . . . .	172

**МЕРОС**

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома . . . . .	115
---	-----

**МУШОИРА**

Оқдўшга айланса ҳақ руҳ заминида . . . . .	126
--	-----

**МАҚОЛАНАВИСЛИК**

Жумақул Қурбонов. Амалий ишлар даври . . . . .	185
--	-----

**АКС САДО**

Наим Каримов. Сабоқ . . . . .	189
-------------------------------	-----

**ГУЛҚАЙЧИ**

Шухрат Умаров, Абдумўмин Саъдуллаев. Шеърлар . . . . .	191
--	-----

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
№ 6

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении  
делами аппарата президента республики Узбекистан,  
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Навбатчи М. Аҳмедов

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Тертишга берилди 06.04.92 й. Босишга рухсат этилди 12.05.92 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 87893 нусха. Бююрт-ма 441. Обуна баҳоси 10 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.